

БАХТИЁР НАЗАРОВ, АБДУҒАФУР РАСУЛОВ,
ШОИРА АХМЕДОВА, ҚУРДОШ ҚАҲРАМОНОВ

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДИ ТАРИХИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БАХТИЁР НАЗАРОВ, АБДУҒАФУР РАСУЛОВ,
ШОИРА АХМЕДОВА, ҚУРДОШ ҚАҲРАМОНОВ

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДИ ТАРИХИ

Университетларнинг 5220100 – филология (ўзбек филологияси),
педагогика институтларининг - ўзбек тили ва адабиёти йўналиши учун

Д А Р С Л И К

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
университетлар ва педагогика олий ўқув юртларининг филология
факультетлари учун дарслик сифатида тавсия этган.

Тошкент
«Tafakkur qanoti»
2012

Масъул мухаррирлар:

филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаев
филология фанлари доктори Баҳодир Каримов

Такризчилар:

филология фанлари доктори, профессор Б.Тўхлиев
филология фанлари номзоди, доцент Т.Қаххор

Ўзбек адабий танкиди тарихи:

Университетларнинг 5220100 – филология (Ўзбек филологияси), педагогика институтларининг – Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши учун дарслик/ Б. Назаров (ва бошқ.); масъул мухаррир Т. Мирзаев, Б. Каримов; Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Тошкент: Tafakkur qanoti, 2012 – 396 б.

Назаров, Бахтиёр,

Расулов, Абдуғафур,

Ахмедова, Шоира,

Қахрамонов, Курдош

УДК: 811.512.133

БББ 83(5Ў)

Дарслик ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва Адабиёт инсти-тути, Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро Давлат университети Тошкент Давлат педагогика университети олимлари ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги талаби ва шартномасига мувофиқ яратилди. Унда Ўзбек адабий танкидининг фан ва санъат сифатидаги эстетик моҳияти, пайдо бўлиши, шаклланиши ва тараққиёт тарихининг ўзига хос тамойиллари босқичма-босқич ўрганилиб умумлаштирилган. Ўзбек адабий танкиди ривожига муносиб ҳисса қўшган катор етакчи адабиётшунос-мунаққидлар илмий-иждоий фаолияти ёритилган. Шунингдек, адабий танкиднинг жанрий таркиби тасниф этилиб, тақриз, адабий-танкидий мақола, адабий портрет, танкидий-биографик очерк, эссе, адабий-танкидий мактуб, адабий суҳбат каби жанрлар таҳлил этилган. Ҳар бир мавзу режа, мавзунини мустаҳкамловчи саволлар, таянч тушунчалар ва мустақил ўқиш учун тавсия этилган адабиётлар рўйхати каби методик кўрсатмалар билан таъминланган.

Дарслик университетлар ва педагогика институтлари Ўзбек филологияси факультетининг талаба, магистр, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар, ўқитувчилар ва барча кизикувчиларга мўлжалланган.

Муаллифлардан

Юртимизда мустақиллик шабадалари эса бошланганига йигирма йил тўлди. Миллий истиклол мафкураси ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ўз акс-садосини берапти. Жумладан, адабиётшунослик, унинг таркибий қисми бўлган адабий танкид илми ҳам шу янгиликнинг мафкураси асосида ҳодисаларни қайта баҳолаш эъзига тобора теранлашиб бормоқда.

Олий ўқув юртларида адабиёт ўқитишни янгилаш масаласи ўз ечимини қутаётган энг долзарб муаммоларидан саналади. Маълумки, олий таълим тизимидаги адабий таълимнинг асосий йўналишларидан бири адабиётшунослик ва адабий танкид илмининг ўрганилишидир.

Дарсликларнинг янги авлодини яратиш давр талабидир. Шу маънода бугун адабий танкид тарихини бадиий ижоднинг барча масалалари билан, жамият ҳаёти, унинг моддий ва маънавий кадриятларни яратиш йўлидаги кураши билан боғлаб ўрганиш ва ўргатиш лозим.

Олий ўқув юртлари учун адабий танкид бўйича дарслик йўқлиги бу соҳани талабаларга пухта ўргатишни қийинлаштирмоқда. Шу боис адабий танкид тарихини миллий мафкура нуқтаи назаридан талабаларга етказиш мазкур дарсликнинг мундарижасини ташкил этади. Бунда адабий танкиднинг фан ва санъат уйғунлигидан иборат ижтимоий-эстетик ҳодиса эканлиги, Ўзбек адабий-танкидий тафаккурининг уйғониши, шаклланиши ва ривожланиш тарихи, адабий танкиднинг тараққиёт босқичлари ёритилади. Ўзбек адабий танкидининг ёрқин намоёндалари илмий-танкидий фаолиятларини ҳамда адабий танкиднинг жанрларини ўрганиш кўзда тутилади. Бинобарин, дарсликда XX аср Ўзбек адабий танкиди тарихини истиклол мафкураси асосида яхлит бир тизим сифатида ўрганишга эътибор қаратилган.

Дастлабки тажриба маҳсули бўлган дарслик камчиликлардан холи эмаслиги табиийдир. Шунинг учун уни мукамаллаштириш йўлидаги тақлифлар мамнуният билан қабул қилинади.

КИРИШ

БИРИНЧИ БЎЛИМ

АДАБИЙ ТАНКИД ФАН СИФАТИДА. УНИНГ ИЖТИМОЙ-ЭСТЕТИК МОХИЯТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

РЕЖА:

1. Адабий танкид илдизи, мохияти, лугавий ва истилоҳий маънолари.
2. Адабий танкид – адабиётшуносликнинг таркибий қисми: муштарак ва хос хусусиятлар. Танкиднинг фан ва санъатлик мохияти.
3. Адабий танкид методологияси.
4. Адабий танкиднинг бошқа фанлар билан муносабати.
5. "Ўзбек адабий танкид тарихи" фанининг мақсад ва вазифалари.

"Адабий танкид" илдизи, мохияти, лугавий ва истилоҳий маънолари. Адабий танкид илмда ўзига хос ҳодиса сифатида дастлаб Платон, Аристотель, Аристарх фаолиятларида антик замонда намоён бўлди. Аслини олганда, танкиднинг илк унсурлари халқ оғзаки ижодида бошланган. Ўтмишда бадиий асар ҳақида икки хил: оғзаки ва ёзма шаклларда фикр билдириб келинди. Илк бадиий асар яратувчиси халқ бўлганидек, уларга илк муносабат билдирувчи ҳам халқнинг ўзидир.

Ҳаётнинг барча жабҳалари, жумладан, кишиларнинг табиий офатга қарши курашдаги жасоратини, муайян мақсад йўлидаги интилишлари, қаҳрамонлик, фазилатлари ва ранг-баранг руҳий ҳолатларини ифода этувчи асарлар майдонга келиши ва халқнинг бу асарларга уларда тасвирланган воқеа-ҳодисаларга муносабати, баҳоси, маъқуллаши, ёки инкор этиши, улардан завқланиши ёки аксинча қониқмаслиги табиий эди. Адабий танкиднинг пайдо бўлишида мана шу табиий жараён ётади.

Демак, бадиий асар пайдо бўлиши билан унга баҳо берилиши (қанчалик оддий бўлишидан қатъи назар) замиридаги эстетик узв адабий танкиднинг дунёга келишини тақозо этади. Бундай ҳол умум жаҳон микросидаги адабий танкидий тафаккурнинг пайдо бўлиши учун умумий қонуният саналади. Шу тарика адабий танкиднинг илк намуналари фольклор асарини яратувчилар ҳамда уни тингловчилар тоифасига учун мансубдир дейиш мумкин. Шундай ҳолат ўзимизнинг бахшилар ва улар ижросидаги асарларни тингловчилар учун ҳам хос бўлган. Бу ҳол адабий танкид ҳодисасининг қадимийлигидан гувоҳлик беради, албатта. Жумладан, Фозил Йўлдош ўғлидан "Санобар", "Фарход ва Ширин"

дostonларини тинглаган халқ бахшига ўз таассуротларини билдиргани ҳақидаги маълумотлар фикримизни тасдиқлайди.

Йиллар, даврлар оша ёзма адабиёт билан параллел равишда гоҳ унинг таркибида, гоҳ унга алоҳида муносабат тарзида ёзма адабий- танкидий фикрлар юзага келди ва шаклланиб борди. Бора-бора у жамият ва адабиёт ривожига мустақил ва мустаҳкам мавқега эга бўлди. Бинобарин, танкид деганда биз нимани тушунамиз?

Арабий лугатларнинг шаҳодат беришича, "нақд" сўзининг бош маъноси -"сараламок", яъни яхшини ёмондан ёки асли сохтадан ажратиш демакдир. "Нақада" ўзагидан келиб чиққан танкид истилоҳи муҳокама қилмок, текширмок, ўрганмок, ниманингдир ҳаққонийлиги ва тўғрилигини исботламок, ютук ва камчиликларини аниқлаш, бадиий асарни баҳолаш, изоҳлаш каби маъноларни ифодалайди.

Маълумки, Шарқ мумтоз поэтикаси анъанавий илми қофия, илми аруз, илми бадеъдан таркиб топган эди. Танкид ҳам ана шу учлик ичида бўлган. Вазн, қофия, ифода, тасвир, баёндаги гализликлар уни яхши тушунувчилар томонидан безътибор қолмаган. Бадиий асардаги камчиликни кўрсатадиган "илми нақд" тарзида анъана қасб эта борган. Бирок бошда у дастлаб илми аруз, илми қофия, илми бадеъда ҳар бирининг ўзиде нақд қисми сифатида мавжуд бўлган.

XIII асрнинг йирик адабиётшуноси Шамсиддин Мухаммад бинни Қайс Розий "Ал- Мўжам" китобида илми нақдни алоҳида фасл қилиб ажратган. Олим бу илмнинг аҳамияти, вазифалари ҳақида ҳам махсус фикр юритади.

1483 йили Алишер Навоий ҳомийлигида битилган Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "Бадойиъ ус-саноеъ" асарида ҳам бадиий асар қамчилиги муаммоси алоҳида бобда баён этилган. Алишер Навоий замондоши Ҳусайн Вонз Кошифийнинг "Бадойиъ ул афкор фи санойиъ ул ашъор" китоби ҳам Шарқ танкид илми тарихини ёритиш учун муҳим манба ҳисобланади. Бу асарнинг бадиий санъатга бағишланган анъанавий китоблардан фарқи шундаки, унинг биринчи боби бадиий санъатлар, иккинчи боби илми нақд, яъни адабий танкидга бағишланган. Кошифий бу адабий илмни янада мукаммаллаштирди, китобда нақднинг лугавий ва истилоҳий маъноси, бу адабий илмнинг вазифалари аниқ таърифланган: "Назм айтмак баёнидаким уни нақд илми дерлар ва адабий илмларнинг бири деб билурлар ва нақд лугатда "сараламок" ва "соф" тангани қалбаки тангадан ажратмок дегани. Истилоҳда энг яхши шеърни ёмондан ажратиш ва уларни ўзаро фарқлаш илмидан иборат ва бу илмни шунинг учун нақд деганларки, танга наққоди (сараловчи) қалбаки тангалар орасидаги ҳақиқий тангани ажратса, бу илм соҳиби (танкидчи) ҳам покиза ва беайб суҳанини ношоиста ва айблик суҳанлар орасидан саралаб айтиши керак. Ҳар ҳолда қимми шеър айбларидан оғох бўлмаса, унга беайб шеърни

намуна килиб кўрсатиши лозим"¹. Кўриниб турибдики, олимнинг адабий танкид олдида қўйган талаби ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Юнон тилидаги "critique" сўзи билан ифодаланган (уни русларда илк бор Кантемир 1799 йилда "критик" шаклида таомилга киритган) танкид, В.Г.Белинский талкинчи, "хукм қилмоқ", кенг маънода эса, мулоҳаза билдирмоқ, фикр юритмоқ маъноларида қўлланган. Шу сабабли танкид фақат санъат ва адабиёт асарларигагина хос бўлмай, турли фанларга, жумладан, тарих, ахлоқ ва бошқа соҳаларга ҳам тааллуқлидир. Демак, танкид тушунчаси доирасининг кенглиги унинг ҳаётдаги барча ҳодиса воқеаларга тегишли эканини кўрсатади. Шу жиҳатдан танкид ҳаётнинг қайси бир соҳасига тегишли бўлса, ўша жаба номи билан ҳам аталиши аъъанавийдир (масалан, ижтимоий танкид, иқтисодий танкид каби).

Рус ва Европадаги катор халқларда реалистик адабий танкиднинг санъат ва фан синтезидан иборат ҳолда шакллана бошлаши XVII аср охири ва XVIII аср бошларига тўғри келади. Адабий танкид ҳаракатдаги эстетик тафаккур тарзида адабий жараён моҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш хусусиятини касб этган; ижтимоий-фалсафий эстетик қараш шаклида адабиёт ва жамият муносабатлари қай даражада инъикос топганини замон мафкураси призмасидан ўтказган ҳолда умумлаштириш санъати даражасига қўтарилган. Бинобарин, санъат қанчалик ички хилма-хилликка эга бўлса, танкид ҳам ўша соҳаларга тегишлилик касб этади. Бунга театр ва кино танкидини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бадий адабиёт муаммоларига дахлдор танкид адабий танкиддир. Чунки адабий танкиднинг кизикиш доирасини сўз санъати – бадий адабиёт ташкил этади. Ҳозирги тушунчамиздаги ўзбек адабий танкидининг шаклланиши ўзбек вақтли матбуотининг туғилиши ва ривож билан ҳамбарчас боғлиқдир. Вақтли матбуот адабиётга алоқадор бу янги соҳани тараккий эттиришга катта ҳисса қўшди. Нашр этилган бадий ва таржима асарларига вақтли матбуот саҳифаларида тақризлар берилди. Бу тақризлар адабий танкид учун кенг ва изчил шаклланиш йўлини очди.

XX аср бошларидаги ўзбек вақтли матбуоти саҳифаларида адабий танкид ҳақида, унинг аҳамияти, ижобий таъсири, умуман, адабиётнинг тараккийетидаги роли ҳақида қимматли мақолалар чоп этилди. Масалан, "Садои Туркистон" газетаси "танкид" истилоҳи ва унинг адабиётга кириб келаётгани ҳақида шундай маълумот беради: "Ушбу калима қўлимизда бўлгон луғат китобларининг баъзиларида бўлса ҳам баъзиларида йўқдир. Туркистон вилоятида истеъмол қилинадургон луғат китобларида бўлмаганлик тўғрисида бу "танкид калимаси бизнинг истилоҳ орасида янғидир". Газета танкид "Ахбори қабир" луғатида "алнокид" сўзига тўғри келиб "яхши нарсанинг орасидан ёмонини ажратиб чиқариб ташламоқ" маъносини билдириши, лекин эндиликда бу атамани татар матбуоти ва

адабиётда қўлланилаётган маъносида ишлатиш лозимлигини уқтиради. Мақола муаллифи Аҳлулло Ҳайбулло ўғли "танкид"нинг бу даврга келганда бутунлай янги маъно касб этишини айтиш билан бирга "бадий асарларга вақтли матбуот орқали баҳо бериш" деб ҳам тушунади ва шу маънидан келиб чиққан ҳолда асарларнинг ютуқ ҳамда камчиликларини кўрсатиши лозимлигини уқтиради. Унингча, "Танкид демак бир мусаннифнинг ёзиб майдони интишорга қўйган китобинда келишмагон ибораларни матбуот воситаси ила ёзиб кўрсатмоқ демакдир"². Аҳлулло бу билан адабиётнинг келгуси тараккийети бевосита вақтли матбуотга узвий боғлиқлигини уқтиради. Шу билан бирга у танкидчи одоб доирасидан чиқмаслигини ҳам алоҳида таъкидлайди. Эътибор берсангиз, бундан тахминан юз йил аввал ўзбек танкидчилигида илк бор танкидчи этикаси деган муҳим масалага ҳам диққат қаратилган. Муаллиф мақолада адабий танкиднинг рус, татар, озарбайжон вақтли матбуотида фаол кўринаётганлигини эътироф этади ва ўзбек танкидчиларини ҳам улардан ўрганишга даъват этади. Чиндан-да, илк ўзбек вақтли матбуоти адабий танкиднинг пайдо бўлиш омилларидан бирига айлана борди. Илк ўзбек вақтли матбуоти янги типдаги адабий танкиднинг шаклланишига асос солиш билан бирга унинг муҳим ижтимоий моҳиятига ҳам эътибор берди.

Адабий танкид адабиётшуносликнинг ўзига хос таркибий қисми: муштарак ва хос хусусиятлар. Ҳодисанинг моҳияти. Адабий танкиднинг хос хусусияти аниқ бадий асар ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш, уни баҳолаш бўлиб, унинг жамият ва инсон камолотидаги ўрнини белгилашдан иборат. Айни вақтда у адабий жараён тараккийетига жиддий таъсир кўрсатади. Адабиётшунослик уч таркибий қисмдан иборат: адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ва адабий танкид.

Адабиёт тарихи бадий адабиётни ретроспектив равишда, яъни "ортга назар ташлаб", ўтмишда кечган ҳодисаларнинг сабаб, оқибатларини текширади. Бошқача айтганда, адабиёт тарихи бадий адабиётнинг узок ёки яқин тарихга мансуб қисмини ўрганади. Адабиёт тарихи сўз санъатининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихини ҳам тадқиқ этади, умумлаштиради, бир халқнинг ва, умуман, кишлоқ жамиятининг тарихий тараккийетида бадий адабиётнинг роли ва аҳамиятини белгилайди.

Адабиёт назарияси сўз санъатининг моҳиятини, у ёки бу асар жанри, поэтикасини, шунингдек, таркибий қисмлари қонунияти, уларнинг сўз санъати такомиллидаги родини тадқиқ этади, бадий асарларни таҳлил қилиш тамойиллари ва уларга баҳо бериш меъёрларини белгилайди. Адабиёт назарияси ўтмиш ва бугунги кун адабий-тарихий жараёндан назарий хулосалар чиқаради, мавжуд тажрибалар асосида келажак адабиётининг назарий ҳоссаларни ҳақида башорат қилади.

¹ Султонмурод Олим. Танкид қадимий // Ўз АС. 1990. 25 май.

² Жалолов А., Узағабоев Х. Ўзбек маърифатпарварлик адабиёти тараккийетида вақтли матбуотнинг роли. Т. Фан. 1993. - Б. 83.

Адабий танқид асосан ҳаракатдаги адабий жараёни текширади, янги пайдо бўлаётган асарлар талқини воситасида тараққиёт тамойиллари ҳақида хулоса чиқаради, адабий жараёнга, янги мезонлар шаклланишига таъсир этади. Адабий танқид замонавий бадний асарларни халқ ҳаёти, унинг эстетик эҳтиёж ва талаблари жиҳатидан ўрганади, баҳолайди, фазилат, нуқсонларини аниқлайди, ёзувчиларнинг ижодий ўсишларига ва адабиётнинг равангига қўмаклашади. Кези келганда таъкидлаш жоизки, адабий танқидда тарихий функционал ёндашув тамойили бўлиб, у вақт-вақти билан ўтмишда яратилган бадний қадриятларга мурожаат этиб туради. Ҳар бир давр, инсонлардаги бадний-эстетик эҳтиёж инсоният яратган буюк асарларни ўқиб, уқиб, талқин қилиб, баҳолаб боришни такозо этади.

Бадний адабиётни адабий танқид ўрганади. Санъатнинг рассомлик, мусика, ҳайкалтарошлик, амалий санъат каби йўналишларини адабий-бадний танқид ўрганади. Журналистлар, санъатшунослар, кино театр шунослар адабий-бадний танқид соҳасини ўзлаштирадilar. Адабий ва адабий-бадний танқиднинг бетакрор хусусиятлари мавжуд.

Адабиётшуносликнинг таркибий қисмларининг ўзаро муштарак жиҳати шундаки, уларнинг ҳар учови ҳам эстетик идрокнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганади; улар халқ тарихи, халқ тили, халқ маданияти, фольклор ва халқ эстетик тасаввурларининг жонли тараққиёт тарихи негизда ривож топади. Кўп ҳолларда бир олим шахсида, айтилиқ, И.Султон ёки М.Қўшжоновларда, айни вақтда ҳам адабиётшунос, ҳам мунаққид фазилатлари мужассам топади.

Адабиётшуносликнинг уч таркибий қисми аро тафовутларга келганда шуни айтиш зарурки, айирмалар кўпроқ замон категорияси ҳамда объектга муносабатдаги фарқдан келиб чиқади. Бинобарин, адабий танқидни адабиётшуносликдан фарқлашга имкон берадиган эстетик хусусиятлар қуйидагилар:

Адабиёт тарихи асосан ўтмиш адабиётини, адабий танқид эса кўпроқ шу кунда яратилаётган асарларни, адабиёт назарияси эса ҳам ўтмиш, ҳам бугунда асарларнинг яратилиш қонуниятларини, асарни юзага келтирувчи тарқиб ва қисмларнинг сабабиятини ўрганади.

Адабиётшунос ва танқидчи орасида ҳам муайян фарқлар бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: 1) адабиётшунос, асосан, илмий тафаккур майдонида, танқидчи эса илмий-публицистик ва бадний тафаккурнинг муштарак майдонида ҳаракат қилади; 2) адабиётшунос фундаментал муаммо ва хулосалар устида, адабий танқидчи эса жонли адабий жараён устида сўз юритади; 3) адабиётшунос ўтмиш ва замонанинг муайян хулосаланган адабий жараёнига, адабий танқидчи эса, аниқ асарга ва кечаги асарларнинг бугунги адабий жараёнга таъсир кўрсата олувчи жиҳатларига кўпроқ урғу беради; 4) адабиётшунос яхши маънодаги

"академизм"га, билвосита фаолликка таянади, танқид эса замонавий, тезкор руҳдаги бевосита фаолликка, асосланади; 5) адабиётшунос мутахассислар ва соҳа талабларини назарда тутади, адабий танқидчи эса оммага қараб сўзлайди; шу куннинг эстетик талабларига алоҳида эътибор беради; 6) адабиётшунос эстетикани, адабий танқидчи эстетика билан бир қаторда адабиётшуносликнинг ўзини ҳам бойитади; 7) танқид хулосаларини тасдиқлаб ёки инкор этиб, адиб, асар, муаммолар ҳақида янги илмий қарашларни илгари суради ва ҳ.к.

Адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари ўзаро узвий боғланган бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради, бойитади. Шундай қилиб, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ва адабий танқиднинг максоди умумий, аммо предмети бир-бириникидан фарқ қилади.

Адабий танқид методологияси. Жаҳон адабиётшунослигида ҳар бир халқнинг танқид тарихига тааллуқли талай тадқиқотлар яратилганига қарамай, бу соҳада ҳамма адабиётлар учун маъқул ва манзур тушадиган муштарак методика ва методология хали майдонга келганича йўқ. Ҳозирча қўнчиликка манзур тушувчи асосий йўналишлардан бири танқид тарихини адабиёт тарихининг босқичлари билан алоқадорликда ўрганишдир. Бу йўналишнинг илмийлиги шундаки, у адабий-тарихий жараёнда адабиёт ва санъатнинг танқид билан узлуксиз ривожланишини назарда тутади.

Лекин айни вақтда адабий танқид тарихини фақат адабиёт тарихигагина боғлаб эмас, унинг ўз специфик хусусиятлари асосидаги тақомилига таяниб ўрганиш мумкин ва, ҳатто зарур эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Шунинг унутмаслик керакки, танқид тарихи адабиёт тарихини эътироф этишининг ўзидангина иборат бўлиб қолмаслиги лозим. Адабиёт ва санъат тарихида танқидга онд материал ёрдамчи манба вазифасини бажаргани каби, танқид тарихида ҳам адабиёт тарихига онд материал мурожаат этилувчи манба бўлиб хизмат қилади. Бу танқид тарихининг бадний адабиёт тарихи билан ҳамбарчас алоқасини ҳамда танқид тарихининг, нисбатан, мустикаллигини адабий танқидчиликнинг ривожини тайин этувчи шарт-шароитнинг ўзига хос хусусиятларини, албатта, эътиборга олмақ демакдир.

Адабиёт ҳаётни, жамиятни, воқеликни, инсон ҳаётини бадний акс эттириб, баркамол етук образлар яратиши лозим бўлса, танқиднинг вазифаси воқелик, кишилар ҳаёти, руҳияти ёзувчи томонидан нечоғли гўзал, ҳаққоний, янги тарзда акс эттиргани, ютук ва камчиликларининг туб сабабларини кўрсатишдан иборат.

Адабий танқиднинг вазифаси ва табиатидан келиб чиқувчи бу талаб танқидчининг бадний адабиётдан ташқари ҳаётни ҳам теран қузатиш ва чуқур билишга даъват этади. Бунда танқидчи таллаган таҳлил усуллари ва услубларининг ранг-баранглиги муҳим аҳамиятга молик. Зеро, танқидга онд асарнинг таъсирчанлик даражаси ва ўқимишлилиги аслида худди шу усул ва услуб жозибасига боғлиқ. Адабий танқид тажрибасида бадний

тахлилнинг социологик, структурал, киёсан (киёсий-тарихий, киёсий-типологик) таҳлил қилиш ва бошқа таҳлил шакллари учрайди. Танкидчи У.Норматов "Жаҳон адабиёти" журналида (2000 йил, март) ёш олим Р.Раҳмат билан, шунингдек, шу журналнинг 2008 йил март сонида Х.Болтабоев билан "Янги назарий тамойиллар" ҳақидаги суҳбатларида XX асрда Ғарб, жаҳон адабиётшунослигида ўнлаб илмий: киёсий ва психоаналитик, психологик ва интуитив, ритуал-мифологик, формалистик, онтологик, экзистенциалистик, герменевтик ва эстетик коммуникатив, неомарксистик ва фалсафий-структурал, постструктурал мактаб ва йўналишлар бўлганини айтиб, Абдулла Қодирий XX аср бошларидаёқ "Ёзувчи бўладурган ҳар бир киши адабиётдаги оқим ва мактабларни яхши билиб олиши керак"лигини таъкидлаганига эътиборни қаратади. Аммо, афсуски, ўзбек адабий танкидчилигида XX аср бошларидагина эмас, ундан кейин ҳам узок йиллар социологик таҳлил усули етакчилик қилиб келди.

Мустақилликдан сўнг ўзбек танкидчилиги жаҳон микёсидаги илғор мезонларни, услубий йўналишларни ўзлаштира бошлади. Иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, маданий-маърифий соҳалардаги ислохотлар жамият ҳаётидаги ўзгаришларни белгиловчи етакчи куч сифатида намоён бўлди.

Ижтимоий ҳаётда юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришлар янгича тафаккур тарзининг меваларидир. Шунинг алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳозирги шароитда янгича тафаккур тарзининг вужудга келишида **ШАХС**нинг роли жуда катта. Давлатимиз раҳбари, сиёсатчи, файласуф, ижодчи ва олимлар жамиятда вужудга келаётган янги типдаги концепциянинг бевоқиф ижодкорларидир. Ижтимоий ҳаётдаги ислохотлар илм-фан ва санъатда янгича концепциянинг юзага келишига омил бўлаётир. Замонавий тафаккур тарзига туртки берадиган илмий ва бадий изланишлар шаклланаётган янги типдаги методологик тамойилларнинг асосий принципларини ҳам кўрсатиб бермоқда. Мана шу жараёнда адабий танкид концепциясининг янгиланиши, энг аввало, янгича илмий тафаккурининг пайдо бўлиши билан боғлиқ тарзда кечаётир. «Янгича илмий тафаккур» тушунчаси кенг камровли бўлиб, мазкур соҳа, бир томондан, фалсафий, ижтимоий, мафкуравий, бадий-эстетик қонуниятлар билан алоқадор бўлса, бошқа тарафдан, адабиётшунослик илми концепциялари, талаб ва мезонлари асосида ўз фаолиятини янгилаш йўлидан боради. Албатта, «кайта қуриш ва ошқоралик», деб аталган нисбатан эркинрок паллага келиб, яъни 80-йилларда адабий танкидий тафаккурда янгиланиш рўй бера бошлади, бироқ, бу жараён ҳам силлиқ кечгани йўқ, мураккаблик ва зиддиятлар ўша йиллари эълон этилган тадқиқотларда у ёки бу тарзда ўз аксини топди. Бу ҳол, албатта, турлича шакл ва мазмунда намоён бўлди.

80-йиллар сўнггида юзага кела бошлаган янгича тафаккур тарзи адабий танкиднинг асосий тадқиқ объектларини, мавзу йўналишлари,

тадқиқ ва таҳлил мезонлари, тамойилларини белгилаб берди. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан сўнг бу ҳаракат изчил тус ола бошлади.

Адабий танкиднинг илмий-методологик асослари янгиланиши легенда, энг аввало фалсафий, илмий-назарий, бадий-эстетик, моддий-маънавий, психологик, ижтимоий-тарихий ва мафкуравий асослар назарда тутилади. Мазкур асосларнинг шўро давридагидан моҳият жиҳатдан янгиланиши—адабий танкид методологиясининг янгиланиши принципларидан бири сифатида характерлидир. Истиклол даври адабий танкидчилигини янгиланиш тамойиллари асосида тушуниш, билиш ва англашга интилиш устувор концепцияга айлана борди. Демак, танкидчилик ҳам туб моҳият эътибори билан дунёни, ҳаётни, инсонни англаш воситасидир. Мана шу жуфтлик — одам ва олам, замон ва макон, ҳаёт ва ўлим, шакл ва мазмун тушунчаларини фалсафий, илмий, адабий-эстетик жиҳатдан англаш ҳамда таҳлил ва талқин этиш, баҳолаш танкид тараккиётининг асосий гаровидир.

Маълумки, адабий танкиднинг фалсафий асосини билишнинг дунёқараш ва концепция билан боғлиқ бўлган умумий қонун ва категориялари, тамойил ва ёндашувлар, умумий илмий методлардан фойдаланиш жараёнлари ташкил этади. Аёнки, фалсафа фани табиат ва жамият, инсон, унинг моҳияти, тафаккури ва дунёқараш тараккиёти билан боғлиқ энг умумий қонуниятларни ўрганади. Шунга биноан, онтология, социология, гносеология, мантик, эстетика ва этика каби фанлар фалсафий билимлар доирасини ташкил этади. Файласуфлар эпитрофича, яъни ўтмишда фалсафанинг барча муаммоларига партиявийлик ва синфийлик мезонларидан туриб ёндашиш бу фанни ўта сиёсатлаштиришга, умуминсоний кадрият ва гоёлар, ҳулоса ва методологик тамойилларнинг ҳаёт воқелигидан узоклашишига сабаб бўлди.

Шўро назариётчилари марксча-ленинча таълимотни фалсафа, эстетика, этика, психология, адабиёт ва санъат қаторида адабий танкиднинг ҳам назарий асоси сифатида олган эди. Бу таълимотга кўра, адабий танкид гарчи илмий-эстетик ҳодиса, деб эътироф этилса-да, лекин коммунистик гоёвийлик унинг моҳиятини белгиловчи етакчи унсур сифатида талқин этиларди. Оқибатда коммунистик гоёвийлик синфий ва партиявий адабий тафаккурни бошқариб турувчи воситага айлантирилганди.

Синфийлик ва партиявийлик назариячилари адабиёт ва санъат раънақигагина эмас, танкид ривожига ҳам жуда катта зарар етказди: танкиднинг мақсад ва вазифалари тамоман ўзгартириб юборилди, бу соҳа гоёвий қурашнинг қуролига айлантирилди. Ҳатто эстетик ҳодисалар саналувчи умуминсоний тушунчалар: ижобийлик ёхуд салбийлик, гузаллик ва фоживийлик, маънавий баркамоллик каби қўплаб категориялар ҳам синфийлик мезонларига бўйсундирилди.

«Адабий-бадий танкиднинг синфийлиги, хусусий – бадний ижоднинг кўплаб (гарчи ҳаммасидан бўлмаса-да) турларидан фаркли ўлароқ, бевосита намоён бўлди. Ва, қоидага кўра – фаолиятининг табиатидан келиб чиқиб – мафкуравий англашилади. Синфий курашлар авжига чиққан даврларда танкиднинг партиявийлиги ёркин намоён бўлади. Қолаверса, кучли, аниқ максадни кўзлаган танкид адабий-бадий ҳаётдаги партиявийликнинг байроқдоридир. Илғор танкид ҳаётда ижтимоий, маънавий, эстетик янгиликларнинг пайдо бўлишига кўмаклашади, улар учун курашади. У, одатда, ўзининг синфийлигини, партиявийлигини яширмайди»³. Мана шундай қарашлар асосида фаолият юритиш шўро даври ўзбек танкидчилиги учун ҳам хос эди. «Ҳамма ижтимоий фанлардек, адабий танкид тарихи ҳам (агар у ҳақиқий фан бўлишни истаса), марксизм-ленинизмнинг инсоният жамияти, унинг ривожланиши қонуниятлари ҳақидаги, шу жумладан, жамият ҳаётида инсон онги ва унинг бадний ижоди маҳсулотлари роли ҳақидаги таълимотга асосланиши керак»⁴, – деб ҳисоблади.

Шунга қарамай, кўплаб истеъдодли танкидчилар ўша даврда ёзилган асарларни бадний-эстетик мезонлар асосида баҳолашга уринишди, бадний жиҳатдан бўш, саёз китобларга қарши курашишди. Бироқ ҳоқим мафкура адабий танкиднинг эркин фаолият юритишига, тараққий этишига тўсқинлик қилди. Баъзан истеъдодли танкидчилар ўз қобилиятларини бадний асарлар таҳлилига эмас, балки мафкуравий кураш майдонидаги олишувларга сарфлашга мажбур бўлдилар. Натижада йиллар давомида нафақат гоёвий, айни чоғда, ҳукмрон мафкура принципларига бўйсунган, уни ўзида ифодалаган ва тарғиб қилган адабий танкидчилик замонга мос шаклланди. Табиийки, бу танкид ўзининг методологик асосларини ишлаб чиқди ва адабий жараёнга татбиқ этди.

Истиклол давр ўзбек танкидчилигига хос янгилашни, дунё адабиётшунослигига мурожаат этиш – бу ҳол муҳим тамойиллардан бирига айланиб бормоқда. Хўш, бу жараён қандай амалга ошмоқда? Адабий танкиддаги янгилашни нималарда ва қандай намоён бўлмоқда? Бадний асар талқинида ва ёндашувларда қандай сифат ўзгаришлари юз кўрсатмоқда? Масалага шу нуқтаи назардан қаралса, кўплаб янгилашнилар кўзга ташланади. Чунончи, бу давр танкидчилигида, худди фалсафадаги каби, бадний асар талқинида ҳаёт бирламчи, адабиёт иккиламчи, деган материалистик қарашдан воз кечилиб, энг аввало, одамни поэтик кашф қилиш, одам орқали оламни англашга интилиш тамойили устувор мавқега кўтарилди. Талқинда диалектик хурфидрилиқ, яъни турлича фалсафий билимлар асосида ёндашиш кучайиб бормоқда. Жумладан, онтологик, гносеологик, экзистенциалистик, биографик қарашлар асосида ёндашиш

асар талқинида ранг-барангликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу каби янгилашнилар олимлар томонидан адабиёт илми ютуқлари сифатида талқин этилмоқда. Фалсафада «онтология» борлиқ, одам ва олам тушунчаларини англашда ва фақат моддий борлиқни эмас, балки маънавий дунёнинг ҳам мангу барҳаётлигини ифодалайди. Маълумки, борлиқ моддий ва маънавий оламдан ташкил топган бўлиб, унинг «мангу барҳаёт»лиги, боқийлиги «йўқлик»нинг муқобили, зиди сифатида намоён бўлади. Улар ўртасидаги азалий ва мангу зидлик ҳамда боғлиқлик муносабатлари бу тушунчанинг абадийлиги гаровидир.

Адабий танкид эътибор қаратган яна бир долзарб муаммо – бу XX аср ўзбек адабиётини қайта баҳолаш масаласидир. Бу борада қисқа, лекин шиддатли кечган баҳс-мунозаралардан кейин адабий танкид маданий меросимизга уни бир бутун миллий кадрият сифатида баҳолаш тамойили асосида ёндашмоқда.

XX аср ўзбек адабиёти салафлари, жумладан, Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Ғ.Ғулом, Ойбек, А.Қаҳҳор, Миртемир, М.Шайхзодадек атоқли ижодкорлар ҳаёти ва ижодини, умуман, улар мансуб бўлган давр адабиётини қайта ҳолис баҳолаш ҳамда улар қолдирган бой адабий меросга кадриятлар силсиласи сифатида ёндашув адабий танкид методологиясининг муҳим тамойилларидан бирига айланиб бормоқда. Умуман олганда эса, кейинги йиллар адабиётшунослиги ва танкидчилигида, айниқса, XX аср ўзбек адабиётини бугунги янгилаётган тафаккур, янгича илмий концепция ва методологик тамойиллар асосида қайта баҳолаш, ундан бугунги кун учун зарур ҳулосалар чиқариш асосий тамойиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Адабий танкиддаги яна бир муҳим муаммо адабий жараён билан узвий боғлиқ бўлиб, бу яратилаётган бадний адабиёт намуналарига муносабат масаласидир. Бадний асарни янгича тамойиллар асосида таҳлил ва талқин қилиш, биринчи гада, унга бадний-эстетик ҳодиса сифатида ёндашув кун тартибидagi асосий масалалардан бири саналади. Бу адабий танкиднинг ҳам назарий, ҳам амалий фаолиятига алоқадор масалалардан биридир. Айни шу масалада ҳам баҳс-мунозаралар, жиддий изланишлар кечмоқда. Бадний асарда инсон концепцияси, адабиётнинг эстетик ва ижтимоийлик тамойиллари хусусидаги баҳслар шулар жумласидандир. Бадний асарга соф эстетик ҳодиса сифатида ёндашиб, ундаги ижтимоийликни инкор қилувчилар ҳам, аксинча, ижтимоийликни бутунлай инкор қилиб бўлмаслигини ёқловчилар ҳам ўз қарашларини асослашга уринишмоқда. Бу борадаги мунозараларнинг ечими бевосита адабий танкиднинг амалий фаолияти билан боғлиқдир. Шу боис, адабий танкид фаолиятидаги иккинчи муҳим йўналишни амалиёт ташкил этади. Чоп этилаётган адабий-танкидий материаллар амалиёт натижаси бўлиб, улар асосида таҳлил йўналишлари, усуллари хусусида қузатишлар олиб бориш, муайян ҳулосалар чиқариш мумкин.

³ Баранов В.И., Бочаров А.Г., Суворов Ю.Н. Литературно-художественная критика. - М.: Высшая школа. 1982. - С.12

⁴ Ўзбек совет адабий танкиди тарихи. 2 томлик. - Тошкент: Фан, 1987. 1 том. - Б.10

Адабий танкиднинг сўнги даврида бадий асарга герменевтик ёндашув ҳам кучайиб бормокда. Поэтик матнни талкин ва таҳлил этиш Шарқ танкидчилиги, хусусан, ўзбек танкидчилиги учун ҳам бегона эмас. XIX асрга келиб, талкин муаммосига алоҳида эътибор берган Европа уни "герменевтика" атамаси остида ривожлантирди. У қадимий адабий ёдгорликларни тушуниб, маъносига этиб талкин этишнинг махсус усули сифатида намоён бўлди. "Гарчи жуда кўп ўзбек адабиётшунослари герменевтиканинг қайсидир принципларини ўз илмий фаолиятларида қўлласалар ҳам, ўша фикрлаш тарзи, гипотезалари, таққослари, ҳукм ва ҳулоса чиқариш усулларининг қайсидир жиҳати герменевтик тафаккурга дахлдорлигини ҳаёлларида ҳам келтирмайдилар. Чунки биз яқингача диалектик материализм фалсафасидаги гносеология – билиш назариясини чуқур ўрганганимиз ҳолда герменевтика–матн талкини таълимотининг жаҳон илм-фанидаги атамасидан ҳам аксар ҳолатларда беҳабар қолдик"⁵. Герменевтика атамаси "тушунтириш", "талкин қилиш" деган маъноларни билдиради. Унинг айрим йўналишлари қадимги Грецияда юзага келган. Шарқ адабий-танкидий тафаккурида бу атама қўлланмаган бўлса-да, унинг моҳиятига муносиб йўсинда фикрлаш тарзи Маҳмуд Қошғарий даврларидаёқ мавжуд бўлган.

"Герменевтика" юнонча сўздан пайдо бўлиб, "тушунтирмаман, "талкин қиламан" деган маънони англатган. Қадимги юнон мифологиясида Гермес аҳли тижорат пири сифатида кўрсатилган. Қадимги Юнонистонда эллинизм даврида савдо қарвонлари ўтадиган йўللарга Гермес хайкали тикланганлиги бежиз эмас. Шарқ-мусулмон адабиётида Суруш образи бот-бот учрайди. У ҳожатбарор, мушкулларни ҳал қилувчи куч сифатида кўрсатилади⁶. Гермес тилни, ёзувни кашф этган куч ҳам ҳисобланиб, тушунтириш, талкин масалалари унинг номи билан боғланади. Гермес илоҳлар муждаларини одамларга олиб келган, уларни тушунтириб, талкин қилиб берган. Герменевтика–талкин назарияси, маънони англаш таълимоти бўлиб, аксарият ҳолларда қадимги матнларни шарҳлашда қўлланилган. Илк бор герменевтикадан "Илиада" ва "Одиссея" асарлари талкинида фойдаланилган. Кейинчалик Арасту ва Афлотунлар герменевтика ҳақида асар ёздилар.

Фарбда герменевтика тарихи, мактаблари, намоёндалари ҳақида М. Бахтин, Д.С. Лихачёв, М.Б. Каган, М.Б. Храпченко сингари рус олимлари тадқиқотлар олиб борди. Ю. Боров, П. Гайденко, Д. Урнов, В. Хализев сингари рус адабиётшунослари аксиология, герменевтика тарихи, назарияси, амалий қўлланишини ўргандилар. Герменевтиканинг ҳозиргача яратилган тарихи кизикаридир.

XVII асрда "герменевтика" термини Фридрих Шлейермахер томонидан герменевтика назарий муаммо сифатида илм оламига олиб

кирилди. Ф. Шлейермахер герменевтика тарихий талкин методи сифатида, хусусан, таржима санъати принципи ҳолатида қўллади. Талкинчи билан талкин қилинаётган асар муаллифи аро индивидуал янглик, мослик бўлсагина, ҳақиқий талкин пайдо бўлади, деган принцип Ф. Шлейермахер томонидан олға сурилди. Олим асарни бўлак, қисмларга ажратиб, уларни алоҳида-алоҳида талкин қилиш йўлидан борди. Ўрганиш, асарни бутун ҳолда қамраш жараёнида қисмлардан олинган таассуротлар инкор этилиб борилаверади. XIX асрда яшаган В. Дильтей (1833-1911) Ф. Шлейермахер назариясини давом эттирди. Талкинчи билан талкин қилинувчи аро мослик бўлиши ҳақидаги назария В. Дильтей томонидан ривожлантирилди. Тушуниш–гуманитар фанлар методи, унинг асоси–тушуниш психологияси, деган формула В. Дильтей томонидан яратилган. Макс Шелер, Мартин Хайдеггер (1889-1976) сингари олимлар герменевтика назариясини мураккаблаштириб бордилар.

Мартин Хайдеггер–XX аср герменевтика фанининг улкан намоёнчаси. У онтология илмининг асосчиларидан. Ф. Шлейермахер фикрича, герменевтика тушуниш назарияси; В. Дильтей қарашича, герменевтика гуманитар фанларнинг умумий методи бўлса, М. Хайдеггер таърифича, герменевтика дунёни англашнинг ўзига хос тизими. Унингча, тил билишнинг тарихий уфқи, "яшаш уйи". Тил бизнинг мазмун-моҳиятимизни юзага олиб чиқади. Хайдеггер фикрича, "герменевтика – борлиқнинг содир" бўлиши. У шоир шеъри, сермаъно матнлар орқали ўзини намоён этади. Агар инсон англашдан мосуво, тушунишдан йироқ бўлса, унинг тириклигидан маъно йўқ, деб қисқайлади.

Ганс Георг Гадамер герменевтикани гуманитар фанлар методи дейиш билан чекланмади. У герменевтика асосида онтологик таълимотни яратди. Энди тил герменевтик онтологиянинг асоси сифатида қабул қилинди. Онтологик метод адабиётшуносликда асар тили, структурасининг яшовчанлиги тўғрисида қарашдир. Ю. Боров "Талкин ва баҳолаш санъати" китобида бадий асарни онтологик метод асосида ёритиш усули ҳақида ёзиб, бадий асар яшовчанлигини белгиловчи, ички зиддиятлар қурашига асосланган хусусиятларнинг етти қатламини санайди⁷.

Бизнинг давримизда адабий асарни тушунишнинг бу тарзи филологик тадқиқотлар ва танкидчилик соҳасига ҳам кириб, унинг моҳиятини адабий асарнинг асл матнини тиклаш ва унинг адабиёт тарихидаги аҳамиятини аниқлашга қаратилган тадқиқот усулларида бирини ташкил этади. Герменевтиканинг асосини ташкил этувчи назарий принциплар сифатида:

⁵ Каримов Баҳодир. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талкин муаммоси. ДДА. Т. 2002. - Б. 11.

⁶ Хўжаев Т. Навоий шеърларидаги Суруш образига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006. № 1. - Б. 23.

⁷ Боров Ю. Искусство и интерпретации в оценке. М., 1981. - С. 61-62.

1) умумий, контекстуал принципи; 2) шу соҳа доирасига кирувчи талкин усуллари; 3) муаллиф максоди ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда матннинг тарихий ва турли ижтимоий шароитдаги ўрни, вазифаси, унда юз бериши кутилган ўзгаришлар ва уларнинг талкинини қайд этиш мумкин.

Кўриладики, герменевтика ҳам адабий танкидга, ҳам умуман, адабиётшуносликка дахлдор талкин усулларида биридир. Ғарб адабиётшунослигидаги герменевтика адабий-бадий ҳодисага тафсилли (унсурма-унсур, узвма-узв, бўлакма-бўлак) ёндашув хусусияти билан ажралиб туради. Бадий талкин ёки шарҳ усули қадимдан Шарқ адабиётшунослигида ҳам мавжуд эса-да, бу усул талкинда герменевтика қайд этган имкониятларга умумийроқ фикр билдириш, умумийроқ хулосалар баён этиши билан фаркланади.

«Герменевтика – интерпретация назарияси, мохиятни тушуниш ҳақидаги таълимот, – деб ёзади Ю. Борев. – Ғносеология (билиш назарияси) ва аксиология (қадриятлар назарияси) сингари, герменевтика кўламли фалсафий системанинг ажралмас қисмини ташкил этади. Герменевтика – бу маънавий-руҳий фаолиятнинг шундай соҳасики, танкид фақат у орқали ўтиб ўзининг вазифаларини англаши мумкин». Олим герменевтик метод орқали бадий асар матнини интерпретация қилишнинг муҳим усуллари куйидагича шарҳлайди: «1) Танкидчининг («мен») матни («бошқа») «учинчи» тараф орқали (масалан, маланий аъёнлар, воқелик билан қиёслаш орқали) тушуниши. 2) «Қўникиш» – матннинг бадий мантикига уни теран ҳис этиш, ўзидан ўтказиш орқали етиб бориш. 3) Бадий матни идентификация шаклида (китобхон бадий образларни ўзининг шахси ва ўзининг эстетик тажрибалари билан қиёслади) англаб етиш»⁸.

Бугунги адабий-танкидий мақолаларда, тадқиқотларда матн билан ишлашда кўпроқ сўзга эътибор бериш, талкин қилиш, шарҳлаш етакчилик қила бошладики, бу ҳол герменевтика ўзбек танкидчилиги методологиясининг асосий йўналишларидан бирига айланиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий асарларида «Ал-ибора» (герменевтика) сўзлар маъноси, матн мохияти ҳақидаги фан сифатида талкин қилинади.

Герменевтиканинг назарий-методологик имкониятларини, илмий хулосалар чиқаришдаги асосий тамойилларини ўзбек адабиётшунослиги ва танкидчилиги XX аср охиридан ўзлаштира бошлади. Бу усулнинг назарий муаммолари ёритилган А.Расуловнинг, қодирийшуносликка тадбиқ этилган Б.Каримовнинг дастлабки тадқиқотлари XXI аср аввалида пайдо бўлди.

Адабий танкид тараққиётининг ўтиш давридаги изланишларида синергетика ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Синергетика назариясининг

асосини ташкил этувчи барқарорлик билан беқарорлик (хаос), мувозанат билан мувозанатсизлик, тартиб билан тартибсизлик, тизимлилик билан тизимсизлик ўртасидаги алоқадорлик қонуниятлари адабий танкидда ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлмоқда. Чунончи, сўнгги ўн-ўн беш йил ичида, ертдан қараганда, таназулга ишора этилаётгандек фикр уйғотадиган турли баҳс-мунозаралар (жумладан, «Адабиёт ўладими?» деган масаланинг қўйилиши, шўро даврида яратилган асарлар ҳақида бири-бирини инкор этувчи чиқишлар, реализмга шубҳа билан қараш ҳолатлари, модернизм ҳақидаги қарама-қарши фикрлар, шўро даври адабиёт назариясига оид қарашларнинг инкор этилиши ва ҳ.к.) замирида адабий танкид тараққиётида янгича концепция етилиб келаётганлиги, янгича методологик тамойиллар шаклланаётганлиги, бинобарин, мазкур соҳа янгича адабий-назарий қонуниятлар асосида ривожлана бошлаганини нгаши қийин эмас.

Бундан ташқари, адабий танкидда бадий асарга қўлаб фалсафий, адабий-эстетик мезонлар асосида ёндашишнинг қучайиши, таҳлилнинг турли усулларида унумли фойдаланишга интилиш илмий билишда методологик плюрализмга ўтилаётганлигидан нишондир.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, юқорида тилга олинган ёндашув ва методларнинг барчаси фалсафий мазмунга эгадир. Бинобарин, адабий танкид методологиясининг муҳим жиҳатларидан бири унинг амалиётда фалсафанинг умумий қонун ва категорияларга, илмий билиш усулларига асосланишида намоён бўлади. Бирок, шуни унутмаслик зарурки, фалсафа гўрчи қўлаб қанлар учун умумий методологик асос ҳисобланса-да, уларнинг ҳар бирида, жумладан, адабий танкидда ҳам фалсафа хусусийлашган, танкид спецификасига мослашган ҳолда зуҳур бўлади. Айталик, тарихга оид матн билан бадий матн орасида жуذا катта фарқ бор ва уларнинг талкини ҳам ўзгачадир. Бинобарин, герменевтик йўналиш адабий танкидда фақат ўзига хос тарзда, яъни бадий ижод қонуниятларига мослашган ва бўйсунган ҳолда намоён бўлади. Бошқа фалсафий қонун ва категориялар ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин.

Адабий танкиднинг методологик асосларидан яна бирини бадий ижод қонуниятлари, биринчи гада, эстетик категориялар ташкил этади. Маълумки, илмий ижодда илмий тафаккур етакчилик қилади. Унинг ифода усули ҳам илмий тил орқали амалга оширилади. Аник қанларда, шунингдек, ижтимоий қанлар айрим соҳаларида, жумладан, адабиётшуносликнинг адабий танкиддан бошқа йўналишларида илмий фикр-мулоҳазаларни аник ва лўнда баён этишга интилиш, назарий умумлашмалар чиқариш мутахассисларга тушунарли илмий атамаларни қўлаш орқали амалга оширилади.

Бадий ижодда ҳиссий билиш етакчилик қилади. Образлилик бадий ижоднинг асосий хусусиятидир. Ифода усулида эса, бадий тил

⁸ Борев Ю. Критика и герменевтика // Эстетика. Изд. 3. М., 1981. – С.349

имкониятлари, турли бадий тасвир воситалари, поэтик кўчимлар образлиликни таъминловчи асосий унсурлар саналади.

Адабий танкиднинг муҳим методологик асосларидан бири – ифода усули ва услубий ўзига хослиги унинг ҳам илмий ва ҳам бадий ижодга бирдек дахлдорлигидадир. Бир сўз билан айтганда, адабий танкид илмий тафаккурнинг образли фикрлаш тарзи билан боғлиқ ифодаси. «Аслида танкид, ўз табиатига кўра, икки жиҳатнинг уйғунлигидир: ўзининг айрим вазибаларига, ўзига хос хусусиятлари ва воситаларига кўра у адабиётдир, бошқа жиҳатларига биноан – фандир. Танкидни адабиёт сифатида таърифлаб, унинг илмий («рационалистик») асосини инкор этиш оқибатида кўплаб жавобсиз саволлар пайдо бўлади»⁹.

Ю.Боревнинг ўз қарашига далил сифатида келтирган А.С.Пушкиннинг «танкид-фан», В.Г.Белинскийнинг «танкид – ҳаракатдаги эстетика», деган тавсифлари яна бир бор танкид тафаккур воситаси сифатида бадий эмас, балки илмий методдан фойдаланишини тасдиқлайди.

Адабий танкид таҳлил жараёнида бадий асар воситасида одам ва олам, ижтимоий борлик ва инсоний муносабатлар ҳақида ҳам мулоҳазалар юритади, уларнинг муайян қонуниятларини очишга ҳаракат қилади. Бу имконият адабий танкид услубининг меъёрий илмий қоидаларига бўйсунган тадқиқдан ташқари эркин мушоҳада тарзидаги таҳлил ва талқин шаклида ҳам намоён бўлишига олиб келади. Айни ҳолат адабий танкид тилининг ўзига хослигини таъминлайди ва ифода йўсинида илмий тил билан бирга бадий тил ҳам бирдек иштирок этади. Бу эса, адабий танкидда бадий ижоддаги каби жанрлар туркумининг пайдо бўлишига ва ёзувчи ёки шоир услуби сингари мунаққиднинг индивидуал услуби шаклланишига хизмат қилади.

Адабий танкиднинг янгилиниш тамойилларидан яна бири асарнинг бадий-эстетик моҳиятини янгича илмий тафаккур асосида талқин этишида кўринади. Бу борада сўнгги давр адабиётшунослиги ва танкидчиликда анча-мунча изланишлар олиб борилмоқда. Мустақиллик даврида яратилган адабиёт назариясига оид дарслик ва қўлланмаларда, алоҳида нашрларда¹⁰ бу масалага оид янгича қарашлар ўз ифодасини топомқда. Хуллас, ўзбек танкиди мустақиллик даврларидан бошлаб, адабиётшунослигидаги илгор тамойилларни, назарий қараш, усул ва методларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Адабий танкиднинг бошқа фанлар билан муносабати. Адабий танкид тарихини бадий ижод, сўз санъати тарихидан ажратиб ўрганиш мумкин эмас. Негаки, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Уларнинг ҳар бири такрорланмас ўзига хос қонуниятларга эга бўлса-да,

бир-бирига фаол таъсир кўрсатиб туради. Уларнинг ҳаётга, шахсга кўрсатадиган таъсиридаги ўз ўрни, мустақил вазибалари, бир-бириникига ўқшамаган воситалари бор. Бинобарин, адабий танкид илмий муҳокама ва мушоҳада йўсинидаги сўз санъати ҳисобланади. Н.Худойберганов тўғри таъкидлаганидек, «сўз санъатининг ўзига хос яратувчи, кашф этувчи ижод соҳифаси эканлигини ҳеч ким инкор этмайди, аммо адабий танкидчиликнинг мустақил ижод тури эканлиги ҳамон шубҳа уйғотадик, масалага аниқлик киритиш мақсадида унинг тузилиши, шаклланиши, ривожланиш жараёнини чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш талаб қилинади. Аммо тарихга мурожаат этиш зарурати факат шу билан белгиланмайди. Биринчидан, қайси соҳанинг ёки шахснинг тарихи бўлмасин, уни бузиб талқин этиш, йўқ нарсани бор, аксинча, борини йўқ деб кўрсатишга йўл қўйилмайди. Иккинчидан, тарихни ҳозирги кун нуқтаи назаридан ўзгартириб, бугуннинг талабига мувофиқ баҳолаш бутунлай зарарлидир. Учинчидан, уни баҳолаш, тадқиқ этишда ўша давр тараққиётининг асосий хусусиятлари, тенденцияларидан келиб чиқиб, ҳозирги замонга муштарак ижобий ҳамда салбий ҳодисаларни аниқлаш, яхшиларини қўллаб-қувватлаб, уларни янада мустаҳкамлаш, ривожлантириш, ёмонларни фож этиб, уларнинг раванқ топишига чек қўйишга алоҳида эътибор бериллади. Яна шуниси борки, ҳар учала ҳолат бир-бирига табиий равишда бирлашиб, қўшилиб кетади, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ёхуд ажратиб ташлаш мумкин эмас»¹¹.

Адабий танкиднинг ўзига хос ижод тури, фан соҳаси эканлигини улкан адиб ва танкидчиларнинг яратган қатор асарлари исботлаб турибди. Бунга Алишер Навоий, Фитрат, А.Қодирий, Ойбек, П.Қодиоров, О. Шарафилдинов, М.Қўшжонов ижодлари етарли даражада мисол бўла олади.

Адабиёт ҳаётни, воқеликни бадий ўзлаштиришда ўзига хос образлилик воситалари билан инсон қалби ва ақлига таъсир қилиб, жамият ривожига ёрдам беради. Адабий танкид ҳам бадий адабиёт воситасида шу вазибани бажаради, кишилиқ тараққиёти ва тафаккури ривожланишига таъсир кўрсатади. Ана шу хусусиятнинг ўзинёқ адабий танкидий асарларда санъатга, бадиятга хос айрим фазилатлар бўлиши мумкингина эмас, зарурлигини такозо этади. Бунинг учун санъат асари ҳақида фикр юритувчи танкидчининг ўзи муайян даражада санъаткор бўлмоғи даркор.

Ҳар қандай фанга хос асосий хусусият, яъни «ўзига тегишли» бўлган ҳодисани тадқиқ қилиш асосида унга баҳо бермок, фикрни асосламок ва исботламок адабий танкидга ҳам хосдир. Унга кўра адабий танкид муайян адабий ҳодисани таҳлил қилар экан, унинг таҳлилида изчил мантқ, асос ва исбот биринчи даражали аҳамият касб этади. Бирок адабий танкид

⁹ Борев Ю. Эстетика. Изд. 3. – М.: Политиздат, 1981. – С. 341-342.

¹⁰ Sulton I. Adabiyot nazariyasi. – T.: O'qituvchi, 2005; Умuroв X. Адабиёт назарияси. – T., 2002; Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – T., 2004; Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – T., 2000. ва х.к.

¹¹ Худойберганов Н. Расулов А. Ўзбек совет адабий танкидчилиги тарихи. Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б.36.

тахлилда ўзига хос ва мос воситалардан фойдаланмаса, ўзининг ижтимоий вазифасини бажара олмайди.

Адабий танкид ўз моҳиятига кўра фалсафа билан чамбарчас боғлиқ. Танкид шу маънода фалсафийки, унинг маърифий ва ғоявий, ижтимоий ва эстетик вазифалари маълум даражада фалсафа фанининг вазифалари билан мос тушади.

Лекин адабий танкид аниқ ижтимоий фан бўлгани туфайли ўзининг махсус тадқиқот предмети ва ўзига хос вазифаларга эгадир. Шу боис танкид фалсафадан ҳам, бошқа ижтимоий фанлардан ҳам, адабиётшунослик фанининг ўзга соҳаларидан ҳам фарқланиб туради. Адабий танкид жамият бадий тараккиётини илмий билишнинг аниқ кўринишидир. Шу туфайли фалсафа ва танкид орасидаги ўзаро муносабат илмий методология ва адабиётшунослик фанлари орасидаги ўзаро муносабат сифатида намоён бўлади. Шундай экан, адабий танкидчиликнинг барча тур, шакл ва жанрлари: 1) мантикий изчиллик; 2) илмий яхлитлик; 3) танкидий далилланганлик; 4) тузилиш жиҳатдан тугаллик ва мукамаллик; 5) диалектик (жадалий) тараккиётга асосланганлиги, ҳамда 6) муайян даражадаги бадий тафаккур унсурларига эга бўлиши тақозо этади. Агар буларнинг бирортаси етишмаса, танкидий асар ёхуд мақолада сакталик пайдо бўлади.

Танкид эстетика билан чамбарчас боғлиқ. Танкид билан эстетиканинг узвий боғлиқлиги – бу икки фан вазифаларининг ўзаро муштарақ томонларида кўзга ташланади. Модомики, танкиднинг предмети бадий жараён тамойиллари, унинг хусусиятлари ва аниқ асарларини таҳлил этишдан иборат экан, унинг вазифаси ҳам воқелик ва инсон табиатини эстетик талкин этиш ҳамда уни такомиллаштиришдан иборат бўлади. Бу жиҳатдан эстетика ва танкид – бир жону бир тан. Шу умумий вазифасини бажаришда танкид: биринчидан, бадий асар билан воқелик; иккинчидан, фан билан санъаткор; учинчидан, санъат билан китобхон; тўртинчидан, санъаткор билан китобхон ўртасида муносабат ўрнатади. Бунда танкид адабий жараён ва бадий асарнинг ички эстетик тамойиллари, йўналишлари ва фазилатларини тадқиқ қилиш асосида ўз мақсадига эришади.

Ҳозирги танкид, айниқса, аналитик фазилати билан ажралиб туради. У жиддий адабий-тарихий, ретроспектив ва назарий умумлашмалар чиқаришдан ташқари, тарих, фалсафа, социология каби бир-бирига яқин фанлар билан алоқани кучайтирди.

Маълумки, эстетика фани ҳам уч таркибий қисмдан таркиб топади: 1) эстетика тарихи; 2) эстетика назарияси; 3) эстетик танкид.

Эстетик танкид мисолида эстетика ва адабий танкид бир-бирига жуда яқинлашиб, баъзи жиҳатлардан ҳатто ўзаро уйғунлашиб кетади. Зеро, эстетик танкид қуйидаги масалаларни ўз ичига олади: а) эстетикага оид илмий адабиётлар танкиди; б) адабиёт ва санъат асарларини эстетиканинг

муштарақ қонун-қоидаларига асосланган танкиди; в) танкидни танкид, яъни адабий танкидга доир илмий ишларни эстетика муаммолари нуктаи назаридан танкиди. Танкидни танкидда эстетика ва адабий танкид ўзаро сингиб, бир-бирига бевосита таъсир этиб, ажиб бир ҳамжиҳатлик касб этади. Чунинчи, эстетика ва адабий танкид эстетик тарбияни амалга ошириш маъносида деярли бир хил мақсад учун курашади. У ҳам бўлса, китобхонни эстетик тарбиялашни кўзлайди.

Эстетик билишнинг умумий эстетик ва хусусий адабий-бадий муаммоларини, яъни эстетика, адабиётшунослик ва адабий танкиднинг муштарақ назарий ва аниқ бадий муаммоларини ўзаро тақозодорликда ва жамулжам диалектик бирликда тадқиқ этиш янги-янги илмий самараларга йўл очади.

Гарб танкидчилигидаги ҳозирги структурализм илмий усул (метод)ларини ишлаб чиқишда тилшунослик, рухшунослик, антропология, кибернетика, математика, ахборотлар назарияси, статистика ва ҳатто биокимё, биофизика, ген муҳандислиги, нанотехнология фанлари ютуқ, имкониятига таянмоқда. Бунда олимлар, аксарият ҳолларда, билишнинг статистика, тилшунослик, кимё ва биологияга хос илмий шакллари ва усулларини эътироф этган ҳолда бадий тадқиқотда анатомиялаштириш ва алоҳида атомларнинг микродунёсини таҳлил этиш тамойилни ёқлаб чиқмоқчи бўладилар. Структурализмнинг бу йўли бадий ижоднинг ички диалектик бутунлиги ва ижтимоий эстетик ўзига хослиги нуктаи назаридан, умумийлигининг хусусийликдан моҳият эътибори билан фарқланиши ва адабий жараённинг жонлиги нуктаи назаридан эҳтимол маълум даражада керакли тамойилдир. Лекин фан ва техника тараккиётидаги барча янгиликлар бадий адабиётни ўрганиш ишига талбик этилаверилиши шарт эмас. Бадий адабиёт ўз ички қонуниятларига эга алоҳида бир дунёдир. Робот ҳеч қачон ҳақиқий бадий асар ярата олмаганидек, техник унсур бадий адабиётни ҳеч қачон инсондек, танкидчилик том маънода таҳлил қилиб беролмайди.

Танкид китобхонлар қаршисида шу жиҳатдан, айниқса, масъулки, у санъат ва адабиёт муҳиб, яъни реципиентининг эстетик талаблари ва эстетик эҳтиёжи даражасини чуқур ва атрофлича ўрганиб, ана шу ўрганиш самараларини ҳаётга тадқиқ этиш устида қайгуради.

В.Г.Белинский танкидий ишларини яратганда фалсафа, тарих, эстетика, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, психология, педагогика, логика каби қатор фанлардан изчил ўрганиб борган; танкидда фақат ижтимоий фанларгина эмас, табиий фанлар ҳам қатнашиши мумкинлигини айтган. У “огмачи ва ҳайиқувчи танкидга ҳеч қандай муҳолага ва сукунатни билмовчи, ҳақиқатга нисбатан чексиз бўлган муҳаббат”ни қарин қўяди. Ҳақиқатан ҳам Белинскийнинг ижодий даҳоси ўзида ижтимоий пафос ва фалсафий тафаккурни, эстетик ҳис ва адабий талантни,

илмий умумлаштириш ва поэтик фантазияни бирлаштира олганлигини кўрамиз.

Адабий танкид тарихи фанининг мақсад ва вазифалари. Харакатдаги эстетика сифатида эътироф этилган танкид эстетика ҳазинасини бойитишга, бадий адабиёт ривожига, ёзувчи маҳорати такомиллашувига, жамият эстетик дидининг кўтарилишига таъсир кўрсатади.

Маълумки, предмет назариясиз унинг тарихи бўлмагани каби тарихсиз назариянинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу маънода танкид тарихини ўрганиш, нафакат адабий жараён ҳақида, балки бадий адабиёт таъсирида ўзгаришлар рўй берган жамият тарихини, ундаги маънавий-ахлокий иқлимларни, адабий-эстетик дунёсидаги замон моҳиятини ҳам ўрганиш демакдир.

Адабий танкиднинг мақсади ҳаракатдаги бадий ижоднинг ранг-баранг муаммоларини жамиятнинг ҳаёти, унинг моддий ва маънавий бойликларини яратиш йўлидаги кураш билан боғлаб ўрганиш ва тушунтиришдан иборат. Зеро, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: "Бизнинг мақсадимиз бир неча авлод меҳнати билан яратилган нарсаларни йўқотмаслик, уларнинг энг яхшиларини саклаб қолиш, демократик меъёрларга, миллий манфаатларимизга, мустақиллигимизга мос келмайдиганларини қайта ташкил этишдан, мазкур тузилмаларни янги мазмун билан бойитишдан иборатдир"¹².

Адабий танкид тарихининг вазифаси унинг тарихий шароитда ўйнаган роли, тутган ўрни, изланишлари ва топилмаларини, жамият, шахс ва адибга кўрсатган таъсирини аниқ баҳолаб беришдан иборат. Шундагина адабий жараён, унинг асосий тамойиллари, йўналиш ва қонуниятлари, аниқ адибнинг аниқ асари ва бадий маҳорати адабий танкиднинг таҳлил ва тадқиқ предметиға айланган бўлади.

Адабий танкиднинг вазифаси ёзувчи ижодини, бадий асарларни таҳлил этиш, шу асосда адабиёт ривожига туртки бўладиган муммоларни кўтариб чиқиш, текшириш, уларнинг эстетик моҳиятини очиш, баҳолаш, умумлаштиришдан иборат.

Адабий танкиднинг ижтимоий-ахлокий вазифаси юксак санъат учун кураш олиб бориш ва шунинг воситасида қомил инсонни тарбиялашга хизмат этиш заруратидан келиб чиқади.

Таянч тушунчалар: Танкид, нақд, эстетика, структурализм, мантик, психология, адабиёт назарияси, ғарб танкидчилиги, киёсий таҳлил, социологик таҳлил, структурал таҳлил, адабий танкид усуллари, киёсий адабиётшунослик, психоанализ, ритуал-мифологик мактаб, герменевтика, санъат социологияси, экзистенциализм, ҳаракатдаги эстетика, аксиология.

Мавзун мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. Танкид деганда нимани тушунасиз? Унинг оғзаки ва ёзма шакллари ҳақида сўзланг. Унинг "нақд" ва "нақада" сўзларига муносабати қандай?
2. Танкид сўзининг келиб чиқиши ҳақида нималар биласиз? Унинг эстетик ҳодиса сифатидаги моҳияти нимада?
3. Адабий танкид-адабиётшуносликнинг бошқа таркибий қисмларидан қандай хусусиятлари билан фарқ қилади?
4. Адабий танкиднинг бошқа фанлар билан алоқаси нималарда зухур топган?
5. Адабий танкид ва эстетик танкиднинг ўзаро муносабатини изоҳланг.
6. Адабий танкиднинг ғоявий-эстетик ва ижтимоий-ахлокий вазифалари нималардан иборат?

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И. Адабиётга эътибор-маънавиятга, келажакка эътибор. - Т.: Ўзбекистон, 2010.
3. Абу Наср Форобий. Шоирлар санъати // ЎТА. 1986, № 3.
4. Аристотель. Поэтика. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1980.
5. Бехбудий М. Танкид сараламоқдур. Танланган асарлар. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов Б. Абдулла Қодирий. - Т.: Фан, 2006.
7. Норматов У. Ижод сеҳри. - Т., 2009.
8. Пушкин А.С. Танланган асарлар. 8-том, - Т., 1982.
9. Расулов А. Танкид. Талкин. Баҳолаш. - Т.: Фан, 2006.
10. Раҳмонов Б. Ўзбек адабий танкидчилиги. - Т., 2004.
11. Сафаров О., Йўлдошев Б., Аҳмедова Ш. Ўзбек адабий танкидчилиги тарихи. Бухоро, 2003.
12. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. Т.: Маънавият, 2004.
13. Қаҳрамонов Қ. Адабий танкид: янгиланиш жараёнлари. - Т.: Миллий кутубхона нашриёти. 2009.
14. Ҳамдамов У. Янгиланиш эҳтиёжи. Т. 2002.
15. www. Ziyo/ net
16. WWW. nuqf. intal. uz

¹² Каримов И. Ўзбекистон XX аср бўсағасида. Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 87.

АДАБИЙ ТАНҚИДНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

РЕЖА:

1. Адабий танқиднинг адабий-тарихий жараёнда ўрни.
2. Адабий танқид "харакатдаги эстетика"дир.
3. Адабий танқид илмий - эстетик ҳодиса сифатида.

Адабий танқиднинг адабий-тарихий жараёндаги ўрни. Адабий танқид ҳаётнинг бадий ўзлаштирилиш жараёнини ўрганувчи ва шу жараёнга фаол иштирок этувчи, ундаги оқимларга таъсир кўрсатувчи илм, ўзига хос ижод туридир. Бу эса унинг хос талаблари, хусусиятлари, қонуниятлари ҳамда маънавиятга, бадииятга, ҳаётга таъсир этувчи кучи борлигидан далолат беради. Адабий танқид моҳиятидаги ана шу хосликларни аниқламай туриб, бадий асар ҳақида чуқур илмий-эстетик фикр юритиш мумкин эмас.

Адабий жараёнда танқиднинг роли ҳақида В.Белинскийнинг қуйидаги фикри эътиборга молик: "Адабиёт ва санъат танқид билан қўл ушлашиб боради ва бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади"¹³. Дарҳақиқат, бирон бир халқ ва муайян бир даврнинг адабий-тарихий жараёнини, адабий танқиднинг иштирокисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ҳатто адабий танқидда янги фикрлар айтиш, янги ҳулосалар чиқариш учун унга, аслида бадий асарлар асос бўлса-да, баъзи халқларда айрим тарихий даврларда, адабий танқиднинг ютуқлари адабиёт ва санъатнинг ютуқларидан ҳам салмоқлироқ бўлиб, умумий жараёндан бир қадар илгарилардан ва ҳатто адабиёт ва санъатнинг янги-янги ютуқлари учун назарий замин ҳозирлашга хизмат қилган. Масалан, В.Г.Белинский "Танқид ҳақида нутқ" мақоласида айтгандек, XVIII-XIX аср немис адабиётида танқидий фикрнинг ривожини кўп жиҳатдан бадий адабиёт ва санъатнинг таракқиёт йўллари аввалдан тайёрлаб берган. И.С.Тургеневнинг ҳаққоний эътирофига, XIX аср рус адабиёти таракқиётида танқидчи В.Г.Белинскийнинг айрича ўрни бор ва у шу адабиётнинг энг кўзга кўринган вакиллари қаторида катта роль ўйнайди.

"Ижтимоий ҳаёт ва адабий жараённинг шаклланишида адабий танқиднинг тутадиган мавқеи - унинг граждонлик позицияси барқарор хусусиятларидан ҳисобланади. Танқид муҳокамалари, ҳулосалари, ижтимоий онгга, адабий таракқиётга муайян шаклда, муайян йўналишда ҳамиша таъсир ўтказади. Бунга энг қадимги ва энг янги тарихдан, ўтмишдан ва бугундан истаганча мисоллар келтириш мумкин. Башарти тарихда бир қатор бадий ёдгорликлар танқид туфайли абадий яшаб

қолди, десак, муболага бўлмайди"¹⁴. Айтайлик, Алишер Навоийнинг "Маҷолисун нафоис" асарида замонасининг шоирлари, устозларини ва илмдорлари тўғрисида маълумот берар экан, уларнинг ижодий ўзига хосликларига алоҳида тўхталади, айрим асарлардаги муайян бадий нуқсонлар хусусида танқидий мулоҳазаларини айтади, айни вақтда муаллифлар ҳаёти ва ижодининг муҳим нуқталарини ёритади. Шу бонс "Маҷолисун нафоис" ўз даврида ҳам, бугун ҳам аҳамиятини йўқотмай келаётир. Яратилганига беш аср бўлган бу асар ўзбек мумтоз адабиётининг у ёки бу даврини тадқиқ этиш, ўрганишда ҳамон нодир манба сифатида қизмат қилиб келмоқда.

Яна бир мисол: Ҳамзанинг бизгача етиб келмаган "Қаҳрамон Ўғуз" драмаси ҳақида 1922 йилда "Қизил байроқ" газетасида пайдо бўлган кинематограф тақриз орқалигина маълумотга эгамиз. Ёки ўз вақтида О.Шарафиддиновнинг Абдулла Қаҳҳорнинг "Тобутдан товуш" драмаси ҳақидаги мақоласи мафкура зугумига қарамай, ўзбек танқидчилигида адолат принципининг қарор топа боришида катта таъсир кўрсатди. Вақтида айтилган битта салмоқли фикр айрим ҳажмдор китобларга қараганда кўпроқ наф келтириши исботланган. Бехудий, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Айний, Ҳамза, Ҳ.Олимжон ижодига билдирилган айрим енгил айбонмаларга қарамай, ўтган асрнинг 20-30-йилларида Вадуд Маҳмуд, Отажон Ҳошим, Олим Шарафиддинов, Ойбек, Ҳ.Ёқубов, М.Шайхзода каби танқидчилар томонидан "ўз вақтида айтилган сўз"лар туфайли уларнинг адабиётимиз тарихидаги ўринларини белгилашда муҳим роль ўйнади. Айрим ҳолларда мафкурабозликка берилиб, адабиёт равишига ва адиблар қисматида, ҳатто муҳим таъсир ўтказиб бўлса-да, юқоридаги мисоллар асосидаги танқиднинг бу ижобий роли адабиёт тарихининг ҳар бир босқичига оид талай мисоллар билан қайта-қайта тасдиқ этилиши мумкин.

Адабий танқид санъаткор маҳоратининг такомиллашувига, китобхон эстетик дидининг қамол топишига қўмаклашади. У эстетика анъаналарини ривожлантириш билан бирга ғоявий-бадий жиҳатдан бериладиган баҳо ва мезонларнинг ҳам теранлашувига ўз таъсирини ўтқармоғи жоиз.

Адабий танқид илмий-эстетик тафаккур таракқиётида алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли танқид тарихини ўрганиш фақат тарихий-маърифий жиҳатдан эмас, балки ижтимоий-эстетик жиҳатдан ҳам долзарб аҳамият касб этади: адабий-бадий танқид тарихи сабоқлари санъат ва адабиётнинг бугунги ҳамда эртанги таракқиёти, йўллари ва вазифаларини таъинлашга ёрдам беради. Адабий-бадий танқидчилик олдида эстетика анъаналарини ривожлантириш вазифалари туради. Демак, танқид: 1) ижтимоий ҳаётда ҳам; 2) ижодкор фаолиятида ҳам; 3) китобхон эстетик кечинмаларида ҳам ўз ўрнига эга. У: а) ижтимоий ҳаётдаги

¹³ Белинский В. Адабий орзулар. Т., 1987, - Б.78.

¹⁴ Раҳимов Л. Адабий танқид ва ижодий жараён // "Шарқ юлдузи", 1972. № 3. - Б.149.

долзарб масалаларини; б) ижодкор дунёқараш ва маҳоратини; в) китобхонининг эстетик талаб ва бадий эҳтиёжларини инobatга олган ҳолда санъатнинг ўз-ўзини англаш шакли сифатида кўринади, муайян давр, халқ ва миллат эстетик тафаккурининг умумий ва ички ривожланиш қонуниятларини ойдинлаштиради. Зеро, Белинский таъкидлаганидек, "адабиётнинг вазифаси танкиднинг вазифасидир. "Хукм килувчи танкид билан, хукм килинувчи адабиётнинг мазмуни бирдир".

Адабий танкид "харакатдаги эстетика"дир. Адабий танкид адабиёт ходисаларини, адабий асарларни таҳлил қилади, уларга баҳо берар экан, ўзининг ички хусусиятларини кашф эта боради. Илғор адабий танкид 1) бадий асарларни кенг тарғиб этишга; 2) халқаро миқёсдаги илғор тамойиллардан муайян халқ адабий жараёнини воқиф қилишга; 3) китобхонларнинг эстетик идроки ва завқини оширишга; 4) сўз санъаткорларининг шахс ва ижодкор сифатидаги тақомилига хизмат қилади.

В.Г. Белинский адабий танкид ва ижтимоий фикр ўртасидаги алоқани кўзда тутиб, ҳаққоний танкид ҳамиша жамиятнинг ўй ва орзуларини ифодалайди, деган эди. Танкид, юкорида қайд этилганидек, имкониётлар доирасида давр ва рухият учун тамоман янги ҳақиқатларни кашф этиб, замонасининг санъат ва адабиёти ривожига янги босқич бошланишига асос солиши мумкин. Аммо бу ходиса, Белинскийнинг таъбири билан айтганда, "буюк ва нодир ходисадир".

Танкид "ўз замонасининг гўзаллик ҳақидаги ҳукмдор тушунчаларини аниқлаш ва оммалаштириш"ни ҳам ўз олдига вазифа қилиб олади. "Назария гўзаллик қонуниларининг тизимли ва уйғун бирлигидир: аммо унинг бир кемтик томони бор: у маълум вақт доирасида қолиб кетади, танкид эса бетўхтов давом этади, олға боради, фан учун, янги материаллар, янги маълумотлар йиғади. Бу ҳаракатдаги эстетикадир..."¹⁵.

Танкиднинг яна бир хусусияти – унинг публицистика билан чамбарчас алоқадорлиги. Адабий жараён ходисаларини ва адибларнинг айрим асарларини таҳлил этиб, уларнинг қимматини кенг оммага тушунтириб беришга ва омманинг эстетик дидини тарбиялашга мўлжалланган танкид ўз ўқувчисига вақтли матбуот орқали мурожаат этади. Халқ ва унинг адабиёти тарихида бошланаётган янги даврларда бу хусусият, айниқса, бўртиб кўринади. Янги уйғониш даври ҳисобланган XX аср тўнгидаги ўзбек жадид танкидчилиги, Истиклол арафаси ҳамда Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ўзбек танкидчилиги тарихи бунинг ёрқин далилидир. XIX асрнинг биринчи ярмида Белинский: "Танкид аллақачон бизнинг омманинг (ўқувчилар ва томошабинлар оммасининг) эҳтиёжи бўлиб қолди. Ҳеч бир журнал ёки газета танкид ва библиография бўлимсиз яшай олмайди", – деб ёзган эди. Бу ҳол ҳамма

маданый халқлар тарихи, шу жумладан, Ўрта Осиё халқлари тарихидаги далиллар билан ҳам тасдиқ этилади. Шуни эсда тутиш керакки, танкиднинг адабиётшуносликдан унинг мустақил қисми сифатида ажралиб чиққани катор халқларда, асосан, XIX асрнинг иккинчи чорагида содир бўлди. Ҳатто Белинский замонасида ҳам, жумладан, унинг асарларида адабиётшунослик кўпинча бир бутун ходиса сифатида майдонга чиққан. Ничунини, Белинскийнинг илғор журналлар (айтайлик: "Отечественные записки") саҳифаларида босилган аксарият асарлари кўп ҳолларда рус адабиётининг ўтмишини таҳлил қилиш билан бошланар эди.

Шу маънода ўтмиш даврга оид асарлар таҳлил этилгани ҳамда улар ҳақида мулоҳазалар юритилгани билан, бу мулоҳаза ва чиқарилган айрим қулосалар бугунги адабиёт равнақи нуқтаи назаридан ҳозирги адабий жараён муаммолари йўналишидаги мақолалар ҳам мансублигига кўра адабиётшунослик ёхуд адабиёт тарихи эмас, адабий танкид намуналари ҳисоблана олади.

Танкиддаги бадийлик ва образлилик унинг хос хусусиятларидан бири бўлиб, илмий-таҳлилий мазмунга сингган ҳолда намоён бўлади. Ўқувчи ўз қарашларини, орзу-истакларини образлар воситасида қалбнинг "ларди", ҳис-ҳаяжони билан ўқувчилар оммасига етказса, асосий мақсад қилиб ўқувчилар руҳий оламига, рухиятига таъсир қилишни назарда тутса, адабий танкидчи ўз фикр-мулоҳаза ва қарашларини фақат изчил мантик воситасида мунтазам ва аниқ баён қилиш йўли билангина эмас, уларни айни вақтда баъзан ҳаёлга эрк бериш, образли ва бадий фикрлаш билан қўшиб олиб боради. Асосий мақсад қилиб китобхон ақлигагина эмас, рухияти ва туйғуларига ҳам таъсир қилишни назарда тутлади. Бинобарин, танкидчи бадий асарларни баҳолаш жараёнида шу асар туфайли қалбда тутиливчи ҳис-ҳаяжонни ҳам ифодалаб бериши лозим.

Шу нуқтада адабий танкиднинг илм ва санъат билан уйғунлашган ўзига хос хусусияти кўзга ташланади: танкидчи илмий тафаккурига, мантикига ўз бадий тафаккурини сингдирганда, уларнинг ўзаро бирлигини таъминлаганда вазифасини теран адо этади. Чунки ҳис-ҳаяжон ва образлилик билан чархланган фикр совуқкон, ҳиссиз фикрга нисбатан ўқувчида қучли ишонч ҳосил қилади ва ифода этилаётган туйғу ҳам муайян балоғат касб этади.

Танкидчи образли фикрлаши керак, лекин образли фикрлаш зўрма-зўраки бўлмаслиги, ҳаддан ортиқ эстетичликка берилиб кетмаслиги керак. У илмий фикрлашга бўйсунини ва бу табиий равишда кечиши шарт. Бунда танкиддаги образлиликни адабиётдаги образлилик тушунчасига тенглаштирмаслик, бадий тафаккурни илмий тафаккурдан юкори қўймаслик лозим. Рус ёзувчиси Е.Винокуров: "Мен адабий-танкидий мақолалар тўпламини роман каби ўқишни хоҳлардим", – деганида танкидий асардан роман фазилатларини эмас, унинг ўқишлилигидаги жозибани, фикрлаш тарзидаги эссе услубини, фикрлар ифодалашдаги оммабопликни

¹⁵ Белинский В. Танқидан асарлар. Т., 1959. - Б. 234.

назарда тутати. Танкидчи, албатта, образли фикрлаши мумкин, образли фикрлаши шарт ҳам, бироқ образли тафаккур илмий тафаккурга бўйсунуши ва табиий бўлмоғи лозим.

Афсуски, ўзбек адабий танкидчилигида баъзан илмийлик "ўта" кучли бўлгани ҳолда бадийлик залвори деярли сезилмайдиган мақолалар оз эмас. Бундай танкидчилар илмий "фикрлаш", мантикий фикрлаш"дан бошқасини тан олмайдилар. Оқибатда уларнинг асарлари "академизм" иллатига мубтало бўлиб, уни кенг китобхонлар ҳам, сўз санъаткорлари ҳам ўқишга қийналадилар. Бундай асарларда эхтироссиз, қуруқ ҳукм ва ҳулосалар асосий ўринни эгаллайди. Бу ҳукм ва ҳулосаларга келтирувчи ранг-баранг дунё шу ҳукм ва ҳулосаларни яратувчи жонли таҳлил, танкидчининг ўз қалби кўринмай қолади. Ҳолбуки, адабий танкидга хос образли тафаккурғина танкидчиликни илм билан бир қаторда, санъат асари ҳам деб баҳолашга имкон беради. Рост, образли тафаккур машҳур физиолог И.П.Павловдан тортиб, математик Қори Ниёзий асарларигача учраб туради. Аммо бу асарларга биз санъат асарлари сифатида эмас, фан асари сифатида қараш лозимлигини яхши биламиз. Адабий - танкидий асарларда эса санъат сифатларини ҳам кўргимиз келади. Бу шунчаки истак эмас, айни вақтда биологик жараён ҳамдир. Лекин бундан қатъи назар, адабий-танкидий фикрни бадий тафаккур синтезидан ўтказишнинг ўзигина адабий танкидни санъат дейиш учун асос бўла олмайди. Айни вақтда танкидчи образли фикр юритса-ю, санъаткор томонидан яратилган асарни ҳаёт билан таққослаш асосида жонлантириб кўрсата олмаса, у ўзини ҳақиқий адабий танкидчи сифатини намоён этолмайди, чунки ҳақиқий танкидчи таҳлил жараёнида китобхонга бадий асарни факат тушунтириб бериш билан чекланмайди, ўқилган нарсани биргаликда ўзлаштириб олишга ёрдам беради. Бадий асардан китобхон олган завқ, қайғу ва шодликни, бадий таассуротни тўлатади, жонлантиради. Китобхонга ана шу таассуротни юқори савияда равшан ва тушунган ҳолда яна бир қарра бошидан кечиришга, мазкур асар ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилишга имконият беради.

Қисқаси, китобхон танкидий асардаги мунаққиднинг жўшқин хиссиёти, эхтиросини сезиб туриши лозим. Ана шундагина танкидий асарлар қўлдан-қўлга ўтади, тез тарқалади. Танкидчилар ҳам муайян даражада санъаткорга ўхшаб китобхонларнинг ҳурмат-эхтиромига сазовор бўладилар. В.Г.Белинский тажрибасига назар солайлик. У қайси жанрдаги асарни таҳлил қилмасин, шу жанрда сўз санъаткори яратган образларни, бадиятнинг қайтадан яна бир марта яратади, уларни бойнатади, такомиллаштиради, тарашлайди, камчиликларини аниқлайди. Ўз қалби ва эстетик хиссиёти орқали шоир яратган бадий асарга бамисоли қайтадан жон киритади. Унинг "қўли тегиши" билан бадий асар бамисоли ҳаётдан янги куч-қувват олади: ундаги образлар равшанланади, теранроқ ифодасини топади, таъсир кучи ошади. Жараёндаги адабий

овим, тамойилнинг тўғри йўналишдан боришга ёки уни тўғри йўлга солиб юборишга кучли таъсир кўрғазди.

Аер бошларида Фитрат ва Чўлпон каби мунаққидлар ижодида образли танкидий тафаккурнинг турли кўринишлари учрайди. И.Султон, М. Қўшқонов ва О.Шарафиддинов, И.Ғафуров каби танкидчилар ижоди ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Адабий танкиднинг бу хусусияти танкидчининг маълум маънода санъаткор ҳам бўлишини тақозо қилади.

Адабий танкидчи асарни ҳам тафсилотларда, ҳам қисмларда яхлит кўра билиш қобилиятига эга бўлмоғи даркор. Бу қобилият танкидчидан янада кенг каторида ҳаётни маълум даражада образли англашни талаб қилади. У бадий асарни қайта яратиш жараёнида ижтимоий ва ахлоқий муаммоларни асардаги жонли образлар, характерлар тасвирини таҳлил этиш орқали намоён этади. Асарда кўтарилган масалаларнинг ижтимоий-эстетик моҳиятини очади. Шу маънода адабий танкид адабийташуносликнинг муайян бир қисми бўлиш билан бирга, бадий адабийташуносликнинг ўзи каби маълум даражада ўзига хос инсоншунослиги ҳамдир.

"Танкидчиликнинг ахволи бевосита бутун адабийташуносликнинг маърифати даражасини кўрсатади, — дея танкидни фан қаторида кўради А.С. Пушкин. Унгра яна қуйидагиларни эътироф этади, — танкид санъат ва адабийташуносликнинг латифликлар ва камчиликларни кашф этувчи фандир"¹⁶. Ўзбек адабийташунослигида А.Орипов, Р.Парфи ноёб истеъодларнинг асарлари айрим мафкуравий қорчалонлар ҳамда диди ўтмас баъзи китобхонлар томонидан нозик қораланиб ва қабул қилинмай турган кезларда, дидли, ҳақиқий асарнинг қадрига ета оладиган танкидчилик бу асарларнинг қадри-қимматини тўғри белгилай олди ва улар ижодининг оммалашувида муҳим роль ўйнади. Мафкура ботқоғига ботган танкид Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Уммон Носир асарларини ер билан яксон қилиб турган бир пайтда илғор интеллигентлар танкидчилар (В.Махмуд, Ойбек, Ҳ.Ёкубов ва х.) улар асарларидаги қадриятни тўғри баҳолади ва бу тамойил вақт ўтиши билан ўзбек танкидчилигида устувор бўлиб қолди.

Адабий танкидчилик илмий-эстетик ҳодиса сифатида. Ўзбек адабий танкидчилиги ранг-баранг, баракали, лекин мураккаб, оғир йўлни босиб ўтди, ундаги ижобий ва салбий ҳодисаларни тарихийлик талаблари асосида ҳаққоний таҳлилдан ўтказиш зарур. Энди ҳар бир ишмизда миллий мафкура асос бўлиши керак. Чунки "миллий мафкура, авваламбор ўзинингизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, ҳаққонийликнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, ғам-ғамнинг олдида бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни камраб олиш шарт"¹⁷.

¹⁶ Пушкин А.С. Танланган асарлар, Т., 1982, 8 том. - Б. 238.

¹⁷ Ёрғилов Н. Адабый таълимот сари. — Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б. 14.

Энг муҳими шундаки, ёзувчи қайси даврда яшаб ижод этган бўлмасин, асосий мақсад: унинг асарларида ҳаёт ҳақиқати қандай услуб ва воситалар орқали қай даражада ёритилгани ёхуд ёритилмагани; қандай тўлақонли, янги образ, характерлар яратилганини ёки яратилмаганини; бу образлар давр руҳини чуқур акс эттира олганми ёки йўқлиги; улар ҳозирги замонга қайси қирралари билан муштарак бўлиб, ўқувчилар тафаккурини ўзгартиришга иштирак этиши ёки этмаслигини аниқлаш; ниҳоят, буларнинг барчаси моҳиятини баркамол илмий-эстетик таҳлил орқали кўрсатиш танкидчилиқнинг диккат марказида бўлмоғи лозим. Зеро, И.А.Крилов таъкидлаганидек: "Танкид фақат танкидчилиқнинг кўрсаткич бармоғи билан асарнинг камчилиқ, ютуқларини кўрсатишигина эмас, балки унинг нозик дид, нафосат билан яратилганлигини кўрсатиш ҳамдир".

Бунда танкид ёзувчининг ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантирган ёки айлантира олмаганини баҳолай билиши муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги адабий жараёнда, унда рўй бераётган хилма-хил ўзгаришлар, янгиланишларнинг моҳиятини, сабабини ёритиш ва натижаларини аниқлаш илмий-эстетик таҳлил зиммасига юклатилади. Айтиладиган ҳар бир фикр, бадий ижод, ҳаёт ходисаси хусусидаги мулоҳазалар ва хулосалар илмий-эстетик таҳлилда намоён бўлади. Улар таҳлил орқали исботланмаса, ўз кадр-қимматини топиши кийин кечади.

Санъатга муҳаббат бўлмаган жойда танкид ҳам бўлмайди. Шу ўринда немис файласуфи Винкельманнинг қуйидаги сўзлари ёдга тушади: "Бадийят донишманди бўлишни истайсизми? Санъаткорни севинг, унинг асарларидан гўзаллик ахтаринг". Ҳар бир мақола, тақриз, тадқиқот салмоғи, қиммати таҳлил мазмуни билангина эмас, танкидчининг асардан гўзаллик излай билиши, уни аниқлаш ва далиллаш ҳамда шуларни китобхонга ҳам ўткази билиш қобилияти билан белгиланади. Таҳлил илмий-эстетик ҳақиқатни юзага чиқарадиган асосий восита бўлиб, асардан реал воқелик томон интилади, ижтимоий ҳодисалар ва ҳаётдаги инсон, унинг руҳияти билан бадий асарларни бир-бирига таққослаш орқали ўзлигини кўрсатади. Шу сабабли адабий танкид ҳаётда, сўз санъатида қандай гўзал, нодир ва ноёб хусусиятлар бўлса, уларни астойдил севишга; қаерда жаҳолат, нопоклик учраса, кучли ғазабимизни уйғотиб, уларга қарши курашмоққа туртки беради.

Аммо баъзан танкидчиликда (унинг айрим вакиллари қарашида) четга оғишлар кузатишган ҳоллар ҳам бўлади. Айниқса, 60-80-йилларда баъзан бадийят ҳақида илмий асосланган фикрлар айтиш ўрнига, мантиқан гўё тўғридек кўринса-да, аслида бадийят қонунларини етарли англаб етмаслик туфайли тугилган даъволарни пеш қилишга ўхшаган сохта талабчанлик сезиларли даражага кўтарилган ҳоллар содир бўлди. Бу ҳолатни Н.Худойбергеновнинг айрим мақолаларида, шунингдек, О.Тоғаевнинг А.Ориповнинг "Аёл" шеърини онд мулоҳазаларида кузатиш мумкин.

Эндиликда адабий танкид кўнгилчанлик ва амалга қараб баҳо бериш иллатидан фориғ бўлиб бормоқда. Истиклол даврига келиб, танкидчилик шўро давридаги синфийлик, партиявийлик каби иллатлардан тамомилан қолди. Адабий танкид жиддий фаолиятдир. Танкидчи қайси асар ҳақида сўз юритмасин, мулоҳазаларни ошқора айтса, хулосалар салмоғи, йўналишини кимнингдир кўнгли, истаги, амали ва мартабасига мосламаса, асарни ҳолис илмий-эстетик таҳлилдан ўтказса - адабийёт раънақида қандай мавқе эгаллай олишини тўғри белгиласа, ўзи ва танкидчиликнинг жамиятдаги ўрни, ҳурматини сақлаган бўлади. Акс ҳолда бунинг тескариси рўй бериши табиийдир.

Хуллас, адабий жараёнда, ёзувчилар фаолиятида қандай ижобий ёки салбий, мураккаб ёхуд зиддиятли ҳодиса рўй бермасин - барчасини, асосан, сўз санъати, бадийлик талабларининг ички қонуниятларига биноан ёритилиши зарур. Шундагина танкидчи адабий танкид моҳиятини тўғри англаган бўлади, тўғри умумлашма ва хулосалар чиқаради, ўзининг ва ёзувчилар билан муносиб савияда баҳслаша олиш қиёфасини намоён этади. Бундай истеъдод соҳиби ўз услуби, салмоқли фикр-ўйи, мулоҳазаси, қатъи оҳанг ва шакл-шамойили билан алоҳида ажралиб турадиган мақолалар, тақризлар, тадқиқотлар яратиш, фақат адабий жараёнгина эмас, ҳаётни ҳам турфа зиддиятлар ва гўзалликлар гармониясида гавдалантирадиган олам ичидаги илмий-эстетик оламни кашф этади, сўз санъати ҳақидаги фаннинг чинакам захматкаши сифатида обрў-эътибор қозонади.

Танкидчиликнинг яна бир хусусияти унинг миллийлигидадир. Бадий адабийётдаги миллийлик каби танкидчиликдаги миллий асос ва миллий қиёфа ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Лекин бундан қатъи назар миллийлик ва умуминсонийлик диалектикаси ҳозирги замон адабий танкидчилигидаги ўзак масалалардан бири саналади. Зеро, санъатнинг миллий ўзига хослиги билан умуминсонийлик диалектикаси, турли миллатлар бадий маданиятларининг бир-бирига ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши ҳозирги халқаро микросдаги адабий- бадий жараённинг ички ҳам ташқи эстетик моҳиятига тегишли жаҳоншумул муаммоларидир. Ҳозирги турли халқларга мансуб адабий бадий жараённинг ўзи миллий ҳаёт ва миллий онг эстетик инъикоси сифатида ҳаракат қилса-да, чинакам халқчил танкидчилик бу муаммоларни ўз таҳлилидан четда қолдирмайди.

Адабий танкид тор муаммо ва мавзулар доирасида ўралашиб қолмаслиги ва умумэстетик мезонларни йўқотиб қўймаслиги учун адабий жараённинг етакчи тамойилларини тинмай кузатиб туриши, у ёки бу ёзувчи услубига хос қирраларни, ижодий йўлига хос хусусиятларни ёритиши, бадий асарни ҳозирги даврнинг руҳий, маърифий, ижтимоий-сиёсий ва ахлокий-маънавий муаммолари билан алоқадорликда таққин этиши керак бўлади.

Адабиёт, замон-макон - инсон муаммолари ва бадий эҳтиёжларини қахрамонларини тарихийлик тамойили асосида қай даражада акс эттираётгани танкиднинг диққат марказида туриши ва у бадий асарнинг гоёвий-эстетик таҳлилига шу нуқтаи назардан ёндашуви муҳим аҳамиятга эгадир.

Танкидий фикр қанчалик ҳаққоний ва талабчан бўлса, ҳозирги адабиётимизнинг муҳим масалаларини қанчалик дадиллик билан кўтарса - унинг мавқеи шунчалик қучли, натижаси эса шунчалик самарали кечади. 50-йилларда А.Мухторнинг "Дарёлар туташган жойда" киссаси, 60-йилларда А.Ориповнинг "Тилла баликча" шеъри, 70-йилларда Э.Воҳидовнинг "Ўзбегим" асари, 80-йилларда Р.Парфининг асарлари туфайли содир бўлган танкидий чиқишлар улар келгуси ижодида қанчалик катта роль ўйнагани маълум. Тирнок остидан кир кидириш эмас, мафкура зирҳига бурканиш эмас, шу ҳилдаги ҳолис миллатпараварлик руҳи билан сўғорилган адабий-танкидий кузатишлар ҳозирги кунда мустақиллик гоёларини мустаҳкамлаш маънавий-эстетик эҳтиёжга айланган бир шароитда, янада ривожлантирилиши лозим. Шундагина адабий танкид илмий-эстетик ҳодиса сифатида истиқлол даври ўзбек адабиётининг тараққиётига самарали таъсир кўрсатади.

"Халқимизнинг келажакка - танлаган йўлимизнинг тўғрилигига, эркин ва озод ҳаёт қуриш, Ватанимизни обод қилиш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этишдек олий мақсадимизга бўлган ишончининг янада ошишига адабиёт ҳам, шу жумладан, адабий танкид чин дилдан хизмат қилади"¹⁸.

Хулоса қилиб айтганда, 1) матбуот ва адабий жараён билан боғлиқлик; 2) асарни ҳаётга киёслаб ўрганиш; 3) тафаккурнинг ўзига ҳос тарзи; 4) таъшиқот воситаси сифатида иш қўриши; 5) ўзига ҳос содда ва ўткир услубга эгаллиги; 6) ҳозиржавоблик; 7) ҳаракатдаги эстетика эканлиги; 8) асосан, бадий адабиётнинг ички қонуниятларига таяниш; 9) илмий ва бадий синкретизм адабий танкиднинг ўзига ҳос хусусиятларидир.

Таянч тушунчалар: ҳаракатдаги эстетика, ҳукм қилувчи танкид, образли тафаккур-илмий тафаккур билан бадий тафаккурнинг уйғунлашуви, адабий танкидда образлилик, адабий танкид илмий-эстетик ҳодиса, адабий танкидда миллийлик ва умуминсонийлик диалектикаси, академизм, адабий танкидда бирламчи ва иккинчи тил.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Адабий танкид-"ҳаракатдаги эстетика" деганда нимани тушунасиш?
2. Адабий танкидда образлилик қандай намоён бўлади?
3. Адабий танкидда илмий тафаккур билан бадий тафаккурнинг ўзаро уйғунлашуви қандай намоён бўлади?
4. Адабий танкиднинг илмий-эстетик ҳодисалиги нималарда ўрнанади?
5. Адабий танкиднинг жорий адабий жараёндаги ўрни қандай?

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас қуч. - Т.: Мънавият, 2008.
2. Валитўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т., 1993.
3. Норматов У., Болтабоев Ҳ. Янги назарий тамойиллар // Жаҳон адабиёти. - Т., 2008. № 3. - Б. 154-163
4. Норматов У., Очилов Э. Танкид, мунаққид ва ҳозирги адабий жараён // Ўзбек тили ва адабиёти. - Т., 2004. - № 4. - Б. 35-44.
5. Расулов А. Танкидчилик уфқлари. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1985.
6. Саримсоков Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. - Т., 2004. - 127 б.
7. Сафаров О., Йўлдошов Б., Аҳмедова Ш. Ўзбек адабий танкидчилиги тарихи (қўлланма). - Бухоро, 2003.
8. Sultan I. Adabiyot nazariyasi. - T.: O'qituvchi, 2005. - 270 b.
9. Тўхтеев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. - Т.: Янги аср авлоди, 2006. 181 б.
10. Уэллек Р., Уоррен О. Теория литературы. - М.: Прогресс, 1978. - 328 с.
11. Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. - Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. - 122 б.
12. Чернишевский А.Г. Адабий-танкидий мақолалар. Т., 1987.
13. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. Т.: Шарк, 2004.
14. Халишев В.Е. Теория литературы. Изд. 3. - М.: Высшая школа, 2002. - 437 с.
15. Ўзбек адабий танкиди. Антология. Тошкент, 2011.

¹⁸ Каримов И.А. Ўзбек халқига янги йил табриги// ЎзАС 2000. 1 январь.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ (1900-1925 йиллар)

РЕЖА:

1. Ўзбек адабий танкиди тарихини даврлаштириш масаласи.
2. Адабий танкиднинг шаклланишида матбуотнинг ўрни.
3. Янги ўзбек танкидчилигининг илк мустақил одимлари.
4. Танкидчиликда жанрий изланишлар.

Ўзбек адабий танкиди тарихини даврлаштириш масаласи.

Бошланаётган янги давр адабий-бадий талаблари ва эстетик эҳтиёжларини ифода этиб, замоннинг янги типдаги бадий адабиёти, янги инсон ва китобхонни тарбиялашни мақсад қилиб қўйган адабий танкид Ўзбекистонда XX аср бошларида матбуот билан бирга туғилди. Унинг юзага келишида, авваламбор мумтоз адабиёт ва адабий-танкидий тафаккур анъаналари, қолаверса, янги матбуот босилган мақолалар саҳифаларида ҳамда анъанавий тарзда шарқ қўлёзмалари орқали кириб келган жаҳон илмий эстетик қарашларидаги намуналар муҳим роль ўйнади.

Янги ўзбек адабий танкидчилигининг махсус ходиса сифатида туғилиб, шаклланиб, камолот босқичига кўтарилиш йўлида кечган кийинчилик ва зиддиятлар моҳиятини англаш учун тарихнинг адабий-маданий саҳифаларини бирма-бир варақлаб, кўздан кечириш, эришилган илмий-эстетик ютуқларни, мавжуд нуқсонларни таҳлилдан ўтказиш, адабий-бадий, илмий-эстетик тафаккур тараққиёти қонуниятларини ҳаққоний ўрганиш ва ёритиш зарур бўлади.

Ўзбек танкидчилиги илдизлари узок ўтмишга бориб тақалади. Биз унинг XX аср тўнгидан бошланган тарихини ёритишни мақсад қилиб қўйдик. Шу ўтган вақт мобайнидаги адабий танкиднинг фазилатларини ўзлаштириш, нуқсонларини ҳаққоний таҳлилдан ўтказиб, сабаб ва оқибатларини аниқлаш, адабий танкиднинг ёзувчилар ва ўқувчилар оммасига таъсири доирасини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун зарурдир.

"Биз бугун янги асрга қадам қўйдик. Хўш, янги асрга ўзбек адабиётшунослиги қандай йўлланма билан қиради? У ўзининг қайси жиҳатларидан воз кечади ва ҳатто қайси гуноҳларидан тавба қилиб, қайси фазилатлари билан янги даврга юз тутди? Камчиликлар оз эмас.

...Лекин шунга қарамай, бугун умидсизликни йиғиштирмоқ керак ва аҳиллик билан ишга киришиб, янги адабиётнинг ривожига фаол қўмак-

ланмоқ керак"¹⁹. Бу фикрни адабий танкидга нисбатан ҳам қўллаш мумкин, чунки бадий адабиёт билан адабий танкид доимо бирга ҳаракат қилади.

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ходисалар муайян даврларга ажратиб ўрганилмаса, мақсадга олиб борадиган тўғри йўлни топиш қийин кезали. Шунга кўра, адабиёт тарихи бадий ижод ва ижтимоий ҳаётда рўй берган катта воқеалар, туб бурилишларга асосланиб даврлаштирилади, яъни солдағина қилиб: "20-йиллар адабиёти", "60-йиллар адабиёти" тарзда кесмларга ажратилади. Бундан англашиладики, даврлаштириш ташқи билан ҳали катъий белгиланган эмас. Ёки бу даврлаштиришнинг кўп қанча осон эмаслигидан мужда бўлса, ажаб эмас. Аммо шуниси аёнки, ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий онг тараққиёти қонуниятлари, хусусиятлари ҳамма вақт муайян соҳанинг ўзига хос мазмуни, мундарижаси, нуқсонлари марказида туради.

Танкид ривожини адабиёт ривожини билан ҳамбарчас боғлиқдир. Адабиёт ҳам, танкид ҳам ҳаётдаги гўзалликни ёритади ва излайди, уларни турлича шаклда ифода этади. В.Г.Белинский бу ҳақда шундай ёзади: "Санъаткор ва адабиётчи ўзининг санъат ва адабиёт ҳақидаги тушунчасини бевосита яратган асарларининг ўзи билан ифода этади; танкидчи эса санъат ва адабиёт ҳақидаги тушунчасини мантиқли фикр воситаси билан мушоҳада тариқида ифода этади. Бу ҳолда санъат ва адабиёт танкид билан қўлга-қўл берилиб борадилар ва бир-бирларига ўзаро таъсир этадилар"²⁰.

Ўшунча мунаққид қайта-қайта таъкидлаган бу ходиса адабий танкид тарихини ўрганилмагунча бадий адабиёт тарихининг ҳаққоний ва тўлиқ манзарасини яратиш мумкин эмаслигидан гувоҳлик беради. Бу ҳол адабий танкид тарихини адабиёт тарихининг ажралмас бир қисми қилиб қўяди. Шу мантиқдан келиб чиқиб "Ўзбек совет адабий танкиди тарихи" (1987) китоби янги йўлдаги муаллифлари ўзбек адабий танкиди босиб ўтган йўлни замон мафкурасига таянган равишда қуйидагича ўрганадилар:

1. Ўзбек совет адабий танкидининг вужудга келиши ва илк қадамлари (1917-1932).
2. Ўзбек совет адабий танкиди социалистик реализм эстетикаси билан кўрғанилиши йўлида (1932-1941).
3. Улуғ Ватан уруши даври ўзбек адабий танкиди (1941-1945).
4. Улуғ Ватан урушидан кейинги давр ўзбек адабий танкидчилигини (1945-1956).
5. Адабий танкид тарихида янги босқичнинг бошланиши (1956-1961).
6. Адабий танкиднинг тез ва кенг ривожланиши йўлига кириши (1962-1972).
7. Ўзбек адабий танкиди янги босқичда (1972-1980)²¹.

¹⁹Ибраһимов О. Адабиёт мангу яшайди // Жаҳон адабиёти. 1998. № 1. - Б.4.

²⁰Белинский В. Танланган асарлар. Т. 1959. - Б. 244.

²¹Ўзбек совет адабий танкиди тарихи. Т. 1987.

Кўринадики, бундай даврлаштиришга соҳадаги ўзига хосликлар эмас, мамлакат тарихи, ёхуд шу тарихдаги ўзига хосликлар асос қилиб олинган. У эса ўзбек адабий танкидининг чинакам илмий тарихини - ривожланиш йўлидаги ҳақиқий манзарасини акс эттирмаган. Унда адабий танкидда кечган жараёнлар шўро тарихи ва мафкурасига мослаштириб талқин этилган. Чунончи, ўзбек адабий танкидчилигининг социалистик реализм билан қуролланиши аслида унинг мафкуравийлаштирилишидан иборат бўлиб, РКП (б) МҚнинг 1925 йил 18 июнда қабул қилган "Партиянинг бадний адабиёт соҳасидаги сиёсати тўғрисида"ги резолюцияси, РКП (б) МҚнинг "Адбий бадний ташкилотларни қайта қуриш ҳақида"ги 1932 йил 23 апрелдаги қарори, Бутуниттифок Ёзувчилар уюшмасининг I съезди тасдиқлаган йўл-йўриқлар шўро адабиётининг моҳияти, омонатлиги, нотўғри тараққиёт йўлини танлаганлигини кўрсатди. РАПП (ЎАПП) адабиёт соҳасида душман излаш, адабий рақиб яратиш маҳоратини ўзлаштирди. Леопольд Авербах сингари РАПП раҳбарлари М.Шеве́рдин, Олим Шарафиддинов, Раҳмат Мажилий, Сотти Хусайн, Жамол Бойбўлатов сингари ёшларни сиёсий хушёрлик руҳида "тарбиялай бошладилар". 30-йилларнинг бошларидан рус адабиёти миллий адабиётларнинг раҳнамоси, ўрнак университетига айлантирилди. Бадний адабиёт, адабий танкид соҳасида шахсий адоват, ёмонотлик қилиш тамойили кучайди.

Социалистик реализмнинг шўро адабиёти, танкидчилигининг асосий методи сифатида тасдиқланиши шўро адабиётининг инкирозини белгилаб берди. Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги 60-йиллар арафасигача бўлган даврни камраб олувчи уч босқич эса аслида, ўзбек адабий танкидчилигининг шиддат билан изланиши адабий-танкидий тафаккурда ўзгаришлар рўй бериши, янги-янги шаклларнинг ўзлаштирилиши ва реализм учун кураш йиллари бўлди. Албатта, бу жараён ҳам шўро ва партиявий мафкурага тўйинган ҳолда кечган эса-да, шахсга сиғиниш оқибатларининг тугатила бошлаши туфайли, ҳар қалай адабий танкидда ҳам ҳур фикрнинг уйғонаётганидан айрим муждалар берди. Адабий танкид сталинча катагон қурбонлари ижодини қайта баҳолашга киришди, лирика, бадний маҳоратни ўрганишда эстетик таҳлилда айрим янги қадамлар ташланди. Айниқса, тарихий асарларда ўзликни англаш ва эрк туйғуларининг жамиятни уйғотувчи моҳиятини идрок этишга уриниш кучайди. Қолаверса, адабий жараёнда юз бераётган хилма-хил изланишлар - ижодий метод ва жанрлар ранг-баранглиги ҳодисалари моҳиятини, кийнала-кийнала бўлса-да, идрок эта борди ва эстетик баҳосини беришга, умумлаштиришга ҳамда улардан тегишли хулосалар чиқаришга ҳаракат қилди, қисман маълум натижаларга эришди.

А.Расулов ва Н.Худойбергеновлар ўзбек танкиди тарихини икки даврга бўлиб ўрганишни тавсия этадилар. Улар фикрича:

1.1917-1955 йилларни ўз ичига олувчи босқичда янги ўзбек танкидчилигининг тугилиши, шаклланиши ва махсус фан сифатида таркиб топиши содир бўлди.

2.1956 йилдан то шу кунларгача (1990) кечган ва кечаётган вақтни камраб олади. Бу даврда ўзбек танкидчилиги фан ва санъат уйғунлигидан ташкил топган махсус адабий ҳодиса тарзида ривожланиб, илмий эстетик қамолотга эришиш жараёнини бошдан кечиради²².

Табиийки, муаллифлар ўзбек адабий танкиди тарихини бу тарзда икки даврга бўлиб ўрганиш ҳам нихоятда шартлидир. Чунки бундай даврлаштиришда салкам бир аср давомидаги ўзбек танкидчилигида кечган ўзгаришлар, янгиланишлар, айрим таназзул ва бошқа ҳолатларни илғаш, англаш ҳамда уларнинг сабабларини аниқлаш кўринмай қолади. Жараёндаги мураккабликларнинг деярли бир текисликка тушиб қолиши ушуб даврлаштиришнинг энг кемтик нуқталаридан биридир.

Мустақиллик даврида яратилган ўқув қўлланмаларида ҳам даврлаштириш масаласига эътибор қаратилган. Б.Раҳмонов XX аср ўзбек адабий танкидчилигининг тараққиётини учга, яъни "жадидчилик даври", "шўро даври" ва ундан кейинги йиллар сингари катта босқичларга бўлади²³.

Бу даврлаштиришни мунаққид С.Содиқ танкид қилади. Шўро даври танкидчилиги тарихини 20- йиллар, 30- йиллар, уруш даври, ундан сўнгги давр, 1956 ҳамда 1972 йилдан кейинги босқичлар тарзида кичик-кичик этапларга тақсимлаганини тўғри эмас деб ҳисоблайди. Бу даврлаштирилишда муаллиф, асосан, битта принцинга, яъни жамият ривожига хусусиятларини қўпроқ инобатга олиш тамойилига амал қилган деб қарайди.

С.Содиқ даврлаштириш масаласида ўзининг ушбу таклифини ўртага ташлайди:

1. Ўзбек адабий танкидчилигининг шаклланиш даври (1914-1932)
2. Таҳлил қўламининг кенгайиши босқичи (1932-1961).
3. Умумлашмалар томон бурилиш палласи (1961- 1991).
4. Талқинларнинг янгиланиш босқичи (1991 йилдан ҳозирги кунларга қадар)²⁴.

Бундай даврлаштиришда ҳам мунозарали ўринлар йўқ эмас. Гарчанд С.Содиқ адабиёт ривожининг ўзига хослиги ва танкидчиликнинг ички тараққиёт қонуниятларини инобатга олиш тамойилига таянган бўлса-да, таснифда жараён тадрижга белгиларининг етакчи хусусиятлари кўринмай қолади. Аслида янги ўзбек адабий танкидчилиги XX аср ҳосиласи, у аср бошида жадидчилик бошлаган миллий уйғониш гоёларидан сув ичиб

²² Худойбергенов Н., Расулов А. Ўзбек совет адабий танкидчилиги Т., 1990.-Б. 58.

²³ Раҳмонов Б. Ўзбек адабий танкидчилиги. Т.: Янги аср авлоди. 2004.

²⁴ Содиқ С. Танкидчилигининг машаққатли йўли / Мустақиллик даври адабиёти. Адабий-танкидий мақолалар тўплами. Т.: 2006.

бунёдга келди ва шаклланиш жараёнига кирди. Шўро замонида соцреализм байроғи остида мафкуравий қуролга айланди, нихоят истиклол арафасида асл ўзанига қайтиб, холис янги тараққиёт йўлини тутди. Шу мантикка таянган, XX асрда кечган ижтимоий-эстетик жараёнларга дахлдорлик ҳолатида ўзбек адабий танқидчилиги тарихининг тараққиёт йўлини қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш маъқул:

Биринчи босқич – янги ўзбек адабий танқидчилигининг пайдо бўлиши ва шаклланиши (1900-1927).

Иккинчи босқич– ўзбек адабий танқиди мафкуравийлаштириш ва реализм учун қураш жараёнида (1928-1961).

Учинчи босқич – танқидда бадиият ва маҳоратга эътиборнинг кучайиши (1962- 1991).

Тўртинчи босқич–ўзбек танқидчилигида истиклол даври (XX асрнинг 90-йилларидан кейинги давр).

XX аср ўзбек танқидчилиги тарихининг бундай давраштириш сабаблари қуйидагилардан иборат:

1.Аср бошидан танқидий тафаккурда бадиий адабиёт ва у орқали жадидчилик мақсадларини илғари сурувчи қарашлар пайдо бўлди. Шўро тўнтаруви бўлгани билан унинг ғоялари бошда танқидчиликка фаол таъсир кўрсатганича йўқ. Тахминан 1927 йилгача танқидчиликда жадид мақсадлари ҳам, шўровий мақсадлар ҳам аралаш-қуралаш илғари сурилиб келди. XX асрнинг биринчи чораги тугаш арафаларида Ўзбекистон танқидчилигида шўро сиёсати қучли ҳужумга ўтди ва танқидчиликда йилдан-йилга ўз манфаатига мос ўзгаришлар ясай бошлади. Истиклол, озодлик ғоялари акс этган асарларга кескин ҳуруж бошланди. Шунга қарамай, бу босқич ўзбек танқидчилигининг юзини кўрсатувчи В.Маҳмуднинг бир қатор мақолалари, Ойбекнинг “Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак?” (1927) каби программ аҳамиятга эга мақолалар пайдо бўлди.

2. Дастлабки босқич тугаши арафаларидаёқ шўро сиёсати ва мафкуриси танқидчиликда ҳам аста-секин ҳукмронликни ўз қўлига олди. 1928 йилдан танқидчиликда синфийлик ва дунёқараш масаласида, нихоятда зарарли ва ҳато фикрлар илғари сурила бошлади. Бундай фикрлар партиявий ҳужжатлар билан мустаҳкамланди. 1934 йилдаги ёзувчиларнинг 1- сьезди социалистик реализм қонуниятларини асослаб берди. Ўзбек танқидчилиги мана шу жараён таъсирида қолишига қарамай, социалистик реализм учун қурашишига қарамай, ўзининг илғор вакиллари қарашлари мисолида, умуман, реализм принципларини аниқлаш ва эгаллаш йўлида жиддий изланишлар олиб борди. Бу изланишларнинг самаралари 30-, 40-, 50- йиллар мақолалари ва тадқиқотларидаги муваффақиятлар ва ҳатоларда аниқ намоён бўлади.

3.50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган тарихий ва адабий-маданий шароитларда ўзбек танқидчилигига О.Шарафиддинов,

М.Қўшжонов, Л.Қаюмов, Ҳ. Абдусаматов, С.Мамажонов, Н.Каримов, У.Норматов, Н.Худойберганов каби янги қучлар кириб келди. Беш-олти йил мобайнида улар танқиднинг сифат жиҳатдан янгиланишига ўз самарали ҳиссаларини қўша бошладилар. Бу ҳол, айниқса, 60-йилларнинг аввалида нашр этилган О. Шарафиддиновнинг “Замон. Қалб. Поэзия” номли мақолалар тўплами ҳамда М.Қўшжоновнинг “Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати” номли тадқиқотларида ёрқин намоён бўлди. Ушбу манбаларда ўзбек танқидчилиги бадиийлик ва маҳорат муаммоларини жиддий ва махсус ўрганишга киришилганини кўрсатгани билан, улар яратилган даврни ўзбек танқидчилигининг бурилиш нукталаридан бири – танқидчиликда янги босқич бошлангани сифатида эътироф этиш тўғри бўлади. Бу борада турли йўналишдаги изланишлар истиклол арафасигача давом этди.

4.Ва нихоят 1990 йил аввали - Мустақиллик давридан бошлаб ўзбек танқидчилиги барча йўналишларда ўзининг янги ва истикболли тараққиёт босқичига кирди.

Адабий жараён ва унинг хусусиятларини очиқ бериш танқидчилик инмасида турлади. Бадиий ижод ҳақидаги фикр-мулоҳазалар илмий-эстетик таҳлилда ҳаққоний ўз ифодасини топиши керак. Бугун истиклол мафкуриси ҳар бир ходисага холис баҳо беришни талаб қилапти. Лекин афсуски, XX аср ўзбек адабиёти, шу билан бирга, ўзбек адабий танқиди ўз ривожини 20-йиллардан, аниқроғи, тўнтарини таъсирида бошлади деган қараш айрим дарслик, қўлланма, турли тадқиқотларда ҳамон учраб турарди. Бу тўғри эмас, ёки энг камида, эскирган фикр. Айниқса, истиклолгача чоп этилган ишларда шундай мулоҳазаларга дуч келган қозирги талабалар бу нарсани эътиборда тутишлари лозим бўлади.

Ўзбек адабиёти ва танқиди тарихини энди шўродан аввалги ва кейинги давларга бўлиб ўрганиш эскирди. XX аср ўзбек адабиёти ва танқиди тарихига бир бутун адабий ходиса деб яхлит тизим сифатида ёндашув лозим. Тараққиёт ва ички имкониятларни намоён эта олиши масаласидан келиб чиқиб ҳамда ундаги сифат ўзгаришларнинг назарда тутилгани, шартли равишда аср мобайнидаги уларнинг тарихий йўлини турли давр ва босқичларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ кўринади.

XX асрнинг, айниқса, биринчи чорагида фаол ижод этган, 30-йилларда ҳам қатор етук асарлар яратган, мунаввар фикрларни илғари сурган, ўрни келганда баъзан янглишган, лекин миллатга салокатини йўқотмаган Камий, Ажзий, Иброт, Мунавварқорн Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Мажидий, Сўфизода, Сидқий-Хондайликий, Тавалло, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Отажон Ҳошим, Вадуд Маҳмуд, Абдурахмон Саъдий, Сотти Ҳусайн, ва бошқалар фаолияти, меросини, ўрганиш, шунингдек, алоҳида илмий тарихий масалаларни қайта кўриб чиқиш ва баҳолаш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Бу ҳусусда “Миллий уйғониш даври ўзбек

адабиёти" (Б.Қосимов, Ш.Юсупов, У.Долимов, Ш.Ризаев, С.Аҳмедов) каби дарсликлар, диссертациялар ёзилди, илмий рисоалар ва тўпламлар, адабий-танкидий маколалар эълон қилинди. Булар-ку муҳим ва ўринли ишлар, давр адабиётини бутунча олиб текшириш, шу йўл билан унинг тарихий тараққиёт жараёнида тугган ўрнини белгилашга хизмат қиладиган изланишлар, бироқ булар ҳали ўша давр адабий ҳаётини ва адабий-танкидий фикрини ўрганиш соҳасида амалга оширилиши керак бўлган ишларнинг ҳаммаси эмас.

XX аср бошларидаги адабий ҳаёт ўзбек адабиёти тарихий тараққиётида қандай ўрин тутиши, бошқа босқичлардаги тараққиёт жараёнидан қайси ва қандай хусусиятлари билан фарқ қилиб туриши, жаҳон халқлари адабиётининг шу даври билан қиёсан ҳолис, илмий жиҳатдан аниқ ва тиник очилса, кўп чигал муаммолар, жумладан, ёзувчи, шоирлар ижодини бор салобати ва салмоғи билан баҳолаш имкони туғилар, бинобарин адабий танкидга доир қатор муаммоларнинг ечими ҳам истиқболли йўналиш олган бўлар эди.

XX аср ўзбек танкидчилигидаги адабий-танкидий мақола ва тақризлар дастлаб "ТВГ" ("Туркистон вилоятининг газети")да босилган дейилса-да, унинг айрим намуналари XIX асрнинг охиридан чоп этила бошланганини кузатиш мумкин.

XX аср тўғрисида Бехбудийнинг "Падарқуш" драмасининг пайдо бўлиши ўзбек театр танкидчилигининг туғилишига олиб келди. Мирмуҳсин Шермухаммедов, Ҳожи Муин каби театр танкидчилари етишиб чиқди. "Осиё" газетасида "Театр", "Ойина" журналида "Театр надур", "Туркистон вилоятининг газети"да "Театр фойдаси" каби мақола ва тақризлар босилди.

Шу вақтгача, асосан, татар, озарбайжон, рус драмалари ҳақида айрим фикрлар билдириб келинган бўлса, энди ўзбек муаллифининг драматик асари ҳақида, ўзбек ҳаёти ва миллат муаммолари билан боғлиқ равишда муҳим қарашлар айтила бошланди. Татар, турк, озарбайжон, рус адабиёти ва санъатлари таъсирида ўзбек миллий адабиётида йўл таассуротларидан иборат очерк, фелъетон, хикоя, қисса, роман каби жанрларнинг илк намуналари пайдо бўла бошлади. М. Шермухаммедов, Ҳамза, С.Айний, А.Қодирий, Чўлпон каби ижодкорлар бу жанрлардаги илк миллий асарларнинг муаллифлари эдилар. Бу йўналишдаги янгиликлар ўз навбатида танкиднинг ҳам жонланишига фаол таъсир кўрсатди.

Маърифатпарварлик жаҳид адабиётининг етакчи тамойилига айланар экан, бу хусусият шакллана бошлаган ўзбек миллий танкидчилигининг ҳам етакчи хусусиятларидан бири сифатида бўй кўрсатди. Танкидда пайдо бўлган айрим демократик талаблар аста-секин ўзбек миллий адабиётидаги демократик йўналиш шаклланишининг фаоллашувига таъсир эта борди. Танкидда даврнинг мавжуд ижтимоий тартибни танкид қилиш давр адабиёти, айниқса, шеърисидаги реалистик унсурларнинг чуқурлашувида

муайян роль ўйнади. Давр талаби ва ундаги танкид кўзининг очила бориши бонс халқ орзуларини ҳар томонлама акс эттириш адабиётда асосий мавзуга айланди. Аммо давр адабиётига тўлиқ ва етарли баҳо беришга ўша замондаги адабий танкиднинг қучи етмас эди. Адабий танкид бу вақтда ҳали санъат, мусика, тил, маданият, ижтимоий, тарих муаммолари ҳуқуқидagi мулоҳазалар доирасида, кўпда қоришқ ҳолда кечди.

20-йилларнинг иккинчи ярмидан адабий танкид анча жонланди. 30-йиллардан адабиёт бутунлай мафқуралаша боргани сари танкиднинг ҳам кўплай имкониятлари қўлдан кетди. Тўғри, бу даврда ҳам қатор гўзал асарлар яратилди, лекин бундан қатъи назар "Совет тузуми унинг марксча-ленинча мафқураси, шубҳасиз, адабиётимизнинг қамолига қатта зарар келтирди"²⁵. Танкидчилик бу даврда қатта изтироблар билан айрим ҳақиқатларни сўзлашга интилса-да, асар моҳиятини, бадиятини тўғри очишга ҳаракат қилса-да, қундан-қунга адабиётшунослик илмида жаҳид адабиёти ва унинг намоёндалари ҳаёти, ижоди четлаб ўтила бошланди. Аксар ҳолларда эса, уларнинг ҳаёти, дунёқараши, ижоди бузиб кўрсатилди. Партиявийлик ва синфийлик деган талаб танкид ва адабиёт бошига тушган бало бўлди. Натижада XX аср бошларигача ўзбек адабиёти билан ундан кейинги даврдаги адабиёт ўртасида қатта ўпирилишлар ва узилиш юзага келди; шўрони улуғловчи асарларгина кўкка кўтарила бошланди. Шундай экан, бу давр адабиётини, танкидчилигини барча мураккабликлари билан ёритиш, барча ижодкорларнинг бадийлик мезонларига жавоб берадиган асарларини чоп этиш, ўзбек мумтоз адабиётига туташтирувчи кўприкни тиклаш зарур эди. Худди шу борадаги қайрилишларни Э.Каримов ва Б.Қосимов каби адабиётшунослар бошлаб бердилар.

Ўзбек адабий танкиднинг шаклланишида матбуотнинг роли. Танкиднинг муҳим хусусиятларидан бири унинг публицистик руҳи ёки публицистика билан ҳамбарчас алоқасидир. Адабий жараён ҳодисалари ва шу куннинг айрим асарларини таҳлил этиб, қимматли фазилатларини кенг оммага тушунтириб бериш асосида унинг эстетик дидини тарбиялашга мўлжалланган танкид ўз ўқувчисига, асосан, матбуот – газета ва журналлар орқали мурожаат этади. В.Белинский ўз давридаёқ: "Танкид аллақачон бизнинг омманинг эҳтиёжи бўлиб қолди. Ҳеч бир журнал ёки газета танкид ва библиография бўлимсиз яшай олмайди", деб ёзган эди.

XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Туркистонда ўзбек миллий вақтли матбуоти туғилди ва тез суръатлар билан ривожлана борди. Вақтли матбуотнинг туғилиши, ривож топиши билан дастлабки миллий журналистларимиз етишиб чиқа бошлади. 1883 йилдан чоп этила бошлаган "Туркистон вилоятининг газети" (ТВГ) ўзбек маданияти, санъати, адабиёти билан бирга, танкиднинг юзага келишида муҳим ўрин тутди.

²⁵ Каримов Н. Маънавий бойликка эҳтиёж // Жаҳон адабиёти. 1998. № 1. - Б. 14.

Унда "Ўш шаҳри хусусидаги рисола" ҳақида босилган тақриз, айтиш мумкинки, шу жанрнинг биздаги дастлабки намуналаридан биридир.

Газета исёнкор ўзбек шоири Бобораҳим Машраб ижодиётига оид мақола билан матбуот саҳифаларидаги ўзбек адабиётшунослиги рукнини бошлади. 1907 йилдан унда М.Бехбудийнинг мақола ва очерклари нашр этилди. Газета XIX асрнинг охиригача ўзбек демократ шоирлари Фуркат ва Сатторхонни, 1903-1910 йиллар мобайнида Муқимий, Нодим, Рожий, Ибрат, Бехбудий, Ҳожи Муин, Васлий, Иброҳим Даврон, М.Шермуҳаммедов, М.Сўфизода, Тавалло, А.Зоҳирий, А. Қодирий (Жулқунбой) каби ижодкорларни тўплади. Уларнинг аксари танқидчилик билан ҳам шугулланиб, адабий жараёнда фаоллик кўрсатди. Гарчи миссионерлик мақсади асосида иш кўрса-да, муҳаррир Н.П.Остроумов ўзбек адабиёти намуналари ва улар ҳақидаги мақолаларга муайян саҳифалар ажратди. Чунончи, "Падаркуш" драмаси сахналаштирилиши муносабати билан 1914 йилда ўзбек театрига, сахна асарларига бағишланган катор тақризлар эълон қилинди. Бу жиҳатдан Ҳожи Муиннинг "Янги асар" номли мақоласи диққатни тортади. Унда "Падаркуш" фожеаси китоб ҳолида босмадан чиққанлиги айтилиб, асар мазмуни баён қилинади. Тақризда Бехбудий асари ўзбек драматургиясининг қалдирғоч намунаси сифатида баҳоланар экан, унинг халқ маданияти, маърифий тафаккури ривожига аҳамияти таъкидланади.

М.Шермуҳаммедов ҳам мақолаларининг бирида бу фожиа ҳақида ижобий фикрлар билдиради, халқни "Падаркуш"ни ўқишга чорлайди. "ТВГ"нинг 1914 йил 71-сонида Мирмуҳсиннинг "Сабзозор рисоласи" номли мақоласи эълон қилинади. Унда тўплам мундарижаси, қатнашган шоирлар, уларнинг давр адабий жараёнида тутган ўрни ҳақида маълумотлар берилди. Васлий ижодига бағишланган мақола Мирмуҳсиннинг танқидчилик истеъдодидан дарак беради. Лекин "ТВГ" фаолияти давомида ўзбек адабиёти, маданияти, танқидини ёритишга аҳамият берса-да, чор ҳукуматида содиклигини унутмади. Ундаги аксар шеър ва мақолалар Остроумов "буюртма"си билан ёзилиб босилди.

Бу даврга келиб, Туркистонда бир қатор ўзбекча газеталар нашр этила бошланди. "Тараққий", "Хуршид", "Шухрат", "Садои Туркистон" каби газеталарнинг пайдо бўлишида М.Бехбудийнинг устози, жадидчилик ҳаракатининг асосчиси И.Ғаспирали ташкил этган "Таржумон" газетасининг таъсири бекиёсдир.

МАҲМУДХҲҲА БЕҲБУДИЙ (1875-1919). Маҳмудхўжа Бехбудий ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаракатларида фаол қатнашган энг йирик намоёнчаси, янги замон ўзбек маданиятининг асосчиси эди. Туркистон жадидларининг йўлбошчиси, "мустанкил жумҳурият ғоясининг яловбардори, янги мактаб ғоясининг назариётчиси ва амалиётчиси" (Б.Қосимов), биринчи драматург, мунаққид, театршунос, ношир ва

журналист, ўткир публицист эди. "Маҳмудхўжа Бехбудий уйғониш даври ўзбек адабиётида биринчи ўринни олурга лойиқ зотдур", деб ёзади Ҳожи Муин ибн Шукрулло.

Маҳмудхўжа Бехбудий 1875 йилнинг 19 январида Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғида руҳоний оиласида дунёга келади. Отаси Бехбудхўжа Солиххўжа ўғли туркистонлик, Аҳмад Яссавийнинг авлодларидан, она томондан бобоси Ниёзхўжа урганчилик бўлиб, амир Шохмурод замонида Самарқандга келиб қолган. 1894 йилда отаси вафотидан кейин тоғаси қози Муҳаммад Сиддиқнинг тарбиясида ўсиб ойнаган. Араб тилини ўрганади, мактаб, мадрасада ўқийди. 18 ёшидан қозихонада мирзолик қила бошлайди. Самарқанд, Бухоро мадрасаларида яхшигина таҳсил кўрган ёш Маҳмудхўжа дунёқарашининг шаклланишида жадидчилик ҳаракатининг асосчиси Исмоилбек Ғаспиралининг хизмати катта бўлган.

1899-1900 йилларда Бехбудий бухоролик дўсти Ҳожи Бако билан ҳаж сафарига чиқади. Бир қанча мамлакатларда бўлиб, у ердаги мактабларнинг ўқитиш усуллари билан танишади. Бу танишув исиз кетмайди, унинг янги мактаб ҳақидаги қарашларини мустаҳкамлайди. Натижада Бехбудий ташаббуси ва ғайрати билан 1903 йилда Самарқанд атрофдаги қишлоқларда янги мактаблар ташкил топади. Адиб ушбу мактаблар учун дарсликлар туза бошлайди. Маърифат учун биргина мактаб қифоя қилмасди. Замон ва дунё воқеалар билан танишиб бориш, миллат ва Ватаннинг аҳволидан, ҳаётдан огоҳ бўлиш керак эди. Мана шу эҳтиёж ва зарурат Бехбудийни театр ва матбуот сари бошлади. "Падаркуш" драмаси шу тариқа майдонга келди.

1913 йилдан Бехбудий матбуот ишлари билан шугулланади. Унинг сайёҳ-ҳаракати билан "Самарқанд" газетаси нашр этилди. Унда "Сайёҳи ҳинди" асарининг форс тилидан рус ва ўзбек тилларига таржима қилинганлиги, тез орада китоб ҳолида нашрдан чиқиши ҳақида эълон-мақола берилди. Мақолада Фитратнинг бу асарини рус тилига форс-тожик тилини яхши билган полковник А.Кондратов, маърифатпарвар шоир ва драматург Ҳожи Муин ўзбек тилига ўнгиргани маълум қилинади.

Шу йилнинг 20 августидан у "Ойна" журналининг чикара бошлайди. Бу суратли ҳафталик журнал бўлиб, асосан, ўзбек тилида, унда ихчам форсий шеър, мақолалар, русча эълонлар ҳам бериб бориладди. Бехбудий шу йиллари нашр ишлари билан қизгин шугулланиди. "Наширети Бехбудия" номи билан ўз хусусий нашриётини очди. Фитратнинг "Сайёҳи ҳинди" асарини нашр этди. Туркистон харитасини тузиб босмадан чиқарди. Кутубхонани йўлга қўйди.

"Ойна" журнали маърифат ва маданият тарқатишда жуда катта хизмат қилди. Унда миллат ва унинг ҳақ- ҳуқуқи, тарихи, тил-адабиёт масалалари, дунё аҳволига доир қизиқарли мақолалар, баҳслар бериб бориладди. Айниқса, тил масалалари муҳаррирнинг ҳамиша диққат марказида бўлган.

Масалан, журналнинг биринчи сонидак у “Икки эмас, тўрт тил лозим” деган мақола билан чиққан эди.

Бехбудий адабий танкидга катта эътибор берди. Бир неча асрлик сукунатдан кейин бу соҳанинг ўзига хос хусусиятларини тайин этиб, адабиётда унинг тенг ҳуқуқлиги масаласини ўртага қўйди. “Танкид сараламоқдур” (1914) деб номланган жиддий мақолаларидан бири шу мавзуга бағишланган эди.

“Ойна” журналининг 32-сонида чиққан бу мақола танкиднинг ўша даврдаги ахлоли тўғрисида маълумот беради: “Ўқилган китобларни маънан тафтиш этиб, ундаги нуқсонларни баён этмак танкиддур, таарруз ва душманлик эмас. Бизни Туркистонда янги мактаблар анча бордур, янги рисоалар хийла босилиб турибдур, жаридаларда мақола ва ашъорлар ўқилиб турибдур, аммо хануз танкид даврига етушганимиз йўқ”²⁶.

Бехбудий газета ва журналларнинг асосий хусусияти танкидда, яъни сараламоқда деб ҳисоблайди. “Саррофлар акчани, тужжорлар матони саралаганидек, муҳаррирлар ҳам умумий ҳол ва маишатга тааллуқ нимарсаларни саралайдурки, бошқа сўз ила “танкид” аталур”.

Бехбудий танкиднинг моҳиятини жуда тўғри тушунган ҳолда, ҳали биз танкид даврига етишганимиз йўқ деб афсусланади, танкиднинг шахсий ва ижтимоий турларини кўрсатади: “Аммо бир муаллим ё мударрис ва муҳаррирни ишидан, шахсиятидан ҳалойикга зарар келса, андан ҳам баҳс ва танкид ёзмок шахсий бўлмайдур. Танкид янги ёзилган китоб, жарида ва мақалаларга-да жорий ва нофеъдур”. Шу билан бирга танкидда айтиладиган ҳақ сўзни ҳамма ҳам тушунаввермасалигини қуйдагича ифодалайди: “Иттифоко, танкид шаклинда бир нимарса ёзилса, бизларга катиг тегар. Ёзганларимизни бузуклиги ва фикримизни хатолиги, ишимизни ноқислигини бирор киши кўрсатса, аччигимиз келур... Аммо ўзимизни мактаб, рисола, таҳрир ва маслақимизни бир киши танкид этдими, чидай олмаймиз, диққат ила мунаққид сўзини тингламаймиз”²⁷. Бехбудийнинг бу фикрлари бутунги кунда ҳам эскирмаган ва кимматини йўқотмаганлиги яққол кўриниб турибди.

Бундан ташқари адиб ўзининг “Китобат ул атфол” (1908) дарслигида мактуб жанри ҳақида сўз юритади. Аввало, ўқувчини хат ёзмок шартлари билан таништиради. Мактуб одобидан ўқувчини огоҳ этади. Ҳақиқатан ҳам хат инсон ҳаётида, жумладан, унинг маънавий юксалишида улкан ўрин тутадиган адабиётнинг ривожланишида маълум аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан хатни, энг аввало, бир неча гуруҳга ажратиш зарурати келиб чиқади: шахсий хат, адабий хат, публицистик хат, бадий хат каби. Кишилар ўртасидаги шахсий хат алоқа воситаси сифатида кўринса, адабиётдаги мактуб алоҳида бир жанр ҳисобланади.

Мактубларни кимга, нима сабабдан, қачон ёзилишига қараб тасниф

қилиб, Бехбудий шундай ёзган эди: “Ёзилатургон хатлар икки қисмга бўлинадур. Бири— умумий, дигари— хусусий. Умумий хатлар девонхона, козиҳона, тижоратхоналарда ёзилатургон мактублардурким, расмий аталиб, яна шаръий ва урфий деган қисмларга айриладур. Хусусий мактублар икки киши орасига ёзилатургон ёднома, муборакбод ва хабарномалардур”. Шундан кейин олим ҳар икки хил хатнинг намуналарини келтиради. Бу эса ўқувчига хат ёзиш қоидаларини ўрганишда анча қулайлик тугдиради.

Маҳмудхўжа Бехбудий публицист сифатида юзлаб мақолалар ёзди. “Ўзининг Миллат ва Ватан, жамият ва ахлоқ ҳақидаги фикрларини кўпроқ мақола ва чиқишларида ифода этди... Ҳар қандай ҳолда ҳам Бехбудий ғоят сермахсул қаламкаш эди. Мухими шундаки, у XX аср бошидаги Туркистоннинг йирик сиёсий арбоби эди. Унинг Миллат ва Ватан тақдири ҳақидаги барча қарашлари, аввало, мана шу мақолаларда акс этган эди”²⁸.

“Садон Туркистон” ҳам 1914-1917 йилларда ўз йўналиши ва мавқеи жиҳатидан ажралиб турган рўзномалардан бўлди. Унинг атрофига ўша даврнинг илғор фикрли зиёлилари Ҳамза, А.Қодирий, Чўлпон, С.Айний, Мирмуҳсин каби ижодкорлар тўпланган эдилар. “Садон Туркистон” ўзбек миллий адабиётининг қандай йўналишда бўлиши кераклигини янақ тасаввур қилди. Унинг саҳифаларида Фитрат, Чўлпон, Айний ва Ҳамза асарлари тез-тез кўриниб турди.

Вактли матбуот миллий адабиёт билан бирга ўзбек танкидчилиги ривож учун ҳам ўзига хос минбарга айлана борди. Нашр этилган бадий ва таржима асарларга вактли матбуот ўз саҳифаларида тақризлар бера бошлади; бу тақризлар адабий танкиднинг ривожига йўл очди. Бундан шундай ҳулосага келиш мумкин: ҳозирги адабий танкиднинг энг оммавий, энг кўп тарқалган жанрларидан бири тақризнинг тугилиши, ривожланиши бевосита миллий уйғониш даври билан боғлиқ. Тақризларнинг газетада алоҳида “Танкид” рукни остида чоп этила бошлагани ҳам эътиборлидир.

Вактли матбуот ўз саҳифаларида адабий танкид, унинг аҳамияти, ёзилажак асарларга ижобий таъсири, умуман, адабиётнинг тараккиётидаги роли ҳақида кимматли илмий мақолалар чоғ эта борди. Чунончи, “Садон Туркистон” танкид истилоҳи ва унинг адабиёт соҳасига илк бор кириб келаётганлиги хусусида Аҳдулло мақоласида берилган шарҳни эслатиш мумкин. Мақола муаллифи бу даврга келиб, “танкид” истилоҳининг бутунлай янги маъно касб этганлигини айтиш билан бирга адабиётнинг келгуси тараккиёти бевосита вактли матбуот ва адабий танкидга боғлиқлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтганда, 1900-1927 йиллардаги ўзбек вактли матбуоти янги адабий танкиднинг юзага келиши ва шаклланишида муҳим роль ўйнади.

²⁶ Бехбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар. Т.: Маънавият. 1999. - Б. 172.

²⁷ Бехбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар. Т.: Маънавият. 1999. - Б. 172.

²⁸ Қосимов Б. Карвонбони / Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. Т.: Маънавият. 1999. - Б. 3.

Ўзбек адабий танкидчилигининг илк мустақил қадамлари. "Бутун жамиятимиз тарихи каби, адабиётимиз тарихи каби танкидчилигимиз тарихи ҳам бағоят мураккаб бўлган, унинг ҳар лаҳзаси ижодий фикр билан догматизм, ҳақиқат билан ёлгон, виждонийлик билан мурасасозлик ўртасидаги курашга тўла", деб ёзади О.Шарафиддинов²⁹. Бинобарин, яратилажак танкид тарихи ана шу курашни, ривожланиш йўлларидаги мураккабликни юмшатмай, бўямай, рўй-рост кўрсатиб бермоғи даркор. Шу мантикка суянган ҳолда аср бошидаги адабий танкид ҳам ҳолис таҳлил этилиши зарур. Бу силсилада Ҳ.Болтабоевнинг Фитрат адабий-танкидий қарашларига бағишланган қатор мақолалари ва Фитрат илмий мероси тадқиқ этилган докторлик иши; И.Ёкубов, У.Султонов, Б.Каримов, Ғ.Умрзоков, У.Жўракулов, Р.Тожибеов каламига мансуб "Отажон Ҳошимнинг адабий-танкидий фаолияти", "Чўлпоннинг адабий-танкидий қарашлари", "Вадуд Махмуднинг 20-йиллар адабий танкидчилигидаги ўрни", "Ғози Юнуснинг ижодий йўли", "Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати", "Ўзбек адабий танкиди тарихидан" деб номланган номзодлик диссертацияларида қимматли кузатиш ва ҳулосалар мавжудлигини таъкидлаш ўринлидир.

Адабий танкид XX аср бошларида муҳим ютуқларга эришган эса-да, жиждий нуқсонларга ҳам йўл қўйди. Бу ҳақда фикр юритишдан олдин аср бошларида пайдо бўлган турли ташкилотлар ва уларнинг адабиёт ҳамда адабий танкидга муносабатини кўрсатиб ўтиш жоиз. Зеро, XX аср 20-йиллар адабий жараёни учун муштарак хусусиятлардан бир-бирига ўхшамаган турли адабий ташкилотларнинг мавжудлиги эди. Бунинг натижасида ижодкорларни пролетар ва деҳқон ёзувчиси, инкилобий ёзувчи ва "попутчик" (йўловчи) каби тоифаларга ажратиш одатга айланган эди. Жумладан, ўша даврдаги адабий-танкидий мақолаларда Ғайратий, У.Исмоилов, Ғ.Ғулом – пролетариат ёзувчилари, Ҳ.Олимжон, Ойдин, Ш.Сулаймон, С.Абдулла–инкилобий ёзувчи, Элбек ва Ойбек – "попутчиклар" деб баҳоланган эди. Бу даврдаги адабий танкид: 1) адабий танкидий жанрлар хусусидаги изланишлар; 2) мумтоз меросга муносабат; 3) янги инсон қиёфасини яратиш каби йўналишда иш олиб бораётганини кузатиш мумкин.

Адабий танкид шаклланиш босқичида илк қадамларини, асосан, тақриздан бошлашнинг таъкидлаш жоиз. Тақризлар аввал театр спектакллари хусусида, сўнг турли бадий асарлар ёки, алоҳида тўпламлар ҳақида ёзила бошлади. Бунга "За-най" имзоли муаллифнинг "Ҳалил фаранг", "Чўл боласи" таҳаллусли муаллифнинг "Ер юлдузлари", С.Айний қиссалари, А.Қодирийнинг дастлабки романига ёзилган тақризлар мисол бўла олади.

Айни чоғда, яқин ўтмишдаги ижодкорлар ва замондош адиблар ҳаёти, фаолиятига бағишланган мақолалар юзага кела бошлади. Тўғрулнинг "Эски шоирларимиздан Муқимий", Л.Олимийнинг "Унутилган шоир" (Сўфизода ҳақидаги) каби адабий портрет характеридаги, Фитратнинг "Мукаддиматул-адаб", Чўлпоннинг "Тағор ва тағоршунослик", "500 йил" мақолаларида мумтоз бадий хазина ўз қимматини йўқотмагани ва унинг янги авлодга хизмат қила оладиган томонлари, янги адабий ҳодисаларнинг айрим хусусиятлари очиб берилди.

Ёзувчи ва танкидчиларнинг кўпи янги ўзбек адабиётининг долзарб масалалари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон, А.Саъдий, Элбек, ёшлардан Ҳ.Олимжон, Ғ.Ғулом, Миртемир, Олим Шарафиддинов, Боту, Ш.Сулаймон, Сотти Ҳусайн, А.Қахҳор, Олтой, О.Ҳошимлар танкидий, илмий-маърифий ишлари билан матбуот саҳифаларида тез-тез кўриниб турдилар. Улар ўзбек адабиётининг шаклланиши ҳақида, ўзбек адабиётидagi янги фазилатлар ҳақида, баъзан айрим адабий муаммолар устида баҳс юритдилар. Шу тариқа, адабий танкиднинг шаклланиш жараёнида қуйидаги икки хусусият кўриниб турди:

1. XX аср бошларидаги ўзбек матбуотида "танкид" руқни остида, асосан, турли ижтимоий-сиёсий, адабий, ахлоқий ва диний мавзудаги илмий, публицистик мақолалар, фелъетон, очерк, мунозара шаклидаги чиқишлар кузатилди.

2. Йигирманчи йилларга келиб, матбуотда "Танкид ва адабий муҳофазалар", "Фанний текширишлар", "Матбуот ва адабиёт", "Санои нафиса оламида" каби янги руқлар очилди, уларда бадий тўпламлар, сахна асарлари, дарсликларга оид тақризлар эълон қилинди, обзор ва муаммоли мақолалар босилди. Адабий жараёнга, ўзбек адабиётига доир доир бу ҳилдаги мақолалар, тақризлар қаторида қардош халқлар адабиёти, уларнинг санъаткорларига оид мақолалар ҳам ёритила бошлади.

Шарқ ва Ғарб санъати ҳақида, гўзаллик масалалари хусусида, шуниингдек, В.Белинский, Н.Чернышевский, В.Плеханов, А.Луначарскийнинг эстетик қарашларига бағишланган мақолалар ёзилди. Айни вақтда, адабиёт ва санъатни сиёсат йўлига бўйсундириш билан боғлиқ кўрсатмаларни кенгрок ёйиш ҳаракати бошланди.

Ўзбек адабий танкиди шаклланишида озарбайжон публицисти Н.Наримонов, татар адиби О.Иброҳимов илмий-назарий қарашларининг таъсири сезиларли бўлди. Ўша давр ўзбек матбуотида уларнинг мақолалари босилиши ижобий ҳодиса эди. Айни замонда турли адабий тур ва жанрлардаги асарларни баҳолаш зарурати адабий-танкидий фикрнинг жонланишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Ўзбекистонда яшаган профессионал мунаққидлардан ташқари танкидчиликда Чўлпон, Қодирий, Ойбек, Ҳ.Олимжон каби адибларнинг фаол иштироки ўзбек адабий танкиди шаклланишида муҳим роль ўйнади.

²⁹ Шарафиддинов О. Адабиёт мангу яшайди // Жаҳон адабиёти. 1998, № 1. - Б.6.

XX аср аввалида адабий танкид вужудга келиши ва шаклланиши жараёнида бир-бирдан тубдан фарқ қилувчи икки тамойил кўзга ташланади:

1. *Бадий адабиёт моҳиятини тўғри англаш йўлидаги ҳолис изланишлар.* Бу силсилага Фитрат, Чўлпон, С.Айний, В.Маҳмуд, Л.Олимий, Олим Шарафиддинов, О.Ҳошим каби танкидчи ва адабиётшунослар ҳамда улар қаторида эндигина танкидчилик фаолиятини бошлаган Ойбек, Ҳ.Ёқубов, Ш.Сулаймон изланишлари қиради.

2. *Вульгар социологизм асосидаги оғишлар.* Бу гуруҳга мансуб танкидчи ва адабиётшунослар маданий меросга нигилистик муносабатда бўлиб, талкин учун фақат ижтимоий асос қилиб олдилар. Змонавий адабий жараён ва асарлар ҳақида фикр юритганда, ҳукмрон мафкурага таяниб, синфийлик ва дунёқараш масаласини бадий ижоднинг бош мезонлари сифатида нотўғри тушундилар. Масалан, танкидчи С.Хусайн ўзбек адабиётининг ёш ходимларини тарбиялашда, истеъдодларни адабиётга олиб киришда яхши ташаббус кўрсатди. Аммо А.Қодирий ижодини вульгар социологизм нуқтаи назаридан бирёклама ва хато таҳлил қилди. Бундай нуқсонлар Миёнбузрук Солихов, Зиё Саид, Умаржон Исмоилов, Юнус Латиф, Ж.Бойбўлатов каби танкидчилар ижодида кўп кўзга ташланди.

Ўз даврининг зиёли кишиларидан бири, шоир, носир, педагог Элбек танкидчилик соҳасида ҳам самарали қалам тебратди. Унинг танкид ҳақидаги қатор фикрлари В.Белинскийдан кўп нарсани ўрганганини кўрсатиб туради. У танкид деганда, яратилган асарлардаги ютуқ ва камчиликларни шахсий ғараз ёки мактовларсиз, ҳолислик билан айтилиши, тўғри йўл-йўрик кўрсатилишини назарда тутди. "Танкид демак, бир ишда ё бир нарсада бўлатурган камчиликларни шул ишнинг ишловчиларига кўрсатиб, тузатдирув ва тўлдирув учун айтиладурган сўз демакдур"³⁰.

Неъмат Ҳаким эса танкиднинг: фанний (илмий), сатирик, адабий-бадий каби турлари ҳақида гапираркан, илк бор унинг ички таснифини амалга оширишга ҳаракат қилади ва уларнинг ҳар бирига хос фарқли хусусиятларини тушунтиради, шу тариқа адабий танкид хусусидаги тушунчаларни кенгайтиради. У танкидчилар орасида А.Саъдий фаолиятини маъқуллайди. Қатор вульгар социологик ҳатоларга йўл қўйган бўлса-да, А.Саъдий чиндан ҳам жиддий масалалар ҳақида биринчилардан бўлиб фикр юритади.

XX аср боши адабий танкидчилигида: а) танкидчининг ёзувчи ижоди ҳақидаги қўзғатишлари; б) ёзувчининг бадий асарларга баҳоси ёки ёзувчи танкиди; в) танкидчининг танкидчилар мақолаларига муносабати сингари уч йўналиш кўзга ташланади.

Ҳар учала йўналишдаги танкидий ишлар орасида илмий, ҳолис мулоҳазалар қаторида баъзан ур-қалтакчилик далиллар нопрофессионал, ноҳолис, баъзида мафкура домига батамом шўнғиб кетган мулоҳазалар ҳам учрайдики, бундай ҳол адабий танкиднинг тугилиши, шаклланиши ва қарор топиши бир текис эмас, оғир, мураккаб, изланишли, топиш ва йўқотишли машаққатли йўлдан борганлигини кўрсатади. Лекин, энг асосийси, ҳолис ва адабиётнинг моҳиятидан келиб чиқиб айтилган фикрлар, мулоҳазалар, шу йўналишдаги мақолалар танкид келажаги учун асос бўлди.

Ўтган асрнинг 20-йилларидан эътиборан адабиёт ва адабий танкиднинг кескин синфий кураш шароитида ривожланиши - уларнинг муҳим хусусиятидир. Бунга Чўлпон асарлари юзасидан олиб борилган жиддий мунозараларни кўрсатишнинг ўзи қифоя. Чўлпон ижоди юзасидан адабий жараёндаги мунозараларда асосан икки йўналиш кўзга ташланади. Биринчисида шоир ижодига ҳолис, поэзиянинг ички моҳиятидан келиб чиқиб тўғри баҳо берилди. Бунга А.Қодирий, В.Маҳмуд, А.Алавия, қисман З.Башир ва Ойбекларнинг тақриз, мақолаларини кўрсатиш мумкин. Иккинчисига Айн, Усмонхон, Миёнбузрук Солихов, А.Саъдий ва бошқалар ёзган тақриз, мақолалар мансуб бўлиб, улада Чўлпон ижодига соф "маркесча-ленинча" эстетика нуқтаи назаридан баҳо берилди, бу йўналиш шоир қисматининг фожеага гирифтор этилишини тезлаштиришга сабаб бўлди³¹. Афсуски, ўзбек адабиёти ва танкидчилигининг тугилиши ҳамда шаклланиши жараёнида, аниқроғи, XX асрнинг 20-30-йилларида истеъдодларга шундай ёндашиш қарор топа бошлаган эди ва бунинг бош сабабчиси тузум ва мафкура эди, албатта. Бадий ижодда гоёвийлик билан бадийлик бир-бирига узвий бирлашиб, уйғунлашиб кетгандагина чинакам санъат асари пайдо бўлади. Уларнинг бирини иккинчисидан узиб, юқори қўйиш, бадий ижод моҳиятини ижтимоий қонуниятидангина келиб чиқиб тушунтириш, талкин этиш вульгар социологизмга олиб келади, адабий-бадий, илмий-эстетик тафаккур раванкига путур етказилади.

МИЁН БУЗРУК СОЛИХОВ (1891-1938). Янги типдаги XX аср ўзбек адабиётшу-нослиги шаклланишига катта хисса қўшган, бу йўналишларда жиддий изланишлар олиб борган олимлардан бири Миён Бузрук Солиховдир. У ўтган асрнинг 20-йиллари охири ва 30-йиллар биринчи ярмида санъатшунослик, фольклоршунослик йўналишларида сермахсул ижоди билан ўзбек зиёлилари сафида мустаҳкам ўрин эгаллайди. У 1891 йилда Тошкент шаҳрида дунёга келади. Миён Бузрук, аввал, эски мактабда, 1910-1915 йилларда эса Дегрез кўчасида жойлашган мадрасада таҳсил кўрди.

³⁰ Ўзбек совет адабий танкиди тарихи. Т.: 1987. 1-том. - Б. 55.

³¹ Бу ҳақда қараг: Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. Т.: Чўлпон, 1994.

Кўпчилик ўзбек жадид зиёлиларида кузатилгани каби 1917 йил воқеалари Миён Бузрук онгида ҳам ўзгариш ясади. Шу даврдан эътиборан у Туркистон миллий озоодлик ҳаракатининг фаол аъзоларидан бирига айланади. Матбуотда илк бор 1918 йилдан кўрина бошлади. “Изҳор ул-ҳақ” журналининг бир неча сонларида ижтимоий-сиёсий руҳдаги туркум мақолалари билан иштирок этади.

1920 йил кузидан бошлаб Афғонистон, Ҳиндистон, бир қатор Араб мамлакатларида сафарда бўлди. Қардош юртларнинг ҳаёти билан танишди. Истанбул дорулфунунида таҳсил олиб, 1927 йилда тугатди. Хорижда таълим олган янги замон ўзбек фарзандларининг дастлабкиларидан бири Миён Бузрук Ўрта Осиё Давлат университетида дарс беради. Маданий қурилиш илмий текшириш институти (НИИКС)да катта илмий ходим бўлиб ишлади. Тошкент Давлат педагогика институтида ўқитувчилик ҳам қилади. 1936-1937 йилларда Самарқанд университети, Бухоро Давлат педагогика институтида меҳнат қилди.

Миён Бузрук педагогик ишни илмий-ижодий иш билан қўшиб олиб борди. 20-3- йиллардан унинг адабиёт, тарих, театр санъати, фольклор ва ўзбек тили муаммоларига бағишланган “Ўзбек тарихига оид тўрт муҳим китоб” (1927), “Бедил” (1928), “Ўзбек” (1928), “Адабий тил ва истилоҳ” (1929), “Меҳробдан чаён” (1929), “Ўрта Осиё ва ўзбек адабиётига умумий қараш” (1930), “Сўфизода ва унинг ижоди ҳақида” (1934), “Ижодий йўлимиз ҳақида” (1934), “Ўзбек театри тарихи учун материаллар” (1935) каби қатор мақола ва китоблари эълон қилинади. Унинг бу асарлари кейинги босқичларда бу масалалар ҳусусида илмий тадқиқот олиб боровчилар учун муҳим манба вазифасини ўтайди.

М.Б.Солиҳов ижодида давр сиёсати ва мафқураси таъсирининг чуқур излари мавжуд эканини ҳам унутмаслик лозим. Унинг ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари “фош” этилган (1933), диннинг жамиятдаги ўрни хато ва бирёклама талқин қилинган (1934) ишлари ана шундай характерда эди.

Бухоро педагогика институтидан Миён Бузрук меҳнат таътилига чиқиб, оиласи яшаётган Тошкентга қайтган чоқда 1937 йил 5 августда хибсага олинади. Ноҳақ миллатчиликда айбланиб, отишга ҳукм қилинади. Ҳукм 1938 йил 10 октябрда ижро этилади. Қатагон қурбони бўлган аксар ўзбек зиёлилари қаторида Миён Бузрук ҳам 1957 йилда оқланади.

Миён Бузрук-драматургия ва театр тадқиқотчиси. Миён Бузруkning бой илмий мероси унинг адабиётшунослик, санъатшунослик, фольклоршунослик каби йўналишларда тадқиқотлар олиб бorganини кўрсатади. Улар ичида ўзбек мумтоз адабиётга доир тадқиқотлари муҳим ўринни эгаллайди. Олимнинг “Ўрта Осиё ва ўзбек адабиёти тарихига умумий қараш” номли китобини маълум маънода бу бордаги дастлабки муҳтасар қўлланма, дейиш мумкин. Унда ўзбек ёзма адабиётининг XII асрдан XX асргача кечган даври муҳим муаммолар асосида ўрганилганки,

бу масалада у Фитрат маслакдоши даражасига кўтарилади. Масалан, деярли минг йиллик ўзбек мумтоз адабиёти тарихини “хавос” (“элита”) ва “авом” (“оммавий”) қисмларга ажратади ва шу нуқтан назардан ўзига хос таҳлил қилади.

Миён Бузрук Солиҳов ўзбек жадид адабиётини ўрганган дастлабки олимларимиздан биридир. У “Ўзбек театри тарихи учун материаллар” китобида жадид драматургияси ва театри билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этди. Тўғри, унда давр билан изоҳланувчи хато ва камчиликлар йўқ эмас. Лекин китобдаги илғор қарашлар жадидчилик, унинг адабиёт, театри кабиларга кизикиш тобора ортаётган ҳозирги кунларда илмий-назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Миён Бузрук “Ўзбек театри тарихи учун материаллар” асарида замонавий ўзбек драматургияси ва театрининг майдонга келишида ички омилларни бирмунча назардан четда қолдирса-да, таъқиқ таъсирининг роли масаласига алоҳида эътибор беради. Миён Бузрук татар, озарбойжон театрларининг ўзбек жадид драматургияси ва театрига таъсири ҳусусида ёзар экан, унинг аввало, икки мамлакат ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий алоқалар билан боғлиқлигига алоҳида урғу беради. Шунингдек, Миён Бузрук мазкур асарда “Падарқуш” пьесасининг сахнага қўйилиши масаласига ҳам атрофлича тўхталган. Ўзбекистонда биринчи марта маҳаллий кучлар тарафидан сахналаштирилган “Падарқуш” пьесасига Алиасқар Аскарлов режиссёрлик қилганини айтади. “Падарқуш”ни илк бор озарбойжон режиссёри сахналаштиргани тасодифий бўлмаган. Ўзбек театри асосчиларининг татар театридан кўра, озарбойжон театрига кўпроқ интилгани бежиз эмас. Миён Бузрук асарида Бехбудийнинг “Самарқандда театр” номли мақоласидан бир парча келтиради. Унда “Падарқуш” пьесасининг ёзилиши ва сахналаштирилиши замонавий ўзбек драматургиясига катта бир туртки берганини таъкидлайди.

Миён Бузрук “Ўзбек театри тарихи учун материаллар” асарида Ҳамза Ҳакимзода ҳаёти ва ижоди, ҳусусан, унинг драматургияси билан боғлиқ масалаларини ҳам ёритади. Шуниси эътиборлики, олим Ҳамзанинг 1917 йил Октябрь ўзгаришига қадар бўлган ижоди ва фаолияти ҳақида мулоҳаза юритганида, аксар ҳамзашунослардан фарқли ўларок, унинг жадид шоири бўлганлигини, шоир 1918 йилга келиб шўролар позициясига ўта бошлаганини айтади. У Ҳамзанинг “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” ва “Бой ила хизматчи” драмаларини кенг таҳлил қилган. Олим “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” пьесаси ҳақида, ушбу драма жадидчилик ғоялари асосида ёзилган, дея мулоҳаза юритган бўлса, “Бой ила хизматчи” таҳлилида эса, бу асар ёзилган 1918 йилга келиб, Ҳамзанинг советлар позициясига ўта борганлигини айтади.

Миён Бузрук “Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари” деб номланган асарини замонавий ўзбек адабиётини ўрганишга бағишлади. Туркистон мухторияти йўқ қилинган ўлкадаги ижтимоий-сиёсий аҳвол яна

хам мураккаблашди. Бу эса турли мушкулликлар ичида яшаётган жадид зиёлилари дунёқарашини янада чигаллаштириб юборди. Келажак ҳақида ўйлаган орзу-умидлари кун сайин саробга айланди. Бу тушқун кайфият 20-йиллардаги кўплаб асарларда ўз аксини топди. Миён Бузрук Солихов китобида ўша йилларда яратилган асарларни ижтимоий-психологик жихатдан таҳлил қилди. Бироқ таҳлил, давр талабига кўра, вульгар-социологик йўсинда бўлиб, мафкуравий йўналиш олди. Фитрат ва Чўлпон сингари адиблар ижоди хато баҳоланди, шўровий нуктаи назаридан танкид остига олинди. Бундай ёндошувга мунаққид айрим бошқа ишларида ҳам йўл қўйди. Лекин бугунги адабиёт илми учун унинг хатолари эмас, юкорида эътироф этилган ўзбек адабиёти равнақи йўлидаги хизматлари муҳимдир. Хатолар эса, кейинги авлодларни оғохликка, хушёрликка чорлайди, албатта.

Миён Бузрук маълум даражада таржимонлик фаолияти билан ҳам шугулланади. Жумладан, у Садриддин Айнийнинг "Доҳунда" романини тожикчадан ўзбек тилига ўгириб, 1932 йилда Ўздавнашрда чоп эттиради.

Миён Бузрук Солихов ижоди М.Раҳмонов, М.Қодиров, Ш.Ризаев каби олимлар томонидан маълум даражада ўрганилган. "Мехробдан чаён" романи ҳақидаги мақоласи жорий имлога тadbил қилиниб, "ЎзАС" газетасида, сўнгра "Ўзбек адабий танкиди" антологиясида босилди. Б.Абдулхайровнинг номзодлик диссертацияси М.Б.Солихов ҳаёти ва ижодини илк бор махсус ўрганишга бағишланди. Унинг "Миён Бузрук-жадид драматургияси ва театри тадқиқотчиси" номли монографияси бу улкан олим ҳақидаги дастлабки жиддий ишлардан биридир. Ушбу дарсликдаги Миён Бузрук ҳақидаги маълумотларда ёш олим ишларидан фойдаланилди.

Миён Бузрук ҳаёти ва ижодини янада чуқур ва атрофлича ўрганиш келгуси вазифалар сирасига киради.

XX аср 20-йилларининг иккинчи ярмига келиб қатор ўзбек ёш шоирларининг китоблари нашр этилди. Уларга адабий танкид ўз муносабатини билдирди. Олтой "Нафис адабиётда соғлом мафкура ва соғлом танкид керак" (1928), Сотти Хусайн "Ўзбек адабиётининг ҳозирги муҳим масалалари" мақолаларини пролетар адабиёти муаммоларига бағишладилар. "Кўрмана" (1929) тўпламига ёзган сўз бошисида С.Хусайн ундан ўрин олган йигирмага яқин ижодкорнинг ҳаммасини пролетар ёзувчилари тарзида баҳолаб, субъективликка йўл қўйди. Шу тарика адабий танкидни мафкуралаштириш жараёни тезлаша борди.

Шеъринят, наср ва драматургияда аксини топиб келаётган янги инсон образини таҳлил қилишга адабий танкид сустрок киришди. Бу масалада ҳам тақриз олдинда борди. Тақризчилар М.Шермухаммедов, Айний, Элбек, Ойбек, Ҳ.Олимжон, Зиё Саид сингари ижодкорлар ва О.

Шарафиддинов, О.Ҳошим, С.Хусайн, А.Саъдий, Анкабойлар бу давр адабий жараёнида фаоллик кўрсатдилар. Булар орасида исми шарифи аниқланмаган, факат шартли таҳаллуси билан мақолалар эълон қилган муаллифлар ҳам талайгина. Чунончи, "Мудбир" таҳаллуси танкидчи Ҳамзанинг "Истибодот қурбонлари" драмаси ҳақида фикр юритди, ундаги янги образларни ўша даврга мослаб таҳлил қилди.

Адабий танкид бадий адабиётда замондош образи қандай яратилаётганига, хусусан, уларнинг нуксонига алоҳида эътибор бера бошлади. 20-йилларнинг иккинчи ярмидан образлар тўлақонлиги қандай, ёзувчилар ўз қахрамонлари ички дунёси, рухиятини тасвирлаётгани деган саволлар қўйила бошлади. Юкорида тилга олиб ўтилган "Кўрмана" тўпламига кирган шеър ва хикояларга ёзган тақризиде С.Хусайн "рухий-фикрий ўзгаришларни ҳам тасвирлашни, санъаткорликда-сўз усталиги ҳам кераклигини" уқтирадики, масаланинг бу жихатлари бугунги кун учун ўз аҳамиятини йўқотмаган, дейиш мумкин.

Бундай далиллар адабий танкиднинг ўз сифати устида ҳам, асар бадияти устида ҳам жиддий излана бошлаганини кўрсатади. Яъни Ер ҳам ўз ўки атрофида, ҳам қуёш атрофида айланганидек, адабий танкид ҳам - ўз моҳияти, ҳам бадий асар моҳияти устида уйғун қайгура бошлади. Шундай интилишлар туфайли 20-йиллар охирига келиб, 30-йиллар бошларида кўпдан-кўп илмий-эстетик хатоларга йўл қўйгани кузатилса-да, адабий танкид ҳаёт ва адабиётдан мутлақо узилиб қолгани йўқ, муайян йўналишларда у ҳаёт ва адабиётга яқинлашув йўлларини излади. Бирин-кетин "Дилбар-давр кизи", "Бахтлар водийси", "Темирчи Жўра", "Кўкан", "Жонтемир" каби замонавий асарлар яратилди. Тўғри, бу асарларнинг ўз даври учун ижобий фазилатлари йўқ эмас, бироқ улардаги муҳим ва асосий камчиликлар, бирёкламаликларни танкид кўрсатиш ва очиб бериш даражасига қўтарила олмади. Бу даврда уларга қарши танкидий мақолалар эмас, балки, бу асарларга жавоб характерида асарлар ёзишни тавсия этиш анъанаси юзага келди.

ОЛИМ ШАРАФУДДИНОВ (1903-1944). (Айн) таҳаллуси билан ном қозонган бу олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, ўзбек адабиётшуносларидан бири сифатида танкидчиликни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшди. 1903 йилда Тошкентда тугилган О.Шарафуддинов ёшлигидан адабиётга қизиқди. 1925 йилдан бошлаб адабий танкид билан шугуллана борди. Ҳамиша замон билан ҳамнафас бўлган, қайноқ адабий жараён ичида етила борган О.Шарафиддиновнинг адабиётшунослик ва навойшунослик фаолияти 30-40-йилларда, айниқса, сермахсул бўлди. У биринчилардан бўлиб, ўрта ва олий ўқув юртлари учун дарслик ва хрестоматиялар тузар экан, ўзбек мумтоз ва ҳозирги замон адабиёти машҳур намоёндалари ҳаёти ва ижодини синчковлик билан ўрганди, уларнинг асарларини мустақил равишда таҳлил

килиб, баҳолашга журъат этди. Ҳамза, Айний, Лоҳутий, Ғ.Ғулом, Ойбек, Уйғун, Яшин, А.Қаҳҳор каби адиблар ҳаёти ва ижоди ҳақида берилган илк маълумотлар, М.Солиҳ, Бобур, Убайдий, Мажлисий, Ҳожа, Турди, Машраб, Ҳувайдо, Амирий, Гулҳаний, Мужрим Обид, Мунис, Увайсий, Нодири, Хиромий, Огаҳий, Муқимий, Фуркат, Феруз, Комил, Завкий каби ижодкорлар ҳақидаги биринчи адабий-биографик материаллар шулар жумласидандир.

О.Шарафуддинов кўп киррали адабиётшунос эди. У адабий танкидчи сифатида ўзбек адабиёти масалалари билан жиддий шуғулланди. Унинг "Абдул Қодирий романи "Ўткан кунлар", "Баҳор севинчлари", "С.Айний ижоди ва фаолияти", "Кеча ва кундуз" романи ҳақида" каби мақолалари замонавий адабиётнинг долзарб ижодий масалаларини ёритишга бағишланди. Айн "Ўзбек шоири Чўлпон" номли мақоласида шоирнинг шеърӣ шакл, тил ва ифода воситалари борасида эришган баъзи ютуқларини таъкидлагани ҳолда уни миллатчи, бадбин зиёлилар шоири деб чиқди; кўпроқ шоир шеърларининг ғоявий мазмунига эътибор қаратди. Гарчанд Чўлпон ижодига баҳо беришда хатоларга йўл қўйган бўлса-да, биринчилардан бўлиб, ўзбек адабиётшунослигига социологик таҳлил йўсини олиб кирганлар қаторида тилга олинади.

Заҳмагаш, изланувчан ва талабчан олим ўз фаолиятининг энг кўп қисмини Алишер Навоӣ ҳаёти ва ижодини тадқиқ этишга бағишлади. Улуғ шоир ҳаёти, ижоди ҳақида кенг ва яхлит тасаввур бера оладиган биринчи жиддий илмий-оммабоп асар яратди (1939). "Алишер Навоӣ" (ҳаёти ва ижоди) номли монографияси (1948) И.Султон томонидан нашр этилди. Ўзбек адабиётшунослигида навоӣшуносликнинг таркиб топишида, унинг пойдеворини яратувчилардан бири Олим Шарафуддинов бўлди.

Ўзбек адабий танкидида жанрий изланишларга муносабат. XX аср бошларида ўзбек адабиёти, адабий жараёнга янги жанрий изланишлар билан бирга кириб келди. Турли адабий ташкилотлар бир-бирига ўхшамаган эстетик дастурларни ярата бошлади. Партиянинг, совет давлатининг адабиётга фармойишлари ҳали урфга кирмаган эди. Поэтик ижод ҳали устувор анъаналар оқимида кечар, шоирлар анъанавий арузга кўпроқ мурожаат этар, бироқ буларнинг барчасидан катъий назар "инкилобий" руҳни бериш янги вазн, янги шакл, янги санъатларни излашни эҳтиёжга айлантираётгани тобора чуқурроқ сезилиб бормокда эди. Ана шу вазият халқ ижодига хос бармоқ ва сарбаст вазнларида жанговор шижоаткорликка даъват этувчи асарлар (маршлар, қўшиқлар, ашулалар) яратишни тақозо эта бошлади. Бу ўринда таъсир масаласи ҳам четда қолмади, албатта. В.Маяковскийни миллий жумхуриятларда ташвиқ қилиш кучайди. Нозим Ҳикмат таъсирида ўзбек шеърнати шаклига қатор янгиликлар олиб кирдилар. Адабий жараёндаги бундай изланишлар танкид

эътиборидан четда қолмади. Абдулла Алавия (Арабнежад) "Бизда шакл масаласи ва Нозим Ҳикмат" мақоласида худди шу масалаларга тўхталади: "Аруз ва хижо вазни" оҳиста оқар вазнлар бўлиб, янги ҳаётдаги суръат ва ҳаракатни бера олишга қодир эмасдур",-деб ёзаркан, сарбаст шеърларнинг ифзаллигини таъкидлайди. Ҳомил Ёқубов эса "Ойбек ва унинг шеърлари" мақоласида шоирнинг ижодий ўсаётганлигини таҳлил қилиб, унинг эътиборини янги шаклларга қаратади.

Миртемир эркин шеърни "нозимона шеър" деб атаиди. Эркин шеър анча мураккаб санъат бўлиб, уни ўзлаштириш осон кечмади. Аслида ўзбек шеърнати янги оҳанг ва вазнга кўчириш ҳаракати Фитрат ва Чўлпон ижодида XX асрнинг аввалидаёқ бошланган бўлиб, 30-йиллардаги адабиётнинг мафкуравийлаша бориши шароитида янгича моҳият касб эта борди. Шу зайлда сарбаст Ғ.Ғуломнинг "Динамо", Ҳ. Олимжоннинг "Қўқлам", Шокир Сулаймоннинг "Эрк қуйлари", Миртемирнинг "Шуълалар қўйнида" каби илк шеърӣ тўпламларида дастлаб ўзбек шеърнатида инкилоб ва шўро тузумини алқовчи мазмунда намоён бўла борди. Миртемир сочма шеърлар ёзишга жазм этди. Ҳатто "Сочма шоирнинг туйғу ва фикрлари тўқинланиб, тошиб кетган вақтда ёзилади", дея унга муҳаббатини изҳор ҳам этди. Қолаверса, ўша даврда сочма минбар адабиёти деб ҳам аталди. Лекин сочма фақат шўронини улугловчи ёхуд минбар шеърнатигина бўлиб қолмади. Бу шаклда пинҳона эрк ва озодлик ғоялари қуйланган (Миртемир) асарлар ҳам яратилди. Лекин танкидчилик бу мақсадни етарлича илғай билмади.

Бу даврда адабий танкид наср ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. XX аср бошларида А.Қодирий, А.Фитрат, С.Айний, 20-30-йилларда эса Ҳ.Шамс, Зариф Башир, Зиё Саид, Ғ.Ғулом, Ш.Сулаймон, Ғайратий, Ҳ.Олимжон, С. Абдулла, Чўлпон ҳикоялар ёзди. А. Саъдий ҳикоячиликда Абдулла Қодирий ижоди сермахсуллигини таъкидлайди. У таҳлил жараёнида бу жанрдаги ҳосликлар табиатиға тўхталади.

Абдурауф Фитрат "Адабиёт қондалари" дарслигида бадий адабиётнинг назарий муаммоларини ёритди. Олим Шарафиддинов(Айн), Сотти Ҳусайн мақолаларида жамоатчилик эътиборини ҳикоя, повесть роман жанрларининг хос хусусиятларига тортдилар.

Ўзбек адабиётида роман жанрининг пайдо бўлиши Ҳамза, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Абдулла Қодирий номлари билан боғлиқ. Роман назариясига оид дастлабки илмий-назарий мулоҳазалар эса, А.Саъдийнинг "Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари" ва Фитратнинг "Адабиёт қондалари" асарларида илгари сурилди. С.Ҳусайн "Ўтган кунлар"ни таҳлил қилиш жараёнида романнинг бошқа адабий жанрлардан фарқини тушунтиришга ҳаракат қилса-да, ғоявий-бадий жиҳатдан асарни тамомла бирёқлама ва хато баҳолади.

Миёнбузрук Солихов ўзбек адабиётида романчилик тажрибаси бўлмаганини алоҳида таъкидлаб, "Ўтган кунлар"ни оригинал асар деб

хисоблайди. Лекин асарнинг жанровий мансубиятини бу тарзда тўғри баҳолаш ушбу муаллифни романнинг синфий, мафкуравий жиҳатдан бир қатор янглиш фикрлар айтишдан саклаб қоламади. Аслида чиндан ҳам "Ўтган кунлар" ўзбек адабиётида, Европада тушунилганидек, ҳақиқий реалистик роман бунёдга келганининг далили эди. Адабий танқидда шу ҳақиқат тасдиқ топишининг ўзиёқ унинг назарий-эстетик жиҳатдан баҳолаган йўналишида эканини кўрсатади.

Драматургиянинг тўғилиши ва ривож масаласига адабий танқид жиддий эътибор берди. XX аср бошларидаги ўзбек танқидчилиги, энг аввало, шу тур ва жанрдаги асарларни таҳлил этиш асосида шаклланиб борди. Драматургия тўғилишининг илк босқичида "оғзаки танқид" (жонли танқидий амалиёт) ҳам муҳим роль ўйнади. У кўпинча ташкилий шаклларда, айтайлик, у ёки бу асарни ўқиб муҳокама этиш ва репертуарни комиссиялар орқали қабул қилиш жараёнида рўёбга чиқди. Аммо эълон қилинган мақола ва тақризларнинг кўпи драматик асардан кўра театр санъати масалалари ва актёр маҳорати таҳлилига бағишланган бўлиб, улар орасида спектаклнинг мақсад-мазмунига асосий эътибор қаратилиб, драматик асарнинг бадиий қимматини, чуқур очиб берадиганлари ҳали етарли эмас эди. Жумладан, "Ч.Ўғли" имзоли танқидчи: "Нафис театр адабиётига эга бўлмасак, театрдан яхши фойдалана олмаймиз", деб ёзади ва бошқа бир мақолада опера, балет санъати тўғрисида мулоҳазаларини билдиради.

Театр танқидчилиги ўзбек театрининг юксалишида катта роль ўйнади. 20-йиллар охири 30-йиллар бошида Фитрат, Чўлпон, Зиё Саид, қабиладар фаоллик кўрсатдилар. Танқидчилик ўз вақтида уларнинг асарларини табриклаш билан бирга мавжуд нуқсонларини аниқлашга ҳаракат қилди ва ижодарига муайян таъсир кўрсата билди.

Китоблар, илмий тўпламлар, тадқиқотларни нашр этиш имкониятлари ҳам етилмаган бир шароитда, матбуот саҳифаларидаги адабий танқид маълум муддат ва маълум маънода адабиётшунослик муаммолари ҳамда адабиёт тарихи масалаларини ўрганиш, ёритишни ҳам ўз зиммасига олди. Айн, Айний, Фитрат, В.Маҳмуд, А.Мажидий, Л.Олимийнинг адабиёт тарихи муаммоларига, Яссавий, Навоий, Ғузулий, Бобур, Турди, Муқимий, Нодира ижодига бағишланган мақолалари шундай характерга эга эди.

Ўзбек адабиётшунослигида мумтоз меросга муносабатда икки йўналиш мавжуд эди: 1) вульгар социологик руҳдаги ҳамда мумтоз меросни инкор этувчи қарашлар бўлиб, бу ҳусусият Ж.Бойбулатов, Олтой, З.Башир, З. Саид, Ю. Лагиф сингари адабиётчилар чиқишларида кўп учрайди; 2) маърифий-илмий йўналиш бўлиб, - бу тамойил Фитрат, В.Маҳмуд, Ойбек, А.Мажидий, Айн, С.Айний, Л.Олимий, О.Ҳошим, Боту қаби адиб ва адабиётшунослар ижодига ҳос эди.

Илмий изланишлар йўлидан борган Фитрат, В.Маҳмуд, А.Саъдий, А.Мажидий, Тўғрул, О.Ҳошим, Л.Олимий қаби танқидчиларнинг мақолалари, адабиётшуносликка оид текширишлари меросга тўғри ёндашишга интилишнинг адабий танқиддаги намуналари эди. Бу жиҳатдан Л. Олимийнинг "Нодира", А.Мажидийнинг "Шоир Мирий" қаби мақолалари айрича эътиборга лойиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, В.И.Ленининг ҳар бир миллатда икки хил адабиёт: прогрессив ва реакцион адабиёт бўлади, деган хато назарияси, наинки, ўтган асрнинг 20-30- йиллари, балки, умуман, XX асрнинг деярли 90-йилларигача адабиётшунослик ва танқид илми, умуман, маданиятимиз тарихида жиддий равишда салбий роль ўйнади. Шунга қарамай, бу адиб ва олимларимиз миллий меросимизни ўрганиш ишида ҳар қандай шароитларда ҳам миллатга садоқат намуналарини кўрсатдилар.

Кузатишлар шундан далолат берадики, бу масаладаги замоннинг жуда қучли таъйиқларига қарамай, 20-йиллардаёқ улуг мутафаккир Алишер Навоий ижодий меросини тўплаш, ўрганиш, нашр этиш ишлари бошлаб юборилди. Бу ишга озарбайжон, туркман, қозок, татар, турк, рус ва бошқа халқларнинг адабиётшунослари ҳам муносиб ҳисса қўша бошладилар. Жумладан, Абдурауф Фитрат илк бор шоирнинг форсий ижодига эътиборни қаратиб, "Навоийнинг форсий шоирлиги ва унинг форсий девони тўғрисида" мақоласини яратган бўлса, "Муҳокама тул-луғатайн" нинг туркманча таржимаси 1925 йилда "Амир Алишер Навоий" номи остида Туркменистонда нашр этилди. Китоб кириш сўз, шоирнинг қисқача таржиман ҳоли ва изоҳлар билан таъминланди.

1926 йили Ленинградда рус тилида босилиб чиққан "Мир-Али-Шир" китоби шарқшуносликда сезиларли из қолдирди. Ундан А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, В.В.Бартольд қаби атоқли олимларнинг мақолалари ўрин олди.

"Чиғатой гурунги" ташкилоти маданий мерос билан бир қаторда замонавий адабиётни ўрганиш ишига ташкилий ва амалий жиҳатдан катта ҳисса қўшди. "Қизил қалам" ташкилоти ҳам адабий меросни ва замонавий адабий жараённи ёритишда жиддий ишларни амалга оширди.

Қисқаси, Навоий, Бобур, Машраб, Турди, Муқимий ва бошқа ижодкорларни "ҳозирги замон кемасидан" улоқтириб ташламоқчи бўлган манфур сиёсат ўз мақсадини тўла амалга ошира олмади.

Хулоса шуки, XX аср бошларидаги ёш адабий танқид адабий-тарихий жараёнда фаол роль ўйнади. Йиллар ўтгани сари сафларини мустаҳкамлаб, ўз илмий-эстетик қарашларини чиниктириб борди. Адабиёт ривожига оид кўпгина масалаларни қўтарди, адабий ҳодисалар, бадиий асарлар ҳақида баъзан нотўғри ҳулосалар чиқарса-да, лекин асосий ҳолларда доимо тўғри баҳо беришга интилдди. Шўровий танқидчилик доирасида ҳам ўзбек танқидчилиги умумбашарий мезонларга мос келувчи илмий-эстетик фикрларни излаб, имкони доирасида уни юзага чиқарди. Ва бу интилишлар

бесамара кетгани йўқ. Истиклол даври арафалари ва Мустақиллик даврига келиб яратилган эркин шароитда улар ўзларининг янги-янги натижаларини бера бошлади.

Танкидчилик ва адабиётшуносликнинг мустақил намоён бўлиши ёки бадний ижод тури сифатида ажралиб, ўз қонун ва тамойиллари асосида ривожланиш жараёнига кириши - ўша давр маданий ҳаётининг, маънавият ва маърифатининг катта ютуғи бўлди. Айни чоқда, танкидчилик билан шугулланган ёзувчилар - Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, Ойбек, Ғ.Ғулом, М. Шайхзода, Ҳ. Олимжонларнинг мақола, тақризлари ҳам адабий танкид савияси ўсишига жиддий таъсир кўрсатди. Бадний асар таҳлилида шакл ва мазмун бирлигига эътибор кучая бошлади. Авваллари муайян асар мавзун ва сюжетигагина диққат марказига олиниб, бадний шакл кўпинча эътибордан четда қолган бўлса, энди танкидий асарларнинг кўпчилигида гоёвий мазмун каторида композиция, услуб, тасвирий воситалар, образ ва характер бирликда баҳоланадиган бўлди. Бадний тил масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилди.

Адабий танкид тафаккур, руҳият, маданият ва маънавиятнинг шакллантирувчи воситалардан бири бўлиб қолди. Мақола ва тақризлар халқ ва омма кизиқишини уйғотишга ноил бўла борди. Адабий танкиднинг бадний асар яратилишидаги ўрни сезилди. У ижодкорга муҳолиф эмас, ҳамкор экани тушуниб етилди.

АБДУРАҲМОН САЪДИЙ (1889-1956). Ўзбек, татар маънавий-маданий алоқалари ҳамда адабий ҳамкорлиги тарихида алоҳида ўрин тутувчи адабиётшуносдир. У 1889 йил 14 апрелда Уфа яқинида мулла-мударрис оиласида туғилди. Бошланғич таълимни отасининг мактабида олди. 1902-1905 йилларда Оренбургдаги Мухаммадия мадрасасида ўқиди. 1921 йилдан Тошкентта келади ва умрининг охиригача Тошкент, Самарканд, Бухоро олий ўқув юртларида дарс беради, ўзбек адабиёти бўйича илмий тадқиқотлар олиб борди. Самарали илмий ва педагогик фаолияти учун унга 30-йиллар сўнгида диссертация ёкламай, филология фанлари номзоди илмий даражаси ва профессорлик унвони берилган.

Абдурахмон Саъдий, айниқса, Алишер Навоий ижодини ўрганишда алоҳида ғайрат кўрсатди. 1949 йилда Е.Бертельс раҳбарлигида "Алишер Навоий ижоди-ўзбек классик адабиётининг олий босқичи" мавзусида докторлик диссертациясини ёклади. Олим илмий кизиқишлари доираси гоёят кенгдир. У татар ва ўзбек адабиётлари, педагогика, тилшунослик, адабиёт ўқитиш методикаси, тасаввуф, адабий алоқалар ва бошқа муаммоларга онд 130 га яқин асар ёзди.

А.Саъдий 20-йиллар адабий жараёнида фаол қатнашган мунаққидлардан биридир. У адабий танкид моҳияти хусусида жиддий изланишлар олиб борди. "Танкид-, деб ёзганди у ўша йилларда, -агар бир фикр иккинчи бир фикр ишчанлигининг етишган ва етишмаган ёқларини

очмоқ ҳам ажратмоқ, буларга бир қиймат қўймоқ томонига жўнатилса, бу вактда танкид деб аталган бир фикрий ишчанлик туғилган бўлади. Танкид фикр ишчанлигининг қийин бўлгонларидан биридир"³².

А.Саъдий фалсафий, илмий, ижтимоий қарашларни ифодаловчи ҳар қандай фан ва унга онд асарлар бўлишидан қатъий назар, уларни чин маънода танкид қилиш учун махсус танкидчилик истеъдоди кераклигини таъкидлайди: "Санъаткорона ва шеърый бир асарнинг танкиди учун, айниқса, санъат ва адабиёт тарихидан ...яқини хабарланган бўлмоғи тегишдир". А.Саъдий танкид ва унинг жамиятдаги бурчи ҳақида тўхталаркан, фикр ифодасининг бир қадар нотекислигидан қатъий назар, муҳим илмий мулоҳазаларни ўртага ташлай олди. Муаллиф танкид осон ҳунар эмаслигини таъкидларкан, танкидчи зиммасида турган масъулиятни алоҳида кўрсатади. Танкидчи нозик адабий дид ва туйғу эгаси бўлишидан ташқари адабиёт тарихини, назариясини, тадқиқот усулини билиши даркор. Унинг бу фикрларида В.Белинский таъсири сезилиб туради.

Адабиётнинг тўнтаришдан сўнг босиб ўтган дастлабки олти йиллик йўлини кўздан кечирган А.Саъдий Ҳамза ва А.Қодирийлар ҳақида тўғри фикр-мулоҳазалар билдирди. Тўғри, у давр кишиси сифатида Ҳамзанинг инқилобий, синфий руҳдаги фаолиятига урғу берди. Лекин Ҳамза ҳақидаги айрим фикрлари ҳамон эскирмагани билан эътиборни тортади: "Ўзида юрак шоири бўлиш, музикачилик ва турли қўйлар ихтиро этиш, драматурглик ҳам артистлик йиғилган бир шахсни ҳам биз ҳали ёлғиз Ҳакимзода ўртоқда кўрамыз".

А.Саъдийнинг А.Қодирий ҳақидаги мулоҳазалари эътиборга лойик. У Абдулла Қодирийни ҳикоялар, айниқса, ҳажвий ҳикоялар устаси бўлган ёш ва қучли адиб сифатида характерлайди. Ўзбек адабиётининг юксалишида катта хизмат қилган, бу "талант "Инқилоб" журналинда босилган "Ўтган кунлар" романи билан ўзбек адабиётида" роман жанрига асос солди, - деб ёзди. Шу мақолада - Боту "Шеърый адабиётда ҳамон очилиб, гуллаб турган, ўзига кўп умид боғлатган қучли талант", - деб таърифласа, Ёлбек ишчи - деҳқон турмушидан, кишлоқ болалари ҳаётдан ёзадиган сермахсул шоир экани айтилади.

20-йиллар танкидида жиддий мунозара уйғотган муаммолардан бири футуризм эди. У ҳақдаги дастлабки мулоҳазалар А.Саъдий томонидан айтилди. У ҳозирги ўзбек адабиётида футуризм оқим сифатида йўқ деган фикрни ўртага ташлайди. Ўзини танкид қилувчиларга қарши "Юзим очик, никоблантормангиз" номли эътироз мақоласида футуризм учун муайян иктисодий-техникавий шароитлар талаб қилинажаси, унинг ўзига хос тили, услуби бўлиши лозимлигини таъкидлаган танкидчи бадний адабиётнинг шаклий ўзгаришлари асосида ҳам ижтимоий иктисодий асослар ётади деб тушунганини кўрсатади.

³² Ўзбек совет адабий танкиди тарихи. I том. - Б. 56.

Санъат ва адабиётнинг жамият ҳаётида тутган ўрни масалаларига деярли ҳар бир мақоласида алоҳида ўрин ажратган А.Саъдий "Гўзал санъат дунёсида" номли мақоласида ёзади: "...Гўзаллик ҳақидаги онг ва тасаввурлар замонлар ўтиши билан турли ўзгаришларга қараб ўзгара турғон бир нарсадир. Гўзаллик ўз-ўзича бир равишда борлиққа молик ўлғон тамоm мустақил бир нарса эмас, балки бизнинг шууримизнинг ва ёки... тушунча ва ҳукмларимизнинг натижасидан иборатдир"³³.

Санъат асарлари, унинг фикрича, "замоннинг, муҳитнинг, муҳитдаги урф ва одатнинг, фикр ва туйғуларнинг... рухий ва ижтимоий ҳолларнинг равишига мувофиқ" тарзда зухур этади ва ривожланади. Даврнинг иқтисодий ва ижтимоий асослари "ўзгариши билан гўзал санъат асарлари ҳам ўзгарадир". Янги туғилган санъат асарлари янги давр руҳини, янги фикрларни ифодалайди.

"Гўзал санъат дунёсида" мақоласининг эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, муаллиф унда гўзаллик ҳақидаги тасаввур қотиб қолган нарса эмаслигини, санъат кишилиқнинг тарихий тараққиёт жараёнини акс эттиражagini тўғри тушунади ва тушунтиради. Санъат ижтимоий-иқтисодий ҳаётдан сиртда, мустақил яшамайди, унинг тарихий тараққиёти ташқи ўзгаришлар билан боғлиқ; жамиятнинг иқтисодий тизимидаги эволюциядан тортиб унинг моддий ишлаб чиқариши ва ижтимоий онгда рўй берадиган эволюциягача – барчаси санъатда ўз аксини топади. У санъатнинг аниқ тарихий давр билан боғлиқлигини айтиш билан бирга унинг эстетик-рухий моҳиятини ҳам унутмайди. Лекин мақура масаласини улуглаш билан бирёкламалик ва чекланишга йўл қўяди.

А.Саъдий бадиий адабиёт ва санъатнинг ижтимоий моҳиятини ҳалдан зиёд улуглаган ҳолда, уларнинг ички қонуниятларига, бу қонуниятлар ичида санъаткор шахсининг алоҳида ролига етарлича эътибор бермагани, бу вақтда унинг марксистик ижтимоий ва социологик тадқиқ методи асосида иш тутганини кўрсатади.

Адабиёт илми 20-йиллардаёқ жанрлар масаласига эътибор бера бошлади. Абдурауф Фитрат, Зариф Башир, Олим Шарафиддинов, Сотти Ҳусайн каби олимлар билан бир қаторда Абдурахмон Саъдий ҳам жанрлар хусусида қатор қарашларни илгари сурди. "Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари" (ўрта мактаблар учун дарслик, 1924.) китобида илк бор бу масаланинг амалий ва назарий жиҳатларини ёритди.

Ойбек шу вақтда ёзган тақризларидан бирида А.Саъдийнинг бу дарслигига муносабат билдириб, Фитратнинг "Адабиёт қондалари" асарини жиддий танқид қилди, лекин айни вақтда "ҳозирги султ даврда" уларни воқеа бўларли янгиликлар сифатида эътироф этди. Чиндан ҳам шу дарслик туфайли А.Саъдий давр ўзбек адабиёти назарийчиларининг энг пешқадам вакилларида бири сифатида кўрсатди. Саъдий юқоридаги

асарида тур ва жанрларни бевосита адабий жараён билан боғлаб, тақдир этишга уриниши, унинг масалага мустақил ёндашувга ҳаракат қилгани ва муаммоларни эркин ечувга интилганини кўрсатади. Масалан, ҳикоя жанрига тавсиф бергач, ўз фикрларини унинг намуналари орқали далиллашга уринади. А. Қодирийнинг "Улоқда", "Отам ва большевик", Чўлпоннинг "Ойдин кечаларда", "Йўл эсдалиги" ва нихоят, Фитратнинг "Қиёмат"ини таҳлил қилган каттади. А.Саъдий фикрича, бу ҳикоялар жанрнинг етакчи хусусиятларини ўзида акс эттиради.

А.Саъдий тушунчасида, "повесть роман даражасида катталик ололмаган узун ҳикоя"дир. У Элбекнинг "Қўшчи Турғун" асарини шу жанрга киритади. Фитрат ҳам уни "узун ҳикоя" деб атаган эди. Бирок "узун ҳикоя" таъбири жанр табиатини аниқ ифода қила олгани боис муомалада мустақам сақланиб қола билмади. Кейинроқ "Роман нима?", у қандай бўлиши керак, деган масала атрофида матбуотда фикр қўзғолганда А.Саъдий бу жанр хусусиятларини ўз даврига нисбатан анчагина аниқ ва тўғри кўрсатади. У, аввало, роман ҳажмига эътибор берди. Уни узок ва давомли ҳикоя қилишга мўлжалланган, қўламини кенг, воқеалар тизими тасвири кўп планлилик асосига қурилган катта эпик асар, деб баҳолади. Унда, айниқса, "чин турмуш" – реалистик ҳаёт бўлиши лозимлигига урғу берди.

А.Саъдий романларни мавзу-мундарижасига кўра: реалистик, фантастик, психологик, тарихий типларга бўлади. Бу таъсиф Саъдийдан сўнг ўзбек танқидчилигида янада бойитилди ва ривожлантирилди.

А.Саъдий ўзбек танқидчилигини жанрлар жиҳатидан бойитишга катта ҳисса қўшган мунаққид. У ўзбек танқидчилигида, хусусан, обзор мақола асосчиларидан биридир. "Ўзбек ёш шоирлари", "Олти йил ичида ўзбек шеърий адабиёти" каби мақолалари ана шу йўналишдаги танқид жанрининг дастлабки намуналари саналади.

Унинг "Октябрь ўзгариши ва ўзбек адабиёти" мақоласи танқиднинг ҳаётга ва адабиётга юз ўнгирганини кўрсатади. "Ўзбек ёш шоирлари", "Ўзбек адабий ижоди майдонида ҳаракат" номли мақолалари давр адабий жараёнига таъсир кўрсатди. Тўғри, уларда адабиёт равангини ижтимоий иқтисодий ҳаёт билан боғлаш, дунёқараш ва ғоя қули, мафкурабозлик каби қатор қамчиликлар, қўмондонбозлик каби иллатлар кўзга ташланса-да, бу масалалар ўз даври учун адабий жараёни, ундаги етакчи тамойилларни, фаол ижод этаётган шоир ва ёзувчи асарларини атрофича таҳлил этиш, ютуқ, қамчиликларини кўрсатиш, янгиликларни аниқлаш ва оммалаштириш жиҳатидан қимматли эди.

А.Саъдий турк ва ўзбек адабиёт орасидаги алоқадорликни Чўлпон шеърлар мисолида кўрсатган ҳолда "Ғарчи руҳ ва оҳанг эътибори билан усмонлилар таъсири остида бўлса ҳам, унинг (яъни Чўлпоннинг) ўзига ҳос маҳсул тил-услуби бор", деб тўғри изоҳлаган эди.

³³ Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. 1 том. – Б. 67.

У Вадуд Махмуднинг "Туркистон" газетасидаги танкидий мақолаларига муносабат билдираркан: "Ўзбек ёшлари ўртасидан адабий танкид каламлари чиқа бошлагонини кўрсатади. Бу ҳам адабиёт бобида 6-нчи йилнинг ижобий ҳоллари томонига ёзила оладир", деган фикрни айтади. Унингча, адабий танкид фақат кундалик адабий жараён билан чегараланмай, адабиётнинг муҳим назарий масалаларини ҳам ўртага қўйиб, уларни ечишга ҳаракат қилмоғи лозим.

"Танкид хусусида, умуман адабиёт назарияси ҳақида сўз борганда, биринчи навбатда, бизнинг кўз олдимишга А.Саъдий келади"³⁴, деб ёзади урушгача бўлган давр ҳақида Р.Мажилий. У "Олти йиллик ўзбек адабиётига бир назар" обзор мақоласида тўнтаришдан кейинги адабиётнинг олти йиллик йўли мобайнидаги етакчи тамойилларни диққат билан кўздан кечиради. Ҳамза, А.Қодирий, Қўлпон, Боту, Элбек ижодининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида фикр юритади. Элбек ҳақида фикр юрита туриб, уни кишлоқ болалари ҳаётдан ёзадиган сермахсул шоир деб атайди. Адабиёт майдонидаги ягона масалчи ҳам ҳозирча фақат у, лекин "лирик шеърлар ёзишдаги кучи ҳали унча юқорилаб кета олмагани" деб таъкидлайди.

Мунаққид "Ўзбекистон ёш шоирлари" мақоласида миллатпарвар ёзувчи ва шоирлар ижодига кенг ўрин беради: "Бехбудий ўзбек адабиётининг отаси, биринчи муҳаррири, Фитрат ёш ўзбек адабиётининг бош олими... Фитратнинг ёш ўзбек адабиётининг бош омили бўлиб саналатургани унинг тили ва услубида кўринади. Унинг ёш ўзбек адабиётининг туғилиши йўлида энг катта хизмати тил ва услубда, чигатой адабиёти таъсирига каттик сад чекамганлиги", деб ҳисоблайди. Кўринадики, А.Саъдий обзор мақоланинг давр учун қатор етакчи жанрий хусусиятларини тўғри белгилашга интилади.

Мумтоз ўзбек адабиёти намуналарини эълон қилиш, айрим ёзувчилар ижодининг янги қирраларини ёритиш ёки адабиётнинг айрим жанрлари тараккиётидаги ўзига хосликларга баҳо бериш борасида Абдурауф Фитрат, Вадуд Махмуд, Отажон Ҳошим, Сотти Ҳусайн, Олим Шарафуддиновлар қаторида Абдурахмон Саъдий ҳам самарали ишларни амалга оширди. Лекин ҳозирги миллий истиқлол мафкураси нуктаи назаридан қаралса, А.Саъдий айрим ишларида қатор хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилганини таъкидлаш лозим. Чунончи, "Адабиёт масалалари ва улуг октябрдан кейинги ўзбек адабиёти" китоби ва бошқа қатор мақолаларида пролетариат адабиёти ва унинг методига оид масалаларни тушунишда вульгар социологлар изидан борди, партиявий принципни бош мезон деб тушунди. Социализм идеяларини ташувчи адабиёт ("пролетар адабиёти") пролетариат диктатураси самарасидир деган фикрларни олға сурадики,

бундай қарашлар давр синовларига дош бера олмади, тарихнинг муайян босқичидаги хато изланишлар сифатида қолиб кетди.

А.Саъдийнинг Ҳ.Олимжон ижодига муносабатида, айниқса, вульгар социологизм касалига мубтало бўлгани кўзга яққол ташланади. Унинг бу фикрларига Ойбек ўша вақтдаёқ жиддий эътироз билдирган эди. Ҳ.Олимжоннинг тўрт тўпламини таҳлил қилган А.Саъдий шоир дунёқарашини, бадийиятидаги айрим нукталарни танкид қила туриб, умуман, унинг ижоди, асарлари ҳақида янглиш, бирёклама ҳулоса чиқарган эди. Бу қарашларга муносабат билдирган Ойбек ёзади: "Танкидчи ўз мақоласида Ҳ.Олимжон шеърларида умуман буржуазия романтизми ва идеализми таъсири"ни кўради. Ҳақиқатдан "Кўклам" ва "Олов сочлар"да романтик, символик ноталар йўқ эмас. Масала, мана шу таъсири конкрет кўрсатиш, шоир ижодига қирган идеологик таъсирларни очиб беришдадир.

Танкидчи асарларни конкрет анализ қилиш натижасида ўз ҳукмларини чиқариши керак Саъдийнинг ҳукмлари, асарларининг анализидан қелиб чиқмайди. Кўпинча фактлар, шоирнинг қарашлари, фикрлари "кийшик ойна" орқали кўрсатилади. Шеърларга танкидчи ўз қайфиятига яраша, ўзи истаганча маънолар тақишга қиришадики, бу билан танкид объектив аҳамиятдан маҳрум этилади"³⁵.

А.Саъдий Ҳ.Олимжон шеърларини таҳлил қилишда Ойбек айтганидек "қисмни кўриб қулли унутган", аммо Ойбек мақоласини ўқиб чиққандан сўнг, истиқлол мафкураси нуктаи назаридан қаралса, Ойбекнинг ўзи ҳам айрим хатоларга йўл қўйгани сезилади: Ойбек Ҳ.Олимжон ижодини ҳар қил хуружлардан ҳимоя қилишда ҳақ бўлса-да, кўпроқ унинг синфийлик, партиявийлик руҳи уфуриб турган шеърларига урғу беради. Ойбек бир ўринда А.Саъдийни "воронский"чилиқда айблайди. Воронский ва А.Саъдий фикрида яқинлик кўради: "Воронскийча бадий тўғрилиқ, самимийлик ва катта санъат асари яратиш синфий қураш, сиёсат кундалик масалалар билан бирлаша олмайди. Воронский назариясича, "ҳақиқий санъат ғайри синфий моҳиятдадир, ўз-ўзига гўзал дунёни очишдадир"³⁶. 30-йилларда бу нуктаи назар каттик қораланган эди. Тараккиётимизнинг ҳозирги босқичига қелиб, маълум бўладикки, бу нуктаи назар нотўғри эмас экан. А.Саъдий Ҳ.Олимжоннинг "Кўклам" ва "Олов сочлар" тўпламидаги шеърлари образга бой, санъатча юқори деб ҳисоблайди, бироқ "Ўлим ёнга", "Пойга" тўпламидаги шеърлар "ораторлик"дан иборат деб ҳисоблаганини Ойбек танкид қилади. Назаримизча, А.Саъдий мулоҳазаларида ҳақиқат йўқ эмасди. Юқоридаги ҳар иккала шеърда бадийликдан кўра ораторлик, поэтик ҳолисликдан кўра мафкура қучлироқ бўлгани бугун, шоир ижодини камситмаган ҳолда, рўйи рост айтиш имконига эгамиз.

³⁴ Раҳмат Мажилий. Истеъдод ва бурч. Т., 1974. - Б. 49.

³⁵ Мажилий Р. Ўша асар. - Б. 49.

³⁶ Ойбек. МАТ. 20 томлик. 14 - том. 1978. - Б. 67.

Таниқли танкидчи ва адабиётшунос А.Саъдий асарларига холис баҳо бериш, унинг илмий-тарихий қимматга меросини муносиб ўрганиб, тадқиқ этиб, янги авлодларга етказиш бизнинг бурчимиздир.

Таянч тушунчалар: матбуот ва адабий танкид, мубоҳаса, "ТВГ", фанний текширишлар, театр танкидчилиги, сочма шеър, шакл ва мазмун, эркин вази, сарбаст, танкидий фикр уйғониши, танкидий фикр тараққиёти, профессионал танкид, Алишер Навоий ижодига илк муносабат ва икки хил қараш.

Танкидчи ва ёзувчи муносабати, ёзувчи танкиди, танкидчи, талант, истеъдод, рухият, оҳанг, гўзаллик, футуризм, обзор мақола, пантуркизм, вульгар социологизм, жанрлар талқини, адабий жараён алоқадорлик.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. Ўзбек адабий танкидининг пайдо бўлиши ва шаклланишида матбуот қандай роль ўйнади?
2. Жалид танкидчиларидан қимларни биласиз? Улар қарашларининг хусусиятларига тўхталинг.
3. Ўзбек адабий танкидга оид дастлабки ишларга хос хусусиятлар нималардан иборат?
4. "Туркистон вилоятининг газети" ўзбек адабий танкидчилигининг пайдо бўлишида қандай роль ўйнади? Унда қайси мунаққидлар фаолият кўрсатдилар?
5. 20-йиллардаги ўзбек адабий танкидчилиги Фитрат ва Чўлпон ижодига қандай муносабатда бўлган?
6. Ўзбек адабий танкидидаги икки йўналиш ҳақида нималар биласиз?
7. Абдурахмон Саъдий ҳаёти ҳақида нималарни биласиз?
8. Мунаққид танкидни қандай тушунган ва таърифлаган?
9. Саъдийнинг ўзбек адабиётшунослигини ривожлантиришдаги хизматлари қайси ишларида кўринади? "Гўзал санъат дунёсида" мақоласида у санъатга қандай қараган?
10. Унинг Ҳ.Олимжонга муносабати қандай бўлган?
11. Саъдий ижодида вульгар социологизм белгилари қандай хусусиятларда кўринади?

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Каримов И. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Ўзбекистон. 1999.
2. Алиев С. Бухорода битилган байтлар. – Т., 1992
3. Баходир Карим. Янгиланиш соғинчи. – Т., 2004.
4. Дўстқораев.Б. Ўзбек адабий танкидчилиги тарихи. – Т.: ТошДУ нашриёти. 1989.

5. Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиёти тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. – Т.: Фан. 1993.
6. Каримов Э. Туркистон адабиёти //Мулоқот, 1994, № 9-10.
7. Каримов Баходир. Жалид мунаққиди Вадуд Махмуд. – Т., 2000.
8. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. – Т., 2006.
9. Фитрат. Адабиёт қондалари. – Т., 1994.
10. Қосимов Б. Излай-излай топганларим. – Т., 1993.
11. Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 14-том. – Т., 1972-79.
12. Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Ризаев Ш., Аҳмедов С. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Т.: Маънавият. 2004.
13. Ўзбек адабий танкиди тарихи. Антология. Т., 2011.
14. Яссавий қим эди? Тўплаб нашрга тайёрловчи Б.Дўстқораев. – Т., 1994.

АБДУРАУФ ФИТРАТ (1886–1938)

РЕЖА:

1. Абдурауф Фитрат адабий-танкидий қарашларининг ўрганилиши.
2. Профессионал адабиёт назариётчиси ва адабий танкидчи сифатида.
3. Адабий танкид жанрларида изланишлар.

Абдурауф Фитрат адабий-танкидий қарашларининг ўрганилиши. Абдурауф Фитрат ўзбек адабиёти тарихида шоир, драматург, ёзувчи, публицист, давлат арбоби, тилшунос, адабиётшунос, танкидчи сифатида қомуший билимлари билан шўҳрат қозонди. Озод Шарафиддиновнинг "Фитрат ўзбек адабиётшунослигининг отаси" деган фикри айни ҳақиқатдир. Фитрат туркий тил, хусусан, ўзбек тили ва адабиётининг шаклланиш босқичлари, ҳолисалари талқини масаласида ўз даврининг энг сўнгги ва илғор қарашларига таянди. Ўзи ҳам уларни энг илғор фикр ва ҳулосалар билан бойитди. Унинг улкан туркшунослар Муҳаммад Фуод Кўприлизода, Нажиб Осимбек, Европа шарқшунослари Ҳ. Вамбери, Томсен, Радлов, Самойлович каби олимлар қарашлари билан илмий мубоҳасалар олиб боргани ҳамда жадидчиликнинг асосчиси И.Ғаспирали билан бир сафда туриши маълум³⁷.

Адабиётшуносликка доир Фитрат илмий меросининг асосий қисми 1923-35-йилларда яратилган. Бу қисқа даврда у 50 дан ортиқ илмий-тадқиқот ва мақола ёзди. Улар замонавий адабиётшуносликнинг ранг-баранг йўналишларини қамраб олган бўлиб, асосан, Шарқ ва туркий адабиёт намоёндалари ижоди, тарихи, назарияси ва адабий танкидига оид тадқиқотлар эди.

³⁷ Қосимов Б. Маслақдошлар. Т., 1974. - Б.135.

Абдурауф Фитрат 20-йиллардаёқ Шарқ халқлари маданий мероси ва адабиётини ўрганишга катта ҳисса қўшди. Чиндан ҳам "Фитрат Бартольд, Самойлович, Крачковский, Бертельслар сингари академик йўналишдаги йирик комусий олим эди." (Ҳ.Болтабоев). У Шарқ бадий меросига илмий нуқтаи назардан ёндошиб, Абулкосим Фирдавсий, Аҳмад Яссавий, Умар Хайём, Лутфий, Алишер Навоий, Муҳаммад Солих, Абдулқодир Бедил, Бобораҳим Машраб, Турди, Нодира, Муқимий, Фуркат сингари ижодкорлар меросини йиғиш, тартибга солиш, тадқиқ этиш ишларида алоҳида ғайрат кўрсатди. Қолаверса, у "Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи" (1927), "Энг қадимий турк адабиёти" (1927), "Ўзбек классик адабиёти намуналари" (1928), "Аруз" (1936) каби ўнлаб тадқиқотлар яратиб, жаҳон шарқшунослиги ва туркшунослигига катта ҳисса қўшди. Шунга қарамай, унинг асарлари 20-30-йилларда кўп мунозараларга сабаб бўлди. Фитрат ижоди ноҳақ танқидларга учради ва бу ҳол 1938 йилда унинг отилганидан кейин ҳам давом этди. Шахсга сиғиниш оқибатлари тугатилгандан сўнг ҳам бу муносабат ўзгармай турди. Фақат 70-йилларга келиб, И.Султон, Э.Каримов, Ҳ.Мирзозода унинг ижоди ҳақида ёза бошладилар, 80-йиллардагина бу жараён бир қадар изчиллаша борди. Б.Қосимов, Ш.Турдиев, А.Алиев, Н.Каримов, Ҳ.Болтабоев, И.Ғаниевлар унинг бадий ва илмий ижодини жиддий ва кенг қамровда тадқиқ этишга киришди. Айниқса, мустақиллика эришганимиздан кейин Фитрат ижодини ўрганиш имкониятлари кенгайди. Унинг "Адабиёт қондалари", "Аруз", "Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи" каби асарлари, қатор илмий мақолалари, шунингдек, насрий, шеърӣй ва драматик асарлари қайтадан чоп этила бошланди. 1996 йилда "Чин севиш" ва 2000 йилдан ҳозиргача олти томлик танланган асарларининг 5 жилди нашрдан чиқди.

Фитратнинг адабиётшунослик фаолиятини Ҳ.Болтабоев ва У.Жўрақуловлар докторлик ва номзодлик диссертациялар доирасида ўргандилар. Хусусан, Ҳ.Болтабоев Фитратнинг адабий-танқидий қарашларини XX аср бошларидаги ўзбек адабиётшунослиги контекстида ўрганиб, унинг ўзбек эстетик тафаккури тараққиётидаги ролини очиб берди. Бу изланишлар "Фитратнинг илмий мероси" (1996) китобида ўз ифодасини топди. Шунингдек, С.Эркинов Фитратнинг навоийшунослик, Б.Дўстқороев ва Сирожиддин Аҳмадлар эса яссавийшуносликка оид қарашларига бағишланган тадқиқотлар яратдилар.

Ўзбек халқининг комусий билим даҳолари аъёналарини XX асрда давом эттирган Абдурауф Фитрат ижодига кизиқиш хорижда ҳам кучлидир. Бошқирд Заки Валидий Тўғон, турк олимлари Фуод Купрули ва Меҳмет Сарой, япон олими Хисао Куматсу, америкалик Эдвард Олворт, фаранг Эллен Каррер д'Энкоус, олмон Ингеборг Балдауф, рус А.Климович ва жаҳоннинг бошқа олимлари бу ноёб ижод соҳибига катта кизиқиш билан қарадилар.

Профессионал адабиёт назарийчиси ва адабий танқидчи. Фитратнинг адабий назариясига муносабати 20-йиллар рус адабиётшунослигидаги формал мактаб вакиллари Эйхенбаум, В.Шкловский, В.Жирмунский кабилар изидан боришида кўринади. Уларнинг фикрича, сиёсатга аралашиб, бадий асарларнинг гоёвий-мафкуравий ва ижтимоий фазилатларини ўрганиш адабиётшуносликнинг вазифасига қирмайди, у, асосан, бадий асарнинг шаклини, шаклдаги гўзалликни таҳлил этиши лозим. Мазкур қарашларни чуқур ўзлаштирган Фитрат тадқиқотларида шу концепцияга амал қилди. Чунончи, "Адабиёт қондалари" (1926) даги санъатга доир фикрларида бу ҳолни қузатиш мумкин. Унинг "Юрак, фикр, туйғу тўлқинларини сўз, товуш, шакл, харф, ҳаракат каби материаллар ёрдамида жонлантира чиқариб, бошқаларда ҳам шу тўлқинни яратмоқ ҳунарига гўзал санъат дейилади", деган таърифида бадий асар қимматини шаклдаги маҳорат билан белгиловчи рус формал мактабининг таъсири сезилиб туради. Фитрат "санъат нима", деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилди. "Адабиёт қондалари" қўлланмаси "санъат" сўзига умумий ёки кенг таъриф беришдан бошланади. "Санъат - лўғатда ҳунар демакдирким, бир нарсани яхши ишлаб чиқаришдан иборатдир. Бир киши бир ишни ўзига қасб қилиб олиб, шунга берилиб, яхши ишлаб чиқарадирган бўлса, шу иш унинг санъати бўлади"³⁸.

Фитрат инсонга рухий-маънавий таъсир кўрсатувчи, қалбни тўлқинлантирувчи санъатни "гўзал санъат" сирасига қиради. Гўзал санъатда кишиларнинг турли хил қайфиятлари акс этажаги хусусидаги фикрлари юқоридаги мулоҳазаларида яққол кўриниб турибди. Бу силсилада сўз - адабиёт, товуш-мусика, бўёв-рассомлик, шакл-мёморлик, ҳаракат - рақс тарзида талқин қилинади.

Фитратнинг бадий адабиётга берган таърифи ҳам санъат таърифига яқин. "Адабиёт фикр-туйғуларимиздаги тўлқинларни яратади", дея таъкидлайди у. Ойбек "Адабиёт қондалари"га ёзган тақризида Фитратнинг "жозиб, гўзал услуби"га тўғри баҳо беради, лекин унинг камчилиги "санъат ва адабиётга бугунги кўз билан (марксларча) қарамаганлик"да деб танқид қилади. Бу қараш адабиёт мафкуравий-лаштирила бошланган ўша давр нуқтаи назаридан тўғри эди. Ёки бошқача айтганда, Ойбек шундай деб ёзишга мажбур эди. Акс ҳолда унинг ўзини ҳам миллатчига чиқариб қўйишлари ҳеч гап эмасди. Шўровий, мафкуравий қарашлардан воз кечилган, умумбашарий мезонлар асосида фикрлашга ўтган ҳозирги мустақиллик даври талаблари асосида ёндашадиган бўлсак, Фитрат тўғри фикрни айтгани маълум бўлади. Бирок 20-йилларда санъатга, адабиётга бундай қараш жиддий зарбага учраган эди. Бадий адабиётнинг моҳияти унинг фақат ижтимоийлигида деган қараш ҳукмрон эди. Ойбек шу

³⁸ Фитрат. Адабиёт қондалари. Т.: Ўқитувчи, 1994. - Б.34.

позицияда туриб Фитрат карашларини танкид килади. Чунки давр эса ўша пайтда шу сиёсатнинг қўлида эди.

Фитрат қўлланмасининг аҳамиятли ва назарий жиҳатдан чуқур ёзилган қисмларидан бири услуб ҳақидадир. "Адабий ҳаётимизнинг сушт даври" (Ойбек) бўлган 20-йилларнинг ўрталаридагина эмас, ҳатто ҳозирги даврида ҳам ўзбек адабиётшунослигининг услубшунослик деб аталган қисми анчайин сушт даражададир. Баъзи ижодкорлар услубига бағишланган айрим рисоаларни ҳисобга олмаганда, бу борада кенг ва чуқур назарий умумлашма берадиган тадқиқотлар ҳанузгача ниҳоятда оздир. Шу жиҳатдан қаралса, "Адабиёт қондалари"даги танкидий мулоҳазалар муҳимдир.

Фитрат ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ услуб ҳақида кенг ва атрофлича фикр билдиргани, унинг ёзувчи ўзига ҳослигини аниқлашдаги ўрнига катта баҳо бергани олим салоҳиятининг нақадар салмоқли ва теран бўлганидан далолат беради. Унинг "Адабиёт қондалари"дан ташқари, "Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи", "Ўзбек адабиёти намуналари", "Шеър ва шоирлик", "Аруз ҳақида" номли мақола, рисола, мажмуалари ўзбек маданияти тарихида катта ўрин тутди.

30-йиллар ўрталарида шеърятда шакл ва вазн муаммоларига бағишланган мунозараларда "арузнинг келажаги йўқ"лиги ҳақидаги башоратларга қарши Фитрат аруз вазнининг "бошини бундай сиртмоқлардан қутқариш учун" бу соҳада махсус тадқиқот яратиб, унинг туркий шеърятдаги қонуний ўрнини тушунтириб беради.

1919 йил "Тонг" журналининг 2-сониди босилган "Мирзо Бедил" мақоласи Фитратнинг бедилшуносликка оид илк тадқиқоти бўлиб, кейинчалик яратилган "Бедил" бадихаси учун асос вазифасини ўтаган. Рисола буюк шоир ижоди ва дунёқараши моҳиятига теран ва илмий ёндашувда жиддий дастлабки қадамлардан бири бўлди. Аслида адабиёт тарихига оид адабиётшунослик йўналишидаги бу тадқиқотнинг давр адабий танқидчилигидаги муҳим аҳамияти бор эди. Гап шундаки, у санъаткор ижодининг сир-синоатларини аниқлашда, замондош шоирлар асарларидаги маҳоратни очишда бу каби тадқиқотлар ёш мунаққидлар учун ўзига ҳос бир қўлланма эди.

20-йиллар ўзбек адабиётшунослигида Бедил ижодига бағишланган бу рисола шоир меросини чуқур ўрганиш борасида салмоқли тадқиқотлар майдонга келган ҳозирги кунларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Фитратнинг бу асари ўзбек танқидчилигини шаклий изланишлар соҳасида ҳам бойитишга хизмат килади. Чунки "адабий танқиднинг орқада қолаётганлигининг бош сабабларидан бири унинг социологик таҳлил методига ёпишиб борганлигида", деб кўрсатади Озод Шарафиддинов

"Адабий танқид ва янги тафаккур" мақоласида ва адабий танқидда турли хил усуллар, шакллардан фойдаланиш зарурлиги ҳақида қуйиниб ёзди³⁹.

Худди шу нуқтаи назардан қараганда Фитратнинг Бедил ҳақидаги рисоласи унинг танқидчи- ижодкор сифатида турли усулларни қўллай олганлигидан далолат беради. Бедил ижодини академизм усули билан эмас, балки суҳбат, аниқроғи, халқона анъана сифатида шаклланган бедилхонлик тарзида талқин этиш Фитратнинг гоёат синчков ва ижодкор танқидчи бўлганлигидан, қолаверса, XX асар бошларидаёқ янги ижодий усуллар излаш намунасини кўрсата олганлигидан далолат беради.

Олимнинг "ХУ1 асрдан сўнгги ўзбек адабиётига умумий бир қараш" (1929, "Аланга") асари обзор мақола шаклида бўлиб, унда хали илмий жамоатчиликка яхши маълум бўлмаган далиллар муомалага киритилиб, қимматли мулоҳазалар ўртага ташланади.

XX асрнинг 20-йилларида адабий меросга, жумладан, Алишер Навоий ижодига қарашда икки йўналиш бор эди. Чунончи, Ж.Бойбўлатов маданий меросдан воз кечиш талабини қун тартибига қўйган бир шароитда Фитрат адабий меросни ёқлаб чиқди.

Танқид жанрларидаги изланишлар. Фитрат адабиётшунослик ва адабий танқиднинг хилма-хил жанрларига мурожаат этади ва буни онгли равишда, махсус тайёргарлик билан амалга оширади. Фитрат эса ана шу хизмати билан адабий-танқидий жанрларни кашф этишда фаоллик кўрсатган. Бу ҳодиса ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқиднинг кейинги тараққиётига жиддий таъсир кўрсатганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

«Ўзбек шоири Турди», «Мухаммад Солиҳ» портрет-мақолалар бўлса, «Аҳмад Яссавий», «Форс шоири Умар Хайём», «Машраб» каби тадқиқотлар танқидий-биографик очерк жанрига тааллуқлидир. Бу асарлар муамтоз адабиёт вакиллари ижодига бағишланганлиги нуқтаи назардан кўпроқ адабиётшунослик жанрларига мансуб. Аммо уларни диққат билан ўрганган ва ўзлаштирган мутахассис, адабиёт ихлосманди ва ижодкор улардан ўзи учун, адабий жараён учун керакли ва муҳим тажрибалар оладики, бу ҳол мазкур тадқиқотларнинг танқидчиликка доир қирралари ҳам бор деган ҳулоса чиқаришга асос беради.

«Ўзбек шоири Турди» мақоласи А.Мажидийнинг шоир ҳақидаги мақоласини тўлдириш мақсадида ёзилган. Шу боис ўзидан олдинги мақола моҳиятини Фитрат «уч модда»да кўриб чиқади. Портрет-мақола шу ҳусусдаги изохлар билан бошланади. Фитрат Турдининг «эли, юрти, қимлиги» ҳақидаги маълумотларни шоирнинг ўз асарларидан топишга ҳаракат килади. «Унинг шеърлари орасида таржимаи ҳоли учун ярарлиқ моддаларни» беш қисмга бўлиб тадқиқ этади ва шоирнинг таржимаи ҳолини тиклайди. Портрет сўзи чизиқлар, уларнинг ўзаро улашиб

³⁹ Шарафиддинов О. Адабий танқид ва янги тафаккур // ЎзАС. 2001 йил, 21 октябрь.

кетишидан келиб чиққанлигини назарда тутадиган бўлсак, мунаккид шоир ижодининг беъш киррадан иборат чизгиларини беради ва шу асосда у ҳақда яхлит тасаввур уйғота олувчи мақола яратади.

Мухаммад Солих ҳаёти ва ижодига бағишланган мақола Фитратгача ўзбек адабиётшунослигида у ҳақда махсус мақола ёки тадқиқот амалга оширилмаганини кўрсатади. Муаллиф бир неча тарихий манбаларни қиёслаган ҳолда фикр юритадики, бу унинг кенг мушоадали, синчков олим бўлганини намойён этади. Портрет-мақола ўзига хос тузилишга эга, икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда шоир таржимаи ҳоли, иккинчисида Мухаммад Солих ижоди ёритилади. Фитрат Алишер Навоий ва Бобур ёзиб қолдирган шоир ҳақидаги маълумотларга асосланиб, «унинг кучли бир шоир бўлганини қабул қиламиз» дейди, «Шайбонийнома» достони таҳлилига кенг тўхталади. Портрет-мақолада муаллиф томонидан М.Солих асарининг ХУІ асрдан кейинги адабий тилни соддалаштиришдаги хизматлари эътироф этилади.

Фитратнинг Машрабга оид тадқиқоти жиддий илмий ишлардан бири бўлиб, Машраб шахси ва ижоди ҳақида турли туман, бирёклама тасаввурлар кенгайган бир пайтда яратилди. Рус олими П.Вяткиннинг "Фарғоналик мистик девона Машраб" мақоласи Фитрат тадқиқотининг юзага келишига туртки берган. Билимдон шарқшунос олим ишида асосий эътиборни шоир шахсиятини аниқлашга, бир қанча манбаларга таяниб Бобораҳим Машраб таржимаи ҳолини илк марта илмий асосда тиклашга муваффақ бўлган.

Тадқиқотда шоир таржимаи ҳоли, ҳаёти ва ижоди, асарларининг қиммати, моҳияти умумлаштирилган ҳолда тадқиқ этилиши унинг танқидий-биографик очерк жанрида яратилганлигини кўрсатади.

"Форс шоири Умар Хайём" асари ҳам танқидий-биографик очерк жанрига мансуб. Фитрат аввало Умар Хайём ҳақида портрет-мақола яратган. Бунини ўзи ҳам қайд этади: "Форсларнинг бутун дунёга машҳур бўлган шоирларидан Умар Хайём ҳақида "Қизил қалам" мажмуасида бир мақола ёзган эдим. Унда Оврўпа олимларининг Хайёмнинг таржимаи ҳоли ҳақида қандай маъхазларга мурожаат қилганларини кўрсатган, ўзим ҳам шуларнинг изидан юриб, Хайём таржимаи ҳолини собит шаклга киргизишга тиришган эдим"⁴⁰. Шундан кейин унинг қўлига шоир ҳақида яна бир қимматли манба тушади. Ва шулар асосида йирик тадқиқот яратилади. У Машраб ҳақидаги очеркдан хажми, қўламнинг кенглиги билан фарқ қилади. Фитрат очерк бошида "Бир-икки сўз" (худди ҳозирги сўзбошилардай) дея шоир шахси ҳақида қисқа маълумот бергандан сўнг, у яшаган давр ва адабий муҳит тасвирига тўхталишни лозим топади.

Хулоса қилиб айтганда: 1) танқидий-биографик очеркда шоир таржимаи ҳоли аниқ манбаларга таянилган ҳолда ёритилди, Умар Хайём

ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган ўша давр ўқувчиси учун бу қимматли манба эди; 2) Хайёмнинг маслаги, асарлари, айниқса, рубойларини тадқиқ этиш асносида унинг ижодига ҳолис баҳо берилди, адабиётда тутган ўрни кўрсатилди; 3) олимнинг Хайём ижоди ҳақидаги мулоҳазалари, "жозиб услуби" (Ойбек) бугунги китобхонни ҳам қайта қолдирмайди. Унинг синчковлиги, аниқ манбаларга таяниб илмий фикр юритиши, қиёслаш асосида хулосалар чиқариши, фикр-мулоҳазаларини эркин баён этиш усули танқидчи ва адабиётшуносларнинг янги авлодлари учун бамисоли маҳорат мактабидир.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган салкам юз йил мобайнида Машраб ва Хайём ҳақида Ўзбекистон ва халқаро миқёсда кўплаб тадқиқотлар яратилди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Фитрат асарлари уларнинг аксариди бу икки буюк ижодкор ҳақидаги тадқиқотларга асос бўлиб етади.

Фитрат замондоши А.Саъдий билан бир даврда 20-йилларда Яссавий ижодига бағишлаб қатор мақолалар ёзиб, ўзбек яссавийшунослигига асос солди. Аҳмад Яссавий ва унинг мактабини атрофлича тадқиқ этди. Давр билан изоҳланувчи камчиликлар бўлишига қарамай, бу тадқиқотларнинг исломий-назарий асослари жуда юксак ҳисобланади. Улар Фитрат илмий дунёқараши кенглигини кўрсатиш билан бирга, реалистик ўзбек яссавийшунослигини бошлаб бергани жихатидан ҳам қимматлидир.

"Чигатой гурунги" җамиятининг ташкилотчиси ва раҳнамоси Фитратнинг миллатпарварлик ва ташкилотчилик йўналишидаги қатта ишларидан бири "Чигатой гурунги"ни йўлга қўйгани бўлди. Маданий меросни ўрганиш, ундан халқни баҳраманд этиш, авлодларни аждоқларнинг ўлмас руҳияти билан боғлашда бу җамият улкан ишларни амалга оширди.

Чигатойчилар миллатнинг ҳаёт ва истиқбол учун 500 йил давомида узилиб қолган тарих билан миллий-маданий боғланиши шарт эканини теран ҳис этдилар. Шунинг учун миллий мактабларга алоҳида эътибор бердилар. Афсуски, 20-йилларнинг аввалиданок бундай ҳаракатларга сиёсий баҳо бериш бошланди. Бу моҳиятан ўзбекнинг ўзлигини англаш, ўзлигини тиклашга қарши бўлган қуч – шўроларнинг зимдан бошлаб юборган ҳаракати эди. 1922 йили "Чигатой гурунги" тарқатиб юборилди. Шунга қарамай, гурунг аъзолари ўз фаолиятларини алоҳида-алоҳида давом эттирдилар ва янги вужудга келган Ўзбекистон җумҳуриятида яна қайтадан уюшдилар. Улар Ўзбекистоннинг биринчи ёзувчилар ташкилоти наشري "Қизил қалам"да ташаббусни ўз қўлларига олишга ҳаракат қилдилар. Туркистон миллий маданиятини барпо этиш учун курашни тўхтатмадилар. Аммо 20-йиллар охири ва 30-йилларнинг бошларига келиб, "чигатойчи"ларни пантуркизм, панисломизмда айбловчи шўровийларнинг жазаваси янада қучайди. Зиёлиларни бир-бирига гиж-гижлаш авж олди. 1929 йилда Ж.Бойбўлатовнинг "Ўзбек адабиётида чигатойчилик" мақоласи босилди. "Ўзбек адабиёти намуналари" мажмуаси танқидига бағишланган

⁴⁰ Фитрат А. Танланган асарлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Т., 2003. - Б. 134.

бу макола асар муаллифи Фитратни "фош этиш"га қаратилди. Фитрат унда марксизмни инкор қилишда, ўтмишни идеаллаштиришда, буржуа миллатчилиги ғояларини тарғиб ва ташвиқ этишда айбланди. Аслида бу ҳаракат замирида бир тарафдан, кўп асрлик адабий меросимизни чиқитга чиқариш сийёсати ётар, бир томондан эса, бу борадаги миллатпарвар, фидойи олиму адибларни наинки бадном қилиш, балки махв этиш мақсадлари яширинган эди. Ж.Бойбўлатов маданий меросимиздан пролетар адабиёти учун бир нарса ола билишга шубҳа билан қаради. Китобга сўзбоши ёзган Отажон Ҳошимни ҳам бир ёқадан бош чиқарганликда айблади.

Кўп ўтмай матбуотда бу масалада баҳс бошланди. Отажон Ҳошим "Адабий мерос ва чигатой адабиёти" мақоласида Ж.Бойбўлатов мақоласини фелъетон деб атаркан, адабий мерос ва чигатой адабиёти каби муҳим масалаларни Бойбўлатов каби ҳал қилиш мумкин эмаслигини таъкидлади. "Чигатой адабиёти (мумтоз адабиётимиз) кўп бадиий намуналар бергандир, бу адабиётнинг бир канча санъаткор намуналари бор"лигини эътироф қилади.

Фитрат ҳам Ж.Бойбўлатовга жавобан тарзида "Ёпишмаган ғажаклар" номи остида очик хат эълон қилди. Очик хатгина ёхуд ноҳақ танқидга жавобгина эмас, балки "гўзалликни, чинакам адабиётни англаш, идрок этишдан узоқ нуктаи назарнинг - олмадан курт қидиришининг" (Асқад Мухтор) жамият ҳаётида тобора кучаяётганлигини теран ҳис қилиш ва унга қарши ўзига хос бир исён эди. Гап шундаки, Ж.Бойбўлатов Фитратнинг ўтмиш адабиёт намуналарини биттама-битта йиғиб, тозалаб, саралаб, изохлаб ўқувчига тақдим этишдек оғир ва шарафли ишини душманлик, зарарқундалик ҳисоблаган ва буни адибнинг бутун фаолияти мисолида "исбот" қилишга уринган эди⁴¹.

Фитрат болалар орасида "Кўзим кўрмайдир" ўйини бўлганлиги ҳақида гапириб, кўзини қаттиқ боғлаб олган боланинг атрофдагиларга ҳужум қилишини Бойбўлатовга киёслайди. "Мақолани ёзганда, сизнинг каламингиз ҳам шул кўзи кўрмас боланинг таёғига ўхшаган: айланган, айланган, кимга тўғри келса, шунга теккан, орада менинг китобим унутилган, жуда оз ўрин олган".

Танқидчи илмий этика доирасидан чиқмасликка ҳаракат қилади ва шунинг учун Бойбўлатов мақоласига жавобни, ўзи айтганидек, дардлашув шаклида ёзади, аввало, унга миннатдорчилик билдиради. Шу билан бирга "сиз адабиёт тарихининг одами эмассиз, мақолангиз эса тасодикий бир ҳодисадир" дейди. Бу эса Фитратнинг юксак дидга эга, ўта маданиятли мунаққид эканлигини кўрсатади. Очик хат ўша давр танқидчилиги учун қатга аҳамиятга эга бўлди. Зеро, унда Фитрат факат Бойбўлатовга эмас, ўша даврда тараккий этаётган вульгар социологизмга ҳам зарба берган

⁴¹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 4-жилдлик. Учинчи жилд. Т.: Маънавият. 2003.- Б. 238.

эди: " ... Менинг сўзларимни бош-оёғини кесиб ташлаб, ўз мақсадингизга яраклик бир ҳолга киргизиб, сўнгра эътироз қилишингиз илмий бир ҳаракат саналмайдир".

Фитратнинг олим сифатида мардлиги, тантилиги, толерантлиги шундаки, ўз хатоларини, ҳаттоки қилмаган баъзи хатоларини тан олади. Унинг "албатта, ишларимизда янглишлар бўлиши мумкин. Янглишларимни жой-жойи билан кўрсатиш керак. Кўзни юмиб, оғизни очиб сўкишнинг фойдаси йўқдир" деган сўзлари тобора ўз киёфасига эга бўлиш сари интилаётган бугунги танқидчилик учун ҳам дастуруламал вазифасини ўташи тайин. Тўғри, Фитрат ўз даври кишиси эди. Бинобарин, мақоладаги шўро даври мафқурасига дахлдор фикрларга муносабатда шу нарсани эътиборда тутиш керак бўлади.

Фитрат адабий жараёни сертаклик билан кузатди ва шу ҳақда мулоҳаза билдириб мақолалар ёзди. Унинг "Литература Средней Азии" газетасида босилган "Мухит муҳимлиги" мақоласи шу руҳда эди.

Кўрамизки, Фитрат ўз даврининг комусий олими, зукко адабиётшуноси, фидойи фарзанди эди, ёзган асарлари унинг номини асрлардан асрларга олиб ўтаверади. Фитрат яратган асарлар ютуқлари ва нуқсонлари билан бизнинг тарихимиз ва фаҳримиздир. Шунинг учун Фитрат ижодини ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш давом этаверади ва бу бизнинг бурчимизга айланиб бораверади.

Таянч тушунчалар: шарқшунослик, очик хат, Чигатой гурунги, чигатойчилик, "Ёпишмаган ғажаклар", бедилхонлик, формал мактаб, пантуркизм, панисломизм, "Адабиёт қоидалари", портрет-мақола, танқидий-биографик очерк, маданий мерос, мумтоз адабиёт.

Мавзуну мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. Фитрат адабиётшунослиги ва танқидчилиги фаолиятининг ўрганилиш тарихи ҳақида сўзланг.
2. Фитрат адабий-назарий қарашларининг аҳамияти нимада кўринади?
3. Олимнинг очик хати ҳақида нима биласиз ?
4. Фитрат портрет мақолалари қайси ижодкорларга бағишланган?
5. Танқидий-биографик очерк жанрини ривожлантиришдаги хизматлари нимада кўринади?
6. Фитратнинг мунаққидлик маҳорати қайси хусусиятларда намоён бўлган?

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 3-жилдлик. Т.: Маънавият, 2000-2003.
2. Абдурауф Фитрат. Бедил. Т., 1996.

3. Алиев А. Истиклол ва адабий мерос. Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитратнинг ҳаёти ва ижоди. Т.: 1992.
5. Болтабоев Ҳ. Фитрат ва XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги // "Шарқ юлдузи", 1995, № 11-12, Б. 178-183.
6. Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. – Тошкент: Миллий кутубхона, 2007. – 284 б.
7. Узоқ Жўракул. Фитратнинг уч йирик асари // "Шарқ юлдузи", 1998, № 5-6, Б. 20-24.
8. Хисао Куматсу. Чигатой гурунги // ЎзАС. 1999, 21 октябрь.
9. Қосимов Б. Маслакдошлар. Беҳбудий, Ажзий, Фитрат. Т. 1994.

ЧЎЛПОННИНГ АДАБИЙ-ТАНКИДИЙ ҚАРАШЛАРИ (1897-1938)

РЕЖА:

1. Чўлпон адабий-танкидий меросининг ўрганилиши.
2. "Адабиёт яшаса, миллат яшайди".
3. Чўлпон - театр танкидчиси.

Чўлпон адабий-танкидий меросининг ўрганилиши. Чўлпон шоир, носир, драматург, таржимон, публицист бўлиш билан бирга мунаққид, ўзига хос кифёли санъатшунос эди. Унинг адабий-танкидий мақолалари халқ маънавиятини шакллантиришда, адабий-эстетик дидни ўстиришда, бадиий адабиётимиз тараққиётида катта аҳамиятга эга. Янги ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танкиди тарихини Чўлпон адабий-танкидий фаолиятисиз тасаввур этиш қийин.

Чўлпон мақолаларининг рўйхатини тузиб, библиографиясини эълон қилган Н.Йўлдошев кўрсатишича, шоир 1914-1937 йиллар мобайнида чоп этган адабий-танкидий мақолалар сони 70 га яқиндир. Шу маълумотнинг ўзиёқ Чўлпонни мунаққид сифатида ўрганиш муҳим эканини кўрсатади. Тўғри, гап бу ўринда сон-санокдагина эмас, мақолаларнинг илмий-назарий қиммати ҳақида, албатта. Чўлпон мақолалари эса, энг аввало, ана шу жиҳати билан қадридли.

Чўлпон адабий-танкидий мероси эндигина ўрганила бошланди. "Бу меросда Чўлпон босиб ўтган йўлнинг муҳри ҳам бор. Бу мерос ўзининг жамики фазилатлари ва қусурлари билан адабий тафаккуримиз тарихининг қимматли саҳифасини ташкил қилади"⁴².

Озод Шарафиддинов "Чўлпон" (1991) рисоласининг бешинчи бобини адибнинг мунаққидлик ва таржимонлик фаолиятига бағишлаган. Олимнинг 1993 йилда "Истиклол фидойилари" туркумида чиққан "Мустафо Чўкай, Чўлпон, Отажон Ҳошим" рисоласида ҳам Чўлпоннинг

мунаққидлик фаолияти бир қадар кенгрок таҳлил қилинди. У.Султоновнинг номзодлик диссертациясида (1995) Чўлпон адабий-танкидий қарашлари махсус тадқиқ этилган.

Чўлпон адабий-танкидий меросини ўрганишнинг аҳамияти нимада? Бу саволга жавобни қуйидаги тўрт изох орқали асослаш мумкин:

Биринчидан, янги ўзбек адабиётининг шаклланиш даврида 20-30-йилларда кечган ғоят мураккаб ижодий жараёнда изчил реалистик услубнинг ўзлаштирила боришида (Озод Шарафиддинов) мунаққид сифатидаги Чўлпон фаолияти ўзига хос ўрин эгаллайди.

Иккинчидан, Чўлпон зукко танкидчи сифатида адабиёт ва санъатнинг амалий муаммолари билан жиддий шугулланиди, миллий уйғониш даври адабий жараёни муаммоларига жавоб излади, шу тарзда ўзбек адабий ва эстетик тафаккурини даврнинг илғор ғоялари билан бойитди; Шарқ ва Ғарб адабий тажрибаларини уйғунлаштириш тамойилини янги ўзбек адабиётига олиб кирди ва тадбиқ этди.

Учинчидан, ҳар бир мақола ортида муаллиф ўзи қараб тургандек. Бу адабий-танкидий мероси буюк шахсиятнинг турли қирралари – маданий савияси, эътиқоди, дунёқараши маънавий бойлигини, уларнинг ғоявий-эстетик тадрижи қандай кечганлиги ҳақида яхлит тасаввур уйғотиб, Чўлпон феноменини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, бу мақолалар ёзувчининг ижтимоий ҳаётдаги баъзи қирраларга муносабатини аниқлашда, ижодий биографиясининг айрим қоронғу нуқталарини тўлароқ ёритишда асқотади.

«Адабиёт яшаса, миллат яшар». 1913 йилда Чўлпон И.Ғаспиринскийга мактуб ёзган ва "Таржумон"да босилган. "Садои Туркистон" газетасининг 1914 йил 4 июнь сониди Чўлпоннинг дастлабки танкидий асарларидан бири - "Адабиёт надур?" деган мақоласи эълон қилинади. Уни ёзганида Чўлпон 16 ёшда эди. Мақола шаклан ихчам бўлса-да, мазмуни ғоят теран. 16 яшар ўсмирнинг адабиёт ҳақида шундай тийрақлик билан фикр юритиши чиндан –да, унинг юксак истеъдодидан далолат беради.

Чўлпон бу ёшда ёзган шеърлари ичида теранлиқда, чуқурлиқда ушбу мақола билан баҳслаша, ёки тенглаша оладиганини учратиш қийин (бири бадиий, иккинчиси публицистик моҳиятли бўлса-да). Шунга қўра, эҳтимол, шеърятдан ҳам қўра адабий танкидга қизиқиш ва у ҳақда астойдил ўй-фикрга берилиш Чўлпонда эртароқ кечган бўлса, ажаб эмас, деган тахмин ҳам бўлиши мумкин. Бурилиш паллаларида ҳар бир халқнинг буюк фарзандлари, буюк адиблар ана шу саволга жавоб излаган ва ҳатто, худди шу сарлавҳа билан мақолалар эълон қилган. Бунга қўплаб мисоллар келтириш мумкин. Зеро, Чўлпон ҳам ўзбек халқининг ана шундай буюк фарзандларидан бири эди.

Ўз даврида Чўлпоннинг бир қанча замондошлари ҳам "Адабиёт, санъат нима?" деган саволларга жавоб излади. Озар, қозоқ, татар

⁴² Шарафиддинов О. Чўлпон. М.Чўкай. Отажон Ҳошим. Т., 1993. - Б.16.

адабиётларида (ўз вақтида яхлит "Туркистон адабиёти" деб юритилган адабий жараёнида ҳам) бу масалалар атрофида тез-тез фикр юритилгани маълум.

Юкоридаги мақоласида Чўлпон, аввало, адабиётнинг ижтимоий моҳияти тўғрисида аниқ ва тиник фикр юритади. Унинг фикрича, адабиёт миллатни тараққий эттириш воситаси, унинг маънавиятини таъминлайдиган омилдир. Шу асосда у "Адабиёт яшаса-миллат яшайди" деган жуда катта ва катъий хулосага келди. Ёки уни ўзбек халқининг тарихи мобайнида адабиёт ҳақида айтилган энг муҳим ва аниқ дастурий фикр деб баҳолаш мумкин. "Ҳа, тўхтамасдан ҳаракат қилиб турғон вужудимизга, танимизга сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора қирлар билан қирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдур. Адабиёт яшаса-миллат яшар. Адабиёти ўлмағон ва адабиётнинг тараққиётига қолишмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолиб, секин-секин инкироз бўлур"⁴³.

Чўлпон Шарқ классиклари, араб, турк, ҳинд ёзувчиларининг асарлари билан пухта таниш эди, у мустақил ўқиб-ўрганиш оқибатида, ўзи яшаган даврдаги маърифатпарварлик ва эстетик қоялари таъсирида қоят юксак маданий савияга эришди.

Миллатнинг онгини раванқ топтириш учун, биринчи навбатда, уни мустамлака асоратидан ҳалос этиш лозимлигини, бунинг учун халқ ўзлигини таниган бўлиши кераклигини Чўлпон эрта ёшлигидан англаб ета борди. Бунинг учун адабиёт энг яхши таъсир кўрсатади деб ҳисоблади, шу сабабли ўзининг бадий асарлари, танқидий мақолаларида шу руҳ устуворлигига алоҳида эътибор берди.

Чўлпон адабиётнинг образли табиатини теран тушуниб етди, адабиёт инсон руҳиятига боглик ҳодиса деб қаради. "Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўлган, қаралган, ўчган, мажруҳ ярадор қўнғилга руҳ бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингиган қора балчиқларни тозалайдурғон, ўткир юрак қирларини ювадурғон, тоза маърифат суви, қиралашган ойналарни ёруғ ва равшан қиладурғон, қанг ва тупроқлар тўлган қўзларимизни артуб тозалайдурғон булоқ суви бўлганликдан бизга қоят керакдур"⁴⁴. Чўлпоннинг ўзига ҳос образли ифодалаган бу фикрлари наинки ўз даври, ёхуд бугунги қунимиз, балки келажак учун ҳам ҳеч қачон қимматини йўқотмайди.

"Садон Туркистон" газетаси (1915, 6 февраль)да чоп этилган "Мухтарам ёзувчиларимизга" деган мақоласида Чўлпон шундай ёзади: "Мухтарам қалам аҳллари миллий маишатни ёмон деб безмай, зоҳира бўлса ҳам тўйларда, гапхоналарда, бачабозлар мажлисида, базмларда ва шунга ўхшаш миллатнинг энг танқид қиладурғон ўринларида бирга аралашиб юрмақлари керакдурки, токи қомил ўша одатларни китоб

саҳифаларида қиройлироқ қилиб ёзгундай бўлсунлар. Миллий маишатдан безган билан безилиб, қўмилиб кетаберадилар. Онда аралашиб юрулса, ондаги сўзларни, одатларни ўрганмоққа бўладурки, китоб бетларига қўчуруб ёзмокка материалларнинг энг асллари халқ орасиндан олинур.

Овропанинг катта-катта муҳаррирлари ўшал ўзларининг яхши-ёмон одатларининг орасинда юрибдилар. Сўнгра қўлларига қалам олиб, яхшисини яхши, ёмонини ёмон кўрсатиб ёзубдилар".

Чўлпон ўзбек ёзувчиларига қаратилган мурожаатида, ҳаётни чуқур ўрганишга даъват этади. Халқ урф-одатлари, расм-русумлари қолоқлигини танқид қилиш билангина чекланмасликка ундайди. Халқ турмушининг турли қирраларини бадий ифодалашда танқиднинг зўрайиб ёки бирёқлама бўлиб кетишига қарши чиқади. Ёзувчи фикрича, халқдаги мавжуд улкан фазилатлар ва ҳаётдаги ибратли томонлар тўғри ва аниқ тасвир этилиши зарур.

Мақола халқчиллик руҳи билан сугорилган. Танқидчининг фикрича, ўзбек қалам аҳли ва зиёлилари халқ ҳаётини чуқур ўрганишлари керак; халқнинг жаҳолатдан қутулишига, яхши ҳаёт кечиринишига яқиндан ёрдам бериши зарур. Бу масъулиятли ишни ёзувчи ва зиёлиларнинг асосий бурчи деб билади: "Бизга қўп театру, рўмон китоблари ёзмок керакдурким, бу қарз бир ҳовуч зиёли ёшларимиз ила аҳли қалам усталарига тушадир".

Чўлпоннинг "чин адабиёт" учун қурашдаги фаол хизматларини кейинроқ чоп этилган мақолаларидаги "Чигатой гурунги" тўғрагининг фаол аъзоси бўлганлиги ва уни ҳимоя этиб ёзган фикрлари ҳам тасдиқлаб турибди. Мақолалардан бирида адабиётнинг "туғалланиши", яъни такомиллашини катта эътибор бериб, бунга "адабиётга қира олмаган нарсаларни шафқатсиз суръатда майдондан қайдаш" ва бадий асар тилини соддалаштириш орқали эришиллар деб ҳисоблайди. Чўлпон "Чигатой гурунги" вакиллари худди шу йўлда фаолият кўрсатганларини айтади: "...У жамиятга мансуб қишлар тилини соддалаштирмак мақсадини асос қилиб ушлаганлари ҳолда ўзбек адабиётининг тугалланишига ҳам катта аҳамият бердилар. Тугалланадурғон адабиёт чин адабиёт бўлмоғи керак. Шунинг учун улар адабий асарларга ҳақиқий қийматини бериб, адабиётга қира олмаган нарсаларни шафқатсиз суръатда майдондан қайдай бошладилар..." "Чигатой гурунги" асосини маҳкам қўғонлиги ва қинакам тўғри қизғонлиги учун ўзи йўқ кетса ҳам, ўзбекнинг янги адабиётида янги, порлоқ, шарафли саҳифалар очди ва очмоқда давом этадир"⁴⁵.

"Маориф ва ўқитувчи" журнали (1925, № 7-8)да чоп этилган "Улуғ ҳинди" мақоласи Чўлпоннинг адабий танқидчи сифатидаги чуқур билимини, мустақил мушоҳадаларини, халқаро миқёсдаги адабий тажрибалардан шу вақтдаги ўзбек адабиёти учун фикр ҳос ва муҳим эканини тушуниб етганини кўрсатади. Бу мақола, моҳият эътибори билан

⁴³ Чўлпон. Адабиёт надр? Адабий- танқидий мақолалар. Т., 1993.- Б. 21.

⁴⁴ Чўлпон. Адабиёт надр? - Б. 28.

⁴⁵ Чўлпон. Ўша асар. - Б. 45.

замонавий жаҳон адабиётидаги илғор тамойилларни англаш ва ўзбек адабиётига олиб кириш масаласида ўз вақтида ўша бутун Иттифок микёси, ҳатто, рус танкидчилигида ҳам деярли йўқ эди. Кейинроқ унинг Р.Тағорга бағишланган яна бир мақоласи эълон қилинди. Чўлпон Тағор ижодига муносабат асносида ўзбек адабиётининг ривожига қай йўлдан бориши кераклиги ҳақида қимматли мулоҳазаларини баён қилади. "Йўлсизлик"дан қутилиш чорасини излайди. Зотан уни мумтоз адабиёт йўналиши ҳам, мамлакатдаги давр адабиётининг йўналиши ҳам ҳам қониқтирмаётган эди.

Шу муносабат билан ундаги бир хислатни таъкидлаш ўринлидир. Чўлпон ижодининг ҳассос тарғиботчиси О.Шарафиддинов олдинги мақолаларида Чўлпонни шу мақоласи учун танкид қилган эди, кейинги ишларида эса, у шу хатосини мардона тан олиб, маъқур мақола моҳиятини тамоман бошқача талкин этади. "Менимча, бунинг бирдан-бир сабаби шундаки, Чўлпон Уйғониш даврининг одами бўлгани учун адабиётнинг ҳам янги бўлишини хоҳлаган. Янги адабиёт Уйғониш даврининг моҳиятига мос келадиган, халқ ҳаётига яқинроқ турадиган адабиёт бўлмоғи керак", эди деб ҳисоблайди.

Чўлпон Р.Тағордек буюк санъаткорлар тажрибасидан келиб чиқиб, янги ўзбек адабиётини яратиш масаласини енишга ҳаракат қилади. Умуман, 20-йилларда ёзилган бошқа қатор мақолаларида ҳам бу масалага қайта-қайта муносабат билдиради. Бунинг учун биринчи навбатда Шарк билан Ғарб санъатларини ўзаро уйғунлаштирмоқ ва мазмун билан шаклнинг мувозанатини урдаламоқ керак деб ҳисоблайди. Зеро, Р.Тағор ижодидаги бетакрор миллий ранглар, Шарк ва Ғарб аъналарининг синтези Чўлпон эътиборини тортган эди. Чўлпон шеърини ва романларида Шаркка хос шартлилик, кўтаринкилик, донишмандлик, Ғарбга хос психологик реализм, характерлар мантиғидаги очиклик ва ўқтамлик, уларни чуқур далиллаш бор эди. "Юксак бадияят билан таҳлил қилинган умумбашарий муаммолар Тағор асарларига алоҳида теранлик ва ўзига хос фалсафийлик бахш этдики, худди шу сифатлар уларни Чўлпон учун бағоят жозибадор қилади"⁴⁶, деб ёзган эди О.Шарафиддинов.

Чўлпоннинг 20-йиллардаги аксар муҳим мақолаларида, шунингдек, "Улуғ хинди" мақоласида кўтарилган асосий муаммо-янги ўзбек адабиётининг раънаки масаласи эди. Чўлпоннинг саъй ҳаракатлари батамом зое кетиши мумкин эмас эди. Унинг бу борадаги изланишлари, илғари сурган илмий-эстетик қарашлари унинг ўз маслақдошлари – Фитрат, Қодирий, Элбек, Боту, Ойбек, Миртемир каби ижодкорларнинг поэтик дунёқарашига, шубҳасиз, ўз таъсирини ўтказди, миллатпарвар адабиёт ихлосмандларининг шаклланишида муҳим роль ўйнади.

Чўлпоннинг "Иштирокиюн" газетасида (1920) босилган "Шўро ҳукумати ва саноеъ нафиса" мақоласи ҳам назарий теранлиги, камровнинг

кенглиги, салмоғи, даврнинг муҳим муаммосини кўтариб чиқиши жиҳатидан ажралиб туради. Бу мақола ҳақида турли қарашлар мавжуд. Жумладан, Озод Шарафиддинов 60-йиллардаги тадқиқотларидан бирида "Шўролар ҳукумати ва саноеъ нафиса" мақоласи Чўлпоннинг "советлар позициясига ўтган"ини билдиради деган фикрларни айтган эди. Кейинчалик бу фикрни бироз ўзгартириб, Чўлпон мақолани "газетанинг топшириғи билан муайян тазйик ва тадбирлар асосида ёзган бўлиши мумкин"лигини қайд этади ва ёзади: "Санъат шўролар замонида халқники бўлиб қолганини айтarkan, менинг назаримда, бу мақолада Чўлпон жиндай "қувлик" қилаётгандай туюлади. Мақоланинг кўпгина жойи киновий оҳангга эга, гўё муаллиф ўша пайтларда марказий матбуотда кўплаб босила бошлаган "совет руҳидаги" ташвикий мақолаларга пародия ёзгандек..."⁴⁷. Шу тарика мақоладан келтирилган парчаларни шарҳлай туриб, олим мақолани киновий оҳангга ёзилган пародия тарзида изохлайди. Сўнгра, "менинг бу фикрим баҳсли бўлиши мумкин", дея таъкидлашни ҳам унутмайди.

Тушуниш мумкин, О.Шарафиддиновнинг биринчи фикри шўро даврида ҳам Чўлпон миллатчи шоир деб батамом қораланиб турган пайтда, уни қандай қилиб бўлса ҳам "ўз" шоиримизга айлантириш мақсадида айтилган эди. Иккинчи фикр – шўровийлик, шўрони мадҳ этиш, энди ижобий эмас, аксинча, салбий аҳамият касб этган маънони билдирувчи бир замонда айтилмоқда. Аслида Чўлпоннинг юқоридаги мақолаларига диққат билан назар ташласангиз, унда киноя ҳам йўқ, шўро тузуми ҳақида айрим ижобий фикрлар айтилгани билан, уни улуглаш ҳам йўқ. Чўлпон ҳам барча қатори давр фарзанди эди. Шу маънода мақолада у давр фарзанди сифатида замон ва адабиётнинг ўзаро муносабатлари ҳақида мулоҳаза юритмоқда. Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас. Чўлпоннинг мақоладан асосий мақсади ҳам бу эмас эди. Унинг асосий мақсади, ўзбек адабиёти ана шундай мураккаб шароитларда қандай йўлдан бориши керак, қайси йўлни тутиши керак деган саволга жавоб изламоқдан иборат эди. Луначарскийнинг бевоқиф таъсирида ёзилган Чўлпоннинг юқоридаги мақоласида биз худди ана шу изланишларни кўрамыз. Шўро ва адабиётнинг ижтимоийлиги ҳақидаги айрим ижобий фикрлар Чўлпонни асло шўро мадлоҳига айлантириб қўймайди. Унинг 1920 йилдан кейин ёзилган, истиклол руҳи билан сугорилган асарлари бунинг далилидир. Мақола замирида, энг асосийси, шўро ҳукумати саноеъ нафисани бошқаргани билан ўзбек адабиёти ўзини, ўзлигини йўқотмаслиги керак, ўз қиёфасини сақлаб қолиши керак, деган руҳ ётибди. Мақола замиридаги ана шу руҳ билан қимматлидир.

Чўлпон мунаққид сифатида қалам тебратар экан, сира тор танкидбозлик ёхуд илмпазлик йўлидан бормадн, майда гуруҳлар

⁴⁶ Чўлпон. Адабиёт налур? - Б.67.

⁴⁷ Шарафиддинов О. Чўлпон. - Б.87.

манфаатини кўзламади, аксинча, ҳамиша адабиёт ва санъатнинг йирик масалалари ҳақида фикр юритди, мақсадларини миллат маданий тараққиёти учун курашга сафарбар этди.

Чўлпоннинг ҳамма мақолалари бир хил савияда ёзилмаган, албатта. Улар ичида бугун учун аҳамиятини йўқотганлари ҳам бор. Баъзилари ҳатто танкидга ҳам муҳтож. Лекин Чўлпоннинг аксар мақолалари учун ҳос бўлган ҳусусият шундан иборатки, уларда: 1) ўзбек халқининг адабиёти, маданияти, санъати жаҳондаги илғор халқларнинг даражасига кўтариш учун кураш ётади; 2) мақолалар моҳиятини миллатпарварлик ва бадий теранлик масалалари ташкил этади; 3) мақолаларда муаллифнинг шоир қалби тегиб туради.

Чўлпон катор мақолаларида ўзбек китобхонини жаҳон адабиёти билан таништиришни кўзлади. Ҳинд адиби Тагор, турк шоири Тавфик Фикрат ҳақидаги мақолалар бунга мисол бўла олади. Тавфик янги йўналишдаги турк шеърятининг асосчиси бўлиб, ажойиб романтик шеърларида маърифатпарварлик ғояларини, инсонпарварлик қарашларини илғори сурган эди. Чўлпон Шарк мамлакатларида шухрат қозонган ана шу Тавфик Фикрат лирикасининг ҳусусиятларини очиб беради. Мақоладан Чўлпоннинг турк адабиётини, турк шеърятини жуда чуқур билгани ва унга теран бир назар билан қарагани сезилиб туради.

Чўлпон - театр танкидчиси. Чўлпон сахна санъати ҳақида, сахналаштирилган ктор асарлар ҳақида мақолалар, тақризлар ёзиб, бу соҳада ҳам ўзининг чуқур билими, юксак диди ва теран маҳоратини намоён эта олди. Тўғри, ҳозирги малакали театршуносларимизнинг мақола ва тақриزلари билан қиёслаганда Чўлпоннинг бу йўналишда профессионал танкидчи бўлмагани сезилиб қолади. Шу нуктаи назардан келиб чиқиб, талабчан адабиётшунос О.Шарафиддинов: "Чўлпон, албатта, профессионал танкидчи бўлган эмас. Шунинг учун унинг 20-йилларда ва кейинроқ яратган ҳамма танкидий мақолаларини бевосита бу жанрнинг ноёб ва бекаму-қўст намуналари деб бўлмайди"⁴⁸, дейиши шундан бўлса керак.

Тўғри, Чўлпоннинг ҳамма мақола, тақриزلари юксак савияда ёзилган дейиш қийин, улар ичида жуда тез ва йўл-йўлакай ёзилганлари ҳам бор. Театрда адабий маслаҳатчи бўлиб ишлагани боис асарлар муҳокамасида оғзаки айтган фикрлари, матбуотда мақола тарзида, мулоҳаза тарзида босилиб кетганлари ҳам йўқ эмас. Лекин, бундан катъий назар, наинки айрим жиддий мақола ва тақриз, балки ҳатто баъзан бир қарашда эътиборсиздек, умумий фикрлардангина иборат бўлиб кўринган мақола ва тақриزلарда уқровчи айрим теран ва чуқур мулоҳазаларнинг ўзиёқ Чўлпонга 20-30-йилларда эндигина шаклланаётган реалистик адабий танкидчиликнинг ўзига ҳос ижод тури-алоҳида фан сифатида оёққа

туришида муҳим ўрин тутган мунаққид сифатида қарашга тўла асос беради. Чўлпон танкидчиликнинг тақриз, мақола ва портрет сингари жанрларининг юзага келиши, қарор топишида алоҳида хизмат кўрсатди, Даврнинг профессионал танкидчиларидан қолишмайдиган даражадаги мақола, тақриزلар ёзди.

Чўлпон адабий танкидда жанрий ранг-барангликка интилди, қарашларини турли шаклларда намоён этди. Бу жиҳатдан, унинг тақриз жанридаги жажжи-жажжи чиқишлари эътиборни тортади. Аксарият тақриزلарини у ўзбек театрида сахналаштирилган драматик асарларга бағишлади.

Чўлпон 20-йилларнинг бошларида Фитратнинг "Чин севиш" ва "Або Муслим" драмаларига тақриз ёзди. Буларда икки муаммо: 1) драматик асарнинг бадий-эстетик қимматини очиш; 2) драматик асарнинг сахна асарига айланиш жараёни туфайли ғоявий-эстетик таъсирнинг моҳиятини очиш кўзга яққол ташланади. Чунончи, танкидчи Фитратнинг "Чин севиш" драмаси ҳақида ёзар экан, муаллиф ижодини баҳолашда фахру фазл усулидан фойдаланиб, қуйидаги фикрларни билдирди: "Яқинда ўзбек сахнаси улуг ва улуглиги қадар юксак ва гўзал бир томоша кўрди. Танкид ва тақриз қилишни мен бажара олмайман. Бироқ бу тўғрида ёзмоклик менга тушганлигидан кўп чуқур бўлмаган қарашни ёзиб кетаман"⁴⁹.

У драматург шаънига муболағали мадҳия битмайди, лекин асар томошабинлар дидини ўстириши, бу театрнинг катта ютуғи эканини таъкидлайди: "томошачи халқимиз буюк армонли зариф адабий асарларга ҳам тушуниб келадир. Бу ўзбек сахнасининг зўр бингиши, шундай гурурланув керак". Чўлпон драмадаги образларни таҳлил қилар экан, уларнинг сахнада ижроси масаласига алоҳида эътибор қилади. Нуриддин ролини Уйғур яхши ўйнаганини таъкидлайди, лекин сўнгги парда руҳсиз чиққанидан ачинади. "Ўзбек сахнаси ёшдир. Унинг учун мундай зўр нарсалар балки оғир бўлар эди", - деб ёзади. Ўзбек сахнасида ҳали яхши асарлар қўйилишига ишонади. Фитратнинг "Ҳинд ихтилолчилари" ёзиб тугатилганидан хабардорлигини маълум қиларкан, уни сахнада кўришни орзу этади. "Сахнамиз, жонлана, юксала..." деб хаяжонини, ишончини яқунлайди.

Мунаққид Фитратнинг "Або Муслим"и ҳақида янада дадилроқ фикр юритади. "Томошабинга аралашувчи қаҳрамонларнинг кўпчилиги, ҳам тарихнинг энг чувалган давридан олиниб ёзилгани учун томошанинг сўнгигига унинг натижасини тўла кўрсататурган бир кўринуш ортдирилган. Бу кўринуш хийла муваффақиятлик тузилган", деб ёзади. Айни вақтда асарда Фитратга ҳос "сўз усталлиги хийла қучлик"лиги, бу жиҳатдан томоша "катта бир адабий аҳамиятга молик" эканини таъкидлайди.

⁴⁸ Шарафиддинов О. Чўлпон. - Б.74.

⁴⁹ Чўлпон. Адабиёт намуна. - Б. 98.

Чўлпон Ғ.Зафарийнинг "Ҳалима" мусикали драмасини кенг таҳлил қилади. 1922 йилда "Намозбозлар ҳаёти", "Хиёнаткорлар жазоси", "Эрхотин", "Аршин мол олон" ҳақида бир йўла тўртта мақола ёзади. Шунингдек, ўзбек саҳнасида қўйилган "Гуноҳ", "Узун қулоқ бобо", "Коваи охангарон" каби асарларни ҳам диққатдан кочирмади – улар ҳақида тақризлар ёзиб, ютуқ ва камчиликларини атрофлича баҳолади. Булар бари Чўлпоннинг 20-йилларда адабий ва театр танқидчилигининг фаол жонкуяларидан бири бўлгани, замондош драматурглар ижодига ҳурмат ҳамда адолат билан ёндашганини кўрсатади.

Ҳақиқий танқидчи ҳеч қачон ўз эътиқодидан, қарашларидан қайтмаслиги, манфаатбозликка, ноҳолисликка берилмаслиги, ҳамиша ҳаққоний, ҳалол фикр юритиши керак. Чўлпоннинг 20-3-йилларда ёзилган аксар мақолаларида шу хусусиятлар хос эканини кўраемиз.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, шоир ва адиб Чўлпон ўзбек танқидчилигида адабий жараёнинг сергак кузатувчиси, теран ва ҳаққоний фикрлайдиган, ўткир муаммоларни кўтариб чиқадиған мунаққидлардан бири сифатида ўз ўрнига эга. Унинг бу йўналишдаги мероси ҳам асрлар оша миллат раванакига хизмат қилаверади. Муҳими Чўлпон Мустақиллик туфайли Ватанига, халқига қайтарилди, бундан буён доимо халқи, Ватани билан биргадир. "Биз маънавий кадрларни тиклашни ўзликини англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз,"⁵⁰ деган Президентимиз И.А.Каримов фикри Чўлпоннинг ижодий тақдирига ҳам дахлдордир.

Таянч тушунчалар: "Садон Туркистон", Туркистон адабиёти, Чигатой гурунги, тақриз, адабий-танқидий мақола, мақола-портрет, Тавфик Фикрат, Р.Ғафур, Або Муслим, Фитрат, адабиёт яшаса – миллат яшайди, Шарқ ва Ғарб адабиёти, янги адабиёт, театр танқидчиси.

Мавзунинг мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. Чўлпоннинг мунаққидлик фаолиятининг ўрганилиши тарихи ҳақида сўзланг.
2. "Адабиёт надур" мақоласи нимадан баҳс этади?
3. Чўлпон адабий танқиднинг қайси жанрларида иш қўрди?
4. Чўлпон театр танқидчиси сифатида қандай тақриз ва мақолалар ёзган? Уларда қандай масалалар кўтарилган?
5. Чўлпоннинг Абдурауф Фитрат ижодига муносабатини изоҳланг.
6. Чўлпон мақолаларининг аҳамияти нимада кўринади?

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Алиев А. Истиклол ва адабий мерос. Тошкент. 1999.
2. Жалолов А. XIX аср охири XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти. Тошкент. "Фан" 1991.
3. Йўлдошев Н. Чўлпон ҳаёти ва ижодий библиографияси. Т., 1992. – 31 б.
4. Каримов Н. Истиклолни уйғотган шоир Т.: Чўлпон. 2000.
5. Каримов Н. Чўлпон. Эссе-роман. Т., 2006.
6. Миллий уйғониш. Тўплам. Т., 1993.
7. Шарафиддинов О. Чўлпон. Т.: Чўлпон. 1991.
8. Шарафиддинов О. М. Чўкай. Чўлпон. О.Ҳошим. "Истиклол фидойилари" сериясида. Т., 1993 й.
9. Чўлпон. Адабиёт надур? Адабий-танқидий мақолалар. Т.: 1993.
10. Чўлпоннинг бадий олами. Т., 1994.
11. Чўлпон. Баҳорни соғиндим (Наширга тайёрловчи Ҳаққулов И.) Т., 1988.
12. Қуронов Д. Чўлпон (ҳаёти ва ижодий мероси). –Т.: Ўқитувчи, 1997. – 80 б.
13. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Т.: Шарқ, 2004. –287 б.

ВАДУД МАҲМУД (1898-1976)

РЕЖА:

1. Вадуд Маҳмуд илмий меросининг ўрганилиши.
2. Вадуд Маҳмуд ўзбек адабий танқидчилигининг ёрқин намоядаси.
3. Ажзий ижоди хусусида.
4. Замондошлари Чўлпон ва Фитрат ижодига муносабати.

Вадуд Маҳмуд илмий меросининг ўрганилиши. Вадуд Маҳмуд 20-йиллар адабий жараёнида ўзига хос ўрин эгаллаган мунаққид, ўзбек адабий танқидининг шаклланишида катта ҳисса қўшган ёрқин истеъодлардан биридир. Ижоди ҳаётлигида алоҳида ўрганилмаган бўлса-да, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, А. Саъдий каби улкан ижод соҳиблари унинг ижодига, шахсига алоҳида ҳурмат билан қараганликлари маълум.

Вадуд Маҳмуд пантуркист, идеалист тамгалари остида адабий жараёндан четлаштирилгач, то мустақилликкача у ҳақда адабиётларда салбий муносабат билдириб келинди. Шунга қарамай, шўро давридаёқ "Барҳаёт анъаналар" китоби ва қатор мақолаларда бу мунаққид ҳақида ижобий мулоҳазалар юритилди.

Истиклолдан сўнг унинг ҳаёти ва ижоди ўрганила бошланди, мақолалари чоп этилди. Бу ишда, айниқса, адабиётшунос Баҳодир Каримнинг ҳиссаси катта. У Вадуд Маҳмуд илмий мероси ҳақида қатор

⁵⁰ Каримов Н. Маънавий кадрлар ва миллий ўзликини англашнинг тикланиши. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Т., 1997. - Б. 234.

мақолалар эълон қилди, номзодлик диссертациясини (1995) ёзди. "Жадид мунаққиди Вадуд Махмуд" (2000) рисоласини яратди.

Профессор Наим Каримов ҳам "Истиклолни уйғотган шоир" рисоласида Вадуд Махмуд ва Чўлпон муносабатларига тўхталиб, мунаққид ижоди ҳақида ҳолисона маълумотларни келтирди.

Танқидчи услуби, маҳорати муаммоларини тадқиқ этишда Вадуд Махмуд ижоди янги-янги имкониятларни очиб беради. Шу нуқтаи назардан унинг асарлари чоп этилиши ва янада чуқур, атрофлича ўрганилишга муносибдир.

Вадуд Махмуд-Ўзбек адабий танқидчилигининг ёрқин намоянаси. Ўзбек танқидчилиги шаклланиши ва ривожда Вадуд Махмуд ўзига хос ўринга эга. У адабий жараёнга Самарқанд адабий мухити намоянаси сифатида 20-йилларда кириб келди. У Махмудхўжа Бехбудий, Абдулқодир Шакурӣ, Сиддиқий-Ажзий, Васлий, Ҳожи Муин, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний сингари шоир ва муаллимлар мухитида тарбия топди. Вактли матбуотдаги мақолаларида Вадуд Махмудий, Вадуд Махмуд ўғли, В.М. Вов., В. имзоларини қўлади.

Вадуд Махмуд 1898 йили Самарқандда зиёли рухоний оиласида туғилди, жадид мактабида ўқиди, Бедил, Навоӣ, Ғузулий ғазалларини ёд олди, илмга, адабиётга жуда эрта ихлос қўйди. Билимдон, теран фикрли инсон бўлиб етишди, форс, турк ва рус тилларини чуқур ўрганди.

Вадуд Махмуд ижодий-амалий фаолияти ранг-барангдир. У 20-йилларда маориф соҳасида ишлади, мактаб, бола тарбияси ҳақида ўнлаб мақолалар ёзди. Гарчанд мавзу ва жанр жиҳатидан хилма-хил асарлар ёзган бўлса-да, 20-йиллар адабий жараёнида у адабиётшунос-мунаққид сифатида танилди. "Вадуд Махмуд адабий-танқидий мақолалар ёзар экан, аввало, бадий асарнинг нафислигига, нозик ясалишлари, бадийиети ва шаклий тузилишига, услуби ва тилига эътиборни қаратади. Шеърдаги мусиқий оҳанг, чуқур дард ва санъаткорона мукамалликни қадрлайди"⁵¹, деб ёзди унинг илмий мероси тадқиқотчиси Б.Карим.

Вадуд Махмуд "Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз" мақоласида (1925) Чўлпон, Фитрат, А.Қодирийларга, ўзбек наصري, назмига асосли ва ҳолис баҳо берди. Аммо унинг миллатпарварлик руҳи билан сугорилган фикр-мулоҳазалари ҳам, ўзи ҳам қувғин остига олинди. 1927 йил Ўзбекистон маданиятчиларининг иккинчи курултойи залидан "Чўлпон маддоҳи" айби билан қувилди. Шундан кейин Боту ва С.Хусайнлар матбуотда уни қораловчи мақолалар билан чиқдилар. Ҳатто Р.Мажидий нафис эстетик дил ва илмий қобилиятга эга Вадуд Махмудни "идеалист танқидчи" дея аташгача борди. Зеро, "пролетариат даври" тафаккур ва дунёкарашини ўзида шакллантирган қарашлар Вадуд Махмуднинг адабий-эстетик диди ва билимини ҳазм қила олмас эди.

Вадуд Махмуд "Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз" обзор мақоласида давр адабий жараёнига мумтоз адабиёт хусусиятлари ҳамда тасаввуф фалсафаси билан узвий алоқадорликда назар ташлайди. Янги адабиётнинг пайдо бўлиш жараёни, шакл ва мазмун, ижодкор ва жамият, шеър техникаси, умуман, гўзал санъат тўғрисидаги қарашларини баён қилади. "Вадуд Махмуд 20-йиллардаёқ замонавий адабиётдан юксак бадийликни, шакл ва мазмундаги мукамалликни талаб қилгани ҳолда қўхна адабиётимиз таҳлилини ҳам энг тўғри илмий йўналишга бошлаган кишилардан биридир"⁵².

1935 йилги адабий танқид тўғрисида маъруза қилган Р.Мажидий Вадуд Махмудни шу мақоласига асосланиб, буржуазия ёзувчисининг танқидчиси деб баҳолагани бир жиҳатдан, давр адабий сиёсати миллатпарварлик руҳидаги танқиднинг кўзини очирмасликка ҳаракат қилганини билдирса, иккинчи бир жиҳатдан, давр адабий танқидга ҳам худди бадий адабиёт каби мафкурвийликни бош мезон қилиб қўйганини кўрсатади. Қолбуки, "Танқидда яхшигина кучга эга бўлган Вадуд ўртоқ" (Н.Ҳаким) нинг асл "вадудона" қиёфаси, олимлик салоҳияти, 20-йиллар адабий танқидчилари орасидаги ўзига хос индивидуал услубининг энг муҳим хусусиятлари шу мақоласида тажассумини топган эди.

Вадуд Махмуд ислом ва тасаввуф фалсафасига, бадий асардаги тил ва услубга, шунингдек, адабиётнинг гўзаллиги ва моҳиятига, нафосатни юзага келтирувчи, инсон қалбини завқлантирувчи унсурларга алоҳида эътибор билан қаради. Маълум даражада, ҳатто жаҳон адабиёти тажрибаларига таянди, улардаги бадий юксакликка ҳавас қилди. Ўз мақолаларида Р.Тагор, М.Ганди, Эдгар По сингари машҳур файласуф ва адибларнинг қарашларидан хабардор эканини кўрсатди. Ўз мулоҳазаларини асослашда, америкалик машҳур адиб ва шоир Э.По ижодий тажрибаларига мурожаат этди. Вадуд Махмуд унинг "Ижод сирлари" деб аталган ижодий тажрибалари асосида ёзилган мақоласига тўхталиб, Э.Понинг бадий асар яратиш учун тасвирлаш услублари устида изланиш зарурлиги ҳақидаги фикрларини чуқур таҳлил қилади. Бадий асар ўқувчи қўнғлига хуш ёкишигина эмас, унинг руҳини юксалтириши лозим. "Шеърда таъсир асосан гўзаллик воситаси билан бериладир, гўзаллик ва гўзал нарсаларни ҳис этганда инсон руҳи юксаладир". Америкалик адибнинг фикри мунаққид дидига мос келади. Вадуд Махмуд 20-йиллар ўзбек шеърлигидаги мазмун ва шакл мутаносиблигига, вазн ва оҳанг уйғунлигига, мисралар тузилишидаги табиийлик ва равонликка, умуман, шеър техникасига алоҳида эътибор бериш зарурлигини уқтиради.

"Айта оламизким, шоирларимиз ва шоир бўлғувчиларимизнинг энг қатта аҳамиятсиз қарогон ва диққат қилмагон нуқталари шундадир.

⁵¹ Баҳодир Карим. Жадид мунаққиди Вадуд Махмуд. Т.: 2000. - Б.11.

⁵² Баҳодир Карим. Ўша манба. - Б.23.

Уларнинг мазмунлари билан олгон шакллари, қабул қилгон вазн ва оҳанглари, сўз тузилишларининг алоқаси йўқ ҳукмидадир. Бу робиталарга эски шеърга уста Фитрат ва янги шеъримизнинг биринчи намоёндаси Чўлпоннинг оз-моз риоя қилгонини кўрамиз", деб ёзди Вадуд Маҳмуд. Эътибор беринг, ҳатто Фитрат ва Чўлпондек шеър поэтикаси усталарига, шу кунги жараённинг энг пешқадамлари ижодига бу даражадаги муносабати унинг ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам нақадар талабчан бўлганига яққол далилдир. Сўнг ўзбек шеъриятидаги гўзал нукталарни ёш шоирга ибрат қилиб кўрсатиш, фикрларини далиллаш мақсадида Э.По асарларини "Шарк турк адабиётининг иккинчи олтин даври бошлиғи бўлгон Умархон" шеърлари билан таққослайди.

Бу мақоладаги қарашлар илгари сурилган фикрлар Вадуд Маҳмуд мақолаларининг ўзига ҳослигини, унинг илмий-эстетик тафаккур тарзидаги ҳосликлар юзасидангина эмас, умуман, 20-йиллар адабий танқидчилигининг аниқ кўриниб турувчи тамойили даражасида бўлмасида, ҳарқалай ўз даври учун жиддий хусусиятларга молик жихатлари юзасидан ҳулосалар чиқаришга имкон беради.

В. Маҳмуднинг 20-йиллар адабий жараёнидаги кизгин фаолиятини, илмий салоҳиятини, кенг қўламли дунёқараши, асарни нозик тушунган ҳолда таҳлил этишини, қайноқ қалбдан сизиб чикувчи фикрлар моҳиятини ҳаётга боғлай олиш қобилиятини бошқа асарларида ҳам кўриш мумкин.

Ажзий ижоди ҳусусида. 20-йиллар адабий танқидчилигининг ҳос хусусиятларидан бири шуки, унда маълум бир ижодкор шахси, яшаган даври ва асарларини уйғун ўрганувчи адабий портрет характеридаги мақолалар кўплаб яратилди. Адабиёт тарихи масалаларини ҳам ҳозирги адабий жараён муаммолари билан боғланишда ўрганишга ҳаракат қилинган Вадуд Маҳмуднинг Алишер Навоий, Ғолибий Бағдодий, Ажзий каби шоирларга бағишланган мақолалари шулар жумласига қиради. Бу типдаги мақолалар ўзининг тузилиши билан ҳам Вадуд Маҳмуднинг истеъдодли танқидчи эканлигидан гувоҳлик беради.

Ҳар бир мақола кўпинча, муқаддима ва хотимадан ташқари кичик сарлавҳалар остида бўлимларга ажратилади, уларда аниқ бир масала қўйилиб, таҳлилга киришилади. Бу жихатдан, айниқса, "Турк шоири Ажзий" (1924) мақоласи 20-йиллар адабий танқидининг ёркин намунаси бўла олади. Мақола "Бошланғич", "Ажзийнинг ишқи" ва "Ажзийнинг ижтимоий фикрлари" сарлавҳали кичик қисмларга бўлинган. Мақола бошидаёқ мақсад аниқ белгилаб олинади. Ушбу сўзлар олим камтарлигидан мўжза бериб туради: "Бу ёзгонларим бир танқид эмасдур, чунки ҳали танқид ишларига киришишим учун керак қадар қуч манда йўқдур. Мақсадим ҳеч бўлмаса буюқ кишиларимиз билан элимизни таништирмоқдур". Шу мулоҳазалардан кейин у адабий давр ҳақида фикр юритади: "Чингачи адабиёти даври адабиёт даврининг отасидур. Луғтийлар, Навоийлар, Султон Ҳусайнлар, Бобурлар... адабий

даврларнинг бизга маълум бўлгон гулларидаурлар". Бу фикрлар унинг мумтоз меросимизга чуқур ҳурматини кўрсатиб турибди ва адабий меросга салкам инкор муносабат ҳукм суриб турган бир вақтда, унинг ҳолис, миллатпарвар қиёфасидан ташқари, журъатли, жасоратли шахси ҳақида ҳам тасаввур берди.

Олим мақолада Ажзийнинг таржимаи ҳоли ҳақида чуқур маълумот беради, асарларини таҳлил этади. "Ажзий ижодининг адабий негизини илмий-эстетик ва ижтимоий жихатдан анча чуқур ҳамда батафсил ёритиб беради" (Б.Карим).

Вадуд Маҳмуд шоирнинг юрак қони билан ёзилган шеърдаги ишқни, дардни унинг миллатга, замонга муносабати нуктаи назаридан текширади. Мунаққиднинг услуби, фикрлаш тарзи, тили эътиборга лойиқ: "Ажзий шевада Ғолибий йўлини тутган шоирлардандур. Бу шоиримиз ҳам ошиқдур. Фақат бунинг ишқи на у тасаввуф ишқидур, на реалист шоирларнинг зоҳирий ишқидур. Шоиримиз ошиқдур, маъшук эса халқдур, миллатдур. Миллати ва халқига муҳаббати унинг ишқидур. У ишқ бизга шуни билдирадур..."⁵³.

Мақоладаги эхтирос, шоирона қайфият, образлилик ўқувчини ўзига тортади. Вадуд Маҳмуд фикрини асослаш учун Ажзий шеърларидан ёркин мисраларни танлаб, чуқур таҳлил этади: "Ажзий миллатининг ишқи, дарди билан сўғорилган бир шоирдур. Унинг бу ҳаяжонлари ясама эмасдур, чиндур, табиийдур. Ул кўз ёши тўкса, миллати учун тўқадур. Шоир ишқини мана шу байтда том маъноси ила майдонга қўядур.

Бул ҳаваслар хубравлар қоқулин мафтунидур,

Фитнан давраи сайд ўлмақ бани мафтун хос.

Вадуд Маҳмуд шоир шеърдаги образларга, ўхшатиш ва анъанавий рамзларга ҳам диққатини қаратади, шоир ишлатган рамзлар халқ, миллат сийрат ва сувратини гавдалантириш учун қўлланади. У Ажзийни Бехбудий ишларининг давомчиси, жаҳидчилик даврининг "фаол бир суратда қолишқанлардандур" деб билади. Мақола Вадуд Маҳмуднинг назари ўткир, дили нозик, кенг дунёқарашга эга, тили ўткир мунаққид эканлигини кўрсатади.

Вадуд Маҳмуд 20-йилларнинг бир қатор истеъдодли ижодкорларига юксак баҳо берди. У айни вақтда ўтмишдаги буюқ санъаткорларга ҳурмат билан қаради. Қолаверса, "Навоийгача турк адабиёти", "Алишер Навоий", "Ғолибий Бағдодий", "Навоий учун", "Турк адабиёти тарихи", "Илмий адабий вазифалар қаршисида" сингари мақолаларида адабиёт тарихининг долзарб масалаларини кўтариб чиқди.

У "Илмий-адабий вазифалар қаршисида" номли мақоласида: "Алишер Навоий турк адабиётининг отасидур..... Навоий буюқ адиб, буюқ шоир, буюқ дохийдур" дея уни ўрганишга даъват этди. Унинг 500 йиллик

юбилей муносабати билан "Маориф ва ўқитгувчи" журналида (1925) чоп этган адабий портрет характеридаги мақоласи XX асрда ўзбек олимлари томонидан эълон қилинган дастлабки ишлардан бири эди. Навоий ижоди ҳақидаги мақолада, айниқса, у буюк мутафаккирнинг тасаввуфга муносабатини тўғри изоҳлаши жихатидан ҳозирги адабиётшунослик учун ҳам ўрнатқуч бўла олади.

Фузулий ҳақида ёзган мақоласида ҳам масалага шу нуқтаи назардан ёндашуви сезилади ва ривожлантирилади. Бу мақола 20-йилларда ўзбек ўқувчиларини Фузулий ҳаёти ва ижоди билан таништирувчи дастлабки манбалардан бири сифатида қимматлидир.

Замондошлари Чўлпон ва Фитрат ижодига муносабати. Вадуд Маҳмуд замондошларининг ижодига ҳолис, ҳаққоний баҳо берган, мустакил адабий, илмий фикр-мулоҳазалари, дунёқараши билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонган мунаққид эди. Бунини Чўлпон ижодига муносабатида яққол кўриш мумкин. 20-йилларда танқидчилик Чўлпон ижодига иккиёқлама муносабатда бўлди.

Зариф Башир, Айн (Олим Шарафиддинов), Усмонхон Эшонхўжаев қабилар Чўлпон ижодига муносабатда, асосан, мафқуранини бош мезон қилиб олдилар, шу равишда унинг ижодини, дунёқарашини қоралаб чиқдилар. Шу тариқа Чўлпон ижодини мафқурага боғловчи бир оқим пайдо бўлди ва бундай салбий муносабат деярли шўро тузуми емирилгунча давом этди. Аммо бу оқимга қарши ўша даврнинг ўзидаёқ Чўлпон ижодини ҳолис баҳоловчи мунаққидлар гуруҳи ҳам фаолият кўрсатди. Унинг бошида Вадуд Маҳмуд турди ва Чўлпон шеърятини тўғри талқин этган мунаққидлардан бири, эҳтимол, биринчиси сифатида тарихда қолди. "Туркистон" газетасининг 1923 йил 10 декабр сониди унинг "Булоқлар" тўпламига ёзган тақризи босилиб чиқади. "Бу кун ўзбек адабиётига яна янги тўн қийғизилди, Чўлпоннинг "Булоқлар" отлиги янги шеърлар тўплами босилиб чиқди. Чўлпон ўзбекнинг янги шоиридир, шунинг учун ўзбек элини бугунги руҳи, холи, сезгиси "Булоқлар"да қайнайди, ўзбек тили, ўзбек оҳанги "Булоқлар"да сайрайди.

"Булоқлар"да сайрайди, ўқийди, ўзбек руҳи тўлкинлари бунда кўпирадир, кўклар томон учадир, кўтариладир. "Булоқлар"да ўзбек сезгиси янграйдир, сизлайдир, титрайди, шунинг учун бу тўн шундай бир тўндирки, ўзбек руҳидан, жонидан битгандир. Унинг баданини асрамоқ, кўримоқ учун ўз бағрига босқондир"⁵⁴.

Вадуд Маҳмуд Чўлпоннинг "Тонг сирлари" тўпламига бағишлаб ҳам қаттагина мақола ёзди. Унда шоир ижодиётининг қамолотини "Кўнғил", "Бас энди", "Ер асирлари" шеърлари мисолида ёритишга интилдир. Юнус Ҳожи Мақсудий ўзининг "Вадуд Маҳмуд ва Чўлпон" мақоласида (ЎзАС, 1993.10 сентябрь) қизиқ бир далилни келтиради. У Вадуд Маҳмуд билан

Чўлпон, А.Қодирий, А.Авлоний каби ижодкорлар ўртасида интиқлик, дўстлик туйғулари қучли бўлганини эслайди. Шу муносабат билан у Вадуд Маҳмуднинг "Тонг сирлари" тўпламига сўзбоши ёзганини, бироқ у китоб билан бирга чиқмаганини қайд этади. Мақолада Вадуд Маҳмуд Чўлпоннинг фазлу қамоли улуглигини, забардаст шоирлигини таъкидлаб, "у муҳаббат ва садокат осмонини нурга тўлдирган ёруғ юлдуз", деб таърифлаган. Сўнг "Кўнғил", "Қишан", "Сомон парчаси" шеърларини таҳлил қилатуриб, кўзларига ёш олган экан. Хххх

Вадуд Маҳмуд Чўлпон ижодидаги Истиқлол руҳини, поэтикасидаги бетакрор, ноёб фазилатларни, шеърларидаги фалсафий йўналишларни, қофия, вазн, оҳанг бирлигини нозик дид билан мақолада кўрсатади, шоирнинг ноёб ижоди, жўшқин хайрат-шижоатига ҳамнафас равишда мунаққиднинг ҳам олов қалби ёниб тургандек, кўз ўнгимизда намойён бўлади.

Вадуд Маҳмуд Абдурауф Фитрат ҳақида наинки, 20-йиллар адабий жараёни ёки адиб ижоди, балки умуман, ўзбек адабиёти тарихи учун ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлгувчи қатор мақолалар ёзди. Энг аввало, Фитрат ижоди ҳусусида ҳолис илмий фикрлар билдирди. Моҳиятан Вадуд Маҳмуд фаолияти Чўлпон ва Фитрат асарларига тақриз ёзишдан бошланган десак янглишмаймиз. Мунаққиднинг нишона мақоласи "Чин севиш" саҳнага қўйилиши муносабати билан ёзилган дейиш мумкин. Унда ўзбек театрининг ахволи тўғрисида жонқуярлик билан фикр билдирилади: "Ўзбек саҳнасида шу кунгача ўйнаб келинган пиесаларнинг қучлиси, энг буюғи ўткир ёзувчимиз Фитратнинг ҳинд турмушидан деб ёзилган "Чин севиш" пиесаси эканлигини ҳамма иқрор этса керак".

В.Маҳмуднинг адабий танқид, ҳусусан, тақриз табиатига оид қарашлари ҳам эътиборлидир. "Интиқод-(танқид)-тақриз қамчиликларни тўлдирмоқ, тузуқларини билмоқ-танимоқ учун бир қуролдир", деб ёзди у В.Маҳмуд даврининг аксар замонасоз танқидчилари, адабиётшунослари қабил текширувга мезон қилиб синфийлик ёки коммунистик гоёвийлик принципини асосий мезон қилиб олмайди. У асарга ҳолис олим ва санъаткор кўзи билан қарайди, санъатнинг ички қонуниятларини асос қилиб олади. Драмадаги бадий ҳақиқат, воқеа ва бадий образлар ҳаётгиллиги, тил ва характер масалаларини текширади, пиесанинг ютуғи сифатида "зарбулмасал ўрнига ишлатиш мумкин бўлгон" қўйидаги сермазмун ҳикматларни келтиради: "Юрак-юрак экан, севмак-севилмак истар", "Бир ёвни юртдан хайдамоқ, бир юртни ёв қўлида қўрмақдан қийин эмасдур" ва ҳоказо. Драманинг нафис ва гўзал ўринларини диққат марказида тутган Вадуд Маҳмуд "Фитрат асарларининг бир ортиқлиги унинг энг юксак ва энг мукаммал ташбих муболага ва истиораларга эга бўлишидир", деган хулосага келади. Шунингдек, у пиесадаги айрим персонажлар нутқида сунъий донишмандлик ва инглиз зобитлари

⁵⁴ Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар. Т.: Маънавият. 2007. - Б.78 -79.

табиатига мувофиқ келмайдиган енгилтаклик борлигини ҳам алоҳида таъкидлашни унутмайди.

Асар тилига диққатини қаратиб, унинг оғир ўқилишини танқид қилади, бунни ёзувчининг камчилиги ҳисоблайди. Мақола охирида шундай ёзади: "Хулоса: "Ҳинд ихтилолчилари" бизнинг адабиётимизда биринчи ўринни тутадурғон асарлардандур. Мукамал тасвирларга, истиораларга, муболағаларга бой асардир. Фитрат адабиётимизда ишқ ҳаяжонларини яхши тасвир этадурғон бир муҳаррирдур. Унинг ҳар асарида шу ишқ ўрунлари юксак маънога бойдир"⁵⁵.

А.Саъдийнинг "Ўзбек ёш шоирлари" (1924) мақоласида Фитрат ижодининг ноўрин танқид қилинишига жавобан Вадуд Маҳмуднинг "Адабий танқидга бир назар" мақоласи юзага келди. У Фитратни ўткир далиллар, асосли нуктаи назари билан ҳимоя қилади.

А.Саъдий Фитрат ижодини жиддий текширмай, ҳатто қайси асари қачон ёзилганини аниқламай, "Фитрат ижоди 1917 йил февраль инқилоби билан бошлангандир" деб фактик ҳатога йўл қўяди. Ҳар ҳолда Фитратни шоир ва адиб ўларок Туркистон 1910 чи йилдан танийларким, ўшал вақтларда унинг ёзган шеърлари ҳатто ёзма ҳолда қўлдан-қўлга юрак эди, деб эътироз билдиради Вадуд Маҳмуд А. Саъдийга.

А.Саъдий мақоласининг умумий руҳида танқид қилишга мойиллик кучли. У Фитратни деярлик шоир ҳисобламайди, файласуф сифатида билишни истаб, баъзи заиф далиллар келтиради. Вадуд Маҳмуд Фитрат ижодини ана шундай ноўрин танқидлардан ҳимоя қилади: "Биринчидан, бу бир адабий танқид эмасдур. Чунки бунда "адабий" маъно отидан ҳеч бир нарса йўқдир. Тилни, ҳаётни, руҳни ва асосан шеърни тушунмай юритилган фикрни адабий деб айтмоқ муносиб эмасдур. Шу эътибори билан бу илмий нарса ҳам эмасдур", деб ёзади "Адабий танқидга бир назар" мақоласида (1924).

Албатта, ҳозирги адабиётшунослик нуктаи назаридан қараганда ҳар иккала мақолада баҳс-мунозаралар ўринлар йўқ эмас. "20-йилларда А.Исмоилзода ва А.Саъдий миллият юзасидан, Жулқунбой ва Назир Тўрақулов матбуот хусусида, Жулқунбой ва Ғози Юнус "Муштум" журнали ҳамда сатира ва юмор ҳақида, Абдурауф Фитрат ва Неймат Ҳаким, Элбек ва Зеҳний ўзбек тилининг назарий асослари устида баҳс-мунозара юритган эдилар. Бу давр матбуоти саҳифаларида бунга ўхшаш баҳслар кўпайиб учрайди. А.Саъдий билан Вадуд Маҳмуд ўртасидаги адабий-илмий тортишув эса 20-йиллар адабий танқидчилигидаги адабий баҳс жанрининг энг типик намунасидир"⁵⁶. А.Саъдий билан Вадуд Маҳмуднинг "Адабий-тарихий саводсизликка қарши" ва "А.Саъдийнинг саводи" мақолалари шундай баҳс асосига қурилгани билан ажралиб туради.

Вадуд Маҳмуд, шунингдек, 20-йиллар маданий ҳаётида таниқли олим Исмоил Ҳикматнинг 4 жилдлик "Турк адабиёти тарихи" китобига бағишланган махсус тақриз ёзиб, унинг ютуқ ва камчиликларини кенг таҳлил қилди.

1927 йилда қурултой залидан ҳайдаб чиқарилган Вадуд Маҳмуд 1929 йилда Ўзбекистондан бадарға қилинди. 1934 йилда сургундан қайтгач, 1937 йили яна ҳибсга олингунигача, Тошкентда яшади. 1956 йили камок муддатини ўтаб келганидан кейин ҳам муҳолифлари уни Ўзбекистонга сиғиштирмадилар. Олим Душанбега кетди ва у ерда муқим яшади, Тожикистон ФА Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлади. Бу истеъдод эгаси ҳаётининг охириги йилларида икки жилдлик "Фарҳанги забони тожик"ни тузишда қатнашиб, тожик лексикографияси тарихидаги салмоқли бир тадқиқот яралишига ўз ҳиссасини қўшди. Умрининг қарийб ўн йилини Бедил ижодини ўрганишга бағишлади. Вадуд Маҳмуд 1976 йили ҳаётдан кўз юмди.

Фитрат Вадуд Маҳмуднинг адабий-назарий қарашларига ижобий баҳо бергани ва ҳатто "Адабиёт қондалари"нинг "Эл адабиёти" бўлимида унинг ёзма ва эл адабиёти тафовути, ўхшаш ва қарама-қарши жиҳатлари, оғзаки адабиётнинг ўзига хос қирралари ҳусусидаги қарашларига юқори баҳо бериши ёш олим ижодининг ўз вақтидаёқ устозлар томонидан муносиб баҳоланганини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, 20-йиллар адабий жараёнида эркин, ижодий фаолият кўрсатган В.Маҳмуд асарларида жаҳон адабиёти тажрибаларига, тасаввуф ва ислом фалсафасига таяниш, америка, турк адиб ва мунаққидларидан ўрганиш каби хусусиятлар кўзга ташланади. Маҳорат ва услуб масалаларини ўрганишда унинг ижоди бугунги танқидчилар учун манба, намуна бўла олади. Фикрни аниқ факт асосида илмий далиллаш; бадий асарни, асосан, эстетик нуктаи назардан таҳлил қилиш, унинг бадийиёти, шакли, тили ва услубини ўзаро узвийликда тушуниш; ижодкорга ҳолис баҳо бериш; бадий асардаги нафосат ва матннинг ички структурасига асосланиш каби фазилатлар В.Маҳмуд тадқиқотларининг хос хусусиятларидир.

Мухими, Вадуд Маҳмуд мақолалари ва тақризларида унинг қайноқ қалби, адабиётга эҳтиросли муҳаббатни кўриниб туради, у баҳс-мунозараларда илмий ҳолислик ва инсоний одилликни қадрлашга интилди. Тўғри, Вадуд Маҳмуд мақолаларида илмий тил ва услуб билан боғлиқ айрим нуқсонлар борки, улар давр адабий-илмий жараёнидаги аҳвол билан изоҳланиши лозим. Мунаққиднинг Алишер Навоий, Ғолибий каби "улуғ сиймоларга нисбатан тутган позицияси, "вадудона" талқинлари қисман бўлса-да, Ф.Қупрулизода, А.Ҳусайнзода, Е.Э. Бертельс сингари олимларнинг ишларига ҳамоҳангдир", деган адабиётшунос Б.Карим фикрига қўшилиш мумкин.

⁵⁵ Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар. – Б. 78.

⁵⁶ Баҳодир Карим. Жиддий мунаққиди Вадуд Маҳмуд. Т., 2000. – Б. 59.

Таянч тушунчалар: вадудона, робита, жадид мунаккиди, "Туркистон" газетаси, тасаввуф, адабий-танкидий бахс, бадий тил, пантуркист, шеър техникаси, идеалист, турк адабиёти, Ажзий ишқи, Эдгар По, интикод, эстетик тафаккур, ижод сирлари, Навоийда тасаввуф, Фузулий.

Мавзун мустахкамлаш учун саволлар :

1. Вадуд Махмуд ижодининг ўрганилиши хакида нималар биласиз?
2. Вадуд Махмуднинг танкидга муносабати қандай ва бу соҳадаги қарашлари қайси ишларида кўринади?
3. Вадуд Махмуднинг маданий меросга муносабати қандай бўлган?
4. Ажзий ижодига бағишланган мақоласи хакида сўзланг?
5. Вадуд Махмуд Чўлпон ижодига қандай муносабатда бўлди?
6. У Фитрат ижодига бағишлаб қандай тадқиқотларни амалга оширди?

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Вадуд Махмуд. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2007.
2. Каримов Н. Истиклолни уйғотган шоир. – Т.: Чўлпон .2000.
3. Каримов Баходир. Вадуднинг назари // ЎзАС. 1994, 25 март.
4. Каримов Б. Жадид мунаккиди Вадуд Махмуд. – Т., 2000.
5. Юнус Ҳожи Максудий. Вадуд Махмуд ва Чўлпон // ЎзАС. 1993, 10.09.
6. Юнусов М. Барҳаёт анъаналар. – Т., 1986.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДИ МАФКУРАВИЙЛАШТИРИШ ВА РЕАЛИЗМ УЧУН ҚУРАШ ЖАРАЁНИДА (1927-1990 йиллар).

РЕЖА:

1. 30-йиллар адабий танқиди.
2. Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги давр адабий танқиди.
3. Танқид замонавийлик учун қурашда. Гоявийликка эътиборнинг кучайиши.
4. Адабий танқидда конфликт, қаҳрамон, типиклик муаммолари.
5. Танқидда бадийлик ва маҳоратга эътиборнинг кучаюви.
6. Адабий жараёнда мунаккиднинг ўрни.
7. Истиклол шабадалари ва адабий танқид.
8. Адабий танқид ва миллий гоя.

30-йиллар адабий танқиди. Адабиётни мафкуравийлаштириш шўролар тўнтарувидан кейинок юзага чиққан бўлса-да, бу жараён аслида Лениннинг "Партия ташкилоти ва партия адабиёти" мақоласи таъсирида

анча илгари бошланган бўлиб, 20-йилларнинг ўрталари, хусусан, 1927 йилдан ўзининг дастлабки гуриллаш палласига кирди ва шу вақтдан эътиборан йилдан-йилга ўзининг талаб ва принципларини кучайтириб, чуқурлаштириб борди. Бу ҳолат бутун собиқ Иттифок адабий жараёнида кечганидек, ўзбек адабий танқидчилигида ҳам ўзини кўрсата борди. А.Саъдий биринчилардан бўлиб, адабий танқидни давр мафкурасига боғлашга уриниб, Ҳамзани "инкилобий руҳдаги талант" деб баҳолаши билан бу соҳада намуна кўрсатди. Адабиётни мафкуравийлаштиришда, айниқса, "Партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати" (1925), "Адабий-бадий ташкилотларни қайта қуриш хакида"ги (1932) қарорлар дастур вазифасини ўтади. Бу ҳужжатларда янги типдаги ёзувчи ва янги типдаги адабиётни вужудга келтириш масаласи кун тартибига қўйилди. Уларда гоя бадий ижод байроғидир деган фикр асарни, ижодкор фаолиятини баҳолашда асосий мезонга айлантирилди.

30-йиллардан Ойбек, Ғ.Ғулом, М.Шайхзода, Ҳ.Олимжон, Уйғун, А.Қаххор, У.Носир, А.Умариёв ижодлари шиддат билан ўса бошлади. Гоявий-бадий савияси турли даража ва йўналишдаги "Кеча ва кундуз", "Сароб", "Қуллар", "Душман", "Қутлуғ қон" каби романлар; "Кўкан", "Жонтемир", "Ўч", "Дилбар-давр кизи", "Навоий", "Зайнаб ва Омон", "Ойгул билан Бахтиёр", "Норбўта" ва "Нахшон" каби поэмалар; "Бемор", "Ўғри", "Шум бола", "Ёдгор" каби хикоя ва қиссалар майдонга келди. Яшин, У.Исmoilов, Н.Сафаров, З. Фатхуллин ўзларининг бир қатор драматик асарларини яратдилар.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ташкил этилди. 1934 йил 7-11 мартда унинг I-съезди бўлиб ўтди. Съездда Р.Мажидий унга раҳбар этиб сайланди. Бутуниттифок ёзувчилар съездида (1934) шўро адабиётининг етакчи ижодий методи социалистик реализм эканлиги узи-кесил белгилаб қўйилди. Кейинчалик ярим асрдан ортиқроқ вақт мобайнида бутун шўролар адабиётининг бошига битган - ижодни ҳам, ёзувчини ҳам бир қопига солишга интилган, адиблар боши устида партиявийлик ва синфийликдан иборат тегирмон тошини айлантирган - бало мана шу социалистик реализмдан бошланди. "Литературный критик" журнали барча жумҳуриятлар адабий танқидчилигига "назарий ва амалий йўл кўрсатувчи" йўлчи юлдузлик" вазифасини ўтай бошлади. Журналнинг, хусусан, адабий танқидчиликни вульгар социологизм асоратидан қутқариб қолиш йўлидаги интилишлари алоҳида диққатга сазовор бўлса-да, янги метод асосларидаги партиявийлик, халқчиллик, синфийлик учун бошлаб берган қурашлари, барча миллий танқидчилик, шу жумладан, ўзбек танқидчилигида ҳам изчиллик билан давом эттирилиб, бадий адабиётнинг эркин ва ҳаққоний тараққиётига катта тўғаноқ бўлди, кўпдан-кўп истеъодларнинг ноҳақ нобуд бўлишини тезлаштирди.

Соцреализм хакида рус танқидчилигида айтилган фикрлар ўзбек танқидига айнан кўчириб ўтказилди. О.Ҳошимовнинг "Ўзбек шўро

адабиётининг бир неча асосий ижодий масалалари", Р.Мажидийнинг "Большевизмнинг буюк санъати учун", Ҳ.Олимжоннинг "Социалистик реализмни эгаллаш йўлида", Ойбекнинг "Социалистик лирика учун" сингари мақолаларида шўро тузумининг бадий адабиётдаги сийсати яққол сезилиб туради. Лекин бу мақолаларда танқидий тафаккурда профессионал савия чуқурлашиб бораётганини ҳам сезмаслик мумкин эмас. Бу мақолаларда адабиётнинг синфийлиги, гоявийлиги ва партиявийлиги масаласидаги хато ва бирёкламликдан ташқари, сўз санъатининг ўзига хослигидан келиб чиқиб айтилган асарлардаги айрим ютуқ ва камчиликлар тўғри кўрсатилган, шакл ва мазмун, услуб ва индивидуаллик, характер ва шароит сингари омиллар диалектик бирлиги тўғри талқин этилган ҳолатлар ҳам йўқ эмас эди.

30-йиллардаги мақолаларга муносабатда ана шу хусусиятларни доимо назарда тутиш керак бўлади. Шу жараёнда ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослари сафи И.Султонов, Ҳ.Ёкубов, Саидгани Валиев, Буюк Каримий, Ғ.Каримов, Ю.Султонов сингари қатор истеъдодли ёшлар ҳисобига кенгайди. Назарий ва амалий жиҳатдан теран фикр юритиш иқтидорига эга И.Султон ва Ҳ.Ёкубовлар тезда эл назарига туша бошладилар. Айниқса, Ҳ.Ёкубов 30-йилларнинг биринчи ярмидаёқ "Ғафур Ғуломнинг ҳажвий ҳикоялари", "Уйғун ижодиёти", "Ғафур Ғулом ижодиёти", "Ҳамид Олимжоннинг ижодий йўли" сингари пишиқ мақолалари билан адабий жараёнда мустаҳкам ўрин эгаллади.

30-йиллардан адабий танқидда болалар адабиётига эътибор кучайди. Айрим газета саҳифаларида "Болалар адабиётига диққат қилингиз" рукни ҳам очилди. Ҳ.Ёкубовнинг "Болалар адабиётининг сифатини кўтарайлик", Ш.Сулаймоннинг "Болалар адабиёти тўғрисида", З.Диёрнинг "Болалар китоби ҳақида", Ю.Латифнинг "Зафарнинг ижоди ҳақида" каби мақолаларида болалар адабиётига оид муаммолар кўтариб чиқилди; қаҳрамон, бадий тил, шакл масалалари конкрет асарлар мисолида таҳлил этилди.

Бу йиллар танқидидаги изланишлар, айниқса, "янги инсон" учун олиб боришга курашда намоён бўлди. Чунончи, К.Тригулов "Нафис адабиёт жаҳамизни соғломлаш йўлида" мақоласида озод ўзбек хотин-қизлари ва кизил аскар қиёфасини яратишга даъват этса, С.Хусайн большевиклар образини яратишга чақирди, Ойбек ишчи туйғуларини тараннум этишга чорлади. Бу фикрлар ҳозир қай жиҳатлари билан бугун бирмунча эскирган эса-да, қаҳрамон масаласида ранг-барангликка эришишга даъват этиш нуқтаи назаридан ўз даври учун аҳамияти йўқ эмасди. Ойбек Ғ.Ғуломнинг "Кўкан" поэмаси ҳақида гапира туриб, асар сюжетида "тирик чизгилар" етишмаслигини, "схематизм, юзакичилик" мавжудлигини алоҳида эслатиб ўтади. Бу "Кўкан" кўкларга кўтарилиб турганда, талабчанлик масаласида Ойбекнинг қатта журъдини кўрсатади. Айни вақтда Ойбекнинг юкоридаги фикрларида ўзбек танқидчилиги бу асар

ҳақида, тахминан 50 йилдан сўнг етиб келажак қарашларнинг— "Кўкан"да зўрма-зўраки синфийлаштиришдан иборат жараёни акс эттиришда йўл кўйилган схематизмни эътироф этиш муждалари кўринаётгандек бўлади.

Бадий асарларни таҳлил этганда 30-йиллар танқидчилиги доим бир савияда бўлгани йўқ, албатта. Хусусан, пайдо бўлаётган янги асарлар тадқиқи, талқини ва баҳосида жиддий кийинчиликларга дуч келди. Буни А.Қодирийнинг "Обид кетмон" кассаси, А.Қаҳҳорнинг "Сароб" романига муносабатларда яққол кўриш мумкин.

"Обид кетмон"даги Мулла Обид бир йил ичида қаттагина ер-сув, иккинчи йили сизир-қўй ва бошқа моддий бойликлар орттиради. Агар у шу залда давом этаверса, учинчи, тўртинчи йилларга бориб салкам муштумзўрга айланиши ҳеч гапмас. Бу ҳақда А.Қодирий дехқонларнинг шу йўлдан боришини истайди, деган тенденциоз фикрлар айтилди. Лекин "Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли" монографияси муаллиф Ойбек ҳам "Обид кетмон"да замоннинг мусбат типларини яратиш йўлидаги адиб муваффақиятларидан қаноатланмаганини изҳор этди. "Кўпинча воқеалар, ишлар хроникал формада, ёзувчининг ўзи томонидан қайд қилинади. Аммо ёзувчи пахта ишлаб чиқариш билан барабар янги одамлар "ишлаб чиқариш"ни, янги психика, янги онг, шуур, янги муносабатлар, кассаси, одамларнинг ўзгаришини бадий акс эттиришини анча унутди"⁵⁷. Бу фикрнинг дастлабки қисмида ҳақиқат унсурлари бўлса-да, унда бир ёкламлик кучли эди. Чунки Обид кетмон образи ўша давр адабиётда яратилган реалистик образлардан бири бўлиб, фақат ёзувчигина эмас, бутун ўзбек адабиётининг ютуғи эди. Шу сабабли Ойбекнинг: "Бизнингча, ёзувчи Обид кетмоннинг қолхозга киргунча кечирган ҳаёти ва ҳаракати орқали ўрта дехқоннинг турмуш шароитини ошириб кўрсатишида типик воқеаларни типик шароитда акс эттирмайди. Ўқувчи Обид кетмон образида бутун хусусиятлари ила гавдаланган жонли бир тип кўра олмайди" деган фикрлари бахсли эди.

Ойбекнинг "Берди татар чинакам курашчиликдан узоқлаштирилади", деган фикрида жон бор. Бироқ бундан қатъий назар А.Қодирий "Обид кетмон"да ҳам узокни кўра олувчи мутафаккир ёзувчи экнини ўзини кўрсата олган эди. Истиқлол даври адабий танқидчилиги асарнинг тўғри баҳосини бериб, кассада бугунга ҳамона жихатлар кўп эканлигини очиб берди. У.Норматовнинг "Орттирмай ва қамитмай" деб номланган мақоласи ("Шарқ юлдузи", 1998, № 3)да асарнинг ҳозирги давр билан ҳамқадам жихатлари очиб берилди.

СОТТИ ҲУСАЙН (1906-1942) ўз давридаги Ўзбекистоннинг кўзга кўринган адабиёт ва маданият арбобларидан эди. У адабий танқидчи, драматург ва публицист сифатида ижод этди. XX аср ўзбек

⁵⁷ Ойбек. МАТ. 14 - том. - Б. 179.

адабиётшунослиги ва танкидчилиги асосчиларидан бири саналувчи Сотти Хусайн матбуот ва адабиётга 20-йилларнинг охирилари ва 30-йилларнинг бошларида кириб келди. Бу даврда у Ойбек, Х.Олимжон, Уйғун, Зиё Саид, Отажон Ҳошим, Олим Шарафуддинов каби замондош шоир, танкидчи ва публицистлар билан елкама-елка туриб ижод қилди. Ўзбек адабиёти, танкидчилиги, публицистикаси, адабиётшунослигининг туғилиши, шаклланиши ҳамда муайян тамойиллар қарор топишига муносиб ҳисса қўшди.

Сотти Хусайн 1906 йилда Қўкон шаҳрида майда баққол оиласида туғилди, ёшлигида онасидан етим қолди. Тўнтаришгача ўғай она уйида тарбияланди, шаҳардаги бошланғич янги усул мактабида ўқиди. Қўконда ташкил топган мактаб-интернатда таҳсил олди, жамоат ва тарбиявий ишларда фаол қатнаша бошлади. Ёшлигидан адабиёт, матбуот, театр ишларига қизиқиб, мактабда муваффақиятли ўқиш билан бирга у ерда хаваскорлар драма тўғараги ташкил қилди, тўгарак учун 1-2-пардалик "Дуохон" ва "Жаҳолат балоси" каби киска-киска сахна асарлари ҳам ёзди. Уларни клубда ўзи сахналаштирди. У вилоят ёшлар кўмитаси йўлланмаси билан Тошкентдаги Ўрта Осиё университетига юборилди (1922). "Ёш ленинчи" газетасининг муҳаррири сифатида (1927-28) жумҳурият адабий-маданий ҳаётида сезиларли ўрин эгаллади. Таҳририят қошида навқирон ёзувчи ва тарғиботчилар тўғараги очиб, унда ёшларнинг шеър, ҳикоя, очерк, дostonларининг муҳокама ва мунозараларини уюштирди. Адабий ўқиш-ўрганиш, хаваскорларнинг эътиборли асарларини бостириш, нашр қилиш ишларига бевосита ёрдам берди.

Сотти Хусайн қаерда, қандай вазифада ишламасин, танкидчи ва ёзувчи бўлиш орзусидан кечмади, бутун ҳаётини ана шу орзу орқасидан қувиш билан ўтказди. Адабиётга қизиқиш унда жуда эрта бошланди: 16-18 ёшдаёқ қатор бир пардалар пьесалар ёзди. Кейин кўпроқ адабиёт ва санъат назарияси билан машғул бўлди. Бадиий ижод назарияси билан шуғулланиш даврнинг характерли хусусиятларидан бири эди. Ойбек, Х.Олимжон, Уйғун, Ойдин, Боту каби кейинроқ машҳур ёзувчи бўлиб танилган ижодкорлар ўз фаолиятининг бошида фаол танкидчи сифатида ҳам майдонга чиқдилар. "У вақтларда Ўрта Осиё республикаларида ёзувчи билан адабиётшунос орасида қатъий чегара йўқ эди. Сотти Хусайн, масалан, Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи ҳақида адабий-танкидий асар ёзиш билан бир қаторда пьесалар ёзди. Шоир Ойбек ҳам Абдулла Қодирий ҳақида илмий тадқиқот иши ("Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли") ёзди"⁵⁸. Сотти Хусайн учун ҳаётнинг бош мақсади адабиёт, адабиётни ўрганиш, унга хизмат қилиш ва уни халқ хизматига бўйсундириш эди. У ёш ўзбек адабиёти ҳақида "Қўрмана" эгалари тўғрисида" (1929), "Ўзбек адабиётининг ҳозирги масалалари" (1930) каби

мақолалар ёзди. "Ўткан кунлар" (1929) романи хусусида туркум мақолалар ва улар асосида китоб, ўзбек театри маданияти ҳақида ранг-баранг тақриз ва мақолалар ҳамда улар заминида "Ўзбек театри" (1929) номли асар ёзди. Ўзи раҳбарлик қилган газета қошидаги ёш ижодкорлар тўғарагининг биринчи тўплами "Қўрмана"га ёзган сўзбошисида кейинчалик ўзбек шеърини, драматургиясининг етакчи намоёндалари бўлиб етишган Миртемир, Комил Яшин, Собир Абдулла ва бошқаларнинг дастлабки ижод намуналарини истиқбол нуқтаи назаридан тўғри баҳолади.

Вақтли матбуотда унинг овози Олим Шарафуддинов, Отажон Ҳошим, Абдурахмон Саъдий каби йирик адабиётшунослар ва танкидчилар овози орасида баралла эшитилиб турди. Лекин шу билан бирга у ўша йиллар адабиётшунослиги ва танкидчилигидаги РАПП хатолари таъсиридан қутулиб кета олмади. Бу, айниқса, А.Қодирийнинг "Ўткан кунлар" тарихий романига муносабатида очик кўринади. Бунини Сотти Хусайннинг ўзи ҳам тан олган эди.

1932 йил бошларида Сотти Хусайн Тожикистондаги халқ маорифи коммисарлигида, кейин "Пахтакор" район газетасида муҳаррир бўлиб ишлади. Шу йилларда даврнинг ўткинчи ғояларига берилиб, қатор пьесалар ҳам ёзди. Тошкентга қайтиб, "Правда Востока" газетасининг маданият бўлими мудири ўринбосари вазифасида ишлади (1933). Шу йили Москвага адабий ўқишга юборилди. Шу ердаги жонли тиллар институти ишчилар факультетига, июндан ёзувчиларнинг кечки адабий ижод институтига (1934) ўқишга кирди. Адабиёт институти тавсияномаси билан (1936) Қизил профессорлар адабиёт институтида таҳсилни давом эттирди. Усмон Юсупов сўровига кўра (1937) Ўзбекистонда ишлашга йўлланма билан келди ва ёзувчилар ташкилоти кўмитасининг раис ўринбосари лавозимида ишлай бошлади. А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг директори (1938) ва Навоий юбилейи комиссиясининг раис ўринбосари, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ташвиқот ва тарғибот бўлими мудири ўринбосари (1940) лавозимларида ишлади. Депутат этиб сайланди. 1942 йилда вафот этди.

Сотти Хусайн ўзбек адабиётшунослиги ва танкидчилиги, драматургия масалалари, рус классик ва қардош халқлар ёзувчи ва шоирлари ҳақида "Ўзбек драматургиясига умумий бир қараш", "15 йил ичида ўзбек совет адабиёти" (1939), Гоголнинг "Уйланиш" пьесаси ўзбек сахнасида" (1936), "Руставели таржимаси ҳақида" (1939), ўзбек классик ва ҳозирги адабиёт вакиллари: Навоий, Муқимий, Ҳамзалар, уларнинг босиб ўтган ҳаёт ва ижод йўллари, дунёвий ва демократик ҳамда совет адабиётидаги ўринлари ҳамда аҳамияти ҳақида мақолалар ёзди. Айниқса, Навоий юбилейи муносабати билан ёзилган "Навоий ва Низомий", Муқимий ва Ҳамза ижоди бўйича "Муқимий тўғрисида" (1938), "Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий" (1940) асарлари ўз даври учун муҳим аҳамиятга эга бўлганидек,

⁵⁸ Иззат Султон. Сотти Хусайн ҳақида бир неча сўз/ Сотти Хусайн. Танланган асарлар. Т., 1974.-Б.6.

хозир ҳам, ўз даври билан изоҳланувчи айрим чекланишларни ҳисобга олмаганда, кимматини йўқотмаган.

Сотти Хусайннинг, айниқса, Х.Х.Ниёзий асарларини биринчи бор тўплаб нашр қилиши, унга кириш мақола тарзида илмий очерк ёзиб, Ҳамзанинг ўзбек прозаси, драматургияси, поэзияси тараққиётидаги ўрнига баҳо бериши уни Ўзбекистонда ҳамзашуносликнинг асосчиларидан бири даражасига кўтарди. Ҳамза ижоди ҳақида тўғри ижобий фикрлар айтиш билан бир қаторда, уни шўровий ўзбек адабиётининг яловбардори қилиб кўрсатиш тамойили ҳам С.Хусайннинг шу мақоласидан бошланган, дейиш мумкин.

Мунаққид ва адабий жараён. Сотти Хусайн танкид майдонига замон мунаққид олдига қўйган вазифаларни бутун масъулияти билан тушунишга ҳаракат қилган, ана шу масъулият хиссини сира йўқотмаган, олдидаги мураккаб ва мушкул вазифадан бош тортмаган танкидчи ва маднийт арбоби эди.

"Нафис адабиёт майдонида пролетариат мафкураси учун кураш" мақоласида (1928) "адабиёт бобида танкид ишини мустаҳкам йўлга қўймасдан туриб, соғлом нафис адабиёт тузиш, нафис адабиёт майдонида соғлом янги кучлар етиштириш мумкин бўлмаганлиги доимо эсимизда турсин", деб таъкидласа-да, мақола танкид масаласида адабиёт майдонида ўша вақтда пайдо бўлган "катта бўшлиқ"нинг назарий жиҳатларини тўлдиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлса-да, адабиёт ва ҳаётнинг ўзаро ниҳоятда яқин бўлмоғи кераклиги, ҳаққонийлик масаласи, адабиёт жамият ривожига муҳим ўрин тутмоғи даркорлиги ва буларнинг барчасида адабий танкид фаол роль ўйнаб, ёзувчига ҳам, китобхонга ҳам кучли таъсир ўтказиши лозимлиги ҳақида катъий ижобий фикрлар илгари сурилса-да, мақоланинг мақсад-моҳияти ва асосида танкид партия кўлидаги қуролдир, унинг вазифасини пролетар мафкурасини мустаҳкамлашдан иборатдир, деган ғояни ўтказиш ва мустаҳкамлаш ётади. Шу жиҳатлари билан у даврнинг чекланган хусусиятли мақолалари қаторида туради..

Сотти Хусайн "Ижодий йўлимиз" мақоласида адабиётнинг бадий савияси масаласига алоҳида тўхталди. "Материални (яъни ҳаёт материални) ишлаб чиқмасдан туриб, тузуққина бадий-адабий асар тайёрлаб чиқариш мумкин эмас. Шунинг учун бадий равишда бир шаклга солиш масаласи катта ўрин тутди. Нимани ёзиш, нимани тасвирлаш масаласи қ а н д а й ёзиш масаласидан ажралмайди. Шунинг учун нимадан ёзиш керак деган масаланингина ҳал қилмасдан, қ а н д а й ёзиш масаласини ҳам ҳал қилишимиз керак"⁵⁹.

Танкидчи мақолада бошловчи ёш ёзувчилар турмушни, бадий "сувратлаб бериш"га алоҳида аҳамият қаратиши лозимлигини, тажрибали

адиблар эса "реализм асосида чуқур руҳий таъсир билан шуғулланишни асосий вазифа" бўлмоғи кераклигини таъкидлайди.

Мақоланинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, маданий меросга турлича қарашлар авж олиб турган, баъзилар уни бутунлай инкор этиб турган бир даврда Сотти Хусайн ҳам Отажон Ҳошим каби уни ёқлаб чиқади ва ундан ўрганишга даъват этади: "Ўсишда асосий йўлимиз реализмдир. Бизга бошқа йўл тўғри келмайди. Реалист классик ёзувчилардан ўқишимиз керак. Баъзи ўртоқлар захарланиб қоламиз деб классиклардан кўрқадилар. Бизнинг эски меросдан қочишимиз мумкин эмас". Шу тариқа Сотти Хусайн классиклар ким, улардан нимани ва қандай ўрганиш кераклиги ҳақида фикр юритиб, Л.Авербахнинг классикларга берган таърифини келтиради. Кўринадики, Сотти Хусайн ўз мақола ва тақризларида нафакат ўзбек адабиётини, балки рус ва жаҳон халқлари адабиётини ҳам яхши билган.

Сотти Хусайн "Танкид масаласи" деган кичик бир мақоласида танкидда икки нарсанинг фарқи борлиги кераклигига диққатни қаратади: "1.Ўқиб фикр бериш ва 2.Жиддий танкид. Бу иккови бир-бирига алоқадор бўлса ҳам айриладиган масалалардир".

У 20-йиллар танкидчиларидан бири бўлган Кашшоф Трегуловнинг мақоласига бир адабий асар ўқувчисининг фикри деб қараш керак" дейди. Адабий асар устида ўқувчи фикри деб, масалан, "Мен тушунмадим, менга завқ бермайди, узайиб кетган, мени зериктиради, ишчиларга фикри тўғри келмайди", деган сўзларни айтаемиз. Бундай фикрни ҳар бир ишчи-деҳқон, ҳаммол бера олади". Танкидчи эса сабаб-оқибатларини идрок этиб, таҳлилдан ўтказиб, "шу йўл билан танкидчи ёзувчига кўмаклашади. Трегулов асарлар устида фикр бераман деб, танкидчиликка ҳам аралашганда, уддасидан чиқолмаган. Чунки мунаққидлик ўқишни, ишлашни талаб қилади. У бунга риоя қилмаган..."⁶⁰.

Сотти Хусайн "санъат, шунингдек, адабиёт танқидсиз юксала олмаслигини таъкидлар экан, ўз даври танқидининг камчиликларини ҳам аниқ кўрсатди: "танқидчиларнинг оғмачиликлари, саводсизликлари, санъат ёғидан асарга қиммат бера олмасликлари, дўк билан қарашлари, танқид орқали кўмак қилиш ўрнига қўмондонлик этишлари" каби камчиликларни орадан йўқотиш масалаларига эътиборини қаратади. "Ҳозир ўзбек адабиётидаги танқидчиликни тўхтатмай оборишимиз керак. Лекин юзаки ёзиш, суюқ ёзиш, ялқовлик қилиб, жиддий ишламасдан ёзишга қарши кўтарилишимиз лозим". Албатта, мақолада мунаққид танқидга ўша давр талабига-марксча нуктаи назардан қараганини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир.

Бадий адабиётнинг ўзига хослиги ҳақидаги масалада Сотти Хусайн қарашларида 20- ва 30-йиллар бир қанча танқидчиларига қиёсан илгор

⁵⁹ Сотти Хусайн. Танланган асарлар.Т.: 1974.-Б. 89.

⁶⁰ Сотти Хусайн. Танланган асарлар.Т.: 1974.-Б. 78.

томонлари билан ажралиб туради; кўплар бахосида адабиётнинг бадий қуввати масаласини четлаб ўтишга тиришганларида, Сотти Хусайн бу масалага алоҳида аҳамият берди. Баъзи мақолаларида (масалан, юқоридаги мақолада) асосий гапни худди шу масаладан, бадий адабиёт, даставвал, эстетик қимматга ва қувватга элтувчи сифатларидан сўз бошлайдики, бу давр танкиди ва адабиёти учун унинг жуда тўғри илмий муҳим фикрни айтганини кўрсатади.

Бадий асарга гоё ва бадият уйғун бўлиши зарурлиги, яъни санъат асарида гоё, мазмун ва шакл бирлиги масаласи Сотти Хусайн томонидан тўғри идрок этилди ва тўғри талкин қилинди.

"Ўткан кунлар" танкидчи талкинида. 1931 йилда танкидчининг "Ўткан кунлар" номли танкидий китоби нашр этилди. Сотти Хусайн йўл қўйган хатоларнинг энг каттаси - унинг Абдулла Қодирий ижодига ва асосан "Ўткан кунлар" романига вульгар социологик баҳо бергани бўлди. Бу вульгар социологик босим асосида эса, партиянинг мафкура, синфийлик, дунёкараш масалаларидаги хато ва бирёклама қарашларини, ёки янада аниқроқ қилиб айтганда, зуғумини ўтказиш ётишини кўриш қийин эмас. Шу ўринда, давр адабий танкидида ғалати бир парадокс кўзга ташланишини таъсидлаш ўринлидир. Яъни масалан, Сотти Хусайн айрим масалаларида, назарий жиҳатдан айтилганда, танкиднинг ўзи ҳақида ҳам (дўк уриш, буйрук бериш нотўғрилиги), асар бадияти хусусида ҳам ("асарга санъат ёғидан қиммат бериш" зарурлиги) тўғри фикрларни илгари сургани ҳолда, конкрет асар таҳлилига келганда бу назарий фикрларнинг амалий тасдиғи кўринмай қолади. Унинг "Ўткан кунлар" ҳақидаги мулоҳазалари бунинг ёрқин далилидир. Мунаққид ёзувчи гўё фақат буржуазия мафкурасининггина акс эттира олади деб ҳисоблайди. Назарияда шу "таълимот" таъсирига тушган С.Хусайн "Ўзбек буржуазияси муҳитида яшаган А.Қодирий ижодидан фақат буржуазия идеологиясини" ахтарди. Абдулла Қодирий ёш танкидчининг бу жиддий камчилигини ўз вақтида афсус билан қайд этган эди. У Сотти Хусайннинг бундай камчиликларини "унинг ёшлигига ва тажрибасизлигига ҳавола қилмоқ лозимдир", деб изоҳлаган эди. Бу буюк адиб бағри кенглигига ёрқин мисол бўла олади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, С.Хусайн "Ўткан кунлар" романидаги номавжуд камчиликларини танкид қилганида ҳам ёзувчининг улкан талант эгаси сифатида ўзбек адабиёти ривожига тутган ўрнини ҳеч қачон рад этмади.

Сотти Хусайн А.Қодирий маҳоратига жуда баланд баҳо берди. Бироқ, афсуски, бу каби ижобий фазилатлар фақат эътироф сифатидагина қолди, ривожлантирилмади, асар фазилатларини таҳлил этиш натижасидаги ҳулосалар тарзида илгари сурилмади. Асарга бундай ёндашув унинг "камчилик"ларини "фош этиш"га гўё ёзувчи дунёкараши ва синфий мажбуриятдан келиб чиқувчи "хато"ларни очишга қолдирилди. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, романининг ва умуман, А.Қодирий

ижодининг бадий қимматини пастга урувчиларни С.Хусайн кескин танқид қилган ва ёзувчи талантини ҳимоя қилиб чиққан ҳолатлар ҳам йўқ эмасди. Масалан, Миён Бузрук Солихов "Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари" (1933) китобида А.Қодирийнинг талантини рад этиб, уни "Ўткан кунлар" романида "чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини тарғиб қилиш"да айблаганда Сотти Хусайн ўша йилиёқ мақола қилиб, "Ўткан кунлар" ўзбек адабиёти майдонида биринчи роман ва яхши ёзилган роман, у шубҳасиз, гўзал ва нафис бир асар... А.Қодирий кучли ёзувчи, кучли адиб. Менимча, бизнинг ундан янги нарсалар, "Ўткан кунлар"га қараганда бизга яқинроқ асарлар қутишимиз мумкин⁶¹, деб ёзган эди.

Янги, ўзбек танкидчилиги асосчиларидан бири бўлган Сотти Хусайн мақолалари ва китобларида айтилган фикрлар, асарларга берилган баҳоларнинг ҳаммаси бир текисда тўғри бўлавермади. Ёш танкидчи жиддий хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйди. Бироқ "Ишлаб туриб ўқиган ва ўқиб туриб ишлаган", хали тайёргарлиги етарли бўлмагани ҳолда, тарих талабига биноан, жуда катта ва муҳим масалаларни мустақил ҳал этиш мажбурияти олдида қолган авлодга мансуб ёш Сотти Хусайннинг асарларидаги бу хато ва камчиликларни менсимаслик хато бўлганидек, уларнинг объектив сабабларини унутиб қўйиш ҳам хато бўлар эди", деб ёзган эди И. Султон. Бу хатоли адабиётимизга оғир зарба бўлиб тушган А.Қодирий ижодига муносабат мисолида ҳам кўриб ўтдик.

Олим театр асарлари ва уларни сахналаштириш ишлари билан ҳам кизикди, драматик асарларга тақризлар ёзди. "Ҳалима", "Хужум"ни қаҳқаҳалар билан томоша қилдик" деб қувонди, опера ва либреттолarga тақризлар ёзди. Унинг "Ўзбек совет драматургиясига умумий бир қараш" деб номланган обзор мақоласида 15 йил ичида қўлга киритган ютуқлар ва камчиликлар кўрсатиб берилди.

С.Хусайн 30-йиллар охири ва 40-йиллар бошида "Ўзбек адабиёти", "Ўзбек совет адабиёти", "Ўзбек совет адабиётида ижобий образлар" каби йирик асарлар ёзишга киришди, аммо бу ишлар тугалланмай ва эълон қилинмай қолди.

Сотти Хусайн драма соҳасида ўзининг ўспиринлик вақтида бошлаган машқларини давом эттирди. Унинг драмалари, танкидий асарларидек жуда долзарб характерга эга эдилар.

Хулоса қилиб айтганда, Сотти Хусайн илмий-бадий кизикишлар диапозони кенг эди: адабий-бадий танкид, театр танкидчилиги, режиссура, опера, оперетта, мусика маданияти, бадий таржима, санъат масалалари билан назарий ва амалий равишда шуғулланган зиёлилардан биридир.

⁶¹ Сотти Хусайн. Танланган асарлар. - Б. 20.

30-йиллар, унинг айниқса, иккинчи ярмидаги адабий танкидчиликнинг замонавий адабиётга муносабатдаги пассивлиги сезилиб қолди. Аксар замонавий асарларга муносабат билдирилганда улар, асосан, ур-қалтак қилинди. 30-йилларда баъзи асарлар юзасидан мунозаралар бўлиб ўтганини қайд этиш керак. Ана шундай ўткир баҳоладан бири А.Қаххорнинг "Сароб" романи юзасидан бўлиб ўтди. 1934 йилда ёзилган асар дастлаб муқофотланди. 1939 йилда эса унга бағишланган муҳокамалар, мунозараларда тоза дўппосланди. Шу йилнинг 14 июнида Фанлар комитетида бошланган мунозара уч кун давом этди. Диспутга Ўзбекистон Компартиясининг масъул ходимлари раҳбарлик қилдилар. Бахсларда ёзувчи, шоир ва танкидчилардан Ш.Сулаймон, Уйғун, Ю.Султонов, Р.Мажидий, Ҳ.Ёқубов, Ҳ.Расул, Н.Охундий, Ҳ.Мусаевлар фаол иштирок этдилар. Романни кенг таҳлил этувчи асосий маъруза Ю.Султоновга топширилган эди. У асарга умуман ижобий баҳо беради. Бироқ унда салбий қаҳрамонлар ижобий қаҳрамонларга нисбатан кенгрок ва чуқурроқ ёритилганини таъкидлаб: "Ҳатто турмушдаги реакцион кучлар тасвирланганида ҳам уларнинг маълум прогрессив кучлар қаршисида қашаётганлиги билиниб турсин ва у прогрессив, ривожланидиган, енгилмай турган кучлар қўрилиб турсин. Ўшандагина турмушни тўғри ва тўла англай оламиз", деган социалистик реализмнинг етакчи қоидаларидан бирини илгари сурди.

Ю.Султонов позициясининг ожиз томони ўша даврнинг талаби саналган ижобий қаҳрамонни биринчи ўринга қўйиш кераклигида қўринади. Танкидчи А.Қаххорнинг воқеликни тасвирлашдаги ижодий принципни эътиборга олмади. Қизиғи шундаки, бахснинг аксар иштирокчилари маърузадаги бу камчиликни тушуниб етмайдилар, уни деярли маъқулладилар. Натижада асарга ва, айниқса, ёзувчининг ғоявий-бадий мақсадига нотўғри, бирёклама баҳо беришлар бошланди. Жумладан, Ҳ.Мусаев романда ижобий қаҳрамонларга етарли ўрин берилмаган дейиш билан бирга, ёзувчидан: "Мамлакатимизнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиётини кўрсатишни, омманинг қаҳрамонлиги, фаолияти, тарихи, қураши, илғорлиги"ни акс эттиришни талаб қилди. Яъни асарда ёзувчи ўз олдида қўймаган вазифалари нуктаи назаридан ёндашди. Унинг фикрича, А.Қаххор гўё "Совет ҳукуматининг ўсишини ва кундан-кунга мустақил бўлиб боришини инкор этиш ва кўрмаслик" учун ижобий қаҳрамонларга кам эътибор берган эмиш.

Шуни ҳам таъкидлаш жонзки, Ҳ.Мусаевнинг бу фикрига, мунозаранинг деярли барча қатнашчилари қарши чиқди. Бу муҳим далил 30-йиллар охирига келиб ўзбек танкидчилиги кўпол вульгар социологик хатоларни тушуна бошлагани ва уни инкор этиш йўлига ўтганини кўрсатди. Сўзга чиққан аксар танкидчилар романининг асосий ғояси билан бош қаҳрамонлар ўртасида номувофиқлик йўқ, асарда, шунингдек, ижобий

образлар йўқ эмас, аммо улар салбий образларга нисбатан бирмунча бўш чиққан, деган фикрларни илгари сурадилар.

Хусусан, Н.Охундий нутқини шу тарзда яқунлади. Р.Мажидий бунинг сабабларини изохлашга ҳаракат қилади. Уйғун тасвирдаги ургу ва штрих бадий асарнинг усули эканлигини таъкидлади, ёзувчининг асосий меҳри халқда, "буни гарчи у айрим каттакон типлар орқали тасвирлаб бермаса ҳам, айрим жойларда бу нарса жуда очик кўринади", деди. Уйғун, айниқса, романининг ижобий қаҳрамонлар жихатидан камситилишига қатъий қарши чиқади. Ниҳоят, мунозаранинг учинчи куни "Сароб" одатдаги романлардан эмаслигига ишонч ҳосил қилинди. Сулаймон Азимов фикрича, унга анъанавий романлар андазаси билан ёндошмаслик керак деб топилди. "Қандай типларни марказий фигурага олиши ёзувчининг ихтиёрида, ундан қаҳрамонлар, албатта, ижобий ёки салбий бўлишини талаб қилиб бўлмайди, чунки бундай қилиш "адабий асарни маълум бир рамкага солиш" билан баробар дейди у ва ўз нутқини "Сароб" зарарли асар эмас, деган ҳулоса билан яқунлайди.

Бу дунёқараш, синфийлик масалаларида ҳамон бирёклама қарашлар ҳукм суриб келаётган, шу боис Чўлпон, Фитрат каби буюк ижодкорлар қатагон бўлган шароитда 30-йиллар сўнгги чорагидаги адабий танкид савия жихатидан бир поғона юқорида кўтарила олганини кўрсатувчи бахс эди. Бунга "Сароб" романидаги ўзига ҳосликлар муҳим бир туртки вазифасини ўтади. Тўғри, адабий танкидда "Сароб"ни баҳолашда: у миллатчилик қош этилган асар дегувчи қарашлар 60-70-йилларгача ҳам давом этиб келган бўлса-да, 80-йилларда бу нуктаи назарнинг ўзгариб, А.Қаххор миллий истиклолга қарши бўлган дегувчи тарздаги ифодалари ҳам пайдо бўлди⁶².

Ҳар қайси мунаққид ўз дунёқарашини, ҳаётни тушуниши ва яшаган давр нуктаи назаридан асарга баҳо беришга интилади. Шу боис А.Қаххор ижодини чуқур ўрганган М.Қўшжонов таҳлиллари бошқача, О.Шарафиддинов талқинлари бошқача. М.Қўшжонов "Абдулла Қаххор маҳорати" китобида "Сароб"ни адашганлар фожиаси деб айтса, О.Шарафиддинов кейинчалик уни худбинлиқнинг емирилишига бағишланган асар деб баҳолайди⁶³.

Адабиётшунос Мирзахмад Олимов эса "Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси" монографиясида ҳали ўзбек адабиётида бу қадар психологик тасвирга бой асар яратилмаган деган фикрни илгари суради⁶⁴.

Ўзбек танкидчилигида бундай мунозаралар 40-йилларнинг аввалида ҳам давом этди. Буни 1941 йил 19-20 февраль кунлари "Қутлуг қон" романи юзасидан ўтказиладиган бахсда қўриш мумкин. Социалистик реализмнинг талаблари жихатидан унга айрим бирёклама баҳо бериш

⁶² Раҳмон Қўчқор. Уч сароб // Ёшлик. 1994. № 4.

⁶³ Шарафиддинов О. Абдулла Қаххор. Т., 1988.

⁶⁴ Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. Т., 1994.

холлари, Петров образини чуқурлаштириш зарурлиги ҳақида айрим фикрлар айтилган бўлса-да, шу нуктада Ойбек даҳосини намоён этгувчи бир адабий фактга дуч келамиз. Адиб асарга Петров образини киритишни деярли мақсад қилиб қўймаган, фақат айрим мунаққидлар қистови, давр сиёсатининг таъйиқи туфайлигина уни романга киритишга мажбур бўлган экан. Адабиётшунос Н.Каримовнинг бу аниқлови "Қутлуг қон" романининг асл моҳиятини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга, албатта. Юқоридаги баҳсдаёқ роман ҳақли равишда ўзбек адабиётининг етук намунаси сифатида баҳо олади.

Адабиётнинг ривожланиш йўллари тўғри тушуниш ва унинг ходисаларига тўғри баҳо бериш учун адабиётнинг санъат сифатидаги ўзига хослигини етарлича англаб етмаслик холлари бу даврдаги мақолаларда давом этиб турди. Фитрат ижодини баҳолашда жиддий хатоларга йўл қўйган Ҳ.Олимжон мақолаларидан бири номини "Адабиётни англамасликка қарши" деб атаган бўлса-да, бу мақолада ҳам бадий адабиётга мафкура нуктаи назаридан қараш давом этди. Лекин, энг асосийси, у шу вақтда тарқалган назарий хатолардан бирига зарба беришга интилди. "Марксизм никоби остида меньшевизм" мақоласида у, асосан А.Саъдийнинг "Адабиёт масалалари ва улуг октябрдан кейинги ўзбек адабиёти" деган китоби юзасидан фикр юритади. Мақола номидан кўриниб турганидек, Ҳ.Олимжон ўзбек танкидида марксистик йўлни мустаҳкамлашга ҳаракат қилди, айни вақтда, А.Саъдийнинг айрим масалаларга оид вульгар социологик қарашларини кескин танқид этди.

Ўзбек танкидида вульгар социологизмга берилган дастлабки қучли зарбалардан бири Отажон Ҳошим ёзган "Ўзбек шўро адабиётининг бир неча ижодий масалалари" номи рисоласида ҳам кузатилиши мумкин. Бу рисолада унинг санъат ва адабиёт мафкура тури эканини, шунга кўра адабиётнинг тараккиёт жараёнлари ва бу жараённинг ўзига хос равишда кечиши табиийлигини англай олган тадқиқотчи сифатидаги фазилатлари ҳам намоён бўлди. Унинг фикрича, бадий адабиётда яланғоч ваъжонликка берилиш, фикрни қуруқ, декларатив шаклда баён этиш ярамайди. Баъзи шоирлар ва ҳатто танқидчилар бунга аҳамият бермай қўйишди. Хусусан, вульгар социологизм таъсиридан қутула олмаётганларга адабиётда воқелик нисбатан бошқача ёритилишини тушунтириб бериш лозим. О.Ҳошимовнинг қарашли шуки, ёзувчи асарни истаган мавзуда ёзиши мумкин. Бу борада танқидчи ҳукм чиқариши бемаъниликдир. Муҳими, замон билан алоқа ижодкор диққат марказида турмоғи керак. Рисолада ўзбек танқидчилигининг ўша даврдаги аҳволи, вазифалари, айрим ғоявий-методологик хатолари ва бошқа қирралари ўз таҳлилини топади.

30-йилларда социалистик реализм ҳақида рус танқидчилигида айтилган фикрлар ўзбек танкидига айнан қўчира бошланганини юқорида таъкидлаган эдик. 1932 йили "Литературная газета"да "Социалистик

реализмни эгаллаш йўлида" деган мақола эълон қилинди. А.Фадеевнинг бу мақоладаги мулоҳазалари ўзбек танқидчилигига ҳам дарҳол қўчиб ўтди. Ҳ.Олимжон Уйғун билан ҳамкорликда ёзган "Социалистик реализмни эгаллаш йўлида" мақоласида ўзбек адабиётдаги айрим ютуқларни кўрсатишга ҳаракат қилинган бўлса-да, улар буни социалистик реализм методи билан боғланиши ҳато эди, албатта, ва иккинчи томондан, ягона шу ижодий методнинг тарғиб қилинишига кўра назарий жиҳатдан бугунги кунда янглиш эди. Лекин бу мақоланинг муайян аҳамияти ҳам йўқ эмас эди. Унда реализм ҳақидаги тушунча бошқа ҳамкасбларга нисбатан анчагина чуқур ва етарлича ёрқин. Бугунги илмий нуктаи назардан нотўғри фикрлар ҳам мавжуд эса-да, унда жами адабий методлар ичида реалистик методнинг мумтоз ва муҳим ўрин тутиши, шунингдек, реализмнинг қандай йўсинда камол топиши, унинг шартлари тўғрисидаги фикрлар ўз аҳамиятига эга эди.

Адабий танқидда қатор назарий масалаларни қўтариб чиққан Ойбек "Сўнгги йилларда ўзбек поэзияси", "Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-йиқитчиликка қарши ўт очайлик" каби мақолалари билан 30-йиллар адабий танқид тараккиётига салмоқли таъсир кўрсатди.

С.Хусайн "Ўтган кунлар" романига бағишланган китобида дунёқараш ва синфийлик муаммоларида жиддий хатоларга йўл қўйди ва бундай асар бизга керак эмас, деб ниҳоятда янглиш хулоса чиқарди.

"Фитратнинг адабий фаолияти тўғрисида"ги Ҳ.Олимжон мақоласида ҳам давр мафкурасининг қучли таъйиқи сезилиб туради. Буюк адиб Фитратнинг миллатпарварлик ва истисно руҳидаги асарлари ҳато баҳоляниши сабаби шундан.

Ойбекнинг "Абдулла Қодирийнинг ижод йўли" китобида мафкуравий зугум таъсиридан келиб чиққан мажбурийлик туфайли айтилган айрим бирёклама фикрларни ҳисобга олмаганда, Абдулла Қодирийнинг романнавислик маҳоратига ва ўзбек адабиётдаги улкан ўрнига юқори баҳо берилди.

Бу давр ижобий ходисаларидан бири замонвий адабиёт тарихини яратишдаги ҳаракатларда кўринди. Ойбекнинг А.Қодирий ҳақидаги монографияси бу йўлдаги илк кадамлардан бири бўлди.

30-йилларда эришилган принципал ютуқлар "Ижодий ўсиш йўлида", "Ўн беш йил ичида ўзбек адабиёти" (1939) номи мақолалар тўпламида намоён бўлди, дейиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек адабий танқиди тарихида 30-йиллар алоҳида ўрин тутди. Унинг ютуқлари билан бирга камчиликлари ҳам кўп эди. Танқид соҳасига янги, ёш қучлар кириб келди. Ижодий фаоллик ўсди. Адабий-тарихий жараён кўпгина муҳим назарий масалалар билан алоқадорликда ўрганила бошланди. Афсуски, 30-йиллар Қодирий, Фитрат, Чўлпон, У.Носир ва бошқаларнинг қатағон этилиши натижасида бутун адабиёт қатта йўқотишларга учраганидек, В.Маҳмуд, О.Ҳошим, С.Хусайн,

танкидчиликда фаол иштирок эта бошлаган Элбек, Ботуларнинг катагонга учраши боис танкидда ҳам жиддий йўқотишлар рўй берди. Шунга карамай, адабий танкид вульгар социологик характердаги кўпгина назарий хатолардан қутулишга интилди. Буларнинг барчасидан қатъий назар, адабий танкид ўзининг бош йўналишида бутунлай партиянинг қолипидagi йўлидан юришда давом этди, адабиётнинг партиявийлиги учун курашиш ўзининг бурчидир деб билди.

ОТАЖОН ҲОШИМ (1905-1937). Ижодининг ўрганилиши. 30-йилларда шахсга сизғиниш қурбонлари бўлган фан ва маданият арбоблари орасида Ўзбекистон Фанлар Комитетининг биринчи раиси, Тил ва адабиёт институтининг биринчи директори Отажон Ҳошимнинг ўзбек танкидчилиги тарихида ўз ўрни бор. "У Ғафур Ғуломдан икки ёш кичик, Абдулла Қаҳҳордан икки ёш улуғ, Ойбекка тенгдош эди. Шу дўстлари билан бир сафда 20-йилларнинг ўрталарида адабиётга кириб келган ва илк мақолалари билан жамоатчиликнинг эътиборини қозонган эди. Бу мақолалар, ёш бўлишига карамай, Отажоннинг билими чуқур, мулоҳазаси бакуват, фикри дадил, қалами ўткирлигидан далолат беради"⁶⁵, деб ёзади Озод Шарафиддинов. Адабиёт ихлосмандлари унинг мақолаларини ахтариб ўқийдиган бўлишган, ижодкорлар янги асар ёзсалар, унинг фикрини билишга ошиққанлар. Бу мақолалар китобхонларни қизғин бахсларга чорлаб турган. О.Ҳошим ўзбек адабиётининг келажаги учун қайғурган етук арбоб, ёш истеъдод эгаларининг ўсишига ғамхўрлик қилган, адабий жараёнга таъсир кўрсатадиган мунаққид сифатида танилган эди.

Шуниси борки, катагонга учраган ёзувчиларга ўхшаб, бошига шу қисмат тушган танкидчиларга ҳам узок йиллар давомида миллат ва халқ душмани сифатида қараб келинди. Лекин ҳақиқат барибир юзага чиқар, деганлари рост экан. О.Ҳошим ижоди ҳақида дастлаб дадиллик билан ёзилган мақола Ҳ. Ёқубов қаламига мансуб бўлиб, у ("ЎТА", 1975, № 3) мунаққид тутилганига 70 йил тўлиши муносабати билан эълон қилинди. Мақолада О.Ҳошим ҳаёти, асарлари ҳақида умумий фикр юритилади ва давр нуктаи назаридан асарларига баҳо берилади. Ш.Турдиевнинг "Фанимиз захматкашлари" ("ЎТА", 1990, №3) руқни остидаги қисқагина бир мақоласида олим биографияси ва ижодига доир айрим янги маълумотлар келтирилди. Ёш олим И.Ёқубовнинг "Отажон Ҳошимнинг илк танкидий мақоласи" сарлавҳали ишида ("ЎТА", 1992, № 3-4) мунаққиднинг кино санъатига бағишланган "Яна бир муваффақият" деб номланган мақоласи таҳлил қилинади. Журналнинг 1995 йилги 1-сонидa шу муаллифнинг "Метод"ни англашда О.Ҳошимов позицияси" номли мақоласи босилди. И.Ёқубов бу олим ижоди ҳақида номзодлик диссертациясини ҳам ёклади. "Истиклол фидойилари" сериясида Озод

Шарафиддиновнинг "Отажон Ҳошимов шахсияти, тақдири, ижоди (ҳаётий лавҳалар, ҳужжатлар, ривоятлар)" деб номланган рисоласи (1993) нашр этилди. И.Ёқубов тадқиқоти асосида жияни Ж.Қосимов ёрдамида О.Ҳошимнинг тўлиқ таржимаи ҳоли тикланди. О.Ҳошим таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш муносабати билан вақтли матбуотда қатор мақолалар эълон қилинди (1994), унга бағишлаб илмий-назарий анжуман ўтказилди. Худди шундай тадбирлар олимнинг 100 йиллиги муносабати билан 2005 йилда ҳам бўлиб ўтди. Бу элнинг, юртнинг шўро даврида ноҳақ қораланган ўз фарзандларига нисбатан Истиклол даврига келиб кўрсатаётган юксак ҳурматидан ёрқин нишонадир.

Ҳаёт йўли ва адабий танкидий мероси. О.Ҳошим 1905 йили Тошкентда дехкон оиласида туғилди. Аввал диний мактабда, сўнг 2 йил рус-тузем мактабидa ўқиган. Тошкентдаги янги шўро мактабидa (1918-21), Москвадаги Қизил профессорлар институтининг ишчилар факультетидa (1922-24) таҳсил олиб, Ўзбекистонга қайтгач, Фанлар Қўмитаси раиси бўлиб ишлади. Самарқандда Ўзбекистон педагогикасини ташкил этишда қатнашди. У мамлакатнинг қайси марказий ўқув юртига жалб этилмасин, доим ташаббус билан меҳнат қилди. Санкт-Петербург (Ленинград)да Фанлар академияси қошидаги Шарқшунослик институти аспирантурасида ўқиб (1929-33), ишлади, академик А.Самойлович раҳбарлигида илмий иш олиб борди. У ерга Ўрта Осиёдан борган ёш мутахассисларга ғамхўрлик қилди.

Ўзбекистон Фанлар Комитети раиси, Тил ва адабиёт институти директори (1934-1937), Ўзбекистон Ёзувчилар союзида раҳбарлик лавозимларида ишлади. Аммо шўролар ўзбек олимларининг олдинги сафидa бўлган, мустақил фикрловчи О.Ҳошимовни ҳам истибдод қурбонига айлантирди. Кўп йиллар мобайнида унинг номи адабиёт тарихидан ўчириб ташланди, асарларини ўрганиш у ёқда турсин, тилга олиш ҳам тақиқланди. Фақат ярим аср ўтгандан кейин адолат тикланиб, Ҳақиқат рўёбга чиқа бошлади. О.Ҳошимов номи ва илмий мероси Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Боту, Усмон Носир каби ижодкорлар қатори халқимизга қайтарилди. "Лоақал биргина фактнинг ўзи-шу пайтга қадар Отажон Ҳошимовнинг танланган асарлари нашр этилмагани бизнинг бу ажойиб инсон олдидаги қарзимиз нечоғлик қатта эканини кўрсатади"-деб қуйиниб ёзганди Озод Шарафиддинов 1993 йили.

О.Ҳошимовдан рисола, мақола ва тақризлардан иборат бой ва ранг-баранг илмий мерос қолди. Улар ўз даври адабий жараёнида маълум роль ўйнаган, даврнинг долзарб масалаларига бағишланган, давр адабий-танкидий қарашларидаги ютуқларга таяниб яратилган. Лекин нафсилабрини айтганда, бу мақола ва рисоалардаги ғоялар, назарий умумлашмалар, кузатишларнинг ҳаммаси ҳам шафқатсиз вақт синовида бардош беролгани йўқ. Бироқ бундан қатъий назар уларни ўз даврининг махсули сифатида ўрганиш, тарихий жараён натижалари сифатида баҳо

⁶⁵ Шарафиддинов О. Чўлпон. М.Чўқай. Т. 1994. - Б. 98.

бериш илмнинг вазифасидир. Шу маънода О.Ҳошимнинг илмий-танкидий мероси бугунги кунда, биринчидан, адабиёт ва танкид тарихи босиб ўтган йўлни билиш ҳамда бугундаги даражага етиб келувидаги мураккаб жараёни ўрганиш учун; иккинчидан, бу мақолалар О.Ҳошим ҳаёти, ижоди ҳақида изчил, илмий маълумот бериши учун; нихоят, учинчидан, ҳозирги Истиклолга муносиб озод ва хур тафаккуримиз ўз-ўзидан келмаганини, унинг сарчашмаларида О.Ҳошим сингари фидойиларимиз бўлганини аниқлаш ва уларнинг кадрига етиш учун муҳимдир.

О.Ҳошим илмий мероси ўзбек адабиётшунослиги ва танкидчилиги тарихининг таркибий қисмини ташкил этади. У ўз даврининг етук, билимдон зиёлиси, калами ўткир жамоатчи инсон сифатида юксак обрўга эга эди. Буни унинг замондошлари хотира ва мақолаларида қайта-қайта таъкидлашган.

О.Ҳошимнинг матбуотда босилган биринчи мақоласи соф фалсафий муаммоларга бағишланган эди. 20-йилларнинг иккинчи ярмида турли доираларда кино масалалари, уларни баҳолаш тадбирлари кўриб чиқилди. 1925-27-йилларда "Чочвон", "Равот кашкирлари", "Мохов киз", "Бахт куёши" каби биринчи ўзбек фильмлари суратга олинди. 1926 йилда Л.Сайфуллинанинг "Иккинчи хотин" хикояси асосида суратга олинган шу номдаги фильмни муҳокама қилишга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Москвадаги "Қизил профессорлар институти" толиби О.Ҳошим ҳам қатнашди, ўз фикрларини "Яна бир муваффақият" номли кичик тақризда ёритди. Тақриз унинг адабий-танкидий фаолиятига дебюта бўлди, унда шарқона ҳаёт табиат манзаралари билан боғлаб ёритилганини, бу эса кинога жонли руҳ бағишлаганлигини тўғри қайд этади. Тақриз камчилиги шундаки, унда фильм пролетариат мафкураси нуқтаи назаридан баҳоланади. Лекин тақризда "Ёш олимнинг ўз халқи "яхшисини ошириб, ёмонини яшириб" тасвирлашга қилган даъвати унинг миллат тақдирига дахлдор шахс эканлиги нишонасидир"⁶⁶. О.Ҳошимов 30-йилларда Фанлар комитетининг раҳбарларидан бири сифатида кучли ташкилотчилик қobiliяти борлигини намойиш этди. Буни унинг "Фан ва турмуш" журналинини ташкил қилишдаги ташаббуси ва унинг муаллифларидан бўлганлиги, 1934 йилда Тил ва адабиёт институтини ташкил қилишда бошқош бўлганлиги ва 1937 йилнинг августига қадар шу институт директори вазифасида самарали ишлаганлигида кўриш мумкин. Унинг илм-фан бобидаги ташкилотчилиги ва жонкуярлиги жуда қисқа муддат мобайнида институтга ўша пайтдаги энг етук адабиётшунос ва тилшунос кучларни жамлаб олганлигида ҳам кўринади. Булар орасида Абдурауф Фитрат, Ғози Олим, Миёнбузрук, Ойбек, Ҳ.Ёкубов, Ҳ.Олимжон, Уйғун, Яхё Ғулом, Ҳоди Зариф, Иззат Султон, Буюк Каримов, Фахри Камол каби олимлар бор эди.

О.Ҳошим Фитратнинг "Ўзбек адабиётидан намуналар" хрестоматия - мажмуасига "Сўзбоши" ёзиб, шу вақтгача кенг жамоатчилик оммаси қўлида бўлмаган мумтоз адабиёт намуналарининг халқ қўлига етказилишини миллат маданияти раёнақидаги муҳим иш деб баҳолади. Бунинг учун Ж.Бойбўлатов Фитратни ҳам, О.Ҳошимни ҳам қаттиқ танкид қилди ҳамда салкам миллатчи ва деярли пантуркистга чиқарди. Лекин О.Ҳошим бунга қарши қигатой адабиётининг атрофлича ўрганишга, уни танкидий ва ижодий ўзлаштиришга қайта-қайта даъват этади. Шу тарзда О.Ҳошим маданий меросни химоя қилиб чиқишдек оғир ишни қатта жасорат билан зиммасига олди. Ўнлаб мақолаларида ўзбек халқининг бой меросини сақлаб қолиш учун, уни халққа қайтариш учун курашди.

Адабий жараён ва янги адабиётга муносабати. О.Ҳошим кўпгина мақолаларида мустақил фикрлашга интилан бўлса-да, ўша даврнинг ҳукмрон қолипларини ёриб чиқиб кетолмади. Айниқса, санъат ва адабиётни баҳолашдаги бош меъёр масаласида О.Ҳошим тўлагигача ўша давр догматларининг таъсирида бўлди. Бу, яна тақрор айтамин, фақат О.Ҳошим нуксони эмас, ўша даврдаги барча адабиётшуносларнинг ҳам умумий нуксони эди. Шу боисдан у ўша даврдаги асарларидаги кўпгина тўғри мулоҳазаларини олға суриш, ёрқин, теран кузатишларни баён қилиш билан бирга, ўтмиш адабий ходисаларини баҳолашда "синфийлик" ўлчовидан узоклаша олмади. Масалан, "Шўро адабиётининг бир неча ижодий масалалари" деган рисоласида ўзбек шеъриятида пейзаж тасвирининг "синфий" негизини шундай очади. "Ўзбек шўро ёзувчи-шоирлари ўз асарларидан табиат кўринишларига хурсандчилик билан қарайдилар, қарашлари, ҳислари, туйғулари, масалан, Чўлпонда бўлганидек, бадбинлик, қайғу билан сўғорилмагандир". Тўғри, табиат тасвирини шўроларнинг "ура-ура"сига бўйсундириш ҳам, истиқлол руҳидаги дардларга ҳам бўйсундириш мумкин. Бу ерда гап - О.Ҳошим позицияси табиат тасвиридаги шўровийликка ён босиши жиҳатидан чекланган ва бир ёқлама эди. Аслида, у Чўлпон шахсиятига, ижодига чуқур эҳтиром билан қараганлигини замондошлари хотирасидан билиб олиш мумкин.

О.Ҳошим замонавий адабиёт ҳақида гапирганида унинг бадиий юксаклиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги учун қайғуради, асарларнинг баркамол бўлишига йўл қўймаётган нуксонларни тўғри очади. "Ғоявийлик" никоби остида томир ёяётган схематизмга, мавзу долзарблиги билан асар заифлигини ҳаспўшлашга уринувчиларни танкид қилади. Мавзунинг юзаки ёритилишини қоралаб чиқади.

О.Ҳошим шеърларда "темир, пўлат ва шунга ўхшашлар" кўпайиб кетганини ҳамда уларни яратаётган одамлар кўринмаслигини кескин қоралайди, "пролетар ёзувчиси" бўлмоқ учун бунақа нарсаларни асарга киритиш шарт эмаслигини уқтиради. У адабиётдаги жиддий нуксондан бирини "шиорийликда" кўради. Буни йўқотиш керак, деб ҳисоблайди.

⁶⁶ Ёкубов И. Методни аниқлашда О.Ҳошимов позицияси// ЎТА. 1995. № 1. - Б. 26.

Бунга ўхшаш нуқсонларнинг илдири эса ҳаётни чуқур билмасликда деб ҳулоса чиқаради. Кўринадики, О.Ҳошимов замонавий адабий жараёни чуқур тушунган, ундаги ижобий, салбий тамойилларни аниқ идрок этган, адабиётнинг ўсишига ҳалақит бераётган нуқсонларни тўғри белгилай олган эди.

30-йилларда О.Ҳошим ижоди янада ривожланди. Ўзбек адабий танқидчилигидаги вульгар социологик камчиликларни кўрсатган мунаққидлардан бири О.Ҳошим бўлди. Бу ҳол "Ўзбек шўро адабиётининг бир неча ижодий масалалари" номли рисолада аниқ кўзга ташланади.

О.Ҳошимнинг ҳаётни "китоб, журнал, газеталардан эмас, турмушнинг ўзидан ўрганув керак. Чунки конкрет турмуш мақолаларда, китобларда ёзилганидан мураккаброк, конкретроқ турли-туманроқдир. Конкрет турмушимизни билиш ҳам ўрганиш билангина уни турли томонлардан, биринчи қарашда таҳлилсиз кўринмай турган томонларидан чуқурроқ бадий акс этув мумкиндир" деган фикрлари ўз даври учун бўлганидек, ҳозир ҳам юксак қадрини йўқотмай келяпти. Мунаққид адабиётнинг ҳаёт билан алоқаси аҳамиятини қайта-қайта таъкидлайди.

Рисолада санъат ва адабиёт социализм қурилиши билан боғлиқликда текширилса-да, бу қурилишни мунаққид фақат ва буткул сиёсий мундарижада эмас, умуман, ҳаёт, турмуш инсоннинг меҳнат билан алоқадорлиги тарзида талқин этилганини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Лекин, партиявий раҳбарлик адабиётнинг синфийлиги масалаларида муносабатда эса, у тамоман давр ва тузум доирасидан чиқолмади. Шунга қарамай, мазкур рисола 30-йиллар бадий тафаккурини чуқурлаштириш ишига муносиб ҳисса қўша олди.

О.Ҳошим ўзбек фольклорини тўплаш ва ўрганиш ишига ҳам раҳбарлик қилди, унинг чуқур, халқчил моҳиятини очиқ берувчи мақолалар ёзди.

1937 йилда А.Пушкин вафотининг 100 йиллигини нишонлаш ишларига бош-кош бўлди, "Евгений Онегин" романининг таржимаси хусусида каттагина мақола ёзди. У ҳақда О.Ҳошим ва Ойбек таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан Н.Каримов ёзади: "Ўзбек маданиятининг 20-йилларида жўш ура бошлаган икки булоғи О.Ҳошим ва Ойбекдир. Уларни ўзаро боғловчи ҳаёт ва ижод ришталари оз эмас. Улар ёш жихатдан ҳам, истеъдод жихатдан ҳам, билим бойлиги ва меҳнатсеварлик нуктаи назаридан ҳам бир-биридан олисда эмас эдилар.

"Евгений Онегин"ни таржима қилишдан аввал икки масалани ҳал қилиш зарур эди. Бири-асарни қайси йўл билан; эркин ё сўзма-сўз таржима йўли билан ўгириш бўлса, иккинчиси-қайси вазн билан ағдариш муаммоси эди. Ойбек бу муаммоларни ечишда ўзи ҳурмат қилган икки кишининг фикрига қулоқ солди. Буларнинг бири Чўлпон бўлса, бири О.Ҳошим эди. Ойбек ҳам, О.Ҳошим ҳам зукко ижодкорлар сифатида

Пушкин асарларини теран ҳис этиб ва таржима қилибгина қолмай, балки айни пайтда ўзбек таржима санъатига пойдевор ҳам қўя билдилар⁶⁷.

О.Ҳошим Евгений Онегиндан бошқа бадий ва илмий асарлар таржимаси билан ҳам қизиқди. У Буюк Каримов, С.Паластров билан бирга Ғайратий, Ойбек, Шайхзода шеърларининг рус тилига қилинган таржималари ҳақида, уларнинг аслиятга қанчалик яқинлиги тўғрисида махсус мақола ёзди.

О.Ҳошим Ўзбекистонда фан ва техника ривожини ташкил этишдаги хизматлари ҳам эътиборга муносиб. У 1937 йил май ойида чакирилган Республика олимлари биринчи Курултойининг ташаббускори эди. Афсуски, талантли олим илмий ташкилотчилик ва тадқиқотчилик фаолияти айни гуллаган пайтда катагонга учради. Бироқ "адабиётимиз осмонда унинг ҳам юлдузи милтиллаб ёниб турибди" (Озод Шарафиддинов).

Ҳулоса қилиб айтганда, 20-йиллар иккинчи ярми ва 30-йиллар биринчи ярмида фаолият олиб борган О.Ҳошим ўзбек маданияти ва адабиётшунослик илми шаклланиши ва равнақида кўзга кўринарли ўринни эгаллайди, илмий асарлари, мақолалари ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги тараққиётида кечган маълум бир босқични акс эттиради. О.Ҳошим ўз асарларида адабиётимиз тарихида муайян роль ўйнаган, ўзига хос тафаккурга эга сиймолардан биридир. У ҳақда жумҳуриятимиздаги "Машхур кишилар" руҳини остида асарлар ёзиб, хотирасини абадийлаштириш ўринлидир.

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда адабий танқид. Бу даврда Ўзбекистон ҳаётидаги ижтимоий - иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий ва маърифий йўналишдаги барча ишлар ғалаба мақсадларига буйсундирилди. Ҳар бир миллий республикада Ватанини улуғлаш ва фашизмни қош этиш бадий адабиётнинг бош мавзусига айланди. Адабий танқид ҳам бор кучини ана шу йўналишдаги асарлар таҳлилига қаратди. Уруш туфайли собиқ Иттифок ичкарисидаги эвакуация қилинган олимлар бу йилларда республикамизда турли фанлар, шу жумладан, филология ва шарқшунослик фанлари ривожига катта ҳисса қўшдилар. Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг филология ва шарқ факультетларида етук мутахассислар дарс бердилар, натижадорли ёшларни етиштиришга муносиб ҳисса қўшдилар. 1943 йилда Ўзбекистонда Фанлар Академияси ташкил этилиши республикада адабиётшунослик фани ривожининг жадаллашувига таъсир кўрсатмай қолмади. Адиблар урушнинг илк кунларидаёқ инсонпарварлик ва она Ватанга муҳаббат руҳи билан йўғрилган қалб сўзларини эълон қилдилар.

⁶⁷ Каримов Н. Икки дарға // "Гулистон". 1990, № 9 - Б.24

Уруш даврида ўзбек адабиёти ўз тарихий тараққиёт йўлида янги босқичга кўтарилди. Бу даврга келиб, у кенг миқёсларга чиқди. Ўзбек адабларининг асарларини татар, озарбайжон, козоқ, украин, белорус, рус ва бошқа тилларга ўгириш фаоллашди. Бу борада Н.Ивашев, С.Сомова, С.Липкин, М. Салье, Л.Пеньковский, В.Липко ва бошқалар баракали меҳнат қилдилар. С. Айний, Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор, Уйғун, Миртемир, М.Шайхзодаларнинг салмоқли асарлари дунёга келди. Замоновий асарлар қаторида тарихий асарларга эътибор қучайди.

Даврга монанд бадий образлар тизимида ўзгариш, янгиланиш вужудга келди. Бу даврда Она, Ота, Фарзанд, жангчи, ёр, тарихий Ватан образлари талқини янада бойиди. Уруш, айниқса, муҳаббат ва садокат мавзулари моҳиятини чуқурлаштирди. Бу янгиланишлар танкид эътиборидан четда қолмади. 1943 йил декабрида Москвада ўзбек адабиёти ва санъати кунлари бўлиб ўтди. Ҳ.Олимжон, Ойбек, И.Султоновларнинг "Ўзбек халқининг адабиёти", "Ўзбек адабиёти", "Қатта имтиҳон" сингари мақолаларида, бир томондан, босиб ўтилган йўлга қисқача якун ясалди, иккинчи томондан, ўзбек адабиётининг уруш давридаги аҳволи таҳлил этилди.

Танкид бу даврдаги бадий асарларга, айниқса, ҳаётга таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан эътибор беришга интилди. Яна ёзувчи ва шоирларнинг ўзлари мунаққид сифатида майдонга чиқдилар. Ҳ.Олимжон, Ойбек, Ғ.Ғулом, Яшин, Шайхзода, Уйғун билан бир сафда З.Дийёр, А.Умарий, Шухрат, Ҳ.Ғулом сингари янги авлод вакиллари ҳам адабий жараёнда фаол иштирок эта бошладилар.

Бу даврда, айниқса, драматургияга эътибор ортди. 1943-44- йилларда "Муқанна" (Ҳ.Олимжон), "Жалолiddин Мангуберди" (Шайхзода), "Маҳмуд Торобий" (Ойбек), "Она" (Уйғун), "Алпомиш" (С.Абдулла), "Қалтис ҳазил" (Уйғун), "Офтобхон" (Яшин), "Алишер Навоий" (Уйғун, Иззат Султон) драмаларида халқ орзулари кўринди. Танкидчилик бу асарларга тезкорлик билан тақризлар ёзди, мақолаларда таҳлил этишга интилди. Чунончи, М. Шайхзода "Ўзбекистон қиличи" драмасига бағишланган тақриз ёзди. Тақриз адабий жараёнга, санъаткорларга кўрсатажак илмий-эстетик таъсир кучи билангина эмас, шу асар таҳлили мисолида бевосита ҳаётга, халққа, фронтдаги жангчиларга кўрсатувчи таъсир кучи билан ҳам қимматли эди. Бу уруш даври ўзбек танкидчилигидаги тезкорлик, жанговарлик, амалий аҳамиятининг муштарак кўринишлари эди.

Уруш давридаги драматик асарлар таҳлил этилган гўзал ишлардан бири Ойбек ва Ғ.Ғулом ҳамкорлиқда ёзган "Жалолiddин" драмаси ҳақида" деган асаридир. "Жалолiddин"нинг саҳналаштириши муносабати билан тақриз жанрида ёзилган бўлишига қарамай, драматургия, хусусан, тарихий жанрдаги драманинг бир қатор муҳим муаммоларини кўтариб чиқиши жиҳатидан, наинки уруш даври танкидчилиги, балки, умуман, ўзбек

танкиди тарихида муҳим аҳамиятга эгадир. "Ватан ўғилларининг эрк, муштақиллик, номус ва шараф учун бошлаган кураши ёрқин маънодор драматизм билан тўла ҳаяжонли картиналарда гавдаланади". Бу фикр билан муаллифлар тарихий драманинг асосий қимматини, замонавий моҳияти ва аҳамиятини белгилаб берадилар.

"Муқанна" драмасини ўзбек танкидчилиги билан бир қаторда, атоқли рус адаблари ва мунаққидлари ҳам юқори баҳоладилар. "Халқ йўлбошчиси Муқанна ва ўзбек халқининг ўзига хос Жанна д.Арка бўлмиш Гулойин образи Ҳ.Олимжоннинг қатта бадий ютуғидир", деган эди А.Фадеев. Тарихнавис адиб В.Ян эса, асарни етук миллий трагедиялардан бири сифатида баҳолайди.

Ўзбек адабиётининг гултож асарларидан бири "Навоий" романи яратилиши муносабати билан кенг муҳокамалар бошланиб кетди. 1945 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида роман атрофида муҳокама қилинди. Асар ҳақида маъруза қилган Е.Э.Бертельс унга юқори баҳо берди. М.Шайхзода романга бағишлаб "Тирик Алишер" деб номланган тақризини эълон қилди, уни ўзбек насрининг шу давргача яратилган энг муваффақиятли асарларидан бири сифатида баҳолади. Бироқ қатагоннинг иккинчи босқичи—1950 йиллар арафасида танкидда миллатчиликнинг янги аломатларини излаш, адабиётда партиявийлик ва ғоявийлик талабларининг ўта сўллашиб кетиши оқибатида кунни кеча берилган юксак баҳолардан қайтиб, унинг ҳатто Давлат мукофотида сазовор бўлганига эътибор бермай, "Навоий" романини зўрама-зўраки равишда "фос" этиш, танкид қилиш ҳоллари рўй берди. У ҳақда турли савиядаги танкидий фикрлар айтилди, асоссиз танкид қилинди (Б.Файзиев мақоласи). 40-йиллар охирида айтилган айрим бирёқлама фикрлар 50-йилларнинг ўрталаригача ҳукм сурди. 60-йилларга келиб танкиддаги бу камчиликлар бартараф этилди. Бу борада М.Қўшжонов тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Уруш йиллари танкидига хос яна бир фазилат шуки, адабий танкиднинг ёзма шакли билан ёнма-ён оғзаки шакли ўсиб борди. Давр тезкорлик, ҳозиржавоблик ва жадалликни талаб қилди: баҳслар, мунозаралар, жонли фикр олишувлар адабиёт ва театр ривожидида муҳим аҳамият касб этди.

Уруш давридаги иктисодий қийинчиликлар боис матбуот ва нашр ишларидаги чекланиш туфайли бу йилларда танкидий мақолаларнинг босма шаклидаги кўринишлари ўрнига адабий танкид оғзаки, муҳокама тарзидаги шакллар билан тўлдиришга интилди. Уруш даврида фольклор намуналари тадқиқ этилган қатор ишлар дунёга келди. Атоқли фольклоршунос олим Ҳ. Зариповнинг "Ўзбек фольклориди қаҳрамонлик ва ватанпарварлик" мақоласи бунга мисол бўлади. Уруш даврида фольклор асарларини ўрганишда, бир тарафдан, соф филологик мақсадлар назарда тутилди, иккинчи тарафдан эса, фольклор намуналарини ўрганиш ва ташвиқ этиш бу йилларда даврнинг асосий руҳи ва мақсадларига

уйғунлаштирилди. Учинчидан, фольклор замонавий ижодкорларга тарихий Ватан ўғлонларининг қахрамон қиёфасини яратиш, асарлар халқчил фазилатларини теранлаштириш, чуқурлаштиришда ўзига хос таъсир кучига эга эди. Халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганган ўзбек фольклоршунослиги ва танкиди мана шу уч фазилатни намойиш қилиш орқали бу даврда замон билан ҳамқадам боришга интилди, замонавийлик учун кураш олиб борди. М.Шайхзода Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган "Ширин ва Шакар" достонига битган сўз боши-мақоласида достоннинг замонавий аҳамиятини очиб берди.

Адабий танкид оғир шароитларга қарамай, зиммасидаги вазифаларни бажарди. Бу даврда муаммоли мақолалар, умумлаштирувчи тадқиқотлар нисбатан озайди, лекин тақриз фаоллашди. Тўғри, танкидчилик баъзан асарни пафос, мазмун, ғоя, ҳозиржавоблик нуктаи назаридан баҳолашга берилиб кетиб, бу масалалар асарнинг умумий бадиий фазилатлари, характер яратиш санъати сингари муаммолар билан чамбарчас боғланишда талкин этилмаган ҳолатлар ҳам бўлди.

Бу йилларда танкид ўзининг ҳозиржавоблик ва жанговарликда зоҳир бўлувчи фазилатларини намойиш қилди, бадиий асарларни тезкорлик билан таҳлил қила борди. Танкидчиликда публицистик рух аввалги йилларга нисбатан бир қадар юқори босқичга кўтарилди. Бу ҳол 1944 йилда чоп этилган "Армуғон" тўпламига киритилган "Оташин ватанпарвар ва талантили шоир" (Ойбек), "Қамолот босқичида" (И.Султон), "Ибн Сино ва янги фалсафа" (Е.Э.Бертельс), "Чамбил камали ҳақида" (Ҳамид Фулом) сингари мақолаларда давр руҳи акс этган. Ҳ.Фулом, масалан, майор Р.Абдурахмонов, сержант Мавлон Икром, старшина Н.Даврон, снайпер Ё.Икромов, лейтенант Маъруф Ҳаким шеърларини таҳлил қилса, Иззат Султон адабий танкид соҳасида кўзга кўринаётган кадрлар-О.Шарафиддинов, Ҳ.Ёкубов, Ю.Султонов ва бошқалар етишганини ёзади⁶⁸.

Урушдан кейин адабиёт ва санъатни ривожлантиришга махсус эътибор берилди, аммо бу иш "партия раҳнамолигида" олиб борилди. Партия эълон қилган қарорлар бадиий адабиётни ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган бўлса-да, моҳиятан, ва унинг доимо хурликка мойил қисматида салбий роль ўйнади. Бу даврда С.Айний, Ойбек, А.Қаҳҳор, Ойдин, П.Турсун каби адиблар бадиий ижодда янада фаоллашдилар, насрнинг деярли барча жанрларида хилма-хил асарлар вужудга келди. Наср автобиографик, мемуар характеридаги бадиий асарлар билан бойиди. Бу даврда ўзбек адабиётига, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Шукрулло, Р.Бобожон, кўп ўтмай, О.Ёкубов, П. Қодиров каби кўплаб янги ижодкор кучлар қўшилди. "Совет воқелиги" адабиётнинг асосий тасвир объекти бўлиб қолди. Тарихга мурожаат этиб ҳам замонавий асар яратиш

мумкинлигини ёзувчилар тушунар эди, бироқ адабиётни бошқарган баъзи раҳбарларнинг бу масалада бироз эсанкираши айрим танкидчиларга таъсир кўрсатди. Шу боис тарихга мурожаат баъзан замонавийликдан қочиш деб баҳоланди. Бу давр адабий танкидчилигида бадиий жиҳатдан анча бақувват асарларни камситган ҳолда бадиий жиҳатдан анча заиф асарларга, уларнинг фақат мазмуни, ғояси туфайли, коммунист образидаги баландпарвозликлар сабаб ортиқча баҳо бериш ҳоллари рўй берди. Шу даврдаги ана шундай қатор асарлар давлат муқофотида сазовор деб топилди ва ишга танкидчилик ҳам ўз ҳиссасини қўшди. 50-йилларнинг иккинчи ярмидан, хусусан, шахсга сиғиниш оқибатлари фош этилгандан бошлаб, урушдан кейинги дастлабки ўн йилликда йўл қўйилган жиддий нуқсонлар тузатила бошланди.

1949 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида танкид ва адабиётшунослик шўъбаси яна иш бошлади. Ёзувчилар уюшмасининг IY Пленумида (1950, 15 март) танкидни ривожлантириш масалалари махсус муҳокама қилинди. Танкидчиликда анча кучайган хато тамойиллардан, айниқса, иккитасига алоҳида тўхталиб ўтилди: "Булардан бири шуки, баъзи танкидчилар асарнинг ғоявий мазмунини чуқур текширмасдан, унинг бадиий формасига тегишли баҳо бермасдан фақат унинг мавзуи яхши бўлгани учун мактайдилар, асарнинг мундарижасини айтиб бериш билан кифояланадилар. Иккинчи зарарли ҳол шуки, баъзи танкидчилар асардаги яхши томонларнинг қадрига етмайдилар, унга тўғри баҳо бера олмайдилар, чуқур текширмасдан туриб сўкаверадилар, айрим камчиликларни топиб, уни юлиб олиб асарни бутунлай "остин-устун қилиб юборадилар"⁶⁹. Бадиий савияси заиф асарларни кескин танкид қила олиш намуналари кўринди. Масалан, И.Раҳимнинг "Ҳаёт булоқлари" романидаги жиддий нуқсонлар очиб ташланди, бепарволик иллатлари танкид қилинди.

А.Қаҳҳор "Бутуниттифок совет ёзувчилари иккинчи съездининг якунлари ва Ўзбекистон ёзувчиларининг вазифалари" ҳақидаги маърузасида қатор ёзувчиларнинг замон билан алоқалари кучли эмаслиги, бу ҳол уларга шу куннинг муаммоларига бағишланган чуқур мазмунли, бадиий гўзал асарлар яратишга ҳалакит бераётганини махсус таъкидлади.

1948 йилда Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилеи кенг нишонланиши муносабати билан қатор мақола, тўплам ва тадқиқотлар нашр этилди. Ўзбек адабиётшунослигида мумтоз меросни атрофлича ўрганиш ва текшириш ишларининг жонланди. С.Айний, Ойбек, Ғафур Гулом, Шайхзода, А.Саъдий, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, И.Султон, Ҳ.Ёкубов, Ғ.Каримов, Ҳоди Зариф каби ўзбек адабиёти тарихининг билимдонлари сафига А.Ҳайитметов, М. Юнусов, А.Қаюмов, Н.Маллаев, Х.Расулов, С.Қосимов, Ҳ. Раззоков, С.Азимов, Л.Қаюмов, Ҳ.Абдусаматов,

⁶⁸ Армуғон. Адабий-бадиий тўплам. -Т.: Уздавнашр, 1944, 179- бет.

⁶⁹ Ўзбек совет адабий танкиди тарихи. I- том. - Б.237.

С.Алиев, Т.Собиров каби истеъдодли кучлар келиб қўшилди. Улар ҳам мумтоз, ҳам замонавий адабиёт вакиллари ижоди ва муаммолар ҳақида тадқиқотлар яратдилар.

Атоқли санъаткорлар ижодига бағишланган адабий-биографик очерклар вужудга келди. Юсуф Сулгон, Ҳ.Ёкубов, Ҳ.Абдусаматов, С.Азимовнинг Ҳамза, Ғ.Ғулом, Ойбек, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор ижодига бағишланган тадқиқотлари шулар жумласига қиради. Давр адабий ҳаракатчилиги ва адабий жараёни умумлаштирувчи ишлари талаб қила бошлади. 50-йилларда С.Азимовнинг "Ўзбекистонда адабий танқидчиликнинг ривожланишига доир баъзи масалалар" мақоласи ёзилди, унда ўзбек адабиёти очеркни яратиш зарурлиги таъкидланди. "Улуғ Ватан урушигача бўлган 5 йиллик даврда ўзбек совет адабиёти" (Ҳ.Ёкубов), "Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек совет адабиёти" (Т.Собиров) каби обзор ишлар яратилди, булар адабиёт тарихини, адабий жараёни давраштираган ҳолда ўрганишнинг биринчи қадамлари эди. Тўғри, танқидий-биографик очеркларнинг ҳам, муайян даврлар бўйича ёзилган адабий обзорларнинг ҳам савияси бир хил эмасди. Бир қатор танқидий-биографик очеркларда муайян ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид материаллар йиғиш ва шу асосда уларнинг ғоявий-тематик йўналишини баён қилиш, бадиий асарларни эса, кўпроқ мавзу асосида текшириш билан олиб борилди, фикр-мулоҳазалар баъзан умумий тарзда ифода қилинди. Бунга йиллар танқидчилигида фаол бўлиб, жонли жараёни ўрганишга ўз ҳиссасини қўшган А.Олимжоннинг Зулфия ижодига бағишланган очеркни кўрсатиш мумкин. Унда мавҳум, ноаниқ фикрлар талайгина бўлиб, муаммоларга юзаки ва схематик ёндашиш руҳи устувор. Кейинчалик адабий танқид камчиликларнинг асосий сабаби мунаққидларимизда профессионал фазилатлар ҳамон етишмаётгани деб тўғри кўрсатди⁷⁰.

ҲАФИЗ АБДУСАМАТОВ (1925). Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр ўзбек танқиди янги босқичга кўтарилишида ёш кучлар фаоллик кўрсатдилар. Уларнинг ижодий фаолияти хилма-хил кечди. Илмий-тадқиқотлари характери ҳам, танқиддаги изланишлари савияси ҳам турлича бўлди. «Оғирлик маркази»ни кўтариб бориш Ҳ.Ёкубов, Ш. Рашидов, С. Азимов, С. Қосимов, А. Олимжонов, Т. Собиров каторида Ҳафиз Абдусаматовнинг ҳам зиммасига тушди. Бу авлод вакиллари ичида ҳозирга қадар адабиётшунослик ва танқидчиликда фаол ижод қилиб, ўз тенгдошларининг олдинги сафларида бораётганлардан бири бу Ҳ. Ш. Абдусаматовдир. У 1925 йилда туғилди, Ўрта Осиё давлат университети филология факультетини тугатиб, аспирантурада таҳсил олди. Драматургия муаммоларини тадқиқ этиб, номзодлик диссертациясини ёқлади. 1952 йилдан ЎзРФА Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим сифатида

фаол иш олиб борди. Институт шўъбаларидан бирига раҳбарлик қилди. 1964-1966 йилларда Ўзбекистон Маданият министрининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади.

Ҳ.Абдусаматов фаолиятида Абдулла Қаҳҳор билан Комил Яшин ҳаёти ва ижодини ўрганиш катта ўрин тутди. У ўзбек адабиётшунослигининг таркибий қисмлари қаҳҳоршунослик ва яшиншуносликка асос солган тадқиқотчилардан ҳисобланади. Айни чоқда, у ilk бор ўзбек драматургиясида конфликт муаммосини ва ўзбек адабиётида сатира масалаларини кенг илмий планда тадқиқ қилган йирик олимдир. Шуларнинг ўзидек олим ижоди ранг-баранг эканини кўрсатади.

Ўзбек драматургиясида конфликт масаласига доир (1954) биринчи йирик асарида муаллиф А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», К. Яшиннинг «Генерал Раҳимов», Н.Сафаровнинг «Шарқ тонги», Уйғуннинг «Навбахор», Туйғуннинг «Муҳаббат» асарларидаги ютуқлар ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилди.

Бу даврда Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон ҳаёти ва ижодига бағишланган алоҳида тадқиқотлар майдонга келди. Ҳ.Ёкубов Ғ.Ғулом, Ойбек ижоди ҳақида, Ҳ. Абдусаматов эса А. Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди ҳақида фаол иш олиб борди. Олимнинг ўнлаб мақолалари босилиб чиқди, муттасил ижодий изланишлар самараси сифатида 1960 йили «Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк» номли йирик монографияси чоп этилди. Баъзан асар бадииятини етарли тушунмаслик ва айрим схематик иллатлардан холи бўлмаса-да, тадқиқотда А. Қаҳҳорнинг сермазмун ва серқирра ижоди, адабиётимиз тарихида тутган ўрни тадқиқотчи томонидан кенг ва атрофлича кўрсатиб берилди. Наинки, 1950-1960, 1960-1970 йилларда ҳам А.Қаҳҳор асарларини турли йўналишларда текшириш Ҳ.Абдусаматов ижодининг марказий ўринларидан бирини ташкил қилди.

Ҳ.Абдусаматов ижодий фаолиятида муҳим ўрин олган санъаткор бу, шубҳасиз, драматург Комил Яшиндир. 1964 йили олимнинг М. Самадов билан ҳамкорликда ёзган «Яшин» номли монографияси босилиб чиқди. Бу драматург ижоди билан қизиқиш унда 50-йилларнинг аввалида бошланган эди. Айтиш мумкинки, Комил Яшин яратган драматик асарлардан деярли бирортаси Ҳ.Абдусаматов эътиборидан четда қолмади. Олим Ғ.Ғулом, Ҳ. Олимжон, Уйғун, Назир Сафаров, О. Ёкубов, Б. Раҳмонов ижоди ҳақида ҳам қатор мақолалар яратди.

Драматургиянинг назарий масалалари билан фаол шугулланиб бориш натижасида Ҳ. Абдусаматов ўзбек драматургиясининг йирик тадқиқотчиларидан бири сифатида республика миқёсидагина эмас, ундан ташқарида ҳам танилди. Узок йиллардаги изланишлари натижаси ўларок «Драма назарияси» номли салмоқли асари майдонга келди.

У икки жиллик «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки» (1961-1962), уч жиллик «Ўзбек совет адабиёти тарихи» (1968-1972) номли фундаментал тадқиқотлар юзага қилишига муносиб ҳиссасини қўшди. Унинг «Ўзбек

⁷⁰ Шарафилдинов О. Адабий этюdlар. Т. 1. 1968.

совет сатирасининг баъзи масалалари» номли тадқиқоти (1960) ўзбек адабиётидаги ҳажв муаммоларига бағишланган китобларнинг биринчиси саналади. Ҳамза, С. Айний, А.Қодирий, Ғ.Ғулом, А. Қаҳҳор ҳажвиётини кенг миқёсда тадқиқ қилган олим 1968 йилда «Ўзбек совет сатираси масалалари» номли навбатдаги йирик китобини нашр этди. 1968 йили Ҳ.Абдусаматов «Ўзбек совет адабиётида сатира» мавзuida докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

«Традиция ва новаторлик проблемаси» (1974) номли китобида муаллиф бу муаммоларнинг ўзаро ички алоқасини ўрганди. Бу асар Ҳамза анъаналарининг Яшин ижодида жиловланиши, камол топиб, кенг қўламда янгилланиши ёритиб берилган тадқиқот сифатида эътироф этилди. «Эстетика ва ҳаёт» (1976) номли китобида драматург Комил Яшиннинг адабий-танқидий, эстетик қарашлари текширилди. «Ҳаёт, адабиёт, театр» (1978) номли китоби муаллифнинг турли йилларда ёзган мақола, адабий ўйлари ва тақризларидан таркиб топган.

Фаол хизматлари учун олим «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган юсак унвонга сазовор бўлди. «Традиция ва новаторлик проблемаси» ва «Эстетика ва ҳаёт» асарлари учун 1977 йили Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти билан тақдирланди. Олим Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви аъзоси ва драма шўъбасининг раиси сифатида фаол меҳнат қилди. Айни вақтда, у Ўзбекистон Театр жамияти раёсатининг аъзосидир.

Унинг меҳнатлари мустақиллик даврида ҳукуматнинг қатор эътиборли нишонлари билан тақдирланди. Мустақиллик даврига келиб, бу заҳматкаш олимнинг ижоди янада фаоллашди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси учинчи Пленумида (1956) адабиётшунослик ва адабий танқид масалалари махсус муҳокама қилиниб, танқиддаги юзакиликнинг умумидабиётимиз рағнақига салбий таъсир этаётгани, бу ҳол, айниқса, ҳаётни бўяб тасвирлашга мойил асарларни таҳлил этиб, баҳолашда кўзга ташланаётгани таъкидланди. Кейинги йиллар шеъриятида, хусусан, риторика ва маҳиябозлик кучайиб бораётгани ҳақида асосли фикрлар айтилди.

Давр танқидининг муҳим хусусияти назарий масалаларга катта ўрин берилишида кўринади. Тўғри, аксар фикрлар социалистик реализм методи муаммоларининг талқини сифатида кечди ва, табиийки, уларнинг маълум қисми ва уларда илгари сурилган айрим қарашлар бугун эскирди. Лекин лирика муаммоларига бағишланган баҳс 50-йиллар ўртасидаги ўзбек танқидчилигининг муҳим ҳодисаси сифатида баҳолашига аризуликдир. Ундаги, айниқса, Ҳ.Ёкубовнинг «Лирикада конфликт», Озод Шарафидиновнинг «Лирика ҳақида мулоҳазалар» каби мақолалари мисолида танқидий тафаккурда жиддий ўзгариш намуналари намоён бўлди.

Бу даврдаги ўзбек танқиди ҳақида гапирганда, аввало, Ойбекнинг «Ўзбек совет адабиёти юксалишда», С.Азимовнинг «Ўзбекистонда адабий танқидчиликини ривожлантиришга доир баъзи масалалар», А.Олимжон ва П.Турсуннинг «Адабий танқидчиликини юсак даражага кўтарайлик», В.Зохидовнинг «Ёш танқидчилар ҳақида», сингари мақолаларини эсласлик мумкин эмас. Уларда профессионал танқидчи учун зарур бўлган фазилатларни эгаллаш йўлида мунаққидлар олдида қатор долзарб вазифалар қўйилди. Бу йилларда, шунингдек, ҳозирги замон ўзбек поэзияси, драматургияси, болалар адабиёти, муайян санъаткорлар ҳаёти ва ижоди, адабий алоқалар ва ўзаро таъсир, таржимачилик санъати ҳақидаги қатор тадқиқот, рисола ва мақолалар вужудга келди.

50-йиллар танқиди ва адабиётшунослиги рус ҳамда ўзбек адабиётларининг ўзаро алоқаси ҳамда фаол таъсирини тадқиқ этишга жиддий эътибор берди. Бироқ бу йўналишдаги ишларда тўғри, муҳим ва эътиборли фикрлар айтилиши билан бир қаторда ўзбек адабиёти фақат рус адабиётидан ўргансагина, унга эргашсагина, бирор бир ютуққа эришиши мумкин, бусиз адибларнинг маҳорати ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, кабилидаги фикрлар ҳам илгари сурилдики, бу бир тарафдан, миллий адабиёт ва адибларнинг ўзига ҳослигини менсимаслик ва иккинчи бир тарафдан, руслаштиришдан иборат катта сиёсатнинг адабиётдаги кўриниши сифатида номақбул бир тамойил эди. Афсуски, юқоридаги нуқтаи назар танқидда узок йиллар ҳукм сурди ва ўзбек адабиёти рағнақига муайян масала ва мезонларда салбий таъсир ўтказди. Ҳатто ўрта мактабнинг ўзбек синфлари учун ёзилган ва номи «Ўзбек адабиёти» деб аталувчи дарсликлар гоҳ М.Горький, гоҳда В.Маяковский ҳаёти ва ижодини ёритишдан бошланувчи эди. Хайриятки, Истиклол бундай ёндашувларга тамом чек қўйди.

Бу йилларда ҳам адабий танқид ривожини хийла мураккаб кечди. Мумтоз меросга нигилистик муносабатларга, тарихий адабий фактларни сохталаштиришга, «ягона оқим» назарияси, «конфликтсизлик назарияси» га қарши кескин кураш олиб боришга тўғри келди. Бу кураш ўзининг моҳият-эътиборига кўра тўғри бўлишига қарамай, баъзан жиддий хатоларга ҳам йўл қўйилди, вульгар социологик қарашларнинг у ёки бу қирралари, у ёки бу кўринишларда такрорланди.

Шу ўринда «Алпомиш» достонига бўлган муносабат ҳақида икки оғиз тўхтаб ўтишга тўғри келади. Марказнинг каттик тазйиқи ва зимдан буйруғи туфайли бу қаҳрамонлик достони ноҳақ танқидга учради. «Алпомиш» А.Абдунабиев ва А.Степановларнинг «Алпомиш» эпоси ҳақида», «Халқчилик байроғи остида» номли мақолаларида халққа ёт, реакцияон асар сифатида қораланди. Буни англаш учун катта ақлнинг кераги йўқ. Бу мақсад замирида ўзбек халқининг унинг буюк бир маънавий қудратидан мосуво қилиш эди. 1952 йил мартда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар

уюшмаси ўтказган "Алпомиш" дostonи мухокамасида ноҳақ фикрлар янада чуқурлаштирилади. Дostonни ташвиқ ва тарғиб қилиб келган, уни кўп марта қайта-қайта нашр қилдирган ва бу нашрларга кириш сўзи ёзганлар, жумладан В.Жирмунский ва Ҳ.Зариповнинг "Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси" китоби, Ойбекнинг "Ўзбек поэзияси антологияси", М. Шайхзоданинг "Алпомиш" дostonининг рус илладаги (1949) нашрига ёзган мақолалари қораланади. Афсуски, ўзбек халқ ижодига бундай нотўғри муносабат матбуотда анча вақт давом этди. Аммо аста-секин бундай нигилистик қарашларга кескин зарба берилди. 1956 йилда "Қизил Ўзбекистон" газетасида босилган "Халқ ижодининг ўлмас ёдғори" мақоласи "Алпомиш" дostonининг халқчилигини исбот этди – ўзбек халқининг буюқ дostonи ҳаққоний ва одил баҳосини олди. "Алпомиш" эпоси жиддий ўрганила бошланди. Бу ўринда Москвадаги М.Горький номидаги Жаҳон адабиёт институти ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ташаббуси билан Тошкентда (1956, 20-25 сентябрь) дoston мухокамасига бағишланган регионал кенгаш қатта аҳамиятга эга бўлди. Кенгашда ва мухоқамада таниқли олимлар А.К.Боровков, В.М. Жирмунский, Е.Э.Бертельс, Л.И.Климович, В.И. Чечеров; Москва давлат университетидан шарқшунос М.И.Богданова, адабиётшунос А.Волитова, таржимон шоир Л.М.Пеньковский; Қозоғистон ФА муҳбир аъзоси Н.С.Смирнова ва илмий ходими Т.Содиқов, татар Ҳ.Ёрмуҳаммадов, бошқирд А.Кираев, грузин М.Я.Чиковани, осетин В.С.Тотоев, мордвин А.И.Маскаев, қорақалпоқ И.Сағитов ва Ў. Айимбетов, шунингдек, ўзбек олимлари Ҳ.Зариф, М.Шайхзода, Ҳ.Сулаймон, М.Афзалов, И.Жабборовлар фаол иштирок этдилар. Унда дoston ва унинг вариантлари кенг мухоқама қилинди, уларни баҳолашдаги нотўғри тамойилларга барҳам берилди. Бу кенгаш миллий республикалар фольклоршунослигини ривожлантиришга жиддий таъсир кўрсатди.

Юқоридагидек нигилистик ва ноҳолис қарашлар адабий танқидчиликда тарихий мавзуда яратилган асарларга нисбатан ҳам рўй берди. Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Шайбонийхон шахсиятлари ва ижодларига салбий муносабатлар бунинг далилидир. Баъзи танқидчилар замонавийлик масаласини жуда тор, юзаки талқин қилдилар. Замонавийликнинг ўтмиш мавзусига қарама-қарши қўйилиши натижасида тарихий ўтмиш акс этган ғоявий-бадиий бақувват асарлар ҳуда-беҳудага қамситилди. Шу йўлдан борган баъзи мунаққидлар Ойбекнинг "Навоий"дек буюқ романини қаттиқ танқид қилишга киришдилар. Ҳолбуки, асар яратилган кезлар даврининг энг юксак муқофотига сазовор бўлган, қатор йирик олимлар томонидан нафақат ўзбек адабиёти, балки "кўп миллатли адабиёт"нинг ҳам улкан ютуғи сифатида юксак баҳоланган эди. Жумладан, Н.Тихонов уни шундай баҳолади: "Биз ... ўзбек тилида яратилган биринчи тарихий романни кўриб турибмиз. Буни Ойбек яратди. Ойбек бизга, китобхонларга XV аср буюқ одамининг фожеасини кўрсатди.

Кенг китобхонлар оммаси Ўрта Осиёнинг ўша даври ҳақида ёзилган ўнлаб илмий ишлардан ҳам ололмаган маълумотларини бу романдан олдилар". Дарҳақиқат, "Навоий" романи ҳақидаги ноҳақ танқидлар узокка боролмади, асар ўзининг қимматини йўқотмай қолаётир.

ЛАЗИЗ ҚАЮМОВ (1930-2004). Ўзбек адабиёти ва маданияти ўқокларидан бири бўлган Қўқон шахрида 1930 йилнинг 23 апрелида дунёга келган Лазизхоннинг отаси, ўқитувчи Пўлатжон Қаюмов ўғлининг ёшлиқдан сабот билан қийинчиликларни бартараф қилиш ва маърифат меваларидан баҳраманд бўлишида биринчи мураббийлик вазифасини ўтади. Мактабни аъло баҳоларга битириб, Ўрта Осиё Давлат университетидида ўқиди, сўнг аспирантурада таҳсил олди. "Урушдан сўнгги давр ўзбек романларида типиклик проблемаси" мавзусида номзодлик диссертациясини ёклади (1956). XX асрнинг 50-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб, Л.Қаюмов деярли бутун умрини, илмий-ижодий фаолиятини Ҳамза ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишлади.

Ҳамза ижоди ўзбек халқининг маънавий-маърифий ҳаётида, асарлари эса, ўзбек адабиёти раванкида муҳим роль ўйнаганидек, бу улкан шоир ва драматург ижодиётини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар, хусусан, Л.П.Қаюмов мақола ва монографиялари ҳам танқид ва адабиётшунослик ривожига ўз ўрнига эга. Зеро, айниқса, Ҳ.Ҳ.Ниёзий таржимаи ҳолига оид Л.Қаюмов томонидан мисқоллаб йиғилган, тикланган тарихий маълумотлар ҳеч қачон ўз қимматини йўқотмайди.

Бироқ, шўро сиёсати ўз гоёларини мустаҳкамлаш учун Ҳамза ижодининг айрим қирраларини ҳаддан зиёд улуглашга ва натижада, сохталаштиришга йўл қўйганидек, ана шу сиёсат ва мафкура соясида қолган танқид ва адабиётшунослик, хусусан, Л.Қаюмов тадқиқоти ва мақолалари ҳам айрим бирёқлама ва тенденциозликдан холи эмасди. Бундан қатъи назар, Ҳ.Ҳ.Ниёзий ижодига тарихан мансуб бўлган асл моҳиятни очишга қаратилган, бу улкан ижодкор табиатининг ўзига хосликларини ёритган Л.П.Қаюмов тадқиқотларидаги фазилатлар ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Шу маънода, замон сиёсати ва мафкурасининг адабиётшуносликка таъсирини ҳам, олимнинг жиддий изланишлари, ундаги кейинги босқичлар учун хизмат қила олувчи натижаларни ҳам ўзида мужассам этган Л.П.Қаюмов асарлари, хусусан, Ҳ.Ҳ.Ниёзий ҳақидаги илмий трилогияси ўқиш, ўрганиш, тегишли хулосалар чиқариш учун муҳим манбалар қаторида туради.

Олимнинг илмий мероси фақат Ҳ.Ҳ.Ниёзий ҳақидаги тадқиқотлардангина иборат эмас. У танқиднинг ранг-баранг жанрларида, замонавий адабиётнинг турли муаммолари хусусида, наср, шеърят,

драматик асарлар ҳақида баракали қалам тебратди. Адабий жараёни фаол кўрсатиб борди, мақолалари билан унга таъсир этди.

“Шоира Зулфия” (1965) монографиясида захматкаш ўзбек шоирасининг ҳаёти ва ижодий фаолиятини, ўзига хос поэтик оламини кенг ўқувчилар оммасига таништирди. Зулфия ижодининг юксак поғоналарига кўтарилишидаги бурилиш нукталарни аниқлади, шоиранинг адабиётимизда тутган ўрнини кўрсатиб берди. “Замондошлар” (1972), “Қардошлар” (1973), “Аср ва наср” (1975) ва бошқа китобларда Л.Қаюмовни камрови кенг олим ва универсал адабиётшунос сифатида кўрамиз. Масалан, “Замондошлар” китобида ўзбек адабиётининг деярли 30 вакили ҳаёти ва ижодини ўрганиб, умумлаштиради. Бу асар муаллифнинг ўзбек адабиёти катта-кичик вакиллариининг даврасидаги эъзозли ўрнини белгилаб берди. Шуниси борки, дастлабки авлодга мансуб бир нечасини ҳисобга олмганда, Л.П.Қаюмов бу ижодкорларнинг деярли барчаси билан таниш, улар билан шахсан мулоқотда бўлган, у ёки бу асарнинг яратилишидан хабардор, ҳатто уларнинг ҳаёти ва ижодларига айрим янгилик, ўзгаришларга маълум даражада дахлдор бўлган. Бинобарин, улар ҳақида ёзилган мақола, портретлар ҳам жонли ва табиий. Бир неча авлод ижодкорлари билан бу даражада шахсан яқинлик камдан-кам танкидчига муяссар бўладиган хусусиятдир. Муаллиф “Замондошлар” ва Ҳамза ижодига доир асарлари учун Давлат мукофоти совриндори бўлди (1973).

Л.Қаюмов ўзбек адабиёти тарихи ва унинг вакиллари ижодини ўрганишга ҳам эътибор қаратди. “Навоий ва Ҳамза”, “Фуркат ва Ҳамза” номли мақолалар ёзди. Унинг шоира Анбар Отин ижоди ва адабиёт тарихидаги шарафли ўрнини тиклашдаги хизматларини ҳам таъкидлаш лозим.

Ҳозирги замонавий адабий жараён, ўзбек адабиётининг улкан ва навқирон вакиллари ижодини кузатиб бориш адабиётшунос ижодий фаолиятининг муҳим қирраларидан бирини ташкил этади. Бу йўналишда унинг йигирмадан ортиқ рисола ва китоблари чоп этилди. У адабиётшунос ва мунаққид сифатида Бутуниттифок микёсида кенг танилган ўзбек мунаққидларидан бири эди. Мақолалари “Литературная газета”, “Дружба народов”, “Литературное обозрение” журналларида тез-тез босилиб тургани олим ижодининг микёси ҳақида далолат беради.

Л.Қаюмовнинг ижоди ва ижтимоий фаолияти кўп қирралидир. Етук жамоат арбоби, забардаст адабиётшунос, ўткир танкидчи, истеъдодли публицист, ташаббускор муҳаррир ва киносценарист, хикоянавис, талабалар устози сифатида кенг танилган олим умрининг охиригача эзгу ниятлар йўлида фаол меҳнат қилди.

Давр танкидчилигида замонавийлик, ғоявийлик ва бадийлик масалалари. Замонавийлик давр танкидчилигининг долзарб муаммолари-

дан бирига айланди. Уруш йилларида адабиёт давр тақозоси билан ўтмишга кенг мурожаат қилган, тарихий ва ватанпарварлик мавзулари асосий ўринни эгаллаган, бинобарин, босқинчиларга қарши курашни тасвирлаш, яъни халқнинг жанговар ўтмишини бадий ғавдалантириш орқали озодликни улуғлаш, ўзгага қарам бўлмаслик, ватанпарварлик ғояларига эътиборни кучайтириш зарурияти туғилган эди.

Урушдан кейинги даврда хароб бўлган шаҳар ва қишлоқларни тиклаш, саноат қорхоналарини қайта ишга тушириш, халқ ҳўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда ижодкорлар олдига замонавий мавзуларда бадий юксак асарлар яратиш вазифаси фавқуллоҳда жиддий қилиб қўйилди. Натижада қардош халқлар адабиётида бўлгани сингари бизнинг адабиётимизда ҳам замонавий мавзуларда кўплаб асарлар юзага кела бошлади. Замонавий ҳаёт ва янги давр қаҳрамонлари адабиётимизнинг асосий тасвир объекти бўлиб қолди. Бу масалалар адабий танкиднинг ҳам диққат марказига кўчди.

Адабий танкид замонавий мавзуда ёзилган асарларни қўллаб-қувватлаш ҳаракатига тушди. Мирмуҳсиннинг “Уста Ғиёс” поэмаси эълон қилиниши билан “Янги ижодий интилишнинг тўнгич меваси” деган тақриз босилди. Тақризда бугун эскирган қарашлар борлигини эътироф этган ҳолда, танкидчи А.Алимуҳаммедовнинг “Уста Ғиёс” ҳақида баъзи мулоҳазалар” мақоласи моҳияти асарнинг замонавийлигига эътибор беришдан иборат бўлди: “Асарнинг энг катта фазилати ва ўқувчини қувонтирадиган томони, унинг замонавий мавзуда ёзилишидир”.

Замонавий мавзудаги асарлар савияси бир хил эмаслиги дарҳол кўриниб қолди. Замонавий ҳаётни юзаки, бир томонлама талқин этиш натижасида муайян схемалар вужудга кела бошлади. Танкидчилик бунга эътибор берди, аммо диққатни кўпроқ ишлаб чиқариш мавзусидаги асарларга қаратиб, бирёқламаликка йўл қўйди. “Ишлаб чиқариш мавзусида” ёзилган асарларнинг энг ожиз томони ғоявий мазмунни бадий теран ифодалаб бера олмасликда кўринди. Уларнинг аксарияти ҳаётийликдан, турмуш мураккабликларини маҳрум бўлиб, бадий характерлар ўрнини ишлаб чиқариш муаммолари эгаллади. Асар қаҳрамонлари кўпинча турли муаммолар орасида ўралашиб қолди. Танкид муайян асар тасвир объектининг янгилигига эътиборни қаратган ҳолда, замонавий воқеликни бадий ўзлаштиришдаги ижодий принциплар ҳам янгилашни лозимлигини бошда кўп ҳам тушуниб етмади. Эътибор қилинган ўринларда эса, янги воқеликнинг кўпроқ ташқи белгиларини акс эттирган бир қадар бўш, юзаки ва жўн асарларни ҳам макташга берилиб кетди. Тасвирдаги воқеликнинг янгилиги ва шу асосда “актуал” фикрни айтишга интилишининг ўзиёқ асар бадийлиги ва қимматини белгилай олмасди, албатта. Санъат асари чуқур ғоявийлик ва юксак бадийликнинг ўзаро уйғунлиги билан тирик. Ғоявийлик бадийликдан ташқарида мавжуд бўлолмайди. Адабиётда чинакам замонавийлик бадий новаторликсиз

кечиши мумкин эмаслигини англаб етилгач, танкидчиликда аста-секин новаторлик муаммосига эътибор кучайиб борди. Вокеликнинг муҳим, характерли жиҳатларини кўрсатиш билангина эмас, бадний кашф этиш орқалигина бадний асарнинг замонавийлигини таъминлаш мумкинлигини англашга бу давр ўзбек танкидчилиги эришишга интилган муҳим марралардан бири бўлди ва ана шу маррага интилишдаги хусусиятларда унинг ижобий ва заиф томонлари намоён бўла борди.

Замонавий мавзуга эътибор беришнинг фавкулудда кучайиши билан баъзи бир нохуш тамойиллар ҳам кўринди. Айрим танкидчи ва ёзувчилар чикишидагина эмас, ҳатто йирик журналларнинг бош мақолаларида ҳам замонавий мавзу ўтмиш мавзусига кескин қарама-қарши қўйилди, ўтмишни тасвирловчи санъаткорлар "курашчи бўлолмайди" дейишгача борилди⁷¹. Танкид "замонавийлик" ва "замонавий мавзу" тушунчаларини талкин этишда ҳам турли йўллардан борди. Лекин, барча нуксонлардан катъий назар, асарга баднийлик масаласида талабчан муносабатда бўлиш йилдан-йилга кучайди. Танкид асарларни фақат замонавий мавзуда ёзилгани учунгина макташ тамойилидан қутула борди.

Ҳ.Ёкубов ўзининг "Абдулла Қаҳҳор новеллалари" туркум мақолаларида ғоявийлик ва баднийликнинг уйғунлиги масаласига жиддий эътибор берди. У А.Қаҳҳорнинг дастлабки ҳикояларидаги камчиликлар – сиёсий ваъзхонлик, публицистик нутқ кейинги босқич асарларида тез барҳам топганлигини, адиб ҳикояда, айниқса, санъаткор маҳоратини яхши эгаллаб бораётганини, ҳаётни баён орқали кўрсатиш эмас, образлар орқали ёритиб бераётганини таъкидлади. Адиб ҳикояларининг баднийлигини таъминлайдиган иккинчи бир хусусияти уларнинг фавкулудда ихчам, лўнда тузилишидадир деб ҳисоблади. Танкидчи А. Алимухаммедовнинг "Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир" мақоласида ёзувчи асарлари баднийлигини белгилашда энг муҳим омиллардан бири қаҳрамонлар рухий дунёсининг теран акс эттирилишидир деган хулоса чикарди. Бу мақолани А.Қаҳҳор ижоди ва маҳорати нуктаи назаридан махсус ёритилган ўзбек танкидидаги дастлабки қарашлардан бири деб баҳолаш мумкин.

Бу давр танкиди бадний ижоднинг сиёсатдан четда туришига қарши кескин кураш олиб боришга интилди ва ўзининг бу масалага муносабатда ҳамон чекланишга йўл келтирилганини кўрсатди. Айни вақтда бу масала талкинида баъзан мазмун шаклдан, шакл мазмундан ажратиб қаралган ҳоллар ҳам рўй берди. Шаклга алоҳида эътибор берувчилар баъзида шаклбозликда айбланди. Натижада бадний шакл муаммоларини ўрганиш, унга эътибор маълум даражада иккинчи ўринга суриб қўйилди. Адабиётда шакл мазмун билан шу қадар узвий боғланганки, уни мазмундан ажратиш мазмуннинг ўзини рад этишга олиб боради ёки, аксинча, мазмунни

шаклдан ажратиш шаклни инкор қилишга олиб келади. Шу нуктаи назардан йўл қўйилаётган бирёкламликлар, тақризлардаги ҳатолар, айрим мақоларда кўрсатиб ўтилди.

Ойбек "Бизга асарнинг ғоявий мазмунини очиб бериш билан бир қаторда, асарнинг бадний тўқимасини ҳам конкрет анализ қилувчи танкид керак, токи ёзувчи ўз асарининг мусбат жиҳатлари билан бирга жамики камчиликларини ҳам яққол кўра олсин", деган эди ёш ёзувчилар кенгашида қилган маърузасида (1947, 14 август). Улкан адиб ва адабиётнинг билимдони Ойбекнинг бу фикрлари адабий жараёнга таъсир кўрсатмай қолмади, албатта. Бу давр адабий танкиди, шунингдек, схематизмга, вульгар социологизм қолдиқлари сифатида баъзан кўриниб турувчи айрим догматик қарашларга қарши кураш олиб боришга тўғри келди. "Шарқ юлдузи"да ёзилганидек: "Баъзи танкидчилар асарнинг ғоявий мазмунини чуқур текширмасдан, унинг бадний формасига тегишли баҳо бермасдан, фақат унинг мазмуни яхши бўлгани учун мақтайдилар, асарнинг мундарижасини айтиб бериш билан қифояланадилар". Энг муҳими, асар замонавийлигига бадний теранлик билан боғлаб баҳо беришга интилиш давр танкидчилигининг жиддий изланишлар ва самарали йўлда бораётганини кўрсатади.

Адабий танкидда бадний конфликт, қаҳрамон, типиклик муаммолари. Маълумки, ҳақиқий санъат ва адабиётда қандай бўлишидан катъий назар қаҳрамон образини яратишнинг тайёр қолипи йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир ижодкор ўз истеъдод йўналиши ва даражаси, борлики, ҳаётни, инсонни идрок этишдаги индивидуал қарашлари, мақсад ва идеали асосида қаҳрамон образини яратади ва ана шу йўлдаги ўзига хос хусусиятлари билан бошқа ижодкордан фарқ қилади. Шу маънода бу даврда асар қаҳрамони, хусусан, ижобий қаҳрамон образи ундай ёки бундай бўлиши керак, асарда, албатта, ижобий ёки салбий қаҳрамон бўлади, шўро жамияти кишиси фазилатларининг ўзида умумлаштирган типик қаҳрамонсиз шўро адабиёти бўлиши мумкин эмас, асар марказида, албатта, коммунист ёки ишчи образи туриши, рус кишиси образи бўлиши, улар, албатта, ўзбекка ақл ўргатиши ёхуд йўл кўрсатиши керак қабилидаги фикрлар айтилган ва шундай йўл тутган адабий танкид жиддий ҳатоларга йўл қўйганини бугун англаб етаяпмиз, аммо ўша даврда бундай фикрларни айтиш замон танкидчилигининг етакчи тамойилларидан бири эди. Шу маънода давр танкидчилигида қатор роман, қисса ва достонлардаги қаҳрамонни жўн, юзаки, бир томонлама талқин қилишлар: айрим схематик характерларга; сюжет ва композициядаги баъзи қолипларга; ҳаётини зиддиятлар ҳаспўшланиб, тўсиқларнинг осонгина енгиб ўтилишига; ҳатто қаҳрамонлар ҳатти-ҳаракатлари ишонарли эмаслигидан катъий назар уларни ва пировардида умуман асарни ижобий баҳолаш танкидчиликда муайян муддат оддий бир ҳол сифатида кечди. Бу

⁷¹ Шарқ юлдузи. 1959. №7. - Б.5.

камчиликлардан кутула бориш асносидагина танкидчилик ўзининг жамият ва адабиёт олдидagi мавқеини мустаҳкамлаши мумкин эди.

Қаҳрамонларни яхши-ёмонга ёхуд ижобий ва салбийга ажратиш, бадий асарда қаҳрамон тимсолидаги шу хусусиятларни кескин тарафайнликда тасвирлаш, бинобарин, танкидчиликнинг ҳам масалага шу нуқтаи назардан ёндашуви узок йиллар давомида ҳукм суриб келди. Масалан, танкидчи А.Алимухаммедов "Уста Ғиёс" ҳақида баъзи мулоҳазалар⁷¹ мақоласида қаҳрамонда типик одамга хос "яхшилиқ" ва "ёмонлик"ларни топа билиш Мирмуҳсиннинг асосий ютуғидир", деб ёзган эди. Бу йўналишдаги хатолар секин-аста бартараф этила борди. Хусусан, танкидчилик адиблардан қаҳрамонларни бутун мураккабликда, ички оламидаги зиддиятларни ҳаспўшламай кўрсатиш зарурлигини талаб қила бошлади.

Ижобий қаҳрамон ҳақидаги баҳсларда "идеал қаҳрамон" масаласи ҳам кўтарилади. "Ойда ҳам доғ бор" деганларидек, ҳар бир энг ижобий, энг идеал бўлиб кўзга ташланадиган одамда ҳам қандайдир жузъий камчиликлар учраши табиий. Демак, камчиликсиз одам йўқ. Гап ўша камчиликларни кўрсатиш зарурлиги ёки нозарурлигида, уларнинг қаҳрамон ифодасидаги табиий ва ҳаётийлигида, ҳаётий ҳақиқатни бадий ҳақиқат даражасига кўтарила билишида. Танкид бу тушунчаларга бирмунча кейинроқ – жиддий изланишлар натижасида етиб келди.

Адабий танкид яратилаётган ижобий қаҳрамон образининг бўрттириб кўрсатилишини талаб этиши натижасида, мумтоз адабиётдаги ижобий қаҳрамонларни камситиш кайфиятига ҳам учради.

Даврнинг адабий бадий ва танкидий тафаккури иттифок микёсида, умуман, қаҳрамон, хусусан, ижобий қаҳрамон ҳақида баҳс зарурлигини англаб ета бошлади. Баъзилар идеал қаҳрамон яратиш талабига салбий муносабатда бўлдилар, бунинг сабаби, у ҳаёт ҳақиқатини олдиндан белгилаб берилган схемалар бўйича акс эттиришга ундайди деб талкин этилди.

Бадий ижод тажрибасида биргина ижобий қаҳрамон иштирок этмайдиган асарлар ҳам учрайди. Бу ҳилдаги асарлар кўпинча турли эътирозларга, тортишувларга сабаб бўлади. Гоголнинг "Ревизор" комедияси шундай асарлардан бири. Унда ижобий қаҳрамон йўқ, демак, ёзувчи идеалини ким ўзида ташийди, деган саволга Гогол: "Асарда олижаноб бир қаҳрамон бор, бу – кулгидир", деб жавоб бериши билан кулги асарда ёзувчи позициясини аниқ белгилаб турадиган ижобий қаҳрамон вазифасини адо этишини таъкидлаган эди.

А.Қаҳҳорнинг "Сароб" романида ижобий образлар бўлса-да, улар иккинчи даражалидир дея асардаги бу муаммони нотўғри талкин қилиш ҳоллари ҳам бўлди. Кейинчалик бу фикрлар асоссизлигини адабий жамоатчилик англаб етди.

Урушдан кейинги ўзбек танкидида ҳар бир асар марказида ижобий қаҳрамон бўлишини шарт дейилган талаб анча кучли эди. Аслида, - бу бирёклама, нотўғри талаб эди. Чунки ҳаёт ҳам, инсон ҳам мураккаб. У фақат яхши ёки фақат ёмондан иборат бўлмаслиги мумкин. Инсон ҳаётда қандай бўлса, шундай, бор мураккаблиги билан адабиётда акс этиши керак. Шу ўринда адабий танкиднинг лирик қаҳрамонга, яъни шеърятда ҳаракат қиладиган ва жуда кўп ҳолларда лирик қаҳрамон билан бир вақтда шоир айтмоқчи бўлган фикрни ўзида ташийдиган образларга муносабатини эслатиб ўтишга ўринлидир. "Бир қатор тақриз ва мақолаларда лирик асарлар, шеъринг тўпламлар у ёки бу даражада тахлил қилинди, шу муносабат билан ижобий лирик қаҳрамон хусусида гап очилди, турли-туман мулоҳазалар баён этилди. Бу борада ланжлик, рухий бўшанглик, фикрий саёзлик ва мавҳумлик, курук риторика ва мадҳиябозлик каби нуксонларни кескин, шафқатсиз танкид қилиш кучайиб борди. Бу ҳол лирик қаҳрамон яратишнинг объектив ва субъектив жиҳатларига назар ташлашга олиб келди"⁷², деб ёзганида М.Кўшжонов ҳақ эди.

Турмушнинг илғор тамойилларини, ҳаёт учун зарур бўлган томонларини ўзида акс эттирган, келажак учун тўсик бўладиган иллатларга қарши шафқатсиз курашувчи қаҳрамонлар образини яратиш бу масаланинг объектив жиҳати. Лекин бу қонун эмас. Ҳаётдаги қаҳрамон фақат шу нуқтаи назаридангина тасвирланиши шарт эмас. Бу масала ижодкор мақолаларига боглик. Зеро, ҳаётда юқоридаги йўналишга тесқари руҳдаги қаҳрамон бўлиши ҳам мумкин. Уни ҳам тасвирлашга муаллиф ҳақли. Бу ўринда ҳам етакчи муддао ёзувчи мақсади ва унинг бадий намоён бўлиш даражаси ва йўналишидир. Демак, масаланинг субъектив жиҳати ҳам бор. У шоирнинг ўзи, яъни унинг қаҳрамон ҳақидаги нуқтаи назари, яратган образи. Демак, лирик образ моҳият эътибори билан шоир тафаккурининг кенг ва теранлигини, йўналиши, қалбининг, рухий оламнинг бойлигини кўрсатувчи бир кўзгудир. Қаҳрамонга муносабатда танкидчиликда идеал, нуксонсиз қаҳрамон образини яратишни шарт қилиб қўйиш ҳоллари ҳам учради.

Шу тарика, ижобий қаҳрамон масаласи бу давр танкиди диққат марказида турди, мунозаралар адабиётда янги-янги изланишларга учради. Бу даврда "конфликтсизлик назарияси"нинг моҳияти очиб ташланди, ҳаётга қарама-қаршилик қаҳрамонларни зиддиятлари турмушни курашсиз тасвирлаш, замонамиз қаҳрамонларининг бир томонлама ва рухий оламини юзаки, "ура-уралар" фонидагина кўрсатиш тамойиллари кескин танкид қилинди. Шўро жамияти бўлса ҳам, уни батамом камчиликларсиз кўрсатиш, мутлақ титроғи йўқ жамият сифатида талкин этиш ҳатодир - деган фикрга қелишининг ўзи ҳаётда олға ташланган қадамлардан бири,

⁷¹ Ўзбек совет адабий танкиди тарихи. - Б 321.

танкидчиликда бу фикрнинг адабий жараёнга тадбиқ этила бошланиши эса, танкидий тафаккурнинг бир баҳя олға силжиши эди. К.Яшин ўзининг "Улуғ канал" операси либреттосида халқ турмушини курашсиз, зиддиятларсиз кўрсатиб, жиддий ғоявий-бадий хатоликка йўл қўйганини ўзи эътироф этди.

И.Султон, Ҳ.Ёкубов, Б.Имомов, Ҳ.Абдусаматов, С.Азимов каби олимларнинг ишларида конфликтсизлик назарияси кескин танкид қилинади. Ҳ.Ёкубов сўзлари билан айтганда, "конфликтсизлик назария" сини илгари сурган айрим танкидчилар ёзувчи камчилигининг чуқурлашувига таъсир кўрсатдилар, турмуш ҳақиқатини бўяб, силлиқлаб кўрсатиш тегирмонига сув куйдилар. У В.Зоҳидовнинг қатор мақолаларида "конфликтсизлик назарияси" химоя қилинганлигини танкид қилади. Бу назария танкид қилинган ишлардан яна бири Ҳ.Абдусаматовнинг драматургияда конфликт масалаларига бағишланган (1954) китобидир. Унда урушдан кейин яратилган драмалар конфликт муаммоси нуктаи назардан таҳлил қилинади, аниқ мисоллар асосида "конфликтсизлик назарияси"нинг зарарли оқибатлари кўрсатилади.

"Конфликтсизлик"нинг яна бир кўриниши "юзаки зиддиятлар"ни тўқиб чиқаришда намоён бўлди. И.Раҳимнинг "Ҳаёт булоқлари" романида конфликтни бўшаштириш оқибатида схематизм келиб чиққанини танкидчилар тўғри кўрсатиб бердилар. Бадий конфликт асар ўзагида ётар экан, у ғоявийликка чамбарчас боғлиқ ва кўпинча, улар бир-бирларини белгилайдилар. Зотан, ҳаётни зиддиятсиз, курашсиз акс эттириш ҳақиқатдан кўз юмиш, санъат асарини ҳақиқий ғоявийликдан маҳрум этиш ҳисобланади.

Юзаки, фақат ҳўжақўрсин учунгина, омма кўзини шамғалат қилиш учун асарга киритилган конфликтлар танкидчилар эътиборидан четда қолмади. Бундай конфликт сохта, майда-чуйда, кўпинча англашилмовчилик асосигагина қурилди. Ҳаётийликдан маҳрум, ўйлаб чиқарилган бундай зиддиятлар ва фақат конфликт эмас, умуман, асарни бутунисича чиппакка чиқариши танкидчилар томонидан асослаб кўрсатилди. Конфликтсизлик муаммоси фақат эпик ёки драматик асарларгина эмас, балча тур ва жанрларга ҳам хос эканини, сохта кўтаринкилик, маъносиз оптимизм, бинобарин, воқеаларни юзаки тасвирлаш, ҳодиса ва фактларни курук баён қилиш билан чекланиш шеърятда ҳам кўзга ташланишини М.Кўшонов тўғри таъкидлади.

Конфликтсизлик муаммоси, дастлаб, драматургия, сўнг насрий асарлар таҳлилида жиддий қўйилди. Маълум вақтгача лирика бу умумий ҳаракатдан четда қолди. Сабаби лирикада конфликтнинг ўзига ҳослиги, ҳатто, лирикада конфликт бўлиши - бўлмаслиги кўпчилик мунаққидларни иккилантириб турди. "Ҳатто айрим шонрлар адабиётнинг конфликтли бўлиши ҳақидаги талаб фақат драма ёки эпик асарларгагина тааллуқлидир, "лирикада конфликтнинг бўлиши шарт эмас", деб чиқдилар. Бундай

қарашлар адабий ижодга ҳам таъсир кўрсатмоқда ва натижада лирикада воқеликни бўяб, ялтиратиб тасвирловчи кўпгина шеърлар вужудга келмоқда"⁷³, деб ёзди О.Шарафиддинов.

Бу давр адабий танкиди типиклик масаласига айрича эътибор берди. Бахсларда турли-туман фикрлар айтилди, ҳар хил нуктаи назарлар баён қилинди. Бу борада, айниқса, Л.Қаюмов салмоқли тадқиқотлар яратди. "Бадий адабиётда типиклик проблемаси", "Типиклик ва бадий маҳорат" мақолалари шулар жумласидан бўлиб, айрим ҳолларда уларда типиклик билан индивидуаллик орасидаги боғланиш заиф асосланганлиги сезилиб туради.

Типиклик-кенг ва кўп қиррали назарий муаммо. Бу борада адабиётшунослик ва танкидчиликда кўп бахслар бўлди. Баъзи бировлар уни нотўғри талқин этди, айримлари юзаки тушунди, бошқа бирлари эса унинг баъзи томонларига қучли урғу бериб, бошқа жиҳатларини эътиборда тутмади. Бу ҳилдаги турли-туманлик кўпгина мақолаларда кўринди, айниқса, Б.Раҳмоновнинг "Юрак сирлари" асари атрофидаги бахслар жараёнида яққолроқ кўзга ташланади.

Типиклик ҳақидаги қатор илмий-назарий қарашлар, уларнинг нозик эстетик жиҳатлари ўз кимматини сақлаб қолади, албатта. Бироқ марксистик таълимотнинг билиш назариясига чамбарчас боғлаб қўйилган ҳамда шўро замонидagi мафкуравий-сиёсий манфаатларга бўйсундирилиб илгари сурилган қатор нуктаи назар ва принциплар ўз аҳамиятини йўқотганини эслатиш ўринли бўлур эди.

Шеърятда конфликт каби типиклик ҳам ўзига хос равишда намоён бўлади. Лириканинг эпос ва драма турларидаги асарларига нисбатан жонли жараён ва типик шароитни кўрсатиш имкониятлари хийла чекланган. Шу боисдан лирик қаҳрамон типик шароитни ўзида мужассам этган ҳолда воқе бўлади, у орқали биз аниқ тарихий воқелик ва ҳодиса англаймиз, қонуний моҳиятини тасаввур этамиз. Ўша йилларда конфликт каби типикликни нотўғри талқин этиш қатор лирик асарларга муносабатда яққол кўринди. "Конфликтсизлик назарияси" таъсирида ҳаётий зиддиятлардан холи "безакли қаҳрамонлар" пайдо бўлди. Типикликни бир томонлама, юзаки тушуниш натижасида "лирик қаҳрамон" ҳамиша бахтли, саодатли бўлиши лозим, унинг учун қайғу, ўкинч, зорланиш, машаққат "типик эмас", дегувчилар ҳам бўлди. Оқибатда дардсиз, хароратсиз, эхтирослардан маҳрум, сийка, ялтирок, сохта кўтаринки шеърлар ва лирик қаҳрамонлар кўпайишига йўл очиб берилди. Типикликни ўша давр мафкураси қобиғида тушунган танкидчиларнинг мақолалари бугун эскирди.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танкиди юкорида эътироф этилган нуқсонлари бўлса-да, бу даврда ўз тарихий таракқиёти йўлининг янги

⁷³ Шарафиддинов О. Замон. Қалб. Поэзия. Т., 1962. - 5.63.

боскичига ўтди. Унинг тадқиқот объекти кенгайди, ҳаётий масалаларга яқинлашуви чуқурлашди. Ўзбек адабиёти тарихини тадқиқ этишга эътибор кучайди, кўтариб чиқаётган муаммолари ранг-баранглашди. Адабиёт-шунослик Алишер Навоий ва ундан кейинги даврдаги санъаткорлар ҳаёти ва ижодини монографик йўсинда тадқиқ қилишда жиддий ютуқларга эришди. XX аср ўзбек адабиётининг машҳур намоёндалари ҳаёти ва ижодини айрим муаммолар, адабиёт тараққиётининг боскичлари монографик йўсинда ўрганилган ва тадқиқотлар пайдо бўлди. Бу йўналишда ўндан ортик танкидий-биографик очерк вужудга келди. Бадий ижоднинг фундаментал муаммоси – реализм хусусидаги илмий изланишларнинг натижалари эълон қилинди.

Адабиётшунос ва танкидчилар сафи янги кучлар ҳисобига кенгайди. Адабий танкиднинг адабий жараён билан алоқаси сезиларли равишда кучайди. Танкидчилик шеърят, наср ва драматургияда яратилган деярли ҳар бир муҳим асарга муносабат билдиришга интилки. Шеърини тўпламлар, поэмалар, очерк, ҳикоя, қисса, роман, драма, комедиялар ҳақида анча тақриз ва мақолалар босилди, танкидда адолатдан қочиш эмас, ҳақиқат сари юз буриш майллари кузатилди. Танкиднинг адабий-тарихий жараёндаги роли ва таъсири ортди, савияси кўтарилди. Бошланди. Замонавийлик, ғоявийлик, бадийлик, конфликт, типиклик, лирика ва бошқа катор муаммоларни тушуниш ва талқин қилишда муайян ютуқларга эришди. Аввалги боскичда дунёқараш, синфийлик, ижтимоий мансубият масалаларини англаш ва талқин этишда йўл қўйилган жиддий камчиликлар барҳам топди.

Давр ва ижтимоий ҳаётдаги мураккабликлар адабиётшунослик ва танкидчиликда ҳам намоён бўлди. Танкидчилик вульгар социологизм, догматизм, нигилизмдан иборат зарарли йўналишлар машаққатларини чекди ва улардан қутула боргани сари жиддий ютуқлар томон интилишда давом этди.

XX асрнинг 60-90 йиллари танкидчилигининг ўзига хос хусусиятлари. Истиқлол шабадалари ва адабий танкид.

Ўзбек адабиёти XX асрнинг 90-йилларига келганда муштамлака шароитларини бошдан кечирди. Истибод факат ижтимоий-сиёсий ҳаётгана эмас, маданий-адабий муҳитда ҳам ҳукм сурди. Шунга қарамай, мавжуд айрим шароитларнинг ҳаётий таъсири, бадий адабиётнинг ички қонуниятларини тўғри ва баракали идрок этиш ҳамда адиблар истеъдодининг сиёсат исқанжасида, зугум ва зўравонлик доирасида қолиб кетмай, миллий ва умумбашарий йўналишлардаги тинимсиз изланишлари деярли барча жанрдаги асарлар мисолида ўзининг ижобий самараларини берди. Адабий танкид ҳам шу жараёнларни бошдан ўтказди. Шўро тўнгарувидан сўнг Истиқлолгача кечган катта бир тарихий давр мобайнида

коммунистик мафқуранинг доимий ва тинимсиз исқанжасида бўлди. Бадий адабиёт ва адабий танкид етмиш беш йил шўролар ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг ўзига хос бадий инъикосига айланиб, асосан, мафқуравий қурол вазифасини ўтади.

Хукмронлик ва зўравонлик остида майдонга келган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар бадий адабиёт ва адабий танкиднинг ҳам йўналишини белгилашга интилки: ёзувчиларни ҳаётни пардозлаб тасвирлашга, танкидчиларни эса, адабий асарни кундалик сиёсат нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, ҳулосалар чиқаришга ундади. Лекин шўролар даврида бадий адабиёт ва адабий танкид қанчалик сиёсий-мафқуравий қуроллантирилмасин, партиявийлик, синфийлик ва ғоявийлик сингари мезонларни илгари сурувчи соцуализм методи қанчалик ҳокимлик қилмасин, бадий ижодда адолатга интилиш, реализм учун кураш бир нафас ҳам тўхтаб қолмади. Бу даврларда адабиётнинг барча жанрларида етук асарлар ёзилди, бадий маҳоратнинг юксак намуналари яратилди. Янги китобхон ҳам доим ўсиб, ўзгариб, шаклланиб борди. Гоҳ ошқор, гоҳ пинхон жаҳон адабиёти тажрибаларини ўзлаштириш тўхтамади, ёзувчилар каби танкидчиларнинг услуб ва маҳорати, назарий савияси ҳам ўсиш, ўзгаришда бўлди. Китобхон эстетик дидини янгилайдиган пишиқ бадий асарлар ва илмий-тадқиқотлар яратилдики, бу ижобий ҳодисаларга адабий танкид ўз муносабатини фаол ва изчил тарзда билдириб келди⁷⁴.

Бадий адабиётдаги ютуқларни ўрганиш ва таҳлил этиш натижасида адабий танкиднинг ўзида ҳам ўзгаришлар рўй берганидек, танкид эришган ютуқлар, натижалар бадий адабиёт ривожига таъсир кўрсатди.

Халқимизда эстетик дид ва маданий савиянинг ўсиб бориши ҳам адабий танкид учун ижобий таъсирга эга бўлди. Айниқса, шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш жаҳҳасида олиб борилган ишлар натижасида XX асрнинг 60-85-йилларида адабий танкид ўзининг янги бир кўтарилиш жараёнига киришди.

Ўзбек романи, қиссачилиги, шеърят, драматургия, дostonчилик ва ҳикоячилик каби тур ва жанрларнинг тараққиёт йўлларини алоҳида-алоҳида таҳлил етувчи тадқиқотлар, адабий ва ижодий портретлар яратилди. Тарихийлик ва замонавийлик, анъана ва маҳорат масалаларини танкидчилик диққат марказига ўта борди, бу йўналишда катор илмий тадқиқотлар юзага келди. Аммо адабий танкид мафқура таъйикида бўлди. Буни "Ўтган кунлар" романи ижодий методи атрофида уюштирилган баҳслар яққол тасдиқлайди. Авваламбор 50-йилларнинг ўрталаридан Абдулла Қодирийнинг халққа қайтарилиши, "Ўткан кунлар" романи босилиб чиқиши ва у ҳақда Иззат Султоннинг ижобий қарашлари ўзбек адабиёти тарихи ва танкидчилигидаги муҳим воқеалар бўлди. Лекин адиб дунёқараш, ижодий методи хусусидаги паст-баланд баҳслар давом этди.

⁷⁴Иўлдошев Б. Адабий жараён: танкидчи услуби ва маҳорат муаммолари. Т.: Фан. 2002. - Б. 149.

Кимдир уни барибир, соцреализм асари эмас, деб баҳолади, кимлардир танкидий реализм, ё маърифатпарварлик реализми, романтизм намунаси деб атади, яна аллаким ундан соцреализм унсурларини ахтарди. Бу йиллар ҳақида гапирганда ана шу мураккаб жиҳатни назардан кочирмаслик керак.

60-йилларда янги тамойилларнинг ўсишига йўл очган хусусиятлардан бири адабий танкид ривожига ҳалакит бериб келаётган айрим назарий чалкашликларга жаҳон адабий танкиди тажрибаларини ўрганиш асосида барҳам берила бошланганлиги эди. Шу туфайли бадий асарни юзаки баҳолаш, асоссиз курук хулосаларни илгари суриш, ёзувчи шахсига нисбатан субъектив муносабат билдириш каби салбий ҳолатлар барҳам топа борди.

Бу давр танкидчилигида, турли йўналишдаги илмий-эстетик таҳлил кучая бошлагани, бу мақола ва тадқиқотлар ўзбек танкидий тафаккурида янги босқич пайдо бўлаётганини кўрсатди. Бадий адабиётдаги, шеърятдаги факат жамият эмас, факат ишлаб чиқариш эмас, инсон табиатидаги, қалби ва руҳидаги ўзгаришларни тасвирлаш томон силжишларни лирика ва лирик қаҳрамон муаммолари бағишланган кизгин баҳс ва илмий-назарий мунозараларда кўриш мумкин, бу эса адабий танкид савиясининг юксалиши, шеърятнинг ривожланишига таъсир этди.

Бу давр адабий танкиди ва адабиётшунослиги ривожига ҳам шу йиллар ва ундан бир мунча илгари яратилган В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, И. Султонов, Ҳ.Ёқубов, А.Қаюмов, Ғ.Каримов, А.Ҳайитметов сингари танкиди олимларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. В.Зоҳидов, И.Султонов сингари машҳур олимлар танланган асарлар нашр этилди. Бу йиллардаги танкид ва адабиётшунослик илгариги босқичлар учун хос бўлган майда мавзучилик ҳамда санъаткор ижодига кўпинча мавзу нуктаи назаридангина ёндашишдан кутулиб, адабий жараён ва ёзувчи ижодини муҳим ва долзарб муаммолар бўйича тадқиқ этиш босқичига кўтарила борди.

Адабий танкид талабчан ва принципиал бўлишида халқ манфаатларидан келиб чиқиши керак. Танкид меҳрибон ва сезгир бўлиши, ижодкор йўлида туғиладиган кийинчиликларни тушуниши, у яратган нарсаларни кўра билиши лозим. Танкидчи асарни фақат ақли билан тушуниб қолмасдан, чин дилдан хис қила олиши, бадий образлардан олган таассуротини, хис-туйғуларини танкидий мангик воситасида маҳорат билан ифодалаб бера билиши кераклигига ўша давр матуботида катта эътибор қаратилди.

Адабий танкиддаги эстетик талабларнинг ошиб бориши адабиётшуносларнинг ҳам масъулиятини кучайтирди. А.Ҳайитметовнинг “Алишер Навоийнинг адабий-танкидий қарашлари” (1959) монографияси ўзбек танкидчилиги тарихини ўрганиш борасидаги биринчи йирик ва дадил қадам сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бу даврда ёзувчиларнинг адабий танкид тараққиётига қўшган хиссалари, айниқса, адабиётнинг эстетик қимматини белгилаш борасида жуда катта роль ўйнайди. Ойбекнинг “Навоний” романини қандай ёздим”, А.Қаҳҳорнинг “Китоб шавқ билан ўкилиши керак” мақолалари фикримизга мисол бўла олади.

Адабий танкид замонавийликни тадқиқ этишга эътиборни кучайтириб, адабий жараёнга таъсир кўрсатишга интилди. Бу соҳада маълум бир ютуқлар қўлга киритилди дейиш мумкин. Л.Қаюмовнинг “Аср ва наср”, “Замондошлар”, М.Қўшжоновнинг “Ижод сабоқлари”, “Маъно ва мезон”, С.Мамажоновнинг “Услуб жиҳолари”, “Шоир дунёси”, А.Ақбаровнинг Ғ.Ғулом, Уйғун, Зулфия ҳақидаги ишлари, М.Юнусовнинг “Сахий қаламлар”, У.Норматовнинг “Насримиз уфқлари”, Н.Худойбергановнинг “Қашфиётлар йўлида”, И.Ғафуровнинг “Ёнар сўз”, П.Шермухаммедовнинг “Ижод дарди”, А.Қулжоновнинг “Замонавийлик ва бадийлик” каби тадқиқотлари адабиётшунослик ва танкидчиликнинг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўсганини яққол кўрсата олади. Буларнинг аксарияти учун муштарак бўлган ижобий хусусиятлар қуйидагилардан иборат: а) олдинги даврларда кўпроқ кўзга ташланувчи бадий асарларни асосан, мавзу нуктаи назаридан ўрганишдан энди давр такозо этган йирик муаммолар бўйича тадқиқ этиш; б) асарларга гоъвий-сиёсий қиммати жиҳатидангина эмас, айти чокда бадий савиясига қараб баҳо бериш тамойилининг ўсиши; в) санъаткорнинг маҳорати масаласини ўрганишга эътиборнинг кучайиши; г) социологик таҳлил билан эстетик таҳлилни қўшиб олиб боришдаги айрим ютуқлар; д) адабиётшунос ва танкидчиларнинг ўз маҳоратлари устида жиддий қайғуриши.

Адабий жараёнга таъсир кўрсатишнинг ибратли намуналари сифатида М.Қўшжоновнинг “Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа”, И.Ғафуровнинг “Икки шоир билан суҳбат” мақолаларини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Улар асарлари жиддий ва ҳаққоний танкид қилинган ижодкорлар учунгина эмас, барча ёзувчи ва шоирларга ҳамда умуман ҳозирги адабий жараёнга ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатди.

Адабий танкидга шу даврда кириб келган С.Мамажонов, У.Норматов, И.Ғафуров, Н.Худойбергановлар танкидчиликда кам ишланган мавзуларга қўл уриб, янги муаммоларни кўтариб чиқишга интилдилар.

Танкидчилик маҳорати ҳақида гап кетганда, Т.Жалоловнинг Миртемир, Шайхзода, Зулфия ижодларига бағишланган мақолаларини эслаб ўтиш ўринлидир. Т.Жалолов танкидий тадқиқотни равон тил билан қизиқарли шаклда ифодалаб бера олгани боис у ўзбек танкидчилигининг эстетик хусусиятларини ривожлантиришга яхши ҳисса қўша олди.

Адабиётшунослик ижодий метод, хусусан, реализмнинг умумий масалларини ўрганишдан унинг аниқ, йирик муаммоларини махсус тадқиқ этиш босқичига кўтарилиб борди. Умуман, бадий асарнинг тили масаласи оз ўрганилганини назарда тутадиган бўлсак, П.Қодировнинг бадий

адабиёт тараққиётида халқ тилининг роли, халқ тили ва асар тилининг тутган ўрнини текширишга бағишланган “Халқ тили ва реалистик проза” монографияси ва “Тил ва дил” рисоласининг майдонга келиши сўнгги йиллар ўзбек танкидчилигининг жиддий ютуғи сифатида баҳолашга асос беради.

Фундаментал характердаги тадқиқотлар яратиб ишининг сўнгги йилларда оёққа туриб келаётганлиги адабиётшунослик даражаси ва адабиётшунослар савиясининг ўсганлигини кўрсатувчи навбатдаги муҳим белгилардан биридир. Кўп томлик ўзбек адабиёти тарихини яратишда Ҳ.Ёкубов, И.Султонов, С.Мамажоновларнинг тадқиқотлари, И. Султоновнинг “Адабиёт назарияси” дарслиги, С.Мирзаев ва Х. Дониёровларнинг “Ўзбек совет адабиёти”, Н.Шукуров ва Ш. Холматовларнинг “Адабиётшунослик кириш” қўлланмалари шу соҳадаги бўшлиқларни маълум маънода тўлдирди. Мақсади ва адреси, жанри ва йўналиши турлича бўлган бу ишларнинг ижобий хусусиятларига бир хилда баҳо бериш мумкин бўлмаганидек, улардаги камчиликлар ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин.

Бундан ташқари Ғ.Ғулом, Ойбек, Шайхзода, И.Султон, Яшин сингари кекса авлод адиблари кўп жилдлик танланган асарларининг махсус жилдида адабий-танкидий мақолаларнинг ўрин олиши, Сотти Ҳусайн, Зиё Санд, Раҳмат Мажидий каби ўзбек танкидчиларининг танланган адабий-танкидий мақолаларининг босилиб чиқиши, И.Султон ва Ҳ.Ёкубовларнинг С.Хусайн ҳамда О.Ҳошим ҳақидаги мақолаларининг эълон қилиниши ўзбек танкидчилигидаги муҳим ҳодисалардандир.

Адабий алоқаларга оид қатор тадқиқотлар юзага келиб, бу соҳада кейинги йилларда Л.Қаюмов, С.Мирзаев, С.Шермухаммедов, Ш.Турдиев, Р.Иноғомов ва бошқаларнинг ишлари яратилди. Аммо уларнинг кўпчилигида қайд этиш, адабий декада ва ҳафталиклар ҳақидаги далилларни кўрсатиш, таржималарни таъкидлаш билан кифояланилган ҳолатлар ҳам учрайди.

Бу даврда адабий танкид бадий адабиётнинг ўзига ҳослигини астойдил тадқиқ қилишга киришди, эстетик таҳлил кучая борди. Натижада адабий танкидда ҳам эстетик хусусиятлар ўсиб, танкиднинг жанрий хусусиятлари шакллана борди. Бу йилларда адабий-танкидий асарлар сон жиҳатдан эмас, сифат жиҳатидан ҳам ўзгариб, яхшиланиб борди. Йирик танкидий жанрлар, муаммоли мақолалар олдинга чиқди. Масалан, 1979 йилнинг ўзида адабиётшунослик ва адабий танкидга оид 35 та монография яратилиб, уларнинг умумий ҳажми 300 босма табоқдан иборат бўлганлиги танкидчиликнинг камолот сари йўл олганлигини яққол кўрсатади.

Даврнинг муҳим тамойилларидан бири шуки, унда адабий танкид жанрлар жиҳатидан ўсди: тақриз, портрет, муаммоли мақола, обзор, илмий маърузалар шакли кенг ривож топа борди.

Бу даврда адабий танкид адабиётшунослик олдига адабий алоқа ва адабий таъсир масалаларини чуқур ишлаш муаммосини қўйди. Ўзбек фольклори ва унинг адабий жараён билан алоқаси ҳам танкид эътиборини тортди. Танкиднинг ҳамма асосий турлари шаклланди ва ривож топди. Адабий танкиднинг турлари, асосан, учта бўлиб, улар кенг, оддий китобхонлар оммасига қаратилган танкид, ёзувчиларга қаратилган танкид ва танкидчиларга қаратилган танкиддан иборат⁷⁵.

Танкидчининг шахси, маҳорати, унинг адабиёт соҳасининг мутахассиси ва инсон сифатидаги хусусиятлари бу даврда танкидга оид мақолалар ва асарларда катта ўрин тутди. Танкид таъкидладик, танкидчи инспектор эмас, балки мутафаккирдир, у мутахассис, айна вақтда, ёзувчи ҳамдир, унинг иши ҳақиқатни излаш ва топишдир. У шарҳловчигина эмас, талкин этувчи, баҳоловчи ва ҳукм қилувчи ҳамдир; ёзувчи ҳаёт ҳақида ёзади, танкидчи эса ҳаёт ва адабиёт ҳақида ёзади ва шу билан бирга бу соҳаларни чуқурроқ англашда ёзувчига қўмаклашади, шу орқали ёзувчи ва адабиёт савиясини ошириб беради, халқнинг иқтимоий, эстетик онғи ўсишига хизмат қилади.

Асарни ҳаёт билан қиёслаб ўрганиш реалистик ва ҳаққоний танкиднинг бош белгиси ва мезонидир. Танкидчи асарни шу асосда чуқур таҳлил этади, гўё уни “янгидан яратади”. Адабий асарга шундай ёндашиш давр танкидчиларининг кўпчилиги учун характерлидир. Бу хусусият Ҳ.Ёкубов, М.Қўшжонов тадқиқотларида аниқ кўринади. Бу танкидчилар билан бир қаторда С.Мирвалиев, Н.Худойберганов, У.Норматов, А.Расулов, А.Раҳимовлар наср тадқиқотчилари сифатида фаолият кўрсатдилар.

Шеърят танкидчилигида С.Мамажонов, О.Шарафиддинов, Н.Каримов, У.Норматов, И.Ғафуров ва Н.Шукуров, Н.Раҳимжоновлар фаоллик кўрсатдилар. Шеърятнинг фаоллашиши, ундаги замонавий рухнинг чуқурлаша бorganлиги, ўзбек назмида юз бераётган ижодий ўзгаришлар О.Шарафиддиновнинг “Замон. Қалб. Поэзия” мавзусидаги илмий кашфиётларга бой, ўзбек назмининг тарихи ва айна замондаги ютуқ ва камчиликларини умумлаштирувчи салмоқли китобида ўз ифодасини топди. Бу мунаққиднинг биринчи йирик китоби бўлиб, 1962 йилда нашр этилган ва адабий жараёнда воқеа бўлган тадқиқот эди.

Йўналишлар ва жанрлараро ихтисослашув жараёни ёркинроқ кўзга ташланди. Л.Қаюмов, Ҳ.Абдусаматов, Б.Имомов, Т.Собиров, Б.Ғуломов ва С.Алиевлар драматургия танкидчиси ва тадқиқотчиси сифатида танилдилар. Танкид ўзбек драматургиясида ҳаётий ҳодисаларни ҳаққоний идрок этиш чуқурлашганини қайд этди.

Болалар адабиёти билан шуғулланадиган танкид сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам ўсди, ўзбек болалар адабиёти тарихига бағишланган икки томлик яратилди, унда болалар адабиётининг ўзига ҳослиги

⁷⁵ Ўзбек совет адабий танкиди тарихи. Иккинчи том. 1987. - Б.83.

алохида эътибор берилди. А.Суюмов, Ў.Рашидов, П.Шермухаммедов, М.Норматов, С.Матчон, О.Сафаров, Қ.Қахрамонов каби болалар адабиёти танкидчилари пайдо бўлди. Публицистикада О.Тоғаев, С.Умиров, таржимашуносликда Ж.Шарипов, Ғ.Саломов, Н.Владимирова, А.Комилов салмоқли изланишларни амалга оширдилар. Бу йўналишларнинг таракқиёт тамойиллари умумлаштирилди. Адабий танкид ҳам ўзини ўзи англаш йўлида изланишга киришди. Ҳ.Ёкубов, А.Расулов, С.Содиқ, Б.Дўстқораевнинг бир қатор тадқиқотлари босилиб чиқди. Илк бор икки жилдлик “Ўзбек совет адабий танкиди тарихи” яратилди.

70-йиллар охирига келиб, ўзбек муаллифлари асарлари хорижий тилларда нашр этила бошланди. Ч.Айтматов “Улуғбек хазинаси” романи муносабати билан О.Ёкубовга мактуб йўллади. Жаҳонга машҳур ёзувчининг роман ҳақидаги илиқ фикрлари нафакат, бир ўзбек адабининг, балки бутун ўзбек адабиётининг ижодий муваффақиятидан далолат беради.

Бу давр адабий танкидчилигида ютуқлар билан бир қаторда маълум нуқсонлар ҳам мавжуд эди. Турғунлик психологияси маданият, адабиёт ва адабий танкидга ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмади. Бунинг натижасида талайгина саёз, ўртамиёна, мужмал асарлар ҳам пайдо бўлиб турди. Афсуски, танкидчиликда жанр хилма-хиллиги масаласига кам эътибор қаратилди. Асарларни баҳолашда, тақриз ва мақолаларда схематизм кўринишлари учраб турди. Ўзбек адабиётшунослигининг адабиёт ва танкид назарияси муаммоларига чуқур ўрганилмаганлиги, айниқса, 60-йиллар адабий танкидчилигида баъзи саёз фикрларнинг юзага келишига сабабчи бўлган бўлса, 70-йилларга келиб, адабий танкид сифат ўзгаришларига юз бурди. Адабий жараёнга фаол таъсир кўрсата олиш, бадий асардаги ҳаёт ва характерларни воқеликдаги қаҳрамонлар ва уларнинг жонли турмуши билан қиёслаш орқали ёзувчи маҳоратига баҳо бериш тамойилининг кучаюви, поэтик асар бағрига унинг яратувчиси – шоир қалби орқали кириб боришдаги ўқтам қадамлар, асарнинг ғоявий-эстетик савиясини бир бутунликда текшириш асносида унинг бадийлигини чуқурроқ таҳлил этиш, танкидчининг ўзидаги бадий дид ва савиянинг кўтариливи ўзбек танкидчилигининг пешкадам вакиллари ижодида рўй берган сифат ўзгаришларини кўрсата олувчи белгилардир.

Танкидчиликда маҳорат масалалари. Шақлий изланишлар. Бу давр танкидчилиги ўзининг асл моҳияти – “ҳаракатдаги эстетика” бўлиши лозимлигини янада теранроқ тушуниб олди ва бу моҳиятни ўз талқинларида ёрқин акс эттиришга интилди. Танкидда санъат ҳақиқатини ҳаёт ҳақиқати билан муқояса этиш ва бадий асарга шу заминда туриб баҳо бериш тамойили кучайди. Ғоявийлик ва бадийлик масаласига диалектик ҳодиса сифатида қарай бошланди. Тип ва характерлар талқинида янгича қарашлар юзага келди. Конфликт ва композиция, бадий асар тили, услуб атрофидаги баҳслар илмий теранлик касб эта борди. Бу

масалаларга муносабатда танкидчи позициясининг аниқлигига интилиш кучайди. Лекин социалистик реализм методи, умуман, ижодий метод ҳусусидаги аввалги босқич қарашлари ўзининг муҳим йўналишларида давом эттирилди, ҳатто бойитиб борилди. Бадийликка алоҳида ва чуқур эътибор берилди бошланиши, ёзувчи маҳоратидаги муҳим белгиларни аниқлашга интилиш, давр ва замон услуби, индивидуал услуб масаласидаги изланишлар ва эришилган қатор натижалар бу давр танкидчилигининг хос белгилари сифатида характерлана олади.

70-йиллар ўзбек танкидида ҳам сон, ҳам салмоқ, ҳам сифат жиҳатидан самарали ишлаган мунаққидлар қаторида У.Норматов, Н.Худойбергенов, П.Шермухаммедов, И.Ғафуровларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Улар ўзбек танкидчилигининг янги типдаги вакиллари сифатида бўй кўрсатдилар. Уларнинг ўз услуби, ўз тадқиқ ва таҳлил йўли бўлиши билан бир қаторда, уларнинг барчасини бирлаштириб турадиган умумий азилат ҳам бор. Бу уларнинг адабий жараёнда ниҳоятда фаол иштирок этиши, адабий ҳаётдаги ҳар бир янги ҳодисага ҳозиржавоблик билан муносабат билдириш, адабий танкиднинг деярли кўпчилик жанрларида баракали қалам тебратишларида намоён бўлади.

Бу йилларда таникли танкидчилар ва адабиётшунослар ҳақидаги тарихий-биографик очерк ва адабий портрет жанридаги асарларнинг яратилиши адабиётшуносликда янгилик бўлди. Бу йўналишда С.Мамажоновнинг В.Зоҳидов, Б.Имомовнинг Ҳ.Ёкубов, Б.Бойқобиловнинг С.Азимов, М.Олимовнинг Л.Қаюмов, А.Расуловнинг О.Шарафиддинов ҳақидаги ижодий портретлари пайдо бўлди. Улар, бир тарафдан, танкидчилар маҳорати ва адабий жараёнда тутган ўрни нечоғлик мустахкамланганини кўрсатса, иккинчидан, танкидчи шахси ва танкидчиликка эътибор кучайганини, учинчидан, ёзувчи маҳоратини баҳолаш эмас, танкидчи маҳоратини ҳам тадқиқ этувчи мутахассислар авлоди вояга етганини кўрсатади.

Агар булар ёнига Ҳ.Абдусаматовнинг “Эстетика ва ҳаёт”, А.Қулжоновнинг “Илм ва ижод оламида”, Ў.Шокировнинг “Танкидчи ва адабий жараён”, Ҳ.Умуровнинг “Таҳлил санъати”, Ў.Ўтаевнинг “Танкид ва услуб” сингари китобларини қўядиган бўлсак, танкидчилик, унинг тарихий ривож масаласи ҳам республикада адабий жараёни диққат марказида турганлигини кўрсатади.

Танкидчиликнинг жанр доиралари кенгайди. Бу жанр имкониятларидан унумли фойдаланилган А.Қаюмовнинг А.Навоий, Л.Қаюмовнинг Ҳамза, Н.Каримовнинг Ҳ.Олимжон ҳақидаги ажойиб кишилар ҳаёти сериясига доир асарлари майдонга келди. Бадий адабиётда фантастика жанри туғилиши ўларок уни тадқиқ этувчи махсус характердаги танкидчилик ҳам пайдо бўлди. Ўзбек адабиётининг жаҳон адабиёти билан алоқадорлигини ўрnatувчи Н.Комиловнинг мақолалар туркуми ўзбек танкиди минтақаларини янада кенгайтди.

Бу давр танкидига хос камчиликлардан бири ҳамон ўта мақтовнавозликнинг кучлилигидир. Танкидчиликда ўз номи моҳиятини ифодаловчи танкидий рух саёз. У ёки бу даражада айtilган танкидий фикрлар аниқ ёзувчи асарига тақриз ёки мақолада бўлса, баъзан йўлигагина айtilган бўлади, обзор мақолада учраса, адрессиз бўлади, адабий жараёнга доир бирор муаммоли мақолада илгари сурилса, кўпроқ ақл ўргатиш йўналишида бўлади. Хуллас, ҳар уч ҳолда ҳам ўзининг асосий вазифаси даражасига кўтарилиб етолмайди. Ҳалол, ҳолис, дўстона, эҳтиёткорлик билан ўйлаб, лекин меъёри даражасида каттиққўллик ва талабчанлик билан айtilган, танкидий руҳи ўткир мақолаларга танкидчилик доим эҳтиёжига сезиб келган.

Танкидда бадий адабиётда гоёвий-бадий бирлик концепцияси билан узвий боғлиқ равишда ижодий метод масаласи ҳам қайта-қайта қаламга олинди. Ўзбек адабиётида ижодий методнинг шаклланишига доир икки хил қараш ҳукм суриб, бир гуруҳ олимлар ўзбек адабиёти, аниқроғи, насри танкидий реализм босиб ўтиб, социалистик реализмга етиб келди дейишса, иккинчи бир гуруҳ адабиётнинг тўғридан-тўғри социалистик реализм методи асосида шакллана бошлаши ҳақида баҳс олиб бордиларки, мустақиллик йилларида бу баҳсларнинг нечоғли аҳамиятсиз эканлиги кўриниб қолди. Айниқса, А.Қодирий ижодий методи тўғрисидаги турли қарашлар ўша даврда авж олганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Адабий танкидда замон ва қаҳрамон муаммолари талқинида М.Қўшжонов О.Ёқубовнинг “Диёнат”, Ш.Ҳолмирзаевнинг “Сўнгги бека”, Н.Худойберганов Ҳ.Ғуломнинг “Бинафша атри”, И.Ғафуров Саид Аҳмаднинг “Қирк беш кун” романлари таҳлил этилиб, уларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳаққоний кўрсатилди. О.Ёқубов, П.Қодиоров, Мирмуҳсин тарихий романларида тарих ва инсон концепцияси муаммосини танкидчилар етарли таҳлил қилиб беришди.

Айтиш керакки, шеърятдаги кенглик ва теранлик адабий танкидда ҳам маълум даражада акс этди. Танкидчиликда мустақиллик, ҳозиржавоблик, ўтмиш ва замонавийлик муаммоларини янгича талқин қилишда ҳам бирмунча муваффақиятларга эришилди. Шу билан бирга айрим ёзувчиларнинг қаҳрамон характери ва бутун зиддиятлари, қарама-қаршиликлари билан кенг тасвирлай олмаётганлиги ҳолатлари кескин танкид қилинди.

Маълумки, бадий адабиётда ёзувчи маҳорати доимо долзарб, ҳеч қачон эскирмайдиган муаммодир. Шунга ўхшаб, танкидчи маҳорати, ҳалоллиги ва ҳолислиги индивидуал услуби, таҳлил санъати, дид ва билими, мунаққид иқтидори, савиясини кўрсатувчи муҳим омиллар бўлиб, ўрганилиши ва ташвиқ этилиши муҳим ҳодисалардир. Бу давр танкидчилиги тадрижий тақомилида Иззат Султон, В.Зоҳидов, Ғ. Қаримов, М. Юнусов, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Л. Қаюмов, Э.Қаримов, Н.Қаримов, Н.Шукуров, И.Ғафуров, Н. Худойберганов,

Ҳ.Абдусаматов, Б.Назаров, Б. Қосимов, А.Расулов, Ҳ. Умуров, А.Қаттабеков, С. Мирзаев, М.Расули, Т.Бобоев, Ғ.Владимиров, Н.Владимирова, Б.Имомов, А.Алиев, О.Тоғаев, Т.Бобоев, С.Алиев, Т.Собиров, М.Махмудов, С.Содик, О.Абдуллаев каби олимлар фаоллик кўрсатдилар. Улар муҳим ва долзарб илмий-назарий, амалий масалаларни кўтариб чиқиб, уларни аниқ бадий асарлар таҳлилида тадбиқ этиб, адабий жараён ва адабий танкидчилик тараққиётига сезиларли таъсир ўтказдилар. Адабий танкид ҳаётни кузатувчи, асарни баҳолавчиликдан бу жараёнларнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.

СОБИР МИРВАЛИЕВ (1933). Сермахсул олим, филология фанлари доктори, профессор С. Мирвалиев монография ва тадқиқотлари, мақолалари билан ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танкиди ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Унинг ўзбек насри тараққиёти, етакчи тамойиллари ҳусусидаги умумлаштирувчи илмий-назарий тадқиқотлари муҳим саналди.

«Ҳаёт ва кураш поэзияси» (1962), «Қалблардан қалбларга» (1966), «Насримиз давримиз хизматида» (1976), «Ўзбек адаблари», «Ўлмас Умарбеков», Абдулла Қодирий» каби қатор монография ва рисоалар, айниқса, «Ўзбек романи» номли салмоқли тадқиқот муаллифини адабий-илмий жамоатчиликка яқиндан таништирди. Унинг «Ўзбек адаблари» номли китоби қисқа муддат ичида тўрт марта нашр этилди.

Ёш олимнинг ҳолис фикрлаш тарзи, тиришқоклиги 60-йиллар бошларидан кўзга ташланди. «1962 йил прозасини ўқиб...» деган мақоласи адабий жамоатчилик эътиборига тушди. Ушбу обзор мақолада адабий танкиддаги далиллаш уқуви етишмаслиги, юз-хотирчилик кўринишлари мавжудлиги танкид қилинди. Қиссалар ҳақидаги кузатувларини кейинги адабий-танкидий мақолаларида ҳам давом эттириб, бу йўналишдаги ютуқ ва камчиликларни умумлаштириб, далил қарашларини илгари сурди. Олимнинг «Тарихийлик ва замонавийлик» (1979) китобида 70-йиллар романчилигидаги тарихийлик ва замонавийлик муаммолари ўрганилади.

Олим ишларида, айниқса, романнавис маҳорати, бир бирига ўхшамайдиган индивидуал услуб қирралари, жанр табиатидаги ранг-баранглик муаммолари талқин этилиб, шу асосда наср ва адабий жараённинг тамойиллари, бу жараёндаги ўсиш, ўзгаришлар кўрсатилди. Мунаққиднинг фикр ва мулоҳазалари, айниқса, ҳолис ва самимийлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Унинг ҳолис ва самимийлиги «Наср ва давр», «Жанрлар ранг-баранглиги», «Социал-психологик роман» каби салмоқли мақолалари, «Тарихийлик ва замонавийлик» (1979), «Наср, давр ва қаҳрамон» (1983) каби танкидий асарларида ёрқин кўриниб туради.

С.Мирвалиев роман жанри XX асрда улкан бир адабий эстетик ҳодисага айланганлигини, романсиз замон адабиёти тараққиётини тасаввур қилиш қийин эканлигини таъкидлайди. Ўзбек романининг

туғилиши ва тараккиёт босқичларини илмий-назарий жихатдан тадқиқ этади. Ўзбек романи пайдо бўлиш, ривожланиш жараёнига, энг аввало, ҳаётнинг – воқеликнинг ўзи асос бўлгани, халқ оғзаки ижоди, миллий мумтоздаги эпик аъёнлар ва жаҳон романчилигидаги тажрибалар муҳим роль ўйнагани А.Қодирий, С.Айний, Х.Шамс, А.Қаҳҳор, Ойбек романлари таҳлили замирида кўрсатиб берилди. Романнависликдаги камчиликлар ва уларнинг сабаблари ҳолис равишда кўрсатилди.

«Ўзбек романи» монографиясида ўзбек романчилиги босиб ўтган йўлни биринчилардан бўлиб, умумлаштираркан, ҳозирги ўзбек романларида чуқурлашиб бораётган фалсафий кенглик, жанрий ранг-баранглик имкониятларининг, асарлардаги халқчиллик, миллатпарварлик хусусиятлари йилдан-йилга ёрқин ифода этилаётганлиги ва бу борада қатор етуқ образлар яратилаётганлигини аниқ асарлар тадқиқида ёритиб берди.

Олимнинг бу тадқиқоти 60-70-йиллар ўзбек адабиётшунослигининг улкан ютуғи сифатида эътироф этилди. С.Мирвалиев бу асарида ўзини назарий олим сифатида ҳам кўрсата билди. Унинг роман атамаси, моҳияти, келиб чиқиши, роман назарияси, роман табиати ва хусусиятига доир мулоҳазалари янги авлод мутахассислари томонидан янада бойитилмоқда.

Муаллифнинг «Абдулла Қодирий» (2004) деб номланган тадқиқоти ёзувчи ижодига бугунги кун – мустикаллик мафқураси нуктаи назаридан ёндашуви билан аҳамиятлидир.

А.Қодирий ҳаёти ва ижодини ўрганиш – қодирийшунослик адибнинг ўзи ҳаётлик чоғидаёқ бошланган эса-да, турли даврларда турли характердаги тадқиқотлар яратилди. Уларда А.Қодирийнинг буюқ ва катта маҳорат эгаси экани ҳамиша таъкидланди. Лекин мустикаллик йилларига келиб қодирийшунослик моҳияти тубдан ўзгарди. Адиб ижоди ҳар хил «изм»лардан холи тарзда ўрганила бошланди. Унинг ижоди ва асарларига ҳос янгидан-янги сифатлар очиб берилди. С.Мирвалиевнинг А.Қодирий ижодига бағишланган тадқиқоти ҳам ана шундай ишлар қаторидан ўрин эгаллади. Китобда бир қатор ютуқлар қўлга киритилди.

Муаллиф «чин маънода Қодирий даври янгидан бошланди» деган фикрни айтади, унинг тадқиқоти ҳам Қодирий ҳақидаги янги сўзлардан бири эканлиги билан аҳамиятли. Олим А.Қодирий асарларини ихлос ва меҳр билан, юксак санъат мезонлари нуктаи назаридан, ўзбекона миллийлик, ғурур ва ифтихор нуктаи назаридан тадқиқ ва таҳлил этадики, китобни ўқиган ўқувчида ҳам буюқ адиб ижодига кизиқиш, ҳурмат туйғулари ўса боради. Олим меҳнатининг самараси, аҳамияти ҳам мана шундадир.

НУРИДДИН ШУКУРОВ (1930-1994). Самарканд адабий муҳитининг атоқли вакили, филология фанлари доктори, профессор,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Нуриддин Шукуров республикада адабиётшунослиги ва танқидчилигида кўзга кўринган олимлардан бири ҳисобланади. У фаолиятини вилоят газетасида бўлим муҳаррирлигидан бошлаб, бош муҳаррир даражасига кўтарилди.

Н.Шукуров танқид адабиётшунослиги, изланувчан танқидчи сифатида элга танилди. 1960 йили «Ғафур Ғуломнинг поэтик маҳорати» мавзuida номзодлик диссертациясини ёклади, докторлик диссертацияси ҳам замонавий ўзбек шеърлигига бағишланди. «Ғафур Ғуломнинг лирик поэзиясидаги маҳорати», «Услублар ва жанрлар», «Бу олам саҳнида», «Сўз сеҳри, шеър меҳри» сингари китоблари ва кўплаб мақолалари олим шоир ижоди ва адабий жараёнига, асосан, маҳорат муаммолари нуктаи назаридан ўлчайди. Унинг ҳам муаллифлигида республика олий ўқув юртлири учун «Адабиётшуносликка кириш», «Ўзбек совет адабиёти тарихи» (1990) дарсликлари ёзилди. Н.Шукуров ўтган асрнинг 50- йилларида «Алпомиш» достонига ҳужум бошланганда, яъни бу асар шўро мафқурасига тўғри келмайди, соқреализм талабларига жавоб бермайди деб аюҳаннос солинганда биринчилардан бўлиб уни химоя қилиб чиқди. У «Алпомиш» достони ҳақида» мақоласида достоннинг, айниқса, тарбиявий аҳамиятини юксак баҳолади.

Н.Шукуров адабий жараёнига муттасил кузатиб, янги пайдо бўлаётган поэтик асарларга доимо ўз муносабатини билдириб боровчи эди. Бу йўналишда у ўзининг нозик дидли мунаққид эканини кўрсата олди. Айни вақтда, айрим мулоҳаза ва фикрлари жамоатчилик ўртасида кизгин баҳсга сабаб ҳам бўлди. Чунончи, 70-йилларда Рауф Парфи шеърлигининг поэтикаси ва айрим асарларининг замонга муносабати ҳақида айтилган фикрларда асар моҳияти бир томонлама талқин этилди. Бу фикрларга танқидчи О.Абдуллаев фаол муносабат билдириб, Р.Парфи шеърлиги хусусида айтилаётган танқидий фикрлар, камчилик бўлмай, шоир услубига ҳос фазилатлардир, деган фикрни билдирди.

Алишер Навоийнинг «Парим бўлса...», «Қора кўзим» каби ғазалларини таҳлил этиб, республикада бир ғазал талқинига маҳсус мақола ёзиш ташаббусини бошловчиларидан бири бўлди. У аъёнаний жанрлар ҳақидаги рисоласида, Э.Воҳидовнинг ижодига бағишланган адабий портретида ўзининг мумтоз шеърлиги билимдони сифатида намоён этди. Олим чинакам шеърлиги шайдоси эди, ўзи ҳам шеърлар ижод қиларди. «Хушнуд» таҳаллуси билан ёзган шеърлари матбуотда эълон қилинган.

Серкирра ижодкор Н.Шукуров машҳур авар шоири Р.Ҳамзатов шеърларини, форс-тожик тилидан бир қанча асарларни ўзбек тилига таржима қилди.

Сўнгги давр жаҳон адабиётшунослиги диққат маркази романчилик ва у билан боғлиқ бўлган муаммоларга қаратилган бир вақтда, ўзбек адабиётшунослиги ҳам ундан четда тургани йўқ. «Ўзбек романи», «Ўзбек

романларида ижобий қаҳрамон” сингари монографиялардан сўнг бу масалага эътибор янада кучайди. С.Мирвалиевнинг “Прозамиз жамоли ва камоли”, “Роман, инсон, жамият”, Р.Назаровнинг “Ўзбек романи ва замонавийлик”, М.Олимовнинг “Роман ва инсон” номли тадқиқотлари ўзбек романчилигининг муҳим масалаларини ёритишга бағишланди.

Кейинги йилларда ўзбек танқидчилари ўз асарлари билан умумиттифок минбарига дадилроқ чиқадиган бўлдилар. М. Қўшжоновнинг “Талант кирралари” номли китоби рус тилида китобхонлар қўлига теги. И.Султонов, Л.Қаюмов, О.Шарафиддинов, Н.Худойбергандов, П.Шермухаммедовларнинг марказий матбуотдаги мақолалари талабчан мутахассислар томонидан илиқ кутиб олинди.

О.Шарафиддиновнинг “Истеъдод жилolari”, С.Мамажоновнинг “Воҳид Зоҳидов”, Ҳ.Абдусаматовнинг “Эстетика ва ҳаёт”, О.Тоғаевнинг “Адиблар ва жанрлар”, С. Шермухаммедов ва С.Мирзаевларнинг “Адабий дўстлигимиз саҳифалари” сингари китоблари ҳисобига бойиган ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги кенг жамоатчиликка ўзининг бой ва ранг-баранг киёфаси ҳақида бир қадар қониқарли тасаввур берди. Айниқса, “Адабиётимизнинг ярим асри” номли тўпلامдан шу давр ўзбек танқидчилигининг савияси, даражаси ва сажияси, унинг асосий ютуқлари ва киёфаси, олдида турган муҳим муаммолари ва уларнинг ҳал этилиш микёси, танқидчиларимизнинг индивидуал услуби намоён бўлувчи ва фарқланувчи ўзига хосликлари ҳақида мухтасар маълумот бера олади. Адабиётшунос Э.Каримовнинг “Развитие реализма в узбекской литературе” (1975), “Лев Толстой и узбекская литература” (1979), “Реализм узбекской демократической литературы» каби тадқиқотлари ҳам бу давр адабиётшунослигида муҳим ўрин эгаллади.

Маълумки, ёзувчи маҳорати ва ижоди тараққиётида фольклорнинг тутган ўрни ва ўйнаган роли масаласини англаш - адабиётшуносликнинг доимий долзарб вазифаси ҳисобланади. Ўзбек адабиётшунослиги бу масалага сўнгги йилларда жиддий эътибор берди. Шу маънода О.Собиров, Ғ.Жалолов каби олимларнинг шу масала билан жиддий шугулланганлари муҳимдир. Аммо улар тадқиқотларида (О.Собировнинг “Ойбек ижодида фольклор”, “Яшин ва халқ ижоди”, “Сарчашма адиб ижодида”, Ғ.Жалоловнинг “Ҳамза поэзияси ва халқ оғзаки ижоди”) фольклорнинг ёзма адабиётга таъсири, уларнинг ўзаро муносабати, ундан катта озиқ олган санъаткорлар ижоди мисолида анчайин жўн талқин қилинганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Ўзбек танқидчилиги бу йилларда ижодий метод масаласига эътиборни кучайтирди, афсуски, кўпчилик тадқиқотларда шўро даври адабиёти методи- социалистик реализм масаласи ўрганилди.

70-йилларда танқид ривожига туртки берган муҳим ходисалардан иккитасини қайд этиб ўтиш лозим: ёш ижодкорларга ғамхўрлик кучайтирилди, улар асарларини кенг ва атрофлича ўрганиш юкори

босқичга кўтарилди, шу билан бирга талабчанлик ҳам кучайди, шу ҳисобига ёш мунаққидлар сафи кенгайди, иккинчиси, машҳур шоира, Зулфия таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш унинг ижодини тадқиқ этиш мисолида ўзбек танқидчилиги муайян даражада ривожланди.

А.Акбаров ва Л.Қаюмовларнинг “Зулфия” номли рус ва ўзбек тилларидаги китоблари, М.Султоновнинг “Ижод саҳифалари” рисоласи, С.Мамажонов, И.Ғафуровнинг шоира ҳақидаги туркум мақолалари бунинг далилидир. Уларда шоира ижодининг назокатлари ва гармонияси, маҳорат сирлари, асарларининг ёзилиш сабаблари, умуман, Зулфия ижодининг адабиётимизда тутган ўрни, унинг ижоди билан шахси ўртасидаги боғланишлар чуқур очиб берилди.

Бу даврда болалар адабиётини ўрганиш масаласида жонланиш кўзга ташланади. Адабиётшунос П.Шермухаммедовнинг Москвада нашр этилган “Ўзбекистон болалар адабиёти” номли тадқиқоти, “Давр қаҳрамон тақдирида” номли китобининг каттагина қисми ҳамда “Она сутидек покиза” рисоласининг майдонга келиши танқидда кўп йиллардан бери ҳукм суриб келаётган бу соҳадаги камчиликнинг бартараф этилишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

70-йиллар ўзбек танқиди ривожини кўрсатувчи сифат белгиларидан бири, унинг адабий жараёнга таъсири кучайиб бораётганлиги билан белгиланади. Ундан 15-20 йил илгари бу таъсир ниҳоятда заиф эди, олимларнинг танқиди ва талаби аксар ҳолларда қозғоғдагина қолиб кетар, бинобарин, шунга яраша танқидчиликнинг ҳам адабий жараён ва ижодкорлар орасидаги нуфузи қамроқ эди. Сўнгги йилларда танқидчиликнинг нуфузи ортди, бунининг адабий жараёнга фаол таъсир кўрсата олиш қучи белгилаб берди. Бу даврга келиб, энг катта ёзувчилардан тортиб, кенжа шоирларгача ўз ижодий йўлини танқидчиларнинг ҳолис ва ҳаққоний фикрларига қараб тўғрилаётганлари оз эмас. Очигини айтганда, ижодкорлар М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Л.Қаюмов, У.Норматов, И.Ғафуров, П.Шермухаммедов, Н.Худойбергандовларнинг фикрлари билан жиддий равишда ҳисоблашадиган, ўз асарлари босилгач, уларнинг фикрини қутадиған, уларнинг мулоҳазаларининг ҳаққонийларини ўз ижодларига талбик этадиган бўлишди.

И.Ғафуровнинг “Ям-яшил дарахт”, У.Норматовнинг “Гўзаллик билан учрашув” китобларига кирган мақолаларнинг барчаси ижодкорлар асарлари кетидан эргашиш эмас, балки уларни қорлаш асосига қурилиб ёзилганлиги билан ажралиб туради. Ёки М.Қўшжоновнинг И.Раҳимга ёзган очик хати ёзувчи ижодидагина эмас, адабий жараёнга ҳам таъсир кўрсатиш қучига эга.

М.Қўшжоновнинг “Талант саховати” китобида Ҳамзадан тортиб А.Ориповгача бўлган ўн бешдан ортиқ ўзбек адабининг адабий портрети ўзбек адабиёти ривожининг умумий контексти фонида ва муҳим

муаммолар билан боғланган ҳолда ёритиб берилди. Бу йўналишдаги китоб ўзбек адабиёти ҳақида марказий нашриётда чиккан калдирғоч асар ҳисобланади. У ўзбек адабиётининг узок йиллардаги ютуқларини ва, аини вақтда, танкидчиликнинг сўнгги йилларда эришган потециал имкониятларини мамлакат миқёсида намоиш килди.

Тахлил ва талкингга эътибор кучая бориши баҳолаш мезонларининг ўзгаришига олиб келди, пировардида, шу ўзгаришлар асносида мазкур давр ўрталарига келиб, адабий танкид фан сифатида олий ўқув юртлари талабаларига ўргатила бошланди. Танкиднинг ўзидаги илмий-назарий изланишлар ва танкидчи маҳорат кирраларини тахлил этувчи илмий тадқиқотлар яратила бошланди.

60-90-йилларда шўролар партиясининг адабиёт билан бирга адабий танкиддан ҳам оммага мафкура таъсирини ўтказиш қуроли сифатида кенг фойдаланганини эътироф этмасликнинг имкони йўқ. Партиянинг 1972 йилги адабий танкид муаммоларига махсус бағишланган қарорида ҳам бу масалага алоҳида эътибор берилди. Адабий танкид ҳам бадий адабиёт сингари шўролар партияси олға сурган гоёлар тарғиботчисига айланганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Шунга карамай, бу давр адабий танкидчилигида изланиш ва илмий кузатишлар кўлами ранг-баранг ва сермахсул бўлди, танкидчиларнинг маҳорат даражаси ўсиб борди. Бу эса XX аср ўзбек адабиёти ва танкидчилиги босиб ўтган мураккаб йўлнинг камчиликларидан керакли ва холис хулоса чиқаришга имкон беради, ҳозирги истиклол адабиёти ва танкидчилигининг ўтиш даври учун ҳам, тараккиёти ҳамда истикболи учун ҳам муҳимлиги кўринди.

Бу даврда адабий танкиднинг тақриз, адабий обзор, муаммоли макола, эссе, хотира, адабий портрет, мактуб, баҳс, монография, адабий суҳбат, адабий ўйлар каби жанрлари ривожланди, салмокли изланишлар олиб борилди. Бу борада жаҳон адабиётшунослиги ва адабий танкидчилиги кўлга киритган ютуқларнинг ўзбек танкидчиларига ижобий ва ижодий таъсири яққол сезила бошлади. Бу даврда ўзбек танкидчилиги тугилиши ва шаклланишида муҳим ўрин тутган, шахсга сифиниш даврида қатагон қилинган олимлар ҳаёти ва танкидчилик фаолияти ўрганилган дастлабки тадқиқотлар пайдо бўлди.

80-йилларнинг охирига бориб, танкидчиликда бадий асарни умумий тарзда шунчаки тавсифлаш, айрим жузъий нуқсонларни кайд этиш билан чегараланиб қолиш, мактовларни авж олдириш каби иллатлар сезиларли даражада барҳам топа бошлади.

Адабий танкидда психологик, киёсий, типологик, эстетик, фалсафий ва тарихий тахлиллар ўзаро уйғунлашган тахлил ва тадқиқ усуллари кучайиб борди. Адабиётшунос О.Абдуллаевнинг “Шеърятимизнинг тиник осмони” (1978) тадқиқоти бу соҳадаги ишлардан бири ҳисобланади. Аввалги босқичларда илгари сурилган қарашларнинг, адабий-танкидий ишларнинг кўпини қайтадан баҳолашга ҳаракат, адабий меросга

муносабат кескин ижобий томонга юз бурди. Ҳар бир халқда икки хил адабиёт бўлиши ҳақидаги ленинча таълимот барҳам топди. Диний мистик ва клерикал адабиёт хусусидаги тушунчаларга муносабат кескин ўзгарди. Халқчиллик тушунчасидаги мезонлар такомиллашди, буларнинг барчаси умумбашарий мезонлар ҳисобига бойинди. Бадий маҳорат, услуб ва ўзаро таъсир, миллий ўзига хослик масалалари юзасидан атрофлича изланишларни кучайтириш ва муайян илмий хулосалар чиқариш давр тақозосига айланиб борди.

Давр танкидида мунаққиднинг ўрни. Жаҳон адабиётидан маълумки, дунёдаги машҳур ёзувчилар бадий ижод билан бирга, адабиётшунослик ва танкидчилик илмининг назарий ҳамда амалий масалалари билан мунтазам шугулланиб келганлар. Аксар ҳолларда баъзи улкан ёзувчи шоирлар, аини вақтда, мохир ва нозик дидли танкидчи бўлганларини ҳам кузатамиз. С.Айний, Ойбек каби устозлар эса, том маънодаги етук адабиётшунос сифатида ҳам фаолият кўрсатганлар. Бу ҳол танкид ва адабиётшуносликнинг ижодкор оламида ҳам, жамиятда ҳам нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Машҳур адиблар адабий-танкидий қарашлари адабиёт оламидаги турли ижодий изланишларни, зиддиятларни бутун мураккаблиги билан намоён этади. Шунинг учун ёзувчининг ҳам, танкидчининг ҳам маҳорати, улар ижодидаги бадий-эстетик муаммоларни ўрганиш жаҳон адабиётшунослигида доим муҳим ўрин эгаллаб келган.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танкидчилиги тарихига назар солинса, Навоий, Бобур, Фуркат, Фитрат, С.Айний, Абдулла Қодирӣ, Қўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қахҳор, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Комил Яшин, Миртемир, Асқад Мухтор, П.Қодиров, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Жамол Камол, Муҳаммад Али каби санъаткорлар бадий ижод жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, назарий ва амалий муаммолари ҳақида мунтазам равишда илмий-эстетик изланишлар олиб борганини ва ҳатто қатор танкидий маколалар, тадқиқотлар яратганини кўраимиз. Бу йўналишдаги ишлар санъаткорларнинг ўз ижодий дунёсини ўрганиш учун ҳам, яратилишига кўра адабий жараёнининг ўзига хосликларини аниқлашда ҳам, қолаверса, адабиёт тарихи ва адабиёт назариясининг нозик жиҳатларини ёритиш ҳамда тегишли хулосалар чиқаришда қатта аҳамиятга эгадир. Зотан санъаткор ижодининг бу йўналиши янги авлод, янги истеъдодлар учун тенгсиз маҳорат мактаби ҳамда китобхонни ёзувчи ижодий лабораториясига олиб қирувчи жонли очкичдир. Шу боис санъаткор ёзувчи-танкидчиларнинг адабий қарашлари ва фаолиятини ўрганиш муҳимдир. Бу соҳада ўзбек мунаққидлари бир мунча ютуқларни кўлга киритдилар.

САИДЖОН АЛИЕВ (1920-2002). Ўзбек адабиётшунослиги раънакига муносиб хисса қўшган бухоролик олим, филология фанлари доктори, профессор Саиджон Алиев С.Айний, Е.Э.Бертельс, Ойбек, А.Саъдий, В.Абдуллаев, И.Султон анъаналарига солиқ ҳолда изланиди, тадқиқотлар яратди. А.Саъдий раҳбарлигида “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг поэтик ижоди” мавзусидаги (1948) ёқлаган номзодлик диссертациясига академик Ойбек ва драматург Иззат Султон муносиб баҳо беришди. Зеро, С.Алиев Бобурнинг шеърисидagi маҳоратини ўзбек адабиётшунослигидa илк бор тадқиқ этиш асосида унинг поэтик меросини ўрганишни бошлаб берган эди.

Олим ўзбек драматургиясининг муҳим назарий муаммоларини тадқиқ этишга киришди. Аслида олимнинг драматургия, театр масалаларига бағишланган биринчи жиддий, айтиш мумкинки, жасорат билан ёзилган иши А.Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш” драмаси ҳақидаги “Виждонлилар кулгиси” мақоласи бўлиб, унда олим асарни ҳар хил ҳуружлардан ҳимоя қилади. Бу эса 60-йиллардаёқ унинг ўз нуктаи назари, услуби, ўз сўзига эга олим эканлигини яққол кўрсатиб берди.

Адабиётшуносликда XX аср 70-йилларида ўзбек драматургиясининг туғилиши ва ривожланишида адабий алоқаларнинг роли масаласи махсус тадқиқот объекти сифатида чуқур ўрганилмаган эди. Олимнинг “Ўзбек драматургиясининг шаклланиши ва ривожидa ўзарo адабий алоқаларнинг роли” деб номланган докторлик диссертацияси ўзбек драматургиясининг тараққиёт йўлларини белгилаб берди. “Адабий алоқалар ва ўзбек драматургияси” (рус тилида) монографияси шу изланишлар самараси бўлди.

С.Алиев илмий тадқиқотларида ўзини изчил ва толмас тадқиқотчи, тажрибали олим сифатида кўрсата олган. Устознинг адабиёт назарияси соҳасидаги уринишлари юздан ортик мақолаларида ва “Ёзувчи новаторлиги” (1983), “Ҷамият ва адабиёт” (1988), “Адабиёт назарияси бўйича амалий машғулотлар” (1994), “Мумтоз адабиётда бадий санъатлар” (1994), “Аруз илми” (1995), “Ўзбек комедиялари” (1-қисм. 1997), “Ўзбек комедиялари” (2-қисм. 2004) каби тадқиқотлари ва рисоаларида ўз ифодасини топган. Унинг ўзбек адабиёти соҳасида олиб борган тадқиқотлари “Унутилмас саҳифалар” (1986), “Бухорода битилган байтлар” (1992) китобларида ҳам акс этган.

ПИРМАТ ШЕРМУҲАММЕДОВ (1939). Болалар адабиёти таъқиқчилиги билан мунтазам шуғулланиб келаётган мунаққидлардан бири Пирмат Шермуҳаммедовдир. “Давр қаҳрамон тақдирида” китобида (1976) XX аср ўрталаридаги болалар адабиётининг ютуқлари ва камчиликлари ўрганилди. 60-йиллар болалар насри ва драматургиясидаги янгиликлар “Кичкинтойларнинг қатта дунёси” мақоласида очиқ берилади. Ш.Холмирзаев, Ё.Шукуров, Х.Тўхтабоев каби адибларнинг

асарларини таҳлил қилар экан, мунаққид эътиборини қаҳрамон характерининг ҳаётийлиги масаласига жалб қилди. Танқидчи кузатишдаги характерли хусусият қаҳрамон салмоғини унинг фақат ижобий ҳислатлардан келиб чиқиб баҳоламаслик керак, деган фикрни илгари суришида кўзга ташланади. Унинг “Ижод дарди” (1973), “Она сутидек покиза” (1975) монографиялари болалар адабиётида дидактиканинг “яланғоч” кўринишларига қарши кураш шу давр ўзбек таъқиқчилигининг, жумладан, П.Шермуҳаммедов таъқиқотларининг характерли хусусиятларидан биридир.

“Она сутидек покиза” китоби шу хусусиятлари билан ажралиб туради. Дидактик элементларнинг мавжудлиги ва зарурлигини қайд этар экан, бунини куруқдан куруқ инкор этиш тўғри эмаслигини таъкидлайди. Дидактика, бадийликдан маҳрум, фақат панду насиҳат, йўл кўрсатиш, бу “ҳаракат нотўғри, буниси тўғри” деб нуқул ақл ўргатиш билан банд бўлса, бундай дидактиканинг бадий адабиётдаги нуфузи таъсирсиз бўлади деган ҳулосага келади у. Айни пайтда, болалар учун ёзилган асарларда фақат образли ифоданинг ўзи ҳам маълум даражада бирёқламалик деб таъкидлайди. Китобда Қ.Ҳикмат, К.Муҳаммадий ва бошқа шоирлар ижоди таҳлилга тортилади. Танқидчи шоирлардан биринчи галда болаларча самимийлик ва ҳассосликни ҳамда болаларга бўлган чексиз меҳрни талаб қилади. Шу хусусиятларида ёш китобхон қалбига кириб бориш мушкул эканини аниқ асарлар мисолида очиқ беради.

Мунаққид “Истеъдод сеҳри” (1977) китобида болалар адабиётидаги ҳаётий ва бадий ҳақиқат муаммоларига эътибор қаратди. Бадий асар таҳлили баҳонасида болалар тарбиясидаги муаммоларни ўртага ташлади, бадий адабиётнинг шахсий тарбиядаги родини кўрсатди. Шу маънода таъқиқчилик болаларнинг шаклланаётган дунёси учун ҳаёт билан бадий асарни бир бирига боғлайдиган кўприқдир деган ҳулосаси муҳимдир. Демак, таъқиқнинг асосий вазифаларидан бирини у ижтимоий ҳаётнинг бадий ўзлаштирилиш жараёнини ўрганиб, шу жараёнга фаол иштирок этиб, унинг, наинки, адабиёт, балки ёш шахс шаклланишига ҳам маълум таъсир этишдан иборатдир деб тушунтиради.

XX асрнинг 70-йилларида кўплаб ижодий портрет намуналари нашр этилди. Уларда муаллифлар аввалги босқичларга ҳос ижодкорни нуқул сўроққа тутавериш, улардан турли микёсларни талаб қилавериш, нуқул кўрсатма беравериш эмас, ёзувчи ва шоир ижодига теран ҳурмат билан муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатдилар. Бадий ижоднинг мураккаб ва машаққатли жараён эканлигини ҳисобга олган ҳолда фикр юритиш одобини кўрсатди. Ўзбек адабий портретнавислиги жараёнини кузатганда, бу борада П.Шермуҳаммедов адабий портретлари мазмун ва шакл жиҳатидан жанрий ранг-баранглик, жонлилиқ жиҳатидан, ўқимишли ва жозибали. Шу маънода, унинг “Рухий олам сеҳргари” портрети ўқувчи диққатини дарҳол ўзига тортиб олиш кучи билан ажралиб туради. Портрет

29 ёшли махбус Достоевскийнинг тутқунликдаги ҳаёти ва пейзаж тасвири билан бошланади. Танкидчи даҳо санъаткорнинг мураккаб ҳаёт ва ижод йўли ҳақида қатор янги ва қизиқарли маълумотлар ҳамда унга мусоҳиб кишиларнинг жонли хотираларини келтириш асосида ҳис-ҳаяжон билан ёзувчи дунёсига кириб боради ва уни ҳам ана шу дунё ичига олиб киради. Қ.Мухаммадий, Қ.Ҳикмат ҳамда Аскар Қосимов ва бошқа ўз даврининг ёш шоирлари ҳақидаги портретлари хилма-хил шаклларда, ширали ва содда тилда ёзилган кузатишлари, ёзувчилар ҳаёти ва ижодига доир нозик мулоҳазаларга бойлиги билан ажралиб туради.

Танкидчи кейинги йилларда бадий ижодда ҳам қаламини синаб кўрмоқда. “Буюк Хоразмий” (1994), “Хоразм маликаси ёҳуд Амир Темурнинг келини” (2006) номли бадеа-романлар яратди. У Хонзода бегим ҳаёти ва қисматини тасвирлаш орқали Моварауннахрдаги ХІУ аср маънавий ҳаёти ва тарихий манзараларини қаламга олади. “Даҳонинг туғилиши ёҳуд Абу Райҳон Беруний қисмати” (2009), “Яхшилар баҳори ёҳуд Маҳмуд Замахшарий даҳоси” (2010) сингари асарларида маърифий-эстетик ҳодисалар илмий - образли тарзда гавдалантирилади.

П.Шермухаммедов кейинги йилларда драматургияда ҳам куч синаб кўрди. Унинг миллий истиқлол даври ҳаётига бағишланган “Ҳажга борган аёллар” драмасида Каъбатуллохон зиёрат қилган аёлларнинг руҳий олами тасвирланган.

Танкид адабиётдан маҳорат талаб қилади, зеро, маҳоратсиз юксак бадий асарлар яратиб бўлмайди. Талант ва маҳорат ёзувчи учун қанча зарур бўлса, танкидчи учун ҳам шунча зарур. Танкид – фан ва ижодкор шахс демакдир. Биз таҳлил этаётган давр тарихий-адабий жараёнининг муҳим хусусиятларидан бири – танкидда маҳорат масаласининг диққат марказига чиқиши бўлди.

Танкидчилар маҳорат сирлари излаш йўлига кирдилар. Бу жараён икки йўл билан борди: 1) ўз-ўзини яхшироқ таниш, танкид моҳияти ва масъулиятини чуқурроқ идрок этиш; 2) танкидни изчил, ҳаққоний ва принципиал танкид қила билиш орқали. Бу даврда адабий танкиднинг ана шу хусусиятларини ўзлаштириш кучайди.

Танкидчи ким? Бу саволга Л.Қаюмов шундай жавоб беради: “Танкидчи санъаткор билан муҳит орасида бир робита, бадий асарни ҳолис ва ҳалол баҳоловчи ҳакам, санъат асарининг ўқувчи ва томошабин орасидаги тарғиботчиси, нафосат қонунларини умумлаштирувчи олим, ижоднинг гоёвий-бадий юксаклиги учун тинмай курашувга даъват этилган адибдир”⁷⁶. Шунга қўшимча қилиб, айтиш мумкинки, танкидчи хабарчи ҳам, баёнчи ҳам эмас, балки бадий асарга ўз муносабатини билдириш орқали салмоқли ижтимоий фикр айтувчи олим ва ижодкор

шахсдир. Танкидчилик маҳорати ҳақида О.Шарафиддинов, Ҳ.Ёкубов, Б.Назаров каби олимлар ўз фикрларини билдирдилар.

Кейинги йилларда ижодкор услубига доир мақола ва монографиялар (С.Мамажоновнинг “Услуб жиолари”, Н.Шукуровнинг “Услублар ва жанрлар”), кўплаб ижод эволюциясига доир ншлар юзага келди. Танкидчилик жанрлари бойиб борди. Ёзувчиларга очик хатлар (В.Зоҳидов-О.Ёкубовга, М.Қўшжонов-И.Раҳимга, М.Иброҳимов-Ў.Ҳошимовга), ёзувчилар билан суҳбатлар (У. Норматов - С.Аҳмад, П.Қолиров, Э.Воҳидов, О.Ёкубов билан; П.Шермухаммедов - Уйғун; Ғ.Мўминов-Миртемир билан), баҳс-мунозаралар (“Ҳаёт ва адабий қаҳрамон”, “Ижодкор ва ҳаёт” мавзуларида) ташкил этилиши одат тусига кирди. Бу жанрлар танкидчилик асоси бойиганини кўрсатишдан ташқари, ўқувчига эстетик таъсир этишнинг бош воситаларидан бири бўлиб қолди.

Адабий танкидчилик ўзининг ижтимоий ва эстетик моҳиятини янада чуқурроқ ҳис этиб, танкид – адабиёт мураббийси, танкид – яхши ижод учун курашувчи, деган қондани янада яхшироқ сингдириб олди. Танкид – адабиёт кўзгуси, адабиёт танкид орқали ўз-ўзини идрок этади деган тушунча ҳам теран томир отди. Адабий танкид маҳорат сирларини эгаллашга астойдил интилди, санъат тилини мантиқ тилига кўчиришда чуқур малака ҳосил қилди, “баҳоловчи танкид” ўрнини “таҳлил ва талқин этувчи танкид” эгаллай бошлади.

Адабиётшунослик айнан 70-80-йилларга келганда жиддий ютуқларни қўлга киритди. Адабий турлар ва жанрлар эволюцияси, тараққиёт тамойиллари анча чуқур ўрганилди. Ўзбек адабиётининг деярли барча йирик намоёндаларининг ижодий фаолиятини адабиётнинг қамолот босқичлари ва ривожланиш қонуниятлари, етакчи тамойиллари асосида умумлаштирувчи монографик тадқиқотлар яратилди.

Хуллас, янги босқичга кўтарилган бу давр адабий танкидчилигида замонасозликка мойиллик, ижодий қиёфасизлик, “офаринчилик”, “турухбозлик”, ман-манлик, зўрма-зўракилик, баландпарвозлик, камчиликларга енгил муносабат, билагонлик балоси, фикр, муаммони яратилаётган янги асарлар ёҳуд адабий жараён тамойилларига асосланиб эмас, “Литературная газета” ҳамда “Вопросы литературы”да пайдо бўлган айрим қарашларни республика танкидчилигига кўчириб ўтказиш, бебурд “диагноз” қўйишга уриниш каби иллатлар мавжуд эди. Булар, албатта, бир жихатдан камчиликлар, иккинчи жихатдан танкидчиларнинг ўз услубларини намоён қилишга интилиши ҳамда изланишлар натижаси сифатида ҳам пайдо бўлди. Шу боис, уларнинг айрим намуналари гоҳ у, гоҳ бу мунаққид фаолиятида кўриниб турди. Уларни ҳолис кўрсатиш, қайта тақорланмаслиги учун сабабларини очиш, таҳлил қилиш адабий танкид тарихи нуқтаи назаридан ўрганиб, тегишли ҳулосалар чиқариш ҳозирги адабий жараён тараққиёти, маънавиятимизнинг янада юксалиши учун муҳимдир.

⁷⁶ Қаюмов Л. Аср ва наср. Т. 1, 1975. – Б. 9.

БАҲОДИР САРИМСОҚОВ (1944-2007). Ўзбек адабиётшунослигида истеъдодли олим Б.Саримсоқовнинг ўзига хос ўрни бор. 1948 йида Фарғона вилоятида туғилган олим илмга ёшлигидан ҳавас қўйди. Ўқиб, изланиш унинг доимий ҳамроҳи бўлиб келди. “Сажъ ва унинг ўзбек фольклорида тутган ўрни” (1973) мавзuida номзодлик диссертациясини ёклади. “Ўзбек адабиётида сажъ” (1982) монографияси шу изланишлари самараси эди. Олимнинг кўпчилик тадқиқотлари ўзбек фольклоршунослигини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, “Ўзбек маросим фольклори” (1986) китоби, “Ўзбек маросим фольклори: унинг жанр таркиби, генезиси ва поэтикаси” мавзuidaги (1987) докторлик диссертацияси бу соҳадаги йирик ишлардан ҳисобланади.

Олим адабий жараёнга фаол муносабатда бўлишга ҳаракат қилиб келди. Унинг ҳозирги ўзбек адабиёти билан боғлиқ адабий-танқидий мақолалари, айниқса, ҳозирги ўзбек шеърятини, модернизм адабиёти ҳақидаги суҳбат ва баҳслари жамоатчилик эътиборини тортди. Чунончи, Б.Саримсоқовнинг «Абсурд маънисизликдир» (ЎЗАС, 2020, 28 июнь) сарлавҳали мақоласи фикримизга ёрқин мисол бўла олади. У мақолада масаланинг икки жиҳатига эътиборни тортади: биринчиси, ўзбек бадий тафаккур тарзида абсурд каби тушунчалар азалдан бормиди ёки энди пайдо бўлдимми... Иккинчиси, гайриилмий талқинлар китобхонни, айниқса, адабиётшуносликдан таълим олаётган талабалар, тадқиқот олиб бораётган магистрант ҳамда аспирантлар онгида чалкаш тасаввур қолдирмаслик ташвиши. Б.Саримсоқов мақолада «абсурднавислик», «маънисиз адабиёт», «субутсиз экзистенциализм» каби ибораларни ишлатади. Бир ўринда шундай ёзади: «А.Қаҳхорни соцреализмдан айириб олиш учун уни бир ботқокдан олиб, иккинчисига ташлаш шартми?!». Бу мулоҳазалар олимнинг абсурд адабиёти, экзистенциализмга муносабатини аниқ ифода этади. Б.Саримсоқов ана шу муносабат асосида абсурд фалсафаси, абсурд адабиётини соцреализм каби ботқокқа қиёслайди. Албатта, бу қиёс абсурд адабиётнинг туб моҳияти ҳақидаги таҳлилий баҳо ёки таъриф эмас. Олим абсурд адабиёт жаҳон бадий тафаккурида мавжуд ҳодиса эканини инкор этмайди: «Абсурд фалсафанинг йирик намояндаларидан бири А.Камю «Бегона», «Сизиф ҳақида миф» каби асарларида абсурд адабиётнинг ёрқин намуналарини яратди...», деб ёзади. Албатта, мақолада акс этганидек, бундай «олдиндан тайёр позициядан» туриб абсурд адабиётга ҳолис ёндашиш, унинг моҳиятини объектив таҳлил қилиш қийин. Зеро, аввал-бошданок мақола «Абсурд маънисизликдир», дея номланган, яъни бу «маънисизлик маънисизликдир» деганидир. Олим абсурд адабиётини, бошқача айтганда, инсоннинг ҳаётда мавжудлигининг, яшашнинг маънисизлиги ҳақидаги адабиётни маънисизлик адабиёти тарзида талқин этади ва бу талқинлар адабий муҳитда анча баҳс-мунозарани келтириб чиқарди.

Олимнинг адабий турлар ва жанрлар муаммосига доир қарашлари ҳам эътиборни тортади.

80-йиллар ўрталаридан пайдо бўлган шаронглар туфайли ўзбек танқидчилиги соцреализмнинг узок йиллар ҳукм суриб келган исканжасидан қутулиш тамойиллари тезлашди. Авваллари ман этилган шоир, ёзувчилар ижодини ўрганиш имкониятлари туғилди. Авваллари диний-мистик, феодал-клерикал, реакцион деб баҳоланган Яссавий каби ижодкорларнинг асарлари яна ўз халқига қайта бошлади. Уларнинг асарлари чоп этилиб, ижодлари ўрганишга киришилди. Бутун халқнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида уйғонишлар кўринганидек, адабий танқидда ҳам миллат ва ўзликни англаш йўлида бурилишлар рўй берди. Шу вақтгача ҳоким тузум миллатчи деб баҳолала келган Чўлпон ва Фитрат сингари миллатпарвар, фидойи санъаткорлар ижодини ўрганиб, тегишли ҳулосалар ва тавсиялар тайёрлаш мақсадида махсус комиссия тузилди. Бу комиссия улар ижоди юзасидан ижобий ҳулосаларга келди. Бу йўналишдаги ижодкорлар асарларини чоп этиш, улар ҳақида миллатпарварлик руҳида мақолалар ёзиш намуналари кўринди.

Тарихга муносабат ўзгариб, бу адабий танқидда ҳам кўрина бошлади. Адабиётшунос олим **А.Қаттабековнинг (1944-1998)** “Тарихий шахс ва бадий образ” (1982), “Тарих сабоқлари” (1986), “тарихий ҳақиқат ва бадий маҳорат” (1982) каби тадқиқотларида бунинг яққол кўриш мумкин. Тарихий қаҳрамонлар юзасидан шу вақтгача айтиб келинган катор ноҳақ, бирёклама фикрларга зарба берилди. Соҳибқирон Амир Темур сиймосини бадий адабиётда ўта тенденциоз руҳда акс эттирилган ва шу вақтгача юқори баҳолаб келинган “Самарқанд осмонда юлдузлар” сингари асарлар кескин қаршилиқка учради. Шўро даври ва унинг зўравон сиёсати улуғланган асарлардаги бир ёқламаликни дадил кўрсатиш ва очниш йўлига ўтилди. Бу йўналишда баъзан ўта сўллашиб кетиш намуналари ҳам кўринди.

Адабий танқиднинг мезонларини янгилаш ва шўро даври адабиётини қайта баҳолаш тамойили бошланди. Тафаккур ва ҳаракатда умуман рўй бераётган бундай ўзгаришлар адабиётда ҳам, жамиятда ҳам, ҳаётда ҳам жиддий бурилишлар, янгиланишлар олиб келмаслиги мумкин эмас эди. Бу ўзгаришлар улуг янгиланишларнинг мужласи эди, ҳолос. Том маънодаги ўзгариш ва янгиланишлар Мустақилликдан кейин бошланган.

Бу давр адабий танқиди босиб ўтган йўлни, айниқса, истиқлол тафаккури ва миллий мафкура нуктан назаридан тадқиқ қилиш; яқин ўтмиш асарларини янги мезонлар асосида баҳолаш ҳамда адабиётимизнинг миллий қиёфасини янада мустаҳкамлаш учун кураш муҳим вазифалардир.

Таянч тушунчалар: Адабиётнинг мафкуравийлаштирилиши, адабий танқид ва мафкура, танқидчи дунёқараши, янги инсон тасвири учун

кураш, "конфликтсизлик назарияси", типиклик муаммоси, замонавийлик, хозиржавоблик, театр тақризчилиги, схематизм, драматургияда конфликт, тарихий мавзу, замонавий мавзу, лирикада конфликт.

Танкидда реализм масаласи, танкидчи услуби ва маҳорати, ёзувчидаги мунаққидлик салоҳияти, танкидчи мулоҳазалари, илмий-биографик метод, монографик тадқиқотлар, танкидчи савияси, шахсияти.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. Адабий танкидни мафкуравийлаштириш деганда нимани тушунамиз?
2. Танкидчиликда йўл қўйилган вульгар социологик ва нигилистик ҳатоларнинг моҳияти нимада?
3. "Сароб" романи ҳақидаги баҳслар хусусида сўзланг.
4. "Обид кетмон" қиссаси ҳақидаги адабий-танкидий қарашларга муносабат билдиринг.
5. Соцреализм янглиш ва хато назария бўлгани ҳақида муносабат билдиринг.
6. Айн (Олим Шарафуддинов)нинг Чўлпон ва Ҳ.Олимжоннинг Фитрат ижодида муносабатдаги хато нуқталар нималардан иборат ?
7. 30-йиллар танкидчилари "Ўткан кунлар" романига қандай муносабатда бўлдилар?
8. 30-йиллар танкидининг хос хусусиятлари ва адабий жараёнга таъсири нималарда кўринади?
9. Адабиётда янги инсон тасвири учун кураш ва унинг оқибатлари ҳақида нималар биласиз?
10. О.Ҳошим илмий меросининг ўрганилиши ҳақида нималар биласиз ?
11. О.Ҳошим ҳаёти ва ижоди йўли ҳақида гапиринг.
12. Унинг адабий-назарий қарашлари ҳақида сўзланг.
13. О.Ҳошим ва Ойбек муносабатлари ҳақида нималар биласиз?
14. О.Ҳошим ижодида учрайдиган нуқсонларнинг келиб чиқиш сабабларини изоҳланг.
15. Сотти Ҳусайн ижодий биографияси ҳақида сўзланг.
16. Сотти Ҳусайн илмий ва ижодий меросига муносабатингиз қандай?
17. Танкидчининг "Ўткан кунлар" романи ва унинг муаллифига муносабати қандай бўлган?
18. Иккинчи жаҳон уруши йилларида адабий танкид қай хусусиятларда намоён бўлди?
19. Ижобий қаҳрамон муаммосига доир изланишларнинг қусур ва фазилатлари нимада?
20. Конфликт муаммосининг ҳал этилиши ҳақида гапиринг.
21. "Конфликтсизлик назарияси" ҳақида нималар дея оласиз?

22. 50-йилларда қайтадан хуруж қилган нигилизм ва "Алпомиш" достони атрофидаги мунозаралар ҳақида сўзланг.

23. Давр адабий танкиди "Қутлуг қон" романига қандай муносабат билдирди?

24. 60-йиллар адабий танкидининг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?

25. 70-йилларда адабиётшунослик ва адабий танкидда кўпроқ қандай муаммоларга эътибор берди?

26. 60-80-йиллар адабий танкидида қайси йўналишлар устуворлик қилди?

27. Бу даврдаги ёзувчи-танкидчилар фаолияти ҳақида сўзланг.

28. Айрим жанрлар тадқиқига оид монографик тадқиқотлар қандай хусусиятларга эга?

29. 80-йиллар ўрталаридан бошлаб жамиятда ва адабий танкидда қандай ўзгаришлар рўй берди.

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Каримов И. Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор. Т., 2010.
2. Алиев А. Истиқлол ва адабий мерос. Т., 1999.
3. Балдауф Ингеборг. XX аср ўзбек адабиётига қизгилар. Т., Маънавият. 2001.
4. Дўстқорасев Б. Ўзбек адабий танкидчилиги. Т., 1998.
5. Ёкубов Ҳ. Сайланма. Икки жилдлик. Т.: Адабиёт ва санъат. 1983.
6. Ёкубов Ҳ. Атоқли олим ва танкилотчи // ЎТА, 1975. № 3, - Б. 17.
7. Ёкубов И. Отажон Ҳошимнинг илк танкидий мақоласи // ЎТА, 8. 1992, № 3-4, - Б. 48-51.
8. Йўлдошев Б. Мақсуд Шайхзоданинг адабий-танкидий қарашлари хусусида // "Шарқ юлдузи". 1986. № 5.
9. Йўлдошев Б. Адабиётшунослик ва адабий танкидда тарихий-биографик ёндашув методлари // ЎТА, 2003, № 3.
10. Каримов Б. Абдулла Қодирий. Т.: Фан, 2006.
11. Мажидий Р. Истеъдод ва бурч. Т.: Адабиёт ва санъат. 1974.
12. Назаров Б. Ўзбек адабий танкидчилиги. Т., Фан, 1979.
13. Назаров Б. Адабиётшунослик ва адабий танкидчилигимиз янги босқичда // ЎТА, 1976, № 1: 1977, № 8.
14. Назаров Б. Адабий меросимиз ва янги фикрлаш // ЎЗАС, 1989, 26.02.
15. Норматов У. Қодирий мўъжизаси. - Т.: O'zbekiston.-2010.- 270 б.
16. Озод ватан одами ёхуд замонамиз қаҳрамони сиймосини яратиш масаласи. Давра суҳбати // "ЎЗАС". 2001, 19 январь.
17. Пўлатов А. Отажон Ҳошим қисмати // ЎЗАС, 1989, 31 март.

19. Содик Санжар. Адабиётшунослигимиз муаммолари // "Шарк юлдузи", 1977, № 8.
20. Сотти Хусайн. Танланган асарлар. Т.: Адабиёт ва санъат. 1974.
21. Турдиев Ш. Отажон Хошимов // "ЎТА", 1990, № 4, 23-б.
22. Турдиев Ш. Танкид "душман" излаганда // ЎзАС. 1988, 12 август.
23. Турдиев Ш. Миён Бузрук Солихов – адабиётшунос // ЎТА, 2002, № 1, 10-15-б.
24. Шарафиддинов О. Чўлпон. Отажон Хошим. Мустафо Чўкай.
25. "Истиклол фидойилари" серияси. Т.: Шарк, 1993.
26. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. Т., 2006.
27. Шокиров Ў. Танкидчи ва адабий жараён. Т., 1976.
28. Шарафиддинов Олим. Танланган асарлар. Т.: Фан, 1974.

ОЙБЕКНИНГ АДАБИЙ – ТАНКИДИЙ ҚАРАШЛАРИ (1905-1968)

РЕЖА:

1. Ойбек адабий-танкидий қарашларининг ўрганилиши.
2. Етук адабий танкидчи.
3. Чўлпон ва замондошлари ижоди Ойбек талкинида
4. Назарий қарашларнинг амалиётга таъсири. Амалий тажрибаларнинг назарий хулосалари.

Ойбек адабий-танкидий қарашларининг ўрганилиши. "Ойбек истеъдодининг олмос кирраларидан бири – унинг адабиётшунослик ва танкидчилик фаолиятида яркираб кўринади"⁷⁷, деб ёзди мунаққид Озод Шарафиддинов. Ойбек ўзбек адабиётшунослиги ва танкидчилиги ривожига катта ҳисса қўшди. Шунга карамай, унинг бу йўналишдаги илмий фаолиятини ўрганиш анча кеч бошланди.

Машхур ойбекшунос олимлар Ҳ. Ёқубов ва М. Қўшжонов кўпроқ Ойбекнинг бадий асарларини таҳлил қилувчи монографик тадқиқотлар яратдилар. Афсуски, адиб ижодининг адабиётшунослик ва танкидчиликдан иборат ўрганишга арзигулик кирраси атрофлича, чуқур ўрганилмай келди. Ойбекка бағишланган катта-катта монографик тадқиқотларда бу масалага етарли эътибор берилмади. Озод Шарафиддиновнинг "Истеъдод жилolari" (1967) китобидаги "Сўз санъатига фидойи садокат" деб номланган бўлим Ойбек адабий-танкидий қарашларини ўрганишга бағишланган илк ҳаракат бўлди. Унда Ойбекнинг Навоий лирикасига бағишланган мақоласи, "Алишер Навоий" тадқиқоти, "А. Қодирийнинг ижодий йўли" рисоласи ҳақида фикр юритилди. Лекин кичик бир мақола доирасида Ойбекнинг бой илмий-танкидий меросини таҳлил этиш мушкул, албатта.

Академик Б. Назаровнинг номзодлик диссертацияси Ойбек адабий-танкидий қарашларини ўрганишга бағишланган. "Бу сеҳрли дунё" (1980) номли китобида ҳам адибнинг шу йўналишдаги фаолияти ёритилди. Унинг "Ҳаётийлик – безавол мезон" (1985) китобидаги "Қуёшдек яшаган ичдаги севги" боби Ойбек ижодига бағишланган бўлиб, унинг 7-асосий қисмида Ойбек адабий-танкидий қарашлари, кўпроқ 30-йиллардаги фаолияти ҳақида фикр юритилади. Аммо уларда шўро даври мафкураси нуктан назаридан билдирилган фикрлар ҳам йўқ эмас.

"Ойбек ижодий методи ва бадий маҳорати" деб номланган тўпلامда адиб ижодининг турли кирралари ҳақидаги мақолалар жамланган. Унда "Ойбекнинг илк адабий-танкидий мақолалари" деб аталган Ж. Жумабоевага мансуб ишда Ойбекнинг "Танкид соҳасида саводсизлик ва ур-йикитчиликка қарши ўт очайлик" номли тадқиқоти батафсил таҳлил этилади. "Социалистик лирика учун" мақоласи ўша давр билан боғлиқ ҳолда ёритилади.

Н. Каримовнинг "Машхур кишилар ҳаёти" туркумидаги "Ойбек" эссесига буюк адибнинг танкидий ишлари ҳақида қисқа фикр билдириб ўтилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги баъзи мақолаларда Ойбек ижодининг айрим нукталарини бирёклама баҳолаш тамойиллари ҳам кўринадики, буни ёқлаб бўлмайди. Тўғри, Ойбекнинг ўз адабий-танкидий мақолалари ҳамда танкидий асарларида даврнинг сиёсий-мафкуравий руҳини ифодаловчи айрим қарашлар йўқ эмас. Лекин муаллиф табияти эмас, замон билан изоҳланувчи бу ҳолат адибнинг улугвор қудрати ва шахсига соя ташлай олмайди.

Шу маънода Ойбек бадий ижоди ҳам, адабий-танкидий қарашлари ҳам мустақиллик мафкураси нуктан назаридан тадқиқ этилиши энг тўғри йўлдир. Бинобарин, Ойбек илмий-танкидий асарлари силсиласидаги аксар мақолалар, тадқиқотлар "бугун ҳам адабий жараённинг жонли иштирокчиси сифатида яшамокдалар ва ёшлар учун адабиётга садокатнинг ажиб намунаси бўлмокдалар"⁷⁸.

Етук адабий танкидчи. Ойбек ижодини жўшиб, тўлиб турган теран денгизга киёс қиладилар. Бу денгиз доимо тўлиқиб, тўлқинланиб, мавжланиб туради, улар ичида танкидий тафаккур тўлқинларининг ўзига хос ўрни бор. Ўзбек танкидчилигида жанрлар ва уларнинг табияти, маҳорат масалаларини ўрганишда Ойбек ижодининг бу кирраси ҳали кўп хизмат қилади.

Ойбек табиятидаги илмий-танкидий меросидаги кишини лол қолдирадиган нарса, кизикиш доирасининг бениҳоят кенглигидир. У фақат ўзбек адабиёти эмас, қардош халқлар адабиёти ҳақида теран мақолалар ёзди. Ёзганда ҳам муаммоларни чуқур билим билан қаламга

⁷⁷ Шарафиддинов О. Истеъдод жилolari. Т., 1976. - Б. 124.

⁷⁸ Шарафиддинов О. Истеъдод жилolari. - Б. 125.

олди, ҳар бир масаланинг туб моҳиятини ёритди. Пушкин ва Шевченкога, Муқимий ва Чеховга, антик дунё адабиётига, мумтоз адабиётга бағишланган мақолаларида Ойбек масалага қомусий билимдонлик билан ёндошди. У адабий-танқидий қарашлари шаклланишининг илк босқичидаги "Адабиёт қондалари", "Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак", "Мунаққиднинг мунаққидига" сингари мақола ва тақризларида айрим чекланишларга йўл қўйса-да, ўрганилаётган масаланинг туб моҳиятини ёритиш, мунаққидлик фаолиятининг бош аъмоли бўлиб қолди.

Фитратнинг "Адабиёт қондалари" рисоласига бағишланган тақризида ҳозиржавоблик билан ушбу ўқув қўлланмаси зарур эканлигини таъкидлади ва китоб "ҳозирги адабий ҳаётимизнинг суғаварида" муҳимдир, деб баҳолади. Материалларга ёндошувда система мавжуд эканини, қондаларни тушунтиришда ҳозирги замон шоирлари асарлари билан чекланмай, салафларимиз асарларидан ҳам мисоллар танланганини маъқуллади. Асарнинг яна бир хусусияти—"адиб Фитратнинг жозиба, гўзал услуби" эканини таъкидлашдир. Китобнинг қамчиликлари ҳам кўрсатилди. Фитратнинг санъатни таърифлашдаги жиддий нуқсони "санъат ва адабиётга бу қунги кўз билан (марксчиларча) қарамаган"ликда, марксистча иқтисодий таҳлил йўқлигида" деб танқид қилади. Энг муҳими, бу фикр тақриз ёзилган даврдаги замонасозлик руҳини ифодаласа-да, ҳозирги мустақиллик мафқураси Фитратнинг тўғри йўлдан борганилигини кўрсатади. Бу Фитратнинг ўша вақтдаёқ мафқура домига тушмай, умумбашарий мезонларни асос қилиб олганига ёрқин далилдир.

Лирикага бағишланган мақоласида Ойбек юксак ғоявийлик замон билан ҳамнафасликда кўриб, бирмунча чекланишга йўл қўяди, лекин унинг жонли халқ ҳаёти билан мустақам боғланиши зарурлигини тўғри белгилайди. Лирика наинки шахс, халқнинг ҳам фикр-туйғулари, кечинмаларини эмоционал равишда ифодалаш керак деб билди. Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ҳ.Пўлат шеърларини таҳлил қилганда, табиийки, у "социалистик лирика"нинг муҳим хусусиятларини янги давр билан боғлиқ ҳолда очишга интиладики, бу ўша давр тақозоси эди.

"Сўнгги йиллар ўзбек поэзияси" мақоласида муаллиф шоирларни поэтик маҳоратни мукаммалроқ эгаллашга чақирди.

20-йиллар охирида адабий танқид шоир, ёзувчилар ижодига эҳтиёткорлик билан ёндошишга уринса-да, замон мунаққидларни ур-тўқмоқчиликдан, қўмондонбозликдан саклаб қололмади. "20-йиллар охири, 30-йилларнинг бошларида оёққа туриб келаётган ўзбек танқидчилигида тарафқашлик, субъективизм авж олган, "ур тўқмоқлик" кучайган бир пайт ҳисобланади"⁷⁹. Лекин илғор танқидчилик бундай қийин шароитда ҳам реалистик адабий танқид тажрибаларини ўзлаштиришга интилди. Зотан бу соҳада тартиб ўрнатмай, умуман,

адабиётни ривожлантириш мушкуллиги маълум эди. Ойбекнинг "Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-йиқитчиликка қарши ўт очайлик" (1933) мақоласи даврнинг худди шу долзарб талабларига жавоб сифатида майдонга келди. Унда танқиддаги вульгар социологизмнинг қўпол кўринишлари кескин фош этилди. Натижада Ҳамид Олимжон ижоди асоссиз ҳужумлардан асраб қолди. Мақола адабиётнинг, танқиднинг тўғри йўлдан боришига кўп жиҳатдан ёрдам берди. Аммо мақола шоирнинг кўпроқ социалистик тузум билан боғлиқ шеърларига диққатини қаратадики, буни давр сиёсатининг эҳтиёжи сифатида изоҳлаш мумкин.

Ойбек бадий тилга бағишланган мақоласида ўзбек адабий тилининг софлиги, аниқлиги, чуқур халқчиллиги, ифодавийлиги ва ёрқинлиги учун курашди. Давр шеърлятидаги тил нўноқликлари танқидчиликда илк бор шу мақолада очиб ташланди дейиш мумкин. Мақолада Ойбекнинг талабчанлиги, ҳолислиги, тўғрисиёз ва одиллиги яққол намоён бўлган.

Ойбек мақолаларининг кўпи 30-йилларда ёзилган, бироқ уларни ўқисангиз кеча ёки бугун ёзилгандек таассурот қолдиради. Улар кучли шоир руҳи билан сўғорилган. Бу мақолалардаги умрбоқийликнинг сириники нарсанда кўринади:

1. Ойбек ҳеч вақт осон ва юзаки йўлни танламади, курук тавсиф қилиш ёки баёнчилик йўлидан юрмади, унинг ҳар бир мақоласи асосида тинимсиз изланувчан, шиддатли, ҳолис тафаккур ётади.

2. Деярли ҳар бир мақолада олим назари билан бадий ижодкор юрагини туташади, балқиб туради. Уларда тадқиқотчининг синчков тафаккуригина эмас, санъаткорнинг қайноқ қалбини ҳам ҳис қиламиз. Уларда эҳтирос кучли, юксак дидли кузатувчининг ўткир нигоҳи бор, қайси ижодкор ҳақида ёзмасин, унга муҳаббат ва ҳурмат билан ёндашади.

Чўлпон ва замондошлари ижоди Ойбек талқинида. Ойбекнинг 20-йиллардаги Чўлпон шеърлятига бағишланган мақоласини журъат ва жасорат билан ёзилган ишлардан бири дейиш мумкин. Чўлпонни тўғри

тушунишда Ойбекнинг шоир юрагини муҳим роль ўйнади. У Чўлпон шеърлятини чуқур таҳлил этиб, халқ учун зарурлигини, аҳамиятини тўғри таъкидлади. Чўлпон шеърляти ва драмалари ўз давридаёқ адабий танқидда жиддий мунозараларга сабаб бўлди.

"Уйғониш" (1922) тўплами нашр этилиши билан З.Башир Чўлпонни "халқ шоири эмас, халққа яқин бўлган зиёлилар шоирлири" деган фикрни айтди, Айн (Олим Шарафиддинов) "Ўзбек шоирлари. Чўлпон" мақоласида шоир ижодини асоссиз равишда қоралаб чиқади: "Чўлпон миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлилар шоирлири", дея унда-да, ошириб тушувчи салбий баҳо берди. Орадан икки ой ўтгач, бу мақолаларга жавобан Ойбекнинг "Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак?" мақоласи пайдо бўлди. Мақола Айнинг "ижод эркинлигини чеклашини, адабиётни "ғоявийлик" ботқоқига ботириб, боши берк қўчага киритиб қўйишини ва

⁷⁹ Дўстқороев Б. Бир мунозара транхидан// Шарқ юлдузи. 1989. № 6. - Б. 189.

бора-бора адабиётнинг санъатлигига путур етказишини" англаган ҳолда ёзилган қарши жавоб эди. Ойбекнинг бу мақоласи умуман ўзбек танқиди методологияси шаклланиши ва тўғри йўлини белгилашда ўз аҳамиятига эга бўлган мақолалардан биридир.

Ойбек адабиёт ҳақида ҳукмрон мафкура қилипларидан келиб чиқиб эмас, санъат қонуниятлари асосида мулоҳаза юритишга чақиради. Чўлпон ур қалтак бўлиб турган замонда уни ҳимоя қилиб чиқишнинг ўзи бир жасорат бўлса, ҳукмрон сиёсат ҳаракатдаги адабиётни ўз измига солишни мақсад қилиб турган бир замонда санъаткор ижодини унинг мафкурасига қараб эмас, адабиётнинг ички қонуниятларидан келиб чиқиб, яъни бадийлиги га қараб баҳо бериш керак бўлса, яна бир қатта жасорат эди. Ойбек русларнинг Пушкинни қанчалик севишини мисол қилиб келтиради, шу асосда "биз ҳам Чўлпондан қўл торта олмаймиз", дейди. Негаки, Чўлпоннинг адабиётдаги хизматлари қатта: "Чўлпон янги адабиётда янги нарсани яратди. Мувашшаҳ адабиёти ўрнига бу куннинг бадий завқига яраша ёқимли (бадий) гўзал шеърлар ўртага чиқарди. Бу кунги ёш насл унинг содда тилини, тотли услубини, техникасини кўп севади. Ундан кўп гўзалликлар олади", деб ёзган Ойбекни ўша даврда бу мақоласи учун нотўғри айблаганлар ҳам бўлди. Улар ичида А.Икромов ҳам бор эди.

"Мунаққиднинг мунаққиди" мақоласини ёзган Усмонхон Ойбекни бирёклама танқид қилиб, Чўлпон ижодида мазмун билан шакл алоқаларини нотўғри тушунганликда айблади. Чўлпоннинг бадий шаклидан фойдаланамиз дегани учун Ойбекни адабиётга "буржуача қарайди"ганлар сирасига қўшди. Таассуфки, шунча замонасозлигига қарамай, Усмонхоннинг ўзи ҳам бошқа истиснодди эдилар қабил ўша мафкурани ҳар қанча ҳимоя қилмасин, қатағоннинг қурбони бўлди. Кейинги мақоласида Ойбек Усмонхонга жавобида бадий асар мазмуни билан шаклини бир-биридан ажратгани "зўр хато" эканини эътироф этиши, мохиятан унга сиёсат зугуми ўз таъсирини ўтказётганидан бир нишона эди. Лекин бундан қатъий назар у "бадий асар ичига қўмилган ҳис ва фикрларни санъат тилидан социология тилига" қўчириб таҳлил қилиш ҳақидаги этикодига содиқ қолажагини эътироф этдики, бу унинг навбатдаги яна бир журъати эди. Бу ўриндаги Ойбекнинг социологияга муносабатида, бир жихатдан, унга бу масалада Плеханов таъсири сезилиб туради, иккинчи бир томондан, бу фикрни, вульгар социология асос бўлган маънода эмас, адабиётнинг ижтимоийёт билан мустақкам алоқаси маъносидан идрок этиш тўғрироқ бўлади.

Бу баҳс-мунозаралардан муайян ҳулосалар чиқариш лозим, албатта. "Жумладан, Ойбекнинг мақолаларида шундай ўринлар бор эдики, улар адабиётшуносликдаги ақидапарастлик ва вульгар социализмга қарши қурашда, ижодкорларни беҳуда қалтаклардан, ўринсиз зугумлардан асраб қолишда дурустгина замин бўлиши мумкин эди", деб ёзади Озод Шарафиддинов. Аммо мафкура Айн билан Усмонхонни ҳимоя қилар эди,

шу тариқа ўзбекнинг буюк шоири Чўлпон ноҳақ қатағонга учради, Ойбек эса танқид қилинди. Албатта, Айн, Усмонхон, А.Саъдий қабилар ўртасидаги баҳс-мунозаралар Ойбек ижоди, танқидчилик маҳорати шаклланишига маълум таъсирини ўтказмай қолмади. Бу мақола билан Ойбек адабиётимиз тарихида баҳс интеллект ва санъатини чуқур эгаллаган сиймолардан бири сифатида қалажак авлодларга намуна бўлиб қолди: у баҳсларда маданиятли, босиқ, адаб лафзини мустақкам тутадиган, мулоҳазаларида ҳариф ҳурматини ўрнига қўядиган зиёли мунаққид сифатида қўринади.

Ойбекнинг танқидчилик фаолиятида ворисийлик қўзга яққол қўринади: у Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, В.Маҳмуд ижодларида намоён бўлувчи эстетика, санъатқорона талқин ва таҳлил йўллари зукколик билан ўзлаштириди.

Ойбек тенгқур дўстлар ижодини таҳлил ва тарғиб этишда кўп ишларни амалга оширди. Умуман, бу борада Ғ.Ғулом, Ойбек, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор, М.Шайхзода, Миртемир, Яшиннинг ижодий ҳамкорлиги янги авлодларга ўрнак бўларлидир. Улар мақолаларида дўстларга меҳрини аямай, бир-бирларини асраб-авайлашга ҳаракат қилдилар. Ойбекнинг Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор, Шайхзода, Яшин ижодига бағишланган мақолалари, уларнинг асарларини чуқур тадқиқ ва тарғиб этишдан ташқари ўз даври адабий жараёни ривожига ҳам қатта таъсир қўрсатди.

А.Қаҳҳорнинг Саид Аҳмад ижодига қўрсатган таъсиридаги нозик қирра ва нуқталарини очиб берган ҳам Ойбекдир.

Уруш даврида Ойбек Ғ.Ғулом билан ҳамкорликда "Жалолиддин" драмасининг сахналаштирилиши муносабати билан тақриз ёзди. Унда Ватан фарзандларининг эрк, мустақиллик, номус ва шараф учун олиб борган қураши ёрқин, маънодор драматизм билан тўла ҳаяжонли картиналарда гавдаланиши таъкидланиб, муаллифлар, бу тарихий драманинг бадий қимматини, замонавий ва тарбиявий аҳамиятини белгилаб бердилар.

Жалолиддин "ўз сиймосининг маънавий гўзаллиги билан томошабинни сехрлайди, у "баходирликни ўтқир ақл билан беағайиб йиғит...". Бу самимий мулоҳазаларда асарнинг замонавий аҳамиятидан ташқари унинг тарихий қиммати белгиланаётганини сезиш қийин эмас. Бу тақризни ўқисангиз, унинг ҳамон эскирмаганлигини, ҳозирги кунга ҳам мос қарашларга бойлигини қўриш мумкин. Бу Ойбекнинг теран нигоҳли танқилчи эканлигидан далолат беради.

Ойбек ёш ижодкорларга алоҳида ғамхўрлик билан қаради. Буни кейинчалик устоз даражасига қўтарилган ижодкорларнинг ўзлари эътироф этадилар. "Ойбек домла билан учрашувларимни ҳамда кечирган ҳаяжонларимни қоғозга туширсам, бир рисола бўлади. Домлага "Арманистон" деган шеъримни ўқиб берганимда "ингичка, ингичка" деб қўйганларини эсламан.... Ойбек домла кейинги сафар қорлаганларида

қўлимга Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига аъзоликка тавсия коғозини тутказдилар"⁸⁰.

Ойбек урушдан кейинги йилларда Саид Аҳмад, Ҳаким Назир, Шухрат каби адибларни проза дарахтининг ёш ва умидбахш новдалари деб атади. Шукруллонинг янги шеъри ва дostonларини олқишлади, 60-йиллар бошларида Ҳ.Шариповни ҳаёл дунёси кенг, Э.Воҳидовни шеърлари ҳаёт булогидан сугорилган шоир деб ёзди. Ойбек мулоҳазалари нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

Ойбек наинки бадий ижодкорлар, балки адабиётшунос ва танқидчиларнинг ишларини ҳам мунтазам кузатиб боради. Унинг Ҳ. Ёқубов, Т.Жалолов ишларига юқори баҳо бергани маълум. "Қўқон адабий муҳити" асари муаллифи ҳақида эса "олтиндай асл фикрлари, мулоҳазалари кўп" деб ёзди.

"Ўзбек тили ва адабиёти" журналида бош муҳаррир бўлган Ойбек билан унинг қўлида сарқотиб бўлиб ишлаган адабиётшунос С.Мирвалиев устознинг ҳар бир мақолага ниҳоятда жиддий талаблар билан ёндашганини ҳурмат билан ёдга олади.

Ойбек илмий меросида Маҳмуд Қошғарийдан тортиб, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Носириддин Рабғузӣ, Саккокий, Лутфӣ, Алишер Навоӣ асарларигача тадқиқ этилган. Бобурдан тортиб Машраб, Нодира, Увайсий, Муҳаммад Солиҳ ижодлари ҳақида фикр юритилган. Гулҳанийдан тортиб, Маҳмур, Муқимий, Фуркат, Завқий шеърлятигача баҳо берилган. Буни унинг "Ўзбек шеърляти антологияси"га ёзган сўзбоши кўрсатиб турибди.

Ойбекнинг, айниқса, Алишер Навоӣ ижодини ўрганишдаги хизматлари бениҳоядир. Бу борада у, ҳеч муболағасиз етук навоӣшунослар қаторида туради. Унинг Навоӣ дунёкараши, лирикаси, "Ҳамса" таҳлилига бағишланган тадқиқотлари навоӣшуносликнинг олтин фондини ташкил этади.

Моҳир қодирийшунос. Сотти Ҳусайндан сўнг Абдулла Қодирий ижодини яхлит ва атрофлича ўрганган мунаққидлардан бири Ойбекдир. Қодирий ижоди, айниқса, романларини баҳолашда давр билан изоҳланувчи қатор камчиликларга йўл қўйган эса-да, "Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли" номли Ойбек тадқиқоти С.Ҳусайн ишига нисбатан адиб шахси ва ижодини ўрганишда ўзбек танқидчилиги олдинга ташлаган қадам бўлди. Унда, дунёкараш, мафкура нуқтаи назаридан айрим хато фикрлар айтилса-да, Қодирий маҳорати ва, умуман, "Ўткан кунлар" кимматига тўғри баҳо берилди. Айни вақтда, рисолада илгари сурилган тарихий роман, ҳамда, реалистик адабиёт, умуман, образ ва характер ҳақидаги қатор назарий фикрлар ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида равнақида муҳим ўрин тутди.

⁸⁰ Орипов А. Танланган асарлар. 6 жилдлик. 4- жилд. Т.. 2000. - Б.9.

Ойбекнинг "Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли" тадқиқотининг ҳозирги китобхонлар қўлига теккан 9-жилд (1964) ҳамда Муқаммал асарлар қуллиётининг 13-жилдига киритилган нусхалари унинг қисқартирилиб, бирмунча қайта ишланган вариантларидир. Китобхон ва мутахассислар уни ўрганишда масаланинг шу жиҳатларини эътиборга олишлари лозим бўлади.

Бугунги танқидчилик Ойбек фаолиятдан кўп нарсани ўрганиши мумкин. Чунончи, Ойбекдаги ижодий дадиллик; мақолаларининг кучли замонавий рух билан сугорилганлиги; билимдонлик, чуқур синчковлик; ҳар бир муаммо устида тинимсиз ижодий изланиш, фикрлаш асосига қура билишини; энг муҳими, мақолаларда танқидчининг синчков тафаккуринигина эмас, санъаткорнинг қайнок қалбининг ҳам тепиб туришини; унинг ишларида адабиётта, тадқиқ этилаётган ёзувчиға чексиз муҳаббат, улкан ҳурматнинг уфуришини кузатиш ва шулардан маънавий ўрнак олиш мумкин. "Эхтирос унинг мақолаларига эмоционаллик бахш этади, шу туфайли улар бугун ҳам навқирон ва самимий асарлар сифатида қабул қилинади"⁸¹. Чиндан-да, танқид ва адабиётшунослик Ойбек учун ўзининг тадқиқотчилик қобилиятини намоён қилиш соҳасигина эмас, балки санъатга, адабиётга чексиз муҳаббатини ифодалаш воситаси, халққа хизмат қилиш қуроли ҳам эди.

Таянч тушунчалар: мунаққид, рисола, сўз санъати, ижод эркинлиги, санъат санъат учун, гнесология, қодирийшунослик, чўлпоншунослик, услуб, ритм, ижтимоий таҳлил, эстетик таҳлил, мафкуравий буюртма, лирика, ижод эркинлиги, "Мунаққиднинг мунаққиди", қодирийшунос, Айи.

Мавзун и мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ойбек адабий-танқидий қарашларининг ўрганилиш тарихи ҳақида сўзланг.
2. Ойбекнинг адабий танқиддаги хизматлари моҳиятига тўхталинг.
3. Ойбекнинг Чўлпон ижодиға муносабати қандай бўлган?
4. "Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли" рисоласининг ёзилиш тарихи ва аҳамияти ҳақида гапиринг.
5. Ойбекнинг адабий жараёнға бағишланган қарашларини тавсифланг.
6. Ойбекнинг 30-йиллардаги танқидчилик фаолияти хусусиятларини таърифлаб беринг.

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Ўзбекистоннинг миллий истиклол мафқураси. Т.: Ўзбекистон. 1993.
2. Дўстқораев Б. Бир мунозара тарихидан // "Шарк юлдузи". 1989, № 6, - Б. 189.

⁸¹ Шарафиддинов О. Истиқлол жилдлари. - Б. 89.

3. Йўлдошев Б. Танкидчиликдаги баъзи бир мулоҳазалар ҳақида // "Шарқ юлдузи", 1999. № 6.
4. Ёкубов Ҳ. Ойбек. Т.: Фан. 1966.
5. Каримов Н. Ойбек. Т.: Ёш гвардия. 1985.
6. Каримов Н. Ойбек: тош экан бошим // Фан ва турмуш. – Т., 1992. – № 7–8. – Б. 14–15, 24–25.
7. Каримов Н. Ойбек ижоди ХХ аср ўзбек адабиёти кўзгусида // ЎТА. – Т., 2005, № 2. – Б. 3–12.
8. Каримов Н. Ойбек номли чўкки // Тил ва адабиёт таълими. – Т., 1999. – № 1. – Б. 8–13.
9. Назаров Б. Ҳаётийлик - безавол мезон. Т.: Ёш гвардия. 1985; ХХ асрда Ойбек ижодининг ўрганилиши ва методология муаммоларига бир назар // ЎТА, 2005, № 2. – Б. 13–25.
10. Ойбек. Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак // "Шарқ юлдузи". 1989, № 6.
11. Ойбек. МАТ. 20 томлик. Т. 13, 14. Т.: Фан, 1979.
12. Ойбек ижодий методи ва бадий маҳорати. Т.: Фан. 1985.
13. Сабирдинов А. Ойбек в турк адабиёти // ЎТА, 2005, № 2. – Б. 35–38.
14. Миллатни уйғотган адиб. Мақолалар тўплами. Т.: Университет. 2005.
15. Ҳамдам У. Янгилашиш эҳтиёжи. Т., 2002.
16. Ҳаққулов И. Ойбек шахсияти ва шеърлатига доир / Такдир ва тафаккур. Т., 2007. – Б. 271–284.
17. Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 400 б.

ИЗЗАТ СУЛТОН (1910–2001)

РЕЖА:

1. Иззат Султоннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида.
2. Етук адабиётшунос ва танкидчи.
3. Мунаққид ва адабий жараён.
4. Абдулла Қодирий ижоди танкидчи нигоҳида.

Иззат Султоннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида. Йирик адабиётшунос олим ва танкидчи, машҳур драматург, ўзбек фани ва маданиятининг атоқли намоёниси Иззат Султон (Иззат Отахонович Султонов) ХХ аср ўзбек адабиёти ва маданияти тарихида катта ўрин тутди. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, филология фанлари доктори, профессор, Беруний номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Иззат Султоннинг, айниқса, ўзбек адабиётшунослиги ва танкидчилиги тарихида алоҳида ўрни бор. "Устоз Иззат Султон асарларининг, ижодий меросининг ўзбек адабиёти тараккиётида тутган ўрни ва аҳамияти нечоғлик нуфузли эканлигини ҳис

этиш учун ХХ аср классикасини бир қур эслаш ўринли бўлса керак. Устознинг изланишлари, асосан, саҳна маданияти, кино санъати, адабиёт илми йўналишларини қамраб олади.

Иззат Султон мумтоз адабиётимизни, халқ оғзаки ижодини, ХХ аср бадий сўз маданияти, жаҳон адабиётини ниҳоятда назик, фасоҳатли, заковатли билимдони эди. Шарқ ва Ғарб бадий маданиятлари синтезини бирдек ўзида мужассамлаштирган устози Фитрат, Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, Абдулла Қаххор, Максуд Шайхзода сингари улкан адибларимиз қаторидан муносиб ўрин олган аллома санъаткор ҳисобланади⁸².

Иззат Султонов 1910 йил Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида ҳунарманд оиласида дунёга келди. 10 ёшида отаси вафот этди. Ёш Иззат болалар уйида тарбия топди. 1924 йили бир гуруҳ ёшлар Тошкентга ўқишга юборилганда, улар орасида бўлажак олим ҳам бор эди. Аввал мусика мактабида, сўнг билим юртида таҳсил олди. Уни битиргач (1929), Янгийўл тумани Қовунчи қишлоғида ўқитувчи бўлиб ишлади. йили САГУ қошидаги ижтимоий фанлар факультетига (1930) ўқишга кирди, газеталарда масъул котиб, мудирлик қилди. Айни вақтда Ўзбекистон Фанлар академияси аспирантурасида таҳсил олди (1934–1937). Ўзбекистон Фанлар комитетининг Тил ва адабиёт институти директорининг ўринбосари (1938), шу институтдаги Алишер Навоий бўлими мудир (1939) лавозимларида ишлади. Уруш йиллари газетада, кейинчалик, Тошкент киностудиясида хизмат қилди. 1943 йилда шу студияга директор этиб тайинланади. Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг ўринбосари лавозимига (1945) кўтарилди. 1948 йил Тил ва адабиёт институти директорлигига қайтади. Кўп вақт ўтмай, докторантурага ўқишга кетади (1950). Айни вақтда маълум муддат Москва давлат университетида буюк козок адиби Мухтор Аvezов билан бир кафедрада ишлаб, талабаларга маърузалар ўқийди. Тошкентга келгач, Тил ва адабиёт институтида ўзбек адабиёти шўъбасига раҳбарлик қилади (1955). У самарали илмий ва жамоатчилик фаолияти учун катор орден ва медаллар билан тақдирланган.

Иззат Султоннинг ижодий фаолияти, асосан, 30–йилларда бошланди. Унинг 30–йилларнинг охирида "Адабиёт назарияси" ўқув қўлланмасини яратиши – ўша давр адабий жамоатчилигида катта воқеа бўлди. Лекин "Адабиёт назарияси" яратилгунча 30–йиллар мобайнида ёш танкидчи муайян тажриба йўлини босиб ўтди. Унинг дастлабки қизиқишлариёқ ранг-баранг бўлиб, мусика масалаларига, роман жанри муаммоларига, драматургиянинг ўзига хосликларига, танкидчиликнинг мақсад ва вазифаларига қаратилди. Мунаққиднинг шу вақтда "Ўз мусикамизни тузиш йўлида", М.Шолоховнинг "Очилган кўрик" романига бағишланган "Турмуш дарслиги устида", "20 йил бурунги Гамлет", "Чехов хикоячилиги" каби мақолаларини ёзди. "Номус ва муҳаббат" драматизмига ёзилган тақриз,

⁸² Раҳимжонов Н. Бадий асар биографияси. Т., 2008. – Б. 259.

“Нега томошабин бепарво?” каби мақолалари Иззат Султоннинг шу даврлардаёқ драма жанрига жиддий эътибор бера бошлаганини кўрсатади. “Адабиётда образни юзага келтириш йўллари”, “Бадий адабиётда тил” каби мақолалар эса, олимнинг “Адабиёт назарияси” китоби дабдурустан юзага келмаганини, бу ишга у узок йиллар мобайнида тайёрланиб борганини кўрсатади. Бу мақолалар, кўп ўтмай, “Адабиёт назарияси”нинг таркибий қисмларини ташкил этди. 1940 йилда у ўзининг “Ўзбек танқидчилиги ҳақида” мақоласини эълон қилди. Унда давр мухрини кўрсатувчи чекланишлар йўқ эмас. Лекин бундан катъий назар ундаги илгари сурилган қатор чуқур илмий-назарий фикрлар бу соҳанинг жиддий ва теран бир мутахассиси етилиб келаётганини намоён этади.

Иззат Султон 50-йиллардан самарали ижод эта бошлади. Бадий адабиётдаги реализм ҳақидаги изчил илмий қарашлари, ҳар бир давр насри ва шеърини таракқиётининг ўзига хос тамойилларини белгилашга ҳаракат қилиши уни етук адабиётшунос олим, адабий танқидчи сифатида кўрсата бошлади. Адабий-танқидий қарашлари уфқи кенгайди. Қатор ишларида умуман ўзбек адабиёти таракқиёти, хусусан, Ҳ.Ҳ.Ниъзий ижодининг замон руҳи асосларини социалистик реализм билан боғланишда ўрганса-да, реализмнинг ўзбек адиблари томонидан ўзлаштирилиши хусусида ҳам изчил фикрларни илгари сурди. Шунинг учун унинг адабий-танқидий қарашлари ва таҳлилларида, энг аввало, адабиёт назарияси ва танқидчилигига оид теран фикрлар чуқур илмийлиги билан ўқувчи эътиборини торта олар эди.

Иззат Султонов уч йўналишда: замонавий адабиёт муаммолари, мумтоз адабиёт тарихи ҳамда адабиёт назарияси масалалари хусусида изланишлар олиб борди. Унинг фаолиятида Алишер Навоий сиймоси ва ижоди алоҳида ўрин тутди. Олимнинг бу йўналишдаги илк мақоласи “Мир Алишер Навоий” (1938) тезда адабий жамоатчилик эътиборига тушди. Шу йили “Руставели ва Навоий” мақоласи вужудга келди. “Навоий тадқиқотчилари” (1941) деган мақола ёзди. Деярли ўттиз йилдан сўнг яратиладиган “Навоийнинг қалб дафтари” ҳамда ундан аввал яратилган “Алишер Навоий” драмасининг бошланғич нукталари ана шу изланишларда ётади.

Олимнинг навоийшуносликка қўшган муҳим ҳиссаси “Мезонул-авзон” ва унинг танқидий тексти” номли иши бўлди. Шу мавзуда тадқиқотчи номзодлик диссертациясини ёқлади (1949). Кўп йиллик ижодий изланишлар самараси сифатида “Навоийнинг қалб дафтари” асари жаҳон навоийшунослигига қўшилган катта ҳисса бўлди. “Китобни варақлар экансиз, дейди М.Қўшжонов, —аввало унда тадқиқот услуби оригиналлиги, фактлар объектив таҳлил қилиниши, муаллифнинг мантиқан фикрларни далиллаш маҳоратини эгаллаганлиги кўзга ташланиб туради. Бу жиҳатдан “Навоийнинг қалб дафтари” асари Иззат Султоновнинг улуг шоир ҳақида

яратган бошқа ишларидан ажралиб туради”⁸³. “Навоийнинг қалб дафтари” китоби мазмуни, шакли, жанри жиҳатидан адабиётшунослигимизда янги ходиса. Заҳматқаш олим улуг шоирнинг барча асарлари ҳамда Навоий замондошлари—тарихчи, адабиётчи олимлар асарлари асосида улуг ўзбек шоирининг таржимаи холини, кўпгина асарларининг ёзилиш тарихини яратди”⁸⁴.

Иззат Султон етук драматург ва киносценарийчи сифатида ҳам самарали ижод қилди. Ҳамза номидаги академик театрда унинг ўнга яқин драмаси сахналаштирилди. Уйғун билан ҳамкорликда ёзган “Алишер Навоий” пьесаси ўзбек драматургияси ва сахна санъатининг нодир ютуқларидан бири бўлиб қолди ҳамда ҳар икки муаллифга шуҳрат келтирди.

Етук адабиётшунос ва танқидчи. “Адабиёт назарияси” (1939) китоби Ўзбекистон маданий-адабий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Дарслик 1940 йилда энг яхши илмий ва бадий асарлар учун ўтказилган танловда биринчи мукофот билан тақдирланди. Асар кўп йиллар мобайнида фақат ўрта мактаб учунгина эмас, республика олий ўқув юртларида ҳам асосий дарслик вазифасини бажарди. Иззат Султон ўзбек адабиётшунослигида а.А.Саъдий ва Фитратдан кейин адабиёт назариясидан дарслик яратган учинчи устоз саналади. Олим шуҳрати республикамиз ташқарисида ҳам кенг ёйилди.

Иззат Султон сиёсат ва мафкурада собит турган адиб ва олим эса-да, драматург сифатида жамият норасоликларини пайкаб олган ва буни асарларида акс эттиришга муваффақ бўлган; мунаққид сифатида ҳам замон адабиётида кўзга ташланаётган нуқсонларни сезган ҳамда имкон даражасида уларга жамоатчилик эътиборини қаратишга интилан олимлардан бири эди. У қатор мақолалари ва тадқиқотлари, шу жумладан, “Икки муҳим масала юзасидан мулоҳазалар” мақоласида жамият таракқиёти учун зарур масалаларни олға суриш, ўзбек адиблари жаҳон адабиётининг илғор намуналаридан ўрганишлари кераклиги ҳақида; ёзувчи воқелик ва ҳаёт билан қучли боғланмаган идеалларни эмас, ҳаётнинг ҳақиқий илдизидан ўсиб чиққан воқелик ва идеални ўрганиш лозимлигини алоҳида қайд этади. И.Султон соцреализм ҳақидаги ишларида муаммога фақат ғоя, мафкура, дунёқарашгина эмас, бадий маҳорат нуктаи назардан ҳам ёндашиб, муҳим илмий-назарий фикрларни илгари сурди. Унинг бу қарашлари танқидчилик ва адабиётшуносликка таъсир кўрсатмай қолмади. Эътибор берилса, социалистик реализм ҳақидаги қарашлари замирида мафкуравий қонуниятлардан ташқари, умуман реализм хоссалари ҳақидаги нуқтаи назар ҳам қучли эканини пайкаш мумкин.

⁸³ Қулжонов А. Илм ва ижод оламида Т. 1980. - Б. 46.

⁸⁴ Мамажонов С. Улкан олим ва драматург // Саодат. 1980. № 3. - Б. 10.

Иззат Султон макола ва тадқиқотларида XX аср ўзбек адабий танқиди шаклланишидаги ўзига хослик, маҳорат ва услуб масалаларига катта эътибор билан қаради. Отажон Хошим, Сотти Хусайн, Абдурахмон Саъдий, Олим Шарафуддинов, Аъзам Айюб каби танқидчиларнинг ижодий йўли ҳақида муҳим илмий қарашларини билдиради. О. Хошимнинг адабиёт назарияси, С. Хусайннинг танқид масалалари, Абдурахмон Саъдий ва Олим Шарафуддиновнинг мактаблар учун дарсликлар ва қўлланмалар ёзиш борасидаги мураккаб, зиддиятли ижоди устида тўхталаркан, уларнинг реалистик ўзбек адабий танқидчилиги шаклланиши олдида турган илмий-назарий муаммоларни ҳал этиш йўлидаги изланишлари моҳиятини очиб берди. "Шуни қайд қилиш керакки, Ўзбекистонда адабий танқиднинг туғилиши биринчи навбатда "танқид нима?" саволига жавоб излашдан бошланди. Танқидий тафаккурнинг Октябрдан кейинги бошланғич йиллари ҳали анча ибтидоий бўлишига қарамай, юқоридаги саволга берилган жавоблар (содда бўлса-да) асосан тўғри эди"⁸⁵, деган хулосага келади И.Султон.

XX аср бошларида бу саволга Вадуд Махмуд, Элбек, Неъмат Ҳаким, А.Саъдий, Олим Шарафуддинов кабилар жавоб излаб, адабиёт ҳақидаги илмни, танқидчиликни тўғри йўлга қўйишга ҳаракат қилди. Уларнинг танқид ҳақидаги фикрлари жуда содда, кўп ҳолларда бир ёқлама бўлишига қарамасдан, танқид моҳиятан давр адабиётининг хосликларини очишга қаратилганлиги билан аҳамиятли эди.

Мунаққид ва адабий жараён. Иззат Султон ўзбек адабий танқидчилигида янги ижобий кўтарилишлар юз бераётганлигини биринчилардан бўлиб қайд этган мунаққиддир: "Адабий танқид бадиий асарлар яратиш жараёнининг ажралмас бир қисми, танқидчи-ёзувчининг ҳамкори ва мададқоридир"⁸⁶, деб ёзганди мунаққид. И.Султон адабий-танқидий қарашларида, изчил ижодий изланишларида муаммоли масалаларни дадиллик билан кўтариб чиқишга ҳаракат қилади.

И.Султон ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги шаклланиши ва камолоти жараёнининг хилма-хил соҳалари, турли муаммолари билан шуғулланди. И.Султонов илмий кашфиётларидан бири – ижодий метод масаласидаги кузатишларида кўзга ташланади. Унинг 50-йилларнинг ўрталарида химоя қилган докторлик диссертацияси ҳам аynи шу мавзуда эди. Олимнинг "Реализмнинг замонавийлиги" (1963) мақоласида 60-йиллар адабиётда юз бераётган реализмнинг чуқурлашув жараёнларини ёритишга интилди. Бу ўзбек адабиётининг шу вақтлардан эътибора ан наинки соцреализмга, балки, умуман, реализм йўлига боришга ҳам интилаётганини таъкидловчи дастлабки мулоҳазалардан бири эди.

Абдулла Қодирий ижоди танқидчи нигоҳида. Иззат Султоннинг ўзбек адабиёти олдидаги улкан хизматларидан бири унинг А.Қодирий

ижодига муносабатда қўринади. Маълумки, қатағонга учраган ёзувчилар XX аср 50-йилларининг иккинчи ярмида оқлана бошлади. Чўлпон, Фитрат, А.Қодирий каби буюк ёзувчилар ижодини қайта ва ҳаққоний баҳолаш муаммоси пайдо бўлди. Очиғи бу масалага ҳамма танқидчилар ҳам енг шимариб кириша олганлари йўқ. Эҳтиёткорлик, ҳадик, қўрқув кўпларни ҳали ҳам тарқ этмаганди. Шу боис Қодирий оқланганидан кейин ҳам, ҳатто 60-70-йилларда ҳам унинг дунёқараши, ижодий методига ҳадиксираб, "бир балоси чиқиб қолмасин" кабилида ёндашувчилар оз бўлмади. Ана шундай шароитларда, ва ҳатто 50-йилларнинг ўрталаридаёқ Иззат Султон Қодирий ижодига реал, холис, ҳаққоний ва теран илмий баҳо беришда журъат намунасини кўрсатди. И.Султон ёзади: "Абдулла Қодирийни оқлаш масаласини биринчи бўлиб Москвада Мухтор Аvezов кўтарган эди. Бу сатрларнинг муаллифи билан суҳбатда Аvezов бу ишни нимадан бошлаш ҳақида ҳам яхши маслаҳат берган эди: "Абдулла Қодирий "Ўткан кунлар" романида Россиянинг Шарққа нисбатан прогрессив роль ўйнаганини биринчи бўлиб кўрсатди: Отабекнинг Шамайга саёҳати ҳақидаги ҳикоясида бу фикр яхши ифода этилган. Қодирийни реабилитация учун ҳаракат бошланг ва мана шуни дастак қилиб олинг"⁸⁷. Ҳақиқатан ҳам И.Султон шу омилни маҳкам тутиб, буюк ўзбек ёзувчисини оқлаш, халққа қайтариш ишини бошлаб юборди.

1956 йил "Қизил Ўзбекистон" газетасининг 28 октябрь; "Ёш ленинчи" ҳам "Тошкент ҳақиқати"нинг 30 октябрь; "Ўқитувчилар газетаси"нинг 1 ноябрь сонларида "Ёзувчи Абдулла Қодирий ҳақида" номли мақоласи эълон қилинди. Қизғи шундаки, бу мақола дастлаб "Правда Востока" газетасининг 1956 йил 28 октябрь сонидан рус тилида "Талантли ўзбек совет ёзувчиси Абдулла Қодирий" номи остида босилиб чиққан эди. Қатағон йиллари ва ундан сўнг ҳам узок йиллар мобайнида китобхон хотирасидан ўчиришга ҳаракат қилиниб, "буржуа ёзувчиси" тамғаси остида камалган ва отилган Абдулла Қодирийнинг Иззат Султон томонидан атоқли ёзувчи сифатида кўрсатилиши эмин-эркин замонлар бошланганига қарамай, жасорат эди. Бироқ шуниси ҳам борки, 1956 йилда танқид ҳам, адабий жамоатчилик ҳам А.Қодирий тўғрисидаги бундай янгича ижобатни бирдан ва бирдек қабул қилишга тайёр эмас эди. Хусусан, А.Қодирий талантли ва машҳур ёзувчи тарзида талқин этилиши унинг "буржуа ёзувчиси" бўлганига ишониб юрганлар орасида И.Султон мақоласига нисбатан айрим жиддий эътирозларга олиб келди. Танқидчи бу эътирозларни ҳисобга олишга мажбур бўлди ва "Ўткан кунлар"нинг янги нашрига ёзган бош сўзидан А.Қодирий ижодига айрим жиддий танқидий фикрларини айтишга тўғри келди. Янги нашр сўзбошисидан "А.Қодирий жамият ва тараққиёт қонунилари ҳақидаги марксизм-ленинизм таълимотини чуқур эгаллай олмади" сингари фикрлар айтилишига мажбур бўлди.

⁸⁵ Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. 1- том. 1987. - Б.54.

⁸⁶ Ўша асар. - Б. 318.

⁸⁷ Султонов И. Улкан адиб сабоқлари. // Жаҳон адабиёти. 1997. №1. - Б.166.

Мақолада янгича талкинлар, адиб тўғрисидаги хулосалар жиддий ўзгаргани сезилади. А.Қодирийнинг ўзбек адабиётидаги ўрнини белгилаётган адабиётшунос олим имкони борича ёзувчи шахсига, асарларига илмий холис ёндашувга интилади. "Агар ёзувчи ҳақиқатан талантили ва соф кўнгил бўлса, у ўз социал муҳитининг бор синфий манфаатлари доирасидан чиқиб, ҳаётни ҳаққоний тасвирлайдиган ва ижтимоий тараққиётга хизмат этадиган асарлар ярата олади". Бу назарий фикрни жаҳон адабиётининг намояндалари Лев Толстой, О.Бальзак каби адиблар ижоди мисолида исботлайди ва ўринли равишда А.Қодирийни шулар қаторига қўяди. Энг муҳими, А.Қодирийнинг асарлари халққа етказилиши, уларнинг маънавий мулкига, сеvimли асарига айланиши учун олим қўлидан келганча ҳаракат қилди. Ҳатто, баъзи романлардаги мутлако иккинчи даражали жиҳатларни бўрттириб кўрсатиш орқали ўз ниятларини рўёбга чиқаришга интилди.

И.Султонов Абдулла Қодирий тақдирини "ҳал этган" "улуг оға" бўлиши руслар масаласида жуда эҳтиёткорлик билан иш кўрди; улар билан боғлиқ ўринларни атай бўрттириб кўрсатди.

Умуман олганда, И.Султонов А.Қодирий ижодини янгича шароитда замоннинг адабий сиёсати ва ўзининг ўша ижтимоий-сиёсий муҳитга мувофиқ келадиган филологик билимига мослаб талқин этди. Душманга айланган кўйилган адибни дўстлар қаторига қўйиш, "қора"ни оқартириш жараёни осон кечмади⁸⁸.

Иzzат Султон мазкур мақола ва романнинг янги нашридаги сўзбошидан кейин ҳам адиб ижодига доир изланишларини давом эттирди, 1962 йилда "Абдулла Қодирий" илмий тадқиқотини яратди. Бу тадқиқот унинг А.Қодирий ҳақидаги олдинги қарашларидан кескин фарқ қилади. Бунда у роман сўзбошидаги ўта танқидий қарашлардан маълум даражада чекинди ҳамда А.Қодирий ижодини кенг қамровли тадқиқ қилишга интилади.

И.Султон адибнинг мафкуравий шаклланишида жадилизмнинг алоҳида ўрни бўлганини таъкидлаб, 60-йиллардаёқ бу оқим ҳақида айрим тўғри ва ҳаққоний фикрларни айтишга журъат этди. Ваҳоланки, ўша даврларда комфирка жадилизмга нисбатан ниҳоятда ноҳуш сиёсат юргизиб келган. Шу маънода Иzzат Султон давр фарзанди сифатида 60-йиллар бошида жадилизм ҳақида тўғри фикрлар айтиш билан чеклана олмас, балки бу оқимнинг "зарарли" томонлари ҳақида ҳам ёзмаслиги мумкин эмасди. Жадилизмга нисбатан ҳукмрон мафкура муносабати бунга тақозо этарди. Шу сабабли Иzzат Султон жадилизмнинг энг кучли намояндаларидан саналувчи Маҳмудхўжа Бехбудий фаолиятини жадилизмдаги ўнг қанот ҳисоблаб, унинг гуруҳига мансуб намояндаларни, "реакцион қанот" деб ҳисоблаб, А.Қодирий ҳам 10-

йилларда маълум даражада М. Бехбудий таъсирида бўлганлигини қайд этди. Истиклол арафалари ва, айниқса, Мустақиллик даврига келиб яратилган янги тадқиқотларда жадилизмда кучли ўнг қанот ёки заиф сўл қанотлар бўлмагани, умумий мақсад йўлида улар маърифат ва маданиятни йўлга қўйиш, халқни ёппасига саводхон қилиш, озодлик ва миллий истиклол учун курашганлари аёнлашади. Эндиликда жадилизм ҳақида кўп ёзишмоқда, унга одилона баҳо берилмоқда. Лекин Иzzат Султоннинг жадилизм ҳақида бундан ярим асар аввалги айрим қарашлари ҳамон ўз аҳамиятини йўқотган эмас. У мақоласида "А.Қодирий дунёқарашида революциядан илгари жадилизмнинг таъсири бўлганлиги ҳам ёзувчининг совет давридаги ғоявий ва ижодий йўлини мураккаблаштиради"⁸⁹, деб ёзганда мутлако ҳақ эди. А.Қодирийга қўйган даъволари адолат нуктаи назардан нотўғри эди. Бинобарин, И.Султон тўғри таъкидланганидек, А.Қодирийга марксизм-ленинизмни чуқур эгалламаганликда қўйилган айблар шўро даврида бир қадар адолатсизлик намунасидек кўринган эса-да, аслида бу фикрда жон йўқ эмасди. А.Қодирий чиндан ҳам бу таълимотни чуқур эгаллагани йўқ эди. Зеро, бу унинг камчилиги эмас, шарофати эди. Ёзувчи бадий тасвирда реализм йўлидан бориб, ўзи танлаган тарихий воқеа ва қаҳрамонларни умумлаштириб, ҳаёт ва турмуш тарзини сунъийлаштирмасдан ҳаққоний қаламга ола билди. Шу туфайли жаҳон адабиёти тарихидан ўзига муносиб ўрин олди.

А. Қодирийнинг ижодий йўли масаласи Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин янада ойдинлашди, унинг социалистик реализм методида ёзган-ёзмаганлигини тадқиқ қилишга нукта қўйилди. А. Қодирий бадий асарнинг реалистик кучи янада аниқроқ намоён бўла бошлади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, А.Қодирий ижодини шўролар даврида ўрганишда И.Султон тўғри йўл тутган эди. И.Султон кейинги давр қодирийшунослиги ривожига жиддий таъсир кўрсатди. А.Алиев, С.Мирвалиев, У.Норматов, Б.Каримов тадқиқотларида устоз қарашлари янада ривожлантирилди.

И.Султон раҳбарлиги ва бевосита иштирокида яратилган икки жиллик академик "Адабиёт назарияси", олий ўқув юрти талабалари учун ёзилиб, қайта-қайта нашр этилган янги "Адабиёт назарияси" дарслиги ўз вақтида ўзбек адабиётшунослигининг жиддий ютуқлари сифатида эътироф этилди. Давр, замон, инсон, мезонлар янгиланмоқда. Шу маънода бу йўналишдаги тадқиқот ва дарсликлар янгиланишига эҳтиёж тугилмоқда. Ана шу нуктаи назардан қараганда, академик И.Султоннинг адабиёт ва адабиётшунослик йўлидаги хизматлари ҳамиша эътиборга лойиқ бўлиб қолаверади.

И.Султон мустақилликка эришгандан кейин ҳам баракали ижод этди. Тўқсон ёшга қараганда, Баҳовуддин Накшбандий ҳаётига оид тадқиқот

⁸⁸ Баҳодир Карим. Абдулла Қодирий.Т.: Фан, 2006, - Б 78.

⁸⁹ Иzzат Султон. Ҳаёт, адабиёт, маҳорат. - Б. 338.

ва истиклол мафкурасига асосланган катор мақолалар яратди. Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик тадқиқотчиси, хассос навоийшунос, атокли адабиёт назарийчиси, янги авлод вакиллари устози сифатида миллий адабиёт, маданият ва илмга фидойилик намуналарини кўрсатди.

Иззат Султонов 2001 йилда вафот этди.

Таянч тушунчалар: реализм, танкидий реализм, жадидчилик, маърифатпарварлик, "Адабиёт назарияси", адабиёт тарихи, тип, романтизм, ҳаёт ҳақиқати, тарихий ҳақиқат, бадий тўқима, умумлаштириш, ижодий метод, "Навоийнинг қалб дафтари", "Ўткан кунлар" романи.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. Иззат Султоннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида нималар биласиз? Унинг кўп қиррали ижодкорлигини тавсифланг.
2. Танкидчининг А.Қодирий ижодига муносабати қандай бўлган?
3. Иззат Султоннинг адабий жараёнга бағишланган мақолалари ҳақида гапиринг.
4. 20-йиллардаги ўзбек адабиётига оид қарашлари моҳиятини очинг.
5. Ижодий методга оид қарашларини изоҳланг.
6. "Ҳаёт ва маҳорат" мақоласи ҳақида нималар биласиз?

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Иззат Султон. Танланган асарлар. Тўрт томлик. 4-том. Т.: Адабиёт ва санъат. 1978.
2. Тоғаев О. Ибратли сабоқлар. Т.: Фан, 1986.
2. Шокиров Ў. Иззат Султон. Адабий портрет. Т.: Адабиёт ва санъат. 1970.
4. Шарафиддинов О. Иззатга муносиб отахон ижодкор/ Китобда: Ғўзаллик излаб. Т.: Адабиёт ва санъат. 1980.
5. Қулжонов А. Илм ва ижод оламида. Т.: Адабиёт ва санъат. 1980.
6. Қўшжонов М. Истеъдод қирралари. Т.: Адабиёт ва санъат. 1979.
7. Раҳимжонов Н. Бадий асар биографияси. Т.: Фан. 2008.

ҲОМИЛ ЁҚУБОВ (1907-1998)

РЕЖА :

1. Ҳ.Ёқубовнинг ҳаёти ва ижоди.
2. Ойбек ижодининг йирик тадқиқотчиси.
3. Танкидчи ва адабий жараён.

Ҳомил Ёқубовнинг ҳаёти ва ижоди. XX аср ўзбек танкиди ва адабиётшунослиги тарихида Ҳ.Ёқубов катта ўрин тутди. Танкидчиликка

дастлабки мақолалари биланок ёрқин истеъдод сифатида кириб келган олим адабий жараёнда тезда мустаҳкам ўрин эгаллади.

Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Республика давлат мукофоти совриндори Ҳ.Ёқубов Ўзбекистондаги адабиёт илми равнақида муносиб ҳисса қўшган забардаст олим 1907 йили Тошкент шаҳрида туғилди. Дастлаб Алишер Навоий номидаги педагогика билим юртида, сўнг Ўрта Осиё давлат университетининг иқтисод факультетида таҳсил олди. Лекин адабиётга чексиз муҳаббат, буюк ўзбек адиби Ойбек билан ўсмирликдаги дўстлик уни адабиёт оламига етаклади. Ўрта мактабларда, республика олий ўқув юртлирида ўзбек адабиётидан дарс берди. Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институти аспирантурасида таҳсил олди (1944-47). Л.К.Боровков раҳбарлигида Турди ижоди бўйича номзодлик диссертациясини химоя қилди. 1948 йилдан умрининг охиригача ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим, бўлим мудир лавозимларида ишлади. У реалистик ўзбек адабиётшунослиги ва танкиднинг шаклланиши ва тараққиётини таъминлашда, илмий-эстетик тафаккур ривожига сўнгги нафасига хизмат қилди. "Олим ўзининг илк тақриз ва мақолалари билан ўзбек адабиётшунослиги ва танкидчиларининг биринчи авлоди орасида истикболи порлоқ навқирон талант соҳиби сифатида танила борди ва эрта эътироф этилди. Ўзи мансуб авлод вакиллари эса унга катта давранинг энг тўрларидан жой берадилар. Айтайлик, Ойбек ўзи мансуб авлод-тенгдош санъаткорлар орасида қандай мавқени ишғол этган бўлса, Ҳомил Ёқубов ҳам ўз тенгдошлари-адабиётшунослар ва танкидчилар орасида худди шундай фахрли ўринни эгаллаб келяпти"⁹⁰.

"Ойбек ва унинг шеърлари" номи остида илк тақризи шоирнинг дастлабки шеър тўпламларидан бири—"Кўнгил найлари"га бағишланди (1929). Ғафур Ғуломнинг ҳикоялар тўпламига ёзган тақризи (1932) унинг насрий асарлар таҳлилида ҳам нозик дид эгаси эканини кўрсатди. Илк тақризлар Ҳ.Ёқубовнинг ижодкор табиати ва асардаги хос жиҳатларни аниқ пайкаш қобилиятидан дарак беради.

Мунаққид ўз ижодида мумтоз ва XX аср ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш методологиясини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратди. Мумтоз адабиёт масалаларини, унинг атокли вакиллари ижодини илмий тадқиқ этиш ҳам диққат марказига кўча бошлади. Ёш олимнинг тадқиқот объекти тобора кенгайиб, илмий савияси чуқурлашиб борди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун унинг Бобур ва Турди, Муқимий ҳаёти, ижоди ҳақидаги ишларни эслаш кифоя.

40-йиллардан бошлаб, Ҳ.Ёқубов иқтидори ўзбек адабиётининг таникли намоёндалари ижодини, адабий жанрларни, турли муаммоларни

⁹⁰ Қулжонов А. Илм ва ижод оламида. Т.: 1960. -Б 6.

ўрганишда намоён бўлди. "Абдулла Қаххор новеллалари" номли (1946) "Шарқ юлдузи" журнаlining бир неча сонларида босилган каттагина мақоласида "Ўзбек Чехови" ижоди ўзбек танқидчилигида биринчилар қаторида атрофлича таҳлил этилди.

30-йиллар ўрталарида яратган "Ғафур Ғулом ижодиёти" тадқиқоти ва 50-йиллар аввалида босилган "Ғафур Ғулом ҳақида танқидий-биографик очерк"(1953) ни қиёслаш санъаткор ижоди олим томонидан мунтазам кузатиб борилганини ҳамда санъаткор ижодидаги такомил мунаққид маҳоратининг ўсувига таъсир кўрсатиб борганига далил бўла олади. Олим бу йўналишдаги изланишларини давом эттирди. Илмий тадқиқот характеридаги "Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижоди" (1959) номли йирик монографияси чоп этилди. Китоб буюк шоир ижоди ҳақида ўзбек танқиди ва адабиётшунослигида чоп этилган дастлабки салмоқли ишлардан бири бўлиб қолди.

"Адабий мақолалар" (1970) номли йирик тўпламнинг бир боби ҳам "Ғафур Ғулом" деб аталади. Хар бир ишда шоир ижодининг янги-янги қирралари кўрсатиб борилди. Мунаққид фаолиятининг етакчи хусусияти тарзида инкишоф топди. Умуман олганда, ўзбек адабиётшунослигининг узвий қисми ғафур ғуломшуносликка асос солиниши, биринчи навбатда; Ҳомид Ёкубов номи билан боғлиқдир.

Ҳамид Олимжон ва Уйғуннинг 30-йиллар иккинчи ярмигача бўлган ижодини тадқиқ этган Ҳ.Ёкубов ишлари кейинчалик вужудга келажак қатор ишларга мустаҳкам замин бўлди. Бу ижодкорлар ҳақида кейинчалик ёзган қатор мақолалари Ҳ.Ёкубовнинг эхтиросга бой, нозик лирик тадқиқотчи эканини кўрсатиб туради. Унга Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун поэзиясини, кейинроқ А.Қодирий ва Ҳамза асарларини катта муҳаббат ва илҳом билан таҳлил этиб, ичдан нурлантириш насиб этди.

Ойбек ижодининг йирик тадқиқотчиси. 1950-70-йиллардан бошлаб, Ҳ. Ёкубов улкан адиб Ойбек ижодини кенг йўсинда тадқиқ этиш ишига киришди. 20-йиллар охирида бу борада айрим мақола, тақризлар ёза бошлаган олим ижодида 30-йиллардан бу йўналиш тизимли тус олди. 40-йиллар охирларида келиб Ойбек ижодига доир жиддий ишларга киришди. "Ёзувчи Ойбек", "Ойбек", "Ойбек прозасида бадиий тасвир" каби ўнлаб мақолалари шунинг натижаси сифатида юзага келди. Узок йиллик изланишлар якуни сифатида монографик кўринишдаги "Ойбек. Танқидий-биографик очерк" (1955) майдонга келди.

Ойбекка бағишланган навбатдаги монография босилди. Тадқиқот нафақат олим ижоди, балки ўзбек адабиётшунослигининг муҳим ютуғи деб баҳоланди. Бу соҳадаги ишларни умумлаштириб, "Ойбек лирикасида ғоявийлик ва маҳорат"(1963), "Адибнинг маҳорати"(1966) номли йирик тадқиқотлар яратилди. Бу асарлар асосида ёқланган диссертация учун олимга 1966 йили филология фанлари доктори илмий даражаси берилди.

Ойбек лирикасида эпик унсурларнинг кучайиб бориши муносабати билан поэмалари вужудга келгани чуқур тадқиқ этилди ва илмий асосланди. Поэмалардаги романтик ва реалистик асослар, услубий хусусиятлар изчил таҳлил этилди.

"Қутлуг қон", "Навой", "Олтин водийдан шабадалар" сингари романларда, "Нур қидириб" ва "Болалик" қиссаларида намоён бўлувчи адиб маҳорати ва унинг тадрижий ўсиш йўллари ёритилди. Олим Ойбек насрий асарларини ўрганар экан, уларнинг яратилиш тарихига ҳам эътибор беради ва хар бир асарнинг тарихий шароит, замон, давр, халқ билан алоқадорлигини текширади.

Олимнинг "Ойбек лирикасида ғоявийлик ва маҳорат", "Адиб маҳорати" асарлари XX аср иккинчи ярмидаги ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги қамолотини белгиловчи тадқиқотлар қаторида туради.

Танқидчи ва адабий жараён. Ҳ.Ёкубов адабий-танқидий қарашларида адабиётнинг халқчиллиги ва бадиийлиги, анъана ва адабий меросга муносабат, миллийлик ва адабий ҳамкорлик, лирика, конфликт, қаҳрамон масалаларига бағишланган мақолалари муҳим ўрин эгаллайди. Унинг "Лирикада конфликт", "Адабий меросимизни чуқур ўрганайлик", "Лирикада замондошимиз нафаси", "Ҳақиқий новаторлик учун", "Танқид ва адабиётшунослик тарихига бир назар", "Навой ва ўзбек совет адабиёти", "Типик шароит ва типик характер" каби тадқиқотлари долзарб масалалар таҳлиliga бағишлангани, уларда мунаққиднинг муаммога ёндашув тарзи ва масалани ёритиш услуби яққол намоён бўлиб турали. Олим мазкур мақолаларда эътибор бераётган масаланинг янги қирраларини очади, айниқса, дабдабазлик, мадхиябозлик, кўзбўяма-чиликка қарши чуқур илмийлик, босиқлик билан кураш олиб боради.

Ҳ.Ёкубов мақолалари, тадқиқотлари ўзбек адабий танқидчилигининг янги босқичга кўтарилувига фаол таъсир этди. Ўсиш, ўзгариш белгилари сифатидаги фикрлари, айрим янгиланишлар, аввалгиларига қараганда моҳиятан баъзи бир ўзгача қарашлар (масалан, "Навой" романи муносабати ҳамда Ойбекнинг дастлабки лирик асарлари ҳақида) кўриниб турса-да, Ҳ.Ёкубов, асосан, собит фикрли мунаққид сифатида шуҳрат топди ва шу жиҳати билан адабий жараёнга таъсир ўтказа олди. Бу ҳол унинг, айниқса, шеърят тараккиётига онд мақолаларида яққол кўзга ташланди. Унинг, айниқса, "Лирикада конфликт" ва "Лирикада замондошимиз нафаси" мақолаларида бу жанрнинг ўзбек танқидчилигида шу вақтгача кўп ҳам ёритилмаган, очилмаган қирралари кўрсатилди, лирик шеърларда акс этган шу хусусиятлар нуқтан назаридан таҳлил этилди, ютуқ ва камчиликлар аниқ далиллар асосида белгиланди. Бу ҳол Ҳ.Ёкубов қарашларининг адабий жараёнга таъсирини оширди: "Лирик асарда образнинг ҳаракати кенг равишда ривожлантирилмайди, воқеалар тез-тез алмашиниб турмайди, қаҳрамонлар турли-туман ҳолатларда, хар хил кишилар билан бўлган муносабатларда ўзини кўрсата бермайди, дея ёзади

Х.Ёкубов.—Драматик фабула изчил очилиб бормади, воқеа содир бўлаётган шароит, жонли характернинг такомилли, характерларни бири-бирига қарши қўйиш атрофлича тасвирланмади. Лирик шеърят асосини шоирнинг кечинмалари унинг ҳис ва туйғулари, орзу ва интилишлари, фикр ва умидлари ташкил этади. Лирикада ҳаёт ҳаяжон билан ҳис қилинган, қалбдан ўтган, субъективлашган ҳолда гавдаланади. Лириканинг предмети худди кечинмаларнинг ўзгинасидир. Лирикада воқелик ва ҳаётнинг турли томонлари шоирнинг уларга қизгин муносабати тарзида очилади, яъни ҳаёт унинг ўз шахсий кечинмалари юраги орқали кўрсатгандай бўлади⁹¹. Бу қарашлар давр лирикаси такомиллига сўзсиз таъсирини кўрсатибди. Ўзбек шеърлятидаги, айниқса, лирикадаги конфликт табиатига доир унинг қарашлари наинки ўзбек танқидчилиги, балки шоирлар учун ҳам муайян янги қарашлар сифатида қабул қилинди. Бундай қарашлар лирикада замондош образини эстетик таҳлил этиш жараёнида ҳам кўринади. У Ғафур Ғулом, Уйғун, Миртемир, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Шайхзода, Ҳамид Ғулом, М.Бобоев шеърларини таҳлил қилар экан, улар ижодидаги тафаккурнинг ўткирлиги, ғўзаллик туйғусининг қучилигини чуқур ҳис этади, поэтик образлар моҳиятини нозиклик билан аниқлайди, камчиликларни ҳам аниқ ва тиниқ белгилайди. Масалан, у Ғ.Ғулом ижодида айрим баландпарвозлик, М.Шайхзода шеърларида баъзи тарқоқлик, Уйғун шеърларида риторик ваъзхонлик унсурлари кўплигини мисоллар билан асослаб, кўрсатади.

Х.Ёкубовнинг ўзбек адабий танқиди тугилиши, шаклланиши ва таракқиётини умумлаштирган ҳолда тадқиқ этган иши муҳим аҳамиятга эга. У XX аср тонгидаги ўзбек танқидий тафаккури қуртаклари Фурқат, Муқимий қарашларида, Сатторхон мулоҳазаларида деган хулосага келади. Унинг фикрича, М.Бехбудий, С.Айний, М. Шермуҳаммедовлар қарашлари асосида матбуотдаги ўзбек танқидчилиги кўз оча бошлади ва асрнинг 10-йиллари ўртасидан 30-йиллар аввалигача ўзбек адабий танқидчилигининг илк босқичи юзага келди. 20-йиллардаги тақриз, мақола, танқидий мулоҳазалари билан унинг тамал тошини қўйган А.Саъдий, Н.Тўрақулов, Айн (Олим Шарафуддинов), Отажон Ҳошим, Л.Олимий, Сотти Хусайн, Ж.Бойбўлатов, У.Эшонхўжаев, Вадуд Маҳмуд, Фитрат, Чўлпон, С.Айний, Боту, Олтой, А.Мажидий, Зиё Саид, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Анкабой, У.Исмоилов каби зиёли, адиб ва мунаққидлар фаолиятига баҳо беради. 20-йилларда фаолият кўрсатган "Чигатой гурунги" ва сўнгрок ташкил этилган "Қизил қалам" жамиятининг ишларини таҳлил этади. Даврнинг А.Саъдий, Фитрат, С.Хусайн, Олим Шарафуддинов, Ойбек каби кўзга кўринган арбоблари ижоди таҳлили асосида 20-йиллар танқидчилигининг шаклланиш жараёни тўғрисида қимматли маълумотлар беради.

⁹¹ Ёкубов Х. Сайланма. Икки жилдлик. 1- жилд. Т., 1983. —Б. 94.

Умуман, Х.Ёкубов ўзбек танқидчилигидаги муҳим йўналишлар ҳақида фикр юритиб, қатор ғоявий-эстетик ва назарий масалаларни ўртага ташлади, танқидчи ва адабиётшунослар бадий маҳорати, индивидуал услуби билан боғлиқ муаммоларни кенг қўламда ўрганди.

Х.Ёкубов кўп йиллар мобайнида олий ўқув юртларида адабиётдан дарс берди. Қатор дарслик, қўлланма, мажмуа, ўқув дастурлари яратди. У икки томлик "Ўзбек совет адабиёти тарихи очерклари" (1961-1962), "История узбекской советской литературы" (1967), уч томлик "Ўзбек совет адабиёти тарихи"(1968-1972) ва бошқа фундаментал тадқиқотлар яратилишига раҳбарлик қилди. Олим Беруний номидаги республика Давлат мукофоти совриндори бўлди (1967). "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" деган юксак унвон билан тақдирланди (1968).

Мунаққид 1935 йилда Чўлпоннинг "Соз" тўпламига тақриз ёзиб, шоир батамом қораланиб турган бир шароитда у ҳақда қатор ижобий мулоҳазалар айтишга журъат этган эди. Ҳаёт шомида, 90 ёшлари арафасида, энди Мустақиллик шароитларида у яна Чўлпон ижодига мурожаат этди. Чўлпон ва Навоийга бағишланган рисоласини эълон қилди ҳамда адабиётга, адолатга садоқат намуналарини кўрсатиб кетди.

Таянч тушунчалар: адабий танқиднинг тугилиши ва шаклланиши, ғоявийлик ва маҳорат, юксак идеал, адабий танқидда маҳорат, лирикада конфликт, тарихийлик тамойили, эпик аломат, назарий қарашлар.

Мавзунини муस्ताҳкамлаш учун саволлар:

- 1.Х. Ёкубовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида нималар биласиз?
2. Олим Ғ.Ғулом ижодини ўрганишга қандай ҳисса қўшди?
3. Х..Ёкубов ойбекшуносликда қандай муваффақиятларга эришди?
4. Мунаққиднинг адабий жараёнга боғлиқ мақолаларини таҳлил қилинг.
5. Олимнинг адабий танқиднинг шаклланиши ва таракқиёти борасидаги тадқиқотларининг аҳамияти нималардан иборат?
6. Мунаққиднинг замондошлари ҳақидаги қарашлари қайси ишларида акс этган?
7. Х..Ёкубовнинг ўзига хос услуби нималарда намоён бўлади?

Мустиқил ўқиш учун адабиётлар:

1. Ёкубов Ҳомил.Ойбек.Т., 1959.
2. Ёкубов Ҳомил.Ойбек лирикасида ғоявийлик ва маҳорат. Т.: Адабиёт ва санъат.1965.
3. Ёкубов Ҳомил.Адибнинг маҳорати.Т.,1966.
4. Ёкубов Ҳомил.Адабий-танқидий мақолалар.Т., 1972.
5. Ёкубов Ҳомил.Сайланма. Икки жилдлик. Т.: Адабиёт ва санъат.1983.

Унинг хақида:

6. Имомов Б. Ҳомил Ёкубов. Т., 1976.
7. Каримов Н. Сахий истъдод соҳиби \ Китобда: Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. Т.: Фан. 1983.
8. Назаров Б. Олим маданияти (Ҳ. Ёкубов хақида). Ижодий портрет. Т. "Ўзбекистон", 1977.
9. Расулов А. Майдонда туриш машаккати / Бетакрор ўзлик. Т.: Мумтоз сўз. 2009, 217-223 б.
10. Тоғаев О. Ибратли сабоқлар. Т.: Фан. 1987.
11. Турдиев Ш. Ҳомил Ёкубов хақида хотираларим // ЎТА. 2009, № 4, 116-122-б.

МАТЁҚУБ ҚҶШЖОНОВ

(1918–2005)

РЕЖА:

1. Мунаққиднинг илмий-ижодий йўли.
2. Кодирйишунослик саҳифаларидаги ёғдулар.
3. Ойбек ижоди танқидчи нигоҳида.
4. А. Қаххор ижодининг толмас тадқиқотчиси.
5. Адабий портретнавис маҳорати.

Мунаққиднинг илмий-ижодий йўли. Етук танқидчи ва адабиётшунос, ЎзР ФА хақикий аъзоси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори, филология фанлари доктори, профессор М. Қўшжонов ўзбек танқидчилигида фикрлаш тарзи ва ифода услуби, жанговар ҳақгўйлиги, сермахсул ва салмоқдор тадқиқотлари билан алоҳида ажралиб туради. У жаҳон ва рус танқидчилиги эстетик анъаналарини ижодий ўзлаштириб, янги шароитларда ўзбек адабиёти муаммолари тадқиқи ва таҳлилида давом эттирган мунаққиддир.

Бизга тақдир икки буюк танқидчи—Озод Шарафиддинов ва Матёқуб Қўшжоновни насиб этди. Уларнинг ҳар иккови ҳам ижодини жасорат билан бошлаб, ўзига хос равишдаги жасорат билан тугатдилар. Агар жаҳон адабий танқидчилиги антологияси чоп этилса, уларнинг ҳар иккови ижодидан намуналар киритилса, ҳар томонлама адолатли иш бўлур эди. Ҳақиқатан ҳам М. Қўшжонов жаҳон ва рус танқидчилари эстетик тамойилларини ижодий ўзлаштириб, ўзига хос шароитда, ўзбек адабиёти материаллари асосида давом эттирган жасоратли ижодкор-мунаққиддир.

М. Қўшжонов Туркманистоннинг Тошхөвүз туманидаги Ҳалланг қишлоғида 1918 йилнинг 5 майида чўпон оиласида туғилди. Тўлиқсиз ўрта маълумот олгандан сўнг Чоржўйдаги ўқитувчилар тайёрлаш билим юрти ва қиска муддат педагогика институтида таҳсил олди. 1942 йилгача Тошхөвүздаги ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди.

Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, чапдаст снайпер сифатида жанг қилди. Жасорати учун орден ва медаллар билан мукофотланди. Урушдан қайтгач, Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетига кириб, уни имтиёзли диплом билан тугатди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида масъул лавозимда ишлади (1950–1953). Москвадаги Ижтимоий Фанлар академиясига ўқишга тавсия этилади (1953). Таҳсил давомида қобилияти ва фикрлаш доирасининг кенглиги билан сафдошлари орасида ажралиб турди. Ўқишни тугатиб қайтгач, Ўрта Осиё университети филология факультетининг ўзбек адабиёти кафедрасида ишлади (1957–1960). Талабаларга маъруза ўқиди. Маърузаларга шу қадар жилдий тайёрланардики, матнларнинг аксари тўлиқ ҳолда матбуот саҳифаларида алоҳида-алоҳида мақола тарзида босилди. Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтига катта илмий ходим бўлиб ишга ўтди (1960), у ерда илмий ходим, бўлим мудиридан директорликкача бўлган йўлни босиб ўтди.

М. Қўшжоновнинг адабий танқидчилик фаолияти Ижтимоий Фанлар академиясида таҳсил олаётган пайтларида бошланди. 1956 йили газетада "Бир танқидий-биографик очерк хақида" номли биринчи тақризи эълон қилинди. Адабий танқидчи бўлишдек қийин соҳанинг масъулиятини чуқур ҳис этган ёш олимнинг бу тақризи унинг истикболини ёрқин кўрсатиб турарди. У аста-секин наинки адибнинг, балки ўзининг ҳам маҳорати хақида ўйлайдиган танқидчи, назария масалаларига алоҳида эътибор билан қаровчи, эстетик қарашларини образли ифодалашга интиладиган адабий танқидчи сифатларини намоён эта борди. Ўз асарларида ижодкорлар бадий маҳорати масаласига кўпроқ диққатини қаратди. Унинг тадқиқотларида хулоса чиқаришга нисбатан асарни ҳолисона, аниқ таҳлил қилиб, ўқувчи муҳокамасига ҳавола этиш хусусияти устундир. Танқидчи ўқувчига ўз тайёр хулосаларини қуруқ тақдим этиб қолмасдан, уни ҳам фаол фикр юритишга даъват этадики, бу унинг ижодкорлигидан далолат беради.

Олимнинг дастлабки босқич ижодида Ойбек романларидаги шакл ва мазмун бирлиги масаласига социалистик реализм нуқтаи назаридан ёндошилган бўлса-да, умуман, ўзбек адиблари ижодига махсус шу муаммо — адабиёт ва эстетиканинг энг муҳим масалаларидан бирига махсус ёндошув М. Қўшжоновнинг шу мақолаларидан бошланди, дейиш мумкин.

Олимнинг "Маъно ва мезон" (1974), "Моҳият ва бадийят" (1977), рус тилидаги "Талант қирралари" (1975), "Ойбек" (1976), "Маҳорат масъулияти" (1977) номли китоблари ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг принципиал ютуқлари бўлиб қолди. "Маъно ва мезон", "Талант қирралари" китоблари Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. Олимга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" деган юксак унвон берилди (1978). Ўзбекистон Фанлар

академиясининг мухбир ва 2000 йилдан ҳақиқий аъзолигига сайланди (1979).

М.Қўшжонов танкидий карашларининг шаклланишида рус танкидчилари таъсири катта бўлди. Танкидчи таҳлилга киришар экан, кўп ҳолларда В.Белинский услубига хос йўл тутиб, фикрни асар ҳақида маълумот беришдан бошлади. Бу эса мунаққид асарларининг ўқишли ва қизиқарли бўлишини таъминлайдиган муҳим омилга айланади. У ҳақда шундай ёзади: "Танкидчиларимиз образларни танкидий йўл билан қайта тиклаш приёмини эгаллаб олдилар. Ёзувчи бадий асар яратиб, китобхонни ўз ғоясига бир марта шерик қилса, танкидчи ўша асарни таҳлил қила туриб, асар ғоясига, эстетик қимматига китобхонни иккинчи бор шерик қиладиган бўлди. Шу йўл билан танкидчи асарнинг таъсир кучини оширадиган, адабиётнинг кучига куч қўшадиган бўлди"⁹².

Мақоладан асарда, матн моҳиятида яширинган фикрларни англаш, ёзувчи маҳорати сирларини идрок этиш эса, ўқиладиган иш кадр-қимматини янада оширади. Белинский услубига хос бу фазилат М.Қўшжоновнинг танкидчилик маҳоратига маълум даражада таъсир кўрсатди. Бундай услубни мунаққиднинг 70-йиллар ўзбек насридаги композиция муаммолари ўрганилган қатор мақолаларида, хусусан, "Маъно ва мезон" номли адабий-танкидий мақолалар тўпламида кўриш мумкин. Шу туфайли М.Қўшжоновнинг У.Назаров, Ў.Ҳошимов, Ш.Ҳолмиров, О.Мухтор, З.Аълам асарлари таҳлиliga бағишланган илмий-танкидий ишларида шу услуб ёрқин сезилиб туради.

М.Қўшжонов маҳоратига хос фазилат шундаки, у бадий асар таҳлилида соф илмий академизм усулини қўлламайди, ўқувчи завқланиб ўқийдиган, зерикмайдиган услубий йўналиш танлайди. Бу эса унинг санъат асарига, умуман, адабиётга илмий-эстетик тамойиллар асосида ёндашишини намоён этади. Бу нарса, биринчи навбатда, мунаққиднинг ҳар бир бадий асарни ҳаёт билан қиёслашида, унга суянган ҳолда инсон ҳаёти ҳақида, унинг ички олами, муаммолари, маънавий ва ахлоқий масалалар тўғрисида кенг фикр юритишида кўринади.

Қодирийшунослик саҳифаларидаги ёғдулар. Ўтган салкам юз йил мобайнида қодирийшунослик ўзбек танкидчилигининг муҳим тармоғи ва мустаҳкам таркибий қисми сифатида қарор топди. Бу йўналишда ўз кучини синаб кўрмаган, Қодирий ижодидаги янги бир қиррани очишга ҳаракат қилмаган, ёхуд унинг ноёб асарларини ўқиб, у ҳақдаги ҳаяжон ва муҳаббатини ўзгаларга маълум қилишни истамаган таниқли ўзбек адиби ва адабиётшуноси топиш қийин. Бу йўналишда, айниқса, Ойбек С.Хусайн, И.Султон, Ҳ.Ёқубов, М.Қўшжоновлар салмоқли ишлар яратдилар. А.Алиев, И.Мирзаев, Ф.Насриддинов, У.Норматов, С. Мирвалиев, Б.Каримов ва бошқаларнинг меҳнати баракали бўлди.

А.Қодирий санъати ва маҳоратини ўрганиш М.Қўшжонов ижодининг марказий муаммоларидан бирини ташкил этди. Унинг "Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати" номли асари адиб ижоди нозик дид ва нафосат билан, бор гўзалликлари ва қудрати билан таҳлил этилган ўзбек адабиётшунослигидаги дастлабки фундаментал тадқиқот сифатида XX аср ўзбек танкидида мустаҳкам ўрин эгаллади. Олим А.Қодирийнинг характер яратиш маҳорати, характернинг шаклланиш омилларини аниқлаш, санъаткорликдаги жозиб нукталарни топиш, хусусан, "сир саклаш" санъатини биринчилардан бўлиб М.Қўшжонов кўра олди.

Тадқиқотда А.Қодирийнинг Ойбек, А.Қаҳҳор каби улкан санъаткорлар ижодига хос хусусият "воқеаларни сирли баён этиш" санъатини кўрсатишга кенг ўрин берилди. Зотан, воқеаларни сирли баён этиш ёзувчиға қаҳрамон руҳий оламини очишда асосий омил бўлиб хизмат қилди, деган хулосага келади мунаққид. А.Қодирий бадий маҳоратининг қирраларини олим (сир саклаш, перепития, ички ва ташқи коллизиялар бирлиги, антитеза) асардаги наинки асосий образлар – Отабек ва Қумуш характери орқали очиш, балки бу икки қаҳрамонға келиб туташувчи ва уларға алоқадор бўлган, беистисно, барча катта-кичик образларни ҳам таҳлил этиш орқали кўрсатишға интилади. Лекин асосий эътиборини Отабек ва Қумушға қаратади, албатта. Отабек ва Қумуш характери асардаги барча ҳужайраларни бир-бириға боғловчи, ҳаракатлантирувчи асосий куч. "Романининг бош ғояси асосан етакчи образларда ифодалангани учун бу образларнинг яратилиши тўғрисида кўпроқ тўхташ фойдалидир. Чунки бу масала ёзувчи санъатини белгиловчи асосий омиллардандир", деб ёзади олим⁹³.

"Ўткан кунлар"даги характерларни таҳлил қилиш жараёнида М.Қўшжонов ўз қалбида туғилган хис-ҳаяжонларни китобхонда ҳам уйғотишға интилади: "Ота-она орзуси"! Ўзбекчиликнинг бу одати қанча-қанча соф инсоний хис ва муҳаббатни, инсоний гўзалликларни ўз оловида қуйдириб юбормади. Ота-она орзуси деб қанчадан-қанча гул гунчалари очилмай сўнди. Бу мудҳиш ўтмиш саркити ҳозир ҳам озод, бахтиёр ёшларимиз олдида баъзан ғов бўлиб турмайдими?" – дея ачиниш билан ёзади танкидчи Отабекнинг ота-она орзуси йўлида иккинчи марта уйланишға мажбур бўлаётганидаги руҳий ҳолатини таҳлил этаркан. Танкидчи қалбидаги бу изтироб тезда китобхонға ҳам "юқади" ва унинг ҳаёлиға ҳам янги ёғдулар сочади.

"Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати" китобини муаллиф мустақиллик йилларида қайтадан назардан ўтказиб, ихчамлаштириб ва бойитиб, "Ўзбекнинг ўзлиги" номи билан нашр эттирди. Тарихийлик тамойилларига катъий амал қилган танкидчи бу китобда ўзининг қатор янги қарашларини истиклол мафқурасига асосланган ҳолда баён этади. Бу

⁹² Қўшжонов М. Қалб ва кифа. Т., 1979. - Б.62.

⁹³ Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. Т., 1994. - Б. 8.

асар мустақиллик руҳи билан суғорилганлиги, А.Қодирий ижодининг бугунги замонамиз учун аҳамиятли жиҳатларига эътибор берилиши билан диққатга сазовордир.

М.Қўшонов буюк адиб Абдулла Қодирий асарларини катта эътибор билан ўрганди, у ҳақда жиддий монографик тадқиқотлар яратди. "Мохият ва бадият" китобининг "Устозлар сабоғи" деб номланган катта бўлими А.Қодирий, Ойбек, Ш.Рашидов ва Гулҳаний ижодининг таҳлилига бағишланган.

М.Қўшонов кўпинча ўз ижодини йирик ва ўлмас сиймолар билан боғлади. Ҳамза, С.Айний, Ойбек, А.Қаҳҳор каби адиблар ижоди ҳақида салмоқдор, кўламли ва теран тадқиқотлар яратди. 60-80-йиллар насрига хос қатор тамойилларни очиб берди, аини замонда конфликт, сюжет, композиция каби назарий масалаларга оид умри узок мақолалар, тадқиқотлар яратди.

Ойбек ижоди танқидчи нигоҳида. М.Қўшоновнинг танқидчиликка кириб келишидаги дастлабки эътиборли мақолаларидан бири А.Мухторнинг "Опа-сингиллар" романига бағишланди. Лекин мунаққид номини китобхонага танитган, яъни дарҳол тилга тушган ишлардан бири "Қутлуг қон" тўғрисидаги катта мақола бўлди. Бошқа кўп фазилатларидан ташқари оддий ўзбек йигити Йўлчи характерининг шаклланиш жараёни чуқур таҳлил қилинган бу мақола газетада эълон қилиниш билан тилга тушди. Шу мақоладан бошлаб М.Қўшонов Ойбек ижодини, унинг маҳорат сирларини ўрганиш борасида кўп меҳнат қилди.

И.Султонов ўтган аср 60-йиллари арафасидаёқ танқидчиларни М.Қўшоновдан ўрнат олишга даъват этиши бежиз эмас. "Ойбек романларида характерларни тасвирлаш маҳорати" мавзусида рус тилида ёзилган номзодлик диссертациясининг асосий натижалари китоб ҳолда 1959 йилда босилиб чикди. "Хўш, М.Қўшонов Ойбек ҳақидаги аввалги тадқиқотлардан сўнг ойбекшуносликда нималарни кашф этди? Аслида адабиётшунос Ҳ.Ёқубов китобларидан кейин бу борада ҳаммага манзур бўладиган иш қилиш ниҳоятда улкан масъулият талаб қиларди. Бу ишни амалга ошириш учун фақат танқидчи талантининг ўзи қифоя қилмасди. Талантга қўшимча тинимсиз меҳнат, юксак дид, пухта назарий билим керак эди. Узок изланишлар, бир неча йил Москванинг жаҳонга машҳур олимлари даврасида бўлиш, классиклар асарларини синчиклаб ўрганиш ёш олимни бу жасоратга ундади"⁹⁴.

Китобнинг фазилати ёзувчилик санъатининг асосий ва муҳим томони саналувчи характер яратиш маҳоратининг текширилишида кўринди. Асар З.Кедрина, Г.Ломидзе каби таникли олимлар томонидан ўзбек адабиётшунослигининг жиддий ютуғи деб юксак баҳоланди.

⁹⁴ Қўчирма Ў. Ўтаевнинг "Таҳлил маҳорати" мақоласидан олинди. // ЎТА. 1978, № 3. -Б. 74.

М.Қўшонов Ойбек асарлари ҳақидаги кузатишларини давом эттириб, юксак маҳорат намунаси бўлган "Ойбек маҳорати" асарини яратди ва унда, асосан, адибнинг насрий ижодини тадқиқ этди. Бу асар "адабий ҳодисага фақат назарийчи олим кўзи билангина эмас, балки санъаткор кўзи билан ҳам қарашнинг, илмий тафаккурни бадий тафаккур билан диалектик алоқада олиб бориш"нинг гўзал намунаси бўлди. "Ойбек маҳорати" монографияси ойбекшуносликни янги босқичга олиб чиқди. Ойбекшуносликнинг янги босқичга кўтарилиши, аини вақтда, умуман, ўзбек адабиётшунослигининг юқори босқичга кўтарилаётганидан далолатдир.

Бу китобда ҳам таҳлил марказида характер масаласи туради. "Ойбек маҳорати"нинг адиб ҳақидаги бошқа тадқиқотлардан фарқланувчи ўзига хос фазилатидан бири шунда. Характер ҳаракатининг далиллаш санъатини очишда намойён бўлган А.Қодирийга бағишланган тадқиқотидаги тажриба, анъана давом эттирилиб, Ойбекка доир бу ишда янги асарларга мурожаат асосида янада чуқурлаштирилди. Бу тадқиқот қаҳрамон характерига боғлиқ ҳолда конфликт, сюжет, композиция муаммолари ҳам узвий бирликда ўрганилган ўзбек адабиётшунослиги эришган алмоқли ютуқ бўлди. М.Қўшонов Ойбек шеърятига кўп мурожаат этмайдди. Унинг поэмаларига, асосан, прозага ўтишдаги муҳим сифатларнинг шаклланишини белгилаш нуқтаи назаридан ёндашди. Шу маънода мунаққидни Ойбек шеърятинида эпик хусусиятлар жалб этади. М.Қўшонов уларни таҳлил этар экан, шоир шеърятда ҳам йирик полотнолар, кескин зиддиятлар, катта сюжет яратиш устаси эканлигини очиб беради. Бу Ойбекнинг катта ижод майдонига кириб келиши учун замин бўлди деб хулоса чиқаради.

М.Қўшоновнинг Ойбек ижоди ҳақидаги изланишлари изчилликка эга. Унинг "Талант жиллолари", "Маҳорат дарси", "Ижод сабоқлари" китобларида ҳам Ойбек маҳорати хусусидаги нозик кузатишларга дуч келамиз. Олим Ойбек асарларидаги айрим қаҳрамонларни ёзувчи шахси, таржимаи ҳолни биографияси билан боғлашда ёритишга ҳаракат қилади. "Қутлуг қон"даги Йўлчи, "Улуғ йўл"даги Зумрад, Умарали образларидаги ўз-ўзини англаш, руҳий- маънавий уйғонишлар, сўзсиз, "ёш Ойбекнинг ўз бошидан ўтган" деган хулоса асар структурасидаги ўзига хосликларни очишдан ташқари у ҳақда кузатишлар олиб борилаётган илмий ишнинг ҳам жонлилиги ва ҳаётлигини оширди.

Абдулла Қаҳҳор ижодининг толмас тадқиқотчиси. XX аср ўзбек адабиётшунослигининг таркибий қисми-қаҳҳоршуносликни ҳам М.Қўшонов тадқиқотларсиз тасаввур этиш қийин. У А.Қаҳҳорнинг деярли барча асарларини, улардаги эстетик тамойилларни кенг планда, янгиланиб бораётган фикрлар асосида янгича услубда таҳлил қилди. Бу ҳол А.Қаҳҳорнинг ижодий индивидуаллигини, яъни А.Қодирий, Ойбек ва бошқа йирик носирлар ижодидан фарқ қиладиган қирраларини тўларок

гавдалантириш имконини берди. Бу, ўз навбатида тадқиқотчини адиб маҳоратини чуқур ва теран тадқиқ қилиш йўлида жиддий изланишларга ундади. "Адашганлар фожиаси" деб аталган тадқиқот А.Қаххор ижодини, маҳорат сирларини ўрганиш йўлидаги ана шундай изланишлар натижаси бўлди.

М.Қўшжоновнинг "Маҳорат сирлари" (1968) номли асарида А.Қаххорнинг эпик асарлари юксак дид билан таҳлил қилинди. Адиб ҳақида навбатдаги "Хаёт ва нафосат"(1970) китобида Ёзувчининг ҳикоянавислик санъати ва драматик асарлари ўрганилди. "Абдулла Қаххор ижодида сатира ва юмор" асарида эса Ёзувчининг ҳажвий маҳорати тадқиқ этилди.

А.Қаххор муаммоларга қандай ёндашди, воқеликка муносабати қандай, бошқа ижодкорлардан қайси хусусиятлари билан фарқланади, таланти йўналишини белгилайдиган омиллар нималардан иборат? М.Қўшжонов юқоридаги китобларида ана шу масалаларга жавоб кидиради ва, энг асосийси, бу мураккаб муаммоларни асосли далиллар билан чиroyли услубда очиб беради. Бутун диққат-этибор етакчи бир нуктага—ёзувчининг ижодий принциплари нималардан иборат эканлигини таҳлил қилиб бериш ва шу асосда унинг ўзига хослигини кўрсатишга қаратилади.

А.Қаххор ҳақидаги ишнинг А.Қодирий, Ойбек ижодига бағишланган тадқиқотлардан фаркланувчи айрим хусусиятлари шундаки, танкидчи энди асарнинг ғоявий-бадний қимматини белгиловчи қахрамон характерини ўрганишдан ташқари бир қарашда оддий китобхон кўзига ташланавермайдиган оҳанг ва тафсилотларга алоҳида этибор беришга интилади. Бу, айниқса, "Абдулла Қаххор ижодида сатира ва юмор" китобида яққолроқ кўзга ташланади. Мунаққид асарларни қиёсий таҳлил қилиш йўлидан борадики, бу А.Қаххор маҳоратини янада аниқроқ кўрсатиш имкониятини яратади. Бундай ёндашув ўзбек адабини жаҳонга машхур новеллистлар билан бир қаторда туради деган хулосага олиб келади. Айни вақтда, улардан фаркланувчи ўзига хосликни ҳам ишонарли далиллади.

А.Қаххорнинг нодир хусусиятларидан бири —ҳаётни, қахрамонларни руҳий таҳлил қилиш маҳоратига эгаллигидир. М.Қўшжонов "Сароб" ва "Синчалак"ни ўзгаларга ўхшаб умуман эмас, шу муаммо нуктаи назаридан таҳлил этди. Уларнинг ўзига хослиги шу хусусиятларда намоён бўлади деган фикрга келди. М.Қўшжонов адабнинг адабий-эстетик қарашларини ўрганишга ҳам алоҳида этибор берди.

"Ўтмишдан эртаклар" ўзбек адабиётидаги ўзига хос бир етук автобиографик асар экани; Саидий қиёфасидаги мураккаблик, қарама-қаршилик, турли руҳий изтироб фақат унинг эмас, давр ва замон образига ишора экани; "Анор"даги ҳақиқий фожианинг сирини; "Ўғри"даги йнги ва кулги бирлиги; "Минг бир жон" ва "Асрор бобо"даги комизм билан фожа, мутойиба ва юмор муштараклиги; "Башорат", "Миллатчилар", "Бошсиз

одам" замирига яширинган ёзувчи идеали ҳақидаги мулоҳаза ва илгари сурилган фикрлар, наинки адабиёт ва танкид ривожини, балки, айна вақтда китобхон эстетик дидига ҳам таъсир қилади.

М.Қўшжонов мақола, илмий тадқиқотларида фикрнинг образли ифодалаш санъати билан китобхон бадний-эстетик дидини ўстиришга муносиб ҳисса қўшган танкидчи ҳисобланади. Унинг фикрича, "Бадний етук асарга бағишланган танкидий таҳлил шундагина ўзини оқлайдики, токи уни ўқиган одамнинг бадний асардан олган маълумот ва эстетик қисси икки баробар ошсин". М.Қўшжонов тадқиқотлари ўзи қўйган ана шу талабларга жавоб беради. Унинг санъаткорларга бағишланган китоблари фазилатан бадний асар каби завқ билан ўқилиши сабаби шундан.

Адабий портретнавис маҳорати. Ўзбек танкидчилигида Иззат Султон, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, У.Норматов, А.Расулов сингари мунаққидлар адабий портрет усталари сифатида машхурдирлар. М.Қўшжонов улар сафидаги пешқадамлардан бири сифатида адабий портретларида бадний маҳорат масаласини тадқиқ марказига қўйиши билан ажралиб туради. У муайян асардаги бадний маҳоратни текшириш орқали айрим муҳим назарий хулосалар чиқаради. Мунаққид ижодида адабий портрет жанри етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.У ҳар бир асар таҳлилида ёзувчидан теран ҳаётийлик, юксак баднийликни талаб қилади. Адабий портретда ҳам асосий масалага шу нуктаи назардан ёндашади. Шу жиҳатдан М.Қўшжоновнинг И.Султон, Қ.Ҳикмат, О.Ёқубов, П.Қодиров, Ш.Холмирозевга бағишланган кичик-кичик адабий портретлари, А.Ориповнинг "Армон" тўпламига ёзган сўзбошиси ҳамда С.Мелиев билан ҳамкорликда ёзган "Абдулла Орипов" номли китоби характерлидир.

Шўро йилларида яратилган адабий портретларда ёзувчининг фақат ижоди марказда тутилиб, унинг инсоний фазилатлари, ҳаётидаги драматизм, оила, муҳит каби масалаларга кам этибор берилди. Ҳолбуки, адолат, ҳолислик, ҳаққонийлик ва илмийлик жиҳатидан, ҳамда Сент-Бёв алоҳида таъкидлаганидек, ёзувчи ижоди ва сиймоси ягона экан, унинг кундалик ҳаёти ва одатларига ҳам аҳамият бериш лозим: "Мени ҳамиша мактублар, суҳбатлар, фикрлар, характерларнинг турли ҳолатлари, руҳияти, бир сўз билан айтганда, машхур ёзувчилар таржимаи ҳолини ўрганиш ром этиб келди"⁹⁵, деб ёзган эди.

Абдулла Қаххор, Абдулла Қодирий, Ойбек ижодига оид портретларни кўздан кечирав эканмиз, танкидчининг бошқа жанрдаги тадқиқотларида етакчи бўлган— образларни адабиётшунослик йўли билан қайтадан яратиш усулига дуч келамиз.

"Нафосат шайдоси" портрети Ойбек қиёфасини яратиш йўлидаги изланишлардан биридир. Ойбек ҳаёти ва ижодига бағишлаб монография,

⁹⁵ Сент-Бёв Шарль. Литературные портреты. Критические очерки. — М.: Худож. лит., 1970. — С. 313.

илмий-биографик очерк, портрет каби жанрларда кўплаб тадқиқотлар яратилди. М.Кўшжонов асарининг улардан фарқи жихати шундаки, у Ойбек ижоди ҳақида умумлаштирувчи характердаги адабий портретни яратди. Унда ҳам ёзувчининг ижодий кифоиси намоён бўлади, ҳам асарларидаги қаҳрамонларнинг оддий китобхон сезмаган, пайкамаган фазилятлари билан бутун тўлиқликда гавдаланади.

М.Кўшжонов ёзувчи ижодининг ўзига хосликлари, асарларининг бадияти орқали очилувчи мухтасар ижодий портретлар яратди. Жумладан, у И.Султон, К.Яшин, Ш.Рашидов, Қудрат Ҳикмат, О.Ёқубов, П.Қодиров, А.Орипов, Ш.Холмиров, О.Мухторов портретини яратар экан, ҳар бир ижодкорнинг кўпчиликлари номаълум маҳорат сирларини кашф этди. Танқидчи портретлари кўпинча, ўқувчи диққатини тезда ўзига жалб этадиган кизиқарли усулда бошланади. Баъзан адабий портретнинг биринчи жумласиданок ўқувчи эътиборини сирли тугунга ҳавола этади. Натижада, китобхон биринчи жумладаги сирли тезис (код)га эргашиб, адабий портретни ўқиб қўганини сезмай қолади. Масалан, Ҳ. Олимжон ҳақидаги портретда шоирнинг ўз сўзлари сарлавҳага олиб чиқилган: «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман!», Қудрат Ҳикмат ҳақидаги адабий портрет ҳам «Эшитинг, шеър ўқийман» деган шоирнинг ўз ибораси билан бошланади. Яъни сарлавҳаданок танқидчи фикр юритаётган ижодкор асарларининг бош концепцияси ярқ этиб кўзга ташланади. Мунаққид ҳар бир адабий портрети мукаддимасида бирор чиройли тафсилот, ҳаётини воқеа ёки ибратли лавҳа келтиради. Улар шунчаки ўқувчи диққатини жалб этиш учун келтирилмай, кўп ўринларда адабий портрет учун «Ўқ илдиз, мақсадни бирлаштирувчи, ичдан умумлаштириб», руҳан ёритувчи нурли томир» (Б.Назаров) хизматини бажаради. Адабий портретни ўқиб чиққандагина, танқидчи бу лирик чекинишни бекорга, шунчаки жимжимадорлик учун келтирмаганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Ш.Холмиров, О.Мухторов ижодига оид портретлар ҳам жонли хотиралар асосида ёзилгани билан эътиборга лойиқ.

М.Кўшжонов болалар адабиётини ўрганишга ҳам муносиб ҳисса қўшди. Қ.Муҳаммадий, Қ.Ҳикмат, Ҳ.Пўлат ижодига бағишланган адабий портретларда болалар адабиёти муаммоларини ўрганди.

М. Кўшжоновнинг портретнавис сифатидаги услубини қуйидагича белгилаш мумкин: 1) адабий портретда ижодкор кифоаси, табиати, фаолиятини яққол гавдалантириш. Бу типга Ойбек, А.Қаҳҳор, А.Орипов ҳақидаги адабий портретлари киради; 2) портретни шу ижодкорнинг ўзи ҳақидаги фикрлари билан тўйинтириш ва адибнинг ижодий кифоасини яратишда улардан унумли фойдаланиш, ўзининг мулоҳазалари билан омухталаштириб, асар яратиш. А.Қодирий ва С.Айний ҳақидаги асарлар шу типга мансуб; 3) ёзувчи ёхуд шоирнинг бутун ижоди ҳақида фикр юритмай, адабий портретга чизгилар билан кифояланиш. М.Шолохов, Ҳамза, Асқад Мухтор ва бошқалар ҳақидаги асарлар.

М.Кўшжонов Сайёнинг “Хулқар” романига ёзилган “Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа” тақризи ҳамда ундаги аёвсиз танқидий фикрлари билан ўзбек танқидчилигидаги талабчанлик ва принципиалликнинг ажойиб намунасини кўрсатди. Иброҳим Раҳимнинг “Генерал Раҳимов”, Юсуф Шомансурнинг “Қора марварид” романларига ёзилган тақризлар ҳам шундай характерга эга. Кейинги асар жиддий қайта ишланишни муносабати билан танқидчи у ҳақда қатор ижобий фикрлар ҳам айтди.

Айтилганлар асосида шундай хулосага келиш мумкин. Биринчидан, кейинги 60 йиллик ўзбек адабий танқидчилигини М.Кўшжонов ижодисиз тўла тасаввур этиш мумкин эмас. Унинг хизматлари, авваламбор, улкан санъаткорлар маҳоратини теран таҳлил қилишда намоён бўлади.

М.Кўшжонов ҳақидаги мақолалардан бирига “Маҳоратшунос олим” сарлавҳаси қўйилган. У ўзбек мунаққидлари орасида биринчилардан бўлиб, шундай ном олди. Чиндан-да, танқидчи илмий ишлари замирида маҳорат масаласи биринчи ўринда туради. У адабиёт назарияси билан шугулланса ҳам, танқидчиликка оид ишга қўл урса ҳам, халқ, жамият манфаатини назарда тутди. Унинг барча ишларида санъаткор ва замон масаласи марказий ўринда туради.

Адабий танқид замонавий адабий жараёни атрофлича теран ва чуқур таҳлил этиши, унинг ички ривожланиш қонунчаларини истикбол нури билан кўрсатиши, айна вақтда, ҳар бир ижодкор ўз имкониятларини тўла даражада адабий ҳодисаларга “кўчириш”га қўмаклашиши, истеъодларнинг тўғри йўлдан боришини таъминлашда ҳамроҳ ва елкадош бўлиши лозим. М.Кўшжоновнинг мунаққид сифатидаги хизматлари ана шу хусусиятларда намоён бўлади. Айниқса, унинг кейинги йиллардаги ўзбек шеърини, насри хусусида билдирган фикр-мулоҳазалари, умумлаштирувчи мақолалари жамоатчилик эътиборини жалб этиб келяпти. Масалан, унинг “Ижод сабоқлари” китобида адабиётшуносликнинг қатор долзарб масалалари – ижодкор масъулияти, замонавийлик ва маҳорат, шахсият ва ижод, санъаткорнинг маънавий дунёси каби қатор жиддий муаммолар юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлса, “Дийдорнома” китобида ўнлаб адиб, олим ва давлат арбобларининг ёрқин ва ўчмас кифолари гавдалантирилди.

“Ижод сабоқлари” – ёшларга ўрнатилган бўларли фазилятларга бой асар. Шулардан бири, шубҳасиз, танқидчи самимиятидир.

М.Кўшжоновнинг доимо диққат марказида бўлиб келган муаммолардан яна бири адабиёт назарияси масалари. Унинг сюжет, композиция, образ, характер, ғоя каби назарий муаммоларга бағишланган мақола ва тадқиқотлари ўзбек адабиётшунослигининг назарий асосларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. У икки жилдлик “Адабиёт назарияси”нинг муаллифларидан биридир.

“Адабий танқид ҳам ихтиро қилади, ихтиро қилинган талантларни ардоқлайди”, – М.Кўшжоновнинг шioriларидан бири мана шу фикрда

мужассам. Жонкуяр танкидчи ўзининг бу тамойилига бутун умр содик яшади. Москвада чоп этилган “Щедрость таланта” китоби ўзбек танкидчилигини Ўзбекистондан йирик-йирикларга танитди.

Мустақиллик йилларида олим шу давргача яратилган айрим асарларини истиклол мафкураси асосида қайтадан кўриб чиқди. Хужжатли, автобиографик асосдаги жанрларда ўз кучини синаб, янги-янги асарлар яратди “Кўнгилда қолиб кетган гаплар” (2006), хатто ўзининг уруш йилларидаги хотиралари асосида бадий асар ҳам яратди. “Дагиш”, “Алам” сингари асарлар бунга мисол. Жонли хотиралар, икромлар асосидаги бадий публицистик руҳдаги бундай асарлар ёшлар дунёкарашини шакллантиришда аҳамиятга эгадир.

Таянч тушунчалар: маҳоратшунос олим, ойбекшунослик, кодирийшунослик, қаххоршунослик, маҳорат кирралари, тасвирлаш санъати, моҳият ва бадийят, ижод сабоқлари, шахсият ва ижод, ижодий жараён, ижодкор масъулияти, адабий портрет устаси, психологик таҳлил, бадий ижодда инсон характерини яратиш муаммоси, ижод лабораторияси, янги тамойиллар.

Мавзунини мустахкамлаш учун саволлар :

1. М.Қўшжоновнинг илмий-ижодий биографияси ҳақида сўзланг.
2. Мунаққид ижодининг мавзу ва муаммолар кўлами, эстетик моҳиятини тавсифланг.
3. Олим ойбекшуносликка қандай ҳисса қўшди? “Ойбек маҳорати” китобининг яратилиши ва ўзига хос томонлари нималардан иборат?
4. М.Қўшжонов ижодида мумтоз мунаққидларнинг таъсири қандай бўлган?
5. Олим А.Қодирий ижодининг кирраларини қандай йўллар билан кашф этди?
6. Мунаққиднинг қаххоршуносликка қўшган ҳиссаси ҳақида сўзланг.
7. Танкидчи қайси адиблар ҳақида адабий портретлар яратган?
8. М.Қўшжонов болалар адабиёти вакиллари ҳаёти ҳақида қандай тадқиқотлар яратди?
9. Адабиётшунос олим бадий асар таҳлилига қайси тамойиллар асосида ёндашади?
10. Мунаққиднинг бадий асардаги образларни қайта кашф этиш маҳоратини изоҳланг.
11. Сизга М.Қўшжоновнинг мунаққид сифатидаги қайси фазилатлари ёқади? Нима учун?

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. М. Қўшжоновнинг асосий асарлари:
 1. Ойбек маҳорати. Т.: Ўздавнашр. 1965.
 3. Маҳорат сирлари. Т.: Ғ. Ғулом номидаги бадий адаб. наш. 1968. (У. Норматов билан ҳамкорликда).
 4. Ҳаёт ва нафосат. Т.: Адабиёт ва санъат. 1970.
 5. Ижод сабоқлари. Т.: Адабиёт ва санъат. 1973.
 6. Абдулла Қаххор ижодида сатира ва юмор. Т.: “Фан”. 1973.
 7. Маъно ва мезон. Т.: Адабиёт ва санъат. 1974.
 8. Ойбек. Т.: “Фан”. 1976.
 9. Маҳорат масъулияти. Т., 1977.
 10. Моҳият ва бадийят. Т.: Адабиёт ва санъат. 1977.
 11. Қалб ва кифо. Т.: Адабиёт ва санъат. 1978.
 12. Садриддин Айний ва ўзбек адабиётининг шаклланиши. Т., 1979.
 13. Танланган асарлар. Икки жилдлик. Т.: Адабиёт ва санъат. 1985.
 14. Абдулла Қаххор маҳорати. Т., 1988.
 15. Ўзбекининг ўзлиги. Т.: “Мерос”. 1994.
 16. Абдулла Орипов. Т.: “Маънавият”. 2000. (Сувон Мели билан ҳамкорликда).
 17. Қодирий – эркисизлик қурбони. – Тошкент: Фан, 1992. – 96 б.
 18. Дийдор. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 136 б.
 19. Кўнгилда қолиб кетган гаплар. Т.: Маънавият. 2006.
- II. Матёқуб Қўшжонов ҳақида:**
20. Ўтаев Ў. Танкид ва услуб. Тошкент. Адабиёт ва санъат. 1978.
 21. Тоғаев О. Танкид – бадий кашфиёт / Ибратли сабоқлар. Т.: Адабиёт ва санъат. 1984.
 22. Шарафиддинов О. Гўзаллик излаб. Т.: Адабиёт ва санъат. 1986.
 23. Норбоев Б. Ибратли ижод // “Гулистон”. 1988, № 8.
 24. Назаров Б. Танкидчи шахси ва ижодий ўзига хослик // ЎТА, 2008, № 6, 3-10-б.
 25. Расулов А. Ибратли яшаш – санъат / Бадийлик - безавол янгилик. Т.: Шарқ, 2007, 260-270 б.

САЛОҲИДДИН МАМАЖОНОВ (1931-2005). Олимнинг ҳаёт нуни ҳақида. Ўзбекистон ФАсининг академиги, Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Салоҳиддин Мамажоновнинг ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танкидчилигини ривожлантиришда салмоқли ҳиссаси бор. Ингирмадан ортиқ китоб, неча юзлаб сермазмун мақолалар муаллифидир. Унинг тарихийлик ва замонавийлик, шеърят поэтикаси, бадий услуб ва

ижодкор олами муаммолари ҳамда Чўлпон, Х.Х.Ниёзийдан тортиб, Х.Худойбердиева, У.Азимгача бўлган ўнлаб атокли ва ёш авлодга мансуб иждоқорлар ҳақидаги тадқиқотлари XX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек адабиётшунослиги ҳамда адабий танқидчилиги тарихида катта из қолдирди.

Салохиддин Мамажонов 1931 йил 15 декабрда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги Қўрғонтепа кишлоғида деҳқон оиласида туғилди, ўрта мактабни тугатгандан кейин уларнинг оиласи Фарғона вилоятига кўчиб келади ва у Фарғона пединститутини ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқиди (1948). Ёшлигиданоқ адабиётга катта ихлос билан яшади. Республика газета ва журналларида турли мавзудаги мақолалари билан катнашиб турди. Институтни тугатгач (1952), бир муддат ўрта мактабда ўқитувчи, кейинроқ маориф бўлимида назоратчи бўлиб ишлади. Тошкентга келиб (1954), ЎзФА Тил ва Адабиёт институтини аспирантурасида таҳсил олди. Академик Ғафур Ғулом илмий раҳбарлигида "30-йиллар поэзиясида меҳнат темаси" мавзусида номзодлик диссертацияси устида иш олиб бориб, номзодлик диссертациясини химоя қилади (1958).

Ёш олим эллигинчи йилларнинг охиридан адабий жараёнда фаол иштирок эта бошлади. Ўзининг тақризлари, мақолалари билан адабий муҳитда кўзга ташланди. Кетма-кет "Шоир ва замонавийлик" (1963), "Уйғун" (1965), "Ғафур Ғулом прозаси" (1966), "Ғайратий" (1974) асарлари, қатор рисоалари чоп этилди.

С.Мамажонов ижодий фаолияти, кизиқиш доираси, тадқиқот объекти кенг олимлар жумласига мансуб. Унинг тадқиқот объекти – умуман XX аср ўзбек адабиёти дейиш мумкин. Мунаққид адабиёт тараккиётининг қонуниятлари ва уни ташкил қилган ўзак муаммолар билан муттасил шуғулланиб келди. Ўзбек адабиётининг йирик вакиллари Чўлпон, Элбек, Ғайратий, Ғ.Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шароф Рашидов, Зулфия ижодининг етакчи тадқиқотчиларидан бири даражасига кўтарилди. Танқидчи сифатида Ҳамзадан бошлаб то нодир истеъдод соҳиби А.Орипов, Ш.Бошбеков ижодига фаол муносабат билдирди.

Х.Олимжон ҳақидаги "Шоир дунёси" китоби рус (1972) ва ўзбек (1974) тилларида чоп этилди. Муаллиф бу асарида Х.Олимжоннинг босиб ўтган бутун ижодий йўли–унинг илк тўплами "Кўклам"га қирган шеърларидан тортиб, қатор баллада ва поэмаларини, драматик асари "Муканна"ни даврма-давр, поғонама-поғона текширди. Буборада шоир ижодида реализмнинг қарор топиши масаласига алоҳида эътибор берди, санъаткор ижодининг қудратли манбаларини излади.

С.Мамажонов жорий адабий жараёнда деярли ярим аср мобайнида фаолликни қўллада сақлаб келган танқидчилардан биридир. Матбуотда унинг адабий мунозаралари, тақриз ва мақолалари муттасил босилиб турди. Олимнинг "Шеърят баҳсида"(1970) китоби бир неча ўн йиллик мобайнидаги ўзбек шеъриятидаги аҳвол, ундаги ранг-барангликни ўткир

бақслар, тортишувлар асосида тадқиқ ва талқин этилган ўзбек танқидчилигидаги дастлабки асарлардан бири саналади.

Адабиёт илмининг жанговар жаҳҳаси саналувчи адабий танқид С.Мамажонов фаолиятининг муҳим қирраларидан бирини ташкил этади. Танқид вақтли матбуотнинг ўзи каби тезкорлик ва ҳозиржавобликни талаб қилади. Адабий жараёни муттасил ва тизимли кузатиб борган, унинг ҳақидаги изланишларини ҳеч қачон сусайтирмаган, астойдил тер тўкиб меҳнат қилган С.Мамажонов ҳам ҳозиржавоб мунаққиддир. Адабий ҳаёт оқимини кузатиб, унинг тараккиёт тамойилларини, ўзгариш, янгиланишларни тезда пайкай олиш, янги пайдо бўлаётган асарларни дарҳол ва кетма-кет таҳлил этиш, оммага шу хусусда дастлабки илмий-танқидий фикрни етказиш олимнинг етакчи фазилатидир.

Олим тадқиқотларида, айни вақтда, XX аср ўзбек адабиётининг муайян тарихи ҳам кузатилади. Бунга унинг кўп жыллик ўзбек адабиёти тарихига бағишланган тадқиқотларидаги, 20-30-йиллардаги адабий жараён ўрганилган ишлар, иккинчи жаҳон уруши давридаги ўзбек адабиёти масалаларига бағишланган (1975) китоби далил бўла олади. Унинг уруш даври ўзбек адабиёти ҳақидаги иши ҳозирга қадар бу ҳақда яратилган асарлар орасида нисбатан тўла ва кенг тасаввур берувчи йирик тадқиқотдир. Олимнинг бу тадқиқоти ва У.Ўлжабоевнинг уруш даври ўзбек адабиёти ҳақидаги ишлари харбий мавзудаги адабиётимиз ҳақида атрофлича маълумот беради. "Шоир дунёси" ва "Улуг Ватан уруши даврида ўзбек адабиёти" китоблари учун С. Мамажонов Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотида сазовор бўлди (1976).

Ўзбек адабиёти тарихини монографик ўрганишда С.Мамажоновнинг катта ҳиссаси бор. У кўп жылли "Ўзбек совет адабиёти тарихи" (1971), Москвада нашр этилган "Ўзбек совет адабиёти тарихи" (1970), шунингдек, "Қўпмиллатли совет адабиёти тарихи" (1970) фундаментал тадқиқотларининг муаллифларидан биридир.

Олимнинг ўзбек болалар адабиёти, адабиёт назарияси, адабиёт ва фольклорнинг ўзаро муносабати масалаларига бағишланган қатор ишлари мавжуд. "Болалар адабиётида замонавийлик ва маҳорат масаласи" номли салмоқли мақоласида бу соҳадаги эришилган ютуқлар таъкидланиши билан бирга, болалар поэзияси суст ривожланаётгани, мавзу ва муаммолар торлиги, майдақашлик унинг жиддий камчилиги экани кўрсатилди. Шунингдек, болалар драматургияси ҳам камбағал эканлиги, уларда болалар ҳаётига оид характерлар тўқнашуви кўрсатилмаётгани аниқ таҳлиллар асосида очиб берилди. С.Мамажоновнинг мазкур мақоласи болалар учун ёзилаётган бадий заиф, мазмунан саёз, гоёвий суст асарлар нашр этилишининг бироз бўлса-да, камайишига ва ўзбек болалар адабиёти танқидчилиги жонланишига, ўсмирлар адабиёти бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилишига туртки бўлди.

Болалар адабиёти ҳақидаги изланишлари самараси сифатида муаллифнинг "Эзгу ниёт йўлида" (1978) китоби чоп этилди. Унда болалар адабиёти вакиллари катор адабий портретлари ҳам яратилди.

Ғафур Ғулом ижодининг теран тадқиқотчиси. С.Мамажонов илмий фаолиятининг салмоқли ва етакчи қисмини Ғ.Ғулом ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мақолалар ва монографиялар ташкил қилади. Тўғри, С.Мамажоновга қадар ҳам Ғ. Ғулом ижоди ҳақидаги ишлар оз эмасди. Бу борада атоқли олим Ҳ.Ёқубов хизматларини эслашнинг ўзи кифоя. Аммо Ғафур Ғулом ижоди, босиб ўтган салкам ярим асрлик йўлни, унинг каламига мансуб барча жанрдаги асарларни ўрганишда С.Мамажонов янги рух, янги назарий ёндашувлар олиб кирди. Танкидчи ижодидаги, хусусан, Ғ.Ғулом ҳақидаги изланишларидаги айрим замонасозлик руҳини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди, албатта. Лекин бундан қатъий назар, унинг шоир шеърляти ва насри атрофлича ўрганилган "Шоир ва замонавийлик" ҳамда "Ғафур Ғулом прозаси" номли монографиялари ўз даврининг катта ютуғи бўлди. Танкидчи шоирнинг замон билан доимо ҳамнафас бўлишга интилангани, замон билан бирга улғайиб, бирга камол топиб борганини асарлари тахлили орқали кўрсатиб берди. Шоир шеърлятининг ҳозиржавоблиги ва фаоллиги ҳам, миллийлиги ва умумжаҳонийлиги ҳам, ҳаққонийлиги ва оҳорлилиги ҳам наинки замонавийлик, айни вақтда, миллий орзу-умидлар билан ҳам боғлиқ эканини очиқ берди. Муаллиф шоир шеърлятини ҳозиржавоблик ва бадийлик нуқтаи назаридан ўрганар экан, бу муаммолардаги узвий боғлиқлик масаласини ўзбек танкидчилигига олиб киришда О. Шарафиддинов тажрибаларини янада чуқурлаштирди. Шу залда ўзбек танкидида ҳозиржавоблик, ғоявийлик, бадийликдан иборат учлик бирикмаси таркиб топа борди. Буни тадқиқотчи шоирнинг катор асарлари, жумладан, "Вақт", "Соғиниш", "Сен етим эмассан" каби машҳур шеърлари тахлили асосида ишонарли исботлади.

Ўзбек танкидида шеърӣ асарлар тарихийлик ва замонавийликдаги яхлитлик нуқтаи назаридан кам ўрганилган эди. Олим Ғ.Ғулом поэзиясини шу муаммо асосида ўрганишга алоҳида эътибор берди. Унинг талқинича, тарихийлик фақат тарихий ўтмишни акс эттиришдангина иборат бўлмай, балки реалистик бадий ижоднинг илмӣ асоси ҳам бўлиб келган, шу куннинг ҳаётини ҳаққоний ва чуқур акс эттиришда ҳам муҳимдир. Бундай тамойилларнинг ўзбек танкидига олиб кирилиши муайян маънодаги янгилик эди. Замонавий воқеликни теран бадий акс эттириш чинакам ижодда онгли тарихийлик тамойили бўлишини ҳам тақозо этди.

"Шоир ва замонавийлик" монографиясида Ғ.Ғулом ижодидаги байналминаллик ғояларига кенг ўрин ажратилдики, бунда ҳам мунаққиднинг замон талаблари асосида фикр юритганини назардан кочирмаслик керак. Бироқ шоир ижодидаги миллийлик масаласига аҳамият берар экан, мунаққид Ғ.Ғуломнинг том маънодаги буюк шоир

эканини катор ўринларда кашф этишга муваффақ бўлади. Рус танкидчиси Веллинскийнинг "Улуғ шоир учун юқори даражада миллий бўлишдан бошқа катта шараф йўқ, чунки бусиз у улуғ бўла олмайди" деган фикрларига таянган ҳолда шоир ижодини таҳлил этди. Қисқаси, ўзбек адабиётшунослиги ва танкидчилигида Ғафур Ғуломнинг салкам ярим асрлик шеърляти яхлит тизим ҳолатида монографик йўсинда илмӣ-назарий жиҳатдан илк бор шу тадқиқотда текширилди. Албатта, бугунги кун нуқтаи назаридан қараганда, ундаги баъзи қарашлар бирмунча эскирганини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир.

Олимнинг "Ғафур Ғулом прозаси" номли китоби адиб насрий асарлари атрофлича тадқиқ этилиши билан қимматлидир. С.Мамажонов адиб насрини жанрларга бўлиб текширди. Тадқиқот композицияси ана шу тамойил асосига, яъни адиб насрини жанрларга бўлиб текшириш асосига қурилди. Адибнинг фелъетон, очерк ва публицистик асарлари алоҳида-алоҳида таҳлил қилинди. Тадқиқотчи таъкидлашича, Ғ.Ғуломнинг журналистик фаоллиги унр фелъетончилик, публицистика ва очеркчиликдан ҳикоянависликка олиб келди. Шу тариқа муаллиф адиб ҳикояларини текширишга алоҳида эътибор берди.

Адиб ҳикояларини сатирик, юмористик ва лиро-драматик турларга бўлар экан, уларнинг ҳар бирига ҳос хусусиятларни илмӣ-назарий жиҳатдан асослашга интилдӣ. Ғ.Ғуломнинг қиссалари ўрганилар экан, мунаққид поэтиканинг етакчи муаммолари сюжет, характер, композиция, нуқт турлари, бадий тил масалаларини марказга қўяди.

Танкидчи Ғ.Ғулом ижоди ҳақида кўп йиллардан бери олиб борган илмӣ-тадқиқот ишлари асосида "Ғафур Ғулом маҳорати" мавзунда докторлик диссертациясини ёқлади (1968). Бу борадаги ишларини давом эттириб, "Услуб жиҳолари" номли китобини нашр эттирди (1972). Бу асарда Ғ.Ғуломнинг поэтик мероси бир-бирларига боғлиқ уч масала атрофида текширилди. Улардан бири – шоирга таъсир кўрсатган омиллар; иккинчиси – шоирнинг ўзига ҳос услуби, маҳорати; учинчиси – Ғ.Ғулом ижодининг бошқа калам соҳибларига кўрсатган таъсири. Китобда Ғ.Ғуломнинг илмӣ мероси – адабий-танкидий қарашлари шоир поэтик ижодига боғлиқ ҳолда таҳлил этилди. Шу тарзда серкирра ижодкор Ғ.Ғулом ҳақида С.Мамажоновнинг илмӣ-тадқиқотларидан иборат учта монография вужудга келди. Улкан санъаткор Ғафур Ғулом ижоди ҳақида битилган бу ишлар адабиётшунослигимизда ўзига ҳос илмӣ трилогия намунасиридир.

Мунаққид ва адабий жараён. С.Мамажонов ижодий фаолиятида ўзбек шеърлятини атрофлича тадқиқ этиш марказий ўринлардан бирини ташкил қилади. Юзлаб тақриз ва мақолаларидан ташқари "Шеърлят баҳсида" китоби каби "Ранглар ва оҳанглар"(1978) китоби ҳам поэзия масалалари ва поэтик асарлар тахлилига бағишланди. "Лирик олам, эпик кўлам" (1979) номли йирик монографиясида тадқиқотчи Ҳ. Олимжон

лирик маҳорати ва Шароф Рашидов эпик оламини кенг тарзда очиб берилди.

С.Мамажонов кенг қамровли мунаққиддир. У ўзбек адабиётидаги деярли барча адабий жанрлар ривожланиш жараёнини кузатиб борди ва улар ҳақида чуқур илмий таҳлилларга бой адабий-танкидий мақолалар ёзди. Танкидчи ўзбек шеърини намуналарини нашр эттиришда катор ишларни амалга оширди. Н.Қобулов билан ҳамкорликда ижоди узоқ йиллар ўрганилмай келган ва ҳатто қарийб унутилаётган Боту меросини топиб, тўплаб, нашр эттирди. Бу иш адабиёт ва илм аҳлини нихоятда қувонтиргани маълум. У 20-йиллар адабиётида муҳим ўрин тутган Боту, Элбек каби ижодкорларнинг илк ижодий портретларини яратган эди. Улар сафига мустақиллик даврида Чўлпон ҳақидаги портрет ҳам келиб қўшилди.

С.Мамажонов адабий танкид жанрларининг шаклланиши ва ривожланишига ҳам самарали ҳисса қўшди. Унинг Миртемир билан мулоқотини ёзувчи ва танкидчи суҳбати ўзбек танкидидаги ("Ўзбекистон маданияти", 1980 йил, 2-5 сентябрь) бу жанрнинг ёрқин намуналаридан биридир. Камтар ва бағрикенг, ишчан олим ўзбек адабиётшунослиги ва танкидчилигида фаол хизмат қилиб келаётган ўнлаб шогирдларнинг устозидир.

Н.ХУДОЙБЕРГАНОВ (1938). Бадий ижоддаги дабдабозлик, юзхотирчилик, офаринбозлик, истеъдодсизлик, шошқалоқликка қарши курашиш таниқли танкидчи Н.Худойберганов ижодининг етакчи хусусиятидир. Унинг адабий-танкидий мақолаларида талабчанлик ва муаллиф билан баҳсга киришиш ҳукмронлик қилади. Мунаққид мақола ва тадқиқотларида талантларни кидиради, уларни кашф этишга интилади, истеъдодни ҳимоя қилади, аксар ҳолларда истеъдодларга ўз талабларини қўяди, бўш ва саёз асарларни аёвсиз танкид қилади.

Н.Худойберганов 1938 йилда Қорақалпоғистоннинг Амударё туманида туғилди. ТошДУда ўқиди, аспирантурада таҳсил олди. Номзодлик диссертациясини ёклагандан кейин тез орада адабий жамоатчилик назарига тушди. Узоқ йиллик изланишлари натижаси ўларок "Ҳаёт ҳақиқати ва бадий образ" мавзuida докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ўзи таҳсил олган билим даргоҳида талабаларга сабоқ берди. ЎзФА Тил ва адабиёт институтида етакчи мутахассислардан бири сифатида илмий тадқиқот ишларини олиб борди.

Олим республика матбуотидагина эмас, ундан ташқаридаги "Литературная газета", "Дружба народов", "Вопросы литературы", "Литературное обозрение" сингари кенг тарқалган газета-журналларда ҳам деярли ўттиз йил мобайнида тақриз, мақолалари билан фаол иштирок этиб, ўзбек адабиётини қардош элларга тарғиб этди.

Олим аксар адабий-танкидий мақолаларида ўзига ва китобхонларга мурожаат этишни хуш кўради ва мақола давомида уларга ўзи жавоб излайди, топганларини китобхонларга ҳавола қилади. Мунаққиднинг "Кашфиётлар йўлида" (1972), "Чўққилар чорлайди" (1975), "Сўз курашга чорлайди" (1978), "Сени ўйлайман, замондош", "Ўз дунёси, ўз қиёфаси", "Ҳақиқат ёғдулари", "Парвоз давом этади" (1980), "Виждон даъвати" (1981) "Ишонч" каби адабий-танкидий китоблари XX асрнинг 60-80-йиллар мобайнидаги адабий жараёни атрофлича камраб олиши билан ажралиб туради.

Танкидчи "Курашчанлик ҳақиқатда" мақоласида қаҳрамонларнинг ҳаётсеварлик ва ўз максадларига интилиш руҳи адабиётимизда қай даражада акс эттирилган, унинг манбаи нимада деган саволга жавоб излайди, айни вақтда, саволга ҳамма вақт ҳам исталган жавобни топиш осон эмаслигини адолат билан қайд этади. Н.Худойберганов айрим танкидчиларнинг бадий адабиётда курашчанлик фақат ижобий қаҳрамон характерида акс этади деган фикри бир ёқламадир, деган ҳулосага келади. Силбий типлар ҳам курашчанлик руҳини ифодалашга хизмат қилишини таъкидлайди. Табиатида иллатлар мужассамлашган кишилар қиёфасини очиб ташланишида ҳам курашчанлик руҳи акс этишини катор асарлардаги қаҳрамонлар образини таҳлил этиш асосида далиллайди.

Н.Худойберганов ўз сўзига эга, қатъиятли ва кескин ҳукм чиқара оладиган танкидчилар сирасига қиради. У мақола ва тадқиқотларида О.Ёқубов ижодини, унинг, айниқса, "Улугбек хазинаси", "Диёнат", "Кўхна дунё" романларини кенг ва атрофлича таҳлил қилди. Мунаққиднинг "Ҳаёт қаноти, истеъдод қаноти", "Икки ҳаёт ва икки ўлим" каби адабий мақолаларида адиб асарларидаги музйян сабабларга кўра янглишган, характерида турли камчиликлар мавжуд—мураккаб қаҳрамонлар қиёфаси талқинига бағишланди.

Н.Худойбергановнинг катор мақола, тадқиқотлари бадий асарлардаги, адабий танкиддаги саёзликларни, юзакиликни ўз вақтида ва кескин танкид қилишга қаратилди. Айрим мақола ва тадқиқотларида эса баъзи асарларнинг бадий жихатдан паст даражада эканлигини муросасизлик билан очиб ташлади. Бироқ унинг ўзи ҳам шу муаммоларнинг идрок этилиши нуктаи назаридан айрим касбдошлари томонидан кескин танкидга ҳам учради.

Танкидчиликда битта асар ҳақида турлича қарашларнинг ифодаланиши, баҳс-мунозараларнинг туғилиши адабий-танкидий тафаккур ривожда муҳимлиги шубҳасиз. Фақат бу ҳолда баҳслашувчи томонларнинг иккисига ҳам ҳолис қараш жоиз: қўлчилик томонидан қабул қилинмаган фикр ҳар вақт ҳам хато бўлавермаслиги мумкинлигини ёдда тутиш зарур. П.Қодировнинг «Мерос» қиссаси адабий танкидчиликда ижобий баҳоланди. Жумладан, Н.Худойберганов ҳам қиссани, умуман, ижобий баҳолагани ҳолда ўз даври учун муҳим масалани ўртага ташлади:

«Фидойиликнинг ҳам чек-чегараси бор. Пиримкул Қодировнинг қахрамони Отажонов Ёлкин нима учун ўзини гоҳ ўтга, гоҳ сувга уради, гоҳ ёнади, гоҳ куяди. Яна шуниси борки, эҳтиёж йўқ пайтида ҳам ёнади, куяди, эзилади, меҳнат оғирлигидан эзилади, бироқ мана шу эзилишдан, куйиш-ёнишдан роҳатланаётгандай туюлади, мана шу эзилиш, куйиш-ёнишгина чинакам пахтакорнинг бахти-саодати демоқчи бўладики, бунга хайрихоҳлик билдиргингиз келмайди»⁹⁶. Танкидчининг бу гаплари «пахта учун кураш» йўлида уни етиштирувчи «олтин қўллар»нинг том маънода жигари эзилаётган, пахта компаниясини салкам фронт шариоитига тенглаштириб қўйилган бир пайтда айтилган. Бунақа гаплар 80-йиллар охирига борибгина ошқора ва баралла айтиладиган бўлгани эътиборга олинса, мунаққиднинг журъатига таҳсин айтиш, бу гаплар остидаги ҳақиқатни чуқурроқ ўйлаб кўриш зарур бўларди. Бироқ, танкид бу фикрни қабул қилмади: О.Абдуллаев «Танкидчиликда нур ва соялар» номли мақоласида Н.Худойберганов «даъвоси ўринсиз» деб ёзди.

Илгарироқ Н. Худойбергановнинг «Олтин девор» комедиясини баҳолашида ҳам шунга ўхшаш ҳол кузатилишини Л. Қаюмов кўрсатиб ўтади⁹⁷. Л.Қаюмов давр танкидидаги ҳолат ҳақида тўхталиб, унда асарни ҳолис баҳолашга интилувчи «одил танкидчилар», мадҳиябозликни ўзига касб қилиб олган «ғайри танкидчилар» ҳамда асардан асосли-асоссиз камчилик кидирувчи «ўта танкидчилар» борлигини таъкидлайди. О.Шарафиддинов эса «Сўнгги пайтларда айрим мунаққидлар танкиднинг вазифасини торайтириб қўймоқдалар, «мадҳиябозлик» ва «талабчанлик» деган тушунчаларни бир томонлама талкин қилмоқдалар»⁹⁸, деб ёзади. Мунаққид «танкидчи ҳар бир асарни, албатта, танкид қилиши, унинг камчиликларини очиб бериши керак» деган ақида билан ишлаш тўғри эмаслигини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам «ўта танкидчилик» аслида «ғайри танкидчилик»нинг тескари томони, ҳолос, у танкидда авж ола бошлаган мадҳиябозликка қарши юзага келди.

Бу камчиликлардан қатъий назар, Н.Худойберганов ишларидаги кескин талабчанлик XX асрнинг сўнгги чорагидаги адабий жараёни, шоир, адиб, танкидчиларни ҳаётийлик, ҳақсонийлик ва бадийлик масалаларида хушёр бўлишга даъват этиши билан эътиборлидир. Хусусан, «Бадий кашфиёт талаби билан» мақоласида Зулфия, Ҳ.Ғулом, А.Мухтор, Миртемир шеърлари таҳлил этилган, талабчанлик, кўрсатилган ютуқ ва камчиликлар ёшлар ижодига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Н.Худойберганов барча мақола ва тадқиқотларида шоир, адиб ва ҳамкасбларини мунозарга чорлайди. Шу маънода «Кашфиётлар йўлида» китобига «Адабий мавзуларда муҳокама, мунозара ва мулоҳазалар» деган тағлава қўйилиши бежиз эмас. Ўзгаларни мунозарага чорлар экан, айни

вақтда, унинг ўз фикрларида ҳам мунозарали нукталар бўлиши табиийдир. Шу маънода А.Мухторнинг «Чинор» романи, Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўнголи» ҳамда Э.Воҳидовнинг газаллари муносабати билан мунаққид айтган танкидий фикрлар ўз вақтидаёқ кескин баҳслар уйғотди. Вақт, замон шоир ва ёзувчиларнинг нотўғри йўл тутмаганларини тасдиқлади.

Н.Худойберганов А.Орипов ижодини атролича таҳлил этишга ҳаракат қилган мунаққидлардан биридир. Аксар мунаққидлар шоир асарларининг гоявий-бадий йўналиши, тафаккур кенглиги, маҳорати масалаларига эътиборни кучайтирган бир замонда Н.Худойберганов шоир ижодидаги, айниқса, поэтик далиллаш масаласига аҳамият берди. Ўзгалардан фарқли ўлароқ А.Орипов ижодига баҳо беришда кўпроқ танкидий руҳда бўлди. У шоир шеърларидаги ютуқларни юқори баҳолаб, кўқларга кўтариш эмас, камчиликларидан кутулишга даъват этиб, шоир қадрияти учун курашиш принципида бўлди. Масалан, «Ўйларим» шеъридаги лирик қаҳрамоннинг неёна, тугёнлари, ҳаяжонлари тасвиридаги ўзига хосликни юқори баҳолагани ҳолда «Жавоб» шеъри бир мунча умумийроқ бўлиб қолганини, унда аниқ шеърини мазмун чуқур ёритилмаганлигига эътиборни қаратади.

Ҳар бир бадий асар, ҳар бир шеър, яратилаётган деярли ҳар бир қаҳрамондан бадий кашфиёт талаб қилишдек «хукм» фармон қарашлар бунга кўрсатиб турса-да, Н.Худойбергановнинг адабий-танкидий мақолалари ўзбек танкидчилигида жанговарлик руҳининг кучаювида муҳим аҳамиятга эгадир. «Сўз курашга чорлайди» деган адабий-танкидий мақолалар тўплами бунга яна бир қарра далил бўла олади. Н.Худойбергановнинг талабчанлиги нафакат шоир, ёзувчи ижодига бағишланган мақолалари, балки танкидчи ижодига баҳо берилган тадқиқотларида ҳам кўринади. Масалан, «Ҳақиқат ёғдулари» китобига қиритилган «Танкидчи жасорати» (1985) мақоласи М.Кўшонов ижодига бағишланган. «Маълум маънода ўзбек танкидчилигида адабий бадий ҳодисаларни «қаҳҳорона баҳолаш» ва талкин қилиш анъаналарини» давом эттираётган М.Кўшоновнинг адабиётшуносликда тутган ўрнини ҳолис белгилайди, шу билан бирга баъзи камчиликларини ҳам очик-ойдин кўрсатади.

Мунаққиднинг «Ўз дунёси, ўз қиёфаси» (1986) деб номланган китоби адабий танкидий мақолалар, баҳс ва мунозаралардан ташкил топган. «Ёзувчи, мунаққид ва китобхон» мақоласида ижодкор, танкидчи ва китобхон муносабатларида юксак талабчанлик, ҳалоллик, адолат ўрнига баъзан офаринбозлик ҳукмронлик қилаётганлигига эътибор қаратилади. Ҳ.Абдусаматовнинг «Ҳаёт қўшиғи» китобидаги бир қатор ўринларда мадҳиябозликка йўл қўйилганлиги танкид қилинади. Уйғуннинг баъзи драматик асарлари «конфликтсизлик» назарияси таъсирида ёзилганлиги кўрсатилади.

«Ишонч» (1988) китоби ҳам «адабий-танкидий мулоҳазалар, баҳслар, кузатишлар, қайдлар»дан иборат. Сўзбошида: «Ҳа, адабий жараёни чуқур

⁹⁶ Худойберганов Н. Сўз курашга чорлайди. - Т., 1978, - Б. 59-60.

⁹⁷ Қаюмов Л. Аср ва наср. - Т., 1975, - Б. 251.

⁹⁸ Шарафиддинов О. Ўзгалик излаб. Т., 1985, - Б. 179.

тадқиқ этиб, ҳаёт ҳақиқатининг бадий ҳақиқатга айлангани ёки айланмаганини мардонавор кўрсатишга киришилмоқда, лекин ҳар қандай шароитда ҳам менда ижтимоий адолат, илмий эстетик адолат, бадий адолат ғалабасига ишонч йўқолган эмас”, деб ёзган мунаққид бутун китобда шу нуқтаи назарга амал қилишни ўз бурчи деб ҳисоблайди. Унинг ҳаётга, ижодга, истеъдодга бадий адабиёт тараққиётига меҳр билан сўғорилган мақолаларининг кўпчилиги ҳозирги наср ва танқидчилик таҳлилига қаратилган ва ўша ишонч руҳи билан сўғорилган.

Олим А.Расулов билан ҳамкорликда “Ўзбек совет адабий танқидчилиги” (1990) олий ўқув юртлари филология факультетлари талабалари учун дарслик ҳам яратди. Н.Худойберганов истиқлол даврида ҳам илмий мақолалар ёзди, китоблари нашр этилди. Масалан, “Дилу тил сеҳри” (2002) рисоласидан олимнинг ўзи таъкидлаганидек, “ҳозирги, яқин ва бирмунча узок ўтмишдаги адабий-бадий, илмий-ижодий жараёни истиқлол талабларига мувофиқ ёритишга қаратилган муайян кузатишлар, мулоҳазалар ва баҳслар” ўрин олган.

ИБРОҲИМ ҒАҒУРОВ (1937). Олимнинг ҳаёт йўли ҳақида. И.Ғафуров бадий асарни таҳлил этиш билан кифояланиб қолмай, кўпинча шу таҳлил этаётган асари таъсирида тугилган ҳис ва кечинмалари билан ўртоқлашадиган ва шулар орқали фикр юритаётган асар ёхуд ёзувчи ижоди ҳақида тасаввур беришга интиладиган, мантикий тафаккурни бадий фикрлаш йўсинига бўйсундирадиган, бадий асарни ўрганиш, талқин этиш баҳонасида аксар ҳолларда ўзининг руҳий оламини намоён этувчи ўзига ҳос услуби мунаққидлардан биридир. Бошқача айтганда, бундай адабиётчилар илмда нафосатга бой танқидчи деб аталади.

И.Ғафуров адабий жараёнга нозик дидли, шоир қалби мунаққид сўзи билан кириб келди. Дастлабки танқидий мақолалари биланок ўзига ҳос услубини яққол намоён эта олди. Бу услуб асосини таҳлил этилаётган, сўз юритилаётган асарга бениҳоя катта эҳтирос билан ёндашув ташкил этади. Танқидчи, таржимон, публицист, адиб йиғирма беш ёшлари атрофидаёқ ўзининг дастлабки “Ўзаликнинг олмос қирралари” (1963) номли китобини эълон қилди ва мана, деярли ярим асрки, шу китоби сарлавҳасига жо бўлган ижодий принципга оғишмай амал қилиб келмоқда. Бу ёшда дастлабки китобини эълон қилиш ўзбек танқидидаги ноёб ҳодисадир. Ундаги мақолаларнинг гўзаллиги, жозибадорлиги кенг китобхонлар оммаси, мутахассислар, каттадан кичик шоир ёзувчилар эътиборини бирдан қозона олгани эса шу китоб босилган даврдан бошлаб, ўзбек танқидчилигига янги типдаги мунаққидлар кириб келганини кўрсатади ва, айни вақтда, ўзбек танқидчилиги ўзининг янги снат босқичига ўтди, дейишга асос беради. Иброҳим Ғафуров қаламига мансуб “Жозоба” (1970), “Ёнар сўз” (1973), “Ям-яшил дарахт” (1976), “Юрак -

аламга” (1980), “Ўттиз йил изхори” (1987), “Илтижо” (1991), “Дил эркинлиги” (1998), “Ҳаё-ҳалоскор” (2006), “Мангу латофат” (2008) номли китоблар – мазмундор, ўзига ҳос илмий-бадий ва руҳий оламдир. Бу номларнинг бирортаси ўз-ўзидан, тасодифан пайдо бўлган эмас. Улар муаллифнинг шуури, маънавияти, ҳаётий ва адабий-эстетик тамойиллари самараларидир. Жозибали номлар (китобда уларга мос ва мутаносиб маъно ҳам бор)нинг ўзиёқ ўқувчи диққатини ўзига тортади, уни ўқишга, таҳлил этилаётган асарлардан аввал хабардор эса-да, яна такрор мутолаа қилишга ундайди.

“Ёнар сўз” китоби учун И.Ғафуров Ўзбекистон Ёшлари мукофотиغا сазовор бўлди (1973).

И.Ғафуровнинг бадий ижодга, таржима ва танқидга кизиқиши, меҳри ёнма-ён, мувозиъ кечди. Қатор ҳикоя ва мансуралар эълон қилди, Ойбек, Г.Гулом ва Зулфия тўғрисидаги ҳужжатли фильмлар сценарийсини ёзди.

И.Ғафуров қаламининг кучи ва имкониятлари, айниқса, адабий танқид соҳасида кенг ва ёрқин намоён бўлади. Бадий асар қаҳрамонларининг руҳий дунёсини очиш, унинг замирида, айни вақтда, ёзувчи руҳий оламининг нозик нуқталарини кашф этиш, ҳамда шулар уйғунлигига муносабатда ўзининг – танқидчининг ҳам маънавий дунёси тебранишларидан бохабар этиш борасида И.Ғафуров мақолалари бу йўналишдаги катта миқёсдаги танқид намуналари билан бир сафда тура олади ва ҳозирги ўзбек танқидчилигининг гўзал катламларини ташкил этади. Бугунги ўзбек танқидини унинг ишларисиз тасаввур этиш қийин. “Истеъдоднинг олмос қирралари”дан то “Шеърят изланиш демакдир” деган монографиясигача эълон қилинган китоблари ўн биттани ташкил этади, деб ёзган эди мунаққид С.Мамажонов бундан деярли йиғирма беш йил аввал. Олим ундан кейин ҳам ўнга яқин китоб эълон қилди. Уларнинг аксари шу кун адабий жараёнига бағишланган. Унинг “Усмон Носир”, “Ўрток шоир” (М.Шайхзода), “Прозанинг шоири” (Саид Аҳмад) каби асарлари адабий портрет жанрида ҳам маҳорат билан қалам тебратишини кўрсати. Муаллифнинг аксар илмий мақола, китобларида публицистик ва руҳий интонацион оҳанг кучлилиқ қилувчи эди. “Шеърят изланиш демакдир” номли монография эса муаллифнинг академик таҳлил йўлидаги самарали изланиши натижасидир.

И.Ғафуров қаламига ҳос яна бир жиҳат – унинг жаҳон адабиёти юксаклигидан туриб фикрлашида кўринади. У наинки ўзбек адиблари, манами деган жаҳон адабиётининг буюклари ижоди ҳақида ҳам фикр юритади. Шундай фикрлайдики, бу адиблар табиати ва асарлари ҳақида шу вақтгача жаҳон танқидчилигида айтилмаган гапларни топиб айта олади. Ҳатто, қалб эҳтиёжидан келиб чиқиб, масалан, Нитше ва Достоевский каби даҳо файласуф ва адиблар билан баҳсга киришади, нилари сураётган қарашлари ва фикрларига сизни ишонтира олади. У айрим ижодкорлар ҳақида мақола ёзибгина қолмай, жаҳон адабиётининг

тараккиёт йўллари, Шарку Ғарб адабий алоқалари, ўзаро таъсир, типология масалалари хусусида ҳам қимматли мулоҳазаларини ўртага ташлади. Бу мулоҳазалар сизни ҳам шу масалалар ҳақида чуқур мулоҳаза юритишга мажбур этади, калбингизни, шуурингизни бойитади. Бу борада хассос адиб сифатида ҳам, зукко олим мақомида ҳам намоён бўлди. И. Ғафуров киёсий таҳлил воситасида, гарчи даҳо адибларнинг ҳар бири ўзига алоҳида олам бўлса-да, уларни бирлаштириб турувчи жихатлар кўпроқ эканини аниқлашга алоҳида эътибор беради.

Шеършунос мунаққид ва адабий жараён. «Ёнар сўз» китобиёқ И. Ғафуровнинг фикр доираси кенг эканини кўрсатди. Бу китоб сим-сим билан очилувчи олам ичкарисидаги шеърият отлик жавоҳирлар дунёси сир-асрорини нозик ҳис этиб, теран англай билувчи мунаққид пайдо бўлганини далиллайди.

Ҳаёт ва адабиёт, табиатнинг камалак ранглари, инсон рухий дунёсининг нозик тебранишлари ҳақидаги кузатувларнинг ўзаро уйғунлигидан тугилувчи фалсафий мушоҳада, таҳлилни нафосат кўзгуси орқали ўтказиш, фикрни ёниб, қуйиб, тўлқинланиб, эҳтироснинг оловли нашидасига ўраб бериш, айниқса, И. Ғафуров мақолалари жозибасини таъминловчи сифат белгиларидир. Мана шу белгилар танқидчининг кейинги ижодида ҳам яққолроқ, ёркинроқ намоён бўлиб борганини кузатиш мумкин.

“Тонг туккан шеърият” мақоласининг каттагина қисми, “Икки шоир билан суҳбат”, “Сўқмоқларда” каби мақолалари ёшлар ижодини таҳлил этишга бағишланган. “Ёнар сўз”, “Жозибат”, “Ям-яшил дарахт” сингари китобларининг асосий қисми ёшлар ижодини таҳлил этишга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шу маънода И. Ғафуров мақолаларини эҳтиёж самараларидир дейиш мумкин. У гўзал асарларга калби нечоғлик очик, меҳри саҳий бўлса, бўш асарларга қаҳри ҳам шунчалик каттик. Лекин услубига содиқ танқидчи қаҳрини ҳам майин пардаларга ўраб беради. Шу сабабли, унинг қаҳрида нафрат эмас, тарбия, санъаткорга қайғуриш туйғулари ётади.

Унинг “Тонг туккан шеърият”, “Шеърнинг калбидаги қаҳрамон”, “Лукма”, “Икки шоир билан суҳбат”, “Сўқмоқларда”, “Шеъриятга садоқат” мақолаларини айтадими; улуг даҳоларга бағишланган портрет-мақола типидagi “Алиғъери Данте”, “Ҳақиқат қуйчиси” (Некрасов ҳақида), “Олижаноб дўстимиз” (Хемингуэй ҳақида) мақолаларига назар ташлайдими; ҳозирги давр ўзбек насрига бағишланган “Севги кассалари”, Миртемир, Зулфия, Шайхзода ҳақидаги мақола, тақризларни олампизми—деярли барчаси бир-бирини тақрорламайдиган шакл асосига қурилган.

Танқидчи бир хилликдан, қўнғилга теккан, зериктирувчи, баёнчиликдан қочади. Бу И. Ғафуровни бошқа ҳамкасбларидан фарклантириб турувчи энг муҳим фазилатларидан биридир. У асосий диққат-эътиборини, ўқиган асарининг ҳосиласи сифатида тугилган ўй-

кечинмаларини, қониқиш ёки қоникмасликларини, уларнинг сабаб ва омилларини ҳиссиёт билан тасвирлашга (айтиш ёки баён қилиш эмас) қаратади. Мақола шаклидаги ўзига хослик, янгилик унинг таъсир қучини янада жонлантиради. Шу маънода “Икки шоир билан суҳбат”, “Алиғъери Данте”, “Бир кассанинг икки палласи” мақолаларини уларнинг шакли, тўзилиши жихатидан кузатиш мароқлидир. Юқорида айтилганидек, биринчисининг ўзи икки қисмдан иборат бўлиб, уларда ёш шоирлардан Т. Низомнинг “Сенинг эртақларинг” ва О. Матжоннинг “Очик деразалар” номли тўпламлари ҳақида фикр юритилади. Танқидчи биринчи шоир тўплами ҳақидаги фикрларини очик хат шаклида тақдим этади. Бу ҳол танқидчига ўз фикрларини, эҳтиросини, юрагидagi бор гапни тўқиб солиш имкониятини яратади. Аслида, бу танқидчининг нафақат тўплам муаллифи, балки уни ўқиган минглаб шеърхонлар билан ҳам суҳбатидир. Шу туркумнинг иккинчи қисми навбатдаги бир тўплам ҳақидаги ўйлар асосига қурилганки, энди у ўқувчидаги янгича қабул қилиш шакллариини ишга солади, натижада, китобхон танқидчининг чуқур ўйларига, ҳаёлларига, идеалларига, севинчларига, диди ва талабига шерик бўлади, уларни ўзига ҳам қисман юктиради. Танқидчи шу тарика китобдан китобга, мақоладан мақолага ўсиб борди, фикри теранлашиб, бадий асар ҳақида ўзига хос овоз билан мушоҳада юрита бошлади.

“Шеърият — изланиш демак” рисоласини шеърият ҳақидаги И. Ғафуровнинг ўйлари, кузатишларининг квинтэссенцияси, дастур сифатидаги тажассуми дейиш мумкин. Мунаққид адабиёт даргоҳига кирибдики, шеърият сеҳрини англашга интилади. У шеърият дардида одамлар, шоирлар, оламнинг бой тарихига шўнғийди, жаҳон поэзиясини узлуксиз ўрганади. Излай-излай танқидчи шундай таянч нуктани топгандек бўладики, бунда узоқ тарих ҳам, ҳозирги шеърият манзаралари ҳам, эртанги поэзия латофатлари ҳам кўзга аниқ ташлангандек бўлади.

И. Ғафуров ўзбек шеърияти илмий биографиясига назар ташлар экан, баъзан бадий қуввати енгилроқ, жўнроқ, аммо жараён ва давр учун характерли бўлган асарларни ҳам таҳлилга тортади. Бундай асарлар таҳлилида танқидчи ижодига хос эҳтирос сусаяди, илмий мантик тақозосига кўра қалам тебратаётгани сезилиб қолади. Шу билан бирга танқидчи ижодида баъзан айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Чунончи, аксар мақолаларида бадий асарларни қуйиб-ёниб таҳлил қилади, шу муносабат билан ҳаёт ва адабиёт ҳақидаги ўз қарашларини изҳор этади. Ўзининг орзу-истаклари, фикр ва қарашлари билан ўртоқлашади. Лекин танқидчи таҳлил этаётган асар баъзан мунаққиднинг керагидан ортқ даражадаги ҳис-ҳаяжонлари, лирик чекинишлари соясида қолиб кетади. Лирик чекинишларнинг ўта кўплиги И. Ғафуров услуби ва мақолаларидаги заиф нукталардан бири бўлса ажаб эмас. Бу масалада меъёр сақланиши унинг мақолаларини гўзал қилади.

“Юрак-аланга” китобида кирган «Шеърға сочилган юлдузлар» мақоласи ўн тўққиз жилдлик Ойбек асарларининг дастлабки икки китобида бағишланган. Унда танкидчи салкам эллик йил мобайнида яратилган Ойбек шеърларига, ўзининг “ лирик” услубида назар ташлайди ва улар таъсирида туғилган ўзининг эстетик туйғуларини коғозга туширади. Бундай фазилатлар И. Ғафуровнинг Шайхзода, Зулфия, Ҳамид Ғулом, Саида Зуннунова ҳақидаги мақолаларига ҳам “лирик” илмий теранлик ва чинакам жозиба бахш этади.

Мунаққид, айниқса, Эркин Воҳидов ғазаллари ва шоир маҳорати таҳлилида ўзи ҳам бамисоли мунаққидлар шоири даражасига кўтарилади. Ҳамза, А.Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, А.Қаҳҳор, М.Шайхзода каби ёзувчилар ҳақидаги мақолаларида эса бу санъаткорлар табиати ва асарлари қадриятини ташқаридан туриб кузатиш эмас, уларни “ичдан ёритиш”, шу ёруғлик нурларида улардан таъсирланиш натижасида туғилган ўз ҳиссиётларини ҳам гавдалантира билиш маҳоратини кўрсатади.

Э.Воҳидов, А.Орипов, Н.Аминов, О.Матжонларнинг илк парвозини муҳаббат билан қарши олувчи тақриз, мақолалар эълон қилди. Улар ижодини узлуксиз ва мунтазам равишда ҳозиргача кузатиб келди. Янгидан-янги авлод вакиллари тўғрисида ҳам доимо куюниб, қайғуриб калам тебратаётган мунаққидлардан бири И.Ғафуровдир. Р.Парфи, Х.Султонов, О.Ҳожиева, Э.Аъзам, Тоғай Мурод, Шавкат Раҳмон, Мурод Муҳаммад Дўст, Х.Худойбердиева, У.Азимов, Х.Даврон каби меҳр-муҳаббатини қозонган шоир ва ёзувчилар, бошқа йирик мунаққидлар қатори, айниқса, И. Ғафуровнинг қалб кўри таъсирида ўсиб улғайдилар, вояга етдилар. Мунаққид бу ижодкорлар асарларини таҳлил этиш, баҳолаш асносида замонавий ўзбек адабиётининг ютуқлари, тамойиллари, қусурлари, етишмовчиликлари тўғрисидаги ишончли мулоҳазаларни ўртага ташлайди, китобхонлар диди чархланишига қўмаклашади.

Сўнгги босқичда у Алишер Навоийнинг “Ҳамса”си тўғрисида қатор мақолалар эълон қилди, ундаги асарлар ва қаҳрамонларга ҳозирги замоннинг адабий-бадиий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, улардан бошқа мутахассислар шу вақтгача илғамаган янги -янги қирраларини кашф этди. Кўп йиллар мобайнида Алишер Навоий ижодининг фалсафий асоси бўлган тасаввуф инкор қилиб келинган. “Ҳамса” дostonлари синфийлик нуқтаи назаридан таҳлил этилиб, ижтимоий ғоя, сюжет-образ қизиги таҳлилидан нари ўтилмаган бир пайтда “И.Ғафуров тасаввуф таълимотини маҳсус ўрганмаган бўлса-да, аммо савки табиий амри билан Алишер Навоий ижодини шўро навоийшунослари йўлидан бориб тушуниб етиш мумкин эмаслигини исботлади. Олимнинг “Ўттиз йил изҳори” китобида кирган “Ишк шиддатининг поғоналари”, “Тафаккур ва ҳиссиётнинг олий нуқталари”, “Дунё кезувчиларнинг доноликлари” каби мақолалари шундан далолат беради. Шу тарика И.Ғафуров Алишер Навоий ижодининг мислсиз аҳамияти, қудратини теран таҳлил этди ва сўфиёна талқинга ҳам

яқинлашиб борди”⁹⁹. Энг муҳими, олимнинг “Ишк шиддатининг поғоналари” мақоласида буюк шоир ижодини бугунги кун ўқувчисига етказишнинг янгича усуллари ҳақидаги мулоҳазалар ўртага ташланиши билан қимматлидир. Мунаққиднинг талқин ва таҳлиллари ўқувчини Навоийга янада яқинлаштиришга хизмат қилиши жиҳатидан аҳамиятга лойиқдир.

Унинг Саид Аҳмад ижодига бағишланган “Прозанинг шоири” китоби яқин асарларини таҳлил ва талқин этишнинг юксак намуналаридан бири ҳисобланади. Миркарим Осим ижоди ҳақида иккита мақола ёзди: “Жозиба”га киритилган “Тарих тўлкинлари”да адибнинг тарихий асарларига тўхталса, “Ўттиз йил изҳори”даги “Йўқлов” хотира-мақоласида адибни яхшилик билан эслайди. “Назокат” хотира-мақоласида С.Зуннунова ижодига кенгрок тўхталиб, асарлари моҳиятини очиб берди.

Танкидчи ижодида адабий портретлар ҳам талайгина. Миртемир ижодига бағишланган портрет мақолада шоир ижодига назар ташлаш оралиги унинг руҳий дунёси очилади, қисматидаги мураккаблик ва индилятларнинг омиллар кўрсатилади.

“Мақсуд Шайхзода” адабий портретида эса шоир ва том маънодаги “шайхона” сиймода тажассум топган, драматик ва поэтик асарларда намоён бўлган фалсафий тафаккур йўсинлари очилади. Адабий портрет “Саҳий шеърят”, “Айрим саналар”, “Воқелик ва шеър”, “Машриқдан Мағрибга”, “Тинчлик амр этади”, “Достон шоирнинг романидир”, “Шайхзода тарих варақлайди”, “Оламнинг ҳуснига мадҳия” каби қатор бўлимлардан ташкил топган. Ана шунинг ўзиёқ танкидчининг санъаткор ижодидаги ҳар бир қирра ва босқични алоҳида-алоҳида умумлаштириб, тадқиқ этишни ўз олдига вазифа қилиб қўйганини кўрсатади.

Лекин Р.Бобожон ва Шукрулло ижодига бағишланган “Шеърятга сазокат” ва “Шукрулло ҳақида этюд” мақолаларида танкидий рух бирмунча суст кўринади. Тўғри, уларнинг бири санъаткор ижодига бағишланган кичик портрет, иккинчиси, ихчам этюд бўлиб, улар санъаткор бутун ижодини таҳлил этишга даъво қилмайди, албатта. Бироқ ижодининг айрим босқичларида бадиий маҳоратдаги айрим қамчиликлар рўй-рост кўрсатилганда, кейинги босқичлардаги тадрижини илғаш ва кўрсатишга кенгрок имконият очилган бўларди.

Танкидчининг адабий мактублари. И.Ғафуров ижодида адабий танкидчиликнинг турли жанр ва ранг-баранг шаклларидаги асарлар учрайди. Обзор мақола, портрет-мақола, хотира -мақола, тақриз, мактуб, адабий ўйлар, бадиа, муаммоли мақола, ижодий портрет каби жанрларда ёзилган тадқиқотлар кейинги салкам ярим асрлик ўзбек танкидчилиги тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

И.Ғафуровнинг “Адабий қаҳрамонларга хатлар”и ўзбек

⁹⁹ Қомиллов Н.Бедор қалб. Китобла Дил эркинлиги. Т.. 1998. - Б. 6.

танкидчилигидаги тамомила янги кўринишдаги асардир. Муаллиф адабий ўйларини – Ў.Умарбековнинг «Севгим, севгилим», «Одам бўлиш қийин», «Ёз ёмғири» асарларининг асосий образлари ҳақидаги мулоҳазаларини – шу асарлар бош қаҳрамонларининг ўзлари Ойпопук, Гулчеҳра ва Мунисга йўлланган мактублар шаклида баён қилади. Учала қаҳрамон ҳам асар ниҳоясида оламдан ўтадилар. Танкидчи ана шу қаҳрамонларга хат ёзади. Улар билан ва улар воситасида ёзувчи билан, ва ҳатто, кези келганда, шу асар ҳақида фикр билдирган танкидчилар билан баҳс юритади. Ў.Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин», «Севгим, севгилим», «Ёз ёмғири» киссаларидаги Гулчеҳра, Ойпопук ва Мунисхонга ёзган танкидчи мактублари шакл жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам ўзбек танкидидаги янги ҳодисадир. Тўғри, бу шаклнинг жаҳон адабиётидаги айрим намуналари мавжуд. Масалан, Монтескьёнинг “Форс мактублари” асари ана шундай тарзда ёзилган. Мактубларда қаҳрамонларнинг тутган йўллари, феъл-атворлари, хатти-ҳаракатларига, ёзувчи маҳорати масаласига муносабат билдириш орқали баҳо беришга ҳаракат қилинади.

Мунаққид ўз қалбида туғилган хис-ҳаяжонни китобхон билан баҳам кўради. Шу боис мактубларда мунаққиднинг ҳассос қалби ҳам ёрқин кўринади: у қаҳрамонлар тақдири учун худди улар билан асар доирасида ёнма-ён ҳаракат қилаётган ёндаш қаҳрамонлардек, қайғуради, уларнинг муваффақиятидан қувонади, улар қалбидаги кечинмаларни аниқ ва тиник хис этади. Шу маънода унинг сўзлари самимийлиги, табиийлиги, инсонни тушуна олиш қувватига эгалиги билан қадрлидир. Бу мактублар, биринчидан, Ў.Умарбеков қаҳрамонларининг ўзига хос фазилатларини очиб бериш жиҳатидан муҳимдир. Иккинчидан, улар кенг китобхонлар оммасига ҳозир ҳам асар ва унинг қаҳрамонлари хатти-ҳаракатини чуқурроқ идрок қилишга ва тегишли хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Ў.Умарбеков қаҳрамонлари бадий тақдири улар учун ибрат, сабоқ, армон бўлиб қолишида катта ўрин эгаллайди. Учунчидан, унинг шаклидаёқ китобхонга фаол таъсир кучи яширинган. Китобхон мактубни бамисоли ҳикоядек ўқиб қўйганини сезмай қолади.

И.Гафуров ижодининг яна бир қирраси таржимонликда намоён бўлади. Ундаги баркамол истеъдод фақат ўзбек адабиёти гўзалликларини кашф этишигина эмас, жаҳон адабиётининг сара намуналарини таржима ва тарғиб этишда ҳам намоён бўлди. Ф. Достоевский, Ф.Нитше, Ч.Айтматов, Э.Хемингуэй, Ж.Жойс, Г.Маркес каби буюк адибларнинг асарларини катта маҳорат билан ўзбек тилига ўғирди.

И.Гафуров, шунингдек, ўзбек адабиётини адабий-маданий-маънавий мавзулардаги қатор эсселар билан бойитди. У, айниқса, эссе жанрида баракали қалам тебратаетган адиб ва танкидчидир. Ўзи таъкидлаганидек, Тургенев, Борхес, Монтен, Фитрат ҳамда ҳинд, хитой, япон файласуфларининг асарлари таъсирида кучли нутқ оқими асосланган мансуралар яратди.

Юксак маърифий завқ-шавқ сўзда туғилади, сўзда қад ростлайди, сўзда яшайди. Баъзан И.Гафуров муайян асарни таҳлил-талқин этиш учун эмас, биринчи навбатда, ўша асар баҳонасида, ўз туйғуларни пўртанасини тўқиб солиш учун унга мурожаат қилаётгандай туюлади. Шу боис деярли барча мақолаларида муаллиф “мен”и бўртиб кўзга ташланади, унинг бой дунёқараши, унинг кўнгил нозиклари таҳлил этилаётган объектдан устун мавқега кўтарилаётгандек таассурот қолдиради. Салкам эллик йилдан буён ўз йўналиши ва қатъиятини йўқотмаган бу услубнинг боиси, ниҳоят, “Ҳаё – ҳалоскор” китобидан жой олган “Таржиман ҳол чизгиси”да очилгандек бўлди: “Эссеистикани жуда ҳам севаман. Адабий танкидни эссе жанрига яқинлаштириш, икки жанрни омۇхташгагириш учун кўп йиллардан бери уринман”.

“Ҳаё – ҳалоскор” китоби шакли шамоийли, мазмун- мундарижаси билан адиб ва мунаққид И.Гафуров сиймоси ва ижодий оламига бир жонли кўнгулдир. Ундаги “Достоевский билан тунги суҳбат”, “Нитше шиддати”, “Навбатантра қандай китоб?”, “Колумбиялик ношир” (Габриэл Гарсиа Маркес ҳақида) каби мақолалар бугунги ўзбек танкидчилигининг жаҳон мунаққидлари билан бўйлаша оладиган намуналаридир. Тўпلامдаги “Ҳазрат Навоийни ким ўқийди?”, “Навоий ва Нилуфар”, “Коинот, кўхна равоқ ва Навоий” каби мақолалар бугунги ўқувчи қалбида адабиётга муҳаббат туйғуларини янада нурлантириши баробарида, ҳазрат Навоийни бугунга янада яқинлаштиради.

Бу китоб ўқувчига бетакрор руҳият, кўнгил байрамларини тухфа этди. Бир вақтлар Достоевский “Гўзаллик оламини кутқаради” деган эди. Бугун ўзбек олими, адиби: “Ҳаё – ҳалоскор” демоқда. Бу фикрнинг маъно-моҳияти юқоридаги фикрдан оз эмас, бу ҳам аввалгиси каби жаҳон адабиёти, эстетикаси, хрестоматияларидан ўрин эгаллашга арзигулик эканидан ташқари, ундаги адабиётимизда ана шундай фикрларни айта олувчи тафаккур эгалари борлигини эътироф этиш жиҳатидан ҳам қимматлидир. Мунаққид бугунги миллий маънавиятимизнинг ёник сўзли адибларидан бири сифатида истиқлолнинг фидойи фарзандлари қаторида самарали меҳнат қилмоқда.

Ҳаёч тушунчалар: поэтика, маҳорат, бадий яхлитлик, адабий таъсир, ижодкорнинг руҳий олами, лирик олам, эпик қўлам, шоир дунёси, бадий услуб, ижодий индивидуаллик, болалар адабиёти танкидчиси, бадий адабиёт ва фольклор муносабати; кескин танкид, танкидчи маҳорати, кашфиёт асар, баҳслар, қайдлар, “эхтиросли таҳлил”, “бадиа”; кўнгил нозиклиги, танкидчи зукколиги, “Ям-яшил дарахт”, ёнар сўз, таржима, киносценарий, этюд, шоир шахсияти, мансуралар, Монтен, Борхес.

Мавзунни мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. Адабий танкидчиликдаги индивидуал услуб ва мунаққид маҳорати тушунчасини изоҳланг.
2. С.Мамажоновнинг ҳаёт йўли ва адабиёт илмига кириб келиши ҳақида гапиринг.
3. Олимнинг Ғафур Ғулом ижодини ўрганишга қўшган ҳиссаси нималардан иборат?
4. Ғулом ижодига бағишланган ўзига хос трилогиянинг аҳамияти нималарда кўринади?
5. С.Мамажоновнинг адабий жараёнга муносабати қандай бўлган?
7. Олимнинг услуб ҳақидаги қарашларининг моҳияти нимада?
8. Н.Худойбергановнинг ҳаёт йўли ҳақида гапиринг
9. Олимнинг адабий жараёндаги бахсларга муносабати қандай эди?
10. Танкидчи “Сўз курашга чорлайди” тадқиқоти ҳақида гапиринг.
11. Олим чинакам кашфиёт деб нимани назарда тутди?
12. Мунаққид адабий жараёндаги камчиликларга муносабати қандай бўлган?
13. Олим адабий танкид ҳақидаги қарашларининг моҳияти нимада?
14. И.Ғафуровнинг ҳаёт йўли ҳақида гапиринг
15. Олимнинг шеърятга муносабати қандай эди?
16. Танкидчининг “Ёнар сўз” тадқиқоти ҳақида гапиринг.
17. Олим Зулфия ижодига бағишлаб қандай асарлар ёзди?
18. Мунаққиднинг мактублари кимга бағишланган?
19. Олим таржималари ҳақида гапиринг.

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

I. С.Мамажонов асарлари:

1. Шоир ва замонавийлик. Т., 1962.
2. Уйғун. Т., 1965.
3. Ғафур Ғулом прозаси. Т.: Фан. 1966.
4. Услуб жиҳолари. Т.: Адабиёт ва санъат. 1972.
5. Ғайратий. Т.: Адабиёт ва санъат. 1974.
6. Шоир дунёси. Т.: Адабиёт ва санъат. 1974.
7. Шеърят баҳсида. Т., 1970.
8. Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек адабиёти. Т., 1975.
9. Эзгу ният йўлида. Т.: Ёш гвардия. 1978.
10. Ранглар ва оҳанглар. Т.: Адабиёт ва санъат. 1978.
11. Лирик олам, эпик кўлам. Т.: Адабиёт ва санъат. 1979.
12. Сайланма. Т.: Адабиёт ва санъат. 1981.
13. Теранлик. Т.: Адабиёт ва санъат. 1987.

II. Танқидчи ҳақида:

14. Кулжонов А. Илм ва ижод оламида. Т.: Адабиёт ва санъат. 1980.

15. Хайитметов А. Олимов С. Салоҳиддин Мамажонов // “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1981, № 6, 68-69-б.

16. Солижонов Й. Олимнинг олами. Т., 2002.

I. Н.Худойбергановнинг асосий асарлари:

1. Кашфиётлар йўлида. Т., 1972.
2. Эҳтирос тўлкинлари. Т., 1975.
3. Чўккилар чорлайди. Т.: Адабиёт ва санъат. 1975.
4. Сўз курашга чорлайди. Т.: Адабиёт ва санъат. 1976.
5. Ўз дунёси, ўз киффаси. Т.: Адабиёт ва санъат. 1985.
6. Ишонч. Т.: Адабиёт ва санъат. 1988, - 247 б.
7. Н. Дилу тил сехри. Т.: “Ёзувчи”, 2002.

II. Танқидчи ҳақида:

8. Кулжонов А. Илм ва ижод оламида. Т.: Адабиёт ва санъат. 1980.

I. И.Ғафуровнинг асосий асарлари:

1. Ўртёк шоир. Т., 1975.
2. Ям- яшил дарахт. Т., 1976.
3. Юрак – аланга. Т.: Адабиёт ва санъат. 1980.
4. Ўттиз йил изҳори. Т.: Адабиёт ва санъат. 1987.
5. Илтижо. Т.: Адабиёт ва санъат. 1991.
6. Дил эркинлиги. Т.: Адабиёт ва санъат. 1998, - 247 б.
7. Ҳаё-халоскор. Т., 2006.
8. Мангу латофат. Т., 2008.

II. Танқидчи ҳақида:

9. Йўлдошев Б. Адабий жараён, танкидчи услуби ва маҳорат муаммолари. Т.: Фан. 2002. - Б. 69- 77.
10. Комилов Н. Бедор қалб / Ғафуров И. Дил эркинлиги. Т.: Маънавият, 1998. - Б. 3- 8.
11. Мамажонов С. Бадий тафаккур кирралари / Ғафуров И. Ўттиз йил изҳори. Т.: Адабиёт ва санъат. 1987. - Б. 3-6.
12. Дўстмуҳаммад Хуршид. Сўз –халоскор // Шарқ юлдузи, 2007, № 1, - Б. 14.
13. Расулов .Услуб латофати / Ўзбекистон ёшлари мукофоти лауреатлари. Т.: Ёш гвардия. 1977, 122-125 б.
14. Расулов А. Бетакор ўзлик. Т.: Мумтоз сўз. 2009, 246-261 б.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ

(XX асрнинг 90-йиллари ва XXI аср бошлари)

Режа:

1. Адабий танкид янги боскичда.
2. Адабий танкиддаги янгиланиш тамойиллари ва омиллари.
3. Истиқлол даврида адабий танкид методологиясининг янгиланиш тамойиллари
4. Танкид ва адабий жараёндаги изланишлар.

Адабий танкид янги боскичда. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳаларда эркин ривожланиш бошланди. Бу ҳол илм-фан, адабиёт ва санъат тараққиётида ҳам ўз ифодасини топди. Шўро даври исканжасидан ва сиёсатлашган мафкура тазйиқидан қутулган бадий тафаккур эркин ижод йўлига ўтди. Адабий танкид бадий асарларга миллий ғоя ва умумбашарий мезонлар асосида баҳо бера бошлади. Айни вақтда, ана шундай йўналишларда янги асарлар яратилишига таъсир кўрсатишни асосий мақсад қилиб қўйди.

Истиқлол даврига келиб, баҳолаш мезонларида жиддий ўзгаришлар ва янгиланишлар рўй бера бошлади. Мумтоз адабиётимиз муаммолари ва сиймолари ижодини ўрганишда, шўро боскичи адабиёти намуналарини қайта баҳолаш ҳамда қатагон этилган адибларга муносабатда тамомила янги тамойиллар юзага келди. Уларга миллий истиқлол ғоялари ва умумбашарий мезонлар асос қилиб олинди. Улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг қутлуг 550 йиллигини нишонлаш Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва адабий-маданий ҳаётидаги Истиқлол ғоялари асосида амалга оширилган дастлабки буюк тадбирлардан бири бўлди.

Президентимиз И.Каримов томонидан Алишер Навоий асарларини ёш авлод руҳиятига янада чуқурроқ сингдириш, чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ-тарғиб этиш зарурлигига, деярли давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Навоий асарларининг 20 жилддан иборат тўлиқ қуллиёти чоп этилиши, 5 жилддан иборат ўзбек тилининг изохли лугати босилиб чиқиши муҳим воқеа бўлди. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши ҳақидаги – янги, тўлдирилиб янада бойитилган Қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқи ғурурига гурур қўшди.

Мустақиллик йилларида Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Элбек, Боту, Усмон Носир ҳаёти ва ижодини асл, тарихий жиҳатдан ҳаққоний кўринишда тадқиқ этиш адабиётшунослик ва танкиднинг долзарб масалаларига айланди.

Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Ғ.Ғулом, Ойбек, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор каби санъаткорлар асарларини қайта ва ҳолис баҳолашга ўтилди.

Мустақиллик йилларида тарихий-биографик тадқиқотлар яратишга эътибор кучайди. М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Э.Каримов, У.Норматов, Б.Қосимов, А.Алиев, Ш.Турдиев, А.Жалолов, И.Ҳаққулов сингари адабиётшунослар XX аср ёзувчилари ҳақида қатор сермазмун тадқиқотлар яратдилар. Уларнинг сафига Б.Каримов, Н.Жабборов, Д.Қуროнов, У.Ҳамдам, С.Мелиев, Ш.Ризаев каби авлод вакиллари ўларининг янги-янги салмоқли изланишлари билан қўшилидилар.

Б.Қосимов, Ш.Юсупов, У.Долимов, Ш.Ризаев, С.Аҳмедов қаламига мансуб “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” ҳамда Н.Каримовнинг “XX аср ўзбек адабиёти манзаралари” номли китоблар бу даврнинг катта ютуқлари сифатида эътироф этилди. Бу йилларда адиб, адабиёт шомлошлар хотирасида, замондошлар нигоҳида руқни остида қатор китоблар туркуми босилиб чикди. Қатор китобларда Ғ.Каримов, С.Долимов, Н.Маллаев, Ш.Ш.мухаммедов сингари устозларнинг ўлмас сиймолари ёритилди.

Адабий танкидда интеллектуал мушоҳада ортди, баландпарвозлик, мадҳиябозлик йўқолиб бормокда. Фикрни далиллаш, ишонтириш санъатига, китобхонда гўзаллик туйғусини тарбиялаш масалаларида жиддий силжишлар рўй бера бошлади.

Танкидда А.Расулов, Б.Саримсоков, Б.Каримов, Ҳ.Болтабоев, У.Ҳамдамов, У. Жўракулов ва бошқаларнинг асарлари мисолида жаҳон адабиётшунослиги тажрибалари, мезонлари, услубий йўналишлари кучайди. Айни вақтда П.Мирзааҳмедова, М.Шарафиддинова, А.Қосимов, М.Холбеков тадқиқотлари мисолида ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш тамойиллари юзага келди.

Шарқда, ўзимизда Ўрта асрлардаёқ тафсирлар мисолида намоён бўлиб, XIX асрда Европада тушунтириш, талқин санъатининг янги кўриниши - “герменевтика” деб аталган тадқиқ йўналиши XX аср охири XXI аср аввалида адабий ёдгорликларни, умуман, бадий асарнинг туб маъносини талқин этишининг янги методи – усули сифатида намоён бўла бошлади. Герменевтиканинг айрим йўналишлари Форобий шарҳларидан тортиб, XIX асргача Ўзбекистонда давом этиб келган бедилхонлик ва машрабхонликларда, хусусан, “Мабдаи нур” ҳамда Малехо Самарқандийнинг “Музақкирул асхоб” ва Исҳоқ Богистонийнинг “Тазкираи Қаландарон” каби асарларида маълум маънода мавжуд бўлган аъёнлар янги боскичда Оврупо мезонлари асосида илмий тус ояди. Бу даврга келиб, шунингдек, ўзбек танкиди ва адабиётшунослигига М. Бахтин илмий-назарий қарашларининг сезиларли таъсирини кузатиш мумкин.

Мустақиллик туфайли, айниқса, хур ва эркин фикрлаш имконияти яратилди. Умуман, кенг китобхонлар оммаси, хусусан, барқамол авлоднинг фикр қуллигидан озод этишга ҳаракат, мустақил фикрлай оладиган

кишиларни тарбиялаш адабий танкиднинг ҳам етакчи масаласига айланди. Бу матлаб тарбия жараёнига ҳам кириб келди ва ўқитишнинг авторитар методидан шахсга қаратилган усулга ўтилди. Маънавий масалаларига Давлат микёсидаги эътибор, адабий танкид муаммоларига ҳам шу нуқтаи назардан қарашни такозо этди. Нашриёт масалаларидаги бошқарув тизимининг давлат монополиясидан чиқиб, ранг-баранглашуви адабий-танкидий ва адабиётшунослик ишларининг чоп этилишини жадаллаштириш билан бир қаторда, уларнинг йўналишидаги турли хилликка таъсир этди. Бу йўналишда “Маънавият” ва “Мерос” нашриётлари фаоллик кўрсатдилар.

Адабий танкид табиати, авваломбор, бадий асар ва ҳаётга суянади. Гоя, ижтимоий, вазифалар ҳам ана шуларнинг замиридан келиб чиқади ва уларга боғлиқ ҳолда тараккий этади. Бирок бу дегани адабий танкид доимо ҳаёт ва адабиётнинг ортидан эргашиб юради, дегани эмас. У ҳаёт ва адабиётни ўрганиш, таҳлил этиш баробарида, ўз изланиш натижасидаги фикр, натижа, хулоса, таклифлар билан ҳаёт ва адабиётдан бирмунча олдинда юриши мумкингина эмас, лозимдир. Бу адабий танкиднинг моҳиятига хос бўлган хусусиятлардан биридир. Истиклол даврига келиб, адабий танкид эришадиган ютуқлар ва камчиликлар, ўзида ана шу хусусиятни нечоғлиқ акс эттираётганлигига қараб ҳам белгиланади.

Шўро даврида ҳоким мафкуранинг асосий тарғиботчиларидан бирига айланган адабий танкид ўзининг асл илмий-эстетик вазифасини бажаришга, концепция ва мезонларни янгидан қуришга киришди. Натижада таназзулга юз тутган марксча-ленинча методология ўрнига бадий асарни таҳлил ва талкин этишда ҳурфикрликка асосланган ҳолис илмий методологик тамойиллар вужудга кела бошлади. Бу тамойилларга кўра, энди бадий асарга инсоннинг ижтимоий фаолиятини акс эттирувчи воситагина деб эмас, балки, биринчи навбатда, ўзига хос дунёқараш ва қалб эгаси бўлган *индивиду*ни поэтик кашф қилувчи санъат ҳодисаси сифатида қараш ўринлаша борди. Шу тариқа адабий танкид инсонни бадий кашф этиш ва тасвирлаш йўллари ҳамда усулларининг ўзига хосликларини ўрганувчи соҳа бўлиши лозимлиги идрок этилди ва бадий адабиётга, асосан, санъаткорлик нуқтаи назаридан ёндашиш тамойил янги босқичга ўтди.

Истиклол даври танкидидаги янгиланиш тамойиллари кенг қамровли бўлиб, унда янгиланаётган методологик асосларни чуқур англаш, адабий танкид тафаккуридаги янгиланиш жараёнлари ва омилларини ўрганиш, маданий меросни, хусусан, XX аср ўзбек адабиётини қайта баҳолаш юзасидан адабий жараёнда кечган ва кечаётган изланишларни турли ёндашув ва усуллар асосида янгича ўрганишни касб этиш, масалага миллий қадриятлар нуқтаи назаридан ёндашиш тамойилларини ўзлаштириш, айти чогда, адабий жараёндаги хилма-хил шакл ва услуб

изланишларини бадийликнинг янгича мезонлари асосида тадқиқ этиш бош масалага айланди.

Адабий танкидаги янгиланиш тамойиллари ва омиллари. Маълумки, ҳар қандай соҳада янгиланиш содир бўлиши учун бир неча муҳим омиллар асос вазифасини ўтайди ва бу омилларсиз соҳада янги йўналишлар юзага келмайди. Адабий танкид тафаккурига хос янгиланиш, янги таҳлил тамойилларининг пайдо бўла бошлаши ва шаклланишига хизмат қиладиган омиллар нималардан иборат, улар адабий жараёнга қачон ва қай тарзда таъсир кўрсатади, деган саволларга турли даврларда турлича изоҳлар берилган.

Адабий танкид концепциясини янгилайдиган, янги қарашлар, тенденциялар, йўналишлар, таҳлил принципларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этувчи омиллар иккита бўлиб, улар асосан, ички ва ташқи моҳиятдан келиб чиқади.

Ички омил деганда, энг аввало, янги таҳлил тафаккурини юзага келтирувчи унинг ўз ички табиатидаги хос хусусиятлар, бинобарин қонуниятлар назарда тутилади. Бу қонуниятлар юзга чиқишида алоҳида истеъдод соҳиби бўлиши даркор; танкидчи “мен”нинг роли бекиёсдр. Бу омил бадий адабиётнинг ҳам ички қонуниятлари билан мустақкам алоқадорликда кечади ва зоҳир бўлади.

Адабий танкидда концепциянинг янгиланиши мунаққид дунёқарашдаги янгиланиш билан узвий боғлиқ жараёндир. Дунёқараш янгиланмай туриб илм-фанда янгиланиш бўлиши мушкул. Бу, айтганда, ижтимоий фанларда яққол намоён бўлади. Шу боис, дунёқарашнинг янгиланиши ҳам ижтимоий, ҳам маънавий омилларга бирдек боғлиқдир. Ижтимоий ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар жамият маънавиятида акс этади. Айни чоғда, маънавий олам ҳам ижтимоий борлиқнинг шаклу шамойилини белгиловчи муҳим омиллардан саналади. Бу икки тушунчани бир-биридан айри ҳолда қараш масалани жўнлаштиришга олиб келади. Зеро, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «*Инсонга хос орзу-интилошларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечирини учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қиладиган қушнинг икки қанотига қиёсласак, уйлаётгани, ўринли бўлади.*»

Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, *том маънодаги қуш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўзини-ўзларини, юксалиш жараёнлари содир бўлади*¹⁰⁰. Дарҳақиқат, адабий танкид тафаккуридаги янгиланиш ва ўсиш ўзгаришларда ҳам, энг аввало, ички омил — мунаққид «мен»и, шахсияти, дунёқарашини, интуицияси, тафаккур тарзи ва истеъдоди хал қилувчи аҳамият касб этади.

Адабий-танкидий қарашларни янгилайдиган ташқи омиллар эса адабий жараён ва ижтимоий ҳаётдан ташкил топгандир.

¹⁰⁰ Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. - Б. 67.

Маълумки, ҳар бир бадий асар аниқ шахс – ижодкор томонидан яратилади. Чинакам истеъдодлар томонидан яратилган бадий етук асарлар поэтик тафаккурни у ёки бу жиҳатдан янгилайди, адабий ҳаётда янги тамойиллар, окимлар ва йўналишларнинг вужудга келишига замин ҳозирлайди. Бинобарин, уни англаш, идрок этиш ва талқинда танқидчиликдан ўзидаги янгиликларга мутаносиб янгиланишни талаб этади. Айни чоғда, ижтимоий тафаккур таракқиётига ҳам таъсир кўрсатади.

Ижтимоий ҳаётдаги янгиланиш кенг тушунча бўлиб, бу жараён жамиятдаги барча ўзгаришларни ўз ичига камраб олади. Яъни иктисодий-сиёсий, маданий-маърифий ўзгаришлар ижтимоий ҳаёт тарзининг янгиланишини билдиради. Мана шу жараёнларда адабий танқид концепциясининг янгиланиши, энг аввало, янгича танқид тафаккурининг пайдо бўлиши билан боғлиқ тарзда кечди. «Янгича танқид тафаккури» тушунчаси кенг қамровли бўлиб, мазкур соҳа, бир томондан, фалсафий, ижтимоий, мафкуравий, бадий-эстетик қонуниятлар билан алоқадор бўлса, бошқа тарафдан, адабиётшунослик илми принциплари, талаб ва мезонлари асосида ўз фаолиятини янгилаш йўлидан боради.

Юқорида кўриб ўтилган қарашларнинг мағзини реалистик дунёқараш ташкил этишини пайкаш қийин эмас. Бироқ, таъкидлаш жоизки, сўнгги давр танқидчилиги фақат шу мазмундаги концепция асосида шаклланиши мумкин эмас эди. Ижод жараёнида турфа хил қарашларнинг юзага келаётгани эса, танқид таракқиётининг асосий гаровидир. Шу боис, У.Ҳамдамовнинг ўзида тасаввуф фалсафасининг мағзини мужассамлаштирган «Инсониятнинг тарих давомида топган энг катта мантиги бу – Худога эътиқод!»¹⁰¹, Ҳ.Каримовнинг экзистенциализм таълимоти қарашларидан келиб чиқиб, «...модернизмининг объекти реал воқелик эмас, субъект, ижодкорнинг тасаввуридаги воқеликнинг талқинидир»¹⁰², деган хулосаларига ҳечам ажабланмаймиз. Зотан, сўнгги давр танқидчилигига хос хусусиятларга айланиб бораётган бундай қарашлар адабий танқиднинг талқин қўлами, баҳолаш доираси кенгайиб бораётганини кўрсатади. Zero, муайян бадий асарлар ҳамда улардаги бадий-эстетик, ижтимоий-ғоявий концепциялар замирида белгилловчи фалсафий таълимот ётибди. Адабиёт илми олдидаги долзарб вазифалардан бири ҳам мавжуд турли-туман қарашларнинг энг характерлиларини синтезлаштириб, бадиятнинг умумий қонуниятлари ва эстетик тамойилларини белгилаш, шу асосда адабий танқид методологиясининг ҳурфикрлиikka асосланган концепцияларини яратишдан иборатдир.

Истиклолнинг ilk йилларида (1993) Президент И.Каримовнинг бир гуруҳ ижодкорлар билан учрашуви бўлди. Учрашувда биринчи марта истиклол даври ўзбек адабиётининг методологик асосини демократик

тамойилларга асосланган, умуминсоний ва миллий қадриятларни ўзида мужассамлаштирган мустақиллик мафкураси ташкил этиши лозимлиги айтилди. Яратилажак мафкура қандай бўлиши лозим, деган масала ҳам кизгин муҳокама этилди. Мазкур масала юзасидан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг мустақиллигимизнинг икки йиллиги арафасида ташкил этган «Истиклол ва адабиёт»¹⁰³ мавзусидаги давра суҳбатида характерли фикрлар ўртага ташланди.

Суҳбатда иштирок этган О.Ёкубов, А.Орипов, О.Шарафиддинов, Т.Малик, Т.Қаххор ва Х.Дўсмұхаммад яратилажак мафкуранинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Мустақиллик мафкураси синфийлик ва партиявийликдан холи, халқимизнинг азалий орзулари, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари билан ҳамбарчас боғланган миллий мафкура бўлиши лозимлиги таъкидланди. Жумладан, О.Ёкубов мустақиллик даври ижодкорининг асосий вазифаларидан бири «миллатимиз учун, она юртимиз учун, фарзандларимиз бахт-саодати учун бутун иқтидорини бағишлашдан иборат бўлмоғи керак», деб ҳисобласа, А.Орипов «мафкура» сўзининг замирида маълум фикр ётишини ва адабиётдаги мафкурани ифодалайдиган мазкур фикр соғлом бўлиши лозимлигини таъкидлади. О.Шарафиддинов ва Т.Малик адабиётнинг вазифаси ҳақида сўз юритиб, адабиёт мустақилликни мустаҳкамлаш, мустақиллик мафкурасини яратиш йўлида миллат онгини тарбиялаш, унинг маънавий дунёсини янгилаш йўлида хизмат қилиши зарур, деган фикрни ўртага ташлашди. Т.Қаххор аслида адабиётдаги мафкура миллий замин билан боғлиқлигини, энг қадимги ёзма ёдгорликларда ҳам миллат ва давлат, ватан тушунчалари зикр этилгани ҳақида гапириб, «Бугунги адабиёт ўша эски тамал тошлар устида турар экан, демакки, бугунги миллий мафкура ҳам боболаримиз қурган давлатлардаги мафкура тажрибаларига таянмоғи табиийдир», деган хулосага келади.

Дарҳақиқат, адабиётдагина эмас, балки жамиятнинг барча жабҳаларида ҳам, хусусан, давлатчиликни барпо этишда ҳам мафкура муҳим роль ўйнашини кейинги ўн йиллик тарих исботлади. Ш.Ҳолмирзаев ўзининг «Адабиёт ўладими?» мақоласида илгари сурган мафкура борасидаги дастлабки қарашларидан воз кечиб, «Жамиятнинг мақсади, яъни мафкура бобида ўйлар» номли эссесида («Тафаккур», 1999 йил, № 1-2) миллий мафкуранинг яратилаётганлигини ва у умуминсоний қадриятларни ҳам ўзида мужассамлаштира олганини ифтихор билан эътироф этади.

Хуллас, юқоридаги кузатишлардан шундай тўхтамга келиш мумкин: истиклол даври танқидчилиги ўзининг методологик асосларини синфийлик ва партиявийликка асосланган шўро даври танқидчилигидан тубдан фарқ қилувчи принциплар асосида янгилай бошлади. Бу янгиланиш, энг аввало,

¹⁰¹ Истиклол ва адабиёт // ЎзАС. – Т., 1993. – 6 август.

¹⁰² Ҳамдамов У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Т.: Фан. – Б. 38.

¹⁰³ Каримов Ҳ. Поэзия – ўз-ўзича воқеликдир // ЎзАС. – Т., 2006. – 24 март.

танкидчи дунёқараши ва илмий концепциясидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлди. Бу жараёнда диалектик ёндашувдан ташқари гносеологик, онтологик, синергетик ёндашувлар ҳам амал қила бошлаганлигини кузатиш мумкин. Бадий асарни тайёр назарий қолиплар воситасида эмас, балки матн моҳиятидан келиб чиқиб талкин этиш устувор йўналишга айланиб бормокда.

Истиклол даврида чоп этилган кўплаб мақолаларда мазкур қарашларнинг давом эттирилгани, янада чуқурлаштирилгани ва ривожлантирилгани мазкур методологик ёндашув тўғри белгиланганлигидан далолат беради. Жумладан, проф. Т.Мирзаев адабиётшунослик илми олдида турган асосий вазифалар, ЎзР ФА ва Тил ва адабиёт институтида амалга оширилаётган илмий ишлар ҳақидаги суҳбатда асосий эътиборни янги мезонлар қандай бўлиши лозимлигига қаратади. «Янги мезонлар қандай бўлмоғи керак (ЎзАС, 1995. – 3 март) сарлавҳаси билан чоп этилган ушбу суҳбатда ҳозирда «адабиётшуносликда соф назарий ва методологик муаммоларга катта эътибор берилаётганлиги, адабиёт тарихини бўлакламай, унга яхлит адабий-тарихий жараён сифатида баҳо бериш тамойили кучаётгани, санъаткорлар ижодини таҳлил ва ташвиқ қилишда холислик ва ҳақиқат мезонларининг биринчи ўринларга чиқаётганлиги, адабиёт ва ижтимоий ҳаёт масалаларини ўрганишга, миллий заминга эътибор ошганлиги» қувонарли ҳол сифатида эътироф этилади.

Олим адабиёт илмида юзага келаётган ҳурфикрликни, фикрий мутеликдан ҳалос бўлиб борилаётганлигини мамнуният билан қайд этар экан, бошқа бир хавфдан ҳам огохлантиради: «Фикр эркинлиги – оғзига келганини айтиш, майда-чуйда шахсий манфаатларни кўзлаб, бир-бирини таҳқирлаш, миллат ва юрт ташвишлари бир ёнда қолиб, маълум гуруҳ гаразларини ёқлаш дегани эмас. Фикр эркинлиги, энг аввало, айтиладиган ҳар бир сўз, ҳар бир фикр учун масъулият ва жавобгарликдир». Олим фикрича, сўнгги даврларда адабий танкид бундай камчиликлардан қутилиб, чинакам ҳурфикрликка эришмоқда.

У.Норматовнинг «Ҳақиқат тақозоси» мақоласида ҳам методологик янгиланишлар жараёнидаги зиддиятли ҳолатлар ҳақида фикр юритилади. Муаллиф шўро даврида «адабиёт тарихига, адабий ходисаларга, асарларга ягона, мажбурий марксча-ленинча йўл-йўриқлар билан ёндашиш»да синфийлик ва партиявийлик мезонлари устушлик қилганини таъкидлар экан, энди янгиланаётган танкид тафаккури қандай мезонларга таяниш зарур, деган масалага эътиборни қаратади.

Мустақилликнинг дастлабки пайтларидаёқ адабиёт аввал қандай эди-ю, энди янги типдаги адабиёт қандай бўлиши лозим, деган масала кун тартибининг асосий муаммосига айланди. Бунда асосий эътибор адабиётнинг ижтимоийлиги, мафкура билан муносабати, оммавийлиги ва тарбиявийлиги, бадий-эстетик тамойиллари масаласига қаратилди.

Жумладан, Қ.Йўлдошевнинг «Ёник сўз»¹⁰⁴ китобида жамланган кўпгина мақолаларнинг асосий мавзусини юқорида қайд этилган масалалар ташкил этади.

Қ.Йўлдошев XX аср ўзбек адабиётининг етакчи хусусиятларини, ижтимоийлашувининг моҳиятини, сабаб ва оқибатларини теран талкинлар асосида кўрсатиб беради. Унинг фикрича, мумтоз адабиёт ҳос одамларга аталиб, уларни қаҳрамон сифатида тасвирлаган бўлса, кейинги давр адабиёти ўз «эстетик аршидан тирикчилик заминига тушиб» ижтимоий ҳаётни ва турмуш ташвишларига кўмилган оддий одамларни, уларнинг кундалик ўй-хаёлларини тасвирлай бошлаган адабиётга айлана борган¹⁰⁵. Шунга кўра, адабиётнинг вазифаси ҳам ўзгара бошлаган. Яъни адабиёт ўзининг соф санъатлигидан чекиниб, ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқадиган, ташвиқот қиладиган ижтимоий-эстетик ходисага айланган. Шу боис, унда халқчиллик кучайди, тили жонли халқ тилига яқинлашди, жанр имкониятлари кенгайди. Олимнинг ҳулосаларига кўра, бу ўзгаришлар бошданок ижтимоийлашган Ғарб адабиёти таъсирида юзага келди ва айниқса, шўро даври адабиётида авж нуктага кўтарилди. Оқибатда адабиёт нафақат ижтимоий мазмун касб этди, айни чоғда, ҳоким мафкура гояларига хизмат қилиб, ҳукм-хулосалар чиқариб, қарорлар қабул қилувчи давлат ишига айлантилди. Адабиётда инсоннинг ўзи эмас, унинг фаолияти тасвири етакчилик қила бошлади.

Адабиётшунос Д. Куронов муаммоларга муносабат билдираркан, уларни узил-кесил ечим ва аниқ-тиниқ ҳукм-хулосалар чиқаришнинг имкони бўлмаган тушунчалар сирасига киритади. У Чўлпоннинг «Адабиёт надур» деган мангу саволини ўртага қўяркан, мазкур саволга турли даврларда турлича жавоблар берилганлигини, бироқ бугунги кунда ҳам ушбу савол кун тартибидаги асосий масала бўлиб қолаётганлигини таъкидлайди ва уларга ўз муносабатини Абдулла Қаххорнинг «Ўғри», Ойбекнинг «Наъмата» асарлари таҳлили орқали билдиради. Олим адабиётнинг ўзига ҳос табиатини ижод жараёни билан боғлаб талкин этади. Билишга эҳтиёжини ижодга олиб боровчи йўл сифатида таъкидлайди ва бу эҳтиёж билишга қаратилганлиги боис, ижтимоийликка дахлдор, деган ҳулосага келади. Асарни яратилиши, яъни генетик жиҳатига кўра ижтимоий ходиса, деб баҳолаган мунаққид фикрича, бадий асарда ижтимоийлик билан шахсийлик уйғун ҳолда кечади, фақат уларнинг даражаси, нисбати турли асарларда турлича намоён бўлади. Мунаққид адабиётдаги юзаки, яланғоч талкин этилган ижтимоийликка қарши, бироқ айни пайтда бадий асарлардаги том маънодаги ижтимоийликни инкор этувчиларнинг фикрига ҳам қўшилмайди.

У.Ҳамдамовнинг «Бадий тафаккур тадрижи» номли китобида ушбу масалалар юзасидан эътиборга молик фикрлар ўртага ташланади. Чунончи,

¹⁰⁴ Йўлдошев Қ. Ёник сўз –Т.: Янги аср авлоди. 2007.

¹⁰⁵ Ушбу манба. – Б. 30.

У.Хамдамов XX аср адабиётини, Қ.Йўлдошевдан фарқли ўларок, ижтимоий ва медитатив асарларга ажратади. Бунда ижтимоийликнинг вужудга келишига асос бўлган бир қанча омиллар, жумладан, ички ва ташқи омилларни шарҳлар экан, бадий ижодда ижтимоий, бадий ва рухий ҳолатлар бир бутунлик касб этсагина, чинакам адабиёт юзага келади, деган хулосани илгари суради.

Ушбу кузатувлардан маълум бўлаётирки, адабий танқид бадий асар ва унинг ўзига ҳослиги ҳақида фикрлаганда ижтимоийликни ҳам, бадийликни ҳам бир бутун ҳолда талқин этишга ҳаракат қила бошлади. Айни ҳақиқат адабиётнинг ўзига ҳослигини тўғри талқин этишга асос бўлувчи методологик тамойилларнинг юзага келаётганлигидан далолат беради.

Адабий танқид концепциясининг янгиланиши кўплаб ғоят муҳим масалаларнинг ҳал этилиши билан характерлидир. Жумладан, шўро даврида ҳукм сурган концепциянинг асл моҳиятини англаб олиш, унинг асосий жиҳатларини тўғри тафтиш қилиш, қолаверса, адабиётнинг, бадий асар концепциясининг янгиланиши зарурлиги, адабий танқиднинг эски методологиядан фарқли янги методологик асосини яратиш ва ҳ.к. Адабиётшунос олим ва адиб Х.Дўстмуҳаммад «Концепцияни янгилаш учун...» мақоласида бу ишни аввало «...ҳаётни бадий идрок этиш борасидаги шаклланган қадриятларимизни очик-ойдин тафтиш қилишдан, ёзувчилармиз концепцияларини ўрганишдан бошлаш керак», деган талабдан келиб чиқиб, Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Обид кетмон», Ойбекнинг «Қутлуг кон» асарларидаги етакчи концепцияларни замонавий, янги қарашлар, янги мезонлар асосида аниқлашга ҳаракат қилди (ЎзАС, 1990, 16 февраль).

Х.Дўстмуҳаммад назарда тутган шўро даври адабиёти, хусусан, ўша даврда ижод қилган ёзувчилар концепциясини қай тарзда тафтиш қилган, баҳолаган маъқул? Уларнинг қайси жиҳатларидан воз кечиб, қайси жиҳатларини адабий жараёнга хизмат қилдириш лозим? «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»¹⁰⁶ ҳафталигида уюштирилган «Тавбадан тозаришгача...» сарлавҳали давра суҳбатида юқоридаги сингари саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинган. Давра суҳбатида иштирок этган адиб ва олимлар О. Ёкубов, М. Қўшжонов, Шукрулло ва Тохир Малик шахсга сиғиниш даври иллатларининг ҳаётга ва адабиётга етказган салбий оқибатлари, А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, У.Носир каби улуг истеъдод соҳибларини ҳам мустабид тузум аямаганини айтишган. Уларнинг ҳаёти ва ижодига оид барча маълумотлар, материалларни ўрганиш ва халққа рўй-рост етказиш зарурлигини таъкидлашган. Шунингдек, суҳбатда иштирок этган Б.Қосимов ва У.Қўчқор эътиборни

тоталитар тузумни юзага келтирган омилларнинг туб моҳиятини очиб ташлаш лозимлигига қаратишган.

Дарвоқе, давра суҳбатининг «Тавбадан тозаришгача...» деб номланганида ҳам ўзига ҳос рамзий маъно бор. Зеро, етмиш йил давомида кўплаб бегуноҳ инсонларнинг, биринчи галда, ижодкор, зиёли, олим ва давлат арбобларининг қатағонга дучор бўлишида воситачилик қилиб, билиб-билмай мустабид тузум тегирмонига сув қуйганлар ҳам бўлдики, эндиликда улар ўша гуноҳлари учун тавба-тазарру қилишлари лозим, деган фикр давра суҳбатида дадил айтилди. «Энг улуг иш – ўтмиш хатоларидан буткул воз кечишимиз, шунинг бараварида тавба-тазарру қилиш ҳали ўз юксак мақомида адо этилганича йўқ. Қолбуки, тозаришнинг, поклянишнинг муборак йўли тавбадан бошланади. Албатта, у ғоят машаққатли, лекин келажак ҳаётни – тоза ҳаётни усиз тасаввур қилиб бўлмайди» (И.Ғафуров). Мустақиллик арафасида айтила бошланган бундай фикрлар янгича дунёқараш, янгича концепциянинг илк куртаклари эди. Бу куртаклар мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ гунчалаб, адабиёт ва санъат, адабий танқиддаги янгиланаётган концепциянинг етакчи тамойилларини белгилашда муҳим роль ўйнади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида қузатилганидек, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшуносу танқидчиларнинг илғор қисми мустақилликкача бўлган даврдаёқ янги типдаги адабиётнинг ўзига ҳос шакл-шамойили ҳақида фикр юритга бошлаган экан, бу ҳол уларнинг янги даврга ҳам рухий-психологик жиҳатдан, ҳам ақлий-амалий томондан маълум тайёргарлик босқичини ўтаганини билдиради. Шунинг учун ҳам истиклолнинг дастлабки пайтларидаёқ «Истиклол адабиёти қандай бўлиши керак?», «Янги адабиётнинг асосий мезонлари нимадан иборат?», «У қимни ва нимани таъкид этади, қимга ва нимага хизмат қилади, қай йўللاردан юриб, қай манзиллар сари боради?» кабилидаги кўплаб саволлар кун тартибига қўйилди.

Истиклол даври танқидида адабий танқид методологиясининг янгиланиш тамойиллари. Истиклол даври танқидига ҳос янгиланиш тамойилларидан яна бири XX аср ўзбек адабиёти ва унинг намоёндалари ижодининг қайта баҳоланганида қузатилади.

90-йиллар танқиди ижодкор жадиждлар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш асносида, наинки уларнинг асарларидаги ҳосликлар, балки умуман, жадиждчилик ҳаракати, унинг концепцияси ҳақида ҳам муҳим-муҳим янги хулосаларга келдилар. Натижада, бу давр адабий ҳаётининг ҳаққоний тарихий лавҳалари билан бир қаторда давр ижтимоий ҳодисаларининг тарихини тиклаш бўйича ҳам муҳим ишлар амалга оширилди. Ватанимиз тарихининг аср бошидаги қоронғу саҳифаларини ёритиш ҳолис илмий баҳолаб билан тўлдирилди. Умумбашарий мезон ва концепцияга асослана бошлаган адабий танқиднинг ушбу босқичи бекиёс илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Чунки, биринчидан, бу босқичда аср бошидаги адабий

¹⁰⁶ «Тавбадан тозаришгача...» // ЎзАС. – Т., 1990. – 13 март.

мухит ҳақида тарихий ҳақиқатни тиклаш, шу тарика адабиётимизнинг янги тарихи яратилишига асос солинди. Иккинчидан, қатагон сиёсати қурбонига бўлган ва узок йиллар мобайнида ноҳақ айбланиб келган ижодкорлар мероси халққа қайтарилди.

Бу ҳол истиклол даври ўзбек танкиди дастлабки босқичидаёқ миллий уйғониш (жадид) даври адабиётига муносабатда туб янгича ёндашув ва тамойилларни нанки бошлаш, балки мустахкамлаш йўлида турганини кўрсатади. Бу нималарда кўринади? Биринчидан, истиклол шарофати туфайли миллий уйғониш (жадид) адабиёти намояндлари ҳаёти ва ижодига олдиндан тайёр қолишлар асосида эмас, балки янги шаклланаётган миллий мафкура, Ватан ва халқ, миллат манфаатлари нуктаи назаридан ёндашилди. Иккинчидан, илгари тилга олиш хавфли ҳисобланган жадид адиблари асарларини, умуман, ёхуд алоҳида-алоҳида эмас, уларнинг ҳар бирининг ижод намуналари ва, умуман, жадид адабиётини комплекс ўрганила бошланди. Учунчидан, энг муҳими, XX аср бошидаги жадидчилик ҳаракатига илк бор тўғри методологик ёндашув юзага келди.

Маълумки, собиқ шўро даврида жадидчилик фақат буржуа ҳаракати сифатида тилга олинар, маърифатпарвар адиблар ижоди фақат қисман ўрганилган, уларнинг айрим асарлари ва фаолиятлари нотўғри талкин этилганди. Ваҳоланки, миллий уйғониш (жадид) даври адабиётини ўрганишда бу даврда яратилган асарларни уларнинг муаллифлари дунёқараши, миллатпарварлиги, мислсиз жасоратга йўғрилган ҳаёти ва фаолиятдан айрича тадқиқ этиб бўлмасди. Истиклол даври адабий танкиди шу муҳим жиҳатларнинг уйғун талкинига киришди ва изланишлар ўзининг фундаментал натижаларини берди.

Шу жиҳатдан адабиётшунос олим **Бегали Қосимовнинг** (1942-2004) «Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик» номли кўламли, теран ва ҳар жиҳатдан илмий асосланган йирик тадқиқоти характерлидир. Айтиш жоизки, олимнинг шўро даври илмий фаолиятининг асосий йўналишларидан бири шу давр билан боғлангани ва бунинг ҳосиласи сифатида «Излай-излай топганим...» номли китобининг яратилганлиги ҳам мазкур тадқиқотнинг илмий аҳамиятини янада оширади. Мазкур тадқиқотнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, олим ўзигача ушбу мавзуда ёзилган ишларга ўзининг принципларидан келиб чиқиб ёндашади. Бу принципларда истиклол даври адабий тафаккурининг етакчи тамойиллари бўй кўрсатган. Яъни Б.Қосимов улкан ва ниҳоятда зиддиятли кечган XX аср бошидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий ҳаракатчиликни миллий истиклол мафкураси ғоялари асосида тадқиқ ва талкин этадики, бу тамойил, айни пайтда, ўзининг таҳлил принципларини шакллантираётган ўзбек адабий танқидчилиги фаолиятида жиддий янгиланишларга тўртки берди.

Бу жиҳатдан олимнинг Абдурауф Фитрат ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқоти эътиборга молик. Тарихий давр, аниқ сана ва

воқеалар, бадий асарлар ғояси муфасссал тадқиқ этилди, бу адабий портрет тарихий-адабий, биографик методда яратилган. Муаллиф мутафаккир адиб ва давлат арбоби Фитратнинг ҳаёти ва ижодини, конкрет асарлари, улар чоп этилган вақт, ўша вақтда рўй берган воқеалар фонида таҳлил этади.

Истиклол даври танқидининг диққат марказида Қодирий, Фитрат ва Чўлпон ижодлари тургани табиий ҳол эди. Миллий уйғониш даврининг етакчи намояндлари бўлган бу улуғ адиблар ҳаёти ва ижодига бағишланган кўплаб адабий-танқидий мақолалар пировард натижада ўзбек адабиётшунослигида қодирийшунослик, чўлпоншунослик, фитратшунослик каби янги йўналишларнинг тўла шаклланишига олиб келди. Сўнгги давр танқидида бу ижодкорлар фаолиятига кенг ва чуқур ёндашилгани масаланинг моҳияти методологик жиҳатдан тўғри белгиланганидан далолат беради.

Шу боис, 90-йилларнинг бошларидаёқ Қодирий ҳаёти ва ижодига боғлиқ ҳақиқатларни тўла тиклаш, асарларини бадий-эстетик мезонлар, тамойиллар асосида қайта баҳолашга жиддий эътибор берилга бошланди. Бунда адабий танқид жаҳон адабиётшунослиги ва танқидчилигига ҳос илгор методологик тамойилларга таянди, хорижда шаклланган қодирийшунослик, фитратшунослик ва чўлпоншуносликнинг етакчи концепцияларни ўрганиш орқали эътиборли жиҳатларини ижодий ўзлаштириш йўлидан борди. Адабий танқид бу адиблар ижодини баҳолашда, айниқса, Қодирий асарлари тадқиқида мувофиқлик ва тўлдирувчанлик тамойилларига таянди. Бу хусусият, айниқса, шўро даври қодирийшунослигига ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келишган И.Султон, М.Қўшжонов, С.Мирвалиев, А.Алиев, У.Норматов сингари мунаққидлар ижодига ҳосдир. Натижада ёзувчи таржимаи ҳолининг шу пайтгача ошқор этилмаган қирралари янги далил ва маълумотлар билан тўлдирилди, илгари маълум бўлмаган далиллар, қўлёзмалар, ҳужжатлар, архив материаллари илмий муомалага киритилиб, муайян ҳулосалар чиқарилди. Илгари ўрганилган манба ва талкинлар қайта таҳлилдан ўтказилди. Натижада, адабий танқидда бу давр адабиётига системали ёндашувнинг енафат жиҳатдан янгиланган намуналари яратилди.

Кейинги давр танқидида адабий ҳодисаларга тарихийлик принциплари асосида ёндашувнинг кучайгани янгича адабий танқид методологиясининг муҳим тамойилларидан бири – киёсий-тарихий метод шаклланаётганидан далолат беради. Бу борада кенг ўқувчилар оммасига ошқор этилган материалларни янгича нуктаи назар ва янгича концепция билан тадқиқ ҳамда таҳлил этишга ҳаракат қилингани муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, айниқса, Н.Каримов, Ҳ. Болтабоев, Ш. Ризаев, Н. Бокий сингари мунаққидларнинг кузатишлари характерлидир.

Адабий танқиднинг иккинчи муҳим тамойилларидан яна бирини, шубҳасиз, энг аввало, ижодкор дунёқараши, поэтик олами ва воқеликни

бадий-эстетик кашф қилиш жараёни – асарларни таҳлил ва талқин қилишда янгича мезон ва методологик тамойилларга асосланиш ташкил қилади. Бу борада, айниқса, Қодирий, Фитрат, Чўлпон ижодларига муносабат характерлидир.

Баходир Каримовнинг «XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида)» мавзусидаги докторлик иши ва шу илмий тадқиқотга асос бўлган «Абдулла Қодирий» номли монографиясида адиб ижодининг ўзбек ва хориж адабиётшунослиги ҳамда танқидчилигида қандай талқин этилганлиги ҳар томонлама очиб берилган. Бинобарин, истиқлол даврига келиб, Қодирий ижодини таҳлил қилишда қандай методологик тамойилларга таянила бошланди, адиб ижодий маҳоратининг қайси қирраларига эътибор қаратилди, деган масала жуда муҳимдир. Шу нуктаи назардан кейинги йилларда чоп этилган мақолалар, тадқиқотлар ва баҳс-мунозараларни кўздан кечирсак, уларда ёзувчи биографиясининг янги қирраларини очишдан ташқари, адиб поэтик оламининг талқинида ҳам умумбашарий мезонларга таянила бошлаганини кузатамиз. Аввало шуни таъкидлаш керакки, истиқлол даври танқидчилигида Қодирий ижодий маҳоратига бағишланган бир қанча мақолалар ва тадқиқотлар юзага келди. Уларнинг айримлари фундаментал характерда бўлиб, ёзувчи ҳаёти ва ижодини яхлит ҳолда ўрганишга бағишланган очерклар ва монографиялар бўлса, айримлари ижодкор поэтик оламининг муайян қирраларини ёритган тадқиқотлардир. Жумладан, М.Қўшонов, С.Аҳмад, А.Муродхон, Х.Лутфилдинова, Б.Каримнинг китоблари ҳамда «Адабиёт, бадият, абадият»¹⁰⁷ номли мақолалар тўпламида адиб поэтик олами тадқиқ этилса, У.Норматов, А.Алиев, С.Мирвалиев тадқиқотларида адибнинг ҳаёти ва ижоди батафсил ёритилган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, истиқлол йилларида Қодирий ижодини янгича тафаккур тарзи, янгича методологик тамойиллар асосида талқин этиш шўро даври қодирийшунослигининг шаклланишига катта ҳисса қўшган атоқли мунаққидлар фаолиятига ҳам хос хусусиятдир. Улар мустақилликнинг ilk йилларидаёқ ўз дунёқарашларини қайта қура олган, аввалги айрим мафкуравий қарашларидан воз кеча олган олимлардир. Уларнинг тадқиқотларида шўро даври қодирийшунослигига хос сиёсий-мафкуравий ёндашувдан батамом воз кечишга интилишни ҳам, ёзувчи поэтик оламини бадийлик, миллий ўзликни англаш ва қадриятлар, халқ ва ватан манфаатлари билан боғлиқ ҳолда ёндашишга уринишни ҳам кузатиш мумкин. Бу эса, истиқлол даври қодирийшунослиги концепциясининг етакчи хусусиятларидандир. М.Қўшонов, А.Алиев, С.Мирвалиев, У.Норматов, Б.Каримов ва бошқа мунаққидларнинг кузатишларида шу хусусиятга амин бўламиз.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол даврида қодирийшунослик, фитратшунослик ва чўлпоншуносликнинг мукамал намуналарида, шўро давридагидан фарқли равишда, фақат ижтимоий таҳлилга эмас, балки эстетик талқинга кўпроқ эътибор қаратилди. Улар ижодига ёндашишда бадий-эстетик қонуниятларга таяниш етакчилик қила бошлади. Муайян асарда ижодкорнинг маҳорати, аввало, руҳият тасвирлари қай даражада ҳаққоний ақс этган, деган масала устуворлик қилди. Шу боис, миллий уйғониш даври адабиёти намояндалари ижодига бағишланган кузатишларида ижодий меросни миллий қадриятларимизнинг гўзал намуналари сифатида таъъозлаш, асраб-авайлаб халққа етказиш устувор вазифага айланди. Хусусан, М.Қўшоновнинг «Ўзбекнинг ўзлиги» китоби ана шу хусусияти билан қимматлидир. Унда Қодирий романлари эзгу қадриятлар, ўзбекона урф-одатлар ва миллий руҳият нуктаи назардан талқин этилади. Мунаққиднинг ютуғи шундаки, у асар қаҳрамонлари Отабек ва Қумуш қалбида кечган тугёнларни, руҳий ҳолатларни роман сюжети ва композициясидан ажратмай, яхлит ҳолда таҳлил қилишга эриша олган.

У.Норматовнинг «Қодирий боғи» номли китоби ёзувчи ижодига системали ёндашувнинг ўзига хос намуналаридан биридир. Мунаққид китобда ижодкор асарларини таҳлилга тортар экан, асосий эътиборни бир бутун ҳодисага – ижодий бутунлик, ғоявий-эстетик мақсад, дунёқараш ва эстетик идеал каби масалалар билан боғлаб ўрганади. Олим Қодирий ижодига бағишланган кейинги изланишларида, айниқса, «Ўткан кунлар ҳайрати», «Тафаккур ёғдуси» ва «Қодирий мўъжизаси» каби китобларида адиб маҳоратининг янгидан янги қирраларини очди.

А.Алиев «Истиқлол ва адабий мерос», «Маънавият, қадрият ва бадият» номли ҳар иккала китобида ҳам А.Қодирий ижодига юксак баҳо беради, унинг XX аср ўзбек адабиётида реалистик романчиликни бошлаб берганини таъкидлайди. Адиб ижодини таҳлил ва талқин этишда мунаққид унинг адабий-эстетик қарашларидаги етакчи тамойилларга, ҳаққонийлик, миллийлик, тилдан фойдаланиш маҳорати сингари мезонларга урғу беради.

А.Қодирийнинг ҳаёти ва ижоди тадқиқига бағишланган С.Мирвалиевнинг «Абдулла Қодирий» номли монографияси ҳам қодирийшуносликдаги эътиборли ишлардан бўлди. Тадқиқотда муаллиф шўро даври адабиётшунослигига хос қарашлар «жанг»ини четлаб ўтиб, асосан матн билан иш қўришга астойдил ҳаракат қилганини кузатиш мумкин.

Бу давр танқидидаги янгиланиш тамойилларидан яна бири миллий уйғониш адабиёти нимояндалари ижодини ўрганиш ва қайта баҳолашда хориж жадидшуносларининг изланишларига эътиборнинг кучайганлигида кўринади. Мустақиллик даврига келиб ўзбек мунаққидлари шўро даврида фаолият юритган ҳамкасбларидан фарқли равишда, чет эллик олимларни

¹⁰⁷ Адабиёт, бадият, абадият. Хотиралар, бадиалар, мақолалар. –Т., 2004.

ўзларига рақиб эмас, балки ҳамкор, деб билиб, уларнинг тадкикотларига ҳам ҳолислик ва илмийлик билан ёндаша бошладилар. Жумладан, Б.Каримов, Ҳ.Болтабоев, З.Мирзаева каби олимлар хориж адабиётшуносларининг Қодирий, Фитрат, Чўлпон ва Бехбудийлар ижодига оид тадкикотларини ўргандилар.

Истиклол арафалари ва Мустақиллик даврига келиб жадид адабиётининг йирик намоёнчаси Фитрат ижодини ўрганишга ишига Б.Қосимов, Э.Каримов, Н.Каримов, Ш.Турдиев, С.Аҳмедов сингари таникли олимлар ҳамда улар сафига келиб қўшилган Ҳ.Болтабоев, У.Жўрақулов, Ш.Ризаев, И.Ғаниев, Г.Раҳимова каби кўплаб янги авлод вакиллари муносиб ҳисса қўшдилар. Бу борада, айниқса, Ҳ.Болтабоевнинг «Абдурауф Фитрат – адабиётшунос» (1996), «Фитрат ва жадидчилик» (2007) тадкикотларини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Истиклол даврида фитратшунослик янги босқичга кўтарилди. Ушбу йўналишда докторлик ва номзодлик тадкикотлари яратилди, мақола ва рисолалар чоп этилди, ёш фитратшунос олимлар етишиб чиқди. Энг муҳими, Фитрат ижодини ўрганишда ҳолислик, теранлик, матн билан ишлаш етакчи принципга айланди. Қолаверса, адиб ижоди хориждаги фитратшунослик билан қиёсий аспектда ўрганила бошландики, бу янги давр танқидчилигининг муҳим ютуқларидан биридир.

Умуман, бу даврнинг янгича методологик тамойилларни ўзида мужассамлаштиришга интилаётган, ўз илмий тафаккурини қайта қураётган адабий танқид олдида нафакат Қодирий, Фитрат ёки Чўлпон ижоди ҳақида маълумотлар бериш, балки уларнинг таржimai ҳоли, қатағон қурбонига айланганининг туб сабаблари, қолаверса, уларнинг бутун ижодий меросидан кенг китобхонлар оммасини хабардор қилиш вазифаси ҳам туради. Зотан, истиклолга эришиб, ўз дунёқарашини қайта қураётган халқ ўзининг озодлиги йўлида фидойилик намунасини кўрсатган ижодкорлар ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмоғи лозим эди. Адабий танқиднинг бу йиллардаги миллий уйғониш даври адабиёти намоёндалари, хусусан, Чўлпон ижодига доир фаолиятида аксиологик, тарихий-биографик методлар етакчилик қилганини кўришимиз мумкин.

Истиклол арафаларида Чўлпон ҳақида ижобий фикрлар билдириш бошланиб кетган эса-да, 80-йиллар охиригача у ҳақда эҳтиёткорлик билан мулоҳаза юритиш давом этди. Мустақиллик даврида эса Чўлпон ижодини тадқиқ этиш ўзининг том маънодаги янги босқичига кўтарилди. Юзлаб мақолалар, ўнлаб китоблар чоп этилди. Уларда улуг шоир ижодий меросига, асосан, умуминсоний кадриятлар асосида ёндашув етакчилиги қилганлигини кўриш мумкин. Бу борада таникли олимлар О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, Э.Каримов, Ш.Турдиев, У.Норматов, А.Алиев, И.Ҳаққулов, Б.Дўстқораев, С.Аҳмад билан бир қаторда Д.Қуროнов, Б.Каримов, Б.Рўзимухаммад, З.Эшонова, Н.Йўлдошев, У.Султон каби ёш адабиётшунослар ҳам фаоллик кўрсатдилар.

Мустақиллик арафаларида Чўлпон шеърлари жамланган «Баҳорни соғиндим» (нашрга тайёрловчи – И.Ҳаққулов) тўпламининг чоп этилгани ҳам унинг ижоди ҳақида ўқувчиларда муайян тасаввурларни шакллантирди.

Чўлпонга замондош Лазиз Азиззоданинг «Чўлпон ким эди» мақоласида шоирнинг дунёқараши, шахсияти, ижоди ҳақида фикр юритилади. Сирожиддин Аҳмад томонидан нашрга тайёрланган Заки Валидий Тўғоннинг «Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон)» сарлавҳали мақоласида Чўлпонни шоир сифатида бирдан порлаган улкан истеъдод соҳиби эканлиги ёритилади.

Н.Каримовнинг «Чўлпон учун кишан», М.Қаршибоевнинг «Мухит эркидаги тутқинлик» мақолаларида шўроларнинг шоирга кўрсатган ютуқлари очиштириш характеридир.

Бу давр танқиди халқни факат Чўлпон биографияси, унинг тақдири билан таништирибгина қолмай, айна пайтда, адиб асарлари таҳлили, тарғиб-ташвикини ҳам эътибордан соқит қилмади. 1992 йилда тадкикотчи Н.Йўлдошев томонидан «Чўлпон ҳаёти ва ижодий библиографияси», Ш.Турдиев нашрга тайёрлаган «Чўлпоннинг адабий танқидий мақолаларидан намуналар» эълон қилиниши, «Баҳорни соғиндим»¹⁰⁸, 1991 йилда «Яна олдим созимни»¹⁰⁹ каби тўпламларнинг чоп этилиши, халқни Чўлпон ижоди билан таништиришга жиддий киришилганидан, ўз навбатида, адиб асарларига кизикиш ортиб бораётганидан далолат беради. Қисқа фурсатда Чўлпоннинг икки жилдлик асарлари, «Адабиёт надири» номли адабий-бадиий мақолалар тўплами нашр этилди. 80-йилларнинг охири, 90-йилларнинг аввалида бошланган чўлпоншунослик қизғин илмий тадқиқот соҳаларидан бирига айланди. Тез орада О.Шарафиддинов ва Н.Каримовнинг «Чўлпон» номли тадкикотлари, «Чўлпон дунёси» номли мақолалар тўплами, «Чўлпонни англаш», «Рухий дунё талқини» каби рисолалар чоп этилди. Матбуотда кўплаб мақолалар эълон қилинди. Жумладан, О.Шарафиддиновнинг ўнлаб мақолалари ўша даврдаги адабий муҳитда алоҳида салмоқ касб этиб, танқид тафаккурини янгилашга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Чўлпоннинг дунёқараши ва ижодининг ғоявий мотивини белгилашда унинг миллатпарварлиги нуктаи назаридан келиб чиқиб, асарларини талқин қилиш адабий танқид методологиясининг янгиланаётганлигидан далолат берди. Чўлпон ҳаётини, унинг ижтимоий фаолиятини, ижоди, айниқса, асарларининг ғоявий мотивлари билан боғлиқ ҳолда талқин этиш бу давр танқидчилигининг муҳим хусусиятларидан биридир. Шу ўринда

¹⁰⁸ Чўлпон. Баҳорни соғиндим. (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Иброҳим Ҳаққулов). – Т.: Юдузча, 1988.

¹⁰⁹ Чўлпон. Яна олдим созимни. (Тўпловчи Н.Каримов, Ш.Турдиев. масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи О.Шарафиддинов). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.

Н.Каримовнинг “Чўлпон” маърифий романининг (2003) ахмиятини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Истиклол даврида чўлпоншуносликнинг янги йўналиши таркиб топди. Чўлпон ва танкид, Чўлпон ва Ҳамза, Чўлпон ва Фитрат, Гаспиринский ва Чўлпон, Чўлпон ва театр, Чўлпон— таржимон, Чўлпон ва матбуот каби йўналишлар бўйича турли хил анжуманлар ўтказилди. Мақолалар, хотиралар чоп этилди. Чўлпон ва Ҳамза ҳаётда аслида бир-бири билан яқин бўлганлари аниқланди. Шу маънода уларнинг ижодини қиёслаб ўрганиш ҳам табиийдир. Бирок шундай ҳоллар ҳам бўлдики, шўро даврида уларни бир-бирига ашаддий, ғоявий душман сифатида талкин этган айрим мунаққидлар, Истиклол даврига келиб, бу фикрнинг энди аксини айтувчи мақолалар ҳам эълон қилдилар. Юқорида эътироф этилганидек, Чўлпон ижодини бошқа замондош санъаткорлар, зиёлилар билан чоғиштириб ўрганиш қиёсий адабиётшунослик ривожланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Умуман олганда, бу давр танкидида Чўлпон дунёкараши, ижодининг ғоявий мотивини белгилашда, бир томондан, унинг ижодига тарихийлик тамойиллари асосида ёндашилганини кузатсак, иккинчи томондан, ижтимоий таҳлил билан эстетик таҳлилнинг уйғунлашган ҳолдаги талқини, ижтимоий-эстетик таҳлил адиб ижодини баҳолашдаги етакчи методга айланганлигини кўрамиз.

Хулоса қилиб айтганда, истиқлол даври танкидида Миллий уйғониш даври (жадид) адабиёти намояндаларининг ҳаёти ва ижодини ҳар томонлама таҳлил ва талкин этиш етакчи йўналишлардан бирига айланди. Адабий танкид Бехбудий, Авлоний, айниқса, Фитрат, Қодирий ва Чўлпон сингари миллий уйғониш (жадид) адабиёти намояндалари ижодини қайта баҳолаб, янгич талқин этди.

Танқидчиликда шўро даври адабиётини қайта баҳолаш. Истиклол даври танкидида пайдо бўлган янги тамойиллардан бирини шўро даври адабиётини қайта баҳолаш ташкил этади. Биз энди XX аср адабиётининг тўнтарувгача бўлган қисмини мумтоз адабиёт, ундан кейинги даврни шўро адабиётига бўлиб эмас, XX аср адабиётдаги яхлит жараён сифатида ўрганамиз. Шўрогача, ундан кейинги ҳамда Мустақиллик даври адабиёти шартли равишда улардаги намуналарнинг ўзига хосликлари ва асосларидан келиб чиқиб, турли босқичлар сифатида эътироф этилади. Бугунги кундаги даража ва дунёкараш асосида назар ташлаганда, бу давр шўро босқичи ўзбек адабиётининг катта ютуқлари ҳам, улкан фожеалари ҳам яккол намоён бўлади. Кейинги йиллар танкидий тафаккурида кўп баҳс-мунозаралар бўлди. Вакт ўтиши билан эхтиросли айрим ҳолатлар барҳам топиб, босқичлик, илмийлик, холислик билан шўро даври ўзбек адабиёти ютуқлари-ю, фожеали нукталарига адабий танқидчиликда бир қадар ойдинлик киритилди.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, шўро даври адабиёти ўзининг ижодий принципларини шакллантирган ва уларни ижод жараёнига татбиқ этган ҳамда бу принциплар шўро мафқураси ғояларига ҳамоҳанг эди. Истиклол даври адабий танкидида дастлаб мафқуранинг адабиётдаги ўрни масаласига қарашлар турли-туман бўлганини, умуман, «адабиётда мафқура», деган тушунчага салбий муносабат шаклланишига улгургани ҳамда шўро мафқурасининг адабиётга етказган зарарли оқибатлари таъсири билан изоҳлаш лозим бўлади. Бирок, шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай мафқуранинг етакчи тамойиллари назарийётчилар томонидан ишлаб чиқилса-да, унинг амалиётдаги кўриниши узок вақт давомида муайян соҳалар фаолиятида шаклланиб, ҳаётга татбиқ этила боради.

Шу маънода Мустақиллик даври танкиди, бир томондан, зўравонлик асосига қурилган шўровий мафқуранинг инкор этгани ҳолда, умумбашарий мезонларга уйкаш Миллий истиқлол мафқурасини шакллантириб, мустақамлаб борди. Шу боис истиқлол даври танқидчилигида шўро адабиётини қайта баҳолаш етакчи масалалардан бирига айланди. Бу давр танкидида шўро даври адабиётига муносабат бир хилда бўлгани йўқ. Бу масала мунозараларга бой, эхтиросли, кескин, қарама-қарши фикрлар майдонига айланди. Бир томондан, шўро даври ижодкорлари асарларини эхтиёркорлик билан янгича мезонлар, янгича методологик тамойиллар асосида баҳолашга интилиш кўзга ташланса, бошқа тарафдан, уларни баъзан бирварақайига ва салкам ёппасига инкор этиш тенденцияси ҳам бўй кўрсатди. Дастлаб адабий танқиднинг шўро даври адабиётига муносабатида синергетик йўналиш устуворлик қилди. Тасдиқ билан инкор, мувозанат билан мувозанатсизлик, бутун билан тартибсизлик (хаос) бу давр танкидида хос хусусиятдир.

Ҳ.Ҳ.Ниёзийга муносабатда-ку, масала бир қадар аниқ эди. Шўро енгисати ўта улуғланган асарлар “қийналмай” ўзининг “янги” баҳосини топди. Миллий руҳдаги асарларга эътибор кучайди. Ғ.Ғулом ижодига ҳам тахминан шу нуқтаи назар қарор топди. Ҳ.Олимжонга муносабатда унинг Фитрат ижодига нисбатан тутган йўли ҳамда “Бахтлар водийси”, “Нима бизга Америка” қабилдаги шеърларга таяниб туриб, аини вақтда, гўзал ва ажойиб лирик шеърларини инкор этолмай, бир муддат иккиланиш, талмовсирашлар кўзга ташланди. Лекин, Ойбек ва А.Қаҳҳор ижодига келганда, айрим мунаққидлар уларнинг баъзи асарларидаги “қизил” йўналишни чўқиб-чўқиб олса-да, улар ижодидаги чуқурлик, салобат, миллийлиги ҳамда ўзига хос маҳорат танқидни улар олдида бирмунча уйланиб, тараддудланиб қолишга мажбур этди. Аста-секин бошланган босиқ тадқиқ ва таҳлил кўп ўтмай улар ижодига муносабати янги изчил йўлга солиб юборилди. Шунинг учун адабий танқид бу ижодкорлар орасида, айниқса, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорнинг адабий меросига жиддий эътибор қаратди. Бошқа жиҳатдан, Ойбек шўро даврида кўп жабр кўрган, таъинка учраб азоб чекканди. Абдулла Қаҳҳор ҳам деярли бутун ижоди

давомида шўроларнинг бошқарув тизимидан дакки еб келган, “Тобутдан товуш” сингари асарлари туфайли эса дашномга ҳам учраган эди. Янги танкидчиликнинг уларга муносабатида бу омиллар ҳам беиз кетмади, албатта.

Бу давр танкидида Ойбек шахсияти ва ижодига жонкуярлик кўрсатган, бу ҳақда кўп ва ҳўп ёзган мунаққид Н. Каримов бўлди. Олимнинг мақолаларида адиб ҳаёти ва ижодининг ҳали очилмаган қирралари янгича мезонлар асосида талқин этилди. Таъкидлаш жоизки, шўро салтанати адабиётимиз бошига солган қора қулар, қатагон сиёсати жабр-ситамларининг архив материаллар асосида кенг жамоатчиликка маълум қилинишида, илмий муомалага киритилишида Н.Каримовнинг хизматлари қатъидир. Хусусан, унинг “Ойбек: тош экан бошим” (Фан ва турмуш. 1992. – № 5,6,7,8,9,10.) номли туркум мақолаи шу жиҳатдан характерлидир. Унда мунаққид Ойбек ҳаётининг номаълум ёки тўла ёритилмаган саҳифаларини қайта жонлантиради. Тарихий-биографик ёндашувнинг яхши намунаси бўлган бу мақолада Ойбек шахсиятига, ижодига 30-50-йилларда қўйилган айбловлар, тухматларнинг илдизлари, зарарли оқибатлари очиб берилади. Ўзбек адабиётининг жаллодларидан бири бўлган, Ёзувчилар уюшмасида ишлаган В.Милчаков ва унинг атрофига тўпланган маҳаллий хушомадгўйларнинг қабих қирқорлари қош этилади.

Умуман олганда, Н. Каримовнинг бу даврда яратган деярли ҳар бир мақолаида янги фикр илгари сурилади. Олим, аввало, асарнинг яратилиши ижодкор ҳаётидаги бирор-бир ҳаётий факт билан боғлиқликка эътиборни қаратади. Бундай ёндашув ижодкор фаолиятининг очилмаган саҳифаларини ёритишга хизмат қилади. Унинг «Ойбек ва жадидчилик», «Ойбек номли чўкки» мақолаларида ҳам шу йўналиш давом эттирилади.

Бу даврда Ойбек ижодига оид кўплаб мақолалар чоп этилди. Шулардан бири Шарафиддиновнинг “Миллатни уйғотган адиб” (Ўз АС, 2004. – 05.11.) номли мақолаида Ойбек ижодига ҳос миллатпарварлик фазилятлари теран талқин этилади. Мунаққид адибни миллатни уйғотган ижодкор сифатида қайта кашф этади. «Қутлуг қон», «Навоий» романлари, «Наъматак» қабил шеърлари таҳлили асосида ўз қарашларини далиллайди. У Ойбек даҳосининг буюқлиги, миллатпарварлиги фақат ижодида эмас, балки шўро салтанати ҳукм сурган қийин бир даврларда Чўлпон ва Қодирий ижодига бўлган чексиз ҳурмати, теран илмий қузатишлари, «Тирик сатрлар»га иккиланмай ёзилган ижобий тақризларида ҳам намоён бўлишини фахр билан ёзади.

Истиклол йилларида Ойбек шеърятини янгича нуқтаи назардан тадқиқ этган И.Ҳаққулов, У.Ҳамдам, А.Сабридинов қабил олимларнинг ишлари ҳам эътиборга лойиқлигини айтиб ўтиш лозим.

Танқид ва адабий жараёндаги изланишлар. Истиклол арафалари ва тўксонинчи йиллар бошларидаги мақолаларда, Ғафур Ғулом шеърятдаги

замонасозлик, шахсга сиғиниш иллатларининг ақс этиши, шунингдек, унинг Абдулла Қодирий ва Мақсуд Шайхзодага муносабати ҳақида турли қил фикрлар баён этилди. Бу қил қарашлар аста-секин барҳам топиб, Ғафур Ғулом ижодини ҳолис, ҳаққоний қайта баҳолаш бошланди. Унинг ижодига ёндашувда ҳалқимизга ҳос бағрикенглик, тарихийлик тамойилига асосланиш мезонлари устувор мавқе эгаллаб борди. У ҳақидаги мақола, қотира ва тадқиқотларда шоир ҳаёти ва ижодига системали ёндашув фазилятлари сезилди. Поэтик маҳорат, шоир истеъдоди, ижодий психология ва таржимаи ҳоли билан ўзаро бутунликда талқин этила бошланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони А. Ориповнинг «Ўзбекнинг ўз шоири» мақолаида шўро даврининг мақкор сиёсати ва ҳоким мафқуранинг адабиётга етказган қуғуғи, ўзбек ижодкорлари қадр-қимматининг тағтиллиши, ижод эркинлигининг бўғилиши оқибатида кўплаб шоирлар замонасозлик руҳида асарлар битишга мажбур бўлганликлари таъкидланади. Ғ. Ғулом ижодида ана шундай умуминсоний мезон билан назар ташлаб, энг аввало, шоирнинг жуда қатта истеъдод соҳиби сифатида ҳоким мафқура таъйинларига қарамасдан ўлмас асарлар яратгани, унинг ижод намуналари ўткинчи майда туйғулар билан эмас, балки қадим Шарқ шеърятига ҳос бўлган фалсафийлик, кенг қамровлилик, донолик билан нурланиб тургани шеърый ва насрий асарлари мисолида кўрсатилади. Мақолада илгари сурилган концепция, яъни энг аввало, Шарқ, ислом фалсафасига ҳос бўлган инсонийлик, қадриятларни асраб-авайлаш туйғуси бошқа мақолаларда ҳам ўз ақсини топа бошлади.

У. Норматов «Шум бола» «Мафқуравий-сиёсий таъйин шароитида руҳ эркинлиги»¹⁰ номли мақолаида қиссани таҳлил қилар экан, уни шўро даврида яратилган бўлишига қарамасдан давр сиёсати ва мафқурасидан батамом ҳоли бўлган ўзбек турмуш тарзининг турли қатламларини ҳаққоний ёритиб бера олган асар сифатида баҳолайди.

Бу даврда Б.Назаровнинг «Ғафур Ғулом олами» (2003), Н.Каримовнинг «Ғафур Ғулом ижодиёти» (2003), Т. Матёқубовнинг «Ғафур Ғулом бадияти» (2006) номли йирик тадқиқотлар ҳам яратилди.

Б.Назаров Ғафур Ғулом ижодига баҳо беришда сўнгги давр танкидчилигида иккита йўналиш қўзға ташланаётганлигини таъкидлайди. «Бирида унинг шўровий қарашларига ҳамон урғу берилиб танқид қилинса, иккинчисида, шоирнинг мафқуравий жиҳатлари ҳаспўшланиб, уни қамлардандир ҳимоя қилиш истағи сезилади»¹¹. Мунаққид фикрича, ҳар неқала йўналишдаги қарашларда ҳам қамчиликлар бор. Негаки, Ғ.Ғулом ижодида замонасозлик мотивларининг мавжудлигини бугунги қунда ҳеч қим инқор қилаётгани йўқ. Бу ҳусусият Ғ. Ғулом ижодигагина эмас, умуман, шўро даври адабиётига ҳос қусур бўлиб, унинг асосий сабаби

¹⁰ Норматов У. Ижод сирҳи. – Т.: Шарқ, 2007. – Б.145.

¹¹ Назаров Б. Ғафур Ғулом олами. – Т.: Фан, 2003. – Б.5.

давр, замон ва тузум билан изоҳланади. Муаллиф талқинича, иккинчи йўналишдаги карашнинг қусурли жойи шундаки, Ғафур Ғулом ижоди ўзини оқлашга, кимлардандир химоя қилишга муҳтож эмас. Унинг ижодида ўзини-ўзи химоя қиладиган, нафақат ХХI асрда, балки кейинги асрларда ҳам яшаб қолишга лойиқ бадий мукамал асарлар кўпалаб топилади.

Мунаққид шу нуқтаи назардан нафақат бадий мукамал ҳисобланган «Соғиниш», «Вақт», «Шум бола», «Менинг ўғригина болам» типдаги асарларига, балки ҳали танкид деярли эътибор бермаган ва Ғафур Ғулом феноменига ҳос яширин дардларни ифодалаган асарларини топиб таҳлил қиладиги, бу таҳлил ўзининг ҳолислигидан ташқари, талқиннинг қутилмаган натижалари билан ҳам аҳамият касб этади. Агар эътибор берилса, олим адабиётшунослик ва адабий танқиднинг янгидан вужудга келаётган методологик тамойилларидан бири – **талқинда бадий асар матни қаърига яширинган поэтик маъно** – мазмунни топишга ундаётганини сезиш мумкин.

Сўнгги давр танкидида Абдулла Қаҳҳор ижодини қайта баҳолашга ҳам катта аҳамият берилди. Бу даврда Қаҳҳор ҳақида кўпалаб мақола ва рисоалар чоп этилди. 80-йилларнинг охириларидан бошлаб Қаҳҳор ҳақида зиддиятли карашлар вужудга кела бошлади. «Қутлуг қон» романи сингари «Сароб», «Синчалак», «Ўғри», «Дахшат» каби асарлари талқини баҳсли кечди.

«Ёш куч» журналининг «Ҳозирги ўзбек адабиётида энг маъқул учта асарни санаб ўтсангиз», деган анкета саволига жавоб берар экан, яхши асарлар ўрнига ёқтирмаган асарларни санайман, дея Олим Отахонов Қаҳҳорнинг «Сароб» ва «Синчалак» асарларини тилга олди ва бунини қуйидагича изоҳлади: «Абдулла Қаҳҳор ҳар қанча истеъдодли бўлмасин замонасоз адиб эди; у аксар ҳолларда ўткинчи ақидалар, муваққат мезонлар, юқори доираларнинг кўрсатмаларида уқтириб ўтилган ҳақиқатларга таяниб ижод қилган ёзувчи эди; у жадиждар ҳаракатини ё тушунмаган, ёки мутлақо инкор этган»¹¹². О.Отахонов ушбу мезон асосида «Сароб», «Синчалак»да воқеликка коммунистик мафкура кўзойнаги билан қаралган, деган фикрни илгари суради. Бу нуқтаи назар жиддий баҳс-мунозара уйғотди, гоҳ кескин эътирозга сабаб бўлди, гоҳ қўллаб қувватланди. Жумладан, А. Жабборовнинг «Ўз даврининг машҳур асари»¹¹³ номли мақоласида «Синчалак» кассаси замонасозлик мотивлари билан сугорилган асар эканлиги таъкидланди.

С.Мелиев, Ҳ.Каримов, А.Улугов каби мунаққидларнинг айрим чиқишларида ёзувчининг «Сароб», «Синчалак», «Ўғри», «Дахшат» каби асарларида шўро даврига хизмат қилувчи ғоя етакчилик қилиши айтилди. Аксинча, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Б.Назаров, А.Расулов,

И.Ҳаққулов, Д.Қуронов кузатишларида Абдулла Қаҳҳор ижоди янгича нуқтаи назар, янгича методологик тамойиллар асосида баҳолашга ҳаракат қилинди. Бу карашларнинг бирини мутлақ ҳақ, иккинчисини мутлақ ноҳақ, деб ҳулоса чиқариш методологик жиҳатдан нотўғри бўлар эди.

С.Мелиев, Ҳ.Каримовларнинг «Ўғри», «Дахшат» ҳикоялари ҳақидаги танқидий характердаги мақолалари ва уларга жавобан ёзилган Д.Қуронов, С.Содиқ мақолаларидаги етакчи нуқтага назар ташлаётди.

С.Мелиев ва Ҳ.Каримовда Қаҳҳорнинг ўтмиш мавзусида ёзилган асарларида воқелик шўро даври тоталитар тузуми ғоялари нуқтаи назаридан ёритилади, шу боис сохта ғояга асосланганлиги учун бу асарлар юксак бадийлик намуналари бўлолмайди, деган ҳулоса чиқарилади. С.Содиқ ва Д.Қуронов кузатишларида ҳам асарлар давр билан, давр ғоялари билан боғлаб талқин этилади. Бу ҳол ўз-ўзидан баҳс-мунозараларда кўпроқ эътибор ғоябозликка қаратилгани, яъни Қаҳҳор ўтмиш мавзусидаги асарларида шўро ғояларини тарғиб қилганми ёки аксинча, фош этганми, деган масала етакчилик қилганлигини кўрсатади. Ваҳоланки, С.Мелиев ва Ҳ.Каримов мақолаларида адабиётнинг асосий ядросини ташкил этувчи инсонийлик (уни С. Мели мақоласида меҳр, Ҳ. Каримов эса ўзбекона урф-одатлар ва мусулмон оламига ҳос яшаш принциплари шаклида талқин этади) тамойиллари ҳақида гап кетадики, уни муайян давр ғоясига боғламадан матннинг ўзидан келиб чиқиб талқин этилганда асл моҳият оидинлашган бўлар эди. Ваҳоланки, мазкур танқидий карашларга ва уларнинг оппонентлари томонидан берилган жавобларга ҳам давр ғояси деган тушунча ҳалакят берганлигини кўрамиз. Бироқ, айтиш жоизки, шунини таъкидлаш лозимки, мазкур баҳс-мунозаралар Қаҳҳор ижодини англашга, унинг эстетик тамойилларини тушунишга аҳамият қилди. Мазкур баҳслар шу жиҳати билан характерлидир.

Ҳ.Олимжон ҳақидаги баҳсларда ҳам шундай ҳусусиятни кўриш мумкин. Жумладан, Д.Қуронов «Ҳамид Олимжонни биламизми?» номли мақоласида шоирнинг «Муқанна» драматини таҳлилга тортар экан, асосий эътиборни ижодкор дунёқараши ва концепциясига қаратади. Бунда Ҳ.Олимжоннинг 30-йиллар ижодидаги асосий концепция давр руҳи билан ҳамбарчас боғланган ва шўро ғояларига хизмат қилган бўлса, «Муқанна» драматини истиклол ғоялари билан сугорилган, деган фикрни асослашга ҳаракат қилади. Мунаққид ўз карашларини Гулоийм, Оташ образлари талқини орқали кўрсатади.

Адабиётшунос Н.Каримов Д.Қуронов мақоласига жавоб хатини «Ҳамид Олимжонни биласизми?» деб номлади. Унда Д.Қуронов мақоласидаги асосий карашлар инкор этилиб, Ҳ.Олимжон ва унга замонадош санъаткорлар ижоди давр билан, социалистик тузум ғоялари билан изчил боғланганлиги таъкидланди ва, нафақат «Муқанна», балки шу даврда яратилган Уйғун ва И.Султоннинг «Алишер Навоий» драматидан олинган парчалар билан фикрини асослашга ҳаракат қилди.

¹¹² Отахонов О. Мутлоқ // Ёш куч. – Т., 1989. – № 9. – Б. 14.

¹¹³ Жаббор А. Ўз даврининг машҳур асари // Ёшлик. – Т., 1990. – № 11.

Филология фанлари доктори Ғ.Мўминов ҳам мақолаларидан бирида Н.Каримов фикрларини тўғри деб топди ва Ҳ.Олимжоннинг “Муқанна” асарида яширин равишда шўро истибдодига қарши фикрлар илгари сурилган қарашни нотўғри деб топди.

Д.Қуронов мақоласида ҳам асосий эътибор бадий асарда ифодаланаётган ғояни очишга қаратилди ва унга жавобан айтилган фикрларда ҳам асосий урғу ғоявий мақсадга қаратилди. Бу ҳол адабий танкид методологиясидаги ёндашувлар изланиш жараёнида эканлигидан далолат беради. Қаххор ёки Ҳ.Олимжон ҳар қанча катта истеъдод соҳиб бўлмасин, ўзига ҳар қанча талабчан ёки катъиятли бўлмасин, барибир ижодкор сифатидаги ожизликларини, ижодларида баланд-паст эврилишлар мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Фикримизнинг тасдиғини мунаққид Ҳ. Умуров ёзади: “Бугун биз Ҳамид Олимжон билган ҳақиқатларнинг маъзи пуч бўлганини, тоталитар тузум ўзига ғов бўлганларни аёвсиз маҳн этганини, халқ бошига қўлаб қирғинларни солганини биламиз. У пайтлар эса, шоир биз билган ҳақиқатларни ҳаёлига ҳам келтирмаган, социалистик жамиятни бахт ва саодатга элтувчи ягона жамият деб тушунган, социалистик Ватанга ўзлигини бахшида қилган, “совет шоириман”, дея фахр-ғуёғуга тўлиб яшаётган йигит эди”¹¹⁴. Биз шу боис ҳам мазкур ўринда Қаххор ёки Ҳ.Олимжон ижодига оид зиддиятли қарашларнинг, муҳолифатларнинг юқоридагидек тортишув, баҳсларга ҳакам сифатида эмас, балки янги босқич танкидчилик шаклланиши тадрижий тақомилидаги, методологик тамойилларнинг изланиши сифатида қаралиши тўғри бўлади.

Шу ўринда бир муаммони назардан қочирмаслик керак бўлади. Истиклол босқичи ўзбек танкидида шўро давридаги атоқли адибларимиз ижоди тадқиқ этилар ва қайта баҳоланар экан, уларнинг асарлари тағ замрига зимдан яширилган истиклол ғояларини ёки ҳеч бўлмаганда, шўро истибдодини фожия этиш мақсадида аниқлашга интилиш тамойили кўринди. Бундай асарлар мавжуд бўлгани шубҳасиз. Уларни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан белгилаш ва юзага чиқариш танкидчилик ва адабиётшуносликнинг муҳим вазифалари сирасига қиради, албатта.

Бирок масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Бундан мақсад ҳар бир асарга муносабатда зўрма-зўракилик ва сунъийлик билан амалга оширилмаслиги лозим. Ниҳоят нечоғлик яхши бўлмасин, бундай сунъийлик бадий асарни нотўғри баҳолашга олиб келиши мумкин. Танкид ва адабиётшуносликдаги гипотетик усул ўзининг аниқ ва изчил таянч нуқталарига эга бўлгандагина оқлайди, акс ҳолда, асар баҳсида юзаки тахминчиликни олиб келадики, у наинки бундай фикрни илгари сураётган мунаққид, балки, умуман, танкидчиликка ҳурматни сусайтиришга олиб

қилиши мумкин. Кўринадики, бу муаммо танкидчиликнинг ахлоқий жиҳатларига ҳам тааллуқлидир.

А.Қаххор ижодига янги замон муносабатлари ҳақида гап борар экан, Р.Қўчқоровнинг адиб ҳақидаги туркум мақолалари ва «Мен билан мунозара қилсангиз...» номли рисоласига назар ташлаш ўринлидир. Р.Қўчқоров 80- йиллар охири – 90- йиллар бошларида Қаххор ижоди ҳақида, айниқса, романларига турли даврда танкиднинг муносабати, ёзувчи томонидан амалга оширилган таҳрирлар ҳақида кизиқарли ва қатор ўзгаришларни амалга оширди. Шу жиҳатдан унинг «Қўш роман ва айрича қарашлар», «Саробнинг пайдо бўлиши» каби мақолалари характерлидир.

Мунаққид «Уч сароб» номли мақоласида «Сароб романининг қайта ишланишига адабий танкиднинг нотўғри баҳолари сабаб бўлган, деган қулосага келган эди. Бу фикрлар қай даражада ҳақиқатга яқин? Нахотки Қаххордек ўз фикрини қўп ҳам ўзгартиравермайдиган ёзувчи танкидчиларнинг фикрига қараб асарларини қайта ишлайверса?... Бу каби саволлар, ёш олимни тинч қўймади ва у илмий изланишларини давом эттирди, ушбу саволларнинг жавобини топишга ҳаракат қилади. Ишланишлари натижаси ўларок, «Саробнинг пайдо бўлиши» номли мақола, унинг кенгайтирилиши, ривожлантирилиши асосида «Мен билан мунозара қилсангиз...» номли рисоласи яратилди. Муаллиф далилларга ҳолис ёндашиб, асосий мақсадни қуйидагича ифодалайди: «Тушунини». Дарвоқе, бу тушунча истиклол даври танкидчилигининг бош масаласидир. Ҳарча методологик йўналишларнинг асосидан кизил ип бўлиб ўтадиган тушунча бу – тушунишдир.

Р.Қўчқоров «Сароб» ва «Қўшчинор»нинг қайта ишланган вариантлари ҳақида фикр юритар экан, олдинги қарашларидан воз кечишининг асосий сабабини қуйидагича изоҳлайди: «Аввало, бу мақолада ҳам «Сароб» романининг ёзилиш сабаблари очилмай қолган, фақат унинг қайта ишланиш жараёнига эътибор берилган эди. Бунда ҳам роман танкидининг қўламини асл моҳиятни кўз олдимиздан тўсган, бизни бир ёклама ёндашув йўлига бошлаган, натижада, ҳар бир ўзгариш ва таҳрир сабабини нотўғри танкиддан излашга ўтган эканман. Ҳолбуки, мантикли бир савол бизни аниме сергаклантирмоғи керак эди: агар ўзгаришлар сабаби фақат қатағон йўналишнинг танкиди бўлса, нега А.Қаххор «Сароб»ни ўша йиллариёқ қайта ёзишга мажбур этилмади? Нима учун фақат 1957 йилда чиққан романининг иккинчи нашрига ўзгартиришлар киритди? Бу пайтда қатағон даври тугаган эди-ку?

Биз бу ва бундан бошқа яна ўнлаб саволларни энди ўзимизга бериб кўрмоғимиз, уларга ҳолис жавоб изламоғимиз керак. Давр ҳақидаги, ёзувчи ва унинг асарлари тўғрисидаги ҳақиқат, нечоғли аччиқ бўлмасин,

¹¹⁴ Умуров Ҳ. Эҳтиёт тафти // Сайланма. Бешинчи жилд. – Самарқанд. 2011. – Б.27.

очик айтилмоғи, илмий таҳлилга тортилмоғи лозим, акс ҳолда, чала ҳақиқатлар занжири бизни келажакдан бенасиб қилади»¹¹⁵.

Деярли бутун умри давомида А.Қаҳҳор ўз ижодига танқидчиликнинг муҳолифотли, зиддиятли қарашларини қўрди, ҳис қилди, курашди. Ана шу ҳолатларнинг ўзиёқ, Р.Қўчқоровнинг Қаҳҳор ҳақидаги изланишлари кераккина эмас, зарурат бўлгани кўринади.

Баҳс-мунозаралар асосида Қаҳҳор ижодини тўғри тушуниш ва теран англаш истаги ётади. А.Қаҳҳор хушёр дунёқараш соҳиби ва ўткир интуитив ёзувчи сифатида замонасидаги сиёсий-ижтимоий ўзгаришларни нозик ҳис қилди ва асарлари моҳиятига бунини моҳирлик билан сингдириб юборди. Шу боис, А. Қаҳҳор ижоди ҳақида зиддиятли қарашларнинг вужудга келишини табиий бир ҳол сифатида қабул қилиш керак. Шунга кўра, адабиётшунослик ва адабий танқид олдида атоқли адиб меросини бугунги кун талаблари асосида ёритиш, биринчи навбатда, унинг ҳаёти ва ижодий биографиясини тўғри – қандай бўлса шундай – ҳолисона талқин этиш масаласи туради. У.Норматов “Қаҳҳорни англаш машаққати” номли тадқиқотининг бошида айни ана шу омилга жиддий эътибор қаратган. Олим шўро давридаги талқинларга зид тарзда А.Қаҳҳор биографиясида “очик қолган” нукталарга ойдинлик киритади. Бунда у адибнинг оилавий муҳити, ўқувчилик даври, ёзувчи сифатида шаклланган йиллари, ўта зиддиятли 30-йиллардаги, кейинги комфирка ҳукмронлиги давридаги мураккаб, аммо мардона фаолиятини аниқ далил-рақамлар, тарихий воқеалар фонида ёритади. А.Қаҳҳор қаҳрамонлари фожиасини олим улар характеридаги фаол онг, мустақиллик етишмагани оқибати, деб қарайди. Бундай талқинлар, шубҳасиз, қаҳҳоршуносликдаги янгилик сифатида эътиборга молик ва айни дамда, атоқли адиб ижодий меросига умуминсоний кадриятлар нуктаи назаридан туриб қарашга туртки берди.

Шу маънода танқидчиликда кўриниш берган Қаҳҳорнинг “Ўғри”, “Бемор” каби ҳикояларида шўровий ғоялар илгари сурилди, деб эмас, ҳар қандай жамиятда рўй бериши мумкин бўлган ҳаёт ҳақиқати акс эттирилди, “Сароб”да миллатчилик фош этилиб, шўро мафкураси тегирмонига сув қўйилди, деб эмас, муайян худбинлик фожиаси ёритилиб, жамиятнинг муайян босқичида фожеага учраган кучлар ва уларга зугум ўтказган ҳукмрон истибдод акс эттирилди; “Синчалак”да эса жамиятга ҳукмрон коммунистик мафкурагина эмас, унинг зўравонлик асосига қурилган ҳаракатлари ва ана шундай шароитларда яшашга, ишлашга интилган ва мажбур бўлганларнинг зиддиятларга бой турмушлари акс эттирилди деб қарамоқ тўғри бўлади.

О. Шарафиддиновнинг «Бир нутқ тарихи»¹¹⁶, «Чинорлардан бири эди...» (ЎзАС, 1995, 15.09.), И.Ҳаққуловнинг «Абдулла Қаҳҳор жасорати»¹¹⁷

каби мақола ва эсселарида адиб ижоди билан бир қаторда табиатидаги нозик жихатларга ҳам алоҳида эътибор берилди. Жумладан, «Бир нутқ тарихи» мақоласида Абдулла Қаҳҳорнинг 1956 йили Ёзувчилар уюшмасининг III Пленумида сўзлаган нутқи ва бу нутқ таъсирида адабий жараёнда юзага келган жонланиш, атоқли адибнинг улкан жасорат билан адабий муҳитни соғломлаштиришга қўшган ҳиссаси ёритилади. Муҳими, мақолада А.Қаҳҳор В.Милчаков кирдикорларини фош этибгина қолмай, балки шу орқали шўро тузумининг катагон сиёсати ва комфирканинг зулмкор мафкуравий ғоялари моҳиятини теран англаган ва янги шароитда дилликл билан очиб ташлаган жасоратли шахс сифатида талқин этилди.

И.Ҳаққуловнинг А. Қаҳҳор ҳақидаги асарини ўзига хос гўзал бадна, дейиш мумкин. И.Ҳаққулов Абдулла Қаҳҳорнинг инсоний ҳислатлари, курашчанлиги, ижодий маҳорати ҳақида фикр юритар экан, бу жихатларини бугунги адабиёт муаммолари, унинг ўзига хос хусусиятлари-ю, замонга қараб турланиб турувчи айрим тоифалар қисмати билан боғлаб талқин этади. Шундай бир турланишлар пайтида Абдулла Қаҳҳор шахсияти, унинг мустахкам эътиқоди, эстетик идеали ва ижодий принциплари ўзинини ёрқин намоён этиб турганини таъкидлайди.

Юқоридаги кузатишлардан аён бўлаётирки, XX аср ўзбек реалистик адабиётининг илғор намуналари, гарчи етмиш йилдан зиёдрок даврини ўз ҳукмронлигига олган тоталитар тузум таъйинлари остида яратилган бўлсалар, бу ҳолат унинг мавжуд куч-қудратини инкор этолмайди. Бу адабиёт ҳалқимиз кечмиши, руҳияти, маънавияти, бахтию омадсиз қисматининг ўзига хос бадний кўзгусидир. Шу боис, истиқлол даври танқидчилиги шўро даври ўзбек адабиётини янгиланаётган илмий концепция ва эстетик тамойиллар асосида қайта баҳолашидаги мураккабликлар, зиддиятлар табиий ҳол сифатида баҳоланишни талаб этади.

Адабий танқидда модернизм масалалари. Истиқлол даври танқидининг муҳим жихатларидан бири унинг адабий жараён билан узвий боғланишида кўзга ташланади. Адабий жараёндаги ҳар қандай янгиланиш, бадний изланишлар, янгича бадний-эстетик воқеа-ҳодисалар илмий тафаккурда у ёки бу тарзда акс-садо бериб, ўз ифодасини топа бошлади. Бадний тафаккурдаги эврилишу янгиланишлар адабиёт илми олдига янги-янги илмий ғояларнинг қўйилишига, янги-янги истилоҳ ва тушунчаларнинг истеъмолга киритилишига, мутахассислар орасида оmmалашувига олиб келди. Шу боис, истиқлол даври танқидчилигида «онг акими», «модернизм», «постмодернизм», «абсурдизм», «фрейдизм», «экзистенциализм» сингари истилоҳларнинг фаол қўлланила бошлаши танқид илми методологик тамойилларининг муҳим жихатларидан бири қисобланади.

Бугунги кунда истиқлол даври танқидига қўпгина тушунча ва тамойилларнинг кириб келишини ҳамда уларнинг қўлланишини кузатиш, шу асосда унинг методологик тақомилини кўрсатиш ғоят муҳим

¹¹⁵ Қўчқор Р. Мен билан мунозара қилсангиз. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 68.

¹¹⁶ Шарафиддинов О. Ижодни англаш баҳси. – Т.: Шарқ, 2004. – Б.292-304.

¹¹⁷ Ҳаққул И. Абдулла Қаҳҳор жасорати // Тафаккур. – Т.: 2004. – №2. – Б.28-42.

вазифадир. Бу жихатдан адабий танкиддаги «модернизм» тушунчаси талкини характерлидир.

«Модернизм» атамаси замонавий ўзбек адабий танкидчилигида қўллана бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Аслида, бу тушунча бир асрдан ортик вақт мобайнида жаҳон адабиётшунослиги ва санъатшунослигида фаол ишлатилиб келинаётир ҳамда унинг турли-туман талкинлари, шарҳ ва изоҳлари мавжуд. Бироқ мустақилликкача бўлган ўзбек танкидчилигида модернизмга муносабат билдириб ёзилган мақола ёки бу оқимни тадқиқ этган илмий ишлар учрамайди. Албатта, ушбу ҳолатнинг туб сабаблари бор. Истиқлолгача бўлган ўзбек танкидчилигида «рухсат этилмаган мавзулар»га ёндашиш ҳолати деярли кузатилмайди. Чунончи, шўро даври рус адабиётшунослигида дастлаб кескин танкид этилган «модернизм» атамасига кейинчалик бир қадар бағрикенглик билан ёндашилди, яъни бу тушунчани ҳолис эътироф этишга, шарҳлашга мойиллик пайдо бўлди. Ҳатто айрим тадқиқотларда «модернизм» ва модерничи ғарб ёзувчиларини ашаддий марксчи-ленинчи адабиётшунослар ҳуружидан ҳимоя қилишга уринишлар кузатилди. Бу ўринда биз рус, украин ва бошқа халқлар адабиётларда амалга оширилган тадқиқотларни, хусусан, В.Днепров, Т.Мотилева, Д.В.Затонский, Б.Л.Сучков, Д.Урнов¹¹⁸ сингари таниқли адабиётшуносларнинг ишларидаги модернизмга, ғарблик модерничи адибларга муносабатларни назарда тутмоқдамиз. Бу сингари адабий-танкидий тадқиқотларда, албатта, марксча-ленинча адабиётшунослик методологияси етакчилик қилди. «Модернизм» биринчи галда «чириб бораётган (империализм)нинг тушқун, инкирозга юз тутган» ҳаёт тарзини оқлаш мақсадида олдинга сурилган, буржуа адабиёти ва санъатида туб янгиланиш юз бераётганини даъво қилиб чиқаётганларнинг иддаоси сифатида талқин этилди. Бироқ, аynи пайтда, ўша адабиётшуносларнинг ишларида бир томондан «модернизм»ни кескин рад этиш баробарида у ҳақда айрим изоҳлар, конкрет асарлар ва адиблар ижодининг нисбатан ҳолисроқ таҳлиллари ҳам мавжуд эди. Жумладан, В.Д.Днепровнинг «Черты романа XX века» китобидаги А.Камю, Ф.Кафка ёки М.Пруст асарлари, ижодига доир, Б.Л.Сучковнинг «Лики времени» китобидаги (1-жилд) «Франц Кафка», «Роман и миф» боблари фикримизга далил бўла олади.

Назаримизда, шўро даврида «модернизм»га бўлган муносабатнинг, гарчи умумий тарзда бўлса-да, аниқ таърифни «Улисс» романи муаллифи Жеймс Жойс ҳақидаги шу асарни рус тилига таржима қилган мутаржимлардан бири С.С.Хоружийнинг қуйидаги эътирофида кўрамиз: «Жойснинг Иттифокдаги тарихи (ижодий тарихи – Қ.Қ.) ўта хилма-хил уч

даврига бўлинади: йигирманчи йиллар – тортишув даври; бу даврда китобхонларга айрим бир дастлабки хабарлар берилади; ўттинчи йиллар мафкуравий давр; бу даврда Жойс пролетар сулига тортилади ва унга жиноий ҳукм эълон қилинади; олтиншинчи йиллардан токи тоталитаризм кулагунча бўлган давр – бюрократик давр; бу даврда Жойс «совет миданияти» департаментида лозим қўрилган даражада ҳисобда турди ва қимга лозим қўрилган бўлса, у ҳақида ўша ёзди, албатта, нима ёзиш кераклиги лозим қўрилган бўлса»¹¹⁹. Машҳур таржимоннинг ушбу эътирофи нафакат Ж.Жойсга, балки умуман модернизм адабиётига собик совет тузуми мафкурасининг ўта расмий ва кескин таъқиққа асосланган «адабий муносабатини» ифода қилади. Ушбу нуқтаи назар ҳам шўро даврида «модернизм» масаласи қай даражада танкидчилар учун қалтис мавзуга айлантирилганини тасдиқлайди.

Биз мазкур ўринда «модернизм» тушунчаси, умуман, модернизм адабиётига собик шўро даври рус адабиётшунослигида билдирилган муносабатларга эътибор қаратганимизнинг боиси шундаки, истиқлол даври ўзбек танкидчилигида билдирилган ilk муносабатлар учун айнан ўша тадқиқотлар муайян маънода «манба» вазифасини ўтаган. Гарчи тадқиқотлардаги марксча-ленинча нуқтаи назардан туриб билдирилган фикр-мулоҳазалар тўғри маънода «тушириб қолдирилиб», нисбатан ҳолис ёндашувлар, яъни маълумотлар, изоҳ ва шарҳлардан фойдаланилган бўлса-да, барибир ўша манбаларга таянилганини инкор этиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, аynи шу инерциянинг, муайян маънода, бугун ҳам адабий жараёнда баъзан бўй кўрсатиб тургани сир эмас. Ҳ.Болтабоевнинг адабиётшунос У. Норматов билан суҳбатида таъкидлаган ушбу сўзлари фикримизни тасдиқлайди: «Модерн» истилоҳи, мана, 110 йилдан бери ўз аҳамиятини йўқотмагани ҳаммага қандай аён. Бу ҳолатни кўриб туриб билмаслик нафакат адабиёт назариясини, балки янги ва гўзал асарлар яратилишидек адабий жараён амалиётининг ҳам торайишига олиб келиши мумкин. Ўзининг ажойиб асарлари билан социализм инверциясини рад этган устоз адибларнинг модерни адабиётни ҳушламаслиги ҳақидаги ёзувларини ижоддаги самимият белгиси деб ҳисоблаб бўлмайди»¹²⁰.

Шубҳасиз, истиқлол берган имконият ўзбек танкидчилиги йўлини очиб қўйди, эндиликда жаҳон адабий жараёнига уйғунлашув эмин-эркин амалга оша бошлади. Ҳ.Болтабоев тўғри таъкидлаганидек, «110 йилдан бери ўз аҳамиятини йўқотмаган» модернизм адабиётини, кенг маънода, XIX аср охири ва XX аср давомида жаҳон адабиёти саҳнасида кечган бидний жараёнларни тушуниш ва тушунтиришга уриниш ўзбек адабий танкидчилигининг долзарб мавзуларидан бирига айланди. Бошқа томондан бу вазифага қиришини адабий жараёнда юзага келган янги услубдаги

¹¹⁸ Днепров В. Черты романа XX века. – М.-Л.: Советский писатель, 1965; Мотилева Т. Зарубежный роман сегодня. – М.: Советский писатель, 1966; Затонский Д. В. Франц Кафка и проблемы модернизма. – М.: Высшая школа, 1965; Сучков Б. Лики времени. 1-2 том. – М.: Художественная литература, 1976; Урнов Д. Портрет Дж. Джойса – писателя и «пророка». // Знания. – М., 1965. – № 4.

¹¹⁹ Хоружий С.С. «Улисс» в русском зеркале // Джойс Джойс. – М.: Знаменитая Книга, 1994. Т.3. – С. 567.

¹²⁰ Норматов У., Болтабоев Ҳ. Янги назарий тамойиллар // Жаҳон адабиёти. – Т.: 2008. – №3. – Б. 154.

турли жанрларга мансуб асарлар талқини ва тадқиқи ҳам таказо эта бошлади.

Чунончи, адабиётшунос У.Норматов истиклолнинг илк йилларида эълон қилган «Умидбахш тамойиллар» сарлавҳали мақоласида ўзбек адабиётида кечаётган янгиланиш ва ўзгаришларга эътибор қаратади. Мустақилликнинг илк даври танқидчилиги учун характерли бўлган ушбу мақолада бир неча эътиборталаб нукталар мавжуд. Чунончи, танқидчи шахсни фақат ижтимоий муносабатлар махсули сифатида тасвирламайдиган, балки илоҳий, табиий, сирли-сехрли мавжудот тарзида кўрсатувчи асарлар яратилаётганини таъкидларкан, айни шу нуктада танқиднинг марксча-ленинча эстетик асослари инкор этилаётганини ва бу ижобий ҳол эканини айтиш жоиз. Зотан, «инсон–ижтимоий муносабатлар мажмуи», деган марксча сохта ғоянинг, адабиётни умумпролетар машинасининг бир винтчаси сифатида талқин этган ленинча мафкуранинг асосий тамойиллари ўз таъсирини буткул йўқотгани, ўзбек танқидчилиги янги ўзгаришлар, янгиланишлар палласига кириб келаётгани бу каби мақолаларнинг етакчи пафосини ташкил этган. Шунингдек, «экзистенциализм», «абсурд» сингари модернизм адабиёти оқимларига ҳолис муносабат танқидчиликдаги изланишлар умумжаҳон адабий жараёни билан уйғунлашаётганидан далолат беради.

Истиклол даври танқиди такомил тадрижини кузатганда, дастлаб умумий талқинларга асосланган мақолалардан ташқари, модернизм адабиётининг оқимлари, адабий-бадний усуллари, восита ва услублари билан боғлиқ айрим тушунчаларига изоҳ беришга интилишлар ҳам кузатилади. Хусусан, тадқиқотчи Т. Жўраевнинг «Онг оқими ва тасвирийлик» мавзусидаги тадқиқотида модернизмнинг туб адабий усули – «онг оқими»нинг мазмун-моҳияти таҳлиliga эътибор қаратилган.

Мазкур тадқиқотда ўтган асрнинг 80-йиллари ўзбек насрида юзага келган айрим янгиланишлар, хусусан, М.Мухаммад Дўст, Ғ.Ҳотамов, О.Отаҳон сингари ёзувчиларнинг «Полазор», «Азал ва абад», «Адоксиз кўчалар» сингари асарларида модернизм адабиётига ҳос «онг оқими» услубининг намоён бўлиши тадқиқ этилади.

Бугунга келиб модернизм адабиёти намуналари, хусусан, Ж.Жойс асарлари она тилимизга таржима қилиниб, ўзбек китобхонага етказилаётган бир пайтда «онг оқими» сингари атамаларни имкон қадар теранроқ шарҳлаб бериш лозим. Чунки «Улисс» каби ўта мураккаб асарлар ўқувчилардан XX аср ғарб адабиётида пайдо бўлган ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгича изланишлар, адабий тажрибалар моҳиятидан пухта хабардор бўлишни таказо этадики, бу ўзбек танқидчилиги олдидан турган долзарб вазифалар сирасидандир.

Т.Жўраев тадқиқотида «ички монолог» ва «онг оқими» тушунчалари деярли бир хил маънода келади. Ваҳоланки, классик реализмда, хусусан, Л.Толстой ижодида ўзининг имкониятини тўла намоён этган «ички

монолог» усули «онг оқимидан» тамоман фарқ қилади. Масалан, буни биз, Жеймс Жойснинг «Навқирон санъаткорнинг сийрати»¹²¹ романи қаҳрамони Стивен Дедалус образида кузатишимиз мумкин.

«Онг оқими» тушунчасига ўзбек танқидчилигидаги кейинги чиқишларда бир қадар ойдинлик киритилди. Танқидчи А.Отабой «Онг оқими» сарлавҳали мақола ёзди. А.Отабой реалистик адабиётдаги «ички монолог»дан фарқли ўлароқ модернистик адабиётдаги «онг оқими»нинг етакчи хусусиятини адабий қаҳрамонларнинг фикрлаш тарзидаги ўзига ҳосликда, деб билади.

Аксарият тадқиқотларда Ж.Жойснинг «Улисс» романи якуний қисмидаги, қарийб уч босма табақдан иборат, бирор-бир тиниш белгиларсиз келадиган ёш жувон Мэрион Булумнинг интим ўй-хаёллари оқими «онг оқими»нинг классик намунаси сифатида таҳлил этилади. Модернизмга ҳос бу адабий усулнинг аҳамияти одам зотиға ҳос иллатларни унинг онг остида кечадиган жараёнларни ишонарли тарзда ифодалаш, муаллифнинг «иштирокисиз», ташқи таъсирлардан холи тарзда тасвирлашда экани айтилиб, моҳиятан эса, инсоний ҳис-туйғуларни инстинктларнинг натижаси, оқибати сифатида кўрсатишдан иборатлиги таъкидланади¹²².

Демак, бундай қарашлардан келиб чиқадиган ҳулоса шуки, «онг оқими» тушунчаси ҳам шубҳасиз, муайян ғояни, мақсадни, муаллифнинг оламга, одамга, унинг моҳиятига бўлган тушқун муносабатини ифодалайди. Ўзбек танқидчилигида ушбу ва, умуман, модернизм адабиётига доир атамалар, тушунчалар ҳали теран тадқиқ этилмагани боис, бу каби тўла-тўқис шарҳланмаган талқинлар ҳам учрайди.

90-йиллар танқидчилигида «модернизм» тушунчасини англаш ва унинг ўзбек насри ва шеърлятидаги кўринишларига муносабат қатъийлаша борди. Бу пайтга келиб, биз юқорида кузатган, «онг оқими» атамаси атрофида кейинчалик баҳс-мунозара деярли юритилмади ва асосий эътибор «модернизм» атамаси талқинлари, мазмун-моҳияти мавзусида кечди. Бу масаладаги дастлабки чиқишлардан бўлган «Модернизмни қандай тушунамиз» (ЎЗАС, 1995, 6.10.) сарлавҳали мақола адабий жамоатчиликда қатта қизиқиш уйғотди. Унга муносабат билдириб ёзилган «акс-садо»ларда модернизмнинг ғоявий-эстетик тамойиллари, бу йўналишда ўзбек адабиётдаги илк изланишлар тилга олинди. Б.Рўзимухаммад ўзининг «модернизмни қандай тушуниши»ни баён этаркан¹²³, XX аср ғарб шоирлари ўз шеърларида анъанавий тасвир усуллари ўрнига кино санъати, тасвирий ва ҳайкалтарошлик санъатларига ҳос воситалардан унумли фойдаланишганини таъкидлаб, бундан кузатилган «Мақсад Сўзни кўриш ва кўрсатиш» эканини тўғри

¹²¹ Жойс Ж. Навқирон санъаткорнинг сийрати // Жаҳон адабиёти. – Т., 2007. – № 2-4.

¹²² Бу ҳақда қarang: Жўраев Т. Онг оқими ва модер. – Т., 2008.

¹²³ Рўзимухаммад Б. // ЎЗАС. – Т., 1996. – 2 феврал.

таъкидлайди. Шунингдек, муаллиф модерн асарларига хавас ўзбек адабиётида XX аср аввалида пайдо бўлганини, «модернизмнинг олтин даври»да Ойбек модернчи шоир Эмил Верхарн шеърларидан, Мақсуд Шайхзода француз символистларидан таъсирланганини ёзади.

Булардан кўриниб турибдики, «модернизмни қандай тушуниш» масаласи ўтган асрнинг 90-йилларидагина эмас, аслида ўша асрнинг бошларидаёқ ўзбек адабиётининг долзарб масалаларидан бўлган. Бироқ кейинчалик аср бошидаги илк изланишлар тамоман тўхтаб қолди, жадид адабиёти ҳам катагонга учради ва жаҳон адабиётидаги етакчи тенденциялардан бири модернизм билан нафакат шуғулланиш, балки бу оқимга оид асарларни топиб ўқиш имконияти ҳам чекланди. Фақат 90-йилларга келиб, истиклол шарофати туфайли, бунга имкон туғилди. Дарҳақиқат, биз юқорида тилга олган «Модернизмни қандай тушунамиз» деган масала қайта кун тартибига киритилганига қадар орадан қарийб чоракам бир аср вақт ўтди. Айни чоғда, ҳаммасини бошидан, яъни баъзи тушунча, терминларга, оқим, адабий усул, воситаларга шарҳ ва изоҳлар беришдан бошлаш лозим эди ва шундай бўлди ҳам. Жумладан, «ЎЗАС» газетасида «Истилохлар» рукнида берилган «Модернизм» сарлавҳали мухтасар шарҳда модернизмнинг луғавий маъноси, пайдо бўлиши, мазмуни, унинг «декаданс», «авангард» атамалари билан боғлиқ жиҳатлари ҳамда туб фарқли хусусиятлари ва бошқа томонлари қисқа баён этилган. Ушбу шарҳ муаллифи А.Отабой «модернизм»нинг умумий нукталарига қисқа-қисқа изоҳ бериб ўтган бўлса-да, принципда бу атама ҳақида даслабки зарур маълумотларни баён этган. Жумладан, мунаққид «декадент» ва «модерн» атамалари ўртасидаги фарқни изоҳларкан, «модерн» санъатини яратишга киришганлар «декадент»лар каби ўзларидан олдин ўтган бадий оқимлар билан алоқада бўлмаганини, балки боғлиқликдан тамоман воз кечиш ҳисобига «модерн» асарлар яратишга эришганини айтиб шундай ёзади: «Шу боисдан ҳам, «модерн»ни «энг янги», «замонавий»дан кўра кенгрок маънода, буткул янги, ғайрианъанавий, олдингилардан фарқли ҳодиса сифатида олиб қараш ўринли» (ЎЗАС, 1996, 2.02.). Бу каби атамага доир дастлабки талкилар, қолаверса, «модернизм»га кенг маънода адабий танқидчиликда берилган таърифлар, муайян маънода, жаҳон адабиётшунослигида мазкур мавзудаги тадқиқотларга ҳамоханг.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, XX аср 70-80-йилларида, собик иттифок даври рус адабиётшунослигида, санъатшунослигида «модернизм» билан боғлиқ амалга оширилган тадқиқотлардаги айрим кузатишлар ўзбек танқидчилигида ушбу мавзудаги илк изланишларга ўзига хос туртки берган, муайян маънода, таъсирини ҳам ўтказган. Жумладан, Д.Затонский «модернизм» атамасига тўхталиб шундай ёзади: «Модернизм» термини, юқорида айтганимдек, эҳтимол, муваффақиятли топилган атама эмасдир. Бироқ, бу терминсиз – бошқаси йўқлиги туфайли, – афтидан, иш юритиб

бўлмайди, магарки, XX аср ғарб санъатида нималар рўй бераётганини билмокчи бўлсанг. Зеро, ушбу термин билан аниқлик киритилган воқеа мавжуддир...»¹²⁴.

«Модернизм» атамасига оид бу каби талкилар ўз вақтида модернизм адабиёти ва санъатини тушунишга, унинг «замонавий», «янги» адабиётдан, санъатдан фарқли жиҳатларини англаб етишга имконият яратган эди. 90-йиллар охири – XXI асрнинг илк йилларида ўзбек адабий танқидчилигида ушбу атама борасида гарчи алоҳида тадқиқотлар амалга оширилмаган бўлса-да, умуман, модернизм адабиёти, унинг гоёвий-эстетик хусусиятлари, ўзбек адабиётидаги айрим намуналари атрофида фикр алмашувлар, баъзан баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Шу муносабат билан айтиш лозимки, «модернизм» тушунчасининг бу тарзда танқидчилик кун тартибига қўйилишига, биринчидан, жаҳон адабий жараёнига кизиқишдан бўлса, иккинчидан ва асосий сабаб адабиётимизда турли жанрларда янгилаш ва услубларда яратилаётган асарлар тахлили ва талқини зарурати эди. Бу заруратни адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов шундай изоҳлайди: «Бизнинг адабиётимизда 80-йиллардан бошлаб «очик матнли» мураккаб асарлар яратила бошланди. Мен бу ўринда Мурод Мухаммад Дўст, Тоғай Мурод, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул насрини, Рауф Парфи, Йўлдош Эшбек, Чўлпон Эргаш, А.Қутбиддин, Фахриёр назмини назарда тутяпман. Лекин ҳозирги ўзбек танқидчилигида бундай асарлар талқини Н.Раҳимжонов, Б.Акрамов, Қ.Йўлдошев, А.Отабой, В.Рўзимухаммад, У.Ҳамдамовларнинг айрим мақолаларида кўзга ташланаяпти, холос»¹²⁵.

Замонавий ўзбек насри, хусусан, ёшлар прозаси муаммоларига бағишланган дастлабки мунозарага атоқли адиб Шукур Холмирзаевнинг «Кечирасиз, жаноб Карпентер, вақтим зикрок» (ЎЗАС, 2000, 27.07.) сарлавҳали мақоласи туртки берди. Унда бугунги насримиздаги етакчи анъанавий реалистик услуб билан бирга модерн услубида ҳам асарлар яратилаётгани қайд этилади. Муаллиф ёш ёзувчиларнинг қисса ва хикояларига эътиборини қаратади. Реалистик услуб имкониятларини юқори баҳолаган ҳолда, «модерн» услубида яратилаётган асарларга ҳам қолис баҳо беришга ҳаракат қилади. Жумладан, у ёзувчи Ш.Ҳамроевнинг қисса ва хикоялари ҳақида гапириб, улар «...менинг реалистик усулимдан минг чакирим нарида, кўпроқ хаёлга, хаёлниң ҳам пинҳоний ўйинларига қурилган ва дафъатан кишига беўхшов бўлиб туйилса-да, сиз унга «шоҳонасиз», – деб ёзади.

Ш.Холмирзаевнинг катта баҳс-мунозарага туртки берган мақоласи адабий танқид олдига бир талай долзарб масалаларни қўйди. Ёшлар насридаги «ғалати» тажрибаларнинг илдизлари қаерда; насрдаги янгилашларда адабий таъсир, тақлиднинг қанчалик «хизмати» бор; янги

¹²⁴ Затонский Д. В наше время // Книга о зарубежных литературах XX века. – М. Сов. писатель, 1979. – С. 51.

¹²⁵ Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Т.: Фан, 2006. – Б. 109.

наsr намуналарига қандай мезонлардан келиб чиқиб ёндашмоқ лозим; модерн услубидаги асарларда усул, тил масалаларига янгича ёндашишнинг йўллари қандай; ушбу йўналишдаги асарлар миллий воқеликка қанчалик мос ёки бу асарлар модернизмга ҳос универсаллик билан уйғунми ва ҳоказо.

Хуллас, бу баҳс мақоладан кейин бир канча чиқишлар бўлди. Жумладан, ёш носирлар иштирокидаги «Ёшлар насри ўз йўлидан боради» (ЎзАС, 2000, 4.08.) сарлавҳаси остида берилган «Давра суҳбатига», Б.Рўзимухаммаднинг «Ҳаёт тажрибалари ва ҳаёл чигириклари» (ЎзАС, 2000, 11.08.), С.Мелининг «Асл адабиёт–эзгуликка хизмат» (« (ЎзАС, 2000, 18.08.), Ҳ.Карвонлининг «Икки йўл синтези» (« (ЎзАС, 2000, 11.08.), У.Жўрақуловнинг «Асл адабиётнинг нашъу-намоси» (« (ЎзАС, 2000, 27.10.) ҳамда У.Ҳамдамнинг «Турфа ранглар уйғунлиги» (« (ЎзАС, 2000, 29.09.) мақолаларида «модернизм» атамаси, модерн адабиёти ва унинг ўзбек адабиётида кўринаётган айрим намуналари агрофида мунозарали, турли хил фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Гарчи бу чиқишларда «модернизм»нинг пайдо бўлиши, унинг туб моҳияти, модернизм адабиётининг етакчи фалсафий асослари, ғоявий-бадий концепцияси, услублари ва тасвир воситалари ҳақида теран таҳлилга асосланган ҳулосалар айтилмаган бўлса-да, улардаги адабий жараёндаги янгилашни, ўзгаришга хайрихоҳлик ва, айни пайтда, танқидий қарашлар, жаҳон адабиёти тажрибаларига ҳавас ва уларни тушунишга уриниш адабий танқидчиликдаги ўзига ҳос ижобий тенденция сифатида эътиборга молик.

Бу каби эътирофлар модерн адабиётга ҳос хусусиятларни кўрсатишдан кўра, бу адабиётни ҳимоя қилишдек таассурот қолдиради ва айни ўринларда уни реалистик адабиётдан устун, деган фикр уйғотади. Б.Рўзимухаммад модерн адабиёти намуналарини реалистик адабиёт мезонлари билан баҳолаб бўлмаслигини тўғри таъкидлайди. Бирок, ўзи танқиддан ҳимоя этаётган модерн адабиётининг тил, тасвир, бадий воситалар билан қай даражада уйғунлигини ва бу уйғунликдаги модерн адабиётга ҳос мутлақо янгича бадий талқинлар моҳиятини очиб кўрсатмайди. Ваҳоланки, Ш.Холмирзаев ўз мақоласида модерн адабиётининг айни шу хусусиятларига ишора қилган эди: «...руҳ йўлидаги адабларимизда ТИЛ чаток. Тўғри, улардаги мазмуннинг ўзи мураккаб ва алоҳида тасвир воситаларини, янгича жумла қурилишларини, мавҳумиятни бордек кўрсатиш учун шунга мувофиқ тил лозим. Аммо барибир... улар тил йўриғида оксашлари устига, жиддий ишламаётирлар ҳам. Ишонмасангиз – ихтиёр ўзингизда, у модерни муаллифлар кўпинча тиниш белгиларини ҳам ўз ўрнида ишлатмайдилар... Бу борада реалистик йўлдаги адабларнинг ютуғи кўп. Балки бу борада тилимизга роса ишлов берилганидир...».

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўзбек адабий танқидчилиги учун модернизм адабиёти поэтикаси мутлақо янги, тадқиқотчиларини қутиб

турган долзарб мавзудир. Ушбу мавзу тадқиқ қилинмагани, бу борада модерн адабиёти намуналари борасида етарли маълумотларга эга бўлинмагани боис, юқоридаги муаллифларнинг ўзаро баҳсларида улар мунозарага киришаётган муаммолар моҳияти очилмай қолган. Зеро, модерн адабиётининг ўзига ҳослиги, асосан, бу йўналишдаги асарлар матни, тили, услуби билан жуда ҳам боғлиқдир.

С.С.Хоружий ёзади: «Модернизм... бу услубга беҳад ишонч, услубга сиғиниш, услубнинг мистикаси ва мифологияси»¹²⁶.

Таъкидлаш жоизки, «модернизм» тушунчасига, умуман, модернизм йўналишидаги адабиётга, ниҳоят, жаҳон адабиётида бу оқим пайдо бўлганидан кейин бир асрдан кўпроқ вақт ўтиб, ўзбек танқидчилиги ошқора эътибор қаратаётганининг ўзи ижобий ҳол. Ваҳоланки, «Шўро адабий сиёсати модернизмни ҳушламай қарши олишига қарамай, рус ва бошқа миллий адабиётлар, жумладан, ўзбек адабиётида 20-йиллардаёқ бу тамойил бўй кўрсата бошлади, бир оз нўноқлик билан уч берган футуризм даврининг суръатини яратувчилик меҳнатини олқишлаш тарзида социалистик ғояларга уйғунлашган ҳолда хийла кенг тарқалди. Чуқур миллий илдизга – тасаввуф фалсафасига бориб тақаладиган «рамзчилик» замонавий символизм тажрибалари билан туташган ҳолда эрк-озодлик туйғу-ғояларини ифодаловчи жиддий адабий тамойилга айланди, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Боту, Ойбек шеърияти бунинг ёркин далили. Илм-фанда, масалан, Фитрат, Абдурахмон Саъдий асарларида модернистик истилоҳлар ва уларнинг шарҳ талқинлари майдонга келди»¹²⁷.

У.Норматовнинг ушбу эътирофидан яққол кўриниб турибдики, «модернизм» атамаси ўзбек адабиётшунослиги, бадий адабиётимиз тарихида янги ҳодиса эмас. Фақат ўтган асрнинг 20-йилларидан кейин бу атамани тилга олиш, мазкур оқимга муносабат билдириш чеклаб қўйилди. Бирок, модернизм тажрибаларидан ўрганиш яқин ўтмишда, ҳусусан, 70-йилларда яна жонланди¹²⁸. Эндиликда истиқлол туфайли бадий ижодда ҳам, адабий танқидда ҳам ушбу оқимнинг моҳияти, шакли, фалсафаси, бадий хусусиятларига кизиқиш қайта жонланиб, изчил изланишлар, баҳс-мунозаралар давом этаётир. Қизғин кечган бу баҳс давомида танқидчи ва ижодкорлар асосан икки гуруҳга бўлинишганини, айрим мунаққидлар модерн адабиётни ёқлаб, ҳимоя қилиб чиқишган бўлса, бошқалари эса реализм тарафдорлари сифатида модернизм оқимининг эътироф этинди. Шунингдек, бу икки йўналишга ҳос етакчи хусусиятларни умумлаштириб, модернизм адабиётга ҳос айрим жиҳатларнинг ижобий таъсирини ёқлаб чиққанлар ҳам бўлди. Бу жиҳат газетада эълон қилинган «Ёшлар насри ўз йўлидан боради» (ЎзАС, 2000, 4.08.) сарлавҳали давра

¹²⁶ Хоружий С.С. «Улисс» в русском зеркале // Жойс Ж. «Улисс». – М.: Знаменитая книга, 1994. Т.3. – С. 405.

¹²⁷ Норматов У., Болтабоев Ҳ. Янги назарий тамойиллар // Жаҳон адабиёти. – Т. 2008. № 3. – Б. 155.

¹²⁸ Ушбу мабда. – Б. 155.

сухбатида қисман намоён бўлди. Сухбат иштирокчилари Н. Эшонкул, И. Султон, Ш.Бўтаев, С.Вафо сингари ижодкорлар бугунги ўзбек насри истикболи, унда кечаётган янгиланиш тамойиллари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Юқоридаги келтирилган таъриф ва талқинлардан, умуман, «модернизм» тушунчасига ва модернизм адабиёти таҳлилига бағишланган тадқиқотлардан шундай тўғри хулосага келиш мумкин: «модернизм жўн ҳодиса эмас...» (О.Шарафиддинов). Зеро, жаҳон адабиётида бу йўналишнинг пайдо бўлиши, мунаққидлар ҳақли равишда таъкидлаганидек, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Ғарбда юзага келган глобал маънавий инқироз билан боғлиқ. Қолаверса, реализм методига ўз имкониятларини ҳар жиҳатдан ишлатиб бўлган, деган субъектив қараш оқибатида янгича услуб ва воситалар орқалигина янги дунёвий ҳодисаларнинг ҳаққоний бадий талқинини бериш мумкин, деб ҳисоблаш модернизмни пайдо қилган асосий омиллардир. Ушбу ташки ва ички омилларни ҳисобга олмай туриб модернизмни даб-дурустдан инкор этиш мумкин эмас.

Ишонч билан айтиш мумкинки, модернизм ҳодисасига ўзбек танқидчилигида, дастлабки уринишлардаёқ, тушуниб ёндашиш, тушунишга интилиш аниқ сезилиб туради. Жумладан, адабиётшунос С. Мели ўз мақоласида модернизмнинг пайдо бўлган даври ва манбалари, унинг юзага келишига туртки бўлган омиллар – ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида маълумот бериб, бу адабий ҳодиса XIX аср охири – XX аср бошларида Ғарб дунёсида рўй берган маънавий инқирознинг адабиёт ва санъатдаги акс-садоси, дейди. У «Орзу имкондан катта» («ЎЗАС, 2003, 3.01.), сарлавхали сухбатида ҳам «модернизм» атамасининг лугавий маъносини тўғри шарҳлайди ҳамда «ўзига хос янги (ўз пайти учун, албатта) бадий тасвир усуллари билан бошқа ижодий методлардан фаркланадиган адабий оқим» эканини таъкидлайди. Айни пайтда олим олдинги қарашларини янада аниқлаштириб, модернизм адабиётига «аллақачон эскирган (модернизм бўлмай қолган) ва бадий йўл, метод сифатида бадият тарихида бор-йўғи бир тажриба экан»ини, «Модернизм-таназзул маҳсули» ва шу боис, «бундай усулда ёзилган асарларга маҳлиё бўлиш» «жиддий илмга ёт», деган қарашларини яна бир бор такрорлайди.

Албатта, С.Мелининг ушбу хулосаларида баҳсли нукталар ҳам йўқ эмас. Бироқ масалага илмий ёндашув С.Мели мақоласининг асосий хусусияти эканлигини таъкидлаш лозим.

«Турфа ранглар уйғунлиги», мақоласида У.Ҳамдам бадий методлар моҳиятини очишга ҳаракат қиларкан, реализмнинг моҳияти ҳаётни ҳаққоний акс эттириш бўлса, модернизм инсон ички дунёсини янгича йўлларда тасвирлашдир, шу боис, ҳар иккала йўналиш ҳам ижодда бирдек аҳамиятли ва ҳеч қачон эскирмайди, дейди. Муаллиф яна бир масалага эътиборни қаратади: қайси «изм»га мансублигидан қатъи назар, бадий асар замирида ҳаёт моҳияти ётмас экан, у чинакам бадият намунаси

бўлолмайди. Мақолада Сувон Мели фикрларига аниқлик киритиб, модернизм инсон ботинини кашф қилар экан, ҳеч қачон эскирмайди, деган хулоса айтилади: «Демак, «модернизм эскирди», деганда адабиётшунос С.Мели XX аср мобайнида Ғарбда жамиятнинг турлича қайфиятларини ифода қилган модернизмнинг қисмларини – экспрессионизм, дадаизм, сюрреализм, кубизм, абстракционизм ва ҳоказоларнинг ортик етакчи оқимлар эмаслигини назарда тутган десак, ҳар ҳолда ҳақиқатга тўғри келади» (ЎЗАС, 2000, 29.09.).

Мунозара иштирокчилари ғарб модернизмга хос хусусиятларни бус-бутинича бугунги ўзбек насрига қўллаш жонми, деган масалани ҳам ўртага ташлашган. У.Жўрақулов бугунги ўзбек насрида, умуман олганда эса, ўзбек ёзувчиларининг модернистик йўналишдаги асарларида ғарб модернизмга хос тушқунлик, умидсизлик қайфиятлари йўқ, деб ҳисоблайди ва бу фикрини Ш. Ҳамронинг «Қора кун», И. Султоннинг «Манзил» асарлари таҳлили билан асослайди. Шунингдек, у Ш.Холмирзаевнинг ёшлар насрида «тил чаток»лиги масаласида айтган танқидий мулоҳазаларига эътироз билдиради: «Хурматли ёзувчиларимизнинг тиниш белгилари борасидаги фикри ҳам бахсталаб. Фақат руҳий ҳолатларни ифода этувчи адабиётнинг мавжудлиги рост бўлса, бу фикр қатъи ўзини оқламайди. Чунки руҳий ҳолат моддий дунёда, яъни зоҳирда эмас, ботинда кечади ва ҳеч қим, ўта аниқ фикрлаётганда ҳам бу жараёнда тиниш белгиларга эҳтиёж сезмайди» (ЎЗАС, 2000, 27.10.).

Албатта, «модернизм» атамасига муносабат мунозара иштирокчилари диққат марказида бўлди. Жумладан, Б.Рўзимухаммаднинг «Постмодернизмни нима деймиз? Ёхуд тақлидми-таъсирланиш» мақоласида Б. Саримсоков билан мунозарага киришиб, шундай ёзади: «Хўп майли. «Модернизм»ни «янги адабиёт» дейлик. Унда постмодернизмни нима деймиз? «янги адабиёт ўрнига келган мутлақо ўзгача адабиёт» деймизми? Чўзилиб кетмайдими? Шеърятимизда постмодернизм ҳам қуртак ёзмоқда» (ЎЗАС, 2004, 27.02.). Кўриниб турибдики, Б.Рўзимухаммад ҳар бир терминни фақат лугавий маъносидан эмас, балки моҳиятини очувчи маъно-мазмун билан яхлит қабул қилиш тарафдори. Айни чоғда, муаллиф адабий таъсир масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиб, бугунги ўзбек ижодкорлари жаҳон модерн адабиётидан таъсирланса, бунга фақат ижобий ҳодиса сифатида ёндашиш лозимлигини таъкидлайди. О.Шарафиддиновнинг «Модернизм жўн ҳодиса эмас...» (ЎЗАС, 2002, 7.06.) сарлавхали сухбати, айтиш мумкинки, модернизм адабиётига бағишланган мазкур баҳснинг биринчи босқичига ўзига хос яқун ясади.

Мунаққид узоқ йиллар шўро мафкураси адабиётда кўпрангликни тан олмай, фақат социалистик реализм қолипида асар яратиш талабини қўйиб келгани боис, адабиётимиз турли хил поэтик изланишлардан бебаҳра қолди. Шу туфайли бугунги кунда кечаётган бундай изланишлар

жараёнига багрикенглик билан қараш керак. Аммо мунаққид фикрича, «...изланишлар бобида эҳтиёт бўлмоқ керак, негаки, янги нарсга ҳамма вақт ҳам янгилиги учунгина яхши бўлавермайди, шунингдек, эски нарсани факат эскилиги учун «пуф сассию»га чиқариш мумкин эмас»¹²⁹. Олим таъкидлашича, баъзан киноя, баъзан кесатик билан тилга олинаётган реализм ҳали унча эскириб қолгани йўқ. Ҳали ўзбек адабиётида унинг очилмаган имкониятлари кўп. Демак, «модернизм» тушунчаси талқини адабий танқиднинг муҳим илмий концепцияларидан бирига айланади. Модернизм ҳақидаги баҳснинг биз шартли равишда белгилаётган биринчи тўлқини шундан далолат беради.

Адабий танқиднинг кейинги фаолиятида мазкур баҳс-мунозаралар доираси кенгайиб, модернизм йўналишига мансуб оқимларнинг фалсафий, ижтимоий, эстетик моҳиятини талқин этишга қаратила бошланди. Шубҳасиз, ушбу мавзудаги дастлабки чиқишлар айрим камчиликлардан, яъни модернизм оқимларига юзаки таърифлар беришдан, ўзбек адабиётида яратилган айрим асарларни ана шу оқимларга зўрма-зўраки боғлашга уринишлардан холи бўлмаган эса-да, моҳиятан айтиш шунки ҳаракатлар танқидчилик тамойилларида зимдан янгиланиш жараёни бошланганини кўрсатади.

Истиклол туфайли қўлга киритилган ижод эркинлиги ўзбек адабиёти-ни жаҳон адабиётида кечган ва кечаётган жараёнларга уйғунлашиш имконини яратди. Мустақилликнинг илк босқичида яратилган асарларни адабий танқид жаҳон адабиёти контекстида тадқиқ қилишга киришилди.

Жаҳон адабиётшунослигида «абсурд адабиёт», «абсурд санъат», «абсурд қаҳрамон» тушунчалари ўтган асрнинг 40-йилларининг бошида француз адиби А.Камюнинг «Бегона» романи яратилиши билан юзага келган. Француз адиби ва адабиётшуноси, файласуф Ж.П.Сартрнинг «Бегона» романи муносабати билан ёзган ««Бегона»ни тушунириш» сарлавҳали мақоласи «экзистенциализм манифести», дея таърифланди, француз адабиётида экзистенциализм мавқеининг мустаҳкамланишига хизмат қилди. 50-йилларда Францияда пайдо бўлган янги театр йўналиши эса абсурд санъати, дея ном олди. Абсурд драматургиясига оид пьесалар ғарбдаги кўплаб мамлакатлар сахналарида намойиш этилди.

А.Камюнинг «Бегона» романи қаҳрамони ҳақида сўз юритиб Ж.П.Сартр шундай ёзади: «Унинг қаҳрамони яхши ҳам, ёмон ҳам эмас, маънавияти бой ҳам эмас, маънавиятсиз ҳам эмас. У ҳақида бундай тушунчаларга таяниб муҳокама юритиб бўлмайди: у мутлақо бошқа бир зотга мансубки, бунга ёзувчи абсурд сўзи билан аниқлик киритади. Бироқ бу ибора жаноб Камюнинг калами остида бутунлай бошқа-бошқа икки хил маъно касб этган: абсурд – айти пайтда нарсга-ходисаларнинг айрим одамлар аниқ англаган моҳияти»¹³⁰.

Юкоридаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган айрим иқтибосларни умумлаштириб айтиш жоизки, «модернизм – жўн ҳодиса эмас...» (Озод Шарафиддинов), деган ҳақиқатга қанчалик ишонсак, модернизмнинг бир оқими сифатида кўриладиган абсурд адабиётга ҳам рўй берган, мавжуд эстетик-бадий ҳодиса сифатида қарамок қозим. Тушқун дунёқарашни акс эттирган концепцияга асосланган абсурд асарлар азалдан ғарб адабиёти ва санъатида, фалсафасида мавжуд бўлган эзгин қайфиятдаги қаҳрамонлар ҳолатлари, умидсиз ўй-хаёлларини XX асрга келиб реаллаштирди.

Чунончи, биз А.Камюнинг «Бегона» романи борасида Ж.П.Сартр билдирган фикрларда кузатганимиздек, абсурд оқимга мансуб асарда мултиф бирор-бир тарихий шароит, вазият оқибатида эмас, балки инсон киёмати азалдан чорасиз, одамнинг ўзи ўлимга маҳкум ва бу ҳақиқатлар қаринсисида у ожиз, деган принципга асосланганини кузатамиз. «Бегона» қаҳрамони Мерсонинг чорасизлиги унинг мутлақо озодлигида – жамиятга, динга, ўзига ва бошқаларга нисбатан ҳеч қандай масъулиятга эга эмаслигида. Айтиш шунки асар услубини ҳам белгилайди. Умуман, реалистик методдан услубан буткул фарқ қиладиган абсурд адабиёти намуналари тарихий конкретликдан, ҳаётини реал мантиқдан холи. Улардаги воқеа-ҳодисалар бирор-бир давр билан боғланмайди.

У.Норматовнинг «Умидбахш тамойиллар» сарлавҳали мақоласида 90-йиллар бошидаги ўзбек насрида етакчилик қилган тенденциялар ҳақида сўз юритилиб, анъанавий реалистик асарлар билан бир қаторда, инсон руҳиятини янгича услублар воситасида бадий тадқиқ этишга, инсонни ижтимоий тип сифатида эмас, балки ўзига хос сирли-синаотли мавжудот сифатида талқин этишга эътиборнинг кучайганлиги таъкидланади.

У.Норматов абсурд қаҳрамон ҳақида сўз юритаркан, унга хос хусусиятларни қуйидагича таърифлайди: «Абсурд адабиёти назариячиларининг фикрича, абсурд воқеалик абсурд инсонни ва абсурд ижодни етиштиради, шунга кўра абсурд асари биринчи навбатда, негатив характер касб этади. Абсурд адабиётнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, унда ақл-идрок, ўз бисоти, ҳаётини шафқатсизларча танқидий идрок этиш, тафтиш қилиш устувор, шунинг учун ҳам унда фоживийлик кучли. Инсон зоти ўзининг ҳақиқий аҳволини идрок этмаса, ҳеч қандай фожиа йўқ. Инсон ўз меҳнатининг маънисизлигини, аҳвол-ҳолати ва ҳаёти абсурддан иборат эканини англаб етган дақиқалардан кейингина чинакам фожиа бошланади. 80-йиллар бошларидаги вазият бизда «абсурд адабиётнинг, абсурд инсон образининг тугилиши учун замин тайёрлади»¹³¹.

«Экзистенция» («*exsistentia*») – мавжудлик абсурд асар замирида ҳақиқат таъносида келади. Инсоннинг мавжудлиги – экзистенцияси, абсурд асарда, унга қайсидир йўсинда таъсир ўтказиш мумкин бўлган ташқи омилларни,

¹²⁹ Шарафиддинов О. Модернизм жўн ҳодиса эмас // ЎзАС. – Т., 2002. – 7 июнь.

¹³⁰ Сартр Ж.П. Называт вещи своими именами. – М.: Прогресс. 1986. – С.92.

Норматов У. Умидбахш тамойиллар // Шарқ юлдузи. – Т., 1993. – № 10-11. – Б. 182.

дейлик гоёлар, панду насихатларни, йўл-йўриklarни тан олмайди. Яъни абсурд асар қахрамони буларнинг ҳаммасидан холи — у тамоман «озод». Абсурд қахрамон фожiasi унинг ўзида ва буни унинг сaъй-ҳаракати, фикр-ўйи, ўзининггина экзистенцияси—мавжудлиги белгилайди. Бундай қахрамон учун ҳаётда маъни йўқ, яшашнинг ўзи арзимас бир машғулотдир. Айни пайтда эса, у нимагадир умид боғламайди ва умидсизликка берилмайди, у шунчаки мавжуд, холос. Қолаверса, абсурд асарнинг структураси, бадий-эстетик принциплари ҳам реалистик асарлардан буткул фаркланади. Масалан, С.Беккетнинг «Годони кутиш» асари сюжети ўта оддий: икки дайди кишлоқ йўлида Годони кутиб ўтиришади. Годонинг кимлиги ҳам, келиши, ё келмаслиги ҳам номатълум. Кутиш жараёнида бўлиб ўтган гап-сўзлар, ҳаракатсизликлар ҳам на бир мақсад ва на бир мантикка бўйсунди. Пьеса охирида персонажлар кетишга шайланишади, бироқ жойларидан қимирлашмайди.

Бир сўз билан айтганда, абсурд асар матнидан қурилишига, вазият, ҳолат ифодасидан якунига абсурдга бўйсундирилган бўлади. Бундай асарларда реал ҳаётдан айрим деталлар, иборалар ишлатилса-да, асосан, реалистик тасвир услубидан тамоман фаркли тасвир устулик қилади.

У.Норматов «Ўтмишдан эртақлар» ва абсурд» (ЎзАС, 2000, 14.07.) мақоласида А.Қаҳҳорнинг «Сароб» романи, асар бош қахрамони Саидий образи экзистенциализм фалсафасига асосланган адабий принциплар асосида яратилган, деган фикрни илгари суради. «Сароб» романида, хусусан, бош қахрамон Саидий руҳиятидаги маънавий инқироз тасвирида экзистенциализм фалсафасига асосланган адабий принциплар мавжудлиги»ни мунаққид асар қахрамонининг айрим ўринлардаги «инжтимоий-тарихий шароит, сиёсат, мафкурага бўйсунмайдиган онгидрокдан ташқаридаги англаб етилмаган ҳолатларнинг зуҳури тарзида» берилганида кўради.

Абсурдни бир томонлама, яъни факат воқеликка, аниқроғи, мустамлакачи шўро даври воқелигига боғлаб талқин этиш нотўғри. Аёнки, абсурд, энг аввало, инсон субъекти билан, унинг дунёқараши, фикрлаш тарзи, мавжудлиги билан боғлиқ ҳодисадир. Фикрлайдиган инсон борки, ҳаётда яшашдан маъни излайди. Яшашда маъно йўқ, «ҳаёт бемаъни», деган хулоса эса абсурддир. Абсурд хулосага келган одамнинг боши берк кўчага қириб қолган кишидан фарқи йўқ, у чорасиз. Бошдан оёқ ана шу концепция сингдирилган асарлар абсурд асарлардир. Аксинча, ҳаётдан маъно-мазмун топиб яшаганлар учун тириклик ҳеч қачон абсурд бўлмайди.

Адабиётдаги абсурдни ҳам шундай тушуниш керак. Асарнинг бутун моҳиятидан сизиб чиқадиган маъно унинг абсурд ёки абсурд эмаслигини белгилайди. Абсурд универсал ҳодиса эмас. У алоҳида олинган шахс қисмати, фожiasi ёки унинг бадий асардаги аънарасига эга бўлмаган поэтик кашфиётдир. Уни бутун инсоният ҳаётига тааллуқли концепцияга

айлантириб бўлмаганидек, бадийятга дахлдор ҳодиса сифатида инкор этиш ҳам мумкин эмас. У.Норматовнинг юқорида тилга олинган мақолалари ўз вақтида адабий жараёнда қизғин мунозарага сабаб бўлди. Чунотчи, Б. Саримсоқов «Абсурд маънисизликдир» (ЎзАС, 2002, 28.07.) сарлавҳали мақоласида масаланинг икки жиҳатиға эътиборни тортади: «Биринчиси, ўзбек бадий тафаккур тарзида У.Норматов ургу бераётган абсурд каби тушунчалар азалдан бормиди ёки энди пайдо бўлди... Иккинчиси, таъриқий талқинлар китобхонни, айниқса, адабиётшуносликдан таълим олаётган талабалар, таққот олиб бораётган магистрант ҳамда аспирантлар онгида қалқаш тасаввур қолдирмаслик ташвиши».

Б.Саримсоқов «абсурд» тушунчасининг маъносидан («маънисизлик») келиб чиқиб, У.Норматовнинг А.Қаҳҳор «ҳалқ ҳаётидаги айни шу маънисиз — абсурд ҳаётни қашф этиб» бергани ҳақидаги фикрни рад этади: «Биз ўтмишимизни абсурд дея олмаймиз. Айни шу оғир ҳаёт бағрида ақдолларимиз яшади, ёруғ келажак учун интилди, қурашди, демак, яқшими-ёмонми ўтмишимизда маъно бор».

Б.Саримсоқов абсурд тушунчаси Қаҳҳор ижодиға мутлақо ёт эканини тўғри таъқидлаган ҳолда, мақоласида «абсурднавислик», «маънисиз адабиёт», «субутсиз экзистенциализм» каби ибораларни ишлатади. Бир ўринда олим шундай ёзади: «А.Қаҳҳорни социализмдан айириб олиш учун уни бир ботқокдан олиб, иккинчисиға ташлаш шартми?!». Олимнинг мулоҳазалари унинг абсурд адабиёти, экзистенциализмға муносабатини аниқ ифода этади. Албатта, бу қарашда ёт, душман мафкураға қарашға ўқшаиш муносабат мавжуд. Б.Саримсоқов ана шу муносабат асосида абсурд фалсафаси, абсурд адабиётини соқреализм каби ботқокқа қиёслади. Бу қиёс абсурд адабиётнинг туб моҳияти ҳақидаги таҳлилий баҳо ёки таъриф эмас. Албатта, мақолада акс этганидек, бундай «олдиндан тайёр позициядан» туриб абсурд адабиётига ҳолис ёндашиш, унинг моҳиятини объектив таҳлил қилиш қийин. Зеро, аввал-бошданок мақола «Абсурд маънисизликдир», дея номланган, яъни бу «маънисизлик маънисизликдир» деганидир. Олим абсурд адабиётини, бошқача айтганда, инсоннинг ҳаётда мавжудлигининг, яшашнинг маънисизлиги ҳақидаги адабиётни маънисизлик адабиёти тарзида талқин этади.

Абсурд адабиётини тушуниш ва талқин этиш масаласида бўлиб ўтган баҳс, ҳар иккала олимнинг чиқишларида ҳам муайян хулоса, ўзига ҳос қарашлар теран ифодасини топган. Айни пайтда, бу икки мунаққид таллаган икки хил позиция модернизм адабиёти таҳлили ва талқинига ўзбек танқидчилигидаги икки хил ёндашувни ўзида акс эттиради. Бу ёндашувларнинг бирида модернизмға, хусусан, абсурд адабиётига беҳал қарас ва ҳайрат акс этса, иккинчи ёндашувда, умуман, абсурд адабиётини экзистенциализм фалсафаси билан бирға қўшиб рад этишға мойиллик аниқ сезилади. Аслини олганда, бу — танқиддаги қизғин, жонли жараён. Ўзининг қамчиликлари ва айрим натижалари билан бу жараён ўзбек

танкидчилигида янги методологик тамойилларнинг шаклланишига муайян таъсир кўрсатаётир. Мухими, ўзбек танкидчилиги жаҳон адабий ҳодисаларини баҳолай олиш даражасига кўтарилиб бораётир, уларни таҳлил этаётир, муайян ҳулосалар чиқараётир ва пировард натижада, ўзининг таҳлил ва талқин принципларини аниқлаб бораётир*.

Танкидда ҳолислик ва вазминлик билан, илмий таҳлилга асосланган, айнан модернизм адабиёти, хусусан, абсурд адабиёти тадқиқига доир баъзи жиддий умумлашма ишлар юзага келаётир. Адабиётшунос У.Жўракуловнинг бадиият ва назария масалаларига бағишланган «Худудсиз жилва» тадқиқоти шулар жумласидандир.

Абсурд фалсафаси ва адабиётини муаллиф «инсон дунёсига хос худудсиз жилавининг бир шуъласи»¹³², дея гоят чиройли тарзда образли таърифлайди. Жилванинг шуъласи ва унинг худудсизлиги инсон дунёсига не қадар хослигини У.Жўракулов қисқа, аммо теран мантиққа асосланган мулоҳазаларда очиб беради. Рисолада биз абсурд ниманинг оқибати экани, уни пайдо қиладиган омиллар, абсурднинг мохияти, бардавомлиги, бошқача айтганда, инсон ботинидаги «умри», Европа фалсафий-бадиий тафаккурида бадиий ҳодисага айланган абсурд адабиёти асосида ётган принциплар абсурд асарларнинг қайси хусусиятларида намоён бўлиши, умуман, мазкур тушунча билан боғлиқ умумий маълумотларнинг аниқ, илмий теран талқинини кузатамиз.

Абсурд адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ёзар экан, мунаққид бу адабиётнинг машҳур намоёндалари А.Камю, С.Беккет асарлари таҳлилидан келиб чиқиб фикр юритади ва уларнинг энг муҳим ўзига хос хусусиятларини умумлаштириб аниқ кўрсатади. Демак, абсурд инсоният ҳаёти, тараққиёт учун хос фалсафа бўла олмаганидек, универсал ижтимоий ҳодисага ҳам айлана олмайди.

Дарҳақиқат, «модернизм», «постмодернизм», «абсурд», «экзистенциализм» каби тушунчалар ҳақида жаҳон адабиётшунослиги миқёсида фикр юритиш, ўз карашларини, илмий ҳулосаларини ғарблик етук мутахассислар эришган натижа-андозалар билан асослаш, зарур ўринда, улар билан ҳатто бахшлаш билиш ва шу аснода ўзбек адабиётида бўй кўрсатаётган янги услублар ҳақида фикр юритиш адабий танкид методологиясининг муҳим хусусиятларидан бирига айланиб бормоқда.*

*Бир вақтлар дарслик максатида ёзилган ишда бахсли ўринлар бўлмаслиги керак, унда фақат қабул қилинган, тан олинган, тасдиқини топиб бўлган карашларгина илгари сурилиши мумкин деб қаралувчи эди. Ҳозир ҳам шу нуқтаи назарда турувчи мутахассислар йўқ эмас. Ушбу дарслик муаллифлари бирмунча бошқачароқ нуқтаи назарда туралдилар. Уларнинг фикрича, дарсликда ҳам бахсли, мунозарали фикрлар айтилиши мумкин. Ҳатто бир дарслик доирасида плюралистик карашлар ҳам бўлиши мумкин деб тушунадилар. Бундай ҳолат талабаларда мустақил мушоҳада малакасини уйғотишга туртки беради. Бу масала хусусидаги карашларнинг қайси бири тўғри эканини аниқлаш учун муайян ижодий жараён ўрганишга даъват этилиб ҳисоблайдилар. Дарсликда қатор бахсли муаммолар ўртага ташланиб, уларга турлича муносабатлар билдирилиб, баъзилари ҳатто очик қолдирилиши, баъзан бир масала ҳақида икки хил фикр айтилиши сабаби ана шу нуқтаи назар билан изҳоланди (Муаллифлар).

¹³² Жўракул У. Худудсиз жилва. –Т.: Фан. 2006. – Б.8.

Ёзувчи П. Қодиров модернизм мавзунга бағишланган чиқишларга ўз муносабатини билдириб, «Маънавият, модернизм ва абсурд» (ЎзАС, 2004, 26.04.) сарлавҳали мақоласида бугунги адабий жараёндаги ижодий изланишлар, хусусан, модернистик йўналишда ёзилган асарларга танкидчиликнинг ёндашуви, ижодий таъсир, абсурд асарлар ва унинг адабиётдаги кўринишлари қандай самара бераётгани каби масалаларни маънавият билан боғлаб талқин этишга ҳаракат қилган.

П.Қодиров Жойс асарларини тушқунлик ва нигилизмда айблар экан, унга, умуман модернизм ва абсурдга постмодернизмни қарши қўяди ва У. Ҳамдамовнинг «Мувозанат», Х. Дўстмуҳаммаднинг «Бозор» романларини инсон маънавиятини улугловчи асарлар сифатида баҳолайди: «...тушқунликка тушган ва нигилизмга берилган анъанавий модернизмнинг ўрнига келаётган ва жаҳон бўйлаб тан олинаётган бағрикенг, маънавияти бор постмодернизмга нисбатан хайрихоҳ бўлишимиз керак, деб ўйлайман». «Бозор» романини мисол келтиради, лекин, афсуски, мақола мулоҳазалари етарли даражада ривожлантирилмади, чуқурлаштирилмади. Агар П.Қодиров Х.Дўстмуҳаммад романини постмодерн адабиётининг намунаси деб қараётган бўлса, у ҳолда мазкур асар қайси жиҳатларига кўра постмодерн оқимида мансублигини очса ўринли бўлур эди.

П.Қодировнинг абсурд борасидаги карашлари ҳам жуда кўп саволларни тугдиради. Шу боис бу баҳс танкидчилик эътиборидан четда қолмади. Профессор К. Йўлдошевнинг «Ўзбек модерн адабиёти: илдизлар, принциплар ва хусусиятлар»¹³³ мақоласида ўзбек модер адабиётининг етакчи хусусиятлари қамраб олинган. Мақолада модерн адабиётининг пайдо бўлиш омилларини, энг аввало, дунёқараш билан, тафаккур ва руҳдаги янгиланиш билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади. Муаллиф фикрича, модерн адабиёт инсон диди ва карашларининг ўзгариши бўлган фалсафий-эстетик ҳодиса сифатида юзага келади. Қ.Йўлдошев П.Қодиров фикрларини янги фалсафий-эстетик карашларнинг эскича қилиплар асосида баҳолашга уринилиши, деб таърифлади. Ж.Жойснинг «Улисс» романи билан ёш ёзувчи Т.Рустамовнинг «Қапалақлар ўйини» романини киёсий таҳлил қилиб, ёш адибнинг Жойс таъсирида антигуманизмга эргашгани ҳақидаги П.Қодиров карашларига танкидий муносабатини очик-ойдин баён этди.

Мақолада Қ.Йўлдошев* абсурд адабиётга ҳам алоҳида тўхталиб, унинг характерли хусусиятларини тавсифлаб, жумладан, қисматни тан оладиган мусулмон аҳлида абсурд ҳолат, туйғу бўлмаслигини айтади. Айни пайтда, Қ.Йўлдошев мақоласида ҳам баҳсталаб ўринлар, мантиқан

* Қозоқбой Йўлдошев (1949) педагогика фанлари доктори, профессор. Ҳозирги танкидчиликнинг ўта фалс намоёнчилиси. "Ёниқ сўз" тўплами, 100 яқин мақола муаллифи. Модернизм, постмодернизм адабиёти, намоёндалари ижоди йўналишларини яхши билади.

¹³³ Йўлдошев К. Ўзбек модерн адабиёти: илдизлар, принциплар ва хусусиятлар // Филология масалалари, Т., 2004. – №2-3.

зид фикрлар кузатилади. Бундай ҳолни биз мунаққиднинг адабиётнинг оммавий бўлмаслиги сабаби унинг хос одамларга мўлжаллаб ёзилиши билан изоҳланишида, модерн ва абсурд адабиётга берилган таъриф ва шарҳларида кўрамиз. Бундай қараш ҳам эътироз туғдириши табиий. Чунки бундай нуқтан назар адабиётни иккига – алоҳида шахслар адабиёти ва оммага мўлжалланган адабиётга ажратишга олиб келади. Бу эса, бадийлик талабларига зид, чунки бадий асар қандай йўсинда ёзилмасин, қайси оқимга мансуб бўлмасин, барибир бадийликнинг умумий қонуниятларидан ташқарида яратилмайди. Алоҳида шахслар учун алоҳида асарлар ёзиш ва унинг алоҳида бадийлик мезонларини яратиш – бадий адабиёт моҳиятига зиддир. Иккинчидан, мунаққид бу ўринда ижод психологияси, бадий асарнинг яратилиш жараёни ҳақида бирёқлама тасаввур бераётир. Бадийят психологиясидан маълумки, ижодкор асарини фақат муайян савиядаги китобхонни назарда тутиб, фақат унга мўлжаллаб яратмайди. Тўғри, дейлик Алишер Навоий ўз ғазалларини юксак дидли ва ҳатто, зурафо шеърхонларни мўлжаллаб ёзган бўлиши мумкин. Лекин бу Навоий ғазаллари кенг китобхонлар оммасига ҳам мўлжалланганини инкор этмайди. Ёки, Булгаковнинг “Уста ва Маргарита”сини савиясини жўн китобхон чуқур идрок этолмаслиги мумкин, лекин бу асарнинг фақат юқори савияли китобхонга ёзилган дегани эмас. Роман услубига адибнинг шўронинг истибдод зуғумига қарши ғояларни яшириб ифодалашни белгиланган.

Бадий асар – илҳом ва ижод маҳсули. Агар у алоҳида шахсга ёки тоифага мўлжалланар экан, ижодий жараёнга фақат ақл бошқаруви устунлик қилган бўлади, бундай асар эса чинакам бадийят намунасига айлана олмай қолади. Чинакам бадий асар ўз китобхонини ўзи топади. У битта китобхонга эга бўладими, ўнта, юзта, миллионлаб китобхонни ўзига жалб этадими, бу асарни яратган ёзувчининг ихтиёрида эмас. Зеро, яратилган асар ўз умрини ўзи яшайди. Модомики, масалага шу нуқтан назардан ёндашадиган бўлсак, бугунги модерн адабиётнинг ютуқ ва камчиликлари яққол намоён бўлиб қолади.

Қ.Йўлдошев модернизм ва абсурд муносабатлари ҳақида тўхталиб, шундай ёзади: «Шуни таъкидлаб айтиш керакки, абсурдни модернизмга қарши қўйиб бўлмайди. Модернизм оғоч бўлса, абсурд – унинг меваси. Мевани дарахтга қарши қўйиш керак эмас»¹³⁴. Лекин, кизиғи шундаки, мунаққид айтиш шундай бўлса, модерн адабиёти бор, ўзбек абсурд адабиёти эса йўқ, деган фикрни айтади. «Модернизмнинг ўзбеккона кўриниши бўлиши мумкин. Лекин абсурднинг ўзбекчаси бўлмайди». Ўзи айтганидек, модерн – дарахт, абсурд унинг меваси бўлса-ю, қандай қилиб ўзбек адабиётида улардан биттаси бор-у, иккинчиси йўқ, дейиш мумкин?

Мақоладаги бу каби айрим фикрлар асосланмай айтилгани боис, изоҳталаб бўлиб қолган.

Модернизм санъати ва адабиётга психоанализнинг таъсири ва айти пайтда, психоаналитикларнинг нафакат модернистик асарлар, балки, умуман, бадий асарларни ўз тадқиқотларида муайян илмий ҳулосаларини далиллаш учун аниқ аргументлар сифатида келтирилганлари ушбу соҳаларнинг ўзаро боғлиқлигидан ва бири иккинчисига узвий алоқадорлигидан далолат беради. Бу жиҳатларга У. Жўракуловнинг «Миф ва ижодий жараён», «Психоанализ ва бадий ижод»¹³⁵ мақолаларида таътибор берилган.

Таъкидлаш жоизки, психоанализ ва бадий ижод жараёнининг боғлиқлиги масалалари адабий танқидчиликда нисбатан янги йўналиш ҳисобланади. У.Жўракулов миф ва ижод синтези масаласига ойдинлик киритишни мифологиянинг марказий нуқтаси – хаос ва космос тушунчаларининг талқинидан бошлайди. Мазкур тушунчаларга аниқ, лўнда таъриф бергач, муаллиф «ижодий жараён»нинг моҳиятига тўхталади. «Хаос ва космос» тушунчалари шарҳи орқали модернизм оқимига хос хусусиятлар ҳақида фикр юритаркан, муаллиф шундай ёзади: «Юқорида модернизм адабиётини сўз бўронига мутлак эрк беришга уринувчи оқим, дея таърифладик. Энди ушбу таърифни янада ривожлантириб, модернизм хаотик сўз оламини айнан акс эттиришга ҳаҳд қилган оқим, дейишдан кўрқмаймиз»¹³⁶. Бизнингча, модернизм, сўз оламини айнан акс эттириш эмас, балки аксинча, сўз воситасида хаоскосмик олам яратиш жараёнидир. Бу ўринда хаотик тушунчасини сўзга нисбатан ишлатиш тўғри эмас, назаримда.

«Айримлар ўзларича Оламини хали Апокалипсислар охирига етмаган, Космос сифатида кириб улгурмаган, яъни хали қандайдир ўзгача тартиблар бўйича мавжуд бўлиб турган макон деб, бошқалар эса ҳеч қандай қоидалар амал қилмайдиган Хаос кўринишида тасаввур этишга мойил. Модернизмнинг, гоҳида, ўзининг Жаннат ҳақидаги тасаввурини беришга уринганида, «космик» бўлиб кўринишини, гоҳида ўзи яратган Утопияси барбод бўла бошлаганда эса «хаотик» бўлишини таъкидларкан, «Посмодернистик дунёқараш бир пайтнинг ўзида ҳам «космик», ҳам «хаотик». Жеймс Жойс бу борада ҳатто «хаоскосмос» деган ғалати сўз ўйлаб топган. Бу сўз олам қурилишини қандайдир абсурд сифатида ифодалайди»¹³⁷, дейди Д.В.Затонский.

У.Жўракулов «Психоанализ ва бадий ижод» мақоласида психоанализ асосчиси З.Фрейднинг ўзгача бўлган психологияга доир илмий қарашларни ривожлантиргани, онг ости психологиясини кашф этганини

¹³⁴ Йўлдошев Қ. Ўзбек модерн адабиёти: илдизлар, принциплар ва хусусиятлар // Филология масалалари – Т., 2004. – № 2-3. – Б. 8.

¹³⁵ Қаранг: Жўракулов У. Хулудсиз жилва. – Т.: Фан, 2006.

¹³⁶ Жўракулов У. Ўша манба. – Б. 31.

¹³⁷ Затонский Д.В. Модернизм и постмодернизм. – М.: Фолио-Аст, 2000. – С. 253.

таъкидлаб, психоанализнинг моҳияти, унга доир махсус истилохлар мазмунини хақида батафсил тўхталади.

Психоанализ санъат, адабиёт ва эстетика билан узвий алоқадаги илмий йўналиш сифатида XX асрда ўзининг тўла шаклланиш босқичига эришди. У.Жўракулов тўғри таъкидлаганидек, «психоанализ адабиёт-шуносликнинг бир тадқиқ усули ўлароқ, унинг таркибий қисмига айланади». Бунинг ўзбек адабиётшунослигидаги тасдиғи юқорида тилга олинган мақолалардир. Уларда гарчи мазкур тадқиқот усулининг пайдо бўлишига туртки берган назарий манбалар, уларнинг моҳияти, самаралари хақида умумий тарздагина маълумот берилса-да, бу усулда ўзбек адабиёти намуналарини тадқиқ этилмаган бўлса-да, улар бу йўналишдаги назарий қарашларнинг ўзбек адабиётшунослигига олиб кирилиши сифатида эътиборга лойиқдир.

Шоир Б.Рўзимуҳаммаднинг кейинги йилларда бу бора қатор мақолалар эълон қилгани унинг адабий жараёнда фаоллигини кўрсатади. “Декадентликнинг илдизи қаерда”, “Назарияга бефарқ карамаяпмизми?”, “Макон муаммоси” каби мақолалари модернизм моҳиятини чуқур тушуниб, маълум ҳулосалар чиқара билиши билан муҳимдир.

Юқоридаги кузатишларни умумлаштириб, шундай ҳулоса қилиш мумкин: бугунги кун танқидчилиги модерн адабиётга муносабатда ўзининг янгича таҳлил ва тамойилларини шакллантириб бормоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур жараён силлиқ кечаётгани йўқ: мутлақо бирига қарама-қарши фикрлар, баҳс-мунозаралар, изланишлар натижаси ҳозирги танқидчиликнинг методологик асослари такомиллашиб бораётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Зеро, модернизм адабиёти – мураккаб санъат. У оддий китобхонга жуда қатта масъулият юқлайди. Чунончи, «модернизм» атамасининг мазмунидан тортиб унинг илдизлари, тадрижи, бу санъатнинг реалистик адабиётдан фарқли жиҳатлари, фалсафий асослари, юксак намуналари ва бошқа кўплаб хусусиятларини билмай туриб, модерн асардан баҳра олиб бўлмайди. Шу бонс ҳам, адабий танқид адабий жараёндаги янгиланишларни таҳлил қилар экан, янгича йўналишда яратилаётган бадий адабиёт намуналари адабий ҳаётга ўзининг янгича концепция ва эстетик принципларини олиб қираётганлигини асослашга ҳаракат қилмоқда. Мазкур жараёни кузатганда унинг жаҳон ва рус адабиётшунослигидаги изланиш ва йўналишлар билан муштарак жиҳатлари борлигини кузатиш мумкин. Бу ҳол ғоят табиий эканини таъкидлаш зарур.

Мустақиллик йилларида бадий асарни янгича тамойиллар асосида баҳолаш, таҳлил ва таҳлил этиш тамойили кучайди. Ҳ.Болтабоевнинг “Наср ва услуб” (1992), Й.Солижоновнинг “Нутқ ва услуб” (2002), Ш.Субҳоннинг “Шеърят иклими” (2005), “Ҳақиқатнинг синчков кўзлари” (2009), У.Ҳамдамнинг “Янгиланиш эҳтиёжи” (2006) каби тадқиқотларида

бунинг ёрқин кўриш мумкин. Зеро, ўзбек адабий танқиди шўро даври мафқураси таъйинларидан қутилиб энди-энди жаҳонга юз тутмоқда.

Таянч сўзлар: тамойил, қайта баҳолаш, янгича илмий-эстетик тафаккур, системали ёндашув, таҳлил ва талқин, герменевтика, синергетика, структурализм, тарихий-биографик ёндашув, тарихий-маданий ёндашув, модернизм, абсурд, экзистенциализм.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Истиклол даври адабий танқидчилигининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.
2. Истиклол даври танқидчилиги Чўлпон, Фитрат ижодига қандай муносабатда бўлди?
3. Бу давр танқиди модернизм масаласига қандай қаради?
4. Истиклол даврида қодирийшунослик соҳасида қандай ўзгаришлар рўй берди?
5. Адабий танқид тарихий асарларга қандай муносабатда бўлди?
6. Бу даврнинг етакчи мунаққидлари хақида гапиринг.
7. Шўро даври адабий меросига муносабат қандай кечди?

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

- 1.Белинский В.Г Адабий орзулар.Т., 1987.78-б.
- 2.Борев Ю.Эстетика.М.,1975. –С. 380.
- 3.Барт Ролан. .Что такое критика? Избранные работы. Семиотика. Поэтика. М.: Прогресс.1989.- С.269.
- 4.Каримов Баходир. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси. ДДА. Т., 2002, 11-б.
- 5.Каримов Н.Маънавий бойликка эҳтиёж.- // “Жаҳон адабиёти”,1998, № 1,-Б.14.
6. Олимов М.Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси.Т.,1994.
7. Орипов А.Танланган асарлар.4 жилдлик.1-жилд. Т.: Адабиёт ва санъат. 2000. –Б. 9.
- 8.Расулов А. Илми ғарибани қўмсаб... Т.Маънавият, 1998.
9. Шарафиддинов О.Адабиёт мангу яшайди // “Жаҳон адабиёти”,1998,1-сон, -Б.4.
10. Хисао Куматсу.Чигатой гурунги // ЎзАС.1999.21 октябрь.
- 11.Қосимов Б. Олам ичра олам бўлмоқ// “Жаҳон адабиёти”, 1998, № 1, -Б. 12.
- 12.Қозокбой Йўлдош. Кашф этиш эҳтиёжи//“Ёшлик”.1990,№ 9, -Б. 34.
13. Ҳамдам У. Янгиланиш эҳтиёжи.Т., 2006.

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ (1929-2005)

РЕЖА:

1. Озод Шарафиддинов адабий - танкидий фаолияти ва унинг ўрганилиши ҳақида.
2. Шеърятнинг зукко танкидчиси.
3. Адабий портрет жанри ривожда мунаққиднинг ўрни.
4. Чўлпон ижодининг тадқиқотчиси ва жонкуяр тарғиботчиси
5. Мохир қаххоршунос олим.

Озод Шарафиддинов ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши ҳақида. XX аср ўрталаридан ўзбек танкидчилигига М.Қўшжонов, С.Мамажонов, Л.Қаюмов, Н.Шукуров, Н.Каримов, У.Норматовлар авлоди кириб келди. Озод Шарафиддинов дастлабки тақриз, мақолалари билан оқ улар сафининг пешкадамларидан бири эканини кўрсатди. Бу янги авлод вакиллари И.Султон, Х.Ёкубов каби тажрибали авлод намоёндалари билан елкама-елка туриб, давр адабий-танкидий муаммоларини ечиш жараёнида улғайиб борди.

Мунаққиднинг адабий-танкидий қарашлари, ўзбек танкидчилигида тутган ўрни атрофлича ёритилган дастлабки ишлардан бири А.Расуловнинг "Озод Шарафиддинов" номи (1980) адабий портрети бўлди. 2000 йилда "Истеъдод ва эътиқод" номи янги адабий портретини эълон қилди. Унда жонкуяр танкидчи, хассос шеършунос ижодий қиёфаси умумлаштириб берилган. Бундан ташқари О.Шарафиддинов ҳақида П.Қодиров, У.Норматов, О.Тоғаев, Б.Назаров, И.Ғафуров, М.Шарафиддинова, Т.Йўлдошев каби танкидчиларнинг мазмундор мақолаларини эслатиб ўтиш ўринли.

О.Шарафиддинов 1929 йили Қўқон яқинидаги Охунқайнард хизматчи оиласида туғилди. Болалигидан Тошкентда яшади. Зийрак ва қобилиятли Озод 14-ўрта мактабни олтин медал билан тугатди. Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетида ўқиди (1946-1951). М.Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти аспирантурасида таҳсил олди (1954). Ўзбек поэталари устида кунт билан ижодий иш олиб бориб, "Ҳозирги ўзбек совет поэталари" деган мавзуда номзодлик диссертациясини (1955) ҳимоя қилди. XX срнинг 90-йилларига қадар ўзи таҳсил олган Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетининг ўзбек адабиёти кафедрасида ишлади. Сўнг "Шарк" матбаа концерни ҳамда "Тафаккур" журналининг ташкилотчи ва етакчиларидан бири сифатида фаолият кўрсатди. Сўнгра 1997 йилда ташкил этилган "Жаҳон адабиёти" журналининг бош муҳаррири лавозимига тайинланди.

1970 йили "История узбекской советской литературы" номи йирик асар учун бир гуруҳ адабиётшунос олимлар катори О. Шарафиддинов ҳам

Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотида сазовор бўлди. Мустақиллик йилларида олимнинг серкирра ва кизгин фаолияти муносиб тақдирланди. Ҳукуматимизнинг катор орден ва медалларига лойиқ топилди. 2002 йилда эса Ўзбекистон Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлди.

О.Шарафиддиновни адабий жамоатчиликка танитган жиддий ва салмоқли иши "Лирика ҳақида мулоҳазалар" мақоласидир. Мақола лирика ҳақида 50-йилларнинг иккинчи ярмидаги мунозаралардан ялт этиб кўзга ташланди. 50-йилларнинг бошларида авж олган "конфликtsizлик назарияси" келтирилган оқибатларни лирик шеърлар мисолида ишонарли ва таъсирли таҳлил этган О.Шарафиддинов тимсолида янги типдаги ўзбек танкидчиси шаклланиб келаётгани кўринди.

Танкидчиликдаги айрим бирёкламаликлар туфайли М.Шайхзода ва Миртемирдек улкан шоирлар ижоди чуқур, ҳаққоний баҳосини олмай келаётган эди. Мунаққид навбатдаги ишларини шу икки улкан шоир ижодига бағишлади. М.Шайхзода ва Миртемирнинг О.Шарафиддинов томонидан яратилган адабий портретлари бу жанрнинг ўзбек танкидчилигидаги гўзал намуналари каторида туради.

Танкидчи ижоди 60-70-йилларда сермахсул бўлди. У давр адабиёти ва танкидидаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиб, умумлаштириб, илмий-биографик монографиялари, адабий портретлари, муаммолар билан адабий танкид қўламини кенгайтди. Тарихийлик ва замонавийлик муаммолари устида жиддий ва ранг-баранг изланишлар олиб борди. Давр зугумига қарамай, А.Қодирӣ, Чўлпон, Фитрат ижоди ҳақида ўқтин-ўқтин ижобий фикрлар айтишга уринди. А.Қаххорга ноҳақ муносабатлар яна бош кўтарганда жасорат билан уни ҳимоя қилишга киришди, меросга бирёклама қарашларга қарши кураш олиб борди.

О.Шарафиддинов танкидчиликка поэзия "йўлакча"сидан кириб келди, адабий жараёнда етук мунаққид, мохир портретнавис, адабий танкид муаммоларини изчил ёритиб берувчи олим ҳамда мохир таржимон сифатида танилди. Озод Шарафиддиновнинг адабий танкид ривожига қўшган энг муҳим хиссаси-поэзиядаги бадийлик ва замонавийлик масалаларини дадил кўтариб чиқишида, бу муаммоларни янгича илмий-назарий фикрлар ва қарашлар билан бойитишда намоён бўлди. У санъаткор ҳар қанча ижодий муаммоларни кўтармасин ва ёритмасин, асар чиннакам бадийликдан маҳрум бўлса, у таъсир кучига эга бўлолмайди деган қарашда муким турди.

Шеърятнинг зукко танкидчиси. Шаҳса сизиниш исканжасидан озод бўла бошлаган ўзбек шеърятини, насри ва драматургиясида 50- йиллар охири ва 60- йиллар аввалида жиддий силжишлар, ўзгаришлар рўй берди. Танкид ҳам ана шу жараёни таҳлил қилишга ўтди. Ижодкорлар олдида янги-янги талаблар қўйди. Айниқса, шеърятда ҳаётга кизгин муносабат билдирилиб, замонавий руҳ чуқурлаша борди.

Ўзбек назмида юз бераётган бундай ижодий ўзгаришлар Озод Шарафиддиновнинг "Замон. Қалб. Поэзия" (1962) деб номланган илмий кашфиётларга бой, ўзбек шеъриятининг кечаги кунини ва бугунидаги ютуқ, камчиликлар умумлаштирилган салмоқли китобида ўз ифодасини топди.

Китобдаги мақолаларида хатто Ғафур Ғуломдек авторитетларни асослаб танқид қилишга, Ҳ.Ғулом, А.Мухтор, Мирмухсин ижодида Ленин, партияни мадҳ этиш масалаларида нуксонларга йўл қўйилаётганини айтишга журъат қилди. Бу – давр танқидчилиги учун катта гап, муҳим ҳодиса эди*. Шу маънода бу тадқиқот фақат муаллиф ижодидагина эмас, шу давр ўзбек танқидчилигининг ҳам принципиал ютуқларидан бири бўлиб қолди. Танқидчи давр ўзбек шеъриятининг характерли тамойилларини теран кўрсатди, уларни аниқ асарлар таҳлили мисолида исбот қилди.

Замонавийлик фақат мавзу ёки муаммогина эмас, ана шуларни ёритувчи бадийликдир, шу маънода замонавийлик асоси бадийликда ётади, деган қараш О.Шарафиддиновнинггина эмас, умуман, ўзбек танқидчилигининг жиддий ютуқларидан бири эди. Китобдаги мақолаларда, шунингдек, поэзиямиздаги лирик қаҳрамон маънавий оламни теранлашиб бораётгани даврнинг муҳим муаммоларини кучли эмоционал шаклда акс эттириш чуқурлашаётганлиги, баёнчиликка нисбатан лиризмнинг чуқурлашиб бораётгани кўрсатилди.

Олимнинг навбатдаги "Адабий этюдлар" (1968) номли китобидан жой олган мақолаларда А.Қаххор, Зулфия, М.Бобоев, П.Қодиров асарлари таҳлил қилинди. "Қалбимизга яқин шоира" мақоласида Зулфиянинг гўзал ва нафис ижодий портрети яратилди. "Шоирнинг йўли" мақоласида М.Бобоев ижоди ҳақида баҳс юритилган. Бу камтар ва заҳматкаш қалам соҳибини ҳақида, умуман, ўзбек танқидчилигида шу вақтгача яратилган эътиборли ишлардан бири бўлиб келмоқда.

О.Шарафиддинов ижодида нафақат шеърият, балки наср ва адабий танқид муаммоларига ҳам эътибор қаратадики, бунининг "Гўзаллик излаб" китобида кўриш мумкин. Мунаққид мақолалари завқ-шавқ билан ўқилади, доим танқидчининг "мен"и ва услуби кўзга яққол ташланиб туради. Наср ва адабий танқид муаммолари бирдек ўрганилиши ҳам мазкур китобда ёрқин намоён бўлган. Унда, айниқса, 70-йилларда адабиётга кириб келган Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Раҳмон, Хуршид Даврон каби катор ёш шоирлар ижодининг атрофлича таҳлил

этилиши жиҳатидан ҳам қимматлидир. Усмон Азим авлодларига мансуб катор ижодкорлар хусусидаги қарашлар адабий ҳаётда ўз исботини топди.

О.Шарафиддинов адабий танқид ва унинг муаммолари ҳақида астойдил қайғурган олимлардан биридир. Хусусан, унинг "Талант халқ мулки" (1979) деб номланган китобида мунаққиднинг ёшлар ижоди ҳақидаги бир қатор адабий-танқидий мақолалари, шеърият ривожига бағишланган тадқиқотлари ўрин олган. "Танқидчилик касби ҳақида" мақоласида мунаққид учун зарур бўлган уч хислатга алоҳида эътибор беради. "Буларнинг биринчиси – адабиётдаги гўзалликни, гоёвий ва бадий бойликни ҳис қила билишдир. Бошқача қилиб айтганда, танқидчи бўлишни нотаган одамда, биринчи навбатда, эстетик туйғу бениҳоя ўткир бўлиши лозим, у санъат гўзаллигини нозик ҳис қила билиши, бадий адабиётдан чиннакамга завқлана олиши шарт"¹³⁸.

Иккинчи фазилат сифатида олим фикрлаш қобилияти ва ундаги ўзгаришларни кўрсатади. Танқидчи ўқиган нарсаларини чуқур идрок этиши ва таҳлил қила билиши, асардаги воқеа ва ҳодисаларни, характерларни ҳаёт ҳодисалари, ҳаётдаги жонли одамлар билан таққослаб билиши, бу таққослардан ҳам адабиёт, ҳам жамият учун зарур, фойдали хулосалар, умумлашмалар чиқара олиши керак.

Танқидчилик талантининг учинчи зарур фазилати сўз санъатига эътиросли, оташин муҳаббатдир, дейди у. Унинг фикрича, адабиётни бутун вужуди билан севган, унга сидқидилдан фидойи кишигина ҳақиқий танқидчи ҳисобланади. О.Шарафиддинов ўзи қўйган ана шу талабларга бутун умри давомида амал қилишга интилди.

Озод Шарафиддинов мақола ва тақризлари, ўзининг, айниқса, талабчанлиги, принципааллиги билан ажралиб туради. Унинг И.Раҳим қаламига мансуб Собир Раҳимов ҳақидаги романи, Ў.Умарбековнинг "Дамир Усмоновнинг икки баҳори" қиссаси тўғрисидаги, шунингдек, Ё.Бойқобилонинг "Ўзбекнома" асарига бағишланган "Мағзи пуч сулардан бир тош нари қоч" номли тақризлари бадийлик масаласида муаллифлар йўл қўйган камчиликлар, аямай, кескин фош этилди. Бу тақриزلар адабий жараёнга, ёзувчилар ва танқидчиларга фаол таъсир кўрсатиш кучи билан XX аср сўнгги чорагидаги ўзбек танқидида принципаал аҳамиятга эга бўлди.

Адабий портрет жанри ривожига мунаққиднинг ўрни. Танқидчи кўп йиллик ижоди мобайнида Ғ.Ғулом, Ойбек, Қ.Яшин, С.Айний, А.Қаххор, А. Мухтор, О.Ёкубов, Ў.Ҳошимов, А.Ориповларнинг ижодий портретларини яратди. Бу йўналишдаги тадқиқотлар "Истеъдод қилолари" (1976) китобида ўз ифодасини топди.

О.Шарафиддинов ўз фикрига қатъий ишонувчи мунаққид ҳисобланади. Шу боис кези келганда, у катта шухрат эгаси бўлган

*Айрим бир мақола, тадқиқот, ёхуд монография хусусида дарсликнинг ҳам обзори характердаги қисмда ҳам мунаққид адабий портретига доир қисмларда мулоҳаза юритилиши такрор ёки қайтариқ белгиси эмас. Дарслик муаллифлари томонидан атайин шундай йўл танлангани сабаби: 1) таҳлилга тўғриваётган ишнинг адабий-танқидий жараёндаги ўринини белгилаш; 2) унинг мунаққид ижодий фаолиятидаги аҳамиятини кўрсатиш; 3) муаллиф ва талабалар томонидан бу ишларнинг ўзлаштирилишида мустақил мулоҳазаларни уйғотиш ҳамда уларни қайта қайта назардан ўтказиш орқали тасаввур ва тафаккурдаги ўринини мустаҳкамлаш назарда тутилди (муаллифлар).

¹³⁸ Шарафиддинов О. Талант халқ мулки. Т.: Ёш гвардия. 1979. - Б. 174.

ижодкорларнинг у ёки бу асари, фикрига ўзининг танкидий муносабатини билдиришдан чўчимади. Масалан, Ғ.Ғуломнинг "Эгалари эгаллаганда" достони бадиий жиҳатдан бўш эканини дадил айтади. Ёки С.Айнийнинг дастлабки ижод намуналарини таҳлил қиларкан, унинг назмдаги камчиликларини рўйи-рост кўрсатиб, уларнинг омиллари аниқлайди.

Шу билан бирга О.Шарафиддиновнинг С.Айний ҳақидаги адабий портретида айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Тўғри, мақоланинг "Улкан ҳаётнинг илк саҳифалари" деб номланишидаёқ кўриниб турганидек, С.Айний ижодининг дастлабки намуналарини таҳлил этишга бағишланган. Адибнинг кейинги босқич ижодини ўрганиш мақсад қилиб қўйилмаган. Бундай мақсадни кўзласа, мунаққид бошқача ёки бошқа мақола ёзган бўлар эди, албатта. Лекин шунга қарамай, мақола адабий портрет хусусиятини касб этиши учун, у мухтасар равишда бўлса ҳам, сикик обзор характерида бўлса ҳам, адибнинг яхлит ижодиёти ҳақида тасаввур бергани назаримизда ўринли бўлар эди. Ҳозирги ҳолатда ҳам,

ўқувчида адабий портрет ниҳоясига етказилмагандек таассурот қолдиради. Ойбек ҳақидаги адабий портретда эса унинг поэтик маҳорати ва адабий-танкидий маҳорати таҳлил қилингани ҳолда адибнинг насрий маҳорати бир мунча эътибордан четда қолади. Қолбуки, адабий портрет жанри ижодкор маънавий, ижодий, руҳий қиёфасини бирбутунликда яратишни талаб қилади. Бунини мунаққид билмайди эмас, лекин мақолада бу муаммоларнинг у ёки бу қиррасини ёритиш билангина чекланади.

О.Шарафиддинов танқидчиликнинг тарихий-биографик йўналиши ривожига ҳам муносиб улуш қўшди. Бу ҳислат, унинг, айниқса, "Яловбардорлар" китобига кирган мақолаларида бўртиб кўринади. Китобдаги машҳур ёзувчилар ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолаларда баъзан даврининг сиёсий ва мафкуравий руҳи сезилиб турса-да, адибларнинг умумжаҳон маданий-адабий тараққиётига қўшган ҳиссаларини ёритилиши жиҳатидан қимматлидир.

Мунаққид китобда турли миллатга мансуб ёзувчилар ижодини тадқиқ этар экан, уларнинг, энг аввало, миллий қиёфасини ҳамда миллий характер яратиш маҳоратига алоҳида эътибор беради. "Яловбардорлар" китобидаги социалистик реализм билан алоқадорликда айтилган айрим мулоҳазалар эскирган бўлишига қарамай, бадиий асарнинг гўзаллик ва маънавий билан алоқадор фазилатларини чуқур ҳис қилиши жиҳатидан ўзбек танқидчисининг юксак иқтидори ва бой маънавий оламини кўрсата билиши, шунингдек, ўқувчиларга маҳорат сирларини тушунтириб бера олиши билан ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Чўлпон ижоди тадқиқотчиси ва жонкуяр тарғиботчиси. О.Шарафиддинов 60-70-йиллардаёқ Чўлпон ва Фитрат ижоди ҳақида гоҳ пинҳон, гоҳ ошкор ўз фикрларини айта бошлаган мунаққидир. Бу йўналишда у матбуотда фикрларини очик айтиш имкониятига эга бўлмади, лекин талабаларга ўқиган маърузаларида фикрини очик

айтишдан ўзини тийламади. Бунинг учун расмий доиралардан кўп бор дакки ҳам эшитди. Ёшлар дунёқарашда Чўлпон ҳақида тасаввур шаклланишига ва ривож топишида жонбозлик кўрсатиб, бу борада зимдан илмий тадқиқот ишларига тайёргарлик кўриб борди.

Чўлпон сингари катагон бўлган шоирлар ижодидаги қатор намуналардан ташкил топган "Тирик сатрлар" тўплами тайёрланишига О.Шарафиддинов бош-қош бўлди. Худди шу даврда ўзбек адабиётининг фидойилари Э.А.Каримов ва Н.Каримовлар "Ўзбек тили ва адабиёти масалалари" журналида Чўлпоннинг айрим шеърлари ва мақолаларидан намуналарни ёритишга журъат этадилар. Ҳар қалай, бу уринишлар 90-йиллар оstonасидаги қарашларнинг уйғонишига замин бўлди. XX асрнинг 80-йиллар охирида матбуотда Чўлпон ҳақида қатор мақолалар эълон қилинди.

О.Шарафиддиновнинг "Чўлпон" номли (1991) асари улғу санъаткор ҳақидаги биринчи, хайрихоҳлик билан ёзилган илмий-таҳлилий, айтишда оммавий тадқиқот асар эди. Китоб лўнда-лўнда беш бобдан - ҳаёти ва ижод йўли, шеърляти таҳлили, насрининг талқини, адабий-танкидий фалсиятига муносабат, таржимонлик маҳоратига бир назардан иборат. Китобнинг биринчи боби асосида кейинроқ танқидчи "Чўлпонни англаш" номли теран ва мазмунли асар яратди.

Муаллиф Чўлпон ҳақида 20-йиллардан шу кунгача қим, қаерда нима деганини яхши билади, ҳатто хорижий чўлпоншунослик тарихи ҳақида ҳам маълумот беради. Элининг асл ўғлони, буюк фарзанди Чўлпонни асриб-авайлай олмаган, муҳими, унинг шаъни-қадри учун курашмаган имондошларидан хафа бўлиб кетишини ҳам яширмайди. У Чўлпонни қанча ўқиса, англаса, инсон эрки, руҳнинг озодлигини шунча аниқ ҳис қилади, аксинча, шўро ҳукумати моҳиятини уқишга қанча интилса, эркинлик, тутқунлик қонун-қоидаларини аниқ-равшан идрок этади. Демак, Чўлпон ижодининг моҳияти шўро тузуми асосларига зид эди. Инсоннинг эркин руҳини тасвирловчи асарга тоталитар тузумда ўрин бўлиши қийин. "Чўлпонни англаш" рисоласининг туб моҳияти мана шунда.

"Кеча ва кундуз" романи О.Шарафиддинов сўзбошиси билан чоп этилди. Унинг раҳбарлигида Чўлпоннинг аввал бир йиллик, сўнг уч йиллик асарлари нашрга тайёрланди. "Адабиёт надур" тўплами босилиб чиқди. Чўлпон адабий меросига оид ўнлаб мақолалар, иккита рисола яратилди. Чўлпонга интилиш, ҳатто, айтиш мумкинки, О.Шарафиддиновнинг шахс сифатида қамол топишига таъсир кўрсатди, натеъдодини тарбиялади, аниқ мақсадга йўналтирди. Унинг "Шеър кўп, шоир-чи?", "Ҳаётчилик жозибаси, схематизм инерцияси", "Ҳақиқатга алоқат" мақолалари Чўлпон руҳида ёзилган. Олимнинг қатор шоғирдлари чўлпоншуносликни ривожлантириб келмоқдаларки, бунда устознинг хизматлари улкан.

Мунаққиднинг Чўлпон 100 йиллиги муносабати билан Фанлар Академияси катта залида қилган маърузаси асосида "Халқ сўзи" газетасида "Чўлпон ҳаракатга чорлайди" мақоласи чоп этилди. Унда Чўлпон асарлари бизни эрк, озодлик, мустақилликни эъозлашга ўргатишига урғу берилди. Чўлпон ижодини тарғиб қилиш, унинг асарларини меҳр ва катта муҳаббат билан таҳлил ва талқин этиш мунаққид ижодининг етакчи йўналишларидан бири саналади.

Моҳир қаҳҳоршунос олим. Қаҳҳоршунослик Ўзбекистонда адабиёт илмининг муҳим тармоқларидан бири даражасига кўтарилган. У ҳақда тадқиқотлар, монография ва диссертациялар яратилган. П.Қодилов, И.Боролина, Х.Абдусаматов, М.Қўшонов, В.Смирнова, У.Норматов, А.Расулов, С.Содиқов, И.Ғафуров, Р.Қўчқоров ҳамда бошқа ўнлаб тадқиқотчилар А.Қаҳҳор ижодини таҳлил қилдилар. Ҳар бир адабиётшунос адиб ижодининг муайян муаммолари ҳамда муайян адабий-танқидий жанр талаби асосида, ўз услуби йўналишида ўрганади, ёзувчининг адабиётдаги ўрнини белгилашга интилади. О. Шарафиддинов улар ичида ўз овози, ўз сўзи билан алоҳида ажралиб туради.

Олимнинг А.Қаҳҳор ҳақида яратган "Истеъдод жиллолари" портрети илмий-бадиий талқини теранлиги билан диққатни тортади. Бир қарасангиз, танқидчи А.Қаҳҳор асарларининг яратилиш тарихи ҳақида, бир қарасангиз, адабиётда кулгунинг ўрни ҳақида, яна бир бобда истеъдоднинг намоён бўлиши, унинг кимга хизмат қилиши хусусида, бошқа бир ўринда ёзувчи меҳнати тўғрисида фикр юритади. У ёзувчи ижодидаги "жонли одамларни кўрсатиш" мақсадида "Ўғри" ҳикоясини "ич-ичига кириб" текширади. Бунда ёзувчига самимиятгина эмас, умуман, сўз санъатига, сўз жозибасига эҳтиромни аниқ сезилиб туради.

Танқидчи адабий портрет жанрида ҳам масалага маълум бир муаммо асосида ёндаша олиш намунасини кўрсатди. Шу маънода портретда адабиётнинг халқ учун яшаши, жамиятга хизмат қилиши масаласи марказга қўйилади. Асарлардаги табиийлик, хусусан, ҳажвчи сифатидаги маҳорати қирралари очилади. Шунингдек, ёзувчи меҳнати, унинг асар устида чидам билан ишлаши масаласига айрича диққатини қаратади.

Мунаққиднинг "Абдулла Қаҳҳор"(1988) китоби чоп этилди. Бу асар ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақидаги бадиий лавҳалардан иборат бўлиб, кўпроқ эссе жанрига мансуб, дейиш мумкин. Китобда ёзувчи таржиман холи, ота-онаси, оиласи, фарзандларига оид маълумотлар берилди. Ёзувчининг ҳаёт йўли, кизиқишлари, табиати ҳақидаги кузатувлар қизиқарли, содда тилда тасвирланган. "Сароб", "Қўшчинор" романларининг муҳокамалари ҳақида ўз даврининг янги маълумотлари ёзилган.

О. Шарафиддинов мустақиллик йилларида ҳам А.Қаҳҳор ҳақида ёзишдан тўхтамади. Адиб ижоди ва шахсининг янги-янги қирралари ҳақида ёзди. "Ижодни англаш бахти" (2004) китобига Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги этюдлар киритилган. Биринчиси "Чинорлардан бири..." (1995)да

адибни адабиётимизнинг қудратли, забардаст чинорларидан бири деб қисоблаган танқидчи асарлари, шахсиятининг нозик жиҳатлари ҳақида фикр юритади. "Бу уйнинг чироғи ҳамиша ёниқ" (2003) этюди кўпроқ хотираларга асосланган. Бу этюдда олим ўзини А.Қаҳҳорнинг шогирди дейишдан истиҳола қилишини ёзди. "Биз ҳар қанча у одамга яқин бўлмайлик, лекин Абдулла Қаҳҳор истеъдоди жиҳатидан ҳам, ақл-заковат бобида ҳам, одамгарчилик масаласида ҳам биздан бир неча баробар юқори турар эдилар"¹⁹. "Қалбида истиклол ёлқини бор эди" (2002) қисмида адиб қалбидаги истиклол ёлқини асарларида кўришиб туриши ҳақида фикр юритилади. Адибнинг Ўзбекистонни шох-сўзанага ўхшатгани, орзулари, ҳақиқатпарастлигини очиб беради. "Бир нутқ тарихи"да ўша даврдаги Милъчаков деган уюшма раисининг қиёфасини мардона туриб очиб берган адибнинг жасорати ёритилади. "Бир асар муҳокамаси" (1998)да "Синчалак" қиссасининг ёзилиши ва биринчи муҳокамаси атрофидаги баҳслар, қанчалик қоралашларига қарамай, асарнинг адабиётимизнинг катта ютуғи бўлганлиги кўрсатиб берилади. "Қибриё опанинг ҳолбаси" (2002) деб номланган охириги этюд А.Қаҳҳор билан К.Қаҳҳорова ўртасидаги инсоний муносабатлар, рафиқасининг адиб ҳаёти ва ижодида тугган ўрни қизиқарли ва самимий тарзда ҳикоя қилиб берилади.

Озод Шарафиддинов кўп олиму адибларни кадрлар, ҳурмат қилар эди. Лекин Абдулла Қаҳҳор О.Шарафиддинов учун йўлчи юлдуз бўлди. У киши Абдулла Қаҳҳорга эргашар, ўшандай бўлишга интиларди. Устоз ижодида Абдулла Қаҳҳор, унинг асарлари, оиласи, турмуш тарзи ҳақида ёзилган портрет, эссе, тақриз, тадқиқотлар кўп. Кўринадиси, О.Шарафиддинов умрининг охириги дақиқаларигача А.Қаҳҳор, Ойбек сингари буюк сўз усталари ҳақида ёзишдан толмаган, ана шу жиҳатлари билан бугунги танқидчилигимизга намуна бўладиган мунаққид сифатида яшаб қолади.

Озод Шарафиддинов ўрта ва олий таълим муаммолари ҳақида қатор мақолалар ёзди. Дастур ва дарсликлар яратиш ишида фаол қатнашди. Ўзи ўқиган дорилфунунда бир неча ўн йиллар мобайнида талабаларга сабоқ берди. Моҳир таржимон сифатида ўзбек китобхонларига жаҳон адабиёти намуналарини тўхфа этди. Истиклол даврига келиб ёзган ўнлаб публицистик мақолаларида мустақилликни янада мустаҳкамлашга даъват этиб, фидоний миллатпарварлик намунасини кўрсатди. Бу йўналишдаги қатор мақолаларида Президент И.А.Каримовнинг юртбоши сифатидаги ёрқин қиёфасини гавдалантирди. Унинг "Муқаддас бурч", "Буюқларимиз бағримизга қайтди", "Модернизм жўн ҳодиса эмас...", "Ғаройиб ҳақиқатни кашф этдим", "Истиклол адабиёти энг илғор адабиётдир", "Адабий танқид ва янги тафаккур", "Истеъдод билан учрашиш байрами" каби мақолалари янги давр танқидчилигининг ибратли намуналари бўлиб қолди.

¹⁹ Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. Т., 2004. - Б. 285.

“Эътикодими нега ўзгартирдим?” номли иқдорнома-мақоласи эса, XX аср охирида инсоният тарихида рўй берган улкан ўзгаришларнинг сабаб ва оқибатлари ҳақида теран тасаввур берувчи жаҳон публицистикасининг энг сара намуналари каторида туради. Олимнинг Давлат мукофотига сазовор бўлган “Ижодни англаш бахти”, “Довондаги ўйлар” китоблари ўзбек танқидчилигининг юзини кўрсатувчи асарлардир.

Умуман, О.Шарафиддинов адабиётнинг бош вазифаси: Олам, Қалб ва Ғўзалликни тасвирлаш деган азалий кадриятга содиқ қолди.

Президентимиз И.А.Каримов О.Шарафиддиновни ўзбек халқининг фидойий, миллатпарвар ва жасоратли фарзанди деб таърифлар экан, ундаги энг муҳим фазилатларни ниҳоятда аниқлик билан топиб айтган эди. Унинг Ўзбекистон Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлгани эл, юрт, давлат ўзининг фидойий фарзандларига кўрсатаётган юксак эътиромни намунасидир.

О.Шарафиддинов ҳақидаги замондошларининг дил сўзларидан иборат тўплам “Матонат ва муҳаббат” деб номланган (1999). Мана шу икки сўзга О.Шарафиддиновнинг асосий хислатлари мужассам дейиш мумкин. Дарҳақиқат, Оллоҳ берган беназир истеъдод соҳиби бўлмиш бу одам Қодирий ибораси билан айтганда, “шахси бутун” зот, матонат, шижоат эгаси эди. Бу фикр “Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида” (2009) номли китобдаги деярли ҳар бир мақолада ўз ифодасини топди.

О.Шарафиддинов кейинги йилларда кўплаб хотира, эсселар яратди. Сўз санъати фидойилари, устозлар, қаламкаш дўстлар, шоғирдлар, шунингдек, илм-фан, маърифат аҳли, жамоат арбоблари ҳақида ғўзал бадиалар битди. Уларда илмий тафаккур билан бадий истеъдод сингишини кетади.

Олимнинг янги босқичдаги ижтимоий, ижодий фаолияти нечоған ранг-баранг бўлмасин, биринчи навбатда у мунаққид, адабиётшунос эди. Аввалги босқичлардаги каби унинг кейинги ўн беш йил давомида чоп этилган китоб, рисола, мақола, эссе ва адабий суҳбатлари янгиланаётган замонавий миллий адабий тафаккурнинг ёрқин намуналари бўлиб қолди. “Уларнинг кўпчилиги ҳасби ҳол характериға эға. Мустабид тузум асоратларидан дадил воз кечиб, XX аср ўзбек адабиёти тарихини янгича қайта идрок этиш, таҳлил ва талқин қилиш, қолаверса, умуман, бадий ижодни, ижодкор шахсини, инсон зотини шўро даврида шаклланган андозалардан холи, умумбашарий мезонларда туриб, чин инсоний, илмий англаш О.Шарафиддиновнинг янги босқичдаги адабий-танқидий ишларига хос муҳим хислатлардир”¹⁴⁰. Жонкуяр мунаққид ижоди янги-янги авлодлар учун доимо маҳорат мактаби бўлиб қолади.

Таянч тушунчалар: шеърят танқиди, қаҳҳоршунослик, чўлпоншунослик, адабий портрет, портрет чизиклари, фидойилик, талант халқ

мулки, танқидчи услуби, эссе-роман, портретнавис мунаққид, бадийлик мезони, жўшқин эхтирос, бадият, адабий тафаккур, ижодий жасорат.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. О.Шарафиддинов адабий-танқидий қарашларининг ўрганилиши ҳақида нималарни биласиз?
2. Танқидчининг ўзига хос услуби нимада намоён бўлган?
3. Мунаққиднинг чўлпоншуносликка қўшган ҳиссаси ҳақида гапиринг.
4. “Замон.Қалб.Поэзия” китобининг аҳамияти нимада кўринади.
5. О.Шарафиддинов яратган адабий портретлар ва уларнинг ўзига хослиги нималарда кўринади?
6. Танқидчининг адабий танқидга оид қарашларини изоҳланг.
7. О.Шарафиддиновнинг А.Қаҳҳор ижодини ўрганишдаги ҳиссаси нималар билан белгиланади?
8. Мунаққиднинг модернизм ҳақидаги маҳоласини шарҳланг.

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Озод Шарафиддинов асарлари:

1. Замон.Қалб.Поэзия.Т.:Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриёти. 1962.
2. Адабий этюдлар. Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти. 1968.
3. Яловбардорлар.Танқидий-биографик очерклар.Т.: Ёш гвардия, 1974.
4. Истеъдод жилolari. Адабий портретлар.Т.:Адабиёт ва санъат. 1976.
5. Биринчи мўъжиза. Адабий-танқидий мақолалар. Т.: Адабиёт ва санъат.1979.
6. Талант – халқ мулки.Т.: Ёш гвардия, 1979.
7. Адабиёт – ҳаёт дарслиги. Т.: Адабиёт ва санъат. 1980.
8. Ҳаёт билан ҳамнафас.Т.: Ёш гвардия. 1983.
9. Ғўзаллик излаб. Т.: Адабиёт ва санъат.1985.
10. Абдулла Қаҳҳор.Т.: “Ёш гвардия”, 1988.
11. Ҳақиқатга садокат. Т.: Адабиёт ва санъат.1989.
12. Чўлпон. Т.: Чўлпон, 1991.
13. Мустафо Чўкай,Чўлпон, Отажон Ҳошим.Истиклол фидойилари. Т.: Шарқ наш.-матбаа концерни. 1993.
- 14.Чўлпонни англаш.Т.: Ёзувчи. 1994.
15. Сардафтар саҳифалари.Т.: Ёзувчи, 1999.
16. Маънавий камолот йўлларида. Т.: Ёзувчи, 2001 .
17. Довондаги ўйлар. Т., 2006.
18. Ижодни англаш бахти. Т, 2006.

¹⁴⁰ Норматов У. Ижод ва шижоат / Ижодни англаш бахти. Т.2006, 5 б.

II. Озод Шарафиддинов ҳақида:

19. Расулов А. Озод Шарафиддинов. Т., 1980.
20. Расулов А. Истеъдод ва эътикод. Т., 2000.
21. Қодиров П. Умр ободлиги // "Гулистон", 1979, № 3. – Б. 22-23.
22. Қулжонов А. Илм ва ижод оламида. Т.: Адабиёт ва санъат. 1980. – Б. 62-76.
23. Расулов А. Бетакорр ўзлик. Т.: Мумтоз сўз. 2009.
24. Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида. Т., 2009.

НАИМ КАРИМОВ

(1932)

Режа:

1. Наим Каримовнинг ўзбек танкидчилигида тутган ўрни.
2. Ҳамид Олимжон ижодининг нозиктаъб тадқиқотчиси.
3. Ойбек ижоди олим талкинида.
4. Эссенавис маҳорати.
5. Танкидчининг адабий жараёнга муносабати.

Наим Каримовнинг ўзбек танкидида тутган ўрни. Ўзбек адабиётшунослиги ва танкидчилигида Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райхон Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, филология фанлари доктори, профессор Наим Каримовнинг мустахкам ўрни бор. Унинг бой ва ранг-баранг ижоди XX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан ўзбек адабиёти ва адабий танкидчилиги тараккиётида муҳим аҳамият касб этади.

Адабий танкиддаги Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Салоҳиддин Мамажонов, Лазиз Каюмов, Наим Каримовлар авлодининг бахти шундаки, улар ижодининг бошланиш ва шаклланиш даври жамиятда илиқ шабадалар эса бошлаган янгиланиш паллаларига тўғри келди. XX аср ўзбек танкиди ва адабиётшунослигида бўй кўрсатган янгиланишлар ҳам 50-йилларнинг охирилари 60-йилларнинг аввалида мана шу авлод ижодида ёркинрок намоён бўлади.

Наим Каримов 1932 йилда Тошкент шаҳрида туғилди, ўрта маълумот олгач, САГУнинг ўзбек филологияси факультетида ўқиди. Сўнг университет ҳузуридаги аспирантурада таҳсил олди. "Ҳамид Олимжоннинг бадий маҳорати" мавзuida номзодлик диссертациясини ёклагач, Ўз Р ФА Тил ва Адабиёт институтига ишга ўтди. Шу илм масканида деярли олтинчи йилдан бери самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Олим "XX аср ўзбек адабиёти тараккиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафқураси" (1994) мавзусида докторлик диссертациясини ёклади. У "Ўзбекистон маърифатпарварлар жамияти" раиси, "Шаҳидлар хотираси" жамғармаси кенгаши раиси ҳамда "Қатағон

қурбонлари" хотираси музейи директори лавозимларида ҳам фидойилик билан меҳнат қилди. Ноҳақ қатағон бўлганлар хотирасини тиклашда қатағон даври адабиётини ўрганишда қатта ғайрат кўрсатиб келмоқда.

XX аср адабиётимизнинг қатор намуналари рус тилига таржима қилиниб, Ўзбекистондан ташқаридаги китобхонлар қўлига етиб боришида, маълум ишлар қилинган. М.Қўшжонов, С.Мирзаев, Н. Худойберганов, П.Шермухаммедовларнинг собиқ марказ ва Тошкентда рус тилида чоп этилган айрим тадқиқотларини ҳисобга олмаганда, адабиётшунослик соҳасида бу фикрни айтиш қийин. Жумхуриятимиздан ташқаридаги академик нашрларда эълон қилинган ишлар эса бармоқ билан санарли. Шу маънода, умуман ўзбек адабиёти, хусусан, айрим улкан адиблар ижодини таҳлил этиб, кенг миқёсдаги мутахассислар ва китобхонларга таништиришда Н.Каримов хизматларини таъкидлаш ўринли. Олимнинг ана шундай дастлабки тадқиқотларидан бири "Узбекская советская литература на современном этапе" –бундан салкам эллик йил аввал Москвада чоп этилган "История узбекской советской литературы" (1967) номли китобдан ўрин олган эди. Россия Фанлар академиясининг Жаҳон адабиёти институти тайёрлаган "История советской многонациональной литературы" кўпжилдлигига бир гуруҳ олимлар томонидан ёзилган ўзбек адабиётига доир тадқиқотлар ўз даврида жиддий муваффақият сифатида баҳоланган эди. Бу тадқиқотнинг IY- ва Y- жилдларидаги (1971, 1974) қисмларини ёзишда И.Султонов раҳбарлигидаги бир гуруҳ таниқли олимлар қатори Н.Каримов ҳам иштирок этди.

Н.Каримов изланувчан ва юксак илмий-эстетик дид ҳамда қарашларга эга мунаққид. У ўзининг Чўлпон, Ҳамза, Ойбек, Ҳ.Олимжон, У.Носир, Шайхзода ижодида доир тадқиқотларида асарларини ўрганиш билан чекланмай, уларнинг ижодий лабораториясига ҳам чуқур кириб боради, ҳар бир санъаткорнинг хос услуб ва маҳорати йўналишларини илмий-эстетик, тарихий-маърифий жиҳатдан чуқур таҳлил этади. Шаклдаги гўзаллик билан композициядаги топқирлик, илмийликка зид бўлмаган эркин бадий таҳаййўл Н.Каримов тадқиқотларининг ўзига хослигини белгилайди, қизикarli ўқилиши ва жозибасини таъминлайди.

Ҳамид Олимжон ижодининг нозиктаъб тадқиқотчиси. Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида Ойбек, Шайхзода, Ҳ.Каримов, С.Азимов, С.Мирвалиев, С.Мамажонов, Ҳ.Умуров каби адиб ва мунаққидлар қатор тадқиқот ҳамда мақолалар яратдилар.

Бу улкан шоир ижодини чуқур ва атрофлича ўрганган, унинг поэтик маҳорати сирларини очишга интилган мунаққидлардан бири Н.Каримовдир. Тўғри, Н. Каримовнинг шўро даврида яратган мақолалари, тадқиқотларида барча адабиётшунослар сингари мафқурага, ижтимоий асосларга, тузумга, синфга ва шулардан сизиб чиқувчи ғоявийлик муаммоларига алоҳида эътибор берилади. Лекин, бундан қатъий назар, утган асрнинг 70-90-йилларидаги аксар мақола, тадқиқотлар билан

киёсланса, Н.Каримов ишларида шоир асарларининг бадий жиҳатларини, эстетик қимматини, санъаткор маҳоратини ўрганиш асосий ўрин тутишини сезмаслик мумкин эмас. Умуман, адабиётшуносликка Н.Каримов Ҳамид Олимжон ижодиётининг тадқиқотчиси сифатида кириб келди. Олимнинг жиддий ишлари Ҳамид Олимжон ижодини ўрганишдан бошланди. Масалан, "Зайнаб ва Омон" дostonини тадқиқ этаркан, асарнинг сиёсий-ижтимоий аҳамиятидан ташқари, ундаги бадий санъатларнинг ўзини очишга интилади. Шоирнинг руҳиятдаги, табиат манзараларини чизишдаги санъаткорлигини таҳлил этади. Маҳоратни, поэтик услубни аниқлашда, олим наинки фикр, жумла, образ, сўз бойлиги ёки бўёқлари, балки мусикийлик, оҳанг, ритм, шеърини нутқ унсurlаридан тортиб, поэтик интонация, унинг тур ва хилларигача эътибор беради.

Танқидчи шеърнинг ички мусикасини тинглай олади, "нафис ундошлар", "куйдор унлилар" билан алмашилишидаги гўзалликни хис этади, "товуш товланишларини" кўра билади. Бу ҳар бир танқидчиға ҳам насиб этавермайдиган хусусият. Бундай фазилат нафис ва нозиктаб дидли танқидчиғагина насиб этади. Баъзан ҳатто шоирнинг ўзи ҳам ўзидаги бу фазилатни сезмаслиги, бу ҳол табиатидаги ички онг оқими натижаси эканини пайкамай қолиши мумкин. Лекин нозиктаб танқидчи бунга сезади, англайди. Шоир табиатидаги бу сезимларнинг сеҳрларини очишга интилади. Бир вақтлар ҳассос шоир Э.Бағрицкий "шеърнинг ҳар бир ҳарфи организмдаги хужайра янглиғ нафас олиши ва тебраниши зарур", деган эди. Танқидчи ўзбек шеърлятидаги намуналар асосида ана шу жонли жараёни кузатади, аниқ мисоллар асосида кўрсатади, қалбимизга шеърлятнинг гўзаллигини олиб киради. "Зайнаб ва Омон"да қуйидаги мисралар бор:

Ниятингга еткур, қулоқ сол,

Аламларинг кеткур, қулоқ сол.

Оддий китобхон бу мисраларни шунчаки ўқиб кетавириши мумкин. Уларни ҳар бир танқидчи ўз мақсадидан келиб чиқиб, турли йўналишда таҳлил этади. Н.Каримов эса поэзиядаги мусикавийлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ҳар бир ҳарф оҳанги замирига яширинган шоир маҳоратини қуйидагича талқин этади: "Л ҳарфининг майин жаранги асосига қурилган радиф ана шу мисралардаги оҳангдош ва қофиядош сўзлар билан уйғунлашиб, шеърнинг латиф мусикасини, қўшиқчанлигини юзага келтиради".

Олимнинг "Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати" (1964) монографиясида шоир шеърлятининг фалсафий-эстетик моҳияти, инсон ички дунёси ва хис-туйғуларини тасвирлаш маҳорати чуқур ёритилди. Ҳ.Олимжоннинг ҳаётга бўлган оташин муҳаббати, Ватан ва инсонга аталган энг эзгу туйғулари, бахт ҳақидаги фалсафий шеърларнинг таҳлили мисолида кўрсатилади.

XX асрдаги буюк шоир, ёзувчилар ҳаётини унинг аниқ асарлари ёзилли сабаби, тарихи билан, муаллифнинг табиати, феъли, турмуш тарзи, оиласи, муҳити, давраси билан алоқдорликда, кенг ўқувчиларға мўлжаллаб яратилган асарлар, бундан, тахминан, йигирма беш йил аввал пайдо бўлди. Бу йўлни бошловчилардан бири Наим Каримовдир.

Бу китобга қадар Ҳ.Олимжон ҳақида кўплаб мақола, китоб, аннотациялар ёзилган. Бироқ уларнинг аксарида шоир ҳаёти ва ижодидаги муайян қирраларгина ёритилган, холос. Н.Каримов асарида эса, улуг шоирнинг бутун ҳаёти ва ижодига яхлит назар ташланиб, улардаги энг муҳим нуқталар: боболарию болалигидан тортиб умрининг сўнгги лавикаларигача кечган манзаралар давр билан мустаҳкам алоқадорликда сурурли бир ҳаёт йўли сифатида акс эттирилади. Китобда шоир ҳаёти ва ижодига дахлдор янги маълумотлар илк бор муомалага киритилади. Шуниси эътиборлики, муаллиф китобнинг кўпдан-кўп саҳифаларида ўз таҳайюлига, ҳаёлотига эрк беради, бу услуб, ўз навбатида, асарнинг бадийлигини ошириб, уни янада ўқишли, сеҳрли, қизиқарли қилади. Олим таҳайюлидан тўйинган шоир ҳаёти ва ижодига доир айрим маълумотларнинг ҳужжатли асоси бўлмаслиги мумкин, лекин уларға биз тўлиқ ишонамиз, чунки улар шоир турмуши, ижоди ва тақдирига доир шарт-шароитлар билан ажралмас уйғунликда зохир бўлади. Бу тарихий-биографик тадқиқотнинг муҳим ютуқларидан бири унда тарихий-матрифий йўналиш уйғунлигида Ҳ.Олимжон ҳаёти ва ижодининг бутун қирралари қамраб олинганлигидадир.

Ойбек ижоди олим талқинида. Н.Каримов Бехбудий ва Ҳамзадан тортиб, Ҳ.Худойбердиева ва Усмон Азимгача бўлган кўплаб шоир ва адиблар ҳақида тадқиқотлар яратди, мақолалар ёзди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун унинг биргина "XX аср адабиёти манзаралари" номли салмоқли китобига назар ташлашнинг ўзи кифоя. Ойбек шахси ва ижоди Н.Каримов учун том маънодаги сеҳрли маъво бўлиб қолди. XX асрнинг сўнгги чорагидан буён Ойбек ҳаёти ва ижодини тадқиқ ҳамда тарғиб этиш Н.Каримов ҳаётининг мазмуни бўлиб қолди. Чорак аср ичида Ойбек ҳақида эълон қилинган юзга яқин мақола, беш китоб, йигирма жилдлик нашрга бош-қош бўлиш бунинг далили бўла олади. Гап фақат мақола, китоб, бажарилган иш саноғидагина эмас, уларнинг салмоғида, моҳиятида, янгилигида, янги замоннинг янги талабларига муносиб эканида.

Ҳақиқатан ҳам олим умрининг деярли ярмидан кўпи ёхуд мутахассис сифатидаги бутун фаолятининг изчил ва систем даври бевосита Ойбек ҳаёти, ижодини ўрганиш, тарғиб этиш, буюк адиб хонадонни муҳити билан чамбарчас алоқадордир. Ойбек вафотидан кейин бу хонадонда ўтган бирорта адабий, маданий, удумий тадбир йўқки, унга бу фидойи олим бош-қош бўлмаган бўлсин. Улуг ёзувчи мероси жамланиб, изчил назардан ўтказилиб, вариантлари-ю, изоҳлари билан йигирма жилдлик академик нашр сифатида китобхонлар қўлига етиб боришида адибнинг рафикаси

мухтарама Зарифа ая Саидносированинг ҳамда мутахассис сифатида, бундай нашрнинг принципларини Ўзбекистонда биринчи бор ишлаб чиққан ва амалга оширган Н.Каримовнинг хизматлари жуда катта. Бу меҳнатлар эвазига у ҳақли равишда Абу Райҳон Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти билан тақдирланди. Мамлакатимиз ҳаётида жиддий маданий ҳодисалар сифатида эътироф этилган F.Ғуломнинг 12, Х.Олимжоннинг 10, Х.Х. Ниёзийнинг 5 жилдлик мукамал асарлар тўпламлари ҳам унинг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида нашр этилди.

Н.Каримов Ойбекнинг 20 жилдлик "Мукамал асарлар"ини нашрга тайёрлаш жараёнида адибнинг иш услубини, роман ёзишга тайёргарлик кўриши, образлар устида ишлаши, қаҳрамонлари прототипларини, тарихий манбаларни кузатади. Таҳлил асосида улуғ Ойбекнинг заҳматкаш ёзувчилигини ёритиб беради. Адиб умр бўйи илм билан бадий ижодни кўшиб олиб борганига эътибор қаратади.

Ойбек ҳаёти ва ижодини тинимсиз ўрганиш натижасида Н.Каримов "Ойбек"(1985), "Ойбек гулшанида қолган гунчалар"(1985), "Ойбек ва Зарифа" (1990), "Илҳом чашмасининг ажиб мавжлари" (1982) сингари асарларини чоп эттирди. Бундан ташқари Зарифа Саидносирова ҳаётлигида чоп этишга улгурмаган "Ойбегим менинг" китобини муаллиф илтимосига кўра Наим Каримов нихоясига етказди. Нашрга тайёрлашдан ташқари, унга муҳаррирлик қилди. Опа хотиралари асосида шаклланган маълумотлар билан китобни жузъий равишда янада бойитди.

Н.Каримовнинг "Ажойиб кишилар ҳаёти " туркумидаги "Ойбек. Машҳур ўзбек адибининг ҳаёти ва ижодидан лавҳалар" асари З.Саидносированинг ушбу "Ойбегим менинг" номли китоб билан биргаликда ойбекшунослик ва, айни вақтда, улуғ сиймоларимиз қиёфасини наинки шу куннинг ўқувчиси, балки келгуси авлодларга барҳаёт етказишда, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга. Бу ишлар каторига танкидчининг "Тарих сўқмоклари изимдан чўтир..", "Ойбек: Тош экан бу бошим..", "Икки дарға", "Ёзилмаган дурдона", "Ойбек ўғитлари", "Ойбекнинг сўнгги кўшиги" сингари ўнлаб мақолаларини қўйсак, Н.Каримовнинг ойбекшуносликка қўшиб келаятган улуши ҳақиқатан ҳам бекиёсдир. Асосийси, мунаққид мақолаларининг деярли ҳар бирида адиб ҳақида адабиётшуносликка номаълум бўлган янгиликларни олиб киришга интилади. Масалан, ёзувчининг ёзиб тугалланмаган "Бобур" номли достони ҳақидаги "Ойбекнинг сўнгги кўшиги" ҳамда адибнинг "Қаҳқаҳан хусн" номли пьесасига бағишланган "Ёзилмаган дурдона" мақолаларини дейсизми, "Ойбек гулшанида қолган гунчалар" рисоласини оласизми – китобхонга янги-янги маълумотлар беради.

Наим Каримовнинг Ойбек ижодига муносабати буюк сиймоларимиз қиёфасини китобхонларга, шу билан бирга келгуси авлодларга барҳаёт етказишда, шубҳасиз, катта аҳамиятга эгадир.

Эссенавис маҳорати. Н.Каримов меҳр-муҳаббат ва ихлос билан ҳаёт йўлини, ижодини тадқиқ этган шоирлардан бири Усмон Носирдир. У шоир ижодини ўрганиш билан бирга, адабиётимиз тарихига шоир ҳаёти, тақдирига ҳамда шу вақтгача номаълум бўлиб келган кўпдан-кўп маълумотларни олиб кирди. Танкидчи фидойи бир инсон сифатида ўз халқининг маданий меросини авлодларга етказишдек хайрли ишларни амалга ошириб, шоир сургун қилинган Кемерово, Бийсккача борди, у ҳақдаги ҳужжатлар билан танишди, архивларни ўрганди, шоирнинг замондошлари билан суҳбатлашиб, кўп маълумотларни қўлга киритди. Бу тинимсиз меҳнат натижаси ўлароқ "Истиклол фидойилари" туркумидаги "Усмон Носир. Ҳаётини лавҳалар. Ҳужжатлар. Ривоятлар" (1993), "Усмон Носирнинг сўнгги кунлари" (1994) номли китоблар дунё юзини кўрди. Биринчисида, Усмон Носирнинг Тошкентга қўчиб келгунгача (1935) кечган ҳаёти ва ижоди, иккинчисида то умрининг охиригача кунларига келган асарлари, умр йўли тадқиқ этилган. Олим шоир асарларининг яратилиш тарихига эътибор бериш билан бир каторда, уларнинг янги талқинини яратади. Бу талқин аксар ҳолларда даврнинг адабий, маданий, ижтимоий ҳодисалари билан мустаҳкам алоқадорликда бўлишдан ташқари, шоирнинг ўз табиати, ички дунёси, аъмоллар ва омиллар олами билан узвий боғланишда кечади.

Бу асарлар эссе жанрида яратилган, шунинг учун уларда эссенавис мунаққиднинг кенг имкониятлари бор бўй- бабини қурсатган. Бизда XX асрнинг 90-йилларигача ўрганилаётган шоир-ёзувчининг фақат ижобий фазилати ҳақида гапириш мумкин деб тушунилган. Унинг табиатидаги ҳар бир оддий одамга хос айрим паст-баланд хусусиятларни ошқор этиш гўё «айб» саналарди. Жаҳоннинг илғор адабиётшунослиги эса бу йўлни ақлақачон инкор этган ва ижодкор шахси табиатига онд барча, ҳатто энг нозик маълумотларни ҳам ўрни билан айтишини тўғри деб билади. Наим Каримов бизда Х.Олимжон, Ойбек, У.Носир ҳақидаги асарлари билан ана шундай – ижодкор шахсига яхлит қараш таъйинини бошлаб берди. Масалан, Усмон Носирга инсон ва ижодкор сифатида қараб, унинг чапанинамо табиати ҳақидаги маълумотларни тақдим этади ва бу маълумотлар буюк шоирни ўқувчидан узоклаштирмайди, балки унга янада яқинроқ қилади.

Чўлпон танқидчи нигоҳида. Мустақиллик даврига келиб, чўлпоншуносликнинг жадал суръатлар билан қадам ташлашида Н.Каримовнинг хиссаси каттадир. Унинг "Истиклолни уйғотган шоир" (2000) китоби Чўлпон ҳаёти ва ижодининг кўпчиликлари маълум бўлмаган қирраларини очишга қаратилди.

Н.Каримов эссе-роман жанри табиатига хос хусусиятларни Х.Олимжон ва Ойбек ҳақидаги тадқиқотларида синаб кўрган эди. Бу йўналишдаги тажрибасини мустақиллик йилларида Чўлпон ҳақидаги йирик тадқиқотида янада чуқурлаштирди. Олимнинг Чўлпонга

багишланган мақолалари, рисоалари давлат архивларида йиллар мобайнидаги тинимсиз меҳнат, шоир замондошлари ва қариндош-уруғлари билан олиб борилган суҳбатлар ва бошқа турли йўналишдаги изланишлар – бу йирик асарнинг яратилишига замин бўлди.

Асарда илк бор шоир ҳаёти, ижоди ва муфассал киёфаси яратилиб, у ҳақдаги ҳақиқат тўлдирилди ва ойдинлаштирилди. Уни ўқир экансиз, энг муҳими, кўз ўнгингизда миллатнинг чўнг ва нурли қояларидан бири – Чўлпоннинг кенг, мукамал образи намоён бўлади: Чўлпон–қалби ҳиссиётга тўла истеъдодли шоир ва адиб. Чўлпон – ўз давридан олдинга кетган танкидчи ва моҳир таржимон. Чўлпон–ўз миллатининг бахти, келажаги учун ўзини фидо қилган миллатпарвар инсон. Чўлпон–ниҳоятда нозик қалб эгаси; кенг миқёсдаги шахслар билан қиёслана олувчи ва улар билан бир сафда туришга муносиб ўз даврининг улкан сиймоларидан бири. “Чўлпон” эссе-романи ёш авлоднинг эстетик тафаккурини ривожлантиришда уни ватанпарварлик ва миллатпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Мақсуд Шайхзода ҳақида янги эссе. Изланувчан олим М.Шайхзода ҳаёти ва ижодига бағишлаб янги эссе-романини эълон қилди (2010). Худди “Чўлпон” руҳида ёзилган бу салмоқли асар китобхонлар томонидан қизғин кутиб олинди.

Унда ҳам образли ифодалар, тасвирий воситалар ёрдамида шоирнинг ҳам нозик, ҳам викорли киёфасини чизади. Айни вақтда Шайхзода киёфасини чизаётган муаллифнинг ҳаяжонлари кўпинча драматизмга тўлиқ эканлиги, энг муҳими қайноқ қалби бу асарда ҳам кўриниб туради.

“Мақсуд Шайхзода” асари бошқа кўндан-кўп фазилатлари қатори шоир ҳақидаги ҳақиқатларни ойдинлаштиришда ҳам муҳим ўрин тутди. Унда шоир ҳаёти ва ижоди тўғрисида нашр этилган деярли барча мақолалар-у, рисоалардаги далиллар, маълумотлар, кузатишлар, қарашлар ва талқинлар, хотиралар ўзаро қиёсланиб, сараси-сарага, пучаги пучакка ажратилиб, шахсий кузатувлар ва ҳулосалар умумлаштирилиб, шоир босиб ўтган йўлнинг кенг, муфассал манзараси яратилади. Муҳими, асарда китобхон кўзи олдида миллатпарвар шоир Мақсуд Шайхзоданинг ёрқин ва шу вақтгача яратилганлари ичида энг тўлақонли образи намоён бўлади.

Н.Каримов асарида шоир образи куйидаги фазилатларда буй кўрсатади: Мақсуд Шайхзода – қалби ҳиссиётга, армонга тўла лирик шоир, драматург; ўз давридан анча илгарилаб кета олган, келажакни ҳис эта билган мутафаккир; танкидчи, мумтоз адабиётнинг билимдони; миллат бахти учун қайгурган инсонпарвар; дўстга содиқ, хушфەъл ҳамсуҳбат; қалби тоза, юрт деб, мустақиллик деб ўзини фидо этган буюк шахсдир.

Асарда Н.Каримовнинг танкидий-биографик характердаги барча асарларига хос муштарак хусусият илмий ва образли тафаккурнинг ўзаро омухталиги, танкидчи қалбининг ижодкорга, санъат асарларига бўлган қучли муҳаббатга лиммо-лим юракнинг эҳтиросга тўлган ҳолда намоён

бўлишидир. Истеъдодли олим, зукко мунаққид Н.Каримовнинг эссе-романлари ёш авлоднинг эстетик тафаккурини ривожлантиришда, унинг баъдий савиясини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Танкидчининг адабий жараёнга муносабати. Н.Каримов ўзбек адабиёти билан бир қаторда жаҳон ва қардош халқлар адабиётининг буюк санъаткорлари ижодини ҳам тадқиқ этувчи, уларнинг ўзбек адабиёти вакиллари билан ижодий ришталарини ўрганувчи серкирра адабиётшунос. Унинг А.С.Пушкин, Шекспир, Мухтор Аvezов, Габриэл Гарсиа Маркес, Чингиз Айтматов сингари даҳо санъаткорлар ҳақидаги рисола ва мақолалари шундай дейишга асос беради. Бу санъаткорлар ҳақида ёзилган ишлар, шунчаки юбилейлар ёхуд газета-журналлар буюртмасигина эмас, тадқиқотчининг қалб даъвати, ижодий кизикишлари ҳамда жиддий изланишлари самараси сифатида майдонга келган. Масалан, Пушкиннинг Ойбекка кўрсатган таъсирини ўрганар экан, тадқиқотчи Ёзувчилар уюшмаси архивига мурожаат этиб, 1936 йилдаги ҳужжатлар билан танишади, Ойбекнинг “Чимён дафтари” туркумига кирган асарларидаги Пушкин таъсирининг илдизларини очишга алоҳида эътибор беради.

Пушкин ҳақидаги 80-йилларнинг аввалида пайдо бўлган “Теран ва тошқин дарё” мақоласидаги ғоя ривожлантирилиб, 1988 йилда нашр этилган “Пушкин ва ўзбек адабиёти” рисоласи даражасига кўтарилди.

Н.Каримов ижодида “Адабий танкид ва адабий жараён”, “Ҳозирги ўзбек шеъриятида жанрлар тараккиёти”, “Шеърый шакллар ва услубий изланишлар” сингари айрим муаммоларни ёритишга бағишланган ҳамда адабиётнинг муайян босқичлари ва алоҳида даврлари умумлаштирилган ҳолда тадқиқ этилган ишлар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Мухтасар айтилса, XX аср ўзбек адабиётининг тараккиёт тамойили ва бу тамойилни ўзида мужассам эта олган санъаткорлар ижодининг ўзига хослигини, бу хосликни белгилаган омиллари ўрганиш адабиётшунос Н.Каримов ижодининг етакчи хусусиятидир.

Истиклол даври Н.Каримовнинг янги-янги имкониятларини намоён этди. Унинг газета ва журналларда эълон қилинган туркум мақолаларида давр адабий-танкидий тафаккурининг янги, етакчи тамойиллари ўз ифодасини топди. Иккинчи томондан, улар янги босқичдаги ўзбек адабиётшунослиги тамойилларини ўзида ифода этди, учинчидан, бу тамойиллар ўзбек адабиётшунослиги янги методологияси шакллана бошлашида муҳим роль ўйнади. О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, А.Алиев, У.Норматов, Э.Каримов, Б.Қосимов каби олимларнинг янги типдаги мақолалари билан бирга Н.Каримовнинг бундай мақолалари мисолида ўзбек адабиётшунослиги бу даврга келиб, XX аср адабиётига муносабатда янги йўналиш ола бошлаганини кўрсатди.

Адабиёт илми янги босқичга ўта бошлаш палласида Н.Каримов Х.Х.Ниёзий ижодига адолат ва ҳақгўйлик билан муносабатда бўлишни бошлаб берганлардан бири бўлди. У Ҳамза ижоди ва айрим асарлари

ноўрин ва асоссиз кўларга кўтарилганини дадиллик билан кўтариб чиқариб, Ҳамзашуносликдаги мушакбозлик ҳодисасининг асосий сабабларини аниқлаштириб, сиёсати ва мафкуравий мутеъликда деб билди. Олим ўз ҳаракатини асослашда айримлар талкин қилмоқчи бўлганидек, айбимизни ўзимиз очиб, ўзимиз эрга уриш эмас, аксинча, адабиётимиз ва адабиётшунослигимизнинг айрим муҳим масалаларидаги адолатни тиклаш, ҳақиқатни ёритиб қўйиш, деб ҳисоблади. “Бой ила хизматчи” пьесасининг иккинчи томонида Ҳамзанинг “Қорасоч” операси ҳақидаги “Қорасоч ва Олтойкан”, “Ҳамзани ким ўлдирган ёхуд Шохимардоннинг қора қўли”, “Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий” сингари мақолаларида у Ҳамзани ёлғиз, адолатсиз, зўраки, сунъий ёрлик ва ноҳақ, баландпарвоз мактовлар некаҳат қутқариб, шоирнинг адабиётимиздаги ҳақиқий ўринини белгилаб, асарларининг асл баҳосини беришга интилки.

Н.Каримовнинг, наинки XX аср адабиётимиз тарихи, балки, шу аср адабий жараён билан ҳам фаол шугулланиб келаётганини таъкидлаш зарур. Шукруллонинг “Кафансиз кўмилганлар” роман-хроникаси, “Ўғрини қарокчи урди” комедияси ҳақидаги тақризлари, Э.Норматов, А.Орипов билан мулоқотлари (“Шеърят – меҳр демаклар”, “Шеърят диёнат ҳали мавжуддир”), Ҳ.Худойбердиева ҳақидаги “Дунё кинорасида шоир қалбига”, “Шунчаки ёзмок бу – шоирга ўлим” (А.Раҳимов билан ҳамкорликда) номли мақолалари, ҳозирги ўзбек шеърятини мушоҳада юритилган рисола, мустақиллик даврининг илк йилларида шеърятимизда рўй берган изланиш ва янгиланишлар тақдирини “Миллий бадий тафаккур” ва “Пишқирган дарё соҳилида” деб таъкидлаб, мақолалар, шунингдек, Рауф Парфи, Усмон Азим шеърлари ҳақидаги “Тонг сирлари” сингари чиқишлари ҳарактадаги адабий жараённинг таърифи ва камчиликлари ҳақида мухтасар тасаввур бера олади.

Истиклол арафаси ва мустақиллик даврига келиб, Н.Каримовнинг Бехбудий, А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ҳамза, У.Носир каби ижодкор ёзувчилар ҳаёти ва ижоди ҳақида том маънодаги янги маълумотлар рисолаларидан ташқари, аср тонги ва 20-йиллардаги жадидчилик ҳақида жадид адабиётининг туғилиш, ривожланиш йўллариини ўрганишни натижа ўларок, “XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадидчилик ҳаракати” сингари тадқиқотлари майдонга келди. Буни қўллаб-қувватлаб, муаллифга ойлаб, йиллаб Ўзбекистон Давлат архивларида, Хавфсизлик Бошқармаси, Ёзувчилар уюшмаси архивларида, ёлғиз Н.Каримов ҳудудидида жойлашган қатор махфий архивларда ишлашга тўғри келди.

Олимнинг архивдаги изланишлари натижаси ўларок маълум қилаётган Абдулла Авлоний, Боту, Абдулла Алавий, Бадулло Раҳматулло Султонов, Саид афанди, Саидносир Миржалолов сингари 30-йиллар адабий муҳитида фаол ўрин тутган зиёлилар ва мақолалари адабиётимиз, маданиятимиз, истиклолнинг учинчи тарихидан янги-янги маълумотлар беради. Умуман, сўнгги ўн йилларда

тарбияларининг номини абадийлаштириш йўлида олиб бораётган ҳаракатлари, бу йўналишда эълон қилаётган юзлаб публицистик асарлари, унинг раҳбарлигида тайёрланиб, чоп этилаётган шахидлар ва туркумидаги “Сургун” сингари китоблар бу олим ва жамоатнинг фаолияти ҳавас қиларли даражада жўшқин ҳамда серунум бўлиб келмоқда. Бу меҳнатга давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан эътибор бераётгани, айниқса, қувонарлидир. Н.Каримовнинг фан ва адабий фаълиятини ҳамда “Эл-юрт хурмати” ордени билан таълимнинг мустақиллик даврида зиёлиларга кўрсатилаётган юксак эътиборини ёқиб берди.

Мустақилликнинг фан, таълим, тарбия мутахассислари олдига қўйган муҳим вазифаларидан бири барча фанлар, айниқса, ижтимоий фанлар йўналишлар бўйича янги замон, янги тузум, мустақил Ватан ҳақида жавоб бера олувчи дарсликлар, қўлланмалар яратиш ва бу йўналишга эга бўлган ниҳоятда муҳим вазифа эди. Бу борада қўлланмалар кўрсатаётган Н.Каримов ва У. Норматовнинг 5-синф ўқувчиларига таълим бераётган дарслик-хрестоматиялари жамоатчилик томонидан илик қилиниб, Н.Каримовнинг ҳамкорликда 11-синфлар учун яратилган “Ўзбек адабиёти” дарслиги қисқа муддат ичида уч марта нашр қилиниб, ҳамкорликда 9-синф учун яратилган адабиёт дарслиги эса шу фан таълими бўлган ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти асосида ёзилган қўлланмалар бўлди.

Дарсликлар ва педагогика институтлари талабалари учун ёзилган “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигининг муаллифларидан бири ҳам Н.Каримов. Ўзбекистон Қаҳрамони О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Б.Назаров ҳамкорлигида ёзилган бу дарслик (1999) қўлланмалар томонидан юқори баҳоланди.

Ўзбек шоири Фафур Гулом таваллудининг 100 йиллиги билан Н.Каримовнинг янги рисола босилиб чиқди. “XX аср адабиёт тарихи” (2009), “Максуд Шайхзода” (2010) каби тадқиқот-таълиқ асарларининг илмий изланишлари самарасидир. Жонкуяр олим ўзининг 80 йиллик янги-янги ижодий самаралар билан қарши олмакда.

Ўзбек тунувчилар: “Ажойиб кишилар ҳаёти” туркуми, тарихий-адабий таълиқотлар, Кемерово, Бийск, есениннамо табиат, танкидчи ва таълиқотчи, таълиқотчи-роман, тахаййул, адабий жараён.

Маълумот мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. Н.Каримовнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида нималар биласиз?

2. Ўзбекистоннинг ижоди ўзбек танкидчилигида қандай ўрин тутди?

3. Ўзбекистоннинг Ҳамид Олимжон ижодига муносабати қандай?

4. Н.Каримов ойбекшуносликка қандай хисса қўшди?

5. “Ўзбек кишилар ҳаёти” туркумидаги тадқиқотларнинг пайдо

бўлиши ва ривожланишида мунаққиднинг хизматлари нимада?

6. Танкидчи Усмон Носир ҳаёти ва ижодини қай йўсинда ўрганиш?
7. Мунаққиднинг адабий жараён ва танкиднинг ривожига бағишланган қандай мақола ва тадқиқотларини биласиз?

Муस्ताқил ўқиш учун адабиётлар:

I. Наим Каримов асарлари:

1. Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати. Т.: Фан, 1964.
2. Ҳамид Олимжон. Т.: Адабиёт ва санъат. 1978.
3. Ойбек. Т.: Адабиёт ва санъат. 1979.
4. Пушкин ва ўзбек адабиёти. Т.: Фан, 1979.
5. Урушдан кейинги даврдаги ўзбек совет адабиёти. Т.: Фан, 1983.
6. Ойбек гулшанида қолган гунчалар. Т., 1985.
7. Ойбек ва Зарифа. Т., 1990.
8. Усмон Носир. Т.: Маънавият. 1994.
9. Усмон Носирнинг сўнгги кунлари. Т.: Маънавият. 1995.
10. Истиклолни уйғотган шоир. Т.: Чўлпон. 2000.
11. Чўлпон. Т., 2004.
12. XX аср манзаралари. Т.: Ўзбекистон, 2009.
13. Мақсуд Шайхзода. Т., 2010.

II. Наим Каримов ҳақида:

11. Мамажонов С. Теранлик. Т.: Адабиёт ва санъат. 1987.
12. Назаров Б. Нозиктаъб адабиётшунос. // ЎТА, 2002, № 6, 1-3 б.
13. Сафаров О., Йўлдошев Б., Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқиди тарихи. Бухоро. 2003.
14. Назаров Б., Ахмедова Ш. Миллатнинг хассос олим. Т.: Фан, 2004.

УМАРАЛИ НОРМАТОВ (1931). Танкидчининг ҳаёти ва ижоди ҳақида. Ўзбек адабиётшунослари ва танкидчилари орасида фақатгина фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан аъзони Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти соҳибдори Умарали Норматов ўз ўрни ва услубига эга хозиржавоб ижодкор, танқидчи сифатида машҳур. У ярим асрдан буён адабий жараённи қатнашиб, китобхон дидини шакллантиришга, ўзбек адабий тафаккури тараккиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Умарали Норматов 1931 йил 3 январда Фарғона вилоятидаги Тўрақўш қишлоғида дехкон оиласида дунёга келди. Болалиги Сталиннинг таълимикинчи жаҳон уруш йилларида кечди. Шу сабабдан ўрта мактабни битириши бир муддат чўзилди. 1952 йилда 21 ёшда САГУнинг филологияси факультетига ўқишга кирди. Ўрта мактабда ҳам адабиётдан дарс берди, сўнг аспирантурада таҳсил олди.

Адабиётшунос О.Шарафиддиновга шогирд тушди, унинг раҳбарлигида ўзбек ҳикоячилигининг бадий тараккиёти муаммоларини ўрганди. Ўзбек ҳикоячилигининг тараккиёт тамойиллари ҳақида номзодлик диссертациясини, кейинроқ докторлик диссертациясини ёқлади. Ҳозирги Миллий университетда ўқитувчиликдан профессорликкача бўлган илмий-педагогик йўлни босиб ўтди. Узоқ йиллар кафедрани бошқарди, ўзи ҳам катта даражасига кўтарилиб, ўнлаб фан номзодлари ва докторларига раҳбарлик қилди. У адабий жараёнга таъсир кўрсата олувчи хозиржавоб мунаққид сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Миллий ғояни ривожлантириш, ёшларни Истиклол руҳида тарбиялаш, адабиёт ва танқидчилик равнақи йўлидаги ҳалол хизматлари учун У.Норматов “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланди (2011).

Ўзбек насрининг мохир тадқиқотчиси. Мунаққид ижоди “Ёш прозаикларнинг баъзи ютуқ ва камчиликлари” (1957) номли мақола билан бошланди. У.Норматов шеърят, наср, драматургия ҳусусида деярли бирдек қалам юритса-да, илмий-танқидий фаолиятида ўзбек насри масалаларини ўрганиш етакчилиги қилади. Бу жиҳатдан “Жанр фикриятлари”, “Маҳорат сирлари” (М.Қўшжонов билан ҳамкорликда), “Насримиз уфқлари”, “Гўзаллик билан учрашув”, “Насримиз анъаналари”, “Саид Аҳмад”, “Шухрат”, “Талант тарбияси”, “Етуқлик” (1982), “Ақл ва қалб чироғи” (1983), “Давр туйғуси” (1987) сингари монография ва адабий портретлари ўзбек адабий танқиди тараккиётида муҳим из қолдирди. Хусусан, “Насримиз уфқлари” (1974) деган салмоқли монографиясида 60-70-йиллар ҳикоячилиги, киссачилиги ва романчилик масалаларининг муҳим қирралари тадқиқ қилинди. Жумладан, “Ҳикояда ҳаёт нафаси” мақоласида ҳикоячилигининг тараккиёт тарихига назар ташланади; ўзбек ҳикоянавислигида далиллаш санъати, муаллифнинг ички дунёси, янги макрамон ва ҳикоядаги янгиланиш жараёнлари; умуман, жанрий тақомили ҳақида муҳим илмий фикрлар, умумлашма ҳулосалар илгари сурилади. Аниқлиқ, далиллаш санъати билан боғлиқ бадий маҳорат сирларини ўрганишга алоҳида эътибор берилди.

Шу мақсадда А.Қаххор, Саид Аҳмад, О.Ёкубов, П.Қодиоров, В.Ҳошимов, Ш.Ҳолмирзаев каби адибларнинг ҳикояларини кенг таҳлил қилди, усул ва услубларни ўзаро киёслади. У.Норматов ҳикоядаги драматик асос масаласига жиддий эътибор беради: “Ҳикоянинг муваффақияти кўп жиҳатдан драматик асосга боғлиқ, деб ёзади мунаққид.— Жанр ривождаги янгиланган ҳаётнинг зиддиятлар ифодасида ҳам намоён бўлаяпти. Маънавий ахлокий масалаларга эътиборнинг ортиши интеллектуализмнинг чуқурлашиши, аналитик тасвирга мойилликнинг кучайиши оқибати бўлса керак, ҳозирги яратилаётган кўпчилик ҳикоялар характернинг руҳий драмаси асосига қурилган: тўғри, қатор ҳикояларда бир-бирига зид, қарама-қарши ғоялар, майллар, хилма-хил табиатли персонажлар тўқнашади, характер билан муҳит орасидаги зиддият баъзан

ғоят кескинлашади, лекин муаллифларни ўша тўқнашувлар жараёни эмас, уларнинг оқибати, шу зиддиятлар туфайли қаҳрмонлар ҳаётида, шахсиятида, руҳиятида юз берган драмалар кизиктиради¹⁴¹. Бу фикрлар адабий жараёнда ўзбек ҳикоячилиги юксалишига салмоқли таъсир кўрсатди.

“Қалб инқилоби” (1986), “Қодирий боғи” (1996), “Ўткан кунлар хайрати” (1999) сингари тадқиқотлари замонавий ўзбек адабиётшунослигининг ютуқларидан бири деб эътироф этилди. Олим адбиётда пайдо бўлган янги адабий-эстетик тамойилларни аниқлаш, ҳозирги адабий жарённинг назарий муаммоларини тадқиқ этишга ҳам эътибор қаратди. “Умидбахш тамойиллар” (2000), “Тафаккур ёғдуси” (2002) китоблари, эълон қилинган юзлаб адабий-танкидий мақолларида айти шу муаммоларни тадқиқ этди.

Мунаққид “Ўзбек насри тамойилларини изчил таҳлил қилади, унинг тарққиёт хусусиятларини зукко олим нигоҳи билан кузатди. Бундай зоҳирий сифатларни асос билган шарҳчила Умарли акани “наср мунаққиди”, “эпик танқидчи” каби тамсиллар билан сийлайдилар. Бироқ ёзганларини синчиклаб кузатган китобхон наср баробарида ўзбек назмининг устувор хусусиятларини сарафроз қилган, Чўлпондан Баҳром Рўзимухаммадгача XX асрнинг тиник шоир ва шоиралари ҳақида гўзал тақриз ва мақолалар яратган олим эканини яхши пайкайдилар¹⁴². Ҳақиқатдан ҳам олим адабий танқиднинг барча жанрларида сермахсул ижод этди.

Адабий-танкидий суҳбат жанри ривожини йўлида. Умарали Норматов ўзбек танқидчилигининг жанровий ранг-баранглигини бойитиш йўлида астойдил изланишлар олиб боровчи пешқадам ижодкордир. У тақриз, адабий-танкидий мақола, адабий портрет, монографик тадқиқотлар каторида адабий суҳбат ва баҳс жанрларида ҳам кизгин ижод этаётир. Қолаверса, у, ҳозиржавоб ижодкор-танқидчи сифатида ўзбек танқидчилигига суҳбат шаклини (баъзан диалог дейилади) изчил равишда олиб кирди. Мунаққиднинг “Талант тарбияси” китоби истеъдодли ўзбек ёзувчилари билан ижод ва маҳорат сирлари ҳақида бевосита мулоқоти, баҳс-суҳбати негизига қурилган. Танқидчининг А.Мухтор, О.Ёкубов, П.Қодиоров, Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Ҳ.Ғулом, Х.Тўхтабоев, Эркин Воҳидов, Ў.Ҳошимов, У.Ҳамдам, Ҳ.Болтабоев, Э.Очиловлар билан суҳбатларида ижодкор оламига, лабораториясига чуқур кириб борилади, улар қалбидаги ижодий дардлар очилади, тажрибалар умумлаштирилади ва ўқувчилар учун ибратли хулосалар чиқарилади. Танқидчи ва ёзувчи баҳсида, санъаткорларнинг маънавий олами, бадий адабиётнинг ижтимоий бурчи, ҳаёт билан алоқаси каби муҳим муаммолар ёритилади.

Суҳбатлар асосида юзага келган “Талант тарбияси” ўзбек танқидчилигида нашр этилган бадий маҳоратга доир китобларнинг биронтасига ҳам ўхшамайди: унда танқидчи ижод, маҳорат сирлари ҳақида бевосита ижодкорларнинг ўзлари-турли авлодга мансуб ёзувчилар билан суҳбат олиб боради. Айти пайтда, китобда ёш, истеъдодлар тарбияси, ижоди, умуман, ҳозирги адабий жараён билан боғлиқ муҳим масалалар таҳлил этилади. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов билан олиб борилган суҳбат мавзуси “талант тарбияси” ҳақида. Танқидчи суҳбатларининг аксариятини мана шу муаммолар бирлаштириб туради. Китобнинг мантиқан «Талант тарбияси» деб номланиши ҳам шундан.

Танқидчини, аввало, талант, истеъдод, уларни тарбиялаш, ҳозирги кунда талантли ижодкорларга муносабат каби масалалар кизиктиради. Шунинг учун «бадий талант туғма бўлади, агар одамда бадий ижодкорлик хислатлари бўлмаса, уни тарбиялаш, ўқитиш йўли билан ҳосил этиш асло мумкин эмас. Бироқ шу туғма талантининг, кишидаги истеъдод кирраларининг очиллишида теваарак-атрофдагиларнинг, муҳит, шароитнинг роли жуда катта» эканлигини таъкидлар экан, танқидчини баъзида чинакам истеъдодларнинг очилмай қолиб кетиши, баъзида шунчаки ҳавас йўлига кириб кетиши, «ўртача» ижодкорларнинг кўпайиб бораётганлиги, булар эса адабиётнинг сифатига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ташвишлантиради. Талантларга муносабат билдириш танқидчилигининг вазифаси деб ҳисоблайди мунаққид.

Шундан кейин суҳбат композициясидаги ўзига хослик— танқидчининг лирик чекиниш қилиши унинг кизикарли ва образли бўлишини таъминлаган: Ойбек билан Мақсуд Шайхзода классик шеърятимизни жуда чуқур билганлар. Умр бўйи уни тадқиқ ва тарғиб этганлар. Лекин Ойбек ва М.Шайхзода шеърятда мумтоз адабиёт аъёналаридан кўра рус ва жаҳон реалистик шеърят тажрибаларига мойиллик кучлироқ. Бу хусусият Ғ.Ғулом шеърларида ҳам кўзга ташланади. Э.Воҳидовнинг бармоқлаги асарларида ҳам шундай. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: аруз мумтоз шеърят аъёналарини бевосита давом эттиришга ундаса, бармоқ ва сарбаст уларни ижодий реалистик асосда қайта ўзлаштиришга йўл очади. Шоир ҳам бу фикрни тасдиқлаб, ижодий ўрганиш, аъёналарни давом эттириш хилма-хил кўринишда содир бўлишини, уларни бир қолипга солиш мумкин эмаслигини инкор этмайди.

Бундай суҳбатлар бадий адабиёт учун ҳам, адабий танқид учун ҳам ва, айниқса, ёшлар учун аниқ ва тиник маҳорат мактабидир. Бундай суҳбатлар шоирнинг ҳам, мунаққиднинг ҳам ижодий лабораториясига олиб киради, уларнинг бадий олами сирларидан воқиф этади. Адабий суҳбатнинг шакли шамоийлига келсак, унда турли хотиралардан мисол келтириш, фикр ва таҳаййулни эркин қўйиш унинг жонли ва кизикарлигини таъминлайди; бу каби суҳбатлар адабиёт муҳлисари, бошловчи ижодкорлар учун илмий-маърифий жихатдан қимматлидир.

¹⁴¹ Норматов У. Насримиз уфқлари. Т., 1974, - Б. 32.

¹⁴² Болтабоев Ҳ. Замон билан ҳамнафас // ЎТА, 2011. № 2. - Б. 6.

Юкорида тилга олинган суҳбатларнинг кўпчилиги 70-йиллар маҳсули, шу боис унда давлат, ҳукумат қарорлари, шўро мафкураси, партия кўрсатмалари билан боғлиқ фикрлар ҳам оз эмас. Лекин бизга суҳбатнинг бу жиҳатлари эмас, ундаги илмийлик, маърифийлик, бадийлик жиҳатлари кимматлидир.

“Ижодкорнинг даҳлсиз дунёси” (2008) мунаққид севган ва кўп мурожаат қилган адабий суҳбатлардан ташкил топган. Аслида юкорида таъкидлаганимиздек, XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек танқидчилигида бу жанрнинг шаклланиши ва ривож, етакчи жанрлардан бирига айланишида У.Норматовнинг ҳиссаси катта. Қаламқаш ҳамкасблари эътироф этганидек, миллий адабиётимиз ва адабиётшунослигимизда кейинги йил давомида ҳеч ким бунчалик кўп ва ҳўп суҳбат яратмаган.”Умарали Норматов адабий суҳбатларида давр адабий бадий тафакрурининг такрорланмас белгилари акс этган. Бу суҳбатлар давр адабий ҳаёти, адиблар таржимаи ҳоли, улар қарашларининг такрорланмас кимматли ҳужжатларидир.Уларда адибларнинг ўзига ҳос қарашларигина эмас, танқидчи Умарали Норматовнинг принциплари, ахлоқи, ижодкор сифатидаги қизиқишлари акс этади”¹⁴³. Бу суҳбатларда адабий жараён, ижодкорнинг даҳлсиз дунёси, қатор машҳур асарларнинг ижодий тарихи, сир-синоати, бадият қирралари очилган. Шу билан бирга ҳақиқатан ҳам уларда фақат адибларнинг поэтик дунёси эмас, мунаққиднинг ўз дунёси, табиати, феъл-атвори, ижодкор сифатидаги қизиқишлари ҳам акс этган. Бинобарин, бу суҳбатлар давр адабий ҳаёти, таржимаи ҳоли, жонли адабий тафаккурдаги товланишларининг кимматли ҳужжатлари сифатида қадридор.

Мунаққид ва адабий жараён. “Умарали Норматовнинг адабий танқидчи сифатида муҳим фазилати унинг адабий жараёнга фаол аралашishiдир, ундаги янгиликлардан самимий қувониши ва адабиётимиз таракқиёти учун астойдил қайғуришидир”¹⁴⁴. Чиндан ҳам мунаққид янги асарнинг яратилиш жараёнини муттасил ва тизимли равишда кузатиб боради. Мана деярли ярим асрдан буён ўзбек адабиётида оғизга тушган бирорта асар ёхуд адабий жараёнга кириб келган шоир, ёзувчи йўқки, У.Норматов улар ҳақида тақриз, мақола, китобларида у ёки бу даражада муносабат билдирмаган бўлсин, улар ҳақида ўзининг мустақил фикрларини айтмаган бўлсин. Эътиборли, янги асар босилиб чиққач, у биринчилардан бўлиб, фикр айтишга шошилади. Албатта, янги асар ҳақида биринчи сўз айтиш осон иш эмас. Биринчи сўзни китобхон қанчалик сабрсизлик билан қутса, муаллиф ҳам шунчалик интиқлик билан қутади.

Умарали Норматов ўнлаб янги асарлар ҳақида биринчи бўлиб фикр айтган танқидчилардан ҳисобланади. Буларда у ёзувчи кашфиётини теран илғаб олди ва эътирос билан ташвиқ этди, керак ўринларда танқидий

мулоҳазаларини билдирди. Х.Тўхтабоевнинг “Сарик девни миниб” асари пайдо бўлганда, у ёш ёзувчи ижодигина эмас, балки умуман ўзбек адабиётида муҳим ижобий ҳодиса эканлигини биринчилардан бўлиб дадил ва ишонч билан айтди. Ҳозир бу асар жаҳон халқларининг 26 тилига таржима қилингани ва шуҳрати тобора кенг ёйилаётгани танқидчининг илк фикрлари адолатли бўлганини тасдиқлади.

Мунаққиднинг яна бир фазилати—адабий жараёндаги янги тамойилларни сезиши ва улар ҳақида ҳам биринчи бўлиб мулоҳаза юритишга ошиқишидир. Бутун бир жараёни кузатиб, ўрганиб, уни бор бўйи билан талқин қилиш осон эмас. У.Норматов замонавий ўзбек адабиётини ўрганганда унга жаҳон адабиётининг таракқиёт тамойиллари мезони билан ёндошишга ҳаракат қилади. “Тўғри, баъзан у рус адабиётидаги баъзи тенденцияларни ўзбек адабиётидан зўрама-зўракилик билан қидириб топишга ва шундай қилиб, сунъийликка йўл қўяди”, дейди С.Мамажонов юкорида эслатилган китобида. Лекин буларни яхши ният йўлидаги изланишдан келиб чиққан таъсирланиш деб ҳам баҳолаш мумкин.

У.Норматовнинг изланувчанлиги адабиётнинг янги-янги муаммоларини дадил қўтариб чиқишида ва бу уларни қизиқарли таҳлил қилиш йўллари, усулларини топишга интилишида қўринади. Ёзувчилар, илмий жамоатчилик, адабиёт ихлосмандлари орасида олимнинг мақолалари катта нуфузга эга. Буни тубандаги эътирофлар тасдиқлайди: “У ҳозиржавоб мунаққид. Бирор адабий фактни назаридан тушириб қолдирмаслик учун ҳаракат қилади. У меҳнатқаш, фикрлари бақувват, аксарият пайтларда асосли. Ифодада эса фикрлари жонли”¹⁴⁵. М.Қўшжонов, айни вақтда, У.Норматов ишларида баъзан адабиётшуносликда бор фикрларни такрорлашга йўл қўйилади деб танқид қилади. Бундай камчиликлар унинг кейинги тадқиқотларида барҳам топди.

У.Норматов ҳаммаша бадий адабиёт ва адабий танқидчиликнинг юксак савияси учун қураш олиб борди, наср, шеърят ва драматургиядаги энг муҳим тамойилларни ўз вақтида илғай ола билиб, ўртамеёна асарларни рўй-рост танқид қилди. Унинг “Ўзалик билан учрашув”(1976) асари фикримизга ёрқин далил бўла олади.

XX асрнинг 80-йилларида метод ва ҳозирги адабий жараён муаммоларини илмий ва қўламли тарзда тадқиқ этишга интилиш кучайди. Мунаққиднинг “Етуклик” ва “Қалб инкилоби” китоблари ана шу талаблар асосида дунёга келди.

“Етуклик” китоби О.Шарафиддиновнинг “Умарали Норматов ҳақида билганларимдан бир шингил” сарлавҳали сўзбошиси билан очилади. Унда мунаққид фаолиятига ҳос ҳозиржавоблик, санъаткор шахсини ҳурматлаш, илмий чуқурлик каби фазилатлар самимият билан кўрсатилади.

¹⁴³ Гафуров И. Муҳаббатли одамнинг ҳайратлари / Норматов У. Ижод сехри. Т., 2007. - Б. 11.

¹⁴⁴ Мамажонов С. Теранлик. Т., 1989. - Б. 112.

¹⁴⁵ Қўшжонов М. Қалб ва кифа. Т., 1978. - Б. 63.

Китобдаги мақолалар жанр хусусиятларига кўра уч катта бўлимга жойлаштирилган. Биринчи бўлимга ҳозирги адабий жараёнинг ётакин тамойиллари ҳақидаги муаммолар мақолалар киритилган, иккинчи бўлимнинг алоҳида асарлар ёки айрим ёзувчилар ижодини таҳлил қилишга бағишланган мақолалар ташкил этади; учинчи бўлим эса, муаллифнинг ўзбек ёзувчилари билан қилган адабий суҳбатларидан иборат.

Юқоридаги ҳар иккала китобдаги мақолалар ўзбек танқидида ғоявий-фалсафий теранлик ортаётгани, янгиликка, умумлашмалар яратишга интилиш кучаяётгани, жанрлар доираси кенгаяётгани, услублар ранг-баранглашаётгани ҳамда мунаққидларнинг ихтисослик савияси, маҳорати юксалиб бораётгани ҳақида яққол тасаввур беради.

У.Норматовнинг мунаққидлик маҳорати такомиллашиб бораётгани "Қалб инқилоби" китобида бўртиб кўринади. Чуқур рамзий маънога эга бу китоб республикамизнинг Ҳамза номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди (1989).

У. Норматовнинг Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ижодлари ҳақидаги тадқиқотлари, мақолалари адабий жараёнда ўзига хос ўрни тутди. Чунончи, А.Қодирийнинг "Обид кетмон" асари ҳақидаги "Орттирмай ва камитмай" деган мақоласи 90-йиллар ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида ҳам, қодирийшуносликда ҳам бадиий асарга янгича ёндашув намунаси бўлди. "Ўтган кунлар" хайрати" деб номланган қўлланма умумтаълим мактаблари адабиёт ўқитувчилари ва юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, унда ўзбек адабиёти дастури ва дарслигидаги Абдулла Қодирийга оид, айниқса, адибнинг шоҳ асари "Ўтган кунлар" романи, унинг ижодий тарихи, янги ўзбек адабиёти ривожидagi ўрни ҳақидаги маълумотлар анча янгиланди. Бу рисоланинг аҳамияти шундаки, унда А.Қодирий ижодига мустақиллик мафқураси нуқтаи назаридан баҳо берилди. Асар ва унинг қаҳрамонлари ҳақидаги янгича талқинлар ўқувчиларни Қодирий романларини қайтадан ўқишга чорлади. Олим "Ўтган кунлар" романи билан ўзбек адабиётининг образлар, характерлар силсиласида янги давр бошланганлигини ҳазрат Навоийнинг ижодий жасорати билан қиёслади. Китобнинг "Қисмат ва жасорат", "Отага таъзим" бўлимларидаги изланишлар қаҳрамонлар талқинини нг янги босқичга кўтарилаётганидан дарак беради. Олимнинг А.Қодирий ҳақидаги изланишларини умумлаштирган "Қодирий мўъжизаси" китоби истиклол даври ўзбек адабиётшунослиги ва қодирийшунослигини бойитишда муҳим роль ўйнади.

У.Норматов мустақиллик даври адабий жараёнини муттасил ва синчковлик билан кузатиб, салмоқли тадқиқотларини эълон қилди. "Умидбахш тамойиллар" деб номланган рисоласида, "Ижод сеҳри" китобида буни яққол кўриш мумкин.

"Университет сабоклари ва илҳомлари" деб номланган мақола (2007) А.Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ёзилган. Унда

адибнинг шахс ва ижодкор сифатида шаклланишида ҳаётий маънавий омилилар қаторида у таълим олган муҳит, устозлар таъсирининг ўрнига эътибор қаратилади. "Устоз ибрати" рисоласи, "Қаҳҳорни англаш машаққати" китоби ёзувчи ижоди, шахси, шижоати, асарларининг ижодий тарихи, бахсларга сабабчи бўлган асарлари ҳақидаги янгича қарашлар, мушоҳадаларга ундовчи ҳулосаларга бойлиги билан эътиборни тортади. Айни пайтда, бу китоб шогирднинг устозга чинакам эҳтироми ҳамдир.

Истиклол мутахассислар олдига барча фанлар, хусусан, ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўйича янги тузум талабларига жавоб бера оладиган дарслик, қўлланмалар яратишдек муҳим соҳада ҳам У. Норматов фаоллигини намойиш этди. У Н.Каримов ва Б.Назаровлар билан ҳаммуаллифликда II-синф учун "XX аср ўзбек адабиёти" дарслигини яратди. Унда миллий уйғониш даврининг буюк намояндалари ижоди мустақиллик ғоялари руҳида талқин этилди. 9-синф учун яратилган адабиёт дарслигининг муаллифларидан бири ҳам У.Норматовдир. Университетлар ва педагогика институтлари талабалари учун ёзилган "XX аср ўзбек адабиёти тарихи" дарслиги ҳам О.Шарафиддинов, Н.Каримов, С.Мамажонов, Б.Назаров ва У.Норматов ҳамкорлигида яратилди.

Олимнинг, айниқса, янги руҳдаги адабиёт ва унинг ривожини, модернизм ҳақидаги мақолалари ёш танқидчиларга ўрناк бўларлидир. Масалан, адабиётшунос Э.Очилов билан бўлган илмий-адабий мулоқоти "Танқид, мунаққид ва ҳозирги адабий жараён" (2004) деб номланган. Унда ҳозирги адабий жараён ва ундаги муҳим ўзгаришлар очилади. Адабиётдаги модерн ҳодисаси, шеърият, адабий танқиднинг ўзаро муносабати, уларнинг ҳозирги жараёндаги аҳволи ҳақидаги ҳар иккала мунаққид фикрлари жамоатчилиқнинг эътиборига тушди.

Ҳ.Болтабоевнинг ("Жаҳон адабиёти", 2008, март) У.Норматов билан қилган "Янги назарий тамойиллар" деб номланган суҳбатида адабиётдаги янгиланишлар, адабиётшуносликка турли оқим ва методларнинг кириб келиши, уларнинг ижобий томонлари ҳақида қимматли фикрлар ўртага ташланади. У.Норматов "постмодернизм", "синергетика" каби ҳодисаларга ҳам ўз муносабатини билдиради. "Президентимиз ташаббуси билан ҳозир бизда бутун мамлакатни, жамиятни модернизациялаш жараёни кетаётган, бу борада ҳам жаҳон андазаларига мос келадиган даражага кўтарилиш вазифаси қўйилган экан, адабиётшунослар бу кутлуг ҳаракатдан четда туролмайди", деб таъкидлайди. Модернизм, постмодернизм, абсурд ҳақидаги У.Норматовнинг айрим қарашларини бахсларга ҳам учради, баъзан қарашлари танқид қилинди.

Олим сўнгги йилларда янада фаоллашди. 2006 йил Э.Воҳидов ижоди ҳақида "Қўнғилларга кўчган шеърият" номли чиройли рисола эълон қилди. "Ижод сеҳри" (2007), "Уфқларнинг чин ошиғи" (2008), "Ижодкорнинг дахлсиз дунёси" (2009), "Нафосат гурунглари" (2010), "Қодирий мўъжизаси" (2010) китобларини чоп эттирди. -

“Ижод сеҳри”да адабий жараёни эстетик талкин этишининг нормативча йўлини кузатиш мумкин. Ундаги мақолаларда жараён ва асарларга баҳо беришда мунаққид пафоси, айниқса, ловиллаб туради. “Уфқларнинг чин ошиғи” китоби эса Ўзбекистон Қаҳрамони Санд Аҳмад ҳаёти ва ижоди талқинига бағишланди. Мунаққид узок йиллар мобайнида адиб ҳақида қўллаб тақриз, мақола, адабий портрет ва бошқа жанрдаги асарлар яратди. Мазкур китоб ана шу изланишлар умумлашмаси сифатида адиб ижодини яхлит ўрганишга катта ёрдам беради.

Олим Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи аълочиси (1992), “ТошДУ мохир педагоги” унвони (1998) соҳиб сифатида юртимизда илмий салоҳиятни оширишда тинмай изланиб келмоқда.

Таянч тушунчалар: романтизм тамойиллари, наср тараққиёти, гўзаллик билан учрашув, ҳикояда ҳаёт нафаси, изланувчан ва фаол мунаққид, насримиз уфқлари, талант тарбияси, роман ва замон, киссалар поэтикаси, адабий ҳамкорлик, модернизм, миллий мустақиллик тафаккури.

Мавзунини мустахкамлаш учун саволлар :

1. У.Норматов ҳаёти ва ижод йўли ҳақида нималар биласиз?
2. Мунаққиднинг ўзбек насрини ривожлантиришдаги хизматлари ҳақида гапиринг.
3. “Насримиз уфқлари” асарининг ўзига хослиги нимада?
4. Мунаққиднинг адабий портретлари ҳақида сўзланг.
5. Танкидчининг А.Қодирий ва А.Қаххор ижодига оид янгича кузатишлари нималарда намоён бўлган?
6. Олимнинг ўзбек адабий танкиди табиатига оид адикотлари ҳақида сўзланг.

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

Умарали Норматов асарлари:

1. Насримиз уфқлари. Т.: “Ёш гвардия”. 1974.
2. Гўзаллик билан учрашув. Т.: Адабиёт ва санъат. 1978.
3. Махорат сирлари. (М.Қўшжонов билан ҳамкорликда). Т., 1972.
4. Насримиз анъаналари. Т.: Адабиёт ва санъат. 1979.
5. Санд Аҳмад (адабий портрет). Т., 1979.
6. Талант тарбияси. Т.: Адабиёт ва санъат. 1981.-
7. Етуқлик. Т.: Адабиёт ва санъат. 1983.
8. Кўнгилларга кўчган шеърят. Т., 2006.
9. Ижод сеҳри. Т., 2007.
10. Уфқларнинг чин ошиғи. Т., 2008.
11. Ижодкорнинг дахлсиз дунёси. Т., 2009.
12. Нафосат гурунглари. Т., 2010.
13. Қодирий мўъжизаси. Т., 2010.

Унинг ҳақида:

14. Қўшжонов М.Қалб ва қиёфа. Т.: Адабиёт ва санъат. 1978.
15. Мамажонов С.Теранлик. Т.: Адабиёт ва санъат. 1987.
16. Санжар Сиддиқ. Умарали Норматов. Т., 1990.
17. Болтабоев Ҳ. Замон билан ҳамнафас // ЎТА, 2011, № 2. 3-9-б.

БАХТИЁР НАЗАРОВ 1945 йил 17 сентябрда Тошкентда туғилган олим дорилфунуннинг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) филология факультетини тугатиб, 1966 йилдан Юқори Чирчик туманида ўқитувчилик қилди. Ўзбек энциклопедияси таҳририятида илмий муҳаррир бўлиб ишлади. 1969-1972 йилларда Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олди. Шундан бери унинг бутун фаолияти шу институтда кечмоқда. У бу ерда кичик илмий ходим, катта илмий ходим, илмий котиб, институт директори лавозимларида самарали фаолият кўрсатди. Ҳозир мазкур институт Адабий алоқалар ва Адабиёт назарияси бўлими мураббидир. Маълум муддат Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат масалахатчиси (1990-1992), Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари (1992-1994), ЎзР ФАнинг вице президенти (2000- 2001) каби юксак лавозимларда ишлади.

Б.Назаров меҳнатлари Ойбек адабий-танкидий қарашлари тадқиқ этилган номзодлик (1972), ўзбек адабий танкиди методологияси муаммолари ўрганилган докторлик (1984) диссертациялари ҳимоя қилинишида, профессор (1994) илмий унвони берилишида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси (1989), ҳақиқий аъзоси (2000) этиб сайланишида эътиборини топди.

Б.Назаров илмий қизиқишлари ҳозирги адабий жараён, XX аср ўзбек адабиёти тарихи, назарияси, адабий танкид масалаларига қаратилган. Унинг “Бу сеҳрли дунё”, “Ҳаётийлик-бевовол мезон”, “Ўзбек танкидчилиги. Ғоявийлик. Метод. Қаҳрамон” сингари ўнга яқин монография ва рисолаларида, танкид тарихига доир ишларида Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаххор эстетик қарашлари бадий ижод, адабий танкид ва адабий жараённинг ҳамбарчас алоқдорлигида, қозоқ, қирғиз, татар, озарбайжон адабиётлари билан қиёсий ўрганилди. У икки жилдлик “Ўзбек адабий танкиди тарихи”, уч жилдлик “Адабий турлар ва жанрлар” каби тадқиқотлар, 20 жилдлик Ойбек “Мукамал асарлар тўплами”ни тайёрлашда фаол иштирок этди.

Б.Назаров мамлакатимиз илмий ҳаётидаги долзарб масалалар ечимида фаол иштирок этишга интилади. У ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш ҳусусидаги қонун лойиҳасини тайёрлашда фаол қатнашди. Фитрат ва Чўлпон ижоди юзасидан хулоса тайёрлаш комиссиясига раҳбарлик қилди. Америка Қўшма Штатлари Индиана университетиде маълум муддат дарс

берди. АҚШ (1987, 1990, 2003), Германия (1975, 1988, 1990), Туркия (1992, 1993, 1994), Норвегия каби қатор хорижий мамлакатлардаги илмий анжуманларда катнашди. Мақолалари АҚШ, Польша, Белоруссия, Қозғоғистон, Россия илмий нашрларида чоп этилган.

Мустақиллик йилларида Амир Темур, Хоразмий, Фарғоний, Мотуридий, Жалолитдин Мангуберди, "Алпомиш", Бухоро ва Хива шаҳарлари юбилейларига бағишланган халқаро анжуманларнинг ташкилий тadbирларида фаол иштирок этди. Унинг бу хизматлари Халқаро Олтойшунослик конференцияси (PIAK)нинг комиссия аъзоси, Туркиядаги Турк тили Қурумининг мухбир аъзоси этиб сайланишига олиб келди.

Б.Назаров илмий ташкилий фаолиятини жамоатчилик ишлари билан қўшиб олиб боради. Ўз Р ФА Тил ва Адабиёт институти ҳамда Ўзбекистон Миллий университети қошидаги адабиётшунослик бўйича ихтисослашган кенгаш раиси ва аъзоси, ЎзР ФА қошидаги адабиётшунослик бўйича Республика илмий мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси, Шарқшунослар ассоциацияси президиуми аъзоси, "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали бош муҳаррири ва таҳририят аъзоси, "Советская тюркология" журнали таҳрир хайъати аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунослик ва танқид кенгаши раиси сифатида турли йилларда ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажариб келди ҳамда бажармоқда. Унинг илмий раҳбарлигида 6 фан доктори, 20 якин фан номзоди тайёрланди.

Адабий танқид табиатининг тадқиқотчиси. Мунаққид тажрибалари шаклланишида унинг ўзи томонидан маълум бир қисмлари ўзбек тилига ўгирилиб чоп этилган Л.Н.Толстой каламига мансуб "Санъатнинг моҳияти тўғрисида" мақоласи, Н.Г.Чернышевскийнинг "Санъатнинг воқеликка эстетик муносабати" номли тадқиқоти, Г.Э.Лессингнинг "Лаоокон ёхуд тасвирий санъат ила шеърятнинг ҳадлари ҳақида" асари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Илмда энди оёққа туриб келаётган адабиётшунос бу ишлардан бадий ижоднинг назарий ва амалий муаммолари аро боғланиш сирларини аниқлаш маҳоратини ўрганишга ҳаракат қилди.

Олим ижодида ўзбек адабий танқиди тарихи, унинг туғилиши ва шаклланиши, адабий-танқидий жараён, танқиднинг ўзига хос тараққиёт йўлини тадқиқ этиш етакчи ўринни эгаллайди. Бу йўналишда "Ўзбек адабий танқидчилиги: ғоявийлик, метод, қаҳрамон" (1979), "Иккинчи жаҳон уруши даври ўзбек танқидчилиги" каби салмоқли илмий тадқиқотлар яратди.

Олим адабиётшуносликка Ойбек адабий- танқидий ва эстетик қарашларини ўрганиш билан кириб келди. Дастлаб "Бадий асарда пейзаж" (1967), "Ўтмишимиз кўзгуси"(1968), "Ўткан кунлар немис тилида" (1969) сингари тақриз ва мақолалари билан кўринган ёш адабиётшунос 1969 йилдан эътиборан Ойбек ҳақида "Ойбек сиймоси", "Ойбек эстетик қарашларининг шаклланишига доир", "Ойбекнинг

унутилган бир мақоласи" каби бир туркум мақолалар эълон қилди. Уларда илмнинг амалий ижодидан чиқарган илмий хулосалари ҳамда назарий қарашларининг ўз бадий ижодига кўрсатган таъсири ўрганилди. Бу ишлари натижаси ўларок "Бу сеҳрли дунё" (1980) китоби юзага келди.

Б. Назаров танқидчи маҳорати муаммоларини тадқиқ этишга эътибор қаратади. Ўзбек танқидчилигида сифат ўзгаришлари рўй бераётгани, танқид адабий жараёнга фаол таъсир кўрсатишга интилиши, шу билан бирга танқидчи маҳоратининг ўсиб бориши яққол кўзга ташланаётгани, адабий танқид жанрларида ранг-баранглик сезилаётгани атрофлича таҳлил қилинди. Бу йўналишда унинг "Адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимиз янги босқичда", "Бадий асар қалби ва танқидчи дунёси", "Ёш танқидчиларни тарбиялаш муаммолари" сингари мақолалари майдонга келди. "Олим маданияти" (1977) рисолаи танқидчининг фикрлаш маданиятига бағишланган. "Навқирон шеърят", "Танқид ва шеърят" "Акс-садо тўлкилари", "Қорачикка синган чехралар" каби тақриз ва мақолаларида А.Орипов, Р.Парфи, Х.Худойбердиева, С.Барноев каби шоирлар ижоди таҳлил этилди. "Ҳаётийлик-безавол мезон" (1985) китобида бадийликнинг ҳаётийлик билан алоқадорлигидаги муаммоларини ўрганишга қаратилди.

Олим танқидчи маҳорати, услубини ўрганар экан, И.Султон ва Ҳ.Ёкубов, М.Кўшонов ва О.Шарафиддинов, С.Мамажонов ва Л.Қаюмов, Н.Худойберганов ва У.Норматов, И.Ғафуров ва П. Шермухамедов мақолаларини ўзаро киёслади, услуб жиҳатдан уларни бир-биридан ажратиш қийин эмаслигини кўрсатади. М.Кўшонов ижодида шакл ва мазмун бирлиги, О.Шарафиддинов мақолаларида эстетик таҳлил, Л.Қаюмов ишларида асарнинг ҳаётий асослари, С.Мамажонов тадқиқотларида поэтик маҳорат масалаларига алоҳида эътибор берилишини кўрсатди.

Истиклол арафасида Б.Назаровнинг Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат ва Чўлпон ижоди ҳақида янги мақолалари майдонга келди. Уларда мунаққид қатагон қурбонлари ижодини ўрганишнинг янги асослари, асарлар баҳоланишидаги янги мезонлар тўғрисидаги мулоҳазаларини ўртага ташлади. Олимнинг "Мухтор Авезовнинг жаҳон адабиётида тутган ўрни", "Чингиз Айтматов", "Марказий Осиё халқлари адабиёти тараққиётида Тўлепберган Қайипбергенов ижодининг аҳамияти", "Қорақалпоқ шеърятининг шаклланиш ва тараққиёт жараёnlари", "Махтумқулининг замонавийлиги" мақолаларида қардош халқлар адабиётининг долзарб масалалари ва уларнинг ўзбек адабиёти билан уйғунлик жиҳатлари тадқиқ этилди.

Истиклол талабларига жавоб бера оладиган дарсликлар яратиш соҳасида ҳам Б.Назаров фаоллик кўрсатди. Н.Каримов, У.Норматов, Б.Назаров ҳаммуаллифлигида 11-синф учун яратилган "XX аср ўзбек адабиёти" дарслиги янги замонада Ўзбекистонда адабиёт фанига онд

дастлабки дарсликлардан бири бўлиб қолди. Бир гуруҳ олимлар томонидан 9-синф учун яратилган адабиёт дарслигининг муаллифларидан бири ҳам Б.Назаровдир.

Танкидчи услуби ҳақидаги мушоҳадалар. Олимнинг "Ўзбек адабий танкидчилиги. Ғоявийлик. Метод. Қахрамон" (1979) деб номланган йирик монографик тадқиқотида шўро давридаги қарашлар, айрим назарий чекланишлар, муаммо ва бадиий асарга мақуравий ёндашувлар сезилиб туради; лекин соғлом дунёқараш асосидаги изланишларда ўзбек адабий танкидининг шаклланиши, тараққиёти ғоявийлик, қахрамон, ижодий метод масалаларини ўрганиш аспектида текширилади. Ўзбек адабий танкидининг ривожланиш йўллари, унинг муҳим муаммолари яхлит ва умумлашган ҳолда тадқиқ этилиши жиҳатидан мазкур тадқиқот моҳият эътибори билан адабиётшунослик тарихидаги ўз ўрнига эга тадқиқотлардан биридир.

Б.Назаров ўз ижодида адабий портрет жанрига ҳам диққатини қаратди. Адабий портрет назарияси ҳақидаги мулоҳазаларини тўлдириб, ёзувчи ва танкидчилар ҳақида адабий портретлар яратди.

Олимнинг "Олимнинг маданияти" адабий портрети ҳам самимий ва кизиқарли услубда ёзилганлигидан ташқари мунаққид ижодининг таҳлили шахсияти билан боғлаб тадқиқ этилганлиги жиҳатидан китобхон диққатини жалб этади. Олим Ҳ.Ёқубов ижодида хос босиқлик, изчил мантиққа суяниш, принципиаллик, чуқур самимиятнинг сирини унинг шахсиятидан излайди. Ҳ. Ёқубовни инсон ва олим сифатидаги қиёфасини тасвирлар экан, ҳикоянависнинг содда, раван услубига ўхшаш баён услубидан фойдаланади. Натижада кўз олдимизда ўзбек олимлари қарвонбошилари билан бирининг ёрқин ва сидқидилдан қизилган образи яратилади. Умуман, иккала асарда ҳам танкидчининг бир бутун тўлиқ қиёфасини яратишга ҳаракат қилинганки, шу жиҳатдан улар адабий портрет жанри талабларига жавоб беради.

"Шеърлари – оқ тўшли қалдирғоч", "Меҳр мавжлари", "Олмалар бесабаб тўқилмайди", "Шукроналик" номли мақола ва тақризларида Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло ижодининг нозик қирралари, поэтик образ яратиш санъати таҳлил этилди. "Меҳр қуйчиси" деб номланган ижодий портретида эса шоир ижоди яхлит ҳолда тадқиқ этилди. Ижодий портрет ўзига хос кириш сўзлари билан бошланадики, улар биринчидан, образчилиги билан китобхон диққатини ўзига тортади. Иккинчидан, шоир Шукрулло ижодига қизиқишни оширади. Самимият, беоромлик, ўзгалар дардига бефарқ, лоқайд қарай олмаслик, таниган ва танимаган замондошининг ҳасрату қувончларини чуқур ҳис қила билиш шахс сифатидаги Шукруллонинг табиатидан ижодкор сифатидаги Шукрулло асарларига нур бўлиб ўтишини олим эҳтиром билан ёзади. Умуман олганда, асарда шоир ижодига, асарлари ва шахсига катта ҳурмат билан қараш туйғуси ижодий портретнинг бош моҳиятини ташкил этган. Ижодий портретнинг аҳамияти шундаки, унда шоир Шукруллонинг ижоди билан

ўқувчи чуқур танишиш имконига эга бўлади. Асарнинг ёзилиши услуби китобхонни ўзига торта олади. Бу истиснодди олимнинг ижодий портрет яратиш маҳоратини ёрқин намойён эта олган тадқиқотлардан биридир.

Мунаққид ва адабий жараён. Танкидчи Б.Назаров адабий жараённи муттасил кузатиб боришга ҳаракат қилади. Бу йўналишдаги дастлабки изланишлари Рауф Парфи ижодига бағишланди. 60-йиллар охирида унинг "Акс-садо" тўпламига тақриз ёзди. Шоирнинг "Сабр дарахти" тўплами ҳақидаги мулоҳазалари кўпчилик эътиборини тортди.

Б.Назаровнинг адабий жараён билан алоқадор тадқиқотлари, бир жиҳатдан, жараёндаги асосий тамойилларни очади, иккинчи томондан, шу тамойилни шакллантиришга ҳисса қўшаётган ижодкор асарлари талқин этилади, учинчидан, аниқ ёзувчи ёки танкидчининг бу жараёндаги ижоди муайян даражада умумлаштирилади. Хусусан, "XX аср ўзбек адабиётида Ёрқин Воҳидов ижодининг ўрни ва аҳамияти", "Озод Шарафиддинов ижоди ва ҳозирги ўзбек танкидчилигининг илмий- назарий масалалари", "XX асрда Ойбек ижоди ўрганилишининг методологик муаммолари" ҳамда "Ғафур Ғулом ва XX аср" сингари мақолалар ана шундай характерга эга. Бу мақолалар адабий жараён масалалари билан мустақкам боғланса-да, уларнинг ҳар бири, айтилиб ўтганда, муайян бир муаммо атрофида уйғунлашади. Масалан, юқоридаги мақолаларнинг биринчисида Э.Воҳидов асарлари туфайли ўзбек адабиёти, хусусан, шеъриятида пайдо бўлган янгиликлар кўрсатилса, иккинчисида, О.Шарафиддинов тадқиқотларининг аҳамияти, ундаги илғор анъаналар ҳамда ўзбек танкидчилигининг илмий-назарий аҳволи таҳлил этилади. Учунчи мақола эса, Ойбек ижодига муносабат орқали янгиланаётган ўзбек танкидининг методологик муаммолари тадқиқ этилади ва, ниҳоят, тўрттинчи мақолада наники XX асрнинг Ғ.Ғулом ижодига, балки буюк ўзбек шоири Ғ.Ғуломнинг XX аср жаҳон адабиёти, жаҳон маданияти ва тафаккурига ўтказган таъсирини кўрсатишга ҳаракат қилинди.

Кези келганда, олимнинг давра суҳбатлари иштирокчиси сифатида матбуотда эълон қилинган мақолалари ҳақида икки оғиз тўхтаб ўтиш ўринли бўлар эди. Бу борада унинг "Замонавийлик ва маҳорат", "Танкид маданияти: ҳолислик, дадиллик, теранлик", "Танкид ва шеърят", "Бадиий асар қалби ва танкидчи дунёси" каби муаммоларга бағишлаб ўтказилган давра суҳбатлари, уларнинг самаралари сифатида матбуотда эълон қилинган материаллар аниқ масалаларини кўтариб чиқиши, жараёндаги ютуқ ва камчиликларнинг ёрқин кўрсатилиши билан эътиборни тортади. Бу хусусият мунаққид фаолиятининг бошланишидан тортиб, шу кунларгача давом этиб келаётганини таъкидлаш ўринлидир. Хусусан, "Мустақиллик даври насри: таҳлил ва талқинлар", "Мустақиллик даври шеърят: таҳлил ва талқинлар" мавзусида бўлиб ўтган суҳбатларни (2005) ҳамда улар асосида эълон қилинган материаллар унинг адабий жараёнга фаол муносабат билдиришга интилиб келаётганини кўрсатади.

Олимнинг бу йўналишдаги П.Қодировнинг “Ақромжоннинг сагузаштлари” китоби ҳақидаги “Ранг-баранглик”, “Шу куннинг бадийи кўзгуси” ва “Давр билан ҳамнафас” (О.Ёкубов ижоди ҳақида), “Халқ меҳрини қозонган адиб” (Ў.Ҳошимов ҳақида), “Қўнғил ёруғлиги” (С.Сиёев ҳақида), “Адаш Карвон изтироблари” (Х.Султон) сўзбоши, тақриз ва мақолалар; А.Орипов билан суҳбати самараси сифатида эълон қилинган, “Севинч – дардим, бари–Ватаним” деб номланган материал Б.Назаровнинг адабий жараёнига наинки қўзатиб, балки унинг ичида туриб фаолият кўрсатаётганини яна бир қарра тасдиқлайди.

Б.Назаров–ижодий уфқи кенг мунаққид. Унинг илмий диапазони фақат ўзбек мунаққидлари ва адиблари ижоди билангина чегараланиб қолмай, муайян даражада жаҳон адабий танқидчилари ва санъаткорлари ижодига мурожаат этиши билан ҳам ажралиб туради. Олимнинг Софокл ижодига, Шекспир асарларига, “Қутадғу билиг”нинг жаҳон эстетик тафаккури ривожига тутган ўрнига бағишланган мақолалари ўзбек танқидий тафаккури кенгликларида маълум даражада дарак беради.

Б.Назаровнинг XX аср иккинчи ярмидан ҳозиргача бўлган ўзбек танқидчилари босиб ўтган йўлни чуқур тадқиқ этган илмий–назарий изланишларнинг танқид тараккиётидаги ўрни ва аҳамияти салмоқлидир. Бундан йигирма йил аввал Словакия Фанлар академияси ҳамда унинг машҳур аъзоларидан бири Дюришин билан ҳамкорликда; АҚШдаги Индиана университети проф. Денис Шинар билан ҳамкорликда словак ва инглиз тилларида бу мамлакат олимлари билан ўзбек адабиётшунослари ҳамкорлигида тадқиқотлари чоп этилишига Б.Назаровнинг бош–қош бўлгани, ҳар иккала тўпламда ўз мақолалари билан иштирок этгани унинг киёфасига яна бир қизғи бўла олади.

Мустақиллик йилларида Б.Назаров янги даврнинг янги методологик мезонлари муаммосига доир туркум тадқиқотлар эълон қилди. Олим бу ишларида ўзбек адабиёти намуналарига умумбаشارий мезонлар ва Мустақиллик гоёси асосида янгича ёндашув намуналарини кўрсатди. Бундай ишлар орасида “Ғафур Ғулом олами” (2004) монографияси алоҳида ўрин тутади. 2003 йилда Ғ.Ғулом таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан танқидчининг “XX аср ва Ғафур Ғулом” мақоласи нашр этилган ва унда ҳақли равишда шоир шеърятининг бугунги кундаги ўрни илмий асосланган эди.

“Ғафур Ғулом олами” тадқиқотида шоирнинг нафақат шеърятини, балки халқчил насри, ҳажви зукко олим нигоҳидан янгича мафкура нуқтан назаридан ўтказилади.

Етмиш беш йилдирки, ўзбек адабиётшунослиги ва танқиди Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижоди ҳақида узлуксиз илмий изланишлар олиб боради. Шоир ижоди туркий халқлар, собиқ шўро таркибидаги юртлар, ўзга эллар адабиётшунослигида ўрганилди. Дарвоқе, Ғафур Ғулом ҳақида илк мақолани француз адиби Пол Вайян Кутюрё (1931), сал кейинроқ Аири

Барбюс ёзган (1935) эди. Ўзбек адабиётшунослиги, танқидида сонга қўшилган олим, мунаққид борки, Ғафур Ғулом ҳақида ўз гапини айтган. Масалан, Ғафур Ғулом ижодининг нозикфаҳм тадқиқотчиси С.Мамажонов илмий фаолиятининг энг катта қисмини академик шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзган ўнлаб мақолалари ва монографик китоблари ташкил қилади. Тўғри, С.Мамажонов ишларига қадар Ғ. Ғулом ижоди ҳақида ўнлаб мақолалар, адабий–танқидий очерк ва монографиялар босилган. Бу борада атоқли олим Х.Ёкубовнинг қатор ишларини эслашнинг ўзи қифоя. Адабиётшунослар Х.Ёкубовдан кейин бу соҳада салмоқли ва ҳаммага маъқул келадиган иш қилиш қийинлигини қайта–қайта таъкидлашган. Аммо олим Ғафур Ғулом ижодини ўрганиш ва кенг тадқиқ этишга киришар экан, шоир ижодининг ҳали ўрганилмаган нуқталаридан қелиб чиқиб иш кўришга интилди. Шоир ижоди ҳақида қатор ана шундай илмий бақувват, етук тадқиқотлар яратилган бўлса–да, адабиётшуносликда Б. Назаров Ғафур Ғулом ижоди, унинг бадийи олами ҳақида ўзининг оҳорли сўзини айта олди. “Ғафур Ғулом олами” китобидаги концепция, таққин, таҳлил, баҳолашда ўзига ҳослик бор. Бу янги тадқиқоти билан Ғафур Ғулом бадийи оламининг бир қанча бетакрор фазилатларини намоён эта олди.

“Олам ичра олам. Бу машҳур сўзларни эслашимга академик Бахтиёр Назаровнинг “Ғафур Ғулом олами” номли янги китоби сабаб бўлди, деб ёзди С.Содиқ. –Китобда муаллиф Ғафур Ғулом ижодини, шоир руҳияти, шахсиятини мутлақо бўялмаган, ялтирилмаган шаклда очиқ беришга интилган. Мавзунини тўлиқ ва яхлит қамраб олмак учун танқидчи шоирнинг ҳаёт ҳамда ижод йўлини, шеърятини, дostonчилиги, насри, адабиётшунослигию муаррихлигини ўзаро боғлиқликда ёритишга ҳаракат қилган”¹⁴⁶. Б.Назаров асарининг янгилиги шундаки, унда Ғафур Ғулом оламининг юқорида санаб ўтилган деярли барча қирралари юзасидан аввалгилардан фарқли қўзатишлар, фикр мулоҳазалар ва умумлашмалар илгари сурилган.

Мустақиллик даврида яратилган мақолалари олимнинг илмий диапазони янада кенгайганини кўрсатади. “Рухиятни шакллантириш воситаси” (2002), “XX асрда Ойбекни ўрганиш ўзи бир илм” (2005), Абдулла Қаҳҳор бадийи ҳақиқати” (2007), “Танқидчи шахси ва ижодий ўзига ҳослик” (2008), “Ҳамид Олимжон ижоди ва ўзбек танқидчилиги методологиясининг баъзи масалалари” (2009) каби илмий тадқиқотлар фикримизга далил бўла олади. Ёинки, “Истиклол даври ўзбек шеърятининг манзаралари” деб номланган обзор мақоласида (2005) истиклол даври адабиётининг баъзи қирраларига, хусусан, шеърятда қечган жараёнларга, унинг айрим манзараларига назар ташлайди. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг “ниҳоятда гўзал ва улугвор”

¹⁴⁶ Санжар Содиқ. Олам ичра олам // ЎзАС, 2004, 16 июль.

“Ватаним” шеърини таҳлил қилар экан, шундай ёзади: “Бу шеърнинг кўтаринки, теран маъно ва гоёсидан ташқари, образларидаги топкирлик кашфиёт даражасидадир десак, муболага бўлмас:

*Ғичир-ғичир тишимдаги
Сўлигимсан, Ватаним...*

Жаҳон шеърятда Ватанинг сўлиққа киёс қилиниши учрамаса кераг-ов. Мазкур образ шеърнинг бутун структурасида бамисоли узукка кўз қўйгандек бўлиб тушади...”. Олимнинг талқинлари, шеърдан чиқарган хулосалари унинг иқтидорли шеършунос эканлигини яна бир бор кўрсатади.

Истиклол олимга янги-янги имкониятлар бахш этди. У танikli адабиётшунослар ҳақида салмоқли портрет-мақолалар ярата бошлади. 2002 йилда яратилган “Нозиктаъб адабиётшунос” портрет-мақоласида атоқли олим Наим Каримовнинг ҳаёти ва ижоди тадқиқ этилган бўлса, “Танқидчининг рухий дунёси”да (2004) истеъдодли олим Н.Раҳимжонов портретига чизгилар беради. “Атоқли адабиётшунос ва фан ташкилотчиси” мақоласида йирик олим М.К.Нурмухаммедов сиймоси гавдалантирилди. “Танқидчи шахси ва ижодий ўзига хослик” (2008) портрет-мақоласи М.Қўшжоновнинг олим ва инсон сифатидаги ёрқин киёфаси акс эттирилган.

Олим бугунги кунда ҳам ҳормай-толма й изланишлар олиб бормоқда.

АБДУҒАФУР РАСУЛОВ (1937). Тошкент шаҳрида туғилган олим САГУ (ҳозирги ЎЗМУ)нинг филология факультетида ўқиди (1954-1959), ўзи таҳсил олган факультет аспирантурасида таҳсил олди (1961-1964). “Ҳозирги ўзбек киссаларида ёшлар характери” мавзuida номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди (1966). Олим юзлаб мақола, тақриз ва ўнлаб китоблари билан танқидчилар орасида ўзига хос ўрин эгаллайди. “Янги замон- янги қаҳрамон”, “Ўзбек прозаси камоли”, “Олим ва таржимон”(О. Шарафиддинов билан ҳаммуаллифликда), “Илми ғарибани қўмсаб”, “Истеълод ва эътикод”, “Ардоқли адиб”, “Шарафли Шарафиддиновлар”, “Бетакрор ўзлик” ва бошқа китоблари ана шундай изланишлар маҳсулидир. “Ҳозирги ўзбек танқидчилигида талқин ва таҳлил муаммоси” (2002) мавзuida филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган олим “Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” (2003), “Ўзбекистон республикаси фан арбоби” (2007) унвонига сазовор бўлди. 2004 йилдан ЎЗМУ ўзбек филологияси факультети “Жаҳон адабиёти ва назария” кафедрасининг профессори сифатида талабаларга сабоқ бериб келмоқда.

А.Расулов синчков танқидчидир. Синчковлик, ҳар бир нарсага эътибор билан қараш унинг табиий, туғма хусусиятларидан ҳисобланади. Синчковлик, адабий ҳодисаларга теран эътибор билан қараш, тушуниш,

таҳлил қилиш, доим ижодий жараёнлар ичида бўлиш-адабий танқидчининг етакчи хусусиятларидан.

Мунаққид қаламини тақризда синаб кўриши, қайраши маълум. А.Расулов ҳам тақриз жанрида фаол ижод қилиб, истеъдодларнинг биринчи китобларига тақриزلар ёзиб, уларни катта ижодга йўллади. Олим дастлабки тақриزلардан тортиб, 70 ёш бўсағасида ёзганларигача, танқидчиликнинг мана шу ихчам жанрида катта меҳнат қилди, юзлаб гўзал тақриزلар яратди. Тақриз қай йўсинда ёзилмасин, қандай мақсадни илгари сурмасин, ундан мурад асарни тушуниш, баҳолаш, тушунганларини китобхонлар оммасига етказиш эканини мунаққид яхши англайди ва ҳар бир тақризни ёзаётганда бадий матнга ана шу азалий ва порлоқ талаб билан ёндашади. У асарни дастлаб ўқиш, уқиш, тушуниш, ўзлаштириш, бадий идрок этиш лозимлигини илмий ижодий жараён сифатида қабул қилади ва бу жараёнда ўзини ҳам китобхон, ҳам мутахассис деб билади. Асарнинг ёзилишидан то унинг китобхонлар томонидан қабул қилинишигача бўлган босқич-танқидчининг бу жараёндаги долзарб фаолияти қандай натижаларга олиб қилиши мумкинлигини у олимона англайди. Кўринадики, тақризнавислик мунаққиддан ҳиссий тайёргарлик, адабий фаҳмлилик ва ифода салоҳияти талаб қиладиган илмий ижодий жараёндир.”Абдуғафур Расуловнинг ихчам тақриزلари асарни оммага танитибгина қўймай, унинг қатида ётган пинҳоний маъноларни имкон қадар очишга йўналтирилган бўлади”¹⁴⁷. Ҳақиқатан, тақриз ёзиш учун истеъдод, синчковлик ва билим зарур. Олимнинг тақриزلари шунинг учун ҳам ўқишли, у тавсия этаётган асарни китобхон дарҳол топиш ўқишга қиришади. Асарни чуқурроқ тушунишида танқидчи тақриزلари йўлбошчилик қилади десак адашмаймиз. Шу билан бирга, тақриз қилинаётган асарни ёзган адибнинг ёки шоирнинг аввалги асарларини яхши биладиган мунаққидгина унинг янги асари шу адиб ижодида қандай ўрин тутишини белгилай олади. Уни адабий жараёндаги шу хилдаги бошқа асарлар билан киёслагандагина асарнинг миллий адабиётимиздаги ўрнини кўрсатиб бериш имкони туғилади. А.Расулов ана шу имкониятларнинг моҳир устаси экани унинг деярли ҳар бир тақриздан яққол сезилиб туради.

Танқид назарияси соҳасидаги тадқиқотлар. Олимнинг “Танқидчилик уфқлари” (1989) номли адабий-танқидий мақолалар тўпламида XX асрнинг 70-йилларида фаолият юритган мунаққидлар ҳамда танқидчилик назарияси ҳақидаги атрофлича қарашлар эътиборни тортади. У адабий танқид муаммоларини адабиётшунослик, бадий ижод, фалсафа, эстетика билан мустаҳкам алоқадорликда текширади ва тафаккур йўсинига кўра унинг ўзига хос мустақил ҳислатларини очиб беради.

¹⁴⁷ Ёлтайбоев Ҳ. Танқиднинг тадқиқий йўли / Адабиётга салокат. Т., 2007. - Б. 35

А.Расуловнинг “Илми ғарибани қўмсаб...” номли мўъжазгина рисоласи ўзбек адабиётшунослигида ҳали ўрганилмаган муаммоларни, айниқса, мумтоз адабиётшуносликдаги танқидий тафаккурнинг хосликларини, талқин масаласидаги мумтоз назокатларни ўргатишга қаратилган. Илми ғариба китобхонни хайратга солиш даражасида тасвирлаш санъатини тушуниш, ҳис қилиш илмидир. Шарқ мутафаккирлари сўз санъатида ифодаланган ички маънолар тизимига алоҳида эътибор берганлар. Бир байт қатларига бир қанча маъно ва лафзий санъатларни сингдириб юборганлар. Бундай гўзал ифодаларни тушуниш учун ўзбек мумтоз адабиётшунослигидаги илми кофия, илми бадеъ, илми шарҳ каби илми ғариба мадрасаларда махсус илм сифатида ўргатилган. Афсуски, шўролар даврида “санъат санъат учун” ғоясига қарши кураш, халқчиллик нуқоти остида бундай гўзал санъатлар унутилаёзди, ноёб бадиий сўз жўнлаштирилди, сийкалаштирилди. А.Расулов ҳозирги танқидчиликни мумтоз адабиётда катта эътиборда бўлган “илми ғариба”, “илми дарк” билан боғлайди. Ғарбдаги герменевтика, аксиология таҳлили мумтоз шарқ адабиётшунослигидаги тафсир, шарҳ илми билан яқин жиҳатларини асосли тадқиқ этади. Бу китобга атоқли ўзбек адаби П.Қодировнинг юқори баҳо бергани бежиз эмас. Асарнинг аҳамияти шундаки, муаллиф мумтоз танқидчилигимиз қаърига чуқур қира олган, ўтмишнинг Рабғузий, Сайфи Саройи, Алишер Навоий. Воиз Кошифий, Атоуллоҳ Хусайний каби улуғ ижодкорлари танқидий қарашларини ўзига хос тадқиқ этган ва ҳозирги замон адабий танқидчилиги билан боғлаган.

Олим “Танқид, таҳлил, баҳолаш” деб номланган монографиясида ўзбек танқиди босиб ўтган йўлни теран таҳлил қилди. Танқиднинг талқин ва тушуниш билан боғлиқ кенг соҳаларини жаҳон танқидшунослигининг бугунги даражасидан келиб чиқиб ёритди. Аксиология, семиотика, интерпретация, структурализм, баҳолаш, модерн адабиёти тўғрисида кузатишларни ўзбек танқидчилигига олиб кирди. Танқид ҳам энди ўз эътиқодлари, тушунчалари, қарашларини ўзгартириши, янгилаши, дунёда кезаётган ғоялар билан ҳамоханг бўлиши зарур, деган фикрни илгари суради мунаққид.

А.Расулов адабий-бадиий танқиддаги баҳолаш табиати ва фазилатини унинг бош вазифаси деб тушунади, лекин баҳолаш мадҳиябозликка айланмаслиги лозимлигини тўғри таъкидлайди. Унинг баҳолаш фақат матн юзасидан эмас, бадиий асарнинг бутун борлигидан келиб чиқиши, яъни баҳолашда асардан ташқари, ёзувчи шахсияти, бутун ижод йўли ва адабий жараён яхлитлиги ҳам ҳисобга олиниши лозимлиги ҳақидаги фикрлари, айниқса, эътиборлидир. Олимнинг ушбу тадқиқоти сўнгги давр ўзбек адабиётшунослигининг жиддий ютуқларидан бири сифатида баҳолашга лойиқдир. Унда илгари сурилган илмий-назарий ҳулосалар, долзарб муаммолар ўзбек адабиёт назарияси ва адабий танқиднинг методологик асосларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Адабий портрет устаси. XX асрнинг 80-90-йилларида адабий портретнавислик ривожини бирмунча сустлашди. Бу даврда ёши элликлар профилдаги ижодкорлар у ёқда турсин, 60-70 ёшга борган, салмоқли асарлар ёзиб, адабиётда ўз ўрнига эга ижодкорлар ҳақида, уларнинг ҳаёти ва ижодини умумлаштирувчи танқидий-биографик асарлар ёзишга эътибор қайтмади. Масалан, машҳур шоир А.Орипов ҳақида фақатгина 2000 йилгагина келиб, М.Қўшжонов ва С.Мелиларнинг адабий портрети яратилди. Э.Воҳидов, Ш.Холмирзаев, Рауф Парфи, Жамол Камол, У.Ҳошимов ва ҳ.к адиблар ҳақида афсуски салмоқли адабий портретлар ҳанузгача яратилмай келаётир. Ҳолбуки, танқидий-биографик йўналишда асарлар яратиш вақти аллақачон етиб келган.

Бу кемтикликни тўлдириш ҳаракати бошланиб, жанрнинг кейинги тараккиёти унинг ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан мукамаллик сари интилаётганини танқидчи А.Расуловнинг тадқиқотларида кўриш мумкин. Уларда аввал кузатилган баъзи нуқсонлар такрорланмади, жонли хотиралардан унумли фойдаланиш, объект – адиб ёки танқидчининг ўз ишоралари – барчаси жамланиб, тирик инсоннинг яхлит образи яратилади. Натигада адиб сиймосидаги индивидуаллик, бой маънавий қиёфаси билан ўқувчи қалбида маҳкам ўрнашади.

“Истеъдод ва эътиқод” асирида адабиётшунос О.Шарафиддиновнинг яхлит портретини яратиш асосий мақсад қилиб олинган. Аслида “Озод Шарафиддинов” портрети 1980 йилда ёзилган, унда мунаққиднинг илмий-ижодий қиёфасини яратишга урғу берилган эди. Орадан йигирма йил ўтиб, 2000 йилда яратилган бу адабий портрет олдингисидан моҳияти, мазмуни, олим қиёфасини тўлиқ, ҳар тарафлама қизиш хусусиятининг устунлиги билан ажралиб туради.

Адабий портрет, эркин, содда ва раво бир услубда ёзилганлиги билан лиққатли тортади. Унда наинки қиёфаси қизиқлаётган мунаққиднинг, балки айни вақтда у ҳақда мулоҳаза юритаётган муаллифнинг ҳам қиёфаси тавдаланиб туради, фикр тараккиётида умумийликдан хусусийликка қараб бориш устувор. Адабий портрет қисмларининг номланишидаёқ масала моҳияти очила боради. Устоз яшаган ва шаклланган адабий муҳит ҳақида сўз борар экан, олимнинг ўз хотираларидан унумли фойдаланиш асарни янада жозибали қилади. Композицияда ҳам ўзига хосликка интилиш сезилади: болалик, оила ҳақида, бошқа портретларда кузатилганидек, асар бошида эмас, учинчи қисмда фикр юритилади.

Ў.Ҳошимовга бағишланган “Ардоқли адиб” адабий портрети эса табиат тасвиридан кейин адибнинг шажараси тарихига саёҳат билан бошланади. Кўпчилик адабий портретларда бошда таржимаи ҳол баъзан жуда қисқа берилади, баъзисидан эса хотиралардан кейин таржимаи ҳол берилади, сўнг ижод таҳлилига ўтилади, таржимаи ҳолга умуман қайтилмайди. Бу усул асарнинг ёркин, тўлақонли чиқишига тўсқинлик қилади. Шу ўринда бошқа адабий портретларда кузатилмайдиган яна бир

хусусиятга эътибор бериш ўринли: танкидчи портрети яратилаётган санъаткор ҳаёти ҳақидаги тафсилотларни эътибордан кочирмайди, бизда кўпда ошқора килавериш урф бўлмаган, жаҳон адабиётшунослигида эса, аксинча адабий портретлар яратишда ана шундай камёб воқеа-ҳодиса, далилларга реал кўз билан қараш, “майда-чуйда” тафсилотларгача эътибор бериш мавжуд. А.Расулов ана шундай анъаналарни ўзбек танкидчилигига олиб киришга интилди. Бундай ёндашув шахснинг турли қирраларини туташтириб, яхлитлик сари йўналтиради. Масалан, адиб отаси билан алоқадор лавҳалар жонли тарзда бериледи. Уларнинг жонли ва табиий чиқишига омил бўлган яна бир хусусият – портретнавис ўз кўзи билан кўрган, шохиди бўлган воқеаларга ҳам ўрин ажратади. Мунаққид оиласи, фарзандлари ҳақида танкидчи илмий усулда эмас, ровийлик йўлидан бориб, эркин мулоҳаза юритади. “Истеъдод в эътиқод” асарида А.Расулов устоз олим киёфасини яратиш жараёнида, унинг ижоди ҳақида юқори пафос, эхтирос билан сўзласа-да, мунаққид ижодидаги баъзи қусур, етишмовчиликларни ҳам кўрсатиб ўтади. О.Шарафиддинов инсон ва олим сифатида бирдек ҳақгўй, ҳақиқат учун толмас қурашчи, гўзаллиқни севадиган зукко мунаққид, оилапарвар шахс эди. Адабий портретда олимнинг илмий, ижодий, маънавий жиҳатдан яхлит киёфаси ёрқин тасвирланади ва бу тасвир ўқувчида олимнинг шахси ҳақида аниқ, яхлит тасаввур уйғотади.

Адабий портретни ўқишли қилган фазилятлардан бири муаллифнинг портрети тасвирланаётган шахсни яхши билиши, яқиндан таниши, у билан кўп йиллар бира бўлганлигидир. Шу боис бундай хусусиятга эга портретларнинг аксарияти самимий ва жонли чиқади. Тилга олганимиз иккала портретда ҳам худди шу хусусият устувор. Уларда эссега ҳос хусусиятлар ҳам йўқ эмас. “Ардоқли адиб”да буни портретнавис ўзи эътироф этади. Шу тарика танкидчи адиб ҳаёт йўлини чуқур таҳлил қилар экан, асарларидан шахсини, шахсидан асарлари моҳиятини излайди.

Танкидчи жанр талабларидан келиб чиқиб, ўз портретларида халқ эътиборига тушган шахсларнинг баркамол образини, шу билан бира маҳсус, ички тартибга эга адабий портретнинг ёрқин намуналарини ярата олади. Портретнавислик бевосита далиллар билан боглик. Портрет жанрининг ўзига хослиги шахс олами, руҳий дунёси ва киёфасини бир маҳражда мужассам эта билишда. Портретнависнинг вазифаси қахрамон ҳаётида бир марта кечган ҳодисани айтиб бериш ёки ўзи шохиди бўлган воқеани таъкидлашгина эмас, балки улар воситаси ва ёрдамида тасвирланаётган шахснинг эътиборга лойиқ қирраларини товлантириб, аниқ киёфасини чизишдан иборат. Масалан, “Ардоқли адиб”да ёзувчи характеридаги соддалик, самимийлик, табиийликни кўрсатиш учун мунаққид адибнинг киз чикариши маросимидаги лавҳаларгача тасвирга киритади ва назаримизда тўғри қилади.

Кўринадики, танкидчи жанр талабларини чуқур тушунган ҳолда ўз портретларида ўзбек олими, мунаққиди ва халқ севган ёзувчининг баркамол образларини ярата олган, айтиш мумкинки, танкидчи маҳсус, ички тартибга эга бўлган ўзига ҳос жанрнинг ёрқин намуналарини яратди.

А.Расулов мустақиллик даври адабий танкидининг фаолларидан бири сифатида ўз тадқиқотларида Абдулла Қаҳҳор ижодига кўп тўхталди. Унинг “Баднийлик–безавол янгилик” (2007) китобидан “Абдулла Қаҳҳор ва ёшлар” деб номланган икки қисмдан иборат тадқиқот ўрин олган бўлиб, унда ёзувчи асарларида ёшлар образи ҳамда устоз ва шогирдлар ҳақида сўз юритилди. Мунаққид ёзувчи асарларидаги ёшлар образи ҳақида гапирар экан, аввало адиб ҳақидаги хотираларни келтиради ва унинг ёшларга муносабати ҳақида фикр юритади.

Олимнинг “Бетакор ўзлик” китобига ҳам адиб ҳақидаги янги қарашлардан иборат бўлган мақолалар киритилган. “Абдулла Қаҳҳор университети”да адибнинг сўз зарғари сифатида ўнларча бетакор, ўз моҳиятига эга тимсолларни яратганлиги ҳақида гапирар экан, олим уларни: “Абдулла Қаҳҳор яратган характер, тимсол, увов қиёфаларни руҳимиздаги саралагич воситасида гуруҳлаштирамиз”, - деб янгича таснифлайди. “Сароб”ни “саралар саноғидаги роман” дея баҳолайди, қайсидир маънода “мозаика санъатини” ёлга солиши, ҳозирги ёшларнинг асарга муносабати ҳақида фикр юритади: “...янги авлод китобхони билан “Сароб”даги эстетик ровий аро контакт-муносабат бошланди. “Сароб”даги ровий, яширин китобхон, эстетик ўқувчи ўз функциясини, албатта, бажаради”. Бу мулоҳазалар ўқувчида романга нисбатан қизиқиш уйғотишига ишонамиз. В.Белинский ижодида туркум (цикл) мақолалар кўп учрайди. Бундай мақолаларда изчиллик, маълум бир ғояни ривожлантириб бориш хусусияти устувор бўлади. А.Расулов ижодида ҳам ана шундай туркум мақолалар яратиш анъанаси истиқлол йилларида қучайди.

ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛОВ (1949). Ўзбек адабиётшунослиги ва танкиди ривожига муносиб улуш қўшиб, сермахсул ижод этиб, кўплаб монографик тадқиқотлар, илмий-танкидий асарлар, китоблар, мақолалар яратаётган Иброҳим Ҳаққулов филология фанлари доктори, профессор сифатида самарали ижод этиб келмоқда. Иброҳим Чориевич Ҳаққулов 1949 йилда Бухоро вилояти Шифиркон туманидаги Талижа қишлоғида, энели хонадонда туғилган. Унинг адабиётга қизиқиши онла муҳитидан бошланган, бувисидан Навоий, Сўфи Оллоёр ғазаллари, Яссавий ҳикматларини эшитиб улғайган олим ўрта мактабда ҳам аъло баҳолар билан ўқиди. 1970 йилда Бухоро Давлат педагогика институти филология факультетини тугатган олим ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси

Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва Адабиёт институтида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда.

Олимнинг “Ўзбек адабиётида рубойи”, “Увайсий шеърляти”, “Бадий сўз шукухи”, “Занжирбанд шер қошида”, “Шеърлят–рухий муносабат”, “Тасаввуф ва шеърлят”, “Абадиёт фарзандлари”, “Ирфон ва идрок”, “Тасаввуф сабоқлари”, “Аҳмад Яссавий”, “Ким нимага таянади?” “Эътиқод ва ижод”, “Навоийга қайтиш”, “Тақдир ва тафаккур”, “Мерос ва моҳият” каби йиғирмага яқин китоблари чоп этилган. 1997 йилда олим Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти билан тақдирланган.

Олим мумтоз адабиёт тарихи, тасаввуф шеърляти, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий ижодида бағишланган тадқиқотлари орқали йирик ва зукко адабиётшунос сифатида танилди. Адабиётшунослик ва адабий танқидчилик фаолиятининг энг муҳим фазилатларидан бири–унинг тадқиқотларида мумтоз адабиёт вакиллари ижоди ва ҳозирги замонавий адабиётнинг маънавиятимиз таракқиетидаги ўрни ўрганилади, умумлаштирилиб, илмий ҳулосалар чиқарилишидир. Олимнинг, айниқса, ўзбек шеърляти таракқиети ҳақидаги, унинг етакчи тамойиллари хусусидаги умумлаштирувчи илмий–назарий фикрлари адабиёт илми таракқиетида муҳим ўрин тутди.

Адабий танқид ҳар бир танқидчининг ўзи кизикадиган соҳаси бўлиши билан ажралиб турди. Масалан, Ҳ.Ёкубов Ойбек ижоди, Л. Қаюмов Ҳамза ҳаёти ва ижоди, Иззат Султон реализм масалалари, М.Қўшжонов наср, Ҳ. Абдусаматов ҳажвиёт, Комил Яшин ижоднинг умумий масалалари ва драматургия муаммолари, С. Мамажонов шеърлят, Ғафур Ғулом ижоди, У. Норматов ҳикоя ва роман, О.Шарафиддинов ва И.Ғафуров шеърлятда маҳорат масалалари билан кўпроқ шуғулландилар ва ҳоказо. Ҳар бир йирик танқидчи ўзи танлаган соҳанинг етук мутахассиси бўлиб қолди. Шу нуктаи назардан қараганда, И.Ҳаққулов мумтоз адабиёт тарихининг, тасаввуф илмининг билимдони, яссавийшуносдир. Олимнинг аксарият тадқиқотлари шу мавзуда. Шу билан бирга у ҳозирги адабий жараённинг сергак кузатувчиси, Чўлпон, Ойбек ва А.Қаҳҳор ҳақида чўлпоншунос, ойбекшунос ва қаҳҳоршунос олимлар орасида ўз сўзини айта оладиган танқидчилардан ҳисобланади.

И.Ҳаққулов Чўлпон ижоди билан алоҳида шуғулланмаган бўлса–да, мустақиллик йилларида ўзбек олимларидан биринчилардан бўлиб, шоирнинг шеърларини тўплаб, “Баҳорни соғиндим” (1988) номи билан чоп эттирди. Чўлпон ижоди ҳақидаги баҳсу мунозарларга фаол иштирок этиб, айрим мақолалари билан чўлпоншуносликни бойитишга хизмат қилди. Унинг мақолалари ўзининг салмоғи, мазмун моҳияти, қўйилган муаммонинг ечилиши ва аҳамияти билан китобхон диққатини тортади. “Қутулиш юлдузи йўқликка кирмас” деб номланган мақола Чўлпонинг “Балживон” шеъри таҳлили ва талқинига бағишланган.

Бу йирик мақолага Чўлпоннинг “Кет, йўқол, кўзимдан ҳақиқат, йўқол...” мисралари эпиграф қилиб олинган. “Чўлпоннинг дин ва миллат ҳуррияти йўлида жиходга киришган ватанпарварлар ҳаракатига қатта умид боғлаганлигини исботловчи энг характерли далилларидан бири “Балживон” номли шеъри ҳисобланади” деб ёзган мунаққид бу шеър шоирнинг ҳеч қайси тўпламига кирмаганлиги, бизнинг матбуотимизда ҳам ҳеч қачон чоп этилмаганлиги, ўзбек адабиётшунослигида унинг номи даярли тилга олинмай келинганлигини таъкидлайди. Бунинг устига танқидчи Чўлпоннинг “Гўзал Туркистон”, “Гўзал Фарғона” каби шеърлари сингари яратилган куниданок қўлдан–қўлга ўтиб, “турку каби” севиб ўқилган, ўзбек шеърляти тарихида мазмун–моҳияти, маслак муросасизлиги жиҳатидан “Балживон”га ўхшаш ёки яқин келадиган иккинчи бир шеър ёзилмаган. Шунинг учун ҳам “Балживон” Анвар Пошонинг жасур сиймосини гавдалантирувчи сўздан яралган шеърлий бир ҳайкал деса асло муболага бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Танқидчи “Энг сўнгги умидин қонга бўяган, Ох, қандай хайрсиз намонлар келган! “деб ўз шеърда фарёд қилган Чўлпоннинг интиком ва оғир ҳарорат туйғусини англаган ҳолда қалам тебратди шу боис мазкур мақола чўлпоншуносликда айрича саҳифа оча олган, Чўлпон ижодининг муҳим қиррасини ёритиб берган тадқиқот сифатида қатта аҳамиятга эга.

И.Ҳаққулов адабий суҳбат ва обзор мақола жанрларининг етук намуналарини яратиб, бадий асар, айниқса, шеърлий асарларнинг нозик таҳлилчисига айланганини танқидчи адабиётшунос, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг унга йўллаган очик мактубидаги қуйидаги эътироф ҳам яққол тасдиқлайди.

“Авалло шуни айтмоғим керакки, мен биринчи қадамларингизданок ижодингизни жуда қатта қизиқиш билан кузатиб келаман. Мени мақолаларингиз ва китобларингиздаги теранлик, мулоҳазалар ҳамда ҳулосаларнинг чуқур билимга асосланганлиги, ҳар бир саҳифадан барқ уриб турадиган самимият ўзига жалб қиларди. Айниқса, Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқотларингиз, унинг бир қатор ғазалларига берган таҳлилларингиз, тасаввуф борасидаги изланишларингиз сизни адабиётшунослигимиз соҳасида олдинги ўринлардан бирига олиб чиқди. Сиз халқимиз ўртасида мумтоз адабиётимизнинг етук ва баркамол тадқиқотчиси ҳамда тарғиботчиси сифатида танилдингиз”¹⁴⁸.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқиди Иброҳим Ҳаққулов сиймосида у ёҳуд бу адабий ҳодисани умуминсоний қадрият сифатида умумжаҳоний фалсафий–эстетик мезонларда таҳлил қила оладиган ёрқин истеъдод вояга етганлигидан фахрлана олади. Шу муносабат билан яна О.Шарафиддиновнинг Иброҳим Ҳаққуловга йўллаган хатида таъкидланган икки нуктага эътиборни

¹⁴⁸ Шарафиддинов О. Ижоди аниқлаш бахти. Т., 2006.

каратишга тўғри келади: Биринчиси — “мутахассисларимизнинг интеллектуал даражасини кўтариш” ва иккинчиси — “истиклол адабиётшунослигини яратиш ва ривожлантириш учун...ижод эркинлиги, тафаккур эркинлиги”га эришмоқ шарт. Шу мантикдан Иброҳим Ҳаққул ижодий киёфасига назар солинса, ҳар иккала шарт ҳам ўзаро уйғунлашган ҳолда унинг ижодкорлик истеъдоди ва салоҳияти асосларини белгилаб келаётганлигига каноат ҳосил қилиш мумкин. Бунда И.Ҳаққулнинг илмий жасоратига асосланган эркин фикрлай олиш истеъдоди жиловланиб турибди.

Айни чоқда, унинг Жамол Камол форс-тожик тилидан муваффақият билан ўзбекчага ўнгирган Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”сига ёзган сўнг сўзи, бир қанча сўзбошилари, мумтоз адабиёт тарихига бағишланган мақолалари, шунингдек, “Навойига қайтиш”, “Такдир ва тафаккур”, “Эътиқод ва ижод”, “Абдулла Ҳаққор жасорати” каби қатор китоблари баланд дид ва теран тафаккур билан ёзилган. Бу силсилага унинг “Аҳмад калла”, “Устод”, “Ойбек шахсияти ва шеърятига доир” сингари ўнлаб мақолаларини ҳам киритмоқ лозим. Улар бетақдор мушоҳадаларга бойлиги билан наинки ўзбек адабиётшунослиги ва танкидида, айни замонда хориждаги адабиётшуносликдаги эстетик қарашлардан қолишмайдиган мулоҳаза ва муҳокамааларга тўйинтирилганлиги билан ҳам диққатни тортиб туради. Уларда И.Ҳаққулнинг фикрлаш тарзи ва баён этиш услуби ҳам ўзгача, эркин мантикий тафаккурга асосланган, мушоҳадаларни аниқ ва тиник ифодалашга бўйсундирилган. И.Ҳаққулнинг адабиётшунос ва танкидчи сифатидаги ижодига ҳос бу хусусиятларни устоз О.Шарафиддинов ўз вақтидаёқ теран англаганидан уни “ҳам мумтоз адабиётимизни, ҳам замонавий адабиётимизни, ҳам ғарб, ҳам шарқ адабиётини пухта” билгани туфайли “фикрлари тор маҳаллий ҳудудларни ёриб чиқиб, ёруғ жаҳон бўйлаб” таралишга юз бураётганидан башорат этган эди. Аслида-чи, бу башоратнинг бугунги кунда ҳақиқатга айланганини мамнуният билан тан олмоқ—ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танкиди эришаётган даражаларни ҳолисона эътироф этишга йўл очган бўлар эди.

Ўзбек адабиётшунослигида танкидчининг мумтоз адабиёт масалалари билан шуғулланувчи олимлар билан суҳбати кўп учрайди. Унинг ёркин намуналарини таниқли адабиётшунос олим И.Ҳаққулов ижодида ҳам кўриш мумкин. «Ғазал гулшани» деб номланган китоб жанрининг муаллифининг ўзи ҳам «адабий суҳбатлар» деб белгиланган. Китобнинг “рисола адабий суҳбат, таҳлил-мушоҳада шаклида” ёзилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Суҳбатлар ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари ижоди ҳақидаги кузатиш ва янгича қарашларга бойлиги билан эътиборни тортади. Уларнинг ўзига ҳослиги шундаки, суҳбатни ташкил этувчи билан суҳбатдош эркин фикр юритишади. Адабий суҳбат орқали суҳбатдошларнинг киёфаси, суҳбат объекти бўлган ижодкорга симпатияси,

улар ижодидаги муҳим белгилар очилади. Айниқса, ижоди адабиётшуносликда кам ўрганилган шоирлар ҳақидаги суҳбатнинг илмий-маърифий аҳамияти катта. Бунга мумтош шоирлар ижодига бағишланган суҳбатлар ёркин мисол бўла олади.

Бу суҳбатлар улар ижодига меҳри, ҳурмат туйғусини уйғотиб, суҳбатга қандайдир ўзгача оҳанг бағишлаб туради, бу туйғу китобхонга ҳам юқади. Суҳбатдаги қалб сўзлари кишини тўлқинлантирмай қўймайди, иккинчидан, суҳбатда ғазалларнинг гўзал тахлили, ўзбек адабиётига таъсири ҳақидаги мулоҳазалар ўқувчининг шоирлар ижодига қизиқишини оширади. Умуман олганда, суҳбатдошларнинг ўзига ҳос услуби, тилининг соддалиги уни ўқимишли қилган, гарчанд улар мутахассислар-адабиётшунос ва мунаққидлар томонидан олиб борилса-да, кенг китобхонлар учун тушунарли бўлиб, уларни шоир шеърятига ошно қила олади. Суҳбатдошлар қайси шоир ҳаёти, ижоди ҳақида фикр юритмасинлар, мавзуга кўпинча жаҳон адабиёти мезонлари асосида ёндашишга ҳаракат қиладилар. Муҳими, ижтимоий-ғоявий талқинга кўп диққат қилинмайди, уларда ғазал моҳиятини чуқур, дилдан англаш ва аниқлаш руҳи устувор.

Олимнинг “Ким нимага таянади” деб номланган китоби ҳам адабий суҳбатлардан ташкил топган. “Ғазал гулшани”да суҳбатни ташкил этган суҳбатдош танкидчининг ўзи эди, адабий суҳбатни олиб бориб, суҳбатдошга саволлар бериб, адабиёт ҳақидаги мулоҳазаларни бир марказга йиғиб, муаммоларни ўртага ташлаган. Бу китобда эса И.Ҳаққулов журналист ва ёш олимлар ташкил этган суҳбатларнинг асосий иштирокчиси ҳисобланади. Бу суҳбатлар икки йўналишда: мумтоз адабиёт тарихи ва ҳозирги адабий жараёнга бағишланган ҳолда олиб борилган.

Китобда 18 та суҳбат берилган. Шундан кўпчилиги мумтоз адабиёт, тасаввуф масалаларига бағишланган, бештаси ҳозирги адабий жараён билан боғлиқ. Аниқроғи, адабий суҳбатларнинг тўрттаси Ойбек ижоди, шеърятини ҳақида. “Ойбек ҳақида суҳбатлар” 4 қисмдан иборат. Биринчи суҳбат “Бир ўлкаки, сал кўрмаса қуёш соғинар” деб номланган. Мунаққид “кўнгил йўли билан Ойбекка яқинлашган одам ўзини янгидан тугилгандай ёки ҳис-туйғулари тозариб, янгилангандай тасаввур қилади. Кўнгил қаттиқ, ҳислари қирланиб, мағорланиб ётган кимса Ойбек дунёсига ошно бўлгандан сўнг ҳам ич-ичидан бир пушаймонлик сезмаса, ундан одамийлик қутмаслик лозим” деб ҳисоблайди.

Танкидчи агар бугун биров мендан: “Сен киёматда нима билан фахр этгайсан?”, деб сўраса, ишонинг, “Ойбекдай содиқларнинг кўнгил билан”, деб жавоб берган бўлардим, дейди. Ойбекнинг кўнгил — чин гўзаллик ва севги чашмаси, меҳр ва шайқат гулшани, ижод ва илҳом уммони. Лекин у ҳақда қанча гапирманг, барибир таърифу тавсифга сифдириб бўлмайди уни. Ўзини “Сўнгги дарвеш” санаган Ойбек ҳали тўла кашф этилмаган Сир эканлигини, “Ойбек қуёш ва ой соғинчига соҳиб муаззам бир Ўлка”

эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. Ойбек ижодига бағишланган бу суҳбатларни ўқир экан, китобхон XX аср ўзбек адабиётининг чинорларидан бири бўлган шоир ва адиб ҳақида янгича қарашларга, талқинларга эга бўлади, Ойбекни ўзи учун қайта кашф этади.

Олимнинг “Этикод ва ижод” деб номланган китоби ҳам суҳбатлардан ташкил топган. Ҳар бир суҳбатда олимнинг катта билим ва маҳоратга эга эканлиги яққол намоён бўлади. Суҳбатлардаги таҳлиллар сермазмунлиги, ўзига хос қарашлар ва мушоҳадаларга бойлиги билан ўқувчи эътиборини тортади. Бу ҳақда профессор Тўра Мирзаев шундай ёзади: “Таникли адабиётшунос олимнинг барча суҳбатлари бир жойга йиғилиб, яхлит китоб ҳолига келтирилганлигининг ўзи алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, суҳбат шундай бир жанрки, унда ижодкорнинг, олимнинг ўзига хос киёфаси янада ёркинрок намоён бўлади”. Ҳақиқатан ҳам адабий-танкидий суҳбат мулоқотнинг энг ихчам шаклларида бири бўлганлиги учун адабиёт ривожига, бадий асарнинг юксаклиги учун курашишда муайян даражада аҳамиятга эга. Адабий-танкидий суҳбат суҳбатдошлар-ижодкорларнинг кимлигини, қалби ва ижодий киёфасини чуқурроқ англаб олиш учун китобхонга ёрдам беради. Шу боис икки шахснинг – ёзувчи ва танкидчи ёки ижодкор билан ижодкорнинг бадий ижод сирлари, адабиёт муаммолари ҳақидаги эркин мулоқотидан иборат бу жанр кенг ривожланиб бормоқда, уни тараққий эттиришда олим суҳбатларининг алоҳида ўринга эгаллигини таъкидлаш лозим.

И.Ҳаққуловнинг ҳозирги ўзбек адабиёти вакилларига ижодига бағишланган суҳбатларидан бири “Қани, шеър, сўйла абадиятдан” деб номланган бўлиб, у шоир Рауф Парфи билан олиб борилган мулоқотга асосланган. Ойбекни йигирманчи аср адабиёти оламидаги муқаддас бир тоққа ўхшатган суҳбатдошлар унинг ижоднинг мураккаб ва машаққатли йўлларини босиб ўтган шоир эканлигини фахр билан таъкидлайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, И.Ҳаққулов – адабий суҳбатларни ташкил этувчи фаол танкидчи ва зийрак суҳбатдош. Шу билан бирга И.Ҳаққулов журналистнинг саволларига илмий-назарий жиҳатдан асосли жавоб берадиган, ҳозирги адабий жараёни, XX аср ўзбек адабиётини жуда чуқур билган танкидчилардан бири сифатида ҳам кўринадилар. Бу адабий-танкидий суҳбатлар ўқувчини адабиётнинг назарий масалалари, ёзувчи ижоди билан яқиндан таништиришда шоир, ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда, уларнинг ижод сирларини таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

Олимнинг “Абдулла Қаҳҳор жасорати” эссеси шундай сўзлар билан бошланади: “Адабиёт тақдири юрт ва миллат тақдиридан айри бир нарсасиз эмас. Адабиётда миллат руҳи бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан акс этади. Адабиёт миллатнинг қалби дардларига малҳам топади”. Танкидчи шу жиҳатдан ўз олдида бир неча саволлар қўяди ва унга А.Қаҳҳорнинг сўзлари билан жавоб беради. Мунаққид асар моҳиятидан келиб чиқиб, асосий диққатини А.Қаҳҳорнинг жасорати, шижоатини таҳлил қилишга

қаратиб, адибнинг “Ёшлар билан суҳбат” китобидан Саид Аҳмаднинг “Тортик” номли ҳикоялар тўпламига бағишланган мақоласига тўхталди. А.Қаҳҳор ўша мақолада ёзувчининг вазифаси фақат яхши асарлар ёзиш билан чекланмаслиги, “адабиётни ҳар қандай бало-қазодан қўриқлаш, адабиётнинг сергак, жасур посбони бўлиш” унинг вазифасига кириши ҳақида гапирган экан.

Мунаққид А.Қаҳҳорнинг ҳаётда ҳам, бадий ижодда ҳам ўз ҳақиқатларини топган, шу ҳақиқатлар учун сабот билан курашган санъаткор эканлигини таъкидлайди. “Барча буюк ёзувчилардек, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳам шахси – ижодига, ижоди-шахсига бир кўзгу. Адиб ижодини севган, албатта, шахсига мафтун бўлади, шахсини билган – унинг ижодидан ажралолмайди. Ҳақ ва ҳақиқат қаршисида тили қисқа, юзи шувут бўлмаган ёзувчи борки, уларнинг бари ўз сўзи ва эркига ҳоким. Абдулла Қаҳҳор шундай беназир ёзувчи эди”¹⁴⁹.

И.Ҳаққулов А.Қаҳҳорнинг инсон ва ёзувчи сифатидаги қирраларини таъкидлаб, булар билан, ёзувчи ижодини чуқур ўрганган рус олимаси И.Боролина, О.Шарафиддинов, К.Симонов, Ш.Холмирзаевнинг фикрларидан мисоллар келтиради. Уларнинг қалби сўзлари адиб киёфасини очишда катта ёрдам беради. Танкидчи ёзувчининг реалистлиги, образ яратишда сунъийлик ва сохтакорликка тоқат қилолмаганлигини таъкидлар экан, бугунги кунда адабиётимизда йўл қўйилаётган нуксонларга ҳам тўхтаб ўтади. Адабиётга “ўғри мушукдай туйнукдан қирадиган”лар дастидан бугунги китобхоннинг савияси тушиб кетганлиги мунаққидни ташвишлантиради. У ўз-ўзига савол беради: “Шундай аҳволда Абдулла Қаҳҳор чидармиди? Лоқайд қарай олармиди? Душман орттириш ёки қандайдир имтиёزلардан айрилиб қолишдан қўчирмиди?” Шу ўринда олим адибнинг ўлими олдида шогирди Шухратга айтган сўзларини келтирадики, улар танкидчининг саволларига жавоб бера олади.

Мунаққид адибнинг “Сароб” романига ҳам тўхталиб, унда сирли-сехрли бир руҳ борлигига диққатини қаратади. Илк ўқишда романининг туб моҳиятига етарли даражада тушунмаганлигини таъкидлайди, аммо Саидий ҳам, Мунисхон ҳам унга ёққан. Олимнинг асар ҳақидаги фикрлари оқорлилиги билан киши диққатини ўзига тортади.

Мунаққиднинг вазифаси фақат ёшларнинг ижодига эмас, балки номдор ёки кекса ёзувчилар асарларига ҳам хайрихоҳлик билан муносабат билдиришдан иборатдир. Шундан келиб чиқиб, И.Ҳаққулов талабчан танкидчи сифатида А.Қаҳҳорнинг адабий танкидга муносабатига ҳам диққатини қаратади. Ўзбек танкидида “ноқислик тамали нима дейилса, икки сўз билан жавоб берса бўлади: “савия ва журъат”. Абдулла Қаҳҳор эса мунаққид савияси ва журъати масаласида жон қуйдириб ёзулаганлигини таъкидлайди. Дардсиз, эҳтироссиз ёзилган асарларни

¹⁴⁹ Ҳаққулов И. Шахсият ва шижоат // ЎТА, 2004, № 4, - Б. 11.

мактайдиган савиясиз танкидчилар ҳақида айтган: "Бу тоифа танкидчилар ўкиб бўлмайдиган, бадий жихатдан ғоятда ғариб бўлса ҳам, рўй-роҳат ғоявий хатоси" йўқ китобларни ахтариб юриб, улар тўғрисида мадҳиялар ёзиб ўрганган, шунинг қасб қилиб олган" деган сўзларини келтиради. Ҳақиқатан ҳам бу фикрлар бугун ҳам эскирмаган, ва бугун ҳам худди шундай танкидчилар бўлиб ётган даврда огоҳликка қақиргандай бўладики, мунаққид И.Ҳаққулов ҳам беҳудага бу масалага диққатини қаратмаган бўлиб чиқади.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, И.Ҳаққулов қаҳҳоршуносликда Абдулла Қаҳҳор ҳақида янги гап айтишга интилан ва буни муваффақият билан амалга оширган мунаққидлардан бири ҳисобланади. У тилга олганимиз эсседа А.Қаҳҳорнинг шижоати, жасурлигини далиллар ёрқин билан очиб бера олгани, бу унинг ўз сўзига эга мунаққид эканлигини яна бир исботлайди.

Таянч тушунчалар: танкид тадқиқотчиси, миллий уйғониш, катагон, ҳолис баҳо, янгиланаётган танкид, танкидий асарнинг тили, композицияси, эркин фикрлаш, маҳорат қирралари, адабий танкид тадрижи, адабий-танкидий жараён; илмий-назарий қарашлар уйғунлиги, адабий суҳбатлар, эркин тафаккур, услуб қирралари, танкидчиға мактуб, микроанализ, матн таҳлили.

Мавзунинг мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. А.Расулов, Б.Назаров, И.Ҳаққуловларнинг ўзбек танкиди ривожиди тугган ўрни қандай?
2. Олимлар танкидчи маҳорати масаласини қандай тушунтирадилар?
3. Б.Назаровнинг адабий жараёнға муносабати ҳақида сўзланг.
4. Танкидчи услуби деганда нимани тушунсиз?
5. Мунаққиднинг ўзбек адабий танкидининг табиатига оид тадқиқотлари ҳақида сўзланг.
6. "Ғафур Ғулом олами" асари ҳақида гапиринг.
7. А.Қаҳҳорнинг бадий ҳақиқати деганда нимани тушунасиз?
8. Илми ғариба деганда нимани тушунасиз?
9. А.Расуловнинг онтологик ёндашув ҳақидаги мулоҳазаларини изоҳланг.
10. "Танкид, талкин, баҳолаш" асари ҳақида гапиринг.
11. Олим ҳаёт йўли ҳақида нималар биласиз?
13. А.Расуловнинг адабий жараёнға муносабати ҳақида сўзланг.
14. Танкидчи жасорати деганда нимани тушунсиз?
15. И.Ҳаққуловнинг ойбекшуносликка қўшган ҳиссаси нимадан иборат?
16. И.Ҳаққулов А.Қаҳҳор ҳақида қандай асар яратди?
17. Олимнинг адабий суҳбатлари ҳақида гапиринг.

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

- I
1. Назаров Б. Олим маданияти. Т., 1977.
2. Назаров Б. Ўзбек адабий танкидчилиги. Т.: Фан, 1979.
3. Назаров Б. Бу сеҳрли дунё. Т., 1980.
4. Назаров Б. Ҳаётгиллик – безавол мезон. Т.: Ёш гвардия. 1984.
5. Назаров Б. Нозиктаъб адабиётшунос // ЎТА, 2002, № 6, - Б.3-11.
6. Назаров Б. Танкидчи шахси ва ижодий ўзига ҳослик // ЎТА, 2008. № 6, - Б.3-10.
7. Назаров Б. Абдулла Қаҳҳорнинг бадий ҳақиқати / Адабиётимиз фахри. Т., 2007, 110-124 б.
8. Назаров Б. XX аср адабиётида Эркин Воҳидов ижодининг тугган ўрни ва аҳамияти. // ЎТА, 2007. № 1. – Б.3-10.
- II
9. Расулов А. Танкидчилик уфқлари. Т., 1985.
10. Расулов А., Худойбергалиев Н. Ўзбек совет адабий танкиди тарихи. Т., 1990.
11. Расулов А. Илми ғарибани қўмсаб. Т., 1998.
12. Расулов А. Истеъдод ва эътиқод. Т., 2000.
13. Расулов А. Ардоқли адиб. Т., 2001.
14. Расулов А. Танкид, талкин, баҳолаш. Т., 2006.
15. Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. Т., 2007.
16. Расулов А. Бетакрор ўзлик. Т., 2009.
- III
17. Ҳаққулов И. Ғазал гулшани. Т.: Фан, 1981.
18. Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. Т., 1989.
19. Ҳаққулов И. Абдиёт фарзандлари. Т.: Ёш гвардия. 1990.
20. Ҳаққулов И. Ойбек шахсияти ва шеърлатига доир // ЎТА, 2005, № 2. - Б.25-35.
21. Ҳаққулов И. Абдулла Қаҳҳор жасорати. Т., 2005. Эссе.
22. Ҳаққулов И. Ким нимаға таянади? Т.: Заркалам. 2006.
23. Ҳаққулов И. Эътиқод ва ижод. Т., 2007.
24. Ҳаққулов И. Тақдир ва тафаккур. Т.: Шарк. 2007.
25. Ҳаққулов И. Бадий ижод иклими. Т., 2010.

Улар ҳақида :

1. Каримов Н. Олимнинг илмий олами // ЎТА, 2007, № 1, - Б.46-60.
2. Саъдий М. Ойбекномаға саҳифа ("Бу сеҳрли дунё" китоби ҳақида). // ЎзАС, 1983, 21 октябрь.
3. Қосимов Я. Танкидчининг безовта дунёси // ЎзАС, 1986, 4 июль.
4. Ўзбек Миллий энциклопедияси. Т., 2003. Т.6. – Б.243.
5. Шарафиддинов О. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. Т.: Маънавият, 2004.

6. Йўлдошев Б. Адабий жараён: танкидчи услуги ва маҳорат муаммолари. Т.: Фан. 2002, - Б.77-79.
7. Мамажонов С. Теранлик. Адабий жараён ва адабий танкид. Т., 1987.
8. Мамажонов С. Шеърят баҳсида. Т., 1979.
9. Норматов У. Етуклик. Т., 1983.

АДАБИЙ ТАНКИДДА ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН МУАММОЛАРИ

Режа:

1. Адабий матни ўқиш, ўзлаштириш муаммоси.
2. Талкиний ёндашувлар ёхуд мақсадли таҳлил.
3. Талкиний жараён: таҳлил йўллари, мақсад ва вазифалари.

1. Адабий матни ўқиш, ўзлаштириш муаммоси. Ўзбекистон мустақиллиги туфайли қўлга киритилган ҳақ-ҳуқуқлар, имкониятлар, ютуқлар сарҳисоб қилинмоқда. Ижтимоий фанлар, хусусан, адабиётшунослик ва танкид соҳасида қадриятларни, маънавий-адабий бойликларни, фалсафий, тарихий асарларни ўрганиш, изчил таҳлил, талқин этиш, баҳолаш имконияти пайдо бўлди. Ҳеч қандай тузум талқин, таҳлилни инкор этмайди. Лекин аксарият ижтимоий-сиёсий-мафкуравий муносабатлар ҳолис ва теран талқинга имкон бермайди.

Мустақил Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий, адабий-маънавий вазият ўтмишни ҳаққоний ўрганиш, мукаддас, ўлмас асарларни ҳолис, ишонарли, илмий талқин этиш имконини берди. Қуръони Каримнинг бир неча изоҳли таржимаси, Жалолiddин Румий “Маснавий”сининг шарҳли таржимаси, оламга таниқли мумтоз олимларимиз, адибларимиз асарларининг изоҳ-шарҳлар билан чоп этилиши йигирма йиллик тарихимизнинг бебаҳо ютуқларидир. Мустақиллик туфайли сўз санъаткорлари ҳамда олимларнинг асарлари мукаммал ҳолда чоп этила бошлади.

Мукаммал асарлар – талқиннинг мустаҳкам пойдевори. Алишер Навоийнинг 20 жилдлик мукаммал асарлари, “Бобурнома” тўлиқ нашр қилинди. 2001 йил Мустақил Ўзбекистонда ҳақли равишда Навоий йили бўлиб қолди. Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида Навоий шаҳрида Навоийнинг ёдгорлик мажмуи очилди. Президент Ислам Каримов шу тантанали маросимда сўзлаган нутқида бундай деди: “Ҳазрат Навоий шундай буюк зот экан, унинг тафаккур дурдоналари бўлмиш боқий асарлари замонлар оша яшаб келаётган экан, бу улуг меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик қўп баҳраманд этсак, маънавиятни юксакликка кўтаришда, инсоний фазилатларни қамол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз. Айни пайтда бу вазифа, илгари ҳам айтганимдек, ҳар биримизни Навоийни янада яхшироқ ўқишга, Навоийни янада теранроқ ўрганишга, унинг умр

дафтаридан ибрат ва сабоқлар олиб яшашга даъват этади”¹⁴⁹. Қадриятларни қадрлаб, мангу барҳаёт асарларни тушуниб, ҳис қилиб, талқин этиш, яратилаётган кўплаб асарларнинг сарасини беҳато ажрата билиш фикрловчи, синчков инсонларнинг мураккаб юмушидир. Мустақиллик йилларида кишиларимиздаги мушоҳадакорлик, талқин қила билиш уқуви ўсиб, миллий мафкура, истиклол ғоясининг илм-фан, хусусан, ўзбек адабиётшунослиги ва танкидчилигига сингиб бориши бадий асарлар – адабий матннинг мукаммал, илмий таҳлил ва талқинида намоён бўлади. Таҳлил ва талқин нафақат ҳозирги ўзбек адабиёти, балки мумтоз адабиётимиз, жаҳон адабиёти ноёб намуналарининг асосли таҳлил, теран талқини орқали миллий мафкура, истиклол ғоясини ёритиб бериши мумкин. Таҳлил ва талқинлар – бадий асар баҳосини белгилашдаги бош мезон. Айни вақтда улар адабий танкиднинг муҳим таркибий асослари. Адабий танкид эса – адабиётшуносликни тутиб турадиган мустаҳкам уч устуннинг бири. У бадий асар воситасида ҳаёт, инсонлар ҳақида мушоҳада юритади; бадий асарнинг ижтимоий-маданий муносабатлардаги ўрни, вазифаси, миллий-мафкуравий, умуминсоний моҳиятини ёритади; бадий асарнинг фалсафий-эстетик моҳиятини, тарихий-маданий қатламдаги ўрнини белгилайди; адабий матн таҳлил орқали бадиятга доир қамчилик, етишмовчиликларни очади ёхуд танкиднинг сараловчилик вазифасини амалда исботлайди; бадий асарга сингдирилган, унинг “жони”га айланиб кетган гўзалликларни нозик кашф қилинган, илмий-мантаний хулосаларга асосланган талқин воситасида уларни юзага чиқаради; адабий талқиннинг хулоса, натижаларини бадий асар баҳосини белгилашга йўналтиради.

Адабий танкид, хусусан, талқин ҳақидаги қарашларнинг асосий манбаи ўзлаштириш нафосатшунослиги (рецептив эстетика)дир. Маданиятли инсон борки, қадриятларни эъзозлаш, ўрганиш, ўзлаштириш пулидан боради. Бу–мураккаб жараён, рухий-маънавий ҳолат. Қадриятларни ўзлаштириш, англаб етиш рецептив эстетика предметиридир. Ўзлаштириш нафосатшунослиги қадрият, хусусан, бадий ижод намуналарини қабул қилиш, руҳ-онгга сингдириш жараёнини ёритса, адабий талқин ўзлаштирилган қадрият, гўзалликнинг ҳаётга қайтарилиши, бойитилган қадрият сифатида қайта туғилиш ҳолатидир.

Шундай қараш мавжудки, адабий матн, таҳлил, талқин жараёнидан кейингина ё бадий асар мақомини олади, ё ярқисиз матоҳ сифатида инкор этилади. Таҳлил ва талқин ички ва ташқи жараён сифатида кечади. Адабий матн яратувчиси, айни пайтнинг ўзида ички, яширин талқинчи ҳамдир. Матн яратувчининг истеъдоди юксак бўлса, унинг талқинчи, танкидчи сифатидаги талабчанлиги ҳам шунчалик жиддий, шафқатсиз бўлади.

¹⁴⁹ “Халқ сўзи” газетаси. 2001 йил, 25 август, 3-саҳифа.

Адабий танкид — кенг камровли соҳа. Шароит, вазият адабий танкиднинг гоҳ у, гоҳ бу йўналишда ривожланишини такозо этади. XX аср ўзбек танкиди мураккаб ҳолатларни бошидан кечирди. Аср бошларидаги, янги шаклланган адабий танкид руҳида миллатпарварлик, ҳолис адабий талкинга интилиш тамойили етакчи эди. Шўро даврида адабий танкид асл, ҳолислик ҳислатини йўқотди, коммунистик мафкура дастёрига айланди. 80-йиллардан эътиборан адабий танкидда ошкоралик, шиддаткорлик сезила бошланди.

Мустақиллик давридан эътиборан ҳолис талкинлар, танкид асосига айлана борди. Бу танкидда англаш, қизиқиш, тушуниб етиш тамойили кўзга дарҳол ташланади. Ҳозирги пайтда ўзбек танкиди “миллий ғояни тараннум этишга, истиқлол мафкурасига зид ғояларнинг зарарли моҳиятини очиб беришга, айниқса, эътиборни кучайтириш зарур. Ҳаёт ва ижоддаги маҳдудлик ва фикр кашшоклигига қарши курашиш, баҳс-мунозара, танкид ва таҳлиллар орқали мақуравий мухитнинг соғлом бўлишига эришиш”¹⁵⁰ асосий масала бўлиб турибди.

XX асрнинг 80-йиллари, хусусан, Ўзбекистон мустақиллигидан бошлаб, танкидчиликда талкинга, бадий асарларни ич-ичидан ҳолис ёритиб беришга, маънолар каттини очишга, таҳлиллар ҳар хиллигига эътибор ортди. Бадий асарга биографик, ижтимоий-гентик, онтологик, тарихий-функционал ёндашув ёхуд мақсадли таҳлил қилиш тамойили кучайди. Адабий талкин бадий асарни ич-ичидан, тузилиши-ю таркиби руҳидан ёритишдир. Таҳлилнинг структурали, семиотик, ижтимоий, услубий, интонацияга кўра ботинидан боқиб, ичдан текшириб (микроанализ) таҳлил қилиш йўсинлари мавжуд. Оҳанг, услуб таҳлили танкидчиликка энди-энди кириб келаяпти. Адабий танкиднинг асл моҳияти таҳлил ва талкинларда намоён бўлишини кўрсатиш долзарбдир. Таҳлиллар изчил, ишонарли; талкин асосли бўлса, бадий асарнинг асл қиммати, қадриятлиқ асоси англашилаверади.

Ҳақиқий адабий-бадий матн — ўзига хос, бетакрор қурилма. Унда адиб услуби, истеъдоди, интеллектуал даражаси акс этади. Чин адабий матн-маънолар хазинаси, пишиқ-пухта тўқилган мато мисоли. Матн бир қанча қатламлардан иборатки, китобхон, талкинчи ўз имконияти даражасида шу қатламларни забт этади. Асрлар давомида аҳли донниш, аҳли илмлар матн мураккабликлари, мукаммалликлари мафтуни бўлиб келганлар. Матн харф, бўғин, сўз, бирикма, гап, парча ва боблар жамулжамидир. Умри боқий, халқ дилидан, маданият тарихидан жой олган матн (асар) ҳақида: “Бу асар (матн) фалон замонда, фалон сиймо томонидан яратилган”, деймиз. “Яратилиш” билан ёзиш” орасида фарқ бор. Ўлмас асарларнинг яратилиши тарихи ҳақида ривоятлар кўп. Китобхон, мантикка асосланган, ижодкор ёзган асарни-харфларни,

гапларни, бўлиму бобларни маълум муддат давомида кўради. Лекин ҳеч қим, ҳеч қачон асарни кўриб чиқдим демайди, ўқидим, уқдим, ўзлаштирдим дейди. Ўқиш хусусан, ўқиш ўзига хос ижоддир. Китобхон — бадий матн унга хоҳ ёқсин — хоҳ ёқмаган бўлса-да, ҳис-ҳаяжонга берилади, у ҳақда ўйлай бошлайди. Китобхон ижодининг бу босқичида бадий матн ё бадий асар сифатида қабул қилинади, ё бадийликка алоқасиз матоҳ сифатида инкор этилади.

Ўқиш, ўқиш жараёнидаги ижодда ақл етакчилиқ қилади. Аниқроғи, китобхон, бус-бутун ҳолда қабул қилувчи, ўзлаштирувчига айланади. Асарни ўқиш, аслида, ўзи учун ижро этишдир. Китобхон воқеаларга аралашади, қаҳрамонларни жойлаштиради, уларнинг гап-сўзларини эшитади, руҳий ҳолатларини юракдан ҳис этади. Б.Томашевский англашича, “китобни ўқиб”, биз уни “ички нутқ” шаклига ўгирамыз ёхуд уни гапиртирамыз, овоз ҳолига келтирамыз. Китобхон қалби асар ижро этилаётган саҳнага айландими, демак, қаҳрамонлар ҳам китобхон ихтиёрига ўтган бўлади. Ёзувчи Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар”ни ёзар экан, ўқувчи сифатида ёзганларини уқиб борди. Натижада, Қумушнинг ўлимига илк бор кўз ёши тўққан китобхон Қодирийнинг ўзи бўлди. Романдаги Отабекка китобхон Қодирий ҳавас билан қаради. “Бордию, “Ўткан кунлар” романи асосида кино олинса, Отабек ролида ўзим ўйнаган бўлардим”, дея орзу қилди Қодирий.

Китобхон асарни ўзлаштириб, ўзиники қилиб олганининг мисоллари кўп. А.Қодирий асарлари қаҳрамонлари ҳақида кўплаб шеърлар ёзилди. Бу ҳолат шуни тасдиқлайдики, китобхон бадий асарни ўзлаштиради, қаҳрамонларини жонли кишилар сифатида кўрмас экан, улар ҳақида жўшиб гапира олмайди, улар тўғрисида бадий асар ёзолмайди.

Бадий адабиётда машҳур ёзувчилар, уларнинг асарлари, қаҳрамонлари, санъаткорлар ҳақида ёзилган шеърлар кўп¹⁵¹. Бадий асарлардан илҳомланиб ёзилган шеър, поэма, наср яна бир руҳий ҳолатни тасдиқлайди: асар ўқиётганда вақт тушунчаси унутилади. Бизнинг кунларда, шоир ёзганидай Қумушга ошник йигитлар, Отабекка мафтун қизлар кўп. Ўйлаб кўрилса, “Ўткан кунлар”даги Қумуш ҳозирги йигитларнинг бувисининг бувисидан ҳам қари. Отабек ҳам шундай. Лекин инсоний хусусиятлар, одам табиатида хос белгилар ҳамма даврларда бир хил бўлган. Буни бадий асарни ўқишнинг руҳий-табiiй томони дейилади. Бадий матнни англаш, ўқиш, ҳис этиш китобхон — талкинчининг бадий оламга кириб бориши жараёнидир. Ўқиш-олам ҳақида эмас, оламнинг ичида туриб фикрлашдир, дейди М.Бахтин. Ўқиш талкинчининг кечинмадошлиқ жараёнидир. Бошқача айтганда, ёзувчининг

¹⁵⁰ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон. 2000. - Б 65.

¹⁵¹ А.Орипов “Мўмин Мирзо”, Х.Даврон “Ойбек”, Х.Худойбердиева “Қумушнинг ўлими”, М.Юсуф “Саид Аҳмад”, “Қумуш”, “Усмон Носир”, “Шукур Бурҳон” сингари шеърлар назарда тутилади.

фикр, туйғу, максадлари китобхон (талкинчи) томонидан қайта бошдан кечирилмас экан, ўқиш, англаш, идрок этиш маромига етмаган бўлади.

Эстетиканинг герменевтика соҳаси англаш, ўқишдаги тартиб, узвий боғлиқликни таъкидлайди. Уқиш, тушуниш билимнинг бир халқаси, холос. У хали билимнинг тўла мазмунини тасдиқлай олмаганидай, инкор ҳам қилолмайди. Тушуниш — матн муаллифи ижод жараёнида кечирган рухий ҳолатларни қайта ҳис этиш, маънони ўзлаштириш, холос.

Шундай ҳам бўладики, ўқувчи ўқитувчидан кўпроқ билиб олиши мумкин. А. Потебня фикрича, “Тингловчи гапирувчига нисбатан сўзлар заминига яширинган маъноларни кўпроқ илғайди, китобхон шоирга нисбатан асарга кенгрок микёсида ёндашади”.

Мартин Хайдеггер матнни англашда самия-эшитиш сезгисига алоҳида ургу беради. Эшитиш англаш босқичида асосий нукта ҳисобланади. Тинглаётган одам бирон гапни эшитмай қолса, “кайтаринг, тушунмадим”, дейди. Эшитиш акустикага асослангандир. Акустик англаш тушунишдаги муҳим марказ ҳисобланади. М. Хайдеггер эшитувчи ва сокин одам дунёсининг аксарият аҳолиси эски араб — Қуръони карим тилини тушунмайди. Аммо бу муқаддас китоб шунчалик ихлос, эътибор билан эшитиладики, тингловчи ўзи сезмаган ҳолда маънини, фикр нима ҳақида бораётганини англайди.

Бадий асарнинг энг муҳим аҳамияти шундаки, у инсон қалбини майинлаштиради, туйғуларини ўткирлаштиради, маънавий-рухий баркамолликни тарбиялайди. Оддий ўқувчи билан танқидчи орасидаги фарқ қачон, қандай вазиятларда кўринади? В. Белинский деярли ҳар бир янги асар чуқур ўйга чўмдиришини, сермулоҳазакорликка ундашини таъкидлайди. Буюк танқидчи ўз асарларида кириш гап чўзилиб кетиши, ўй-мулоҳазаларга кенг ўрин берилиши сабабини шундан деб билади. “Танқидчи ҳам янги асарни ўқиш пайтида доно бир китобхонга айланиб, ундан мумкин қадар тўлиқ ва ҳолис таассурот олиши, ўқийётган асарини китобхонлик шуури билан фикран қайта яратиб чиқиши керак, — деб ёзади Пиримқул Қодиров У.Норматов билан суҳбатда. — Шундан кейинги босқичда китобхон эполомайдиған ишни бажариши — асардаги ғоявий-бадий маъноларнинг мағзини илмий-танқидий тафаккур ёрдамида чақиб бериши керак. П.Қодиров мулоҳазаси тўғри, лекин у танқидчи вазифасини белгилашда муҳим бир нуктани алоҳида таъкидламаяти.

Эҳтимол, И.Фафуров танқидчи вазифасини мукамалроқ тасвирлар: «Бу ғоятда марокли хунар. Мароклиси шундаки, яхши шеърни гапириб бериб бўлмайди. Ундаги ҳислар тўлқинини нозик ўйли рухшунос каби талқин ва таҳлил қилиш керак”.

¹⁵² Хайдеггер Мартин. Разговор на проселочной дорожке. М. 1991. - С. 175.

В.Г.Белинский танқидчи учун ниҳоятда зарур бўлган бир хусусиятга диққатни жалб этади: «Шоирни тушуниб этиш учун маълум фурсат унинг руҳига сингиш: кўзи билан кўриш, қулоғи билан эшитиш, тили билан сўзлаш жоиз. Бугун борлиқ билан байрончи бўлмасдан туриб, Байронни ўрганиш мумкин эмас. Шу гапни Гёте, Шиллер ҳақида ҳам айтиш мумкин. Албатта, ўзининг таъсирига ихтиёрий берилиш хали босиқ, изчил, чин тушунишмас, жўшқин, ҳароратли кизикиш, холос. Туйғулар тўлқинининг ақл чиғиригидан обдон ўтган тушунчага айланиши шоир ижодини ўрганиш томон ташланган собит қадамдир”. Туйғуларни жиловлаш, тафаккур билан иш кўриш танқидчининг ҳаётий тажрибасига, гўзаллик туйғусига, илми ва маҳоратига боғлиқ.

Мунаққид танқидчилик илмини, ундаги конкрет методларни, таҳлил йўлларини ўқиб ўрганиши, сиёсий-ижтимоий қарашларини ўстириши мумкин, аммо унда истеъдод ва лид бўлмаса, барча хатти-ҳаракатлар зоедир. Бадий ижоддагидай, танқидда ҳам тиришқоклик билан ёзилган тақриз мақолалардаги фикрларда жўшқинлик, ҳарорат, нур бўлмайди: юксак парвоз қилолмайди, қалблардан қалбларга ўтиб юролмайди. Танқидда, бадий ижод, умуман санъатдагидай, истеъдод, даҳолик ўта ноёб ҳодиса. Адабий жараён фақат истеъдодли даҳолардан иборат бўлиши мумкин эмас. Қобилиятли ижодкор, танқидчилар жараёнини жонлаштиришга, уюштиришга хизмат қиладилар.

Адабий талқин асарни чуқур ҳис этиш, англашни, ёзувчи «дунёсига теран кириб боришни» тақозо этади. Адабий танқиддаги кечирилмас гуноҳлардан бири асарни субъектив, унинг моҳиятига яқинлашмасдан “талқин” қилишдир. Ойбек «Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-йикитчиликка қарши ўт очайлик» мақоласида А.Саъдийнинг “Тўрт шеърлар тўплами тўғрисида” шарҳ-тақризига муносабат билдириб, жумладан, мана бу фикрни таъкидлайди: “Танқидчи асарларни конкрет анализ қилиш натижасида ўз ҳукмларини чиқариши керак. Саъдийнинг ҳукмлари асарнинг анализидан келиб чиқмайди. Кўпинча фактлар, шоирнинг қарашлари, фикрлари «кийшик ойна» орқали кўрсатилади. Шеърларга танқидчи ўз кайфига яраша, ўзи истаганча маънолар тикишга тиришадики, бу билан танқид объектив аҳамиятдан маҳрум этилади”. Вульгар социологизм «назарияси», совет адабиётининг халқ ҳаёти билан алоқаси сусайган йиллар — шахсга сигинишнинг оқибатлари туфайли бадий асарни субъектив, нотўғри талқин қилиш ҳоллари учради. У пайтларда ёзувчига жиддий айбномалар қўйилар, дўк-пўписа қилинарди. Беш қўл баробар эмас деган гап бор.

Совет адабиётшунослигида ҳам талқин масаласига теран ёндашилган тадқиқотлар мавжуд. Чунончи, машҳур олим М.М.Бахтин «Сўз санъати эстетикаси» асирида талқинчи адабиётшунос фаолиятидаги муҳим нукта-талқин қилинаётган асар ва ёзувчи моҳиятига чуқур сингиб бориш эканлигини алоҳида таъкидлайди. Талқинчи ижодкорнинг моҳиятини, асар

яратишига сабаб бўлган асосини теран англаб олгандагина, таҳлил ва талкинда қийналмайдиган. Аниги, талқинчи билан талқин қилинаётган асар муаллифи орасида мослик, мутаносиблик пайдо бўлади. Бошқача айтганда, булокар, жилғаларни ўз қўзи билан қўрган киши дарё моҳиятини тез англайди. Адабий-танқидий асардаги мантикий изчиллик, танқидчи қаламининг эркин ҳаракати, муҳими танқиддаги жозиба моҳиятини теран англашга, ёзувчини қалам олишга ундаган сабабни аниқ ва равшан кўра олишликка боғлиқ. Яна ҳам аниқлаштириб айтганда, ёзувчи ҳам, танқидчи ҳам санъат моҳиятини теран англамоғи жоиз.

Аристотелнинг “Поэтика” асарида катарсис ва каолокогот таълимоти ҳақида маълумот мавжуд. *Катарсис* — рухий покланув таълимоти, *каолокогот* — маънавий таъсирга берилган шахсдаги рухий-эстетик ўзгаришларни уқиш илмидир. Аристотель санъатнинг инсонга таъсири муаммосини трагедия асарлари таҳлили орқали кўрсатган. Инсон қалби нозик, энг таъсирчан, биллурдай покизадир. Қалбга таъсир этувчи восита яна ҳам нозик, яна ҳам покиза, олмосдай сержило-серқирра, бебаҳо бўлмоғи лозим. Халқда «аччикни аччик кесади», деган нақл бор. Аъзойи баданга тикан кирса, уни (тикандан-да қаттиқ) игна билан чиқарадилар. Энг қаттиқ жисмлар олмос (қаттиқларнинг қаттиғи) билан қирқилади. Нозик, таъсирчан қалбга яна ҳам нафис, покиза санъат таъсир этиши мумкин. Аристотель яратган катарсис таълимотининг энг ёрқин талқинларидан бири Чўлпоннинг “Адабиёт надур” мақоласидир.

О.Шарафиддинов “Чўлпоннинг адабий-танқидий қарашларига доир» тадқиқотида Чўлпон мақоласидаги ўзак масалани ҳар томонлама талқин қилишга интилади. Олимнинг уқтиришича, ёш Чўлпон бадий адабиётгана халқнинг ўз-ўзини англашида асосий куч эканлигини алоҳида таъкидлайди. XX аср бошларида Ўрта Осиё, хусусан, ўзбек халқи ўзлигини йўқотаётган эди. “Шунинг учун ёш мунаққид қомил ишонч билан ҳатто миллатнинг яшашини адабиётнинг яшашига боғлиқ қилиб қўяди. Эҳтимол, Чўлпон бу ўринда бир оз эҳтиросга берилгандир. Бироз муболағга йўл қўйгандир, лекин ҳеч шубҳа йўқки, XX аср бошларидаги Туркистон шароитида “адабиёт яшаса миллат яшар” деган формула тўғри ва самарали формула эди”¹⁵³.

О.Шарафиддинов Чўлпон мақоласида кўтарилган катарсис масаласини адабиётнинг спецификаси, яъни образли табиати деб англайди. Бу масала адабий танқид; адабиётшуносликнинг донимий муаммоси бўлган. XX аср бошларида Чўлпон адабиётининг асосий вазифасини тўғри англади: “ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилиб турғон вужудимизга, танзимизга сув-ҳаво нақадар зарур бўлса, маншат йўлида ҳар хил қора қирлар ила қирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса — миллат яшар. Адабиёт йўлмағон ва адабиётнинг тараккийсига

чилишмаган ва адиблар этиштирмағон миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолуб, секин-секин инқироз бўлур. Буни инкор қилиб бўлмас. Инкор қилғон миллат ўзини инқирозда эканун билдирур.

Биздан бошқа миллатларга қўз солсак қўрамизки, аларнинг олти ёшидан олмиш яшар қариларига қадар адабиётдан бари лаззат олув, охир умрига қадар адабиёт ўқиб эшитмакни вазифаи миллиясида ҳисоб қилур. Мана шунинг учундирки, Оврупанинг ҳар шаҳар ва қишлоқларида, ҳар кун, ҳар ҳафта адабиёт кечалари қилинур, адабиёт ўқилур, нутқ сўйланиб халқ қўб қилиб таъсирланурлар”. Чўлпон рухий покланувнинг бирдан бир воситаси санъат, хусусан, бадий адабиёт деб билади. Афсуски, Чўлпонни бадий адабиётимиздаги ўсиш-ўзгаришлар қониқтирмади. У ҳамиша ўзга халқлар адабиёти, санъатидаги ўзгаришларга ҳавас билан қаради, уларнинг энг ёрқинларини таржима қилишга интилди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, адабиётнинг катарсис — поқловчи вазифасини чуқур ҳис этган танқидчилар ўзбек адабиётшунослигида ҳамиша бўлдилар. Акс ҳолда, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги ўзини тамоман йўқотган бўларди. XX асрда ўзбек танқиди тазйиқларга учради, қуюшқонга солинди, лекин у барибир ўзлигини йўқотмади. Ўзбек адабиёти яшаганидай, ўзбек танқиди ҳам рўй бераётган ижтимоий-адабий ҳодисаларни теран идрок этиб борди.

Аристотелнинг катарсис, каолокогот таълимотини кўп жихатдан немис файласуфи Иммануэл Кант эстетикасида давом эттиради. Кантнинг уқтиришича, бадий асарнинг эстетик моҳияти ўзлаштириш жараёнида — маданий контекст ҳолатида намоён бўлади. Кант эстетикасида бадий матнни ўзлаштирувчининг гўзалликни ҳис қилиши, диди муҳим аҳамиятга эгалиги уқтирилади.

Бадий матн аҳли китобхонсиз ноқеракдир, аҳли дарксиз беқадрдир. Матннинг бадий асарларга айланиши санъаткор ва аҳли дарк меҳнати омухталашувидир. Матн китобхонсиз аҳамиятсиз бўлганидай, китобхон ҳам бадий адабиётсиз ғарибу бенаводир. Омма бадий адабиётни тушуниб етмаганлиги сабабли унга қарши исён кўтаради. “Оммага тарки одат амри маҳолдир: у одатланган нарсаларининг энг рост, энг одил, энг нафли деб билади. У бундан юз, ҳатто ундан-да озроқ муддат илгари ангиллик бўлгани учун жон-жаҳди билан инкор этган нарсаларини бугун эскиликка айланганида ҳам шу алфозда ҳимоя қилади”, деб ёзади В.Г. Белинский.

Бадий асарни дарк этиш масаласида ижодкор ва китобхон аро ҳамиша зиддият пайдо бўлаверади. Лекин, барибир, адабиётнинг жони ҳалойиқ орасидадир. “Тинглаётган сўзлаётганга нисбатан сўзлар заминидagi маънони теранроқ англайди, китобхон ижодкорга нисбатан асар моҳиятини чуқурроқ тушунади. Асарнинг қиммати, муаллиф

¹⁵³ Шарафиддинов О. Чўлпон. Адабиёт надур. Т., 1993. - Б.8.

гоясидамас, унинг ўқувчига қай даражада таъсир ўтказишидадир”¹⁵⁴, дейди А. Потебня. Китобхон асарни дарк этаверар, ундан завқ-шавқ олаверар экан, демак, ўша асар табиатида онтология — мангу яшаш илдири бор.

Китобхон ва ёзувчи аро боғлиқликда ҳам ғалати муносабатлар бор. Ахли дарк бадий асарнинг, дейлик, ўндан тўққиз қисмини онгли ўзлаштиради, ундан бир қисмини ғайри шуурий англайди. Шу жараён ёзувчида тескари нисбатда рўй бериши мумкин: ижодда савки табиилик етакчилик қилади-ю, онгли тасвир, ҳисоб-китобли ёзиш кам бўлади. Ҳақиқий санъаткорлар ўз асарларини ахли дарк сифатида ўқиганларида рухий коникиш ҳосил қиладилар.

Ёхуд аксарият санъаткорлар ахли дарк мулоҳазаларини тинглаб хайрон қоладилар, ўз асарларини ўзича янгидан кашф этадилар. Санъаткорлар ахли даркка ҳурмат билан бокқанлар, ҳатто уларни ориф дея улуглаганлар.

*То мусаххар айладим сўз бирла маъно кишварин,
Шоҳмен, эй Мунис, аҳли донишу идрок аро*¹⁵⁵

Ҳақиқий санъаткор ўзи яратган бадий бойлиги қимматини англайди. У сохта камтарликни йиғиштириб ўз кадр-қимматини лўнда белгилайди.

Шарк-мусулмон адабиёти, фалсафасида рухий-маънавий покланув масалалар масаласидир. Абу Наср Форобий Аристотель асарларини, хусусан, “Поэтика” асарида таърифланган трагүзие, кумузия, драмото, сатуро сингари тур, жанрларни шарҳлар экан, рухий покланувнинг сабабига диққатини қаратади. У машҳур асарлардаги сўз, фикр, қарашлар тирик, жонли эканлигини таъкидлайди. Тирик матнгина турланади, тобланади, яшайди, ўзини турли кўринишда намоён этади. Демак, рухий покланув сабабчиси матннинг тириклиги, ҳаракатдалигидир. Матн тирик жонли, сўзлар сержилва бўлмаса, улар китобхонни ром этмайдилар, яғни яғни маъно катламларини ифодаламайдилар. Аниқ маълумотларнинг далолат беришича, Аристотелнинг “Табиат уйғунлиги” ни Форобий 40 бор, “Риторика” сини 200 бор мутолаа қилган. Тирик бўлмаган, фикрлар ҳаёти барқ уриб турмаган матнни шунча бор ўқиб бўладими? Аниқроғи, жонли матнгина шарҳ, тафсир, таъвил талқинга йўл очади. Демак, талқин — тирик, жонли, рухий покланувчилик хусусиятига эга бўлган матннинг мевасидир. Шарк-мусулмон фалсафаси, адабиётида бадий матнга алоҳида эътибор берилишининг, тафсир, таъвил, талқиннинг жалб этувчи соҳа сифатида улугланишининг боиси шундадир.

Қатарсис таълимоти Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний қарашларида ҳам ўз аксини топган. Шарк-мусулмон оламининг улуг донишманди Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий “Дил ажойиботларининг шарҳи” асарида нафс, жон, дил, ақл лафзлари маъноларини ифодалайди. Донишмандни мазкур тушунчаларнинг руҳоний томонлари қизиқтиради.

Ўзбек мумтоз адабиётида ахли дарк, ахли идрок, зурафо сингари истилоҳлар бот-бот учрайдики, улар санъатсеварларни, бадийят оламиндан кузур-халоват олувчиларни назарда тутайди. Ахли дарк деганда санъатни теран ўзлаштирганлардан тортиб, бадийят сир-асрорларини чуқур англовчи мутахассисгача тушунилган. Ахли дарк зурафо орасида манман деган талқинчилар, услубшунослар, қилни қирқ ёрувчи устози қомиллар бўлган.

*Сабт ўлмаса Навоий оти назми зайлида
Фаҳм айлар аҳли дарк қамолли адосидин.*

Дарк назокати, идрок нафосати, зурафолик мушкулликлари хусусида Имом Ғаззолий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Иммануэл Кант, Георг Хегел асарларида илмий-назарий фикр-мулоҳазалар айтилган. Ахли дарк, зурафо ҳақида айтилган гаплар танқидчилик ҳақидаги мулоҳазалар эканлиги яқин-яқинларгача қўлчиликнинг ҳаёлига келмаган.

Ахли дарк бадий асарни ўзлаштирар экан, завқ-шавқ олади, кузур қилади. Ахли дарк орасида шундайлари борки, улар бадий асарни баҳолаш шарафини ҳам зиммаларига олганлар. Бундай тоифадаги дарк ахли билан маҳак ила яқинлик бор. Хайдар Хоразмий “Маҳзан ул-асрор” дostonида сараловчи ёхуд ахли нақдни «маҳаки имтиҳон»га қиёслайди.

Ҳар касб-корнинг ўз сир-синоати бўлганидай, қадимда олтин, қумуш сингари қимматбаҳо қоришмаларни изловчилар маҳактошдан фойдаланар эканлар. Маҳак тошлар маъданлар уюмидан олтину қумушларни беҳато ажратиб бераркан. Профессор А. Ҳайитметов XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган Шайх Аҳмад ибн Худайдод Тарозий, унинг «Фунунун-балоба» асари ҳақида тўхталаниб, «у инсон ҳаётида бадий сўзнинг, шеърнинг ўрнини яхши тушунган. Унинг фикрича, қимнинг кўнгли гап-сўзга ва ширинсўз бўлишга мойил бўлмаса, уни инсон деб аташ қийин: “Нетонким... инсоннинг доирасиндин ташқаридур”, дейди.

Ахли дарк, зурафоларнинг юксак мақомдагилари орифлар (урафо) номини олган бўлиб, Қуръон, ҳадис, фалсафий асарларни тафсир, таъвил этадилар. Булар бадий ижод намуналарини ҳам талқин қилганлар. Ахли даркнинг етук, истеъдодли қатламлари биз мунаққид, танқидчи деймиз. Ҳақиқий бадий матнни ўқиганида истеъдодли танқидчи жўшиб кетади, наҳом билан ижод қилишга тутинади. Танқидчидаги истеъдод қучли бўлса, ёзувчи ижодининг меваси-бадий матн шунчалик очилиб кетади, унинг таркиби китобхон — танқидчи ижодининг самарасидан бойийди, тўйинади. Адабий танқидчи асар ҳақида асар яратади ёки ёзувчи ижодининг маҳсулига ижтимоий муносабатни, тарихийлик моҳиятини, қўлчилик назарини сингдиради. Ижтимоий муносабат, тарихан аниқ қарашнинг ёрқин ифодаланиши, танқидчи ижоди, интеллектуаллик даражасига боғлиқ. Мунаққиддаги жоҳиба, шилдат, муҳаббат ёхуд нафрат китобхонга тез юкади. Танқидчи истеъдоди фикрининг изчил, қатъийлиги, ифода тарзидаги рамзийлик, услубдаги бетақдорликда кўзга ташланади.

¹⁵⁴ Потебня А. Эстетика и поэтика. М., 1976. - С. 330.

¹⁵⁵ Мунис. Сайланма. 1980. 201 б.

Ёзувчи ижод жараёнида ғайришуурий тарзда ёзади ёхуд асарини яратади: образларнинг қилмиши, хатти-ҳаракати, воқеалар ечими ижодкор инон-ихтиёрига бўйсунмай қолади. Адабий танқидчи ижодида, аксинча, онгли ёндашув-асардаги ғайришуурий ифодаланган ўринлар мазмун-моҳиятини очиш етакчилик қилади. Бошқача айтганда, танқидчи ижоди ёзувчи асарини ижтимоий мазмун, тарихий муносабат билан бойитади. Кўпчилик ёзувчилар танқидий асарларни ўқимасликларини, ўз асарлари ҳақидаги мақолаларга эътибор бермасликларини айтадилар. Бундай бўлиши деярли мумкин эмас, аксинча, синчков ёзувчилар ўз асарлари тўғрисида ёзилган мақолаларни кузатадилар. Асарида ўзи сезмаган, ғайришуурий тарзда ифодалаган ўринлар танқидчи томонидан топилгани, аниқ ифодаланганидан завқланади. Мунаққид ижодининг биринчи босқичини асарга ижтимоий-тарихий муносабат билдириш, матидаги умумий қамчиликларни кўрсатиш ташкил қилади. Танқидчи ижодининг иккинчи босқичида турлича таҳлил йўллари, ёндашув усуллари орқали талкин жараёни бошланади. Талкин эса, табиийки, бадий асарнинг ҳолис баҳосини чиқариш йўлидир.

Аристотелнинг “Герменевтика” асари талкин, унинг назарияси ҳақидаги илк илмий асар. Форобий, Ибн Сино, Беруний ва бошқа олимлар Аристотель таъсирида талкин фани ривожига ҳиссаларини қўшдилар. Шарқда, Ғарбда, қадимда ва ҳозир талкин ҳақида кўплаб асарлар яратилмоқда. Шундай қилиб, талкин адабий танқиднинг ўзак масалаларидан бири, герменевтиканинг амалиётидаги кўринишидир.

Герменевтика тарихи талкиннинг икки турини алоҳида таъкидлайди. Шундан асарлар, муқаддас китоблар бўлганки, улар турлича шарҳланган, талкинчи талкин объектдан юқори кўтарилишни, унга зид маъно чиқаришини ҳаёлига келтирмаган. Бу фақат диний, муқаддас китобларга нисбатан қўлланган тартибот эмас, ўтмишнинг машҳур ёзувчилари, донишмандлари Гомер, Арасту, Афлотун асарлари ҳам фақат билиш, ўрганиш мақсадида талкин қилинган. Буюк шахс, ижодкорлар руҳига шаккоклик келтириш одобсизлик ҳисобланган.

Талкиннинг иккинчи тури асарни талкин қилиш, унга ўз муносабатини билдириш, тўғрироғи, шахсий қарашларини ифодалашдаги восита деб англашни такозо этган. Талкинчи ўз замонининг фарзанди. Талкин жараёнида талкинчининг тушунчаси, эстетик қараш, ташқи муҳит таъсирида шаклланган дини акс этиши табиий. А.Франс талкин санъати узок тарихга эга бўлган жамиятдагина равожлана олишлигини таъкидлаган. Учинчи, санъатнинг бой анъанаси талкинни келтираб чиқаради. Ҳақиқий талкинларда матндаги тинсоллар, тушунчалар, маънолар, сўз ўйинлари фоно-грамматик — семантик яхлитликни вужудга келтиради. Бу ҳол кўпроқ шеърят талқинида, хусусан, мумтоз адабиёт намуналари талқинида кўзга ташланади. Адабий талқинда системали-

семантик ёндашув етакчилик қилади. Талкинчи асарни яхлит ҳолда олади, маъноларина тўлиқ қамраш мақсадида ишга киришади.

Адабий талкин соҳасида қамчиликлар учрайдими, агар учраса, энг асосийлари қайсилар? Талқинда тадқиқотчиға мутлақ эркинлик берилади: у ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга. Баъзан шу эркинлик суъистеъмол қилинади: талкинчи билагонлигини кўрсатиш учун гапни айлантираверади, илмий атамалардан ўта унумли фойдаланади. Бунини талкин илмида интеллектуал дендизм дейилади. Бундай “илмий олифтагарчалик” мисоллари кўплаб топилади. Талкиннинг шундай кўринишлари борки, талкинчи ўта назокат, ўта силлиқлик билан асар сюжетини қайтадан айтиб беради. Бундай ҳол қадимги, мумтоз асарлар талқинида кўзга ташланади.

Шундай талкинлар борки, уларни талқиндан талкин дейиш жоиз. Талкинчи ўзига қилинган талкинлардан хабардор-у, аммо ўз ишида ўша талкинларни билмагандай тутайди ўзини. Бундай талқиндан кўчирмачиликнинг нафаси уфуриб туради. Мумтоз асарлар талқинида қайта баҳоланаётган замондаги ижтимоий-руҳий ҳолатлар, албатта, ҳисобга олинади. Акс ҳолда, талқинда эклектика кўринишлари пайдо бўлади. Эклектика, маълумки, бирлик, асослиқ, таянчнинг йўқлиги, қоринқилиқдир.

Талқинда яна шундай ҳолатлар бўладики, талкинчи ўздан аввалги талкинчи қарашларини кўр-кўрона қабул қилади ёхуд ижтимоий-сиёсий муҳит шундай йўл тутишни такозо этади. Масалан, Абдулла Қодирий асарлари талқинида илк йўсинлар (М.Шевардин, Сотти Хусайн қарашлари) етмишинчи йилларнинг ўрталарига қадар давом этди. Яна бир мисол шуки, Шекспирнинг “Гамлет”и талкин қилина-қилина шунга олиб келдики, Гамлет хушбичим, ақлли, ўта доно — идеал қаҳрамон тусига, руҳига кирди. Ваҳоланки, Гамлет анча тўла, пишиллаб қолган, руҳий изтироб исқанжасига тушган одам эди. Шекспир, табиийки, унинг ташқи кўриниши билан ички олами орасидаги аллақандай боғлиқликларга ишора қилган. Санъатдаги талкинлар бадий адабиётдаги талкинларга кўра тез-тез ўзгариб, янгиланиб туради Барибир, талқиндаги матндан йироқлашниш ўзини сира оқламайди.

Шундай қилиб, бадий асарни ўзлаштириш, уни тушуниб етиш мураккаб жараёндир. Аҳли дарқ, зурафо, урафо, танқидчи, талкинчи бадий матн (асар)ни англаш, тушуниш, танқидий ҳис этиш, талкин қилишда турли усул, услублардан фойдаланади. Шунинг учун Шарқ, Ғарб адабиётшунослигида талкиннинг таҳлил йўллари, ёндашув усуллари жуда кўп бўлган.

Мумтоз адабиётшунослиқда бадий матн ҳақида асар яратишни илми ғариба дейилган. Қадимги юнон файласуфлари илмий дунёсини ўзлаштириш шарқ мусулмон оламида шарҳ, талкин илмини келтириб чиқарди. Шарҳ, тафсир (талкин) Қуръонни Карим, ҳадиси шарифларни

ўзлаштириш, ҳаётга яқинлаштиришда қўл келди. Мадрасаларда илми шарҳ асосий фанга айланди. Шарҳ, талқин бора-бора бадийят, хусусан, адабий танкид соҳасига кўчди.

Илми ғариба талқин фани билан бевосита боғлиқ. Илми ғариба матндаги асосий нуктларни, ич-ичидаги маънилари аниқлаш санъатидир. Ғариба илми мавжуд фанларни синчиклаб ўрганиш орқали кашфиёт даражасида ҳулоса чиқаришгача етиш, ажойибот нуктаси қадар кўтариллидир. Илми ғариба сўзнинг қадрини, эътиборини орттиради. Илми ғариба санъаткордан, олимдан сўз устида кунт билан иш олиб боришни такозо қилади. У сўз таркибидаги барча маъноларни юзага чиқариш санъатига асослангандир.

XX аср ўзбек адабиётшунослигида илми ғариба даражасидаги асарлар кам яратилди. Бунинг иккита жиддий сабаби бор: бадий асарларда ҳам, адабиётшунослик тадқиқотларида ҳам ёлгон кўпайиб кетди. Иккинчидан, бадий асару адабий-танкидий ишларда кўпсўзлик, эзмалик авж олди. Шўро адабиётида сўз қадрсизланди, сўз ўзлигидан йироқлашди. Мумтоз адабиётда ҳам бир сўз етти ўлчаб бир қўлланилган, битта сўз таркиби, маъноси билан боғлиқ жанрлар бўлган. Санъаткорлар кам сўз ишлатиб, кўп маънони англатишни бурч — санъат деб англаганлар. Алишер Навоий чин сўз, мухтасар каломни улуглайди:

Киши чин сўз деса, зебо дурур,

Неча мухтасар бўлса, авло дурур.

Ҳақиқатан ҳам, ғариба фани ҳақиқий санъат асарлари талқинида пайдо бўлади. Шўро адабиётида эса сиёсат, мафкура, тарғиботу ташвиқот қоришиб кетди. Адабий танкид бадий адабиётга нисбатан-да мафкуралашди, сиёсийлашди. У бадий адабиёт соҳасида фирканинг кўзи, қулоғи, овозига айланди.

XX асрда илми ғарибага манба бўлаган асарларни А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, А.Қаххор, О.Ёкубов, П.Қодиоров, Э.Вохидов, А.Орипов, Р.Парфи каби истеъдодлар яратдилар. Т.Муроднинг қиссалари ва романлари ғариба фани учун бебаҳо материал бўлди. Афсуски, асримизнинг 80-90- йилларигача машхур асарларнинг санъаткорона сир-асрорлари ҳақида мақола, тадқиқотлар кам яратилди. Аввало, шўро адабий сиёсати илми ғариба йўлидаги бош тўсик бўлди. Қолаверса, танкидчиларда маҳорат масалаларини ёритиш, асар гўзалликлари хусусида фикр юритишдан кўра замонасозлик туйғуси — асарнинг долзарблиги, мафкурага монандлиги, ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳақида гапириш кучайди¹⁵⁶.

Ғариба илмида санъаткор ва тадқиқотчининг ўзаро муносабати диққатни жалб этади. Санъаткор айтмоқчи бўлган фикрини нозик яшира олса, катта маънонинг бирон қиррасига ишора қилиш билан чеklangан,

фикрини лўнда айтса-ю, ҳис-туйғуни жиловлай олса ёхуд асарни давом эттириш имконини яратса, ғариба фани учун майдон яратилади.

Илми ғариба намунаси жорий адабиёт, эндигина яратилган бадий асар ҳақида ҳам, боқий асарларни қайта баҳолашда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Мухими, шундай маданий-ижтимоий муҳит пайдо бўладики, ғаройиб талқин, тадқиқотлар кўплаб яратилади. XX аср 80-йиллари ўрталаридан, айниқса, Миллий Мустақилликдан кейин ўзбек танқидида ғаройиб талқинлар кўплаб яратилдики, илми ғариба қайта жонланаётганлиги дарҳол сезилди.

Талқиний ёндашувлар ёхуд мақсадли таҳлил. Адабий талқин матнини тирик мавжудот сифатида қабул қилиш, аниқлашдир. Бадий матнга қандай мақсад билан ёндашилса, ўша мақсадга эришилади. Кўпинча бадий матн орқали ёзувчи тақдирини, асарнинг миллий-маданий адабий катламдаги ўрнини, матнда акс этган воқеликнинг қай даражада ҳаётӣ, ҳаққоний эканлигини билишга интилади. Танқидда ҳозиргача ижтимоий ёндашув, мантикий аниқлаш ётқичлик қилдики, у асарнинг ҳаётӣлиги, ҳаққонийлигини ёритишга хизмат этди.

Бадий матнда ёзувчи тақдир (руҳияти, қайфияти, қай даражада эркинлиги) биографик, ижодий-генетик ёндашув орқали намоён бўлади. Шўро адабиётшунослигида бундай ёндашув ривожлантирилмади.

Инсон ҳаёти, тақдир, ҳуқуқи, соғлиғи, ижтимоий сиёсий, маънавий адабий фаолияти билан боғлиқ соҳа борки, биография — таржимаи ҳолга мурожаат қилади. Адабиётшунослик фанида биографик ёндашув, бадий адабиётда биографик жанр бор. Жаҳон адабиётида машхур сиймолар характериини ёритиш орқали тарихий тараққиёт қонуниятлари, жамиятнинг маънавий-руҳий ҳолати, ўсиш-ўзгаришлари жараёни ишонарли кўрсатиб берилган асарлар талайгина.

Шарқ мумтоз адабиётида пайғамбарлар, авлиё, машоих, ҳақимлар, уламолар, ёзувчилар, давлат арбоблари — шоҳлар, султонлар, амирлар ҳақида битилган асарлар кўп. Шарқ адабиётшунослигида тазқира, манокӣб-ҳолот асарлар ҳам анча.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидида 50-90- йилларда юздан ортиқ танқидий-биографик очерклар, адабий портрет, адабий лавҳа, эсселар яратилди. Аммо бу асарларнинг назарияси, муаммолари илмий адабиётда муқаммал ёритилмади. В.Белинский М.Ломоносов ҳақидаги биографик асар ҳақида шундай ёзди: “Сиз шунчаки асар ўқимайсиз, далиллар уюми қаршисида туриб қолмайсиз, жонли, тўлақонли ҳаёт ичида сузасиз...Бу аслида на роман, на биография. У ақл ва жозибали ҳаётот маҳсули, у ҳам илм, ҳам санъатга тааллуқли: у тамомла бетақдор, оҳорли турдир”.

Бадий асар таҳлил, талқин қилинганда, табииyki, ёзувчининг руҳий ҳолати, қайфияти ҳисобга олинади. Адабиётшуносликда бадий асарни талқин этишда ёзувчи руҳияти, қайфияти — ҳолатини ўрганувчи соҳа бор.

¹⁵⁶ Бу ҳақда қаранг: Расулов А. Илми ғарибани қўмсаб. Т.: Маънавият. 1998.

Уни биографик метод ёхуд бадий асарга ёзувчи ҳолати нуктаи назаридан ёндашиш дейилади.

Таржимаи ҳол қай даражада ҳаққоний эканлигини ёзувчи асарлари рўй-рост кўрсатади. Шўро даврида нафақат таржимаи ҳол сохталаштирилди, балки машҳур санъаткорлар асарлари ҳамisha “тахрир” қилинди, қайчиланди. Навоий, Бобур, А.Қодирий, Ойбек сингари санъаткорлар асари зинҳор тўлиқ, асл ҳолида чоп этилмади. Навоий асарлари, масалан, деярли “бошсиз” — анъанавий кириш қисмисиз нашр қилинди. 1989 йилдан бошлаб чоп этила бошлаган 20 жилдли Алишер Навоий мукамал асарлари тўплами буюк санъаткор ҳақида яхлит, тўлиқ маълумот беради.

Хуллас, бадий асар — ёзувчининг ботиний ҳолати кўзгуси. Бадий асарни англаш, талкин қилиш, баҳолашда ёзувчи таржимаи ҳол катта аҳамиятга эга. Ҳаққоний ёзилган таржимаи ҳол бадий матн руҳини, моҳиятини очишда бебаҳо манбадир. Тийрак талкинчи асар орқали ёзувчи ҳолати ҳақида кўп нарсаларни сўзлаб беради.

Шу билан бирга ёзувчи руҳиятидаги ўзгаришлар онтологик ёндашувда аниқ кўринади. *Онтология* — сўзлар, тасвирлар, умуман, матн орқали ёзувчи қалбини, симпатия-антипатияларини, истёждоди даражасини аниқлашдир. Онтология матнни тирик ҳолат деб қарашга асослангандир. У матндаги ҳар бир ҳаракат, ҳолат орқали ёзувчи қалбини англашга йўналтирилган ёндашув.

Бадий-руҳоний бойликлар кўпайиб, инсониятга маънавий-руҳий-эстетик таъсир ўтказа бошлагач, боқий асарлар ҳақидаги илм пайдо бўлди. Уни қадимдан юнонча ибора билан онтология (яшаш илми) деб атадилар. Шарқ мусулмон адабиётида, шубҳасиз, мангу асарлар ҳақида илм пайдо бўлган. Бу илмни зурафо, урафолар яратганлар.

Онтология ўзига хос қонун-қоидалар воситасида бадий бойликларнинг яшовчанлик сабабиятини ёритиб беради. Тиббиёт инсон табиатидаги тириклик, яшаш сабабларини, касалликлар ва уларни даволашни ўрганади. Онтология қадрият, бадий бойликларнинг “хаёти”, “тириклиги”, “узоқ умр кўриши” манбаларини ёритади. “Ўткан кунлар”, “Мехробдан чаён” романларида нурга йўғрилган ҳаёт ҳақиқатлари акс этган. Нур ва ҳаёт мураккабликлари мазкур асарлардаги мангу зиддият кўринишидир. “Отамдан қолган далалар”даги шартлилик, мажозийлик, умумлаштирувчилик сингари хусусиятларни англаб етмасдан, уларни талкин қилиш мумкин эмас. Романда конкретлилик ва умумлашма, симпатия ва антипатия, онгсизлик ва ғурур, сохталик ва самимийлик, садоқат ва нафрат ўзаро қоришиб, бирлашиб кетган. Роман руҳидаги бундай зиддиятлар унинг онтологик асосини мустаҳкамлайди.

Ҳақиқий бадий асарларнинг тириклиги, онтологик моҳияти кўп жиҳатдан ўқувчига ҳам боғлиқ. Талқинчи, танқидчи ҳам аслида етуқ ўқувчи, ҳис қилувчидир.

Онтологик ёндашув ёзувчининг истёждоди, билими, маданияти, китобхон руҳиятига раҳнамолик қила билиши даражасини кўрсатади.

Бадий адабиётда ҳақиқий гуманистик қараш, инсон эрки, ҳақ-қуқуқларини эъозлаш етакчи бўлса, ҳақиқий ёндашув, таҳлил талқинлар унинг оқлайди. Бадий асар воситасида ёзувчи тақдир, истёждоди даражаси ўрганилади. Қайта баҳолаш ҳам эрк ҳукмронлиги палласида чин ривожини топади. XX асрнинг 80-90-йилларидан бошлаб ўлмас асарларнинг инсонпарварлик моҳияти теранроқ кашф этила борди.

Ҳақиқий адабий-танқидий ёндашувлар вақт-замон элаги вазифасини ўташи англашилинаяпти. Ҳақиқий асарлар, истёждодли ёзувчилар ижоди ёндашувлар воситасида қайта баҳоланмоқда. Аксинча, истёждодсиз, саёз, интимой-мафкуравий талаблар асосида ёзилган асарлар ўз-ўзи билан йўқолиб, қадрсизланиб бормоқда. Ёндашув, таҳлил, талқинлар доирасининг кенгайиб бориши ўзбек адабиётшунослигининг ўсиб, бойиб бораётганлигидан далолатдир.

Талқиний жараён: таҳлил йўллари, мақсад ва вазифалари.

Таҳлил — адабий танқидий фаолиятнинг асоси, талқиннинг намоён бўлиши, қадрият баҳосининг зухурланиши. Таҳлил — матн моҳиятига кириб бориш, маъно катламларини қунт, зийраклик билан ўрганиш, сўзлар, қатто оҳангларга юкланган вазифа- маъноларни қалбнинг нафосат тизмасида ўлчаш.

Адабий матн — жисм-структура (тузилма). Мунаққид жисм (структура) ни таҳлил қилар экан, уни ҳаракатлантираётган, тириклигини таъминлаб турган асос — “жон”ни илғашга интилади. Тилшунос ҳам жисмни таҳлил қилади, лекин унинг мақсади тузилма тартиботини ўрганиш. Адабий танқидчи структурани таҳлил қилар экан, асос, илдизни белгилашга интилади: “жон” белгиланмас экан, сўзлар — жумлалар маъноси ёришмайди, улар жилваси, тобланиши сезилмайди. Структурали таҳлил — адабий матн моҳияти, “жон”ни белгилаш, шу асосда асар “ўзлиги”, “қадр-қиммати” ҳақида баҳо чиқаришдир. Сўнгги 5-6 йил ичида ижобий бир ҳодиса рўй беряпти. Мунаққид, мутахассислар асарни синчиклаб ўқинтилар. Мукамал бадий асар, мисоли, серҳосил бог: у ҳеч қимми қуруқ қўл билан қайтармайди. “Кеча ва кундуз”, “Ўткан кунлар”, “Сароб”, “Қутлуг қон”, “Қўхна дунё” синчиклаб ўқилганлиги самараси ўлароқ ўнга яқин зўр мақолалар ёзилди. Танқидчи Абдулла Улугов* “Ўткан кунлар” матнида чуқур киргач, “Ғаддор ёхуд тухматномаларни қим битган?” (“Шарқ юлдузи”, 2011, № 3, 147-152-бетлар) деган зўр мақола

* Абдулла Улугов (1960) Ўзбекистон Миллий университети, “Жаҳон адабиёти ва назарияси” кафедраси доценти, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фаол аъзоси. Сермаҳсул мунаққид. “Инсон ифратига интилади” (Т.: Ўзбекистон, 2007). “Асл асарлар сехри” (Т.: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2007), “Ватан-тан ва жон” (Т.: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2008) сингари китблар, икки юздан ортиқ мақолалар муаллифи.

ёзди. Романда олти катта-кичик образ бўлиб, иккитасининг номи бир марта, Умарбекнинг номи икки бор тилга олинган экан. Умарбек-Ҳомидга тухмат ариза, мактублар битиб берган шахс. Мунаккид англайдикки, Ҳомидга ариза, тухматлар ёзиб берган шахс зукко, килини кирк ёрадиган даражада билмли бўлган. Ариза-ю мактублари кишиларга бахтсизлик олиб келаётганини сезган Умарбек Ҳомид билан келиша олмай қолади. Маккор Ҳомид Сирли мирзоси билан алокани тиклаб олади. Демак, Умарбекда ҳали виждон, одамгарчилик бор. Шоир Тошқин “Тошкент шоирлари” таъкирасида XIX аср охири XX аср бошларида Бедил ижодини шарҳлаган бедилхон Мулло Солиҳ охун, Мулло Боймирзо охун, шоир Аллмайи катори сағбон маҳаллалик домла Умарбек номини тилга олади... Шу маълумотнинг ўзи кишини ҳаёлга чўндиради...Кўринадики, структурални таҳлил, ёндашувдан фарқли ўлароқ, бутун асар бўйлаб изланиш, мақсад сари кўп йўналишли ҳаракатдир.

Сатрлар руҳига сингиши ёхуд микроанализ имкониятлари. Микроанализ - кунг билан ўқиш, мағзини чақиш орқали таҳлил қилиш. Адабий матнни синчиклаб ўрганиш, биринчидан, ундаги узук-юлукликни, ямок-яскокни, иккинчидан, матндаги “синган”, “мажруҳ бўлган” ўринларни, учинчидан, бир услубнинг бегона услуб билан алмашиб қолишини, тўртинчидан, матнга сингишиб кетмаган, “бегоналигича” қолиб кетган образларни, бешинчидан, асар миллий руҳияти-ҳолатда рўй берган ўзгаришларни беҳато кўрсатади.

XX аср ўзбек танқидида синчиклаб ўқиб, ҳолис талкин қилинган асарлар бор. Масалан, Вадуд Маҳмуд Чўлпон лирикасини севиб ўқиган, маҳорат билан таҳлил қилган. Ойбек ҳам 20-йилларда Чўлпон лирикаси ҳақида самимий қарашларини ифодалаган. Танқид 40-йиллардаёқ А.Қаҳҳор ҳикояларини, Ҳ.Олимжон лирикасини синчиклаб ўқиш орқали таҳлил қилган. 50-60-йилларда М.Кўшжонов, О.Шарафиддинов сингари мунаккидлар матн таҳлилига асосланган танқидни ривожлантирдилар. Кейинчалик Н.Каримов, Б.Қосимов, Ш.Турдиев, Ғ.Мўминов, Н. Раҳимжонов, Б.Дўстқороев сингари адабиётшунос-танқидлар бадний асарни асл матн асосида текшириш зарурлиги қондасини асос қилиб олдилар. Р.Қўчқор, Я.Қосим, С.Мели, Б.Карим сингари адабиётшунос-танқидчилар асл матнга асосланган ҳолда ҳулоса чиқармоқдалар.

Матннинг мағзини чақишни, сатрлар сийратига синчиклаб қарашни машҳур асарлар талкинлари орқали кўрсатилса, микроанализ мо ҳияти аниқ кўринади. XX аср ўзбек адабиётида “Бой ила хизматчи” драмаси ярим асрдан мўлроқ вақт давомида асосий, таянч асар бўлиб келди. Бу асар мактаб ўқувчилари онгига чуқур сингдирилди, аксарият ўзбек театрлари ҳар йилги мавсумларини шу асар билан бошладилар...Ҳамза қаламга мансуб бу асар 1918 йилда ёзилган, бир канча вақт саҳнада кўрсатилган эди. Лекин асар матни сақланмаган. Ҳамзанинг 5 жилдли мукаммал асарларининг 3 жилдида (1988) асар матни уч саҳифада берилган.

Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” асари 1939 йилда Комил Яшин томонидан қайта ёзилган. Н.Каримов фикрича, “Бой ила хизматчи” 1939 йилда Комил Яшин “томонидан тикланган” эмас, балки қайта ишланган ва таҳрир қилинган нусха деб аташ тўғрироқ бўлади¹⁵⁷. Комил Яшиннинг эътирофича, драманинг саҳнабоб вариантини яратган. Шоир Миразиз Аъзамга қолса, К.Яшин Ҳамза асарини бузиб кўрсатган¹⁵⁸. Адабиётшунос Сувон Мели “Бой ила хизматчи” Комил Яшин томонидан тикланганлигини айтади¹⁵⁹.

Машҳур асарларнинг унутилиб кетишига зинҳор йўл қўйиш керак эмас. Лекин шуниси ҳам борки, ҳақиқий асар—мукаммал тузилма (структура): ундаги ҳар сўз, белги, ибора, картина яхлитликни, бир бутунликни тасдиқлайди. Адабий матн нуктаи назаридан қараганда, К.Яшин томонидан қайта тикланган “Бой ила хизматчи” конгломерат, ямок-яскоқ асар. Унда Ҳамза, Яшин, Чўлпон, Фитратларнинг услуби, қориниғи бор. Иккинчидан, Ҳамза яратган драмадаги Солиҳбой, Жамила, Ғофирлар каторига бир канча образлар қўшилганки, улар матн бирлиги, йўналиши нуктаи назаридан асарга сингишиб кетмаган. “Бой ила хизматчи”нинг тикланган нусхаси гоёвий-мафкуравий асар сифатида шўро тўзумига хизмат қилди. Лекин маънавий-эстетик бир бутунлик, яхлитлик сифатида машҳур бўлиши мумкин эмасди. Шўро ҳукумати тугатилгач, унинг гоёвий- мафкуравий тиргакларига ҳам зарурат қолмади. Бу гап “Бой ила хизматчи”нинг тикланган нусхасига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Истиклол арафаларида А.Қаҳҳор асарлари матнига муносабат ҳам турлича кечдики, бу танқидчиликда ранг-баранг таҳлил йўсинларининг кўпайиб бораётганлигини кўрсатади. О.Отахонов, С.Мели, Д. Қуროновларнинг “Ўғри” ҳикояси муносабати билан ёзилган баҳс-мақолалари, шу билан бирга “Сароб”, “Кўшчинор чироқлари” романлари, “Синчалак”, “Ўтмишдан эртақлар” киссалари бўйича давом этаётган баҳслар, турли талкинлар ҳам фикримизни тасдиқлайди.

М.Кўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Р.Қўчқоров сингари пешкада мунаккидлар китоблари, тадқиқотларида А.Қаҳҳорнинг асосий асарларини талкин, таҳлил қилдилар. Бунда биографик, ижодий-генетик, онтологик ёндашувлар, таҳлилнинг структурални (тузулишига кўра), семантик (имо-ишора, сўзлардаги сермаъноликка кўра), услубий ва оҳангга кўра кўринишлари ўзаро бирлашиб кетади. А.Қаҳҳор асарлари 80-90-йилларда жиддий талкин ва таҳлил қилиндики, у мана шу давр танқидчилигининг асосий воқеасига айланди. Мазкур талкин ва таҳлиллар XX аср пировардида ўзбек адабиётшунослиги ва танқидининг даражаси, имкониятларини, чекланган томонларини намоён этди. Иккинчидан, сатр асарлари “имтиҳони” зинҳор осон, текис кечмаслигини кўрсатди. Учунчидан, А.Қаҳҳор асарлари талкин ва таҳлили Ойбек, Ғ.Ғулом,

¹⁵⁷ Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари. Т., 1988. - Б. 62.

¹⁵⁸ “Ўзбек тили ва адабиёти”. 1989, № 1. - Б.18.

¹⁵⁹ Сувон Мели. “Бой ила хизматчи” ёки тикланган нусха муаммоси// Ёшлик. 1989. № 11. - Б.68-72.

Миртемир, Шайхзода, Х.Олимжон, Уйғун сингари ижодкорлар асарлари ҳам шундай ўрганиш лозимлигини кўрсатди. XXI аср адабиётшунослиги ва танқидчилигида А.Қаххор асарлари яна янги талқин ва таҳлил қилинишига шубҳа йўқ. Чунки микроанализ асар матни теран ўрганувчи, унинг ботинидаги ҳолатлардан хабар берувчи таҳлил йўсинидир.

Имо-ишоралар маъноси ёхуд структурали-семантик таҳлил
Адабиётшуносликда тузилма (структура), белги, ишоралар (семантика) таҳлил йўсини мавжуд. Мазкур йўналишларнинг ўз мутахассислари бор. Лекин структурали таҳлил кўпинча тилшунослик томон томон қилиб қилинади. Вахोलанки, ўзбек адабиётшунослиги тарихида асарларни сўз таҳлили имо-ишоралар мазмуни талқинисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу адабиётда сўзнинг жамики маъно имкониятларини юзга чиқариш алоҳида эътибор берилган. Алишер Навоийнинг сўз таърифи ҳақида шеърларининг ўзи алоҳида тўплам бўлади.

Бадий асар гоёнинг шаклланишига кўра қурилади; композиция киёфага киради. Тузилма—адабий матн структураси. Тузилма ишорат тана—структура, у яратилади. Структурали таҳлил аниқ тузилма сўзнинг ўз ўрнида қўлланишини текширади. XX аср ўзбек адабиётда шундай асарлар борки, улар турли талқинларга эга. “Гунаҳ”, “Қаҳ”, “Биринчи муҳаббатим”, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, “Ушбу сингари шеърлар неча бор талқин қилинди. Хусусан, А.Ориповнинг “Тилла баликча”си серталқин шеърлардан биридир. (М.Қўшжоник, Н.Қосим, С.Мели талқинлари). Мухими, мазкур шеър талқинида сўзларнинг ўрни, қўлланиши масаласига эътибор берилди.

80-90-йиллар танқидидаги талқин кўринишлари ҳақида тавба экан, ёрқин сўзшунослардан бири И. Ҳаққул ижодини четлаб ўтган бўлса мумкин эмас. Мунаққид сўздан сўзнинг фарқини, кимматини аниқ белгилайди; матндаги сўзларнинг вазифасини, имкониятини баҳолайди. У асар “жони”ни, асаб ришталарини, ижодкор концепцияни, англаб етгач, “жон”га ўз “жони”ни, концепцияга ўз қарашларини ишора этади. “Бадий сўз шукухи” (1987), “Занжирбанд шер қонина” (1990), “Навоийга қайтиш” (2006) сингари қўлаб китобларини ўқисангиз, ушбу талқин қилинаётган шоир (ёзувчи) тўғрисидагинамас, таҳлил қилинган асар ҳақидагинамас, талқинчининг ўз дунёси, замон ва замонавий муносабати, шеърни англаш уқуви намоён бўлади. Энг муҳими, таҳлил асар баҳонасида зарур бир гоёни илгари суради.

Олимнинг “Бир байт талқини” мақоласи тузилма (структура) таҳлилининг ёрқин намунаси. Тадқиқотчи муҳим, асосий сўзнинг навоий бошқа асарларда бажарган вазифасини ёритиб беришга интилади. Ушбу “Қаро кўзум” газалидаги:

Тақоварингга бағир қонидин хино боғла,

Итингга ғамзада жон риштасин расан қилма,

Ушбу байт талқин объекти сифатида танланади. Байтнинг аввалги, иккинчи талқинчилари лирик қаҳрамоннинг бағир қони маъшука отининг қонига хино бўлишни ёзганлар. И.Ҳаққулга бундай талқин ёқмайди. Ушбу байтнинг мазмун бошқача бўлиши керак деган туйғу—ишонч таъинини изланишга ундайди.

И.Ҳаққул байтнинг талқин этиш учун кўп изланади. Фузулий, Фурқат асарига мурожаат қилади, сўзларнинг маъносини кидиради. Байтнинг иккинчи нисовардида шундай ёзади: “Агар биз адашмасак, байтнинг мазмуни бундай: “эй, берахм, бевафо ёр, васлинг учун чопиб қилган ошинингга бағир қонидин хино боғла. У сенинг вафодор бўлмагани, бу “ит”нинг бўйнига хохласанг Жон риштасин расан қилгил! “Тақовар” ва “ит” ҳам, “хино” ва “расан” боғлаш ҳам қийин”. Демак, талқиннинг тузилма (структурали), имо-ишора, алоҳида нукта (семантик) таҳлил сингари йўсинлари борки, маънони ҳар қандай еритиш, асарни баҳолашда уларнинг ҳиссаси каттадир.

Ушбу таҳлил Услуб ижодкор сийратининг акс этиши. Сийрат—таълим, индивидуаллик, ҳеч кимникига ўхшамайдиган асос. Истеъдод—индивидуалликнинг тиник кўриниши, шахс бетакрорлигининг ёрқин намунаси.

Маълумки, адабий танқид ҳам фан, ҳам санъат. Танқид тарихида ўз ўрнига эга, ёрқин истеъдодли мунаққидлар кўп бўлган. XX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек танқидида из қолдирган бетакрор услубга эга М.Қўшжоник, О.Шарафиддинов сингари танқидчилар ижодида ўзига хос услублар—дадиллик, маъсулият ҳисси, кенг фикрлилик акс этган. М.Қўшжоник характер муммосини асос қилиб олган ҳолда ярим асрлик асарини ўзига хос услубда таҳлил ва талқин қилди. Мунаққид асарини илмий ҳолислик билан коммунистик мафкура яратган адабиётшунослик илми аро зидлиқнинг пайдо бўлганлиги изчил таҳлилда аниқ танланди. О.Шарафиддинов калб ва поэзия масаласини кенг қамраб олган. Унинг ижодида ярим асрлик ўзбек поэзияси хос усулда таҳлил ва талқин қилинган.

Умуман, таҳлилда бадий асарнинг барча имкониятлари, қисматлари акс этади. Таҳлил, талқиннинг жозибали бўлишида бетакрор асарнинг аҳамияти каттадир. Услуб — ижодкорнинг ботиний, рухий ҳолати. Услубда санъаткорнинг моҳияти, дунёқарashi, маданий даражаси, таърифи акс этади. Адабий танқидчи — санъаткор, бетакрор услубга эга ижодкордир. Услубий таҳлил талқиндаги асосий воситалардандир. Ҳар бир асар, миллат адабиёти, ўз услубини намоён этади. Услуб таҳлил—асарнинг бир кўринишидир. Хуллас, адабий танқиднинг таянч асоси таҳлилдир. Талқин ёндашувларда, таҳлилларда намоён бўлади. Таҳлил ва талқин кўринишлари асар моҳиятини, кадр-кимматини, имкониятларини

ёритиб беради. Миллий адабиётнинг асосини етук, барҳаёт асарлар ташкил қилади. Мангу барҳаёт асарларни истеъдод соҳиблари яратганлар. Адабий танкиднинг нуфузи, обрў-эътибори истеъдодли мунажжидлар фаолиятига боғлиқ. Истеъдод соҳиби адабий матнини талкин, таҳлил қилар экан, ҳақиқий санъат намуналарини саралайди, шунинг учун адабий танкидда талкин, таҳлиллар ҳолис баҳо асосидир.

САНЖАР СОДИҚ (1940). Таниқли олим Санжар Содик ўз адабиётшунослигига Абдулла Қаҳҳор ижодининг тадқиқотчи сифатини кириб келди. 1940 йил 21 июлда Тошкент шаҳрида туғилган олим Й.Охунбобоев номли кўзи ожиз болалар мактаб-интернатда ўқиб, Тошкент Давлат университети филология факультети ва аспирантурасини таҳсил олди. Ҳозирги вақтда ЎзМУ ва ЎзДЖТУда ёшларга таълим бермоқда. Шу пайтга қадар олимнинг 200га яқин адабий-танқидий мақолалари, бир неча китоблари ўқувчилар кўлига етиб борди. 2004 йилда олимга “Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи” унвони берилди.

“Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танкид” мавзудаги (1999) докторлик диссертацияси адибнинг адабий-танқидий қарашлари таълими ва тадқиқига бағишланди.

Унинг “Сўз санъати жозибаси” китобидаги аксарият мақолалар А.Қаҳҳор ижоди ва фаолиятининг бир неча қирралари, хусусан, адибнинг бадиий-эстетик қарашлари акс этган адабий-танқидий мақолалар. Қаҳҳоршуносликнинг ўзига хос тарихи, турли хил баҳо-мунозаралар, ёзувчининг айрим асарларига доир фикр-мулоҳазаларга муносабат ёритилган. Мухими, олим ўз қарашларида А.Қаҳҳор ижодий меросини адабий-маданий қадрият сифатида ёндашади ва ёзувчи асарлар замиридаги жозибани қадрлашга, ундан баҳраманд бўлишга даъват қилади.

Ўзининг таҳлил ва талкинларида С.Содик бугунги адабий танқидчиликнинг долзарб муаммолари, етакчи тамойилларини назарда тутди; ўз қарашлари, хулосалари билан унинг тараққиётига муносиб ўзроқ қўшади.

Олимнинг “Ижоднинг ўттиз лаҳзаси” (2005) китоби ҳам адабий танқидий мақолалардан ташкил топган бўлиб, унда муаллифнинг кўпчи йилларда ёзган ўттизта мақоласи жамланган. Тўплам унга эстетик композицияга эга: ундаги мақолалар мазмунига кўра уч гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳга мансуб мақолаларда ҳозирги романчилик тараққиётининг етакчи тамойиллари, асосий гоявий-бадиий хусусиятлари, шаклий услубий ранг-баранглиги тадқиқ этилди. Масалан, улардан бири тўхталиб ўтсак. Аслида бу “Самиранда исёни” номи билан ЎзАда эълан этилган 2004 йилнинг энг яхши тақризларидан бири ҳисобланган. Унда адиба Саломат Вафонинг “Тилсим салтанати” романи таҳли ва таълими

қилинган. Кейинчалик олимнинг ушбу китобига “Ҳамир учидан патир” унвони киритилган, унда асарга баҳо берилиб, ютуқ ва камчиликлари баён қилинган.

Адиба биринчи романи учун материални мавзунини жуда узоқ вақтдан танилагани, асар амазонкалар деб аталувчи жангчи қизлар ҳақидаги олинган, гаройиб ва нотаниш бир тафсилот билан бошланиши романи сўз юритар экан, беихтиёр китобхонни қизиқтириб қўяди.

Таъризда адиба роман яратиш маҳоратига хос белгилар куйидагиларда баён қилинган бўлиши кўрсатилади: 1) китобхонни ларзага соладиган воқеани таъкидлаш сўнгги сўнгги унинг қаҳрамонлар психологиясида ясаган таъсирларини маҳлиё қилиш; 2) қизлар руҳий оламидаги янгиланишлар ҳақида қаттиқ-қаратлар туғдирганини ўзаро боғлиқликда акс эттираётган натижасида муаллиф воқеликнинг романга хос бадиий талқинини баён қилиш; 3) муаллифнинг яна бир маҳорати гуноҳкорни қозикка ўтказиш, қозикка қамаш, қулларни бичиш сингари қадимий жазо усуллари баён қилиниши.

Таъридан одатдаги тақризларга нисбатдан романни кенгрок маҳлиё баён қилинган. Шунинг учун асар бош қаҳрамони таҳлиliga кенг баён берган. Қирк қизларнинг жанг машқлари от устида туриб, бир-бирлари билан курашишлари асар бош қаҳрамони Самиранда онги, қарашлари, характери шаклланган шароитни яққол гавдалантиришга хизмат қилиши ҳақида фикр юритилади. Айниқса, жанг машқлари қизларни характерга мос жасурлик, чакконлик, мақсад сари олға ҳаракат, инсонийлик ва қаҳрамонлик сингари хусусиятлар худди шундай шароитда шаклланганлигини аниқ, равшан тасаввур қилишига йўл очган бўлган ташқари асарда Самиранданинг ҳаётдаги асосий мақсади қизлар кураши тарихий манбалардаги далиллар ёрдамида эмас, балки адиба адибнинг ҳаёллари фантазиясига кўра тасвирланиши ҳақида фикр юритилади. Шунинг учун ёзувчи Самиранданинг бошидан кечирганларини таъкидлаш эмас, балки чиндан билиш мумкиндек мантикий далиллар қарашини таъкидлайди.

Танқидчи ўз тақризида ёзувчининг Самиранда калбида исён туйғуси билан қучай борганига ишонтириш учун таъсирчан далиллар, мисоллар, қиссалар топганлигини кўрсатади. Умуман олганда, тақризда Самиранда романининг таҳлили ва талқинига кўп ўрин ажратилган. Самиранда ҳаёти ҳақидаги воқеанинг кўпчилиги ўқувчида эътироз туғдирмайди. Бунда муаллиф саргузашларни усталик билан бир-бирига чапиштирилиши, ҳар қандай воқеага олиши туфайли Самиранда ҳаётининг кейинги босқичлари бадиий диллланганлиги очик берилган.

Тақризчи романининг ижобий хусусиятларини таъкидлар экан, шу билан бирга асарнинг хали тугалланмагандек туюлишини ҳам тўғри топиб баъон қилган. Муаллиф уни давом эттириши мумкинлигига кўп ишоралар

Ҳажман анча катта бу тақриз ўқувчини кизиқтириш хусусиятига эга. Унда рус танкидчиси В. Белинский анъаналари изидан бориш руҳи кучли экани кўринади. Аслида бу усулни ўзбек танкидига М. Қўшжонов олиб кирган эди. Бадий асар сюжетини, образларини таҳлил ва талқин этиш орқали унинг мазмунини қайта ҳикоя қилиб бериш усулини мазкур тақризда кўрамиз. Бу усул адабий-танкидий асарни жозибали ва ўқимишли қилишига ёрдам беради.

Иккинчи гуруҳдаги мақолалар бугунги ўзбек танкиди ва адабиётшунослигининг умидбахш фазилатларини ҳамда ривожига ҳалаки бераётган иллатларни аниқлашга бағишланган. "Жилора жазибаси" мақоласи О.Шарафиддиновнинг портретнавислик соҳасида эришган маҳорати таҳлил этилса, "Олам ичра олам яралмиш" мақоласида академик Б.Назаровнинг "Ғафур Ғулом олами" деб номланган янги тадқиқотига баҳо берилади. Мухими, С.Содиқ қайси бир китоб ҳақида гапирмасин, унинг нуқсонларини одиллик билан тўғри кўрсатиб ўтади (м: Фитратшуносликнинг янги саҳифалари" мақоласи). Баъзан эса талабчан мунаққиднинг танқид тигини кескинлаштирганлиги, муаллифларни танқид қилаверишга мойиллигини ҳам айтиб ўтиш керак. Буни сарлавҳасиданок киноя руҳи сезилиб турган "Жазават", "Таажжуб", "Ҳайрона бўлдим, найлайин" мақолаларида кўриш мумкин.

~ 324 ~

1968 йилдан СамДУ ўзбек адабиёти кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаб бораётган.

Х.Умуровнинг илмий фаолиятида ўзбек адабиётида психологизм муаммосини, хусусан, ўзбек романларида психологизм масаласини ўрганиш марказий ўрин тутadi. Адабий каҳрамонлар рухий оламиини очиб беришнинг йўллари ва воситалари муаммосини текшириш устидаги меҳнатлари натижасида А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, Ойбекнинг “Қутлуг қон”, А.Қаҳхорнинг “Сароб” романларида ёзувчиларнинг турли психологик ҳолатларини тасвирлашдаги маҳоратини илк маротаба атрофлича ёритиб берди.

Олимпнинг илмий фаолиятини тўрт йўналишга бўлиш мумкин.

~ 325 ~

филологических факультетов), «Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги» (Тошкент, «Фан», 1983; монография), «Қахрамоннинг маънавий олами ва эпиклик» (Тошкент, «Фан», 1995; монография), «Маънавият ва бадийят» (Самарқанд, «Сугдиёна» нашриёти, 1998; Адабий-танқидий мақолалар тўплами), «Адабиётшуносликка кириш» (Самарқанд, 2000; қўлланма), «Бадий ижод асослари» (Тошкент, «Ўзбекистон», 2001; дарслик) «Адабиёт назарияси» (Тошкент, «Шарк», 2002; Дарслик), «Адабиёт қоидалари» (Тошкент, «Ўқитувчи», 2002, 2004, 2010, 2011; Академик лицейлар учун ўқув қўлланма), «Адабиётшунослик назарияси» (Тошкент, А.Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004; Дарслик), «Вақт» шеърининг поэтикаси (Самарқанд, СамДУ нашри, 2003; Ўқув қўлланма), «Сайланма» (Тошкент, «Фан», 2007-2011, беш жилдлик) каби асарлари характерлидир.

Иккинчидан, ўнлаб тадқиқотлари ўқув-услубий йўналишга бағишланган. «Студентларни илмий тадқиқот ишларига ўргатиш» (Самарқанд, 1980), «Адабий танқид назарияси» (Самарқанд, 1988), «Адабиёт ва музыка бирлашганда» (Самарқанд, 1989), «Олий таълимда лекция» (Самарқанд, 1996), «Илмий асар ва унинг жанрлари алифбоси» (Самарқанд, 1997), «Адабий сабоқлар» (Самарқанд, 2004), «Илмий тадқиқот асослари» (Самарқанд, 2005), «Талабанинг ҳикмат китоби» (Самарқанд, 2008) кабилар шулар жумласидандир.

Учинчидан эса, ўтган улуғ олимлар, фан ва санъат фидойилари, давлат арбобларига бағишланган ўнлаб китоб ва мақолалари мавжуд. Бунга, «Шоир, олим, педагог» (Тошкент, 1977), «Орифжон Икромов замондошлари хотирасида» (Самарқанд, 1991), «Ота» (Тошкент, 1994), «Акамлардан қолган мерос» (Самарқанд, 1996), «Умрбоқийлар» (Самарқанд, 2000), «Ўйғоқ дарёлар» (Самарқанд, 2001), «Ҳаёт ва адабиёт нур сочганда...» (Самарқанд, 2003), «Шеърят маликаси билан ғойибона суҳбатлар» (Самарқанд, 2004), «Сирлар учини сир очар» (Тошкент, 2006) каби ўнлаб рисола ва эсселарини мисол келтириш мумкин.

Бундан ташқари бир қанча мақола ва бадихалар, бутун-бутун тадқиқотлар Ҳамид Олимжон, Зулфия ижодига тегишлидир. «Қадрдон шоир сиймосини яратиш йўлида» (Тошкент, 1979), «Шоир қалбининг сехри» (Тошкент, 1980), «Қўш қанот сехри» (Тошкент, 1982), «Бадий ижод мўъжизалари» (Самарқанд, 1992), «Шеърят маликаси» (Самарқанд, 1996), «Қалблар қўшиғига айланган умр» (Самарқанд, 2009) ва ҳоказоларни айтишимиз мумкин. Унда ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган икки ижодкорнинг ҳаёти ва ижоди асосида адабиётнинг умумий масалалари ҳақида қўламли фикрлар юритилади, ижодий ҳамкорлик, ижодкорларнинг бир-бирига таъсири, уларнинг замонавийлиги ва абадийлиги ҳамда баъзи асарларининг тугилиши ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Хусусан, Ҳамид Олимжоннинг шоир бўлиб етишишидаги омишлар, хусусан, у тугилиб ўсган оилага хос анъаналар – маърифатпарварлик, шеърятга яқинлик ҳислатлари ҳақидаги кузатишлари диққатга сазовор.

Ҳ.Умуров педагогик фаолияти, олий ўқув юртлири ва академик лицейларда адабиётшунослик фанларини ўқитишдаги хизматлари учун Республика ҳукумати ва университет маъмурияти томонидан бир неча фахрий ёрлиқлар ва 1982 йилда «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси», «СССР халқ таълими аълочиси» фахрий нишонлари билан тақдирланган. 2000 йилда «Самарқанд давлат университетида хизмат кўрсатган профессор» унвонига сазовор бўлган.

НҲҲМОН РАҲИМЖОНОВ (1944). Тошкент вилоятининг Қибрай тузмани Яланғоч қишлоғида туғилган олим Ўзбекистон 1961 йил Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Миллий университет) ўзбек филологияси факультетида таҳсил олди. 1966 йилдан бошлаб бир қанча газета ва журналларда муҳаррир, бўлим мудири вазифаларида фаолият юритди. 1979 йилдан бошлаб, ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходимликдан бўлим мудири вазифаларида ишлаб келмоқда. 1975 йил «Лирик поэма» мавзуида номзодлик, 1989 йил «Ҳозирги ўзбек шеърятининг тараккиёт тенденциялари» мавзуида докторлик диссертациясини ёклади, профессор даражасига етишди.

Ҳозирги адабий жараёнда фаол иштирок этаётган, мақола, тадқиқот, монографиялари долзарб муаммоларга бағишланган, изланувчан, дадил ва ўқтам фикрлари билан эл-юртга танилиб қолган адабиётшуносликнинг янги бир авлоди танқидчиликка ўтган асрнинг 60-йиллар охири – 70-йиллар бошида кириб келди. Улар орасида дастлабки мақолалари, рисола ва тадқиқотлари билан мутахассислар эътиборини тортганлардан бири НҲҲмон Раҳимжонов бўлди.

«Давр ва ўзбек лирикаси (1979), Шоир ва давр» (1983), ўзбек совет адабиётида поэма» (1986), «Ўзбек поэмасининг ривожланиш хусусиятлари» (1990), «Асқад Мухтор поэтикаси» (2003), «Ҳалима Худойбердиева лирикаси» (2004, ҳаммуаллифликда), «Тарихий киссалар ҳақиқат излайди» (2005, ҳаммуаллифликда), «Мустақиллик даври ўзбек шеърятини» (2007) монографиялари, «Шеър сехри» (1983), «Фалсафий лирика» (1986), «Ўзбек адабиётшунослиги ҳозирги босқичда» (1986), «Илмий тафаккур жоллари» (1991) рисолалари, «Бадий асар биографияси» (2008) ўқув қўлланмаси, «Нур боқийликдур» эссеси ва уч юздан ортик илмий-усулий, адабий – танқидий мақолалари чоп этилган.

Н.Раҳимжоновнинг илмий ижодий фаолиятининг асосий йўналишлари:

1. XX аср ҳамда XXI аср тонги ўзбек шеърятининг тарихи, назарияси ҳамда тараққиёт тенденциялари.

2. Адабий жараён психологияси.

3. Бадий ижод эстетикаси. Сўз санъаткорларининг ижодий лабораторияси, ижод жараёни.

4. Ўзбек фани тарихи ва ривожланиш хусусиятлари. Бу йўналишда Ҳ.Абдуллев, О.Содиқов, Х.Сулаймонова каби йигирмадан зиёд фан арбобларининг, И.Султон, М.Қўшонов, Ш.Шоабдурхмонов каби кўплаб йирик олимларнинг ижодий портретлари яратилган.

5. Бадий таржиманинг илмий ҳамда амалий масалалари.

Н.Раҳимжонов мумтоз ва замонавий адабиёт ҳақида, адабиёт назарияси ва методологик муаммолар хусусида эркин фикрлайди, бироқ унинг тадқиқотлари асосий йўналишини XX аср ўзбек шеърятини ва дostonларини ўрганиш ташкил этади. У кичик бир мақоладан тортиб, йирик монографиягача доимо аниқ бир муаммо атрофида мулоҳаза юритади, ёзганда ҳам, шунчаки, бирор гапни айтиш учунгина эмас, фикр юритаётган масала хусусида қуёниб, самимий ёзади. Олим тадқиқотларида XX аср ўзбек шеърятини ва дostonчилигининг тараққиёт тамойиллари, бу тамойилларни белгиллаган асарлар моҳияти ҳамда муаллифларнинг индивидуал услублари илмий жиҳатдан аниқ ёритилган. Жумладан, унинг “Давр ва ўзбек лирикаси” китобида ўтган асрнинг иккинчи ярмидаги лирик шеърятимиз ютуқ ва камчиликлари ўрганилган бўлса, “Ўзбек совет адабиётида поэма” монографиясида дostonчиликдаги ютуқлар умумлаштирилди, кўплаб асарлардаги саёзликларнинг сабаблари кўрсатилди.

Н.Раҳимжоновнинг ўзбек шеърятдаги катта жанрлар, хусусан, дostonларни ўрганишга қўшган ҳиссаси салмоқлидир. Унинг бу соҳадаги тадқиқотлари ўзбек адабиётшунослиги раvнакига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Танқидчи Шукрулло ижодига бағишланган “Шоир ва давр” (1983) монографиясида шоирнинг салкам қирк йиллик ижодига назар ташлади. Унинг сара шеърларини, дostonларини тўлқинланиб таҳлил этди.

Олимнинг Ҳ.Худойбердиева лирикаси тадқиқига бағишланган китоби бу хассос шоира ижодининг нафис қирралари яхлит ўрганилган тадқиқотлардан бири саналади.

Н.Раҳимжоновнинг янги ишларидан бири Асқад Мухтор ижодининг сўнгги босқичларини ўрганишга бағишланди. Мунаққид ўзбек шеърятда фалсафийлик муаммоларини ўрганар экан, вақт ва умр моҳияти, тириклик ва нисон боқийлиги, ҳақиқат ва гўзаллик, риё ва тубанлик каби инсониятни азалдан тўлқинлантириб келган масалаларга эътиборни тортади. Асқад Мухтор шеърятда ҳам танқидчини, асосан, фалсафийлик масалалари қизиқтиради. Бу улкан санъаткор ижодини у “Асқад Мухтор поэтикаси” (2003) китобидагина келиб ўргангани йўқ. Шоир асарларини у ўтган асрнинг 70-йилларида тадқиқ этга бошлади. “Давр ва ўзбек лирикаси”да

ҳам унга алоҳида аҳамият берди. Бу икки китоб ўртасида салкам йигирма беш йиллик муддат ётади. Ҳар икки ишдаги кузатишларни солиштириш танқидчининг А.Мухтор шахси ва ижодига қарашлари изчил ривожланиб бorganини кўрсатади. Айниқса, шоирнинг фалсафий оламига кириб бориши асосида олимнинг ўз назарий олами, рухий дунёси, фалсафий мушоҳадалари ҳам ўсиб бorganи кўринади.

Олим устозлардан ўрганиб, уларга ҳамкорлик қилди, кези келганда, уларнинг тадқиқотларини таҳлил этди. Адабиётшунослигимиз дарғаси И.О.Султонов билан бирга матбуотда адабий суҳбатлар уюштирди, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида каттагина китоб ёзди. “Бадий асар биографияси” (2009) китобида ўзбек адабиётшунослигида биринчилардан бўлиб, санъаткор ижоди ва маҳорати Иззат Султон ҳаёти ва ижоди мисолида унинг бевосита ижодий лабораториясига кириб ўрганилди.

Бу тадқиқот янгича йўналишда ёзилганлиги билан диққатни тортади. Унинг ўзига хослиги нимада кўринади? Маълумки, “биография” сўзи таржимаи ҳол маъносини билдиради. Шу қунгача адабиётшуносликда ёзувчи биографияси деб аталган истилоҳ кенг қўлланилар ва у адибнинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумот берар эди. Бу тадқиқот эса бадий асарнинг таржимаи ҳолига бағишланган. Айни шу жиҳат унинг илмий янгилиги ва аҳамиятини кўрсатади.

Бундай йўналишдаги тадқиқотларда ижодкор лабораториясига кириш, унинг ижод жараёни билан чуқур танишиш, асар ғоясининг тугилиши, яратилиши, нашр этирилиши тарихи билан батафсил танишиш имконияти катта эканлигидан хабардор бўласиз. Бунда адибнинг ўз икорлари муҳим роль ўйнайдики, адабиётшунос Н.Раҳимжонов тадқиқоти айнан шу томондан ҳам қизиқиш уйғотади.

Тадқиқотда академик адиб, адабиёт илмининг дарғаларидан бири Иззат Султоннинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ лавҳалар, тафсилотлар, муҳим жиҳатлар батафсил ёритилган. Бунда олимнинг кўп йиллар И.Султон билан бирга бўлганлиги катта ёрдам берган. Унинг таъкидлашича, Иззат Султондек бағри кенг олим, аллома ижодкор билан бирга ишлаш, унинг мактабида чархланиб, неча йиллар ҳамфикр бўлиш бу асарнинг яратилишига замин бўлган. Олим устози билан бўлган кўпчилик воқеаларни, иш жараёнида ва бошқа пайтларда ўтказилган суҳбатларни хотира сифатида ёзиб бorgan. Бу эса бугун ана шундай янгича йўналишдаги асарнинг пайдо бўлишида олимга жуда қўл келган ва шу билан бирга асарнинг ўқимишли чикишини таъминлаган. Бундай йўналишдаги асарларнинг аҳамиятли жиҳатлари кўп: биринчидан, китобхон мазкур илмий-танқидий асарни зерикмай, қизиқиб ўқийди, иккинчидан, йирик олим Иззат Султон шахси, ижоди, у яшаган давр, муҳит билан янада яқиндан танишади, учинчидан, ижод онлари, ҳар бир асарнинг тугилиши, дунё юзини кўриши мураккаб жараён эканлигини

англаб етади, тўртинчидан, китоб муаллифининг киёфаси ҳам билан чуқурроқ танишади.

Н.Раҳимжоновнинг “Мустақиллик даври шеърляти” китоби ва ундаги мақолалар бугунги адабиётимиздаги ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида ёрқин тасаввур беради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг (1982), Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг (1973) аъзоси Н.Раҳимжонов бугунги кунда ҳам ўз изланишларини давом эттириб, фан номзодлари ва докторлари етиштириш йўлида самарали меҳнат қилмоқда.

ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД (1951). ўзининг сермазмун ва сермахсул ижоди билан ҳозирги адабий жараёнда алоҳида ўрин эгаллаган ёзувчи ва танқидчи Х.Дўстмуҳаммад 1951 йилда Тошкентда дунёга келди. ТошДУнинг журналистика факультетида ўқиди (1969-1973). “Фан” нашриётида, “Фан ва турмуш” журналида, “Қишлоқ ҳақиқати” газеталарида ишлади. 1986 йилдан “Ёш куч” журналида аввал бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари, бош муҳаррир сифатида фаолият кўрсатди. Республика Президенти Девонида хизмат қилди.

Адиб дастлабки хикоя ва қиссалар ёзиш билан адабий жамоатчиликка танилди. “Жажман” хикояси билан адиб ўзбек модерн хикоячилигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди, бу йўналишда ёзилган “Ўзим”, “Меҳмон” сингари хикоялари ҳам китобхонлар эътиборини қозонди.

Адибнинг биринчи романи “Бозор” “Офарин” муқофотиға сазовор бўлди, бу асар унинг модерн йўналишда ҳам маҳорат билан қалам тебратаетганлигини ёрқин намоён эта олди, у ушбу романи орқали бугунги ҳаётимизга танқидий нуқтаи назардан теран назар сола олди.

Х.Дўстмуҳаммад таржимон сифатида ҳам фаолдир. У япон адиби Акутагава Ёюноскеннинг “Расёмон дарвозаси” хикояси, Т.Пўлатовнинг “Етти ҳузур ҳаловат ва қирқ қайғу алам” романини таржима қилган.

Ҳозирги замон ўзбек ёзувчилари ижодига назар солинса, кўпчилиги адабий танқид муаммолари билан кам шугулланаётганлиги кўринади. П.Қодиоров, Ш.Ҳолмирзаевдан кейин адабиёт майдонида адабий танқид билан шугулланадиган ижодкорлар янада камайди. Х.Дўстмуҳаммаднинг ҳозирги адабий жараёндаги бошқа адиб ва шоирлардан фарқи шундаки, у адабиётшунослик соҳасида ҳам қалам тебратиб, адабий жараёндаги муаммоларни ўрганиб келмоқда. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация хикоя қилди, докторлик диссертацияси устида ишламоқда.

Х.Дўстмуҳаммаднинг “Озод изтироб қувончлари” (2000) китобида муаллиф китобхонни гоҳ адиб, гоҳ публицист, гоҳ адабиётшунос, гоҳ фикрга ташна зиёли сифатида маърифий суҳбатларга қорлайди. Китобдан ўрин олган мақолаларда адибнинг адабиёт ва ҳаёт, “ҳиссиётни

тарбиялайдиган эҳтирос”, кечиккан хайрат, умуман, фалсафий ўйлар, хотиралар, қалб кечинмалари ифодаси китобхонни ҳам бефарқ қолдирмайди. “Отабек шуурининг оний сурати” мақоласида А.Қодирийнинг маҳорати ҳақида янгича қузатишлар ифодаланади. “Ўткан кунлар”нинг бадиий асар сифатида умрини узайтирган, унинг ҳозирги муҳлислар назарида ҳам кадр-қиммат топланганининг бош омилларидан бири унда китобхонни ўйлашга, мушоҳадага ундовчи санъатқорона бадиий тасвир воситалари мавжудлиги деган ҳулосага келади танқидчи.

Х.Дўстмуҳаммад япон адиби Акутагава Ёюноскеннинг “Бисей садоқати” хикояси билан Ойбек лирикаси ўртасида ғаройиб оҳангдошлик борлигини топади. “Нажот муҳаббатдами ё ...нафратда?” мақоласида эса улкан истеъдод соҳиблари япон Акутагава Ёюноске ва ўзбек Ғафур Ғулом қаламига мансуб икки хикояни қиёслаб экан, шундай ҳулосага келади: “Бир сўз билан айтганда, “Расёмон дарвозаси”даги муҳтожлик инсон табиатидаги ёвуз майлини қўзғатиб юбориши, “Менинг ўғригина болам”да эса энг қаттол укубатлар остида ҳам инсон ўзлигини асраб қолиши мумкинлиги тасвирланган. Япон хикоясида шароит инсонни мувозанатдан чиқаради, ўзбек хикоясида эса айни шундай ҳолат инсонни янада инсонийроқ бўлишга даъват этади”¹⁶¹. Мақолани ўқиган ўқувчи қалбида Ғ.Ғуломга ва унинг қаҳрамонларига нисбатан самимий меҳр уйғонганини сезмай қолади.

Х.Дўстмуҳаммаднинг “Ижод—қўнгил мунавварлиги” китоби ҳам ижодий портрет, очерк, суҳбат, лавҳа ва эсселардан ташкил топан. Улар миллий маънавиятимизнинг, қолаверса, жаҳон бадииятининг атоқли намоёндалари, етук сиймолари. Мунаққид ҳар бир ижодкорнинг руҳий олами, шахси, ҳар бир асарнинг мазмун-моҳиятини самимийлик билан ўрганади. Шу боис бадиий ижодни қўнгил мунавварлиги деб атайтиди. “Бу халқнинг, юртнинг қалби, шуурини — икболни нурафшон қиладиган мунавварлиқдир. Бу мунавварлиқдан ҳар қанча баҳра олинг, у туганмас-битмасдир, зеро уларнинг ҳар бирини истаганча тадқиқ қилинг, уларнинг ҳар бири ҳақида истаганча ёзинг... Шу боисдан ҳар қандай хотира, ҳар қандай суҳбат, ҳар қандай баҳс мунозара, таассуроту тасаввурлар ўша инсон, ўша асар ҳақидаги билимларга дебоҳа, ўша мунаввар оламга олиб боровчи сўқмоқ йўлнинг бошланишидир, ҳолос”¹⁶².

Китоб мундарижасидаги фаслларнинг номланиши ҳам адибнинг илмий-бадиий тафаккури юксаклигидан дарак беради. “Вазмин жилвалар”да А.Қодирий, Ғ.Ғулом, А.Мухтор, Н.Аминов, Т.Мурод каби ўзбек ёзувчилари, уларнинг ижоди ҳақидаги қузатишлар, хотиралар ўрин олган бўлса, “Дахлсиз дунё”да О.Шарафиддинов, У.Норматов, И. Ғафуров, М.Саъдий, Ў.Ўтаев каби мунаққидлар ҳақида самимийлик билан сўз

¹⁶¹ Х.Дўстмуҳаммад. Озод изтироб қувончлари. Т.: Маънавият. 2000. - Б. 41.

¹⁶² Х.Дўстмуҳаммад. Ижод—қўнгил мунавварлиги. Т.: Мумтоз сўз. 2010. - Б. 5.

юритилади. “Одам бахтли яшамок учун яратилган” фаслида чет эл ёзувчиларининг ижод дунёсига назар солинади.

“Ижод – кўнгил мунавварлиги” сизга жаҳон адабиёти, маданияти ва санъатининг Рембранат, Чаплин, Кафка, Ж.Жойс, Достоевский каби мана-ман деган вакиллари, ўзбек адабиётининг А.Қодирий, Ғ.Ғулумдан, О.Шарафиддиновдан тортиб, Мирпўлат Мирзо ва Назар Эшонқулгача бўлган вакилларининг маънавий-маърифий дунёси, инсон, ҳаёт, адабиётга қарашлари ҳақида маълумот беради. Шунингдек, уларнинг бизга шу вақтгача номаълум бўлган руҳий қирраларини очади. Х.Дўстмуҳаммад мустақиллик даври адабиёти, адабий жараёнининг фаол кузатувчиси сифатида унга баҳо бера олади. Шу билан бирга “XX аср менинг ҳаётим” номи остида “Жаҳон адабиёти” журнали саволларига жавоб берганда, келгуси асрда ўзбекнинг бош фазилати илмга ташналик, фикрпарварлик, диди нозиклик, тадбиркорлик, топкирлик, жасоратлилик, қонунпарварлик, ҳолислик ва бағрикенглик бўлиши зурур деб ҳисоблайди. Миллий адабиёт миллат менталитетини, яъни халқнинг сифат даражасини ошириши ҳақидаги фикрлари, умуман, адиб ва мунаққид Х.Дўстмуҳаммаднинг адабий-танқидий қарашлари истиқлол даври китобхонининг дунёқарашини ўзгартиришга ёрдам бера олиши билан аҳамиятлидир.

ШУХРАТ РИЗАЕВ (1958). (Шухрат Ризо). Тошкент шаҳрида туғилди. ТошДУ (ҳозирги Миллий университет)нинг ўзбек филологияси факультетида (1975-1980) ўқиди, сўнг сиртдан аспирантурада таҳсил олгач, маълум муддат талабаларга дарс берди. Ойбек уй-музейида катта илмий ходим (1980-1989) бўлиб ишлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Вазирлар Маҳкамаси, Маданият ва спорт ишлари Вазирлиги, Давлат ва жамият қурилиши академиясида масъул лавозимларда ишлаб, ташқилотчилик ишларида катта тажриба орттирди, жумҳуриятдаги қатор муҳим маърифий, илмий долзарб тадбирларнинг амалга оширилишида фаол иштирок этди. Бу лавозимлар Ш.Ризаевнинг талабалик йилларидаёқ бошланган илмий қизиқишларини сусайтиргани йўқ, аксинча, унга изчил ва тизимли йўналиш берди. Ёш шоирлар ижоди таҳлил этилган “Шеърят бўсағасида эзгу тилак билан” (1980) номли дастлабки мақоласи эълон қилинганда Шухрат 22 ёшда эди. Шундан буён унинг ўнга яқин монография, рисола, мақолалар тўплами, ҳаммуаллифликда кўплаб адабиёт дарсликлари ва қўлланмалари, юз элликка яқин мақолалари эълон қилинди.

Ш.Ризаев ўзбек адабиётшунослигининг тарих, назария ва адабий танқид йўналишларида ҳамда театр, кино танқидчилиги соҳаларида тадқиқотлар яратиб келмоқда. Булар ичида Б.Қосимов, Ш.Юсупов, У.Долимов, С.Аҳмедовлар билан ҳамкорликда олий ўқув юртлири учун

ёзилган фундаментал “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” (2004) дарслиги муҳим ўрин тутди.

Ш.Ризаев деярли ўттиз йилдан буён жадид драматургияси муаммоларини ўрганиб келади. Бу йўналишда у ўнлаб илмий мақолалар ёзди. “Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари” мавзuida номзодлик диссертациясини ёклади. “Жадид драмаси” (1997) монографиясини эълон қилди. Олим, шунингдек, жадид драматургияси намуналаридан дастлабки саккизтасини араб алифбосидаги нашр матни асосида таъдил қилиб, нашр эттирди.

М.Бехбудий, А.Авлоний, Сиддикий Ажзий, Ҳамза ижоди билан боғлиқ қатор янги фикрлар ўртага ташланган мақолалари, жадид адабиёти хусусида илгари сурган қарашлари унинг “Саҳна маънавияти” (2000) номли мақолалар тўпламида акс этган эди.

Ш.Ризаевнинг 5-,6-,9- синфлар учун ҳаммуаллифликда яратилган “адабиёт” дарслик мажмуалари, ўқитувчилар учун методик қўлланмалари (2003, 2011) ҳамда “Бошқарувнинг маънавий асослари” (2007, 2009), “Жамиятни маънавий юксалтириш стратегияси” (2010) номли дастур ва қўлланмалари ёшларга истиқлол руҳини сингдириш ҳамда жамиятимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш ишида муҳим аҳамиятга эга.

Ш.Ризаевнинг ижодий портрет ва эссе жанрларидаги ўзбек адабиёти ва санъати арбоблари О.Шарафиддинов, Б.Йўлдошев, Р.Иброҳимова, Р.Аҳмедова, М.Йўлчиевага бағишланган ишлари “Сурат ва сийрат чизгилари” (2010) китобида ўз ифодасини топди. Булардан ташқари у Ойбек, Шухрат, А.Мухтор, Ў.Умарбеков, Х.Дўстмуҳаммад, Э.Аъзам, Усмон Азим каби адиблар ижодий портретларига чизгилар, тақризлар эълон қилиб, адабий жараёнда фаол иштирок этиб келмоқда.

Олим бадий ижод, таржима соҳаларида ҳам қалам тебратмоқда, “Искандар”, “Дискотека”, “Она”, “Етакчи” каби саҳна асарлари, Қобо Абенинг “Қумдаги аёл”, Фотима Галернинг “Малика”, Нил Саймонинг “97- хона” пьесалари, таржималари фикримизга мисол бўлади, улар республикамизнинг турли театрларида қўйилган. Сценарийлари асосида йигирмага яқин ҳужжатли фильмлар суратга олинган. Пьесалари, адабиёт, театр, кинога бағишланган мақолалари “Маънавият манзиллари” (2008) китобида чоп этилди.

ДИЛМУРОД ҚУРОНОВ (1960). Кейинги чорак аср мобайнида ўзбек танқидчилигида фаол меҳнат қилаётган, мақолалари ва ўткир фикрлар туфайли катта қизиқиш билан ўқиётган ва баҳсларга сабаб бўлаётган, бадий асарларга муносабатда қатор янги қарашлар, янги мезонларни илгари сураётган мунаққидлардан биридир. Д.Қуროнов 1960 йилда Ўшда туғилди. Мактабдан сўнг қурилишда ишлади, ҳарбий

хизматни ўтади. Андижон давлат тиллар педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетида ўқиди (1982-1987). Маълум муддат шу даргоҳда муаллимлик қилди. ТошДУ аспирантурасида таҳсил олди. “Ўзлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида характерлар психологизми” (1992) мавзуида номзодлик, “Ўзлпон поэтикаси (насрий асарлари асосида)” мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Д.Курунов мунаққидлик фаолиятини кўп йиллардан буён Андижон давлат университетидида ёш авлодга таълим-тарбия бериш билан бирга қўшиб олиб боради. Проф. Д.Курунов 1998- 2009 йилларда филология факультети декани бўлди. 2009 йилдан бошлаб, мазкур университетнинг “Илмий хабарнома” журналига муҳаррирлик қилиб келмоқда.

Танқидчи адабий жараёнга ўтган асрнинг 90-йилларидан кириб келди. Ўзлпон ҳақидаги дастлабки мақолалариёқ жамоатчилик эътиборини тортди. Унинг бу борадаги изланишлари янги йўналишдаги, Истиқлол даври ўзбек танқидчилигининг дастлабки натижалари қаторидан ўрин эгаллади. Шу маънода, янги давр ўзбек танқидчилиги методологиясининг шаклланишида, танқидга янги мезонларнинг кириб келишида камтарона бўлса-да, мунаққид Д.Куруновнинг ҳам ҳиссаси бор.

Олим илмий ишларининг салмоқли қисми Ўзлпон ҳаёти ва ижодига бағишланган. У истиқлолнинг дастлабки йилларида О.Шарафиддинов раҳбарлигида бошланган Ўзлпон ижодини ўрганишгина эмас, ижодий меросни тиклаш, унинг намуналарини чоп этиш ва оммалаштиришда фаол иштирок этди. Адиб асарларининг 2- ва 3-жилдларини нашрга тайёрлади. Унинг “Рухий дунё таҳлили” (1995), “Истиқлол дарди. Ўзлпоннинг ижтимоий-сиёсий қарашлари тадрижи” (2000), “Ўзлпон поэтикаси” (2004) каби тадқиқотларида санъаткорнинг янги ўзбек насри таракқиётида тутган ўрни, асарлари бадияти масалалари атрофлича тадқиқ этилди. Ўзлпон ижодининг, айниқса, жаҳон адабиёти контекстида ўрганишга ҳаракат қилиниши, асарлари бадий-ғоявий ўзликини белгиллаган ижтимоий-психологик омиллар билан алоқадорликда очиб берилиши бу тадқиқотлар қадриятини белгилашда муҳим аҳамият қасб этади.

Д.Курунов илмий фаолиятига хос хусусиятлардан бири, тадқиқотларида жаҳон адабиётшунослигининг янги ютуқларини ўзбек адабиётини ўрганишга тадбиқ этароқ янада ривожлантириш ва бойитишга интилишда намоён бўлади. Жумладан, Ўзлпон ижодини ўрганишда у психоанализ, герменевтика таълимотларига таянди, тадқиқотларида структурал, семиотик, микроаналитик таҳлил усулларини қўллади. Айни пайтда, мазкур усуллардан систем комплекс ёндашув асосида фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу эса, ўз навбатида, Ўзлпон асарларининг бетасоли поэтикасини, ундаги назокат ва шиддатларни илмий жиҳатдан асосли очиб беришга замин яратди.

Асар тадқиқига янгича ёндашув Д.Куруновнинг замонавий асарларгина эмас, адабий меросга бағишланган ишларида ҳам кўзга

ташланади. Жумладан, унинг Ҳ.Усмонов билан ҳаммуаллифликда ёзилган “Идеал ва бадий яхлитлик” (1995) мақоласини адабий асарга янгича муносабат масаласининг назарий муаммоларини ёритишга бағишланган маълум маънодаги дастурий изланиш сифатида баҳолаш мумкин. Мақолада илгари сурилган назарий фикрларни муайян вақт ўтгач, А.Қодирий, Ғ.Ғулом, Ойбек, А.Қаҳҳор, Ҳ.Олимжон асарларининг янгича таълиқини бағишланган туркум ишларида муаллифнинг ўзи амалда тадбиқ эта бошлади. Уларда айрим баҳсли ўринлар йўқ эмас. Асардаги у ёки бу нуқтани, ёзувчи ижодий ниятини гипотетик баҳолаш масаласида баъзан зўрма-зўракилик, баъзан далиллашнинг етишмаслиги сезилиб қолади. Бундай ёндашувга проф. Н.Қаримов, ф. ф. доктори Ғ.Мўминов каби адабиётшунослар ўз вақтида баҳсли муносабатларини билдирдилар. Бирок, бундан қатъий назар Д.Куруновнинг мақолалари адабий жамоатчиликда қатта қизиқиш уйғотди. Баҳс-мунозаралар муаммога янада чуқурроқ ва аниқроқ ёндашувга даъват этди. Олимнинг бу йўналишдаги мақолалари яқин ўтмиш, айниқса, шўро даврида асарлардаги эътибордан четда қолиб келган маъно қирралари ва таъқатламларни очишга интилиши, давр контекстидан қелиб чиқиб, ижодкор руҳияти ва бадий ижод табиатиға хос хусусиятларни аниқлаган ҳолда амалга оширишга ҳаракат қилиниши жиҳатидан илмий қиммат қасб этади.

Илмий ва педагогик фаолиятни уйғунликда олиб бораётган Д.Курунов олий ўқув юртлари талабалари учун “Адабиётшунослиққа кириш” (2002, 2004, 2007) дарслиги, ҳаммуаллифликда “Ғарб адабий- танқидий тафаккури тарихи очерқлари” (ҳаммуаллифликда, 2008), “Адабиётшунослиқ лугати” (2010) каби қитобларидан республика таълим муассасаларида кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, Ғарб адабий-танқидий тафаккурининг улкан намояндалари ижодидан қилинган таржималар ва уларнинг алоҳида қитоб ҳолида чоп этилиши адабиёт, танқид, эстетика билан қизиқувчи кенг қитобхонлар ва мутахассисларга қимматли манба бўлди.

УЛУҒБЕК ҲАМДАМ (1968). Бугунги ўзбек адабиёти, танқидидаги энг фаол, серқирра, сермахсул ёзувчи, танқидчилардан бири Улуғбек Ҳамдамдир. Чунки мустақиллик йилларида адиб яратган шеърлар, ҳикоялар, қисса ва романлар, адабий-танқидий ишлар, илмий тадқиқотлар шундай жавобға асос бўла олади. Ҳақиқатан ҳам У. Ҳамдам бугунги адабий жараёнда фаол ижод этмоқда. Бундай дейишимизнинг сабаби, унинг фақат романлар ёзаётганлигида эмас, балки устозлар анъанасини давом эттираётганлигида. XX асрнинг бошлари адабий жараёнида Фитрат, Ўзлпон, Абдулла Қодирий, кейинроқ Ойбек, Ғафур Ғулом каби адибларнинг ҳам бадий ижодда, ҳам адабиёт илми ривожидида жонқуярликлари У.Ҳамдам қиёфасида ўзини ёркин намоён этиб келаётганлиги эътиборлидир. У Ойбек шеъриятиға бағишланган номзодлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. Ҳозирда

XX аср миллий шеърятимиз муаммолари хусусида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормокда. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида ишлайди, шу билан бирга “Шарк юлдузи” ва “Звезда Востока” журналларининг бош муҳаррири.

Адиб шу кунгача бир канча китоб ва тўпламларини нашр эттирди. “Тангрига элтувчи исён”, “Атиргул”, “Сени кутдим” шеърый тўпламларида модернистик охангни реализмга йўғирган шоир сифатида кўринади. Унинг “Ёлғизлик” (1998) тўплами кисса ва ҳикоялардан иборат бўлиб, самимияти, нафис шарқона оҳанги, ёзувчининг насрдаги ўзига хос услубини, бугунги кун адабиётига тенглаша оладиган жиҳатлари ва ниҳоят фалсафий камровдорлиги билан китобхонларда чуқур таассурот қолдирган эди.

Ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин эгаллаган асарлардан бири “Мувозанат” (2000) ёзувчи ва шоир У. Ҳамдамнинг биринчи романи. Илк романи бўлса ҳам адабий жараёнда воқеа бўлган асарлардан бири сифатида тан олинди. Танқидчи У. Норматов асарни бугунги куннинг романи деб атади. “Исён ва итоат” романи (2003) инсон ҳаётидаги энг муҳим ҳисобланган эътиқод, иймон каби масалалар талқинига бағишланган. Адибнинг кейинги “Сабо ва Самандар” (2006) деб аталган, инсон ва уни ўраб турган муҳит минг тусда товланиб, ўзгариб турса ҳам, барибир, кўнгли муҳаббатга талпиниши, ишк билан ўзини таниши ҳақида ёзилган бу роман ҳам тезда ўз ўқувчиларини топа олди. “Узоқдаги Дилнура” (2010) кисса, ҳикоя ва шеърлардан таркиб топган. “Дарвоқеа, Улуғбекнинг насри шоирона, шеърларида эса бу ҳиссиёт янада кучлироқ. Унинг шеърлари юрак ҳапкириги, ичкарининг фарёди, руҳ кичкириги, кечинмалар оқими: қолипсиз, жиловсиз, жўшқин, хаяжонли”, деб ёзади Б.Карим¹⁶³. Бу фикрларни адабнинг адабий-танқидий ишлари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Чунки танқидчи У.Ҳамдам Ойбек ҳақида ёзганда ана шундай ҳиссиёт билан, теран тафаккур билан қалам тебратди. XX аср ўзбек адабиётининг чинорларидан бири Ойбек ҳақида “кўп” ва “хўп” ёзилди. Аммо ҳар бир истеъдод ўз сўзини айта олди, жумладан, Улуғбек ҳам. Ойбекнинг “Наъматак” шеърини кўпчилиқ ойбекшунослар таҳлил этганлар, аммо Улуғбекнинг талқинлари ўзгача: “Шеър – “юксақда – шамолнинг беланчагида чайқалаётган наъматак. Дард– унинг илдизи – “вахший тош”. Демак, аслида тош ҳам гул каби гўзал. Ахир қоя наъматакнинг эмас, балки гул тошнинг ижоди, айтиш мумкинки, сийрати”¹⁶⁴. Қаранг, адабиётшунос вахший тошдан ҳам гўзаллик излаётти, шоирни худди наъматак сингари “шафқатсиз дунёнинг ноёб асарига” менгзаяпти. Бу талқинлар китобхонни Ойбекка янада яқин қилишга ёрдам беради.

“Шоир–“гузалмас” ҳақиқатпараст” мақоласида миллатнинг истеъдодли шоири Шавкат Раҳмон шеърятини нозик дид билан талқин этади:

“Шавкат Раҳмон шахслик мақомидаги шоир эди, шахс–шоир эди. Бундай шоирларнинг бўлса– қисмати томонидан зиммасига юкланган ўз вазифаси бўлади. Бундай вазифа шахснинг субъектив дунёси билан чамбарчас боғланиб кетганига кўра, шоир ана шу ботинидагини реал дунёга тадбиқ қилмоққа уринади...Демак, Шавкат Раҳмон кўпқиррали шоир: у–табиат шоири, у–фалсафа сўкийди, у–ижтимоий адолат ҳимоячиси, у–муҳаббат қуйчиси...”¹⁶⁵. Шу тариқа Улуғбек кейинги йилларда марҳум шоирлар Аскад Мухтор, Ш.Раҳмон, М.Юсуф ижодига оид теран тадқиқотлар яратди.

У.Ҳамдам ҳозирги замон ўзбек шеърятининг таракқиётини ҳам гоёат синковчилик билан кузатиб боради. “Янгилашти эҳтиёжи” китобининг иккинчи фасли “Шеърят йўлларида” деб аталади. Унда аниқлик ва изчиллик, киёсий таҳлил орқали маълум ҳулосаларга келиш хусусияти устувор. Истиклолнинг дастлабки ўн йиллигида анъанавий шеърятдан ҳам ифода усулига кўра, ҳам мазмун–моҳиятига кўра етарлича фарқланиб турувчи шеърый йўналиш пайдо бўлганлигини қайд этар экан, танқидчи унинг асосий хусусиятларини, тамойилларини белгилайди. Воқеабандликдан, тасвирдан, баъдан деярли воз кечиш ва бунинг ўрнига метафора ва деталларга ургу бериш, сиқиклик, бутун ҳақида парча орқали маълумот етказиш, шоир “мен”и учун кўнглининг, унинг ҳолатию “дунёга қараши”нинг бирламчи эканлиги, шаклда ўзига хослик, ёки шаклда шаклсизлик. Шу билан бирга у истиклол даврининг серқирра шеърятини ифода усулига, мавзулар оламига кўра тасниф қилади, кечаги шеърятдан фарқли жиҳатларини очиқ беради.

У.Ҳамдам мунаққид У.Норматов билан суҳбатида экзистенциализм адабиёти, модернизм шеърятини ва абсурд тушунчаси моҳияти ҳақида гапириб, “асарнинг чинакам абсурд адабиёт–намунасига кўтарилиши учун унда акс этган абсурд воқелик асар муаллифи томонидан тўла идрок этилган, англаб олинган бўлиши шарт”, дейди. Бугунги модернизм адабиёти, шеърятини ҳақидаги қарашлари ҳам ўқувчида яхши таассурот уйғотиши билан қимматлидир. Бу қарашлар унинг шеършунос мунаққид сифатида маҳорат қирраларини эгаллаётганидан далолат беради. Шу билан бирга унинг ҳам шеършунос, ҳам шоир сифатида бугунги миллий шеърятимиздаги жараёнлардан, қолаверса, замонавий жаҳон шеърятини, шеърят илми ҳақидаги янгиликлардан яхшигина хабардорлигини ҳам кўрсатиб турибди. Улуғбек Ҳамдам ўзининг насрий, назмий, адабий–танқидий асарлари билан, улардаги теран ҳис–туйғулари, кенг фалсафий қарашлари, адабиёт илмига фойдали мулоҳазалари билан, энг муҳими, адабиётга садокати ва фидойилиги билан адабиёт муҳлисларининг, илм аҳлининг ишончини қозониб келмоқда.

¹⁶³ Баҳодир Карим. Улуғбекнинг дил изҳори / Узоқдаги Дилнура. Т. . 2010. – Б. 7.

¹⁶⁴ Улуғбек Ҳамдам. Бадний тафаккур тадрижи. Т.: Янги аср авлоди. 2002. – Б. 76.

¹⁶⁵ Ушв китоб. – Б. 101.

БАҲОДИР КАРИМОВ (1966). (Баҳодир Карим) ўзбек танкиди ва илмий-адабий мактаб аъёнalarини давом эттириб ва бойитишга фаол хисса қўшиб келатган адабиётшунослардан биридир. У “Насрдаги назокат” (1991), “Ингеборг Балдауф айтадики...” (1993), “Вадуднинг назари” (1994), “Фикр ва муҳит зиддияти” (1995) сингари дастлабки танкидий мақолалари билан илмий жамоатчиликнинг эътиборини қозонди. Бўлажак танкидчи ушбу мақолаларидаёқ тиришқоқлиги, бадний сўзни нозик тушуниши, ҳолислиги ва ростгўйлигини кўрсата олди.

Каримов Баҳодир 1966 йил Туркменистоннинг Тошхувуз вилоятида зиёли оиласида туғилди. Мактабни битириб, ҳарбий хизматни ўтади. ТошДУнинг ўзбек филологияси факультетида (1986-1991) ўқиди, унинг аспирантураси ва докторантурасида илмий чиникишдан ўтди. Вадуд Маҳмуд ҳақида номзодлик (1995), Абдул Қодирий ижоди юзасидан докторлик (2002) диссертацияларини ҳимоя қилди. Илмий ишни ташкилотчилик фаолияти билан қўшиб олиб борди. ЎЗМУ, ўзбек филологияси факультетини (2003-2006) бошқарди, кафедрага раҳбарлик қилди. Шу даргоҳдаги фан доктори илмий даражасини берувчи Ихтисослашган Кенгаш раиси сифатида фаолият кўрсатди. Олий Адабиёт курсига етакчи бўлди.

Б.Каримов Вадуд Маҳмуд ижодини ўрганар экан, танкидчилигимиз тамал тошини қўйган Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, А.Саъдий, О.Ҳошим асарлари ва танкидий қарашларини ҳам тадқиқ этди. Бу йўналишдаги изланишлар “Ҳадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд” (2000) номли монографияда акс этди. Унда В.Маҳмуднинг ўзига хос танкидчи экани, замонавий адабиётга, мумтоз адабий меросга муносабати ёритилди. Ўзбек адабиётшунослигида илк бор Вадуд Маҳмуднинг “Танланган асарлар”ини (2007) тўплаб, сўзбоши ва изоҳлар билан нашр эттирди.

“XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида)” мавзусидаги докторлик ишида (2002) тушуниш, тушунтириш, талқин, таҳлил, танкид масалаларида республикадаги адабиёт илмида биринчилар қаторида жаҳон адабиётшунослигидаги илғор тадқиқот методи, жумладан, герменевтика – талқин назариясидан унумли фойдаланди. Тадқиқотни ижобий баҳолаган М.Қўшжонов бу илмий иш янги-янги тадқиқотлар учун асос бўлишини таъкидлади. Ўзимиз ва хорижда бундан бўён Қодирий ижоди ҳақида фикр юритувчи мутахассислар, шубҳасиз, олимнинг бу тадқиқотларидаги назарий қарашларига таяниб, иш кўрадилар. Б.Каримовнинг ушбу тадқиқоти ўзбек адабиётшунослигида илмий-адабий талқиннинг янги, жаҳон адабиётшунослигида синовдан ўтган, ўзига хос миллий талқин йўналишини бошлаб берди.

Тадқиқот негизида нашр этилган “Абдулла Қодирий: танкид, таҳлил ва талқин” (2006) номли монографиясида Қуръони Карим тафсирилари,

Ҳадислардаги шарҳ, талқинларга хос хусусиятлар, “шарқона герменевтика” сифатида, шунингдек, қодирийшунос олимларнинг талқин усуллари ёритилди. Ғарб олимлари М.Хайдеггер, Г.Гадамер, рус олимлари М.Бахтин, Ю.Боревларнинг назарий қарашлари қодирийшунослик талқинига татбиқ этилди.

Қодирийшунослик тарихи тизимли ўрганилди. Китобнинг махсус бир бўлими “Хорижда қодирийшунослик”да Э.Олворт, Н.Тун, Э.Наби, Х.Мурфи, И.Балдауф, З.Клаймхел каби олимларнинг асарларига жиддий ва ҳолис муносабат билдирилди. Б.Каримовнинг адабий-танкидий қизиқишлари ўзбек ҳадид адабиёти ва XX аср адабиёти, жаҳон танкидчилигидаги назарий муаммолар, методологияга доир муҳим масалаларга қаратилган. Шу маънода “Ривоят ичида роман”, “Тақдир шамоли”, “Образ моҳияти ва талқин доираси”, “Далойил” ўқиётган Юсуббек хожи”, “Кўз”нинг поэтик моҳияти”, “Шоирнинг ўтқир сўзи”, “Аъзам шоирнинг ўқтам овози” каби мақолаларини таъкидлаш жоиз. Мунаққиднинг «Қодирий кадр» (2003) номли китобидаги «Ким нимадан куладир» («Хотира дафтар»ини варақлаганда) мақоласида Қалвак Маҳзум образи орқали Қодирийнинг давр иллатларини ҳажвий йўсинда асосли, ишонарли фoш этганини поэтик маҳорат нуқтаи назаридан талқин этади.

Б.Каримов айрим мақолаларида сўзнинг поэтик қўлами, насрий асар оҳанги, адабий макон ва замон масалаларини муҳокама қилади.

“Янгиланиш соғинчи” (2004) тўпламида XX асрнинг 20-30- йиллари адабий танкидчилиги ҳақида фикр юритилди. “Таржимон”да босилган Чўлпоннинг Гаспиринскийга йўллаган мактубини илк бор илмий муомалага киритади ва шоирнинг матбуотдаги дастлабки чиқиши сифатида талқин этди. “Чўлпон ва танкид” китобида эса Чўлпон ҳақидаги танкидий мақолаларни жамлаб, сўзбоши ёзиб жамоатчиликка тақдим қилди.

Б.Каримов адабиётшуносликда ташаббускор ташкилотчилардан биридир. “XX аср ўзбек шеърини антологияси” (2007), “XX аср ўзбек ҳикояси антологияси” (2009), “XX аср адабиётшунослиги антологияси” рукнида босилган “Ўзбек адабий танкиди” антологияси (2011) каби китобларнинг бевосита гоя муаллифи, нашрга тайёрловчиси ҳамда сўзбоши муаллифидир.

Фаол меҳнат қилаётган олимнинг халқаро микёсда дадил қадам ташлаётгани ҳам қувонарлидир. Унинг мақолалари Германия, Туркия, Украина, Туркменистонда босилган. Олим Туркия (Истанбул, 2004, Анкара, 2005), Германия (Лейпциг, 2005, Берлин, 2008), Хитой (Пекин, 2005)да ўтказилган халқаро анжуманлар иштирокчисидир.

Таянч тушунчалар: таҳлил, талқин, семиотика, онтология, биографик ёндашув, услубий таҳлил, микротаҳлил, матн, структура, тузилма, макромир, озод рух, янгиланиш эҳтиёжи.

1. Адабий матн деганда нимани тушунсиз?
2. Таҳлилнинг асосини нима ташкил этади?
3. Ўзбек танқидчилигида қайси таҳлил асосий ўринни эгаллаган эди?
4. Онтология қандай йўналиш?
5. Мангу асар белгилари нималарда кўринади?
6. Семиотик таҳлил деганда нимани тушунасиз?
7. Танқидчининг услуби нималарда намоён бўлади?
8. Истиклол даври танқидчиларининг ижоди ҳақида гапиринг.
9. С.Содиқ ижодининг ўзига хос томонларини ёритинг.
10. Х.Дўстмуҳаммад ижоди ҳақида гапиринг.
11. У.Ҳамдамнинг шеърятга бағишланган қисн асарларини биласиз?

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Ахмедова Ш., Кувватова Д. Адабий матн таҳлили. Бухоро. 2006.
2. Жўрақулов У. Худудсиз жилва. Т., 2006.
3. Каримов Б. Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд. Т.: 2000.
4. Каримов Б. Абдулла Қодирий. Т., 2006.
5. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. Т., 2006.
6. Расулов А. Илми ғарибани кўмсаб. Т., 1998.
7. Санжар Содиқ. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. Т.: Шарқ. 2005.
8. Улуғбек Ҳамдам. Бадий тафаккур тадрижи. Т.: Янги аср авлоди. 2002.
9. Х.Дўстмуҳаммад. Озод изтироб қувончлари. Т.: Маънавият. 2000.
10. Х.Дўстмуҳаммад. Ижод-кўнгил мунавварлиги. Т.: Мумтоз сўз. 2010, 5-6.
11. Қуროнов Д. Чўлпон. Т.: 2002.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДИНИНГ ЖАНРИЙ ТАРКИБИ

АДАБИЙ ТАНҚИД ЖАНРЛАРИ. ТАҚРИЗ

РЕЖА:

1. Ўзбек адабий танқидининг жанрий таснифи.
2. Тақризнинг жанрий табиати, генезиси.
3. Тақриз жанрининг эстетик тафаккур тараққиётидаги ўрни ва таснифи.

Ўзбек адабий танқидининг жанрий таснифи. Барча санъат турларида бўлгани каби адабий танқид асарларининг ўз тузилиши, илмий-маърифий хусусиятлари, қўлланиш ўрни ва бажарадиган вазифаларига кўра муайян гуруҳлар ва йўналишларни ташкил этадилар. Танқид жанрларини шартли равишда икки йўналишга-адабий жараёни ҳамда ёзувчи ҳаёти, ижоди масалаларини ёритувчи йўналишларга ажратиш мумкин. Аммо, мазкур бўлиниш ўта шартли, чунки адабий жараёни ёритувчи «соф» жанрлар бўлмаганидек, факат ижодкор ҳаёти ва ижодини очишга хизмат қиладиган жанрлар ҳам йўқ. Ҳақиқатан ҳам танқидчилик жанрлари, қайси шаклда бўлмасин, бевосита адабий жараён билан боғлиқ ҳолда ижодкор ва унинг асари ҳақида фикр юритади. Тўғри, адабий танқид жанрларининг айримлари янги бадий асарнинг ёзилиши ва босилиб чиқишига алоқадор бўлса, айримлари ижодкор ҳаёти ва, умуман, ижоди ҳақидаги масалаларга дахлдор бўлади. Аслида эса танқидчилик жанрларига бошқа жиҳатдан, яъни қандай муаммоларни қамраб олиши ва вазифалари нуктаи назаридан ёндошилса, янада тўғрироқ бўлар эди. Шу жиҳатдан уларни икки йирик гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Тақриз, обзор ва муаммоли мақола, адабий-танқидий мактуб, адабий-танқидий суҳбат жанрлари асар қачон, қандай яратилган деган саволларга жавоб бериб, ҳажми, бадий асарнинг яратилиши ва унга баҳо бериш нуктаи назаридан бир майдонда бирлашади.

2. Адабий портрет, эссе (бадиа), танқидий-биографик очерк сингари жанрлар ёзувчи ижодини умумлаштириб ўрганиш, баҳолаш, талқин этиш, тарғиб қилиш жиҳатидан бир майдонда бирлашади. Улар ижодкор шахси, муҳити, истеъдодининг шаклланиши, адабиётда тутган ўрни сингари муаммоларга ойдинлик киритади.

Ўзбек танқиди жанрлари юзага келиши, шаклланиши ва тараққиётидаги муҳим омиллардан бири вақтли матбуотнинг пайдо бўлишидир. XX аср бошларида янги адабиётнинг туғилишига алоқадор

холда уни идрок этиш, англаш, мохиятини китобхонга тезроқ етказиш зарурияти турли шаклларда ифодалаш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Масалан, тақриз ва мақолалар вақтли матбуотда эълон қилиниб, яратилган бадий асарлар ҳақида маълумот бера бошлаган. Демак, вақтли матбуот ва миллий уйғониш даври адабиётининг ранг-баранглиги хилма-хил ифода шаклларида юзага келишига таъсир кўрсатган.

Танкидчилик жанрларидаги такомил бадий ижоднинг ўзидаги ранг-баранглашув билан ҳам чамбарчас боғлиқ, айни вақтда, уларнинг ўзи бадий асарларнинг яратилиши, ёзилиши, наشري, оммалашуви ҳам маълум миқдорда ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбек танкидчилигидаги жанрлар мажмуи тарихан вужудга келган яхлит тизим бўлиб, хилма-хил типдаги танкидий асарларнинг мураккаб ва ўзига хос алоқалари ҳамда ўзаро таъсири замирида бунёдга келган. Жанрлар тизимининг шаклланиш жараёни танкидий тафаккур тараққиётининг муҳим қонуниятларидан бири ҳисобланади.

Ҳар бир жанрнинг ўз хусусиятлари бўлишига қарамай, уларни муштарак этувчи жиҳатлар ҳам мавжудки, худди шу умумийлик уларни яхлит тизимга бирлаштиради. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- ўзбек адабий танкидининг барча жанрлари мохиятан ўзаро муштаракдирлар. Уларнинг барчасида адабиётнинг ривож, қамолоти, юксак бадийлиги учун кураш, китобхон эстетик онгини юксалтириш вазифаси асосий ўрин тутди. Улар замирида сўз санъатига самимий муҳаббат ётади;

- адабий танкид жанрлари аро алоқа ва уйғунлик уларнинг бадий адабиёт савияси учун курашдаги қўлқиррали мақсад ва вазифаларидаги муштаракликни келтириб чиқаради: ҳар жанр ўзининг алоҳида бир - бадий асарнинг, ёзувчи ижодининг ўзига хосликларини кўрсатишдан иборат вазифасига эга; маълум бир гуруҳга онд жанрий шакллар бадий асар ёзилиши ва нашр этилишига алоқадор ташвиқотчилик характериға эга: тақриз, мақола, адабий мактуб каби жанрлар, асосан, ана шундай вазифани бажаради. Бошқа бир гуруҳ жанрлар ёзувчи ҳаёти ва ижодини умумлаштириш характериға эга: адабий портрет, танкидий-биографик очерк ва эссе шундай мақсадни қўзлайди.

Шу тарика барча жанрлар бир бўлиб, яхлит илмий-адабий тафаккур воситаси сифатида адабиётнинг равнақи учун курашади, ижодкор ва унинг асари ҳақида муайян ҳулосалар чиқаришга интилади; муштарак илмий-адабий тизимни вужудга келтиради.

Адабий танкид асарлари учун адабиёт ва унинг назарияси эстетик тамойиллари асоси умумийдир. Тилдаги оммабоплик, илмийлик синкретизми, соддалик, илмий-бадий тафаккур синтези, мушоҳада аниқлиги, ҳулосалардаги лўндалик, умумлаштириш характеридаги ижодий ёндашув ана шуларга хизмат қилади. Адабий-танкидий асарларнинг жавҳари адабиётга муҳаббат, уни кадрлаш туйғусидир.

Доимий тараққиётда бўлган бу тизим ўзбек адабиёти, маданияти, тили, илмий-бадий тафаккурига хос хусусиятларни, миллий ўзига хосликларни ёрқин ифода этади. Шу мантиқдан келиб чиқиб, ҳажми ва олдига қўйган мақсади ҳамда вазифасига кўра адабий танкид жанрларини уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. *Ихчам ва ҳозиржавоб жанрлар*. Буларга тақриз, обзор ва муаммоли адабий-танкидий мақолаларни киритиш мумкин.

2. *Етақчи хусусиятларини тарихий-биографик ёндашув белгилловчи жанрлар*. Уларга танкидий-биографик очерк, адабий портрет, бади (эссе), монография қабилар қиради

3. *Адабий мулоқотга асосланган жанрлар*: адабий-танкидий мактуб ва адабий-танкидий суҳбатдир.

Адабий танкид жанрларининг ўзаро муносабатлари – ижодий-назарий мураккаб жараён бўлиб, ўзаро таъсир, уйғунлашув ва номувофиклашув, бир-бирини бойитиш ва хусусийлаштириш тарзида кечади. Жанрлар алоқаси хилма-хил шакл ва кўринишга эга бўлади. Бу алоқалар адабий танкидда сезиларли ўзгариш, ранг-баранглашувни юзага келтиради.

Адабий танкид жанрлари бирданига ва бир вақтда юзага келмаган, албатта. Тақриз, мақола, очик хат, бади, адабий портрет, адабий-танкидий суҳбат, бахс, монография жанрларининг ҳар бири бадий адабиёт ва танкид тарихидаги тараққиётнинг муайян босқичида юзага келган.

Адабий танкид жанрларининг юзага келиши, шаклланиши ва тараққиётидаги асосий омил – юктимоний ва эстетик эҳтиёждир. Уларни юзага чиқарувчи омил эса танкидчи маҳоратидир. Вокелик, ҳаёт бадий адабиётда акс эттирилган экан, адабий танкид олдида унинг ғоявий-тарбиявий ҳамда бадий- эстетик мохият ранг - баранг шаклларда очиш, турли мушоҳада йўсини орқали тарғиб этиш зарурати туғилади. Адабий танкиддаги жанрлар ана шу эҳтиёж натижасидир.

Ихчам ва ҳозиржавоб жанрлар. Тақриз: жанрий табиати, генезиси. "Тақриз" сўзи лугатларда турлича изоҳланади. Чунончи Ҳ.Ҳомидий бошчилигидаги муаллифлар тузган «Адабиётшунослик терминлари лугати»да "Рецензия - (тақриз) адабий танкидининг бир тури бўлиб, спектакль, кинофильм ва бошқалар тўғрисида ёзилган, уларни таҳлил қилган, уларга баҳо берган кичик адабий танкидий асар", деб таъриф берилади¹⁶⁶. «Фарҳанги забони тоҷики» лугатида: «Тақриз - а. Буридан, қатъи қардан; шеър гуфтан дар мадҳ ё мазаммати касе (яъни кесмок, очиб қўймоқ; кимнидир мадҳ ёки ҳажв қилиб шеър айтмоқ).

-б. Баҳо додан бо роҳи қатъи ба навиштаи касе; баҳои мусбат додан ба навиштаи касе (яъни кимнингдир ёзганларига ижобий ёки салбий баҳо бермоқ)»¹⁶⁷, - дея изоҳланган. Ҳар иккала изоҳда тақриз сўзи маъносининг у ёки бу қирраси очиб берилади.

¹⁶⁶ Ҳотамов Ҳ. ва бошқалар. Адабиётшунослик терминлари лугати. Т., 1967.

¹⁶⁷ Фарҳанги забони тоҷики. Ҷилди 2. Москва, 1969, с. 353.

Такриз аниқ бир асарни асосли таҳлил этувчи, мунаққид услубида намоён қилувчи, адабий танқиднинг энг кичик жанри ҳисобланади. Такриз - ҳозиржавоб эстетик баҳо; такриз-бадиият оламига "таъвоқ" воситаси. Унинг вазифаси ихчам оммабоп таҳлил орқали асарнинг адабий жараён ва ёзувчи ижодиётидаги ўрнини аниқлаш, ютуқ ва камчиликларини кўрсатиш, исботлаш ва баҳолаш, унга китобхонлар таъбиридан қаратишдан иборат.

У адабий талқиннинг лўнда, кичик кўриниши деб айтилганларга қўшимча яна шуни айтиш мумкинки, такриз адабий танқиднинг шунингдек ҳозиржавоб ва тезкор жанри ҳисобланади. Айниқса, шу хусусияти билан адабий танқиддаги бошқа жанрлардан фарқ қилади.

Янги асар яратилгач, дейлик, бир йил ўтгандан кейин ҳам, баъзан эълон қилинган такризларни кузатиш мумкин. Бирок бундай ҳоллар унинг энг муҳим фазилатларидан бири тезкорлик ва ҳозиржавоблик сусаяди.

Такриз аксарият ҳолларда янги бадиий ва илмий асарларга муносабат шаклида ёзилади. Қандай асарларга бағишлаб ёзилганлигига қараб такризни икки гуруҳга бўлиш мумкин: 1) бадиий асарларга ёзилган такризлар; 2) илмий асарларга ёзилган такризлар; бундай такризлар танқидни танқид характерида бўлади.

Мумтоз адабиёт тарихидаги адабиётшуносликка онд асарларга ижодкорлар ва адабий жараён ҳақидаги тазкираларда такризга кўра фазилатларга эга айрим маълумотлар учрайди. Ўтмиш адабиётшунослигининг адабиёт ва адабий танқид масалаларида баҳс юритувчи асарлар гуруҳига тазкира, манокӣб, ҳолатлар ва , қолаверса, аруз, кофия, шайхона санъатларга бағишланган рисолалар, фикрлар киритилган. Ўтмишда такриз алоҳида жанр сифатида кўпроқ оғзаки шаклда ҳукм сўраган. Бедилхонлик, навоийхонлик, машрабхонлик каби суҳбатларда уларнинг дostonларига, девонларига, алоҳида шеърларига муайян баҳо берилган ва ҳол Фарбда кузатилмайдди. Шу маънода такризнинг оғзаки тарзда тутилган Ватанини - Шарк деб белгилаш , илмийликдан йироқ бўлмайди.

Ўзбекистонда вақтли матбуотнинг пайдо бўлиши билан ҳозирги тушунчадаги такриз жанрининг туғилиши орасида аниқ боғлиқлик мавжуд. Бу XIX аср сўнгги чораги ва XX аср аввалига тўғри келади. Матбуот газега ва журналларда такриз жанрининг пайдо бўлишига кучли таъсир кўрсатди.

Дастлабки такризлар "Туркистон вилоятининг газети" (ТВГ)нинг саҳифаларида босилди. Газетанинг 1885 йил 35-, 42-, 47- сонларида "Фарғона мамлакатининг бўлиб ўтмиш подшоҳлари хусусида янгилик босилган китоб" сарлавҳали мақола йўналиши, олдида қўйилган, вазифаси билан ҳозирги тушунчамиздаги такризга яқин келади. "Уш шайхона хусусидаги рисола" ҳам шу газетада босилган дастлабки такризлардан

биридир. Муаллифи кўрсатилмаган бу такризда рисоланинг ютуқ ва камчилигини айтишга ҳаракат қилинади¹⁶⁸.

"ТВГ"да 1890 йили рус шоирларидан бирининг шеърни эркин таржимада босилиб чиқади. Фуркат унга шарҳ ёзади, яъни шеърнинг талқин қилиб беради. Адабиётшунос А.Абдуғафуров "Фуркатнинг насрий мероси" тадқиқотида шу шеърни ҳам, Фуркатнинг таъбири, кузатган мақсадига кўра уни ҳозирги газетадаги такризларнинг бошланғич намунаси дейиш мумкин¹⁶⁹.

А.Абдуғафуров Фуркатнинг бу такризини "шарҳ-такриз" деб атаб, шу материал моҳиятини терминологик жиҳатдан аниқ ва тўғри афодалайди. Чунки унда асар таҳлили ва баҳосидан кўра, шеър таъбирига ёзилган шарҳ кўпроқ ўрин тутди. Бу эса ўзбек адабиётчилигида дастлабки такризлар мумтоз адабиётшуносликнинг кучли намунаси остида яратилганини кўрсатади. Шу тариқа танқидда дастлабки такризлар асарга ёзилган шарҳ сифатида майдонга келди деб ҳисоблаш мумкин.

Адабий жараёнда пайдо бўлган янги асарни биринчи бўлиб баҳолайдиган, ҳозиржавоб такриз жанри кенг аудиторияга эга. Чунки такризда илмий-эстетик таҳлил ва баҳо ихчам, сиқик шаклда, оммага ташуварли тарзда ўз ифодасини топади. Шу бонс такриз айрим муносабатлар айтётганидек, фақат кутиб олувчи жанргина эмас. У янги асар таҳлили орқали адабий жараёндаги янги тамойилларни баҳолай қўйилган эстетик хусусиятга эгадир. Муайян асар таҳлили орқали такриз асар, ҳам ҳаёт ҳақиқатини очиб, китобхонга бадиий асар ҳақида ташаввур беради.

Бу жанр яна шуниси билан характерлики, кенг жамоатчиликнинг янги асарни қандай қабул қилиши ҳам маълум жиҳатдан уни баҳолаган, таҳлил қилган дастлабки такризларга боғлиқ. Ҳаққоний такриз янги асар ҳақида жамоатчилик фикри шаклланишига таъсир кўрсатади. Китобхонанинг янги асарни қабул қилишга, ёки қилмасликка ундайди. Такризчи асар моҳиятини илмий-эстетик таҳлил этиш орқали у ҳақдаги китобхонанинг ташаввур кўзини очади. Шу ўринда танқидчи масъулияти деган муҳим вазифа қилиб чиқади. Агар мунаққид илмий-эстетик жиҳатдан кучли бўлса, муноказалар асосли ва теран бўлса, илмий жамоатчиликка ҳам, китобхонларга ҳам, жараёнга ҳам катта наф келтиради. Ва, аксинча бўлса, кимматли асарни дидсизлиги туфайли инкор этса, ёхуд бўш асарни мадҳ

¹⁶⁸ Жамол А. Ўзганбоев Х. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг таракқиётида вақтли матбуотнинг ўрни. Т., 1993. - Б. 43.

¹⁶⁹ Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. Т., 1976. - Б. 67.

этса, адабий жамоатчиликни, китобхонларни чалғитади. Шу маънода тақризчини тиббиётдаги ташхис кўювчига киёсласа бўлади.

Ҳар бир замоннинг, адабиётнинг руҳи даставвал тақризда кўринади. XX асрнинг 20-йиллари бошларида ёзилган тақризларда ҳолис қарашлар кузатилса, 30-йиллардан танкидчиликда, хусусан, тақризларда вульгар социологик қарашлар кучайди. Қандай асар ёзилганидан кўра, ким томонидан яратилганига кўпроқ эътибор берилди. Уларда тақризчи, албатта, асарнинг ғоявий асоси, қаҳрамонларнинг қайси синф вакили эканлиги ва бошқа мафкуравий масалаларга тўхталиши жоиз эди. Бу хусусият бир неча ўн йиллар мобайнида тақризларда давом этди. Тўғри, ижобий баҳога муносиб тақризлар ҳам йўқ эмасди. Лекин, тузум, кўпинча, ўз идеалига мос тақризчиларни "қадрлади".

Танкид ўзининг илк қадамларини, асосан, тақриздан бошлади. Хуршиднинг "Шоҳнома"дан олиб инсценировка қилинган асарга ёзилган "Заҳхоки морон", номаълум муаллифнинг Ҳ.Жовид каламига мансуб "Лайли ва Мажнун" каби сахна асарларига бағишланган тақризлар бунга мисол бўла олади. Театр тақризларида орттирилган тажриба аста-секин алоҳида бадий асарлар, тўпламларга ёзилган тақризларда бўй кўрсатди.

20-йиллар адабиёти ва адабий танкиди қисмати мураккаб шароитда кечди. Бу хусусият тақризларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Шундай ҳолларда ҳам санъаткор ижоди ва асарларини ҳолис, тўғри баҳолашга ҳаракат қилинди. Чўлпоннинг "Уйғониш" (1922) тўплами нашр этилиши билан унга биринчилар қаторида З.Башир тақриз ёзди: "Чўлпон ўрток ҳаёлга жуда бой бўлгани ҳолда... унинг ҳаёли табиатда ва кишилик дунёсида бор ва бўлиши мумкин бўлган доиралардагина учадир». Тақризчининг фикрича, шоир асарлари бадий тасвирга бой, оз сўзлаб, кўп мазмунни ифодалайди, тили соф ўзбек тилидир...

Кўринаётирки, З.Башир Чўлпон ижодини тўғри тушуниб, одилона баҳо беради. Фақат бир ўринда замонасозлик қилгани, Чўлпон "эл", "халқ" сўзларини қанча кўп ёзса ва сўзласа ҳам халқ шоири эмас, халққа яқин бўлган зиёлилар шоиридир..." деган сўзларида намоён бўлади. Бундай фикрлар, қарашлар, нуқтаи назарлар кўп ўтмай, кейинчалик Чўлпон ижодига муносабатда икки йўналиш келиб чиқишига сабаб бўлди. В.Маҳмуд, А.Алавий сингари танкидчилар ўша даврлардаёқ шоир ижодининг асосий моҳиятини тушуниб етдилар. Аммо Айн (Олим Шарафуддинов), Усмонхон Эшонхўжаевлар Чўлпон ижодига синфий нуқтаи назардан баҳо беришга интилдилар*.

Мафкуравийлаштирилган адабий танкид ва тақриз партиявийлиги учун қурашгани бош муддао сиаотида талқин қилиш йўлига ўтди. Ҳозиржавоб тақриз жанридан ҳам шу нарса талаб қилинади. Шунга

* Бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш учун қarang: О.Шарафуддинов. Чўлпонни аниқлаш. Т.1993; "Чўлпон ва танкид". Т.: 2004.

қарамай, асарни ҳаққоний, санъат намунаси сифатида баҳолашга интилан тақризлар ҳам босилиб турди. И.Давроннинг "Юрак" тўпламига ёзилган "Ўйноқи шеърлар" (1935), И.Султоннинг "Номус ва муҳаббат"ига ёзилган шу номдаги тақриси (1936), М.Шайхзоданинг "Қул болалар ва хур болалар" (1936), Ҳ.Ёкубовнинг Чўлпоннинг "Соз"и (1936), Т.Жалоловнинг "Сароб" (1939), Шайхзоданинг "Қутлуг қон" ҳақидаги "Адибнинг ютуғи" сингари тақризлар ўша давр адабиёти ва тақризчилиги ҳақида тасаввур беради.

Иккинчи жаҳон уруши даврида замонавий мавзудаги асарлардан бири- Н.Погодин, С.Абдулла, Уйғун ва Ҳ.Олимжонлар ҳамкорликда ёзган "Ўзбекистон қилчи" драмасига шоир М.Шайхзода томонидан ёзилган тақриз ўша давр тақризчилиги изланишларини кўрсатади.

М.Шайхзода драмадаги халқчилликка ва унга асос бўлган анъанага шу эпизоднинг жавҳари (рационал мағзи)да намоён бўлувчи замонавийликка алоҳида эътибор беради. Ҳатто халқимиз ҳаёти ва адабиёти тарихидан драманинг шу эпизодига киёс бўлувчи мисоллар келтиришни лозим топади. Тақриз қиммати асар замонавийлигини очиб беришидагина эмас, балки тақризнинг ўзидаги замонавий руҳ ва пафос теранлигида ҳамдир. Тақриз адабий жараёнга, санъаткорларга кўрсатажак илмий-эстетик таъсир кучидан ташқари, шу асар таҳлили мисолида бевосита ҳаётга, халққа, фронтдаги жангчиларга кўрсатажак таъсир кучи билан ҳам қимматли эди. Бу тақризчиликдаги фаоллик, ҳозиржавоблик, тезкорлик ва ҳолислик ҳамда ҳаёт ва адабиётга таъсирнинг муштарак кўринишларидан бири эди.

Уруш давридаги асарлар таҳлиliga бағишланган тақризлардан яна бири Шайхзода асари тўғрисида Ойбек ва Ғ.Ғулом ҳамкорлигида ёзилган "Жалолиддин" драмаси ҳақида" номли тақриздир. Бу тақриз тарихий жанрдаги драманинг қатор муҳим муаммоларини кўтариб чиқиши жиҳатидан, наинки уруш даври, балки умуман ўзбек танкид тарихида муҳим аҳамиятга эгадир. Унда эътироф этилишича, драмада "...Ватан ўғилларининг эрк, мустақиллик, номус ва шараф учун бошлаган қураши ёрқин маънодор драматизм билан тўла ҳаяжонли картиналарда гавдаланади".

Ўтган асрнинг 50-йилларига келиб баъзи тақризчиларнинг бир-бирлари билан мунозара қилишга киришган ҳоллар ҳам учрайди. Жумладан, "Шарк юлдузи" журналида Ғ.Ғулом, Шухрат, Зулфия, Мирмуҳсин, Ҳ. Ғулом, С.Зуннунова, С.Акбарий, Ж.Жабборов поэма ва тўпламлари ҳақида тақризлар эълон қилинган. Бу тақризларда замонавий ҳаёт воқеаларини ақс эттириш қучайиб бораётгани таъкидланди. Замонавийликни ақсар ҳолларда замонасозлик сифатида талқин этган тақризчилик жиддий чекланишга ҳам йўл қўйди.

50-йилларнинг ўрталаридан адабий танкидга қатор янги ижодий қушлар келиб қўшилди. 60-йиллардан ғоявий-эстетик таҳлилга эътибор қучайди. Даврдаги янгича руҳ мунаққидлар ижодида ҳам тобора

ёркинлашиб кўрина бошлади. "Синчалак", "Мукаддас", "Кора кўзлар" сингари асарларга ёзилган тақризларда маҳорат ва услуб таҳлили, асарнинг бадий-эстетик моҳиятини очиш марказга қўйилди.

Баъзи танқидчиларда юксак дид, билим билан бир каторда журъат етакчи аъмол сифатида намоён бўлди. О.Шарафиддиновнинг "Тобутдан товуш" драмасига муносабати ўзбек тақризчилигининг яхши намуналаридан бири сифатида танқидчилик тарихига кириб қолди.

Ўзбек адабиётида "Ўткан кунлар", "Сароб", "Навоий", "Чинор" "Улуғбек хазинаси" сингари асарлар тилга олинаши билан уларга биринчилар каторида муносабат билдирган, маълум маънода уларни ҳатто химоя қилган танқидчиларни алоҳида эътироф этиш тўғри бўлади. Бу романларни теран таҳлил этган, асар жозибасини ўзларидаги гўзаллик туйғуси билан уйғунлаштириб айтган М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, У. Норматов каби танқидчиларнинг тақризлари ёшлар учун маҳорат мактабидир.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, тақриз ҳам бадий асар оркали илмий-эстетик ҳақиқат учун курашувчи ва шу ҳақиқатни яратувчи воситага айлана олсагина, давр синовларига дош бериб, авлоддан авлодга етиб боради.

Тақриз жанрининг эстетик тафаккур тараққиётидаги ўрни. Тақриз-танқидчи каламининг кайроғи, "танқиднинг тиконли гули" (И. Гафуров) танқидий баҳонинг ҳаракатдаги жонли ўлчовидир. Ана шу мезонлар ўлмас тақризлар яратилишига асос бўлади. Бу жанрда мунаққид санъаткорлиги, ўзлиги, диди аниқ юз оча бошлайди. Бунини М.Қўшжоновнинг: "Мунаққид учун бош йўналиш тақриз бўлиши керак. Бешта, ўн тақриз доим иккита-учта жиддий мақолага материал беради", деган эътирофи катта ижодий тажрибадан тўғилган хулосадир¹⁷⁰.

"Навоий" романига биринчилардан бўлиб тақриз эълон қилган машҳур шарқшунос олим Е.Э.Бертельс асарга юқори баҳо бериб шундай ёзган эди: "Роман Навоий даврини ажойиб акс эттирган ва Навоий образини ҳаққоний тасвирлаган. Романнинг катта муваффақияти шундаки, унга киритилган барча воқеалар бизгача етиб келган тарихий ҳужжатлар билан тасдиқланади. Роман катта бадий қиммати билан ажралиб туради". Гарчи кейинчалик романга турли муносабатлар билдирилган бўлса-да, Бертельснинг тақриси адабий жараён ривожига ва ёзувчи маҳоратининг эътирофида катта роль ўйнади.

XX асрнинг 40-йилларида бу жанрнинг ривожига фаол таъсир этган ўзининг "Тирик Алишер" деб номланган тақризида М.Шайхзода "Навоий" романига шундай баҳо беради: "Ўйбек романида "кўз олдимизда тирик Алишер ўзининг кайғу ва ғзаби билан доимо хушёр кўзларини муҳитга тикиб, мамлакат бўйлаб юради. Бу романнинг фазилати шундаки, у

тарихимиздаги олижаноб хислатлар-одампарварлик, меҳмондўстлик, садоқат, илм ва меҳнатга ихлос, гўзаллик туйғуси каби анъаналарга қасида ўқийди: ўзбек халқини бир халқ каби характерлайдиган ижобий хусусиятларнинг манбаларини қуйлайди. Бу хусусиятларни ўзида мукаммал жамлаган киши эса тарихимизда Алишер Навоийдир.

Ойбекнинг "Навоий" романи "Ўзбек халқидаги гуманистик хислатларнинг шажараси, улғуворлик ва олийжаноблик одатларининг тарихий васикасидир. Ойбекнинг шу романи ўзбек адабиётида, шубҳасиз, янги бир саҳифа, яна тўғриси айтганда, янги бир бобдир". Кўчирманинг ўзиёқ М.Шайхзода тақризининг аниқ ва асосли фикрларга бойлиги, теранлиги, асарга аниқ баҳо бера олиши, илмийлик билан бадийликнинг омукталиги, тилидаги айрича лафос ва ҳоказолари билан ўзбек танқидчилигида тақриз жанрининг такомиллашиб бораётганини кўрсатади.

Тақриз ҳам худди танқиднинг ўзидек - бир хил текис йўлни босиб ўтгани йўқ. Санокларга эътибор берилса, адабиётимиз хазинаси гўё нодир ва мўъжиза асарларга "тўлиб кетгандай таассурот уйғонади". Бу иллатнинг юзага келишида тақризнинг ўрни ҳам оз эмас. Тақризчиликда офаринбозлик, кўтар-кўтарчилик, юзакчилик, замонасозлик, мавзупарастлик етакчилик қилган ҳолатлар оз бўлмади. Адабий жараёни кузатсангиз, газета-журналлар таҳламларини варақласангиз ўртача, ҳатто яроқсиз асарларга ҳам қасиданамо мактов тақризлар босилганининг гувоҳи бўласиз. Лекин ўзбек танқидчилиги доимо шундай тақризлар куршовидагина қолиб кетгани йўқ. Истеъдодли, ҳалол ва жонкуяр танқидчилар ўз тақризларида доимо принципиал бўлишга интилдилар.

Маълум даврда авж олган офаринбозлик шароитида ҳам М.Қўшжоновнинг "Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа", О.Шарафиддиновнинг "Ҳаёт-ийлик жозибаси, схематизм инерцияси", Н.Худойбергеновнинг "Япроқлар бор, илдилар-чи?" сингари жиддий тақризлар пайдо бўлди. Булар адабий танқид учун нақадар зарурлигини исботлашга асос бўла олади.

Тақриз таснифи. Тақриз муайян маънода истеъодларни, бадий асарни қайта кашф этади, ҳам каш этилган талантларнинг ишонч кучини мустаҳкамлайди. Китобхонларда бадиятнинг англаш ва ҳис этиш туйғусини тарбиялайди.

Тақриз жанри сон ва сифат жиҳатидан ўзгара бошлади, шу жиҳатдан унинг, асосан, олти хил ички кўринишга эга. Уларнинг ҳаммаси учун бадий асарга баҳо бериш ва уни ташвиқ этиш муштарак хусусият ҳисобланади. Тақриз ўз олдидagi вазифани бажаришда ранг-барангликка эришиш, таъсир эффектидаги турли нукталарни жонлантириш ҳамда ёзилиш манерасига кўра хилма-хил ички кўринишлар тасниф этилиши мумкин:

1. *Тезкор тақриз* асарга лўнда, қисқа баҳо беради, асарнинг янгилигини нимадан иборат эканлигини кўрсатади.

2. *Монографик тақриз* асарни чуқур га атрофлича ўрганади, ҳажм

¹⁷⁰ «Жаҳон адабиёти», 2004, № 1, - б. 13.

жихатидан йирик.

3. *Шарҳ-тақриз* асар мазмунини шарҳлаб баҳолайди.

4. *Хабар-тақриз*да дарак бериш руҳи етакчилик қилади.

5. *Мактуб-тақриз*да мактубга ва тақризга хос хусусиятлар ўзаро синтезлашади.

6. *Оғзаки тақриз* - баҳо ва баённинг оғзаки тарзда ифодаланиши билан характерланади.

Тақризчиликнинг бундай ички шакллари билан қай даражада ва қандай йўсинда фойдаланиш танкидчи маҳорати бағлиқ. Тақризчи ўзи ёзаётган ишнинг мазмун ва шаклдаги диалектик бирлигини қай тартибда жойлаштира билишини ҳисобга олмоғи даркор. Тақризчининг бадий асарга ижтимоий муносабатидан ташқари ўз шахсий муносабати, диди, туйғулари, таъсирланиш даражаси муҳим ўрин тутди.

Бадий асар муаллифи қалби билан тақризчи қалбидаги тўлкинлар тўғёнлар ўзаро туташган жойда бадий асардаги афзалликларни, назокатларни ёритиб турувчи янги тўлкинлар, янги нурлар пайдо бўлди. Асардаги ҳамма ҳам пайкайвермайдиган, сезавермайдиган нозикликларнинг очилиши китобхонларни илҳомлантириш билан бир қаторда, ўз навбатида ёзувчи(лар)ни ҳам илҳомлантиради, асар ҳақида айтилмаган янги гапларни айтишга ундайди.

Демак, ҳар бир асар ўзича айрим бир дунё экан, унга қараш йўллари ҳам ўзига хосдир. Шундан келиб чиқиб, турли асарга ёзилувчи тақризнинг шакли ҳам ранг-баранг бўлиши табиийдир. Шу маънода тақриз кишига таъсир этиши, руҳлантириши, ўйлатиши, ишонтириши, унда янги фикр уйғотиши лозим. Бунга, шубҳасиз, ижодий изланиш, тинмай меҳнат қилиш орқали эришилади. Шу ўринда М.Қўшоновнинг бир хилдаги тақриزلарга муносабатини ифодаловчи тубандаги фикрларини келтириш фойдадан холи бўлмас: "Кўп тақриزلар бир хилда, бир схема асосида ёзилган бўлиб, баёнчиликдан нарига ўтмайди. Баъзан ғоявий-бадий хусусиятлари бир-биридан тамоман фарқ қилувчи асарлар шу тахлитда тақриз қилинадик, ўзбек ёзувчилар бир-биридан кўчириб олмаётганмикан, деган таассурот туғилади!".

Тақриз асарга ижодий ёндошиб, унинг фазилатлари ва қусурларини кашф этиш, бундан ташқари асардан узоқлашмаган ҳолда ўз фикр-туйғулари билан уни бойитишдир. Масалан, рассом полотноси битта. Уни назардан ўтказган ҳар бир киши асарнинг туб моҳиятидан ташқари, унинг ҳар бир нуктасидаги гўзалликни ўзича кашф этади ва баҳолайди ҳамда уларни ўз таассуротлари билан янада бойитади. Шундай экан, ҳақиқий мусаввирнинг бир рангтасвир асарига ҳеч қачон буткул бир хил баҳо бериб бўлмайди. Қанча киши кўрса, унга шунча ранг-баранг баҳо бериши мумкин. Бадий асарга ёзилувчи тақриз ҳам, шартли равишда шунга ўхшаб кетади. Демак, тақриз ижодий изланишлар самараси бўлмоғи керак.

Тақризнинг қуйидаги: асарга тезкорлик билан баҳо бериш, унинг

ёзувчи ижоди ва адабий жараёндаги ўрнини кўрсатиш; ташвиқий моҳиятга эгаллик, китобхонга янги асар ҳақида маълумот бериш ва унинг эстетик тасаввурини бойитиш каби етакчи жанрий белгилари мавжуд. Тақризда қисқа таҳлил орқали асарга ва унинг моҳияти ҳамда бадийлигига берилган баҳо етакчи унсур ҳисобланади. Унинг алоҳида хусусиятларидан бири - "танкиднинг тиканли гули" (И.Ғафуров) сифатида асарнинг камчиликларини очиб беришга хизмат қилишидир.

Барча ижодий ишда виждон ва масъулият зарур, албатта. Лекин тақризда унинг ўрни нихоятда ёрқинлик билан билиниб туради. Тақризда ҳам виждонан, ҳам билимдонлик ва масъулият билан амалга оширилган таҳлил зарур.

Барча ижодкорларга, лекин ёш - ижодкорларнинг асарларига тақриз ёзиш, айниқса, масъулиятлидир. Ёшлар ижодига эҳтиёткорлик билан ёндошиш талантни авайлаш, талабчанликни сусайтирмаган ҳолда унга меҳр ва тавозе кўрсатиш тақризнависнинг бурчи бўлмоғи керак. Айни вақтда, ёшлар ижодига ортикча баҳо бериш, хушомаддан тийила билиш ҳам ана шу бурч ичида эканини ёдда тутмоқ ўринлидир. Шу маънода ёзувчи А.Қаҳҳорнинг бир қанча умидли истеъдодларга муносабатини, улар асарларига ёзган ихчам тақриزلарини эслаш ўринлидир. Вақтида Абдулла Қаҳҳор Саид Аҳмад, О.Шарафиддинов, А.Орипов, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов каби ёш истеъдодлар ижодига тўғри баҳо бера олган эди.

Танкидчи қайси жанрга мурожаат этишидан қатъий назар, унинг асари бетакрор хусусиятларга эга бўлиши, унда ҳам, мазмун ва шакл уйғунлиги таъминланиши зарур. Бу фикр тақризга ҳам тегишлидир.

Таянч тушунчалар: тақризнинг луғавий маъноси, истилоҳий маъноси тақриз-ҳозиржавоб эстетик баҳо; тақриз-бадий оламига "разведка" воситаси; тақриз ва матбуот муносабати; тақриз-шарҳ, тақриз-баҳс, монографик тақриз.

Мавзунини мустахкамлаш учун саволлар :

1. "Тақриз" истилоҳининг луғавий ва истилоҳий мазмунини изоҳланг?
2. Тақризнинг жанрий табиати баҳо хусусиятлари нимада?
3. Тақризчиликнинг келиб чиқиш омиллари ҳақида нималарни биласиз?
4. Илк тақриزلар қачон пайдо бўлган? Улар кимларнинг қаламларига маъсуб ва қанақа хусусиятларга эга?
5. Ўзбек тақризчилигида у ёки бу асарларга баҳо беришда қандай тамойилларга амал қилинган?
6. Тақризнинг қандай кўринишлари мавжуд?
7. Дастлабки тақриз-шарҳ ким томонидан яратилган?
8. Тақризнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни қандай кечган?
9. Ўзбек тақризчилиги таснифоти ва ички турлари ҳақида нималарни биласиз?

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Адабиёт ва санъат. Тўплам. Т.: АСН. 1988.
2. Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. Т.: Фан, 2009.
3. Намозов М. Танқиднинг алвон туғи. "Ёшлик", 1987. №-2. – Б. 73-75.
5. Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 14-том. Т.: Фан, 1979.
6. Расулов А. Такризни химоя қилиб // "Шарқ юлдузи". 1988, № 4. – Б. 192-194.
7. Умуров Х. Таҳлил санъати. Т., 1978.
8. Қўшжонов М. Сайланма. Икки жилдлик. Т., 1989.

АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ МАҚОЛА

РЕЖА:

1. Мақола истилоҳи ҳақида, мақола жанрининг табиати.
2. Адабий-танқидий мақоланинг таснифи.
3. Адабий-танқидий мақоланинг эстетик тафаккур тараккиётидаги аҳамияти.

Мақола истилоҳи ҳақида, мақола жанрининг табиати. Адабий танқиднинг фаол жанрларидан бири мақола бўлиб, у такризга нисбатан ҳажман катталиги, таҳлил ва тадқиққа тортилган адиблар, асарлар ва муаммолар қўламининг кенглиги, замон ва макон масаласидаги ҳослик каби хусусиятлари билан ажралиб туради.

Мақола асли арабча сўздан олинган бўлиб, луғавий жиҳатдан фикр билдирмоқ, айтилган сўз каби маъноларини билдиради. Истилоҳий жиҳатдан "Адабиётшунослик терминлари луғати"да мақола "Газета ва журналлар учун кундалик муҳим ижтимоий-сиёсий, маданий ва адабий ҳаёт масалалари тўғрисида ёзилган публицистик асар"¹⁷¹ деб изоҳланади. Бунда мақоланинг ахборот беришга мўлжалланган йўналиши кўзда тутилган. Кундалик матбуотда ёритилувчи кенг маънодаги мақолалар кўпчиликка мўлжалланиб, ҳаммага тушунарли тил ва марокли услубда ёзилиши билан характерланади ва, асосан, журналистик фаолият ҳосиласи ҳисобланади.

Араб тилидан ўзбек тилига кириб, ўзлашиб кетган «мақола» сўзи ҳозир ҳам ўзининг қадим маъносини сақлаб қолган. Лекин энди мақола газета ва журналлар, турли хил тўпламлар, китоблар нашр этиш ҳамда матбуот тарихи билан боғлиқдир. Шунга кўра газета, журнал, тўпламларда нашр этиладиган сиёсий, илмий, публицистик, ижтимоий характердаги ва умумлаштирувчи кучига эга асардир. Шундан келиб чиқиб, мақола

мавзуси, мазмуни, моҳияти, мақсадига қараб, сиёсий мақола, илмий мақола, публицистик, адабий-танқидий мақола каби ички кўринишларга эга. Сиёсий ва публицистик мақола кундалик матбуотга дахлдор сиёсий-ижтимоий моҳиятга эга бўлса, илмий мақола фаннинг турли соҳаларига оид тадқиқотлар мазмунини ифодалаши билан ажралиб туради.

Адабиёт соҳасидаги тадқиқотларга тааллуқли мақола адабий-эстетик қарашларни ифода этади. Бундай мақолаларда бирор асар ёки адабий муаммо таҳлил қилиниб, шу жараёнда келиб чиққан илмий-эстетик ҳулосалар ёритилади. Шу хусусиятига кўра бу хилдаги мақолалар адабий-танқидий мақола деб юритилади. Ҳар қандай адабий-танқидий мақолада ўрганилаётган муаммо изчил илмий мушоҳадага, образли руҳга, кучли муайян пафос ва эҳтиросга суянилган ҳолда таҳлил қилинсагина, танқидчининг бадий асар ҳақидаги фикрлари ёрқинлашиб, китобхонга таъсир этадиган даражада аниқ ва ўқимишли бўлади.

Адабий-танқидий мақоладан мантикий изчиллик талаб қилинади, албатта. Бирок, у аниқ фанлардаги даражада изчил бўлмаслиги мумкин. Бунинг сабаби, адабий танқиднинг бадий тафаккур билан алоқадорлиги туфайлидир. Яъни, танқидчи кези келганда, ўрнига қараб фикр юритаётган муаммо ва масаладаги ҳақиқатга зид келмаган равишда мушоҳада ва фикрлашда бадийликдан унумли фойдаланиши мумкин. Бу бадийлик, фикр юритаётган асар ёки масаладаги ўзига ҳосликка ёхуд улар ҳақидаги мунаққиднинг ўзига ҳос қарашларини, ички дунёси ва кийфасини очишга бўйсундирилган бўлади. Ҳозирги тушунчамиздаги илк адабий-танқидий мақола дастлабки ўзбек матбуоти намунаси – "ТВГ"да XIX аср 80-йилларида кўрина бошлади. Ўшанда, таъкидлаш жоизки, газетада чоп этилган мақолаларнинг кўпчилиги публицистик характерга эга эди. Мазкур мақолалардаги адабий-танқидий фикр оқимида рус адиблари асарларини ўзбек тилига таржима этиш зарурияти қайта-қайта таъкидланганини кузатиш мумкин.

"ТВГ"да босилган дастлабки адабий-танқидий мақолаларнинг аксарияти Фуркат ва Иброҳим Давронлар қаламига мансуб. Масалан, Фуркат театр томошасини кўриш натижасида туғилган мулоҳазаларини баён қилар экан, бу санъат турининг ўзига ҳос фазилатларини очиб беришга ҳаракат қилади. Адабий танқиднинг асосий моҳияти ва унинг адабиётшуносликдан ажралиб турувчи хусусияти-бадий асарларни яратилган давридаёқ ҳозиржавоблик билан тезкор ҳолда ўрганилиши ва талқин этилиши назарда тутилса, Фуркатнинг бу фикрларини танқид жанрининг айрим талабларига жавоб бера олувчи дастлабки фикрлар сифатида баҳолаш мумкин¹⁷².

Бу адабий-танқидий мақолаларнинг кўпчилиги публицистик характерда. Улар орасида ўзбек шоирлари ҳақида ёзилганлари нисбатан

¹⁷¹ Ҳомидий Х. ва б. Адабиётшунослик терминлари луғати. Т., 1967.

¹⁷² Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. Т.: Фан, 1979. - Б. 7.

камрок бўлиб, аксарияти рус адаблари: А.С.Пушкин, Н.В.Гоголь, И.С.Тургенев, Л.Н.Толстой, А.П.Чехов ва улар асарлари ҳақидаги маълумотлардан иборат. Мазкур мақолалардаги адабий-танкидий фикр такомили учун кимматли маълумотлардан бири—рус адаблари асарларини ўзбек тилига таржима этиш заруриятининг қайта-қайта таъкидлаш бўлса, иккинчиси, уларда ўзбек адаблари учун янги типдаги бадий тафаккур ҳамда янги типдаги жанр, қаҳрамон, муаммо ҳақидаги дастлабки маълумотларнинг етказилишидир.

20-йилларга келиб адабий-танкидий мақолалар мундарижаси бирмунча тиниклашди ва аниқроқ йўналишларда зохир бўла бошлади. Уларда маҳорат масалаларини таҳлил этиш кўзга ташланди. Чунончи, А.Қодирий бир қанча мақолаларини А.П.Чехов ижодига бағишлайди. У моҳир рус ёзувчисининг хикоянавислик маҳоратини таҳлил қилишга интильди.

Ўзбек танкидчилигида XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб бу жанрни ривожлантиришга Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий каби ижодкорлар билан бирга А.Саъдий, О.Шарафуддинов, Вадуд Маҳмуд, Отажон Ҳошим, С.Хусайн каби мунаққидлар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Уларнинг адабий-танкидий мақолалари бу жанрга қўйиладиган қатор талабларга жавоб бера олиши билан диққатга сазовор.

Адабий-танкидий мақоланинг таснифи. Бадий адабиётдаги барча жанрларда бўлганидек, адабий танкид жанрларида, жумладан, адабий-танкидий мақолада ҳам образлилик, композиция муҳим роль ўйнайди. Масалан, Жулқунбой “20-йилда қулдиргувчиларимиз” (1926) мақоласи мазмунини ҳам, шаклини ҳам худди ҳажвий-бадий асар йўсинида тузишга ҳаракат қилади. Усмонхон эса, “Мунаққиднинг мунаққиди” (1927) мақоласини Ойбекнинг Чўлпон ҳақидаги мақоласида илгари сурилган фикрлар билан баҳсга киришиш асосига қуради. Ҳ.Ёкубов “Ойбек ва унинг шеърлари” (1929) мақоласида илк бор ёш шоирнинг шу йиллардаги асарларига обзор беришни мақсад қилиб қўяди.

А.Саъдий вульгар социологизмдан холи бўлмаган “Адабий асарни қандай ўрганиш керак?” (1932) мақоласида танкид методологиясига доир қарашлари билан ўртоқлашади. Шайхзода эса “Камбағаллар куйчиси” (1932) мақоласида ўзбек китобхонларини илк бор Беранже ижодиёти билан таништиради. Ойбек ўзининг “Сўнгги йиллар ўзбек поэзияси” (1933) мақоласини янги босқичда янги йўналиш касб этаётган ўзбек шеърятини таҳлиliga бағишлади.

Бу мақолаларнинг ҳеч қайси бири на композицияси, на тузилиши жиҳатидан бир-бирига ўхшамайди, бир-бирини такрорламайди. Ўзбек танкидчилиги ана шу ижобий анъаналарни ўзлаштириш йўлидан борди.

Масалан, М.Қўшжоновнинг «Ҳаёт ва қаҳрамон» (1979) китоби адабий мақолалардан ташкил топган. Унда «Характер эволюцияси» деб номланган тадқиқот Ойбекнинг «Қутлуг қон» романи таҳлиliga бағишланган бўлиб,

бир неча қисмлардан ташкил топган. Бу ўзбек танкидчилигининг тажриба ортгани сари мақола жанрининг мураккаб шакл ва турларига мурожаат эта бошлаганини кўрсатади.

Шу китобдан «Ўзбек аёлининг уйғониши» деб номланган мақола ҳам ўрин олган. У Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романи таҳлиliga бағишланган. Унда романнинг асосий ютуқлари, асар қаҳрамонларининг шаклланиш жараёни, баъзи қусурлари ҳақида фикр юритилади.

«Ёшлар қалби» деб номланган мақолада О.Ёкубовнинг «Муқаддас» қиссаси таҳлил этилади. Ҳажман кичик бу мақолада асарнинг ўзига хос томонлари кўрсатиб берилади. Қўринадики, М.Қўшжонов деярли ҳар бир мақоласида мақсаддан келиб чиқиб, мақола жанрининг турли қўриниш ва шаклларига мурожаат этади. «М.Қўшжонов мақоллари пухта ўйланган, изчил композицияга эга. Унда бошдан-охиригача давом этувчи муайян бош муддао мавжуд бўлиб, муаллиф ана шу йўналишни кизикарли таҳлилий муҳокамалар, фавқулодда янги фикрлар билан аста-секин ривожлантириб боради. Бу услуб бадий асарлар сюжети ривожидagi “кизиқтирувчанлик” хусусиятини эслатади»¹⁷¹, деганида О.Тоғаев ҳақдир. Худди шу кизиқтирувчанлик мунаққиднинг деярли барча мақолаларидаги асосий хусусиятни ташкил этади.

О. Шарафиддиновнинг «Ҳақиқатга садоқат» (1989) китобига кирган адабий-танкидий мақолалар ҳам композицион қурилиш жиҳатдан турли қўринишда. Баъзилари обзор шаклида («Шеър кўп, аммо шоир-чи?»), баъзилари монографик характерда («Иккинчи чўққи»), баъзилари портретга чизгилар шаклида («Чўлпоннинг ижодий йўли»), баъзилари эса тақриз характерида («Ҳаққуш хикматлари») каби.

Ўзбек танкидчилигида адабий-танкидий мақоланинг, асосан, уч турн кенг тарқалганини қўриш мумкин:

1. Портрет- мақола.
2. Обзор мақола.
3. Муаммоли мақола.

1. Портрет-мақоланинг шаклланиши ва тез тараққийси XXаср бошларидаги давр талаби билан белгиланади: ҳаёти ва ижоди кам ўрганилган ёзувчи ва шоирлар, улар ҳақидаги маълумотларнинг тарқок ҳолда экани санъаткор ҳақида яхлит ва умумлашма характерда маълумотлар берувчи у ёки бу жанрнинг илк намуналарини яратиш заруриятини келтириб чиқарди.

Ўзбек адабиётшунослигида портрет йўсинидаги мақолалар XX асрнинг бошларида пайдо бўлди. Масалан, Иброҳим Даврон “ТВГ” нинг 1908 йил 5-сонидa Ибрат таҳаллуси билан ижод этган Исҳоқхон тўранинг фаолиятига бағишлаб мақола ёзади. Муаллиф Исҳоқхоннинг серкирра ижтимоий фаолияти билан бир қаторда, адабий фаолиятига ҳам юқори

¹⁷¹ Тоғаев О. Ибратли сабоқлар. Т.: 1987, - Б. 209.

баҳо беради, шу билан бирга ижодкор ҳақида умумлаштирувчи маълумот беришнинг ўзига хосликлари ҳақида ҳам гапириб ўтади.

Портрет-мақола намуналари яратишда Фитрат, Чўлпон, Вадуд Маҳмуд фаоллик кўрсатдилар. Улар ҳаёт йўли, ижоди умумлаштирилган ҳолда кам ўрганилган мумтоз шоирлар ва замондош ижодкорлар портретини яратишга эътибор қаратдилар. Шу тарзда ўзбек танқидчилигида портрет-мақола, кейинчалик улар асосида адабий портрет яратиш анъанавий тус ола борди.

Портрет-мақола, асосан, икки хил мақсад билан яратилади:

1. Ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқа бўлса-да, таҳлил асосидаги умумлашма маълумот бериш. Бунга Фитратнинг Турди, М.Солих, Вадуд Маҳмуднинг Навоий ва Фузулий, Ойбекнинг Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон каби ижодкорлар ҳақидаги портрет-мақолалари мисол бўла олади.

2. Ижодкор портретига оид чизгилар берилиб, кейинчалик тўлиқ адабий портрет яратишга замин ҳозирлаш. Бундай ижодий изланиш кейинги даврларда қарор топиб, такомиллашаётир. Жумладан, О.Шарафиддинов адабий портретларининг кўпчилиги шу тарзда яратилган. Шу боисдан адабиётшунос А.Расулов О.Шарафиддиновга бағишланган китобида “мақола-портрет”, “мақола-эскиз” сингари истилохларни ишлатди.

Ўтган асрнинг 20-йиллари яратилган портрет-мақолалар унинг жадал суръатлар ўзлаштира бошланганини кўрсатади. Уларда илмийлик билан маърифийлик, эҳтирос билан пафос ўзаро синтезлашади. Портрет-мақола шаклланишига мунаққидлар Вадуд Маҳмуд, Абураҳмон Саъдий қатори адиблар Чўлпон, Фитрат ҳам баракали ҳисса қўшдилар. Портрет-мақолага асос бўлган ижодкор ҳақидаги маълумот, кузатиш, таҳлилни яхлит ҳолда умумлашга интилиш йилдан-йилга такомиллашиб борди. Асосий мақсад: а) киёфаси ёритилаётган адиб таржимаи ҳолини ойдинлаштириш; б) муҳит ва адиб алоқадорлигининг ижодга таъсирини кўрсатиш; в) асарлар тадқиқи ва таҳлилни санъаткор киёфаси билан уйғунлаштириш; г) адабий жараёндаги ўрнини аниқлаш каби масалаларга урғу бериш.

Ўзбек танқидчилигининг кейинги тараққиёти XX аср 20-йилларидан шаклланган портрет-мақолалар янги йўсинларда такомиллаша бorganини кўрсатади. Улар ёзилиш мақсадига кўра турлича гуруҳлаш мумкин: а) ҳаёт бўлган шоир ёки адибнинг юбилейи муносабати билан; б) ижодкорнинг бирор китоби нашр этилиши муносабати билан сўзбоши шаклида ёзилган портрет-мақола; в) шоир ёки адиб вафотидан сўнг муайян саналарнинг нишонланиши муносабати билан; г) мукофотланиш ёки тақдирланиш муносабати билан ёзилган портрет мақола. Жанр моҳияти, ривожини Ойбекнинг портрет мақолалари мисолида кўриш мумкин¹.

Танқидчиликда, баъзан мақола, портрет ва танқидий-биографик очерк

жанрларини аралаштириб юбориш ҳоллари учрайди. Чунончи, Л.Қаюмовнинг “Замондошлар” китобига кирган “Садриддин Айний”, “Ҳамид Олимжон”, “Собир Абдулла”, “Уйғун”, “Қомил Яшин”, “Иzzат Султон”, “Эркин Воҳидов” кабилар портрет-мақола бўлгани ҳолда бошқа адабий портретларнинг аксари бу шакл намунаси ҳисобланмайд. Чунки уларда шоир ёки ёзувчи ижоди ҳақида шунчаки маълумот бериш билан чегараланади, ҳолос.

Демак, адабий-танқидий мақоланинг муайян тури саналувчи портрет-мақоланинг асосий белгилари сифатида: а) тарихий-биографик ёндашув асосидаги ҳаёт ва ижод йўлини мухтасар кузатув натижасида ёзувчи киёфаси яратилиши; б) қисқача равишда бўлса-да, ёзувчининг ижодий киёфаси адабий-тарихий давр билан мустақкам алоқадорликда ўрганилиши; в) энг муҳими, юқоридаги хусусиятлар умумлаштирувчи характерга эга бўлиши лозим.

2. *Адабий-танқидий обзор мақолада* алоҳида бир адиб ёки бир неча адибнинг муайян босқичдаги ижоди; маълум бир адабий тамойиллар шаклланиши, такомиллашуви; унинг сабаб-оқибатлари, бу жараёнда муҳим роль ўйнаган адибларнинг асарларидаги ўзига хосликларни кўрсатиш; адабий жараённинг ўзига хосликларини очиш; мақсаднинг амалга оширилиши натижасидаги ҳулосаларни умумлаштириш; шулар асосида муайян тақлифларни ўртага ташлаш муҳим ўрин тутди.

Адабий-танқидий обзор мақола адабий танқиднинг узок тарихга эга ва, айни вақтда, доимо ўз фаоллигини намойиш этувчи шакллардан саналади. В.Г.Белинский ёқтирган ва моҳирлиги намойён бўлган мақола турларидан бири адабий обзор эди. У “1841 йил рус адабиёти”, “1842 йил рус адабиёти”, “Китоб дўконида эшитиб қолинган адабий гурунг” сингари қатор обзор мақолаларини завқ-шавқ билан ёзган. Унинг маҳорати шундаки, бунда у хронологик обзор яратадими, тематик обзорга қўл урадими, ўз олдига ҳақиқий санъат асарларини кашф этишни мақсад қилиб қўяди.

Ўзбек танқидчилигида обзор характерига эга бўлган хусусиятлар тарихан турли адабий гурунг ва суҳбатларда оғзаки тарзда ҳукм сурганини таъсидлаш ўринлидир. Адабий танқид тарихида А. Зоҳирийнинг “Олти йиллик ўзбек адабиётига бир қараш” (1924), А. Саъдийнинг “Олти йил ичида ўзбек шеърини адабиёти” (1924) сингари мақолаларини ҳозирги тушунчадаги дастлабки адабий-танқидий обзор мақолалар сифатида қайд этиш мумкин.

Адабий-танқидий обзор мақола қай бир нуқтада тақриз жанри хусусиятларини ўзига сингдирса-да, хос фазилатлари билан ундан жиддий фарқ қилади. Бу, хусусан, унда бир вақтнинг ўзида маълум бир даврда ёзилган бир қанча асарлар таҳлилга тортилишида аёнлашади. Уни ёзиш учун аниқ бир давр ва ўша даврда яратилган асарлар ҳисобга олинади. Бир мунаққид муайян бир муддат йил, босқич, давр лирикасини обзор қилса,

¹ Бу ҳақда қarang: Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. Т.: Фан, 2008.

бошқаси наср ҳақида шундай обзор ёзиши мумкин. Ёхуд у ёки бу адабий жанр, муаммо, мавзу, услуб, қаҳрамон типининг тадрижга ҳос хусусиятлар ўрганилиб умумлаштирилиши, обзор қилиниши мумкин.

Такризда биргина асар хусусида гап кетса, обзор мақолада бутун бир йил, босқич, давр ёки аниқ бир жанрга мансуб асарларга муносабат билдирилади. Обзор мақола ёзиш учун замон категорияси зарурий шартлардан бири ҳисобланади. Чунончи, М.Қўшжоновнинг "Маъно-маҳоратнинг бош масаласи" деб номланган обзор мақоласида 1972 йилда яратилган насрий асарлар ҳақидаги мулоҳазалар умумлаштирилади.

О.Шарафиддиновнинг "Йиллар ва йўллар" мақоласида шўро давридаги ўзбеке шеърятининг деярли ярим асрига обзор берилди. О.Шарафиддинов жаҳон адабиёти туркумидаги 200 жилдлик мажмуанинг босилиб чиқиши муносабати билан ёзилган обзор мақоласи билан жаҳон адабий танқидчилигидаги обзор мақола тушунчасини янгиледи ва унинг янги тип сифатида адабий танқидчилик тарихидан муносиб ўрин эгаллади.

Обзор мақолада жонли адабий жараёни, ундаги янгиликлар, курашлар, ҳолатлар, интилишларни таҳлил қилар экан, айтиш вақтида, ҳақиқий санъат асарларини кашф этишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Обзорчи маълум чегарадаги, доирадаги асарларни ўрганишдан катъий назар, унинг ҳулосалари бу чегара доирасида анча ташқарига чиқиши билан ажралиб туради. Обзор яратишнинг қийин томонлари ҳам кўп. Обзорчи, аввало, жаҳон адабиётидаги, аниқроғи, дунёдаги ривожланган адабиётларни яхши билиши; иккинчидан, замонавий йўналиш тамойилларидан хабардор бўлиши; учинчидан, инсоннинг янги-янги қирраларини тасвирлаётган улуг ижодкорлар изланишларини зийраклик билан кузатиб бормоғи ва ниҳоят, тўртинчидан, ўз адабиёти тарихи, ҳозирги адабий жараёнини яхши билиши шарт. Шундагина замонлар ўтиши билан эскирмайдиган, бадий ижод қонуниятлари ҳақидаги фикрлари билан китобхон диққатини жалб эта оладиган адабий-танқидий обзор мақолалар яратилади. Демак, обзор муаллифдан катта ва чуқур билимни талаб қилади. Шунинг учун ҳам унга ҳар бир, ҳатто анчагина эътиборли мунаққидлар ҳам мурожаат этавермайдилар. Фақат санок ва эътирофлардан иборат бўлган мақола ҳақиқий обзор мақола бўлолмайди. Унинг ҳам барча масалалардаги каби ўз талаблари бор. Ана шу талабларга жавоб бергани обзор мақола санала олади.

Обзор мақоланинг ўзи ҳам характери ҳамда ижтимоий-эстетик табиатига кўра бир неча хил экани кўзга ташланади:

А) **Хронологик обзор:** Бунда маълум йиллар (даврлар)га онд адабий жараёнга ҳос тамойилларни умумлаштириш назарда тутилади. Ўзбек танқидчилигининг кейинги 30-35 йиллик тараққиётида хронологик характердаги адабий-танқидий обзор мақола етакчилик қилди. Ҳар йили Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида наср, шеърят, драматургия, болалар

адабиёти, адабиётшунослик ва танқид, таржима адабиёти шўъбаларининг йиллик муҳокамаси бўлади, адабиётдаги аҳвол турли муаммолар нуктаи назаридан сарҳисоб қилинади.

Шундай мунаққидлар борки, йиллик обзор муносабати билан босиб ўтилган йўлга назар ташлайди; янгиликларни китобхон кўз ўнгига гавдалантиришга, адабиёт ривожига тўсқинлик қилаётган нуқсонларни кўрсатишга интилади. И.Ғафуровнинг 1973 йил насри ҳақидаги "Насримизнинг бугунги тенденциялари", У.Норматовнинг "Бугунги адабиётимизнинг таҳлил ва талқини" каби обзорларида давр билан боғлиқ айрим чекланишлар кўзга ташланса-да, муваффақиятли асарларни чуқур таҳлил қилиш, ёш ижодкорлар изланишларидаги янгиликлар моҳиятини очишга интилиш яққол кўриниб туради.

Б) **Илмий-назарий обзор.** Бундай обзорларда илмий таҳлил, тадқиқ этилаётган асарларга даврнинг етакчи тамойиллари асосида ёндашув, асарга санъат мезонларига мувофиқ баҳо бериш, назарий ҳулосалар чиқариш хусусиятлари устуворлик қилади. Тўғри, ҳар қандай обзорга ҳам илмий-назарий таҳлил ва умумлашма чиқариш бегона эмас, хронологик обзорларда асосий эътибор адабий жараёнга хронологик ёндашув мажбуриятдан келиб чиқилган, жанрий обзорларда эса жанрлар алоҳида, айрим асарлардаги аҳвол обзори, мавзувий обзорларда эса мавзулар кўламидаги ранг-барангликни у ёки бу типдаги қаҳрамонлар, услублар обзорида ҳам, асосан, масалага шу муаммолар асосида ёндашиб, илмий-назарий ҳулосалар чиқариш етакчилик қилади.

О.Шарафиддиновнинг "Йиллар ва йўллар" асари илмий-назарий характердаги адабий-танқидий обзорнинг ёрқин намунасидир. Мақола 1966 йилда ёзилиб, мунаққид ўша пайтлар номлари тилга олинishi мумкин бўлмаган Чўлпон, У.Носир каби ижодкорлар ҳақида ҳақ гапларни айтишга интилди. Уйғуннинг ўша даврда машҳур бўлган "Бригадир Қарим", "Назир отанинг газаби", "Туласал" шеърларини шунчаки тилга олиб ўтиб, китобхон эътиборини шоирнинг табиат гўзаллигини қуйлаган шеърларига жалб этди. Унда бир қанча муаммоли масалалар кўтарилди ва 60-йиллар поэзияси юксаклигида туриб, ўзбек шеърятининг тараққиёт йўли кузатилади.

М.Қўшжоновнинг "Қайта қуриш ва ўзбек романи" мақоласи аниқ адабий муаммолар ёритилган илмий-назарий обзорнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Унда хронология ҳам, аниқ бир жанрда ёзилган асарлар обзори ҳам уйғун кечади. Обзорда танқидчи қиёфаси, билими, зукколиги аниқ кўриниб туради. Мухими, мунаққид мақолада турғунлик йилларидаги адабиёт ва танқиднинг нуқсонларини очик кўрсатиб беради. Обзор мақола ёзувчи танқидчининг таланти, айниқса, давр руҳини ақс эттирган, умуминсоний ва миллий муаммоларни кўтарган асарларни кашф этишда сезилади. Мунаққид Я.Қосимовнинг "Озодлик орзуси" мақоласини, шу типдаги мақолаларнинг ёрқин намунаси деб баҳолаш мумкин. Унда ўзбек

шеърлати янгича нуктаи назардан-Истиклол эстетикаси асосида обзор қилинади. Ўзбек шеърлати янгича тамойиллар, янги мезонлар асосида таҳлил қилинган бу обзор мақола ўзида ўзбек танқидининг янгилаётган сифатларини акс эттиради.

3. Адабий-танқидий муаммоли мақола адабиётшунослик ва адабиёт назариясини бойитадиган, уларнинг тақомилига фаол таъсир кўрсатадиган, танқидчиликнинг таянч ва етакчи кўринишларидан ҳисобланади. Унда илмий-назарий моҳият, тадқиқотчининг концепцияси муҳим аҳамият касб этади.

Муаммоли адабий-танқидий мақола ёзувчи ижодини, адабий жараёни, у ёки бу миллий адабиёт равнақини, унинг босқичларини, муайян бир илмий-эстетик муаммо нуктаи назаридан тадқиқ этади, тегишли хулосалар чиқаради. Ойбекнинг "Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-йиқитчиликка қарши ўт очайлик" (1933) мақоласи ўзбек танқидидаги муаммоли мақоланинг мумтоз намуналаридан бири саналади. Биринчидан, у давр адабий жараёнининг муҳим масалаларидан бири танқидчиликдаги аҳволни таҳлил этишга бағишланди. Иккинчидан, танқиддаги манзара умумий руҳда эмас, шу вақт танқидида ниҳоятда ўткир бўлиб турган: ўта сиёсий талаблардан келиб чиқиб, деярли ҳар қандай асарнинг танқид қилинавериши ва натижада, адабий танқидда юзага келган "ур-йиқитчилик" ва "дўппослаш"ни кескин фош этишга алоҳида эътибор берилди. Учинчидан, бу мақолада ўзбек танқидчилигида деярли илк бор танқидчининг фикрлаш маданияти деган муаммо кўтарилиб чиқилди ва унга мунаққидлар эътибори қаратилди. Тўртинчидан, ўзбек танқидчилигининг методологик асосларини тўғри йўлга қўйиш, адабий жараённинг муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланди.

Ойбекнинг яна бир "Сўнгги йиллар ўзбек поэзияси" (1934) мақоласида сўнгги босқич ўзбек шеърлатининг таракқиёт тамойиллари ўрганилар экан, муаллиф асосий эътиборини санъаткорнинг ҳаёт билан мустақкам алоқада бўлиши, ҳаётда ва инсон руҳиятида рўй бераётган ўзгаришларнинг уйғунлиги масаласига қаратади. Энг асосийси, шу масалалар талқини асосида ўзбек шеърлатидаги янгилаётган образлилик муаммосини мақола марказига қўяди.

Муаммоли адабий-танқидий мақола бирор асар поэтикасига бағишланиб, кўзланган илмий ҳодисани монографик характерда, бадий ижод эстетикаси асосида ёритувчи илмий-назарий баҳс шаклида ҳам бўлиши мумкин. Шу фазилатиға кўра, унинг икки кўринишда кенг тарқалган.

А) Баҳс характеридаги муаммоли мақола. Бунини ихчам "баҳс-мақола" тарзида ифодалаш аънамага айланган. Бунга Ойбекнинг "Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак?" ҳамда Усмонхоннинг "Мунаққиднинг мунаққиди" номли мақолаларини мисол келтириш мумкин. Бундай мақола баъзан суҳбат шаклида ўтказилгани учун «суҳбат-мақола» деб ҳам

юртилилади. Баҳс-мақола тадқиқот характеридаги илмий муаммоли мақолаларға нисбатан пассивроқ. Баҳс мақолалар кўпайиши илмий муаммоли мақолалар сифатини янада орттиради.

Б) Тадқиқот характеридаги муаммоли мақола. Уни ихчам холда "тадқиқот-мақола" тарзида ифодалаш аънамага айланган.

Иззат Султон ва Ҳ.Ёқубовларнинг Сотти Хусайн ва Отажон Ҳошим ҳақидаги мақолаларини ана шундай мақолалар сирасига киритиш мумкин. М.Осимнинг "Навоий ва Хусайн Бойқаро" (1941), Т.Жалоловнинг "Қора ўтмишнинг ёруғ ойнаси" (1941), Шайхзоданинг "Бобур ва Навоий" (1944) мақолалари ана шундай тадқиқот мақолага мисол бўла олади. Бундай мақолаларда илмий муаммони кенг ва ишонарли ёритиш, олимнинг субъектив қарашлари ва услуби, адабиёт илмидаги янги қарашлардан хабардорлиги диққатни тортади. Хусусан, М.Кўшжоновнинг ҳам шу характердаги мақолаларида мангикий изчиллик, илмий муаммо моҳиятини очиш кўзга ташланади. Муайян муаммо нуктаи назаридан асарға ёндашар экан, танқидчи диққатидан кичик деталь, кўп ҳам сезилавермайдиган тафсилот ва белги ҳам четда қолмайди. Чунончи, унинг «Характер эволюцияси» мақоласида санъаткорнинг қаҳрамон киёфасини яратишдаги ижодий жараён ўрганилади. Кўплар томонидан шу вақтгача таҳлил қилинган «Қутлуг қон» асари янгича нуктаи назардан таҳлил этилади. Натижада Ойбек яратган образлар, характерлар янгидан қолаверса, адиб ижодиёти қайтадан кашф этилаётгандек таассурот қолади. Мунаққид қаҳрамонлар онги, ҳаёти, ҳатти-ҳаракати, фаолиятларидаги ўзгаришларни, хусусан, Йўлчининг оддий, итоаткор, оқу қоранинг моҳиятини билмайдиган оми одамдан қатъиятли, мард, олижаноб инсон ва исёнкорға айланишини романда тасвирланган воқеаларнинг бевосита ўзига асосланиб мангикий изчиллик билан ёритиб беради. Монографик йўсиндаги мақола мунаққид истеъдодининг характерли хусусиятларини намоён этилади. Тадқиқотчилик туйғусига ҳам бадий ижодкорға ҳос бўлган образли идрок бегона эмаслигини ва ҳатто зарурлигини кўрсатади.

О.Шарафиддиновнинг "Замонавийлик адабиётнинг қалби" (1959), "Урушдан кейинги ўзбек поэмалярининг тили ва стили (1957), "Бадий таржиманинг принциплари тўғрисида" (1955) каби мақолалари аниқ асарлар, аниқ муаммолар асосида тадқиқ этилиши билан ажралиб туради. Унинг «Нихоллар» мақоласи ҳам «Замон-қалб-поэзия» асари сингари тадқиқот характерига эга. Ҳар иккала мақоланинг ўз йўналиши, мақсади бор. Масалаға муммодан келиб чиқиб ёндошиш, аниқ таҳлилгина эмас, тадқиқ ва кенг умумлашма чиқариш ҳар иккала мақола учун муштарак хусусиятдир. «Замон-қалб-поэзия»да танқидчи кечаги шеърлат билан бугунги шеърлатни киёслаш йўлидан боради, ўзбек шеърлатининг сифати, янгилаиши учун курашади. «Нихоллар»да эса ёш шоирлар ижоди ўрганилиб, улар орасидан эрганги шеърлатда барг ёзажак куртакларни излайди.

Адабий-танқидий мақоланинг эстетик тафаккур тараққиётидаги аҳамияти. Мақола ҳам шакл, ҳам жанр, ифода тарзи тили ва услуби жиҳатидан муттасил изланишларни бошидан кечирди. Бу борада А.Каттабековнинг ўзбек тарихий романларига оид катор мақолалари ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Асил Рашидовнинг “Янги давр–янги қаҳрамон”, “Олам қирмоқдадир шоир қалбига”, “Шунчаки ёзмок шоирга ўлим” (Ҳар иккала мақола ҳаммуаллифи Н.Каримов) каби матбуотда эълон қилинган мақолалари ҳамда “Чингиз Айтматовнинг бадиий олами” китобига кирган “Оқ кеманинг ойдин йўли”, “Жаҳонда энг гўзал севги киссаси ёхуд насрода битилган дoston”, “Чингиз ога чамани” кабилар ўзбек адабий-танқидий мақолаларидаги эстетик тафаккур раvнакидаги ранг-баранг изланишларни кўрсатади.

Бу йўналишда П.Мирзаахмедованинг “Эпические и экзистенциальные схождения в романе Чингиза Айтматова “И дольше века длится день”, “Взаимодействие как форма обогащения стилевого развития” мақолалари ҳамда “Классика и современность в аспекте взаимодействия” номли китоби ўзбек танқиди юзини халқаро микёсларда кўрсата оладиган тадқиқотлар сирасига қиради.

Сўнгги йилларда, умуман, ўзбек танқиди, хусусан, унинг адабий - танқидий муаммолар йўналиши бойишига, ранг-баранглашувига катта ҳисса қўшиб келаётган мунаққидлардан бири Н.Раҳимжоновнинг “Мустақиллик даври шеърляти” китоби ҳамда Х.Каримовнинг “Истиқлол даври адабиёти” номли тадқиқотига кирган мақолалар бугунги адабиётимиздаги ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида ёрқин тасаввур беради.

Умуман, бадиий тафаккурдаги янгиланишлар, ўзгаришлар ҳақида гап борар экан, бу муаммолар тахлили ва талқинига бағишланган М.Шарафиддинова, У.Ҳамдам, Тоҳир Шермурод, Р.Раҳмат каби мунаққидлар мақолаларини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. XX аср ҳамда XXI аср ўзбек адабиётида кечаётган жараёнларни жаҳон адабиётининг шу босқичдаги долзарб муаммолари билан боғланишда кўрсатилган бу мақолаларда бадиий тафаккурдаги силжишларни кўрсатиш, уларнинг қонуниятларини аниқлаш марказий ўринни ишғол этади.

Ўзбек танқидида адабий-танқидий мақолага ёндашув аввалги босқичларда ижодлари батафсил ўрганилган ёзувчиларга муносабатда ҳам муайян даражада янгиланиб бормоқда. Бунга мисол қилиб, ёш олима Т.Матёкубованинг Ғ.Ғулом ижодига бағишланган катор мақолаларини, шунингдек, “Образ ва талқин”, “Пейзаж, поэтик идрок ва маҳорат”, “Ғафур Ғулом бадиияти” номли китоб ва монографияларини кўрсатиш мумкин. Ғ.Ғулом ижодига эстетик идеал, ижодий концепция ва тасвир мантиғи, адабий таъсир ва индивидуаллик ҳамда детерменизм ва реализм

муаммоларининг шоир поэтикасида тутган ўрнини кўрсатиш жиҳатидан ҳозирги танқидчиликка муайян янгиликлар олиб кирди.

Ҳозирги танқидий тафаккуримиздаги эврилишларнинг гўзал намуналаридан бири Х.Дўстмуҳаммад мақолаларида ҳам намоён бўлади. Улар, авваламбор, бадиий, илмий, публицистик тафаккурнинг туташган нукталарида яратилгани билан ажралиб туради. Бу ҳол мақолаларнинг шаклига ҳам, мазмунига ҳам бирдай тааллуқли бўлиб, бамисоли бадиий асардек ўқилади. Улар, ўзининг композицион таровати ва жозибаси билан бугунги танқидий тафаккуримизни, ҳеч муболағасиз, янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.

Ғ.Муродовнинг ўзбек романчилиги тараққиётини Ўрта Осиё жумҳурияти романчилиги билан қиёсан ўрганилган ва масалага Дионис Дюришин асос солган адабиётлараро муштараклик нуктаи назаридан ёндашган мақолалари ўзбек танқидчилигидаги муаммоли мақолалар хусусида олиб борилаётган янги-янги изланишлар ҳақида тасаввур бера олади.

Бугунги адабий-танқидий мақолалар билан 60-70-йиллардаги мақолалар ўртасида сезиларли фарқ бор. Шўро даври мақолаларига бир томондан сиёсат жазбаси синдирилган бўлса, иккинчи томондан, улар, анъанавий фикрлаш йўсинидан, “изм”лардан, фақат илмпазликдан қутула олмади. Шаклий изланишлар кўп ҳам сезилмасди. Ҳозирги мақолалар фикрий йўналиши жиҳатидан анча ҳурлиги, шаклла изланишлар олиб бораётганлиги, композициясида янгиланишлар борлиги, ўзбек адабиётини, жаҳон адабиёти муаммолари билан боғлашга интилишлар кўриниб туради.

Бугун адабий-танқидий мақолалар турли танқидий жанрларнинг ўзаро синтезлашувига жараёнида янгиланиб бормоқда. Замон ва талаб, умуман, танқид, шу жумладан, мақола ҳам ўзгармоқда. Бир сўз билан айтганда, адабий-танқидий мақола жанри адабиётдаги ҳарорат кўрсаткичига айланиб борапти дейиш мумкин. У адабиётнинг, умуман олганда, ижтимоий-сиёсий, маърифий-илмий асарлар сифат даражаларини белгилловчи ва, айни вақтда, уларга таъсир этувчи қучга айланмоқда.

Таянч тушунчалар: Мақола, муаммоли мақола мундарижаси, мақола қурилиши, адабий-танқидий мақола, ахборот мақола, сиёсий мақола, публицистик мақола, эстетик мушоадалар, обзор мақола, тадқиқот мақола, иқтибос, хронологик мақола, баҳс мақола, мақола шакли.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1.Мақола истилоҳининг моҳияти ҳақида нималар биласиз?
- 2.Адабий-танқидий мақоланинг жанрий табиати нималарда намоён бўлади?
- 3.Адабий-танқидий мақоланинг пайдо бўлиши ва тараққиёти ҳақида гапириб беринг.

4. Адабий-танкидий мақоланинг турлари ва уларнинг ўзига хослиги ҳақида нималар биласиз?
5. Обзор мақола табиати ва ички кўринишлари ҳақида сўзланг.
6. Муаммоли мақола табиати ва ички кўринишлари ҳақида нима биласиз?
7. Хронологик ёндашув деганда нимани тушунсиз?
8. Адабий-танкидий мақоланинг эстетик тафаккур тараккиётидаги аҳамияти нималарда кўринади?

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Адабиёт ва санъат. (адабий-танкидий мақолалар). Т., 1988.
2. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т.: Ўзбекистон, 1993.
3. Низомий Арузий Самарқандий. Нодир саҳифалар (Чаҳор мақола). Т.: Адабиёт ва санъат, 1985.
4. Норматов У. Талант тарбияси. Т., 1985. 1980.
5. Мувоzanат. Тўплам. Т., 1990.
6. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. Т., 2006.
7. Қўшжонов М. Сайланма. 2 жилдлик. 1989.
8. Худойберганов Н. Ишонч. Мақолалар тўплами. 1998.
9. Ғафуров И. Ҳаё - ҳалоскор. Т., 2009.
10. Ғафуров И. Мангу латофат. Т., 2010.
11. Ҳозирги ўзбек адабиётининг миллий ўзига хослиги. Тўплам. Т., 1984.
13. Ҳаққулов И. Такдир ва тафаккур. Т.: Шарк. 2007.

ТАРИХИЙ-БИОГРАФИК ЁНДАШУВГА АСОСЛАНГАН АДАБИЙ ТАНҚИД ЖАНРЛАРИ

РЕЖА :

1. Адабий портрет жанрининг хусусиятлари.
2. Танкидий-биографик очерк.
3. Адабий- танкидий эссе жанри.

Адабий портрет жанрининг хусусиятлари. Тарихий-биографик ёндашув адабий танкиднинг етакчи йўналишларидан бўлиб, у танкидчи зиммасига ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўз даври ва муҳити билан уйғун ёритиш вазифасини қўяди. Жаҳон адабий танкидчилиги тарихида бу метод XIX аср бошларида кенг тарқалди. Тарихий-биографик метод борасида Ш.Сент-Бёв, А.Веселовский, А.Моруа, М.Бахтин, М.Храпченко, Л.Тимофеев, В.Шкловский, И.Андронников сингари олимлар баракали меҳнат қилдилар.

Ўзбек танкидчилигида бу йўналишга эътибор XX асрнинг 20-йиллардан бошланган эса-да, асосан, 30-йиллардан тараққийга ўтди. Бу ёндашувда ижодкорнинг ҳаёт йўлига муносабат муҳим роль ўйнайди. Қайси бир тадқиқотда бу қўлам тор- биографик маълумот соясида қолиб. айрим таҳлилий унсурларга едирилса; қайси бирида қўлам бир қадар кенгайиб, биографик далиллар тизими устуворлигича қолади; қўлам бошқа бир тадқиқотда бу меъёрни сақлаган ҳолда, биографик асос ижодкор шахси, муҳит, замон, асар билан уйғунликда таҳлил қилинади. Ўрнига қараб, хотира, саргузашт, асарнинг ёзилиш сабаби ва тарихига оид маълумотлардан ҳам унумли фойдаланилади. Асарлар таҳлиliga алоҳида эътибор берилади. Шу хусусиятларига кўра, тарихий-биографик ёндашув асосида ёзилган тадқиқотлар уч кўринишда кенг тарқалган:

3. Адабий портрет

4. Танкидий-биографик очерк

5. Адабий- танкидий эссе

Ҳар учала кўринишда ҳам илмий, тарихий-биографик усул асос қилиб олинади, бу уларнинг муштарак белгисидир.

Адабий портрет истилоҳига изоҳ. Адабий портрет шу йўналишга асосланган илмий-биографик тадқиқотнинг кенг тарқалган жанридир. Унда ижодкорнинг яхлит киёфасини яратишга аҳамият берилади.

Портрет сўзи французча «portrait»- тасвир сўзидан олинган, лугавий маъноси “аслини тасвирлаш” демакдир¹⁷². Истилохий маънода эса уч ходисани ифодалайди:

1. Бадий асарда кишининг ташқи кўриниши, киёфаси, кийим-кечаклари, ранги-рўйи, феъл-атвори, ўзини тутиши ва х.к.ни англатади. Портрет бадий образ яратишнинг муҳим шартларидан биридир.

2. Айрим ёзувчи, шоир, жамоат арбоби, санъаткор ёки олимнинг ҳаёти ва фаолиятини илмий-эстетик жихатдан умумлаштирувчи асар турини билдиради.

3. Тасвирий санъат, умуман, санъат асарида инсон киёфасини акс эттирувчи мустақил жанр.

Танкид ва адабиётшуносликда адабий портретнинг генезиси. Адабий портретнинг генетик илдизи мумтоз адабиётшуносликдаги ҳолат ва манокибларга бориб такалади. Ҳолат ва манокибларда ҳам ижодкорлар, авлиёлар, машхур шахслар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берилади. Бинобарин, бу жанр тадрижий такомиллашув йўлида: а) таъкиралардаги ихчам ва лўнда маълумотномалардан; б) таржимаи ҳол, ҳолат ва манокиблардан ўсиб чиққанлигини кузатиш мумкин.

Адабий портрет ижодкор таржимаи ҳолини кенг камровда, батафсил ўрганадиган илмий тадқиқот бўлиб, мурожаат этилган шахснинг

¹⁷² Ҳотамов Н., Саримсоков Б. Адабиётшунослик терминл. русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т.: Ўқитувчи. 1979. - Б. 238.

жисмоний, маънавий ва рухий бир бутун киёфасини яратишга ҳаракат қилинади ёки санъаткор фаолиятининг қисқа бир муддат оралиғидаги маъно моҳияти, киёфаси илмий-эстетик талкин қилинади. Унда ёзувчининг ҳаёти, киёфаси, ижоди, бутун назокати-ю, мураккабликлари, зиддиятлари, рухий драмалари билан камраб олинади.

Алишер Навоийнинг «Мажолисун нафос» асарида қатор ихчам портретларга дуч келамиз. Султон Хусайннинг «Хўп ашъори ва марғуб ҳаёти»га бағишланган 8-мажлиси истисно қилганда, Навоий етти мажлис давомида ҳар бир шоирни 2-3 жумлада таърифлайди, феълидаги етакчи белгини эътироф этади, тақдири ҳақидаги маълумотларни қайд этиб, шеърятдан намуна келтиради. Мана бир мисол: «Мавлоно Мажнунӣ-Балхда бўлур, факир кишидир, китобат бино қила олурки, ваҳҳи маош хосил қилгай, Хожа Укканга мазорида соқиндур.

Гўё шеър таҳаюллик учун бўлқайким вара (мағлуб) кул-хаёл муртақбидур, андоғки, ҳам мағлуб бўлғон чоғлиқдур. Бу матла анингдурким

Моҳи тобоним иситди, қилди бағримни кабоб,

Ой эди, энди ҳароратим бўлибдур офтоб».

Бу парчада адабий портретга хос: тилга олинаётган шоирнинг ижоди, шахси ҳақида маълумот, асарларига муносабат билдириш каби белгилар учрайди.

Адабий портретнинг жанр хусусиятлари. Адабий адабий танкид олдида турган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ва тарғиб қилишда қулай, самарали жанр ҳисобланади. Адабий портрет туб моҳияти билан ёзувчи таржимаи ҳолига, асарнинг гоявий-бадний хусусиятлари, ижоднинг маърифий ва маънавий аҳамиятига дахл қила оладиган жанрдир. Лекин адабий портретни санъаткор ҳаёти ва ижодининг асосий фазилатларини акс эттиришдангина иборат деб талкин этиш-бу жанрнинг асосий хусусиятларини бир ёклама тушуниш бўлар эди. Бинобарин, жанр табиатини белгилашда унинг мундарижасидаги ушбу хусусиятларига эътибор бериш муҳимдир. Зеро, адабий портретда: 1) санъаткорнинг шаклланиш жараёни ва бунда давр ҳам муҳитнинг таъсирини очиш; даврдаги асосий йўналишларнинг ижодкор шаклланишида тутган ўрнини белгилаш ва аниқлаш; 2) ижодкор киёфаси ва индивидуал услубини шакллантирган омилларни кўрсатиш; 3) санъаткорнинг шахс сифатидаги фазилатлари, нуқсонлари ва уларнинг ижодида тутган ўрнини асослаш;

4) ёзувчи шахси ва ижодининг муҳим босқичлари, босқичларга бўлиниш сабабини очиб, уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни умумлаштириш.

Буларнинг барчаси адабий жараёндан узилмаган ҳолда, адабий жараённинг шу санъаткорга таъсири, ўз навбатида, ижодкорнинг жараёнга қўшган ҳиссасини белгилашни ҳам такозо этади.

Шуниси эътиборлики, адабий портретда ижодиёти текширилаётган ёзувчи ёки шоирнигина эмас, балки унинг ижодий фаолиятини таҳлил қилаётган танкидчининг ҳам ўзига хос киёфаси бўй кўрсатиб туради. Биографик методнинг кўзга кўринган вакилларида бири Сент-Бёв «Адабий портретлар», «Душанба кунларидаги суҳбатлар», «Пор-Рояль» номли асарларида ёзувчининг факат ички дунёсигина эмас, уй-жой шароитига ҳам чуқурроқ киришга интилиши бежиз эмас. Унинг фикрича, ёзувчининг қундалиқ ҳаёти ва одатларига биринчи даражали аҳамият бериш лозим. Чунки ҳар қандай ёзувчи, бошқалар каби оддий бир инсон ҳамда ижодида уни ўраб турган одамлар, уларнинг ҳаёти муҳим аҳамият касб этади. Маиший шароит, тасодифий учрашувлар, ўзгарувчи қайфиятлар, ниҳоят, ёзувчи руҳининг хусусиятлари Сент-Бёвнинг психологик-биографик портретларида у ёки бу ёзувчи ижодидаги адабий-бадний асарларнинг гоявий-бадний ўзига хосликларини ташкил этувчи омиллар сифатида таҳлил этилади.

Шу жиҳатдан француз ёзувчиси ва файласуфи, танкидчи Андре Моруа яратган портретлар ҳам танкидчилик учун намуна бўла олади. Унинг Стендалга бағишланган адабий портретида «Қизил ва қора» асарининг ёзилиш сабаблари, адибнинг ички дунёси, туйғулари, асарни ёзишга туртки бўлган воқеа, ёзувчининг оиласидаги шароитигача бирма-бир очиб берилдики, китобхон асарни бадний асардек завқ билан ўқийди.

Ўзбек танкидида 20-йиллардан «портрет характеридаги, маълум бир ижодкорнинг шахси, яшаган даври ва асарлари билан таништирувчи мақолалар» кўплаб яратила бошланди. Бу жанр намуналари Фитрат, Вадуд Маҳмуд ижодида кўзга кўрина бошлади. Ўзбек танкидчилигида 20-йилларда яратилган илк адабий портрет намунаси сифатида Лутфулло Олимийнинг «Унутилмас шоир» асарини кўрсатиш мумкин. Бу адабий портрет ижоди тўнтаришдан олдин бошланган маърифатпарвар шоир Сўфизодага бағишланган. «Истеъдод, қобилият, талант деган нарсa табиатнинг дунёдаги мисоли йўқ жавҳаридирки, бу «аксири аъзам» жуда оз кишиларгагина муяссар бўладир» жумлалари билан бошланган бу адабий портретда шоирнинг узок йиллик ҳаётини ва ижодий йўли кузатилади.

30-йилларда адабий портрет қаторида танкидий-биографик очерклар яратишга эътибор кучайди. 50-йиллардан ижодий портрет жанри тез ривож топа бошлади. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти қисқа муддат ичида кўплаб ижодий портрет намуналарини эълон қилди. Бу портретлар кўпчилиги аввалдан ижоди кенг ёритилган ёзувчиларга бағишланди.

Танкидчи О.Шарафиддинов ўндан ортик ёзувчилар ҳақида ижодий портретлар яратди. Ғ.Ғулом, Ойбек, А.Қаҳҳор каби адиблар ҳаёти ва ижодига оид қатор тадқиқотлар яратилганига қарамай, О.Шарафиддинов-

нинг улар ижодига оид кузатишлари, мушоҳада ва таҳлилларида бошқалар кўрмаган, сезмаган нозик нуқталар очилди.

60-80-йилларда адабий портрет жанрида самарали натижаларга эришилди. Чунончи, О.Икромов «Амин Умарий» (1964), О.Тоғаев «Аскад Мухтор» (1966), Қ.Азизов «Миртемир» (1969), М.Зокиров «Максуд Шайхзода» (1969), И.Мирзаев «Раҳмат Файзий» (1970), М.Шарипов «Шукур Саъдулла» (1971), Ф.Насриддинов «Мирмуҳсин» (1972), С.Мамажонов «Ғайратий» (1973), М.Маҳмудов ва Б. Маҳмудовлар «Иброҳим Раҳим» (1974), Л.Қаюмов «Зулфия» (1975), А.Ақбаров «Зулфия» (1975), А.Абдусаматов «Ҳабибий» (1977), Ш.Отабоев «Мирзакалон Исмоилий» (1978), С.Сирожиiddинов «Абдулҳамид Мажидий» (1982) каби портретлар ана шулар сирасига киради.

Албатта, бу портретларнинг савияси бир хил эмас, улар услуб ва ифода жиҳатидан бир-биридан фарк қилади. Айни вақтда, деярли барчаси учун муштарак қуйидаги камчиликлар кўринади:

1. Ёзувчи, шоир ҳаёти ва ижодидаги воқеа, ҳодисаларни баён этиш, у ёки бу асар мазмунини айтиб бериш орқали таҳлил этиш;

2. Ақсар ҳолларда ёзувчининг барча асарлари ёки ҳеч бўлмаганда, нисбатан кўпроғини текширишга ҳаракат қилинади. Бунда ҳатто ҳар қандай буюк ёзувчи ижодида ҳам барча асарлар муваффақиятли чиқарвермаслиги ҳисобга олинмайди. Курук, юзаки обзорга йўл қўйилади.

3. Адабий портретларда ижодкор шахсига ҳақидаги маълумот билан асар хусусидаги кузатишлар устида жиддий узилишлар рўй беради; ўзаро эҳтиёжли боғланишлар сезилмайди. Портретларнинг ақсарида зерикарли услуб ҳукмронлик қилади. Танқидчи фантазияси, таҳаййули деярли кўринмайди. Тўғри, портретлар барчаси бирдек шундай камчиликли эмас, албатта. Миртемир, М.Шайхзода, М.Исмоилий, А.Мажидий ҳақидаги портретлар бир мунча жонли. Танқидчилик кейинги босқичларда ана шу жонланиш йўлидан борди.

Адабий портрет жанрида баракали меҳнат қилаётган олимлардан бири С.Мирвалиевдир. У Бехбудий, Айний, Фитрат, Чўлпон, Қодирийдан тортиб, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ў.Ҳошимов, Х.Султонгача бўлган 25га яқин ўзбек адибларининг портретини яратди. Бу портретлар олимнинг «Х.Ҳаср ўзбек адабиёти» китобида жамланди. Бу асарнинг Москвада рус тилида чоп этилиши қувончли воқеалардан бири бўлди.

Адабий портретнинг танқиддаги бошқа жанрлардан фарқи шундаки, унда публицистик руҳ устуворлик қилади. Адабий портрет тили, моҳиятан, изчил илмийликдан кўра кенг халқ оммасига тушунарли оддий, содда тил ва услубда бўлиши кузатилади. Ўрни- ўрни билан таҳаййулга эрк бериш, баднийлик унсурларидан фойдаланиш, илмий ёндашувни чекламаган ҳолда, эркин талқинга эътибор портрет жанрида ижод қилувчиларнинг диққат марказида туради.

Адабий портретни танқиднинг бошқа жанрлари билан киёслашда уларнинг ҳар бирига хос бўлган хусусиятлар янада тиникроқ кўринади. Такриз кўпроқ кашф этувчи ва тарғиб қилувчи характерга эга. У кўпинча янги чиққан алоҳида-алоҳида асарларга бағишланади. Адабий портрет эса ўзининг кенг миқёслилиги, таҳлил доирасига таржимаи ҳол ва бадний асарларга оид атрофлича маълумотларнинг жалб этилиши, ижод йўлининг кенг камровли йўсинда талқин этилиши билан ажралиб туради. Асарларга муносабат билдириш ҳам такриздан кескин фарқ қилади. Шунингдек, адабий портрет кўпинча адабиётга хизмати сингган, миллий ёки кенг миқёсдаги адабиётда ўз ўрнига эга, асарлари билан китобхонларга манзур бўлган ижодкорлар ҳақида ёзилади. Адабий портретда ижодкорга нисбатан хайрихоҳлик, меҳр-муҳаббат очик сезилиб туради ва бу ҳол адабий портрет жозибасига, ўқимишли бўлишига муайян таъсир кўрсатади, адиб ва унинг асарларини тарғиб этишда муҳим роль ўйнайди. Такризда эса адабий портретдан фарқли ўларок ижодкорнинг янги асарлари аёвсиз танқидга дучор қилиниши мумкин. Кўринадики, адабий портрет танқиднинг имкониятлари кенг, мунаққид эркинлигини юзага чиқарувчи жанрлардан биридир.

С.Умиров Москвада чоп этилиб, бутун дунёга машҳур бўлган «Ковчеч Айтматова» китобидаги буюк қирғиз адиби ҳақидаги мақоласи билан оғизга тушган эди. Унинг И.Ғафуровга бағишланган «Ҳаё-маънавият кўзгусида» асари ўзбек танқидчилигининг адабий портрет жанрида, хусусан, мунаққидларнинг ҳам портретини яратиш борасида жиддий ва янги изланишлар олиб бораётганини кўрсатади.

2. Танқидий-биографик очерк жанри. Баъзан адабий портрет билан танқидий-биографик очерк жанрини бир-биридан фарқламаслик ҳоллари кўзга ташланади. Бундай ҳолатни мунаққид фаолиятига ҳам, унинг асарига муносабат билдираётган танқидчиликда ҳам кузатиш мумкин. Бундай вазиятларда бир тарафдан яратилаётган асар жанри аввалдан аниқ белгилаб олинмаслиги туфайли рўй беради. Иккинчи бир жиҳатдан, улардаги нозик фарқларга кўп ҳам аҳамият бермаслик туфайли содир бўлади.

Танқидий-биографик очерк жанри ёзувчи ҳаёти, адабий-ижтимоий муҳити, асарларининг яратилиш тарихи, моҳияти, хусусияти, асарнинг адабий-тарихий жараёндаги ўрни ҳақида маълумот беради. Танқидий-биографик очеркда эса далил ва илмий ҳулосалардан кўра, уларга тайёргарлик жараёнлари кузатилади, ҳали узвий кўним топмаган фикрларни илгари суриш хоҳиши сақланади. Мунаққид ҳужжатлилиқка асосланиб, ёзувчи ҳаёти, ижоди ҳақидаги кузатувларни, мулоҳазаларни мутахассислар, китобхонлар назаридан ўтказиб олиш учун ўртага ташлайди. Уларда изчилликдан кўра фрагментарлик хусусияти кучлироқ бўлади, уларни янада ривожлантириш, такомиллаштириш учун имкон қолдирилади.

Ўзбек танкидчилигида 30-йилларда Олим Шарафуддиновнинг «Алишер Навоий», С. Айнийнинг «Шайхур- раис Абу Али ибн Сино» каби очерклариди ана шундай хусусиятлар аниқ кўринади.

Ўзбек адабиётшунослиги бу тамойил 40-йилларнинг иккинчи ярмидан ривожлана бошланди. Улкан адиблар ижодини хилма-хил ҳаётини муаммолар асосида монографик йўсинда тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж натижасида Юсуф Султоннинг «Ҳамза Ҳакимзода ҳаёти ва ижодиёти», И.С.Брагинскийнинг рус тилида С.Айний ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий очеркларни юзага келди.

50-йилларга келиб, танкидий-биографик очеркларга эътибор кучайди. Масалан, А.Қаюмовнинг «Махмур», Н.Раҳимовнинг «Султон Жўра», А.Олимжоннинг «Шоира Зулфия», «Амин Умарий», Н.Владимированинг «Зафар Дийр», «Ойдин ижоди», А.Ҳайитметовнинг «Ҳасан Пўлат» каби танкидий-биографик очерклариди ана шундай йўналишдаги асарлар эди. Уларда тажрибасизлик туфайли кўзга ташланувчи юзакилик, схематизм, мушоҳадалардаги жўнлик каби камчиликлар мавжуд эса-да, китобхонлар оммасига бу адиблар ҳақида дастлабки яхлит маълумот бериш жиҳатидан бу очерклар ўз давридаги вазифани оқлаганини ҳам унутмаслик керак. Бу асарларнинг жанри аниқ белгиланмаган ҳолда, гоҳ рисола, гоҳ портрет, гоҳ танкидий-биографик очерк дея чоп этилаверилганининг ўзидек бу масалада ўзбек танкиди изланиш босқичида бўлганини кўрсатади.

Ўзбек танкидчилигида танкидий-биографик жанри талабларига жавоб берадиган асарлар сирасига Ҳ.Ёқубовнинг «Ғафур Ғулом», «Ойбек», С.Азимовнинг «Ҳамид Олимжон» ҳаёти ва ижодларига бағишланган асарларни кўрсатиш мумкин.

80-йилларда нашр этилган «Адабиёт ва замон», «Ҳаёт кўзгуси» сингари адабий-танкидий мақолалар тўпламида «Адабий портретлар», «Адабий портретга чизгилар» рубрикаси остида танкидий-биографик очерклар босилди. Танкидчи М.Қўшжоновнинг «Истеъдод кирралари» китоби ҳам адабий портретлардан ташкил топган. Лекин бу портретлар танкидий-биографик очеркдан унчалик фарқ қилмайди, деган қарашлар ҳам мавжуд. Чунки адабий портрет-санъаткор ҳаёти ва ижодининг зиддиятларини, рухий драмаларини ҳам акс эттирадиган жанр. Адабиётда бирорта буюк санъаткор йўқки, ҳаёти зиддиятлар билан кечмаган бўлсин. Шу маънода адабий портретларда санъаткор ҳаёти ва ижод йўли, асарларига муносабат хусусидаги зиддиятлар, мураккабликларга алоҳида ўрин берилади. Танкидий-биографик очеркларда эса бу масалаларни ёритиш мақсад қилиб қўйилмайди. Сўнгги босқичларда яратилаётган Ҳамза, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Бехбудий, У. Носир, М.Шайхзода каби адиблар ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий портретларда уларнинг катта зиддиятлар ва фожиаларга тўла, оғир кечган ҳаёт ва ижод йўлларини бор мураккабликда кўрсатиш, очиш тамойиллари чуқурлашиб бормокдаки,

бу адабий портрет жанрида ўзбек танкидчилиги халқаро миқёсдаги мезонлар талаби йўналишида ривожланиб бораётганини билдиради.

Ҳ.Абдусаматовнинг «Абдулла Қаххор» асари тағлавҳада “ҳаёти ва ижоди ҳақида” руқни билан чоп этилган. Унда адиб асарлари таҳлилигагина кенг ўрин берилган. Ёзувчи ҳаёти, таржимаи ҳоли ҳақидаги маълумотлар эса, ниҳоятда қисқа бўлиб, ўқувчига ёзувчининг ҳаёт йўли қиёфасини тасаввур этиш имконини бермайди.

Шундай асарлар ҳам борки, улар қайси жанрда ёзилгани қайд этилмаган, мақсади, муаммонинг қўйилиши, моҳияти, композицион қурилиши, масалани камраб олишидаги йўналишлардаги белгиларига кўра уларни танкидий-биографик ёндашув асосида яратилган асар сифатида баҳолаш мумкин. Ғ.Мўминовнинг Султон Жўрага бағишланган “Оташқалб шоир” асарини танкидий-биографик очерк жанри намунасига киритиш мумкин.

Халқ оғзаки ижодининг ўзбек адабиёти тараккиётига кўрсатган таъсири хусусида жиддий тадқиқотлар яратган Ғ.Мўминовнинг, айниқса, Ҳ.Ҳ.Ниёзий ҳаёти ва ижодининг ўрганилмаган саҳифаларига бағишланган ишлари, шунингдек, Миртемир ва О.Ёқубов ҳақидаги мақолалари эътиборлидир.

Ёзувчи ва шоир ҳаёти, ижодий йўлидаги айрим асосий воқеа ва ҳодисаларни қайд этиш, асарни муаяйн босқич чегарасидан чиқмасдангина таҳлил этиш билан чегараланиш каби камчиликлар мустақиллик йилларига келиб бартара этила бошланди. Асарларни ижтимоий моҳиятдан ташқари соф санъат мезонлари нуктаи назаридан баҳолаш тамойиллари кучайиб бораётгани адабиётшунослик ва танкидчиликдаги ижобий ҳодисалардир. Буни биргина Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишланган, турли жанрдаги катор тадқиқотлар кўрсатади. Н.Каримовнинг “Чўлпон” номли салмоқли асари, О.Шарафиддиновнинг шу номдаги рисоласи бунга мисол. Д.Қуროновнинг “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси” асари ҳам танкидий-биографик ёндашув асосида яратилган теран тадқиқотлардан бири бўлиб, шоирнинг ҳаёт йўли ва ижодини янги мезонлар асосида тадқиқ этиш жиҳатидан аҳамиятлидир.

М.Зокировнинг “Максуд Шайхзода” адабий-танкидий очеркида, асосан, ижодий йўли ёритилади. Ижодкор таржимаи ҳолига оид айрим маълумотлар (у ҳам тўлиқ эмас) бериш билангина чекланилади, ҳолос. Очеркда Шайхзода шеърляти, дostonлари, илмий асарлари, уларнинг ёзилиши, адабий жараёндаги ўрнига тизимли равишда эмас, фрагментар баҳолаш берилади. Хулосавий, умумлашма фикрлар дастлабки гипотезалар шаклида берилади. Бу хусусиятлар асарнинг танкидий-биографик очерк жанрига мансуб эканини кўрсатади.

Адабий портретда бўлгани каби танкидий-биографик очеркларнинг савияси ҳам турличадир. 90-йилларгача яратилган танкидий-биографик очерклар ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни йиғиш, шу асосда

уларнинг гоё ва мазмун йўналишини баён қилиш, бадий асарни эса, кўпроқ, мавзу жиҳатидан текшириш устуворлик қилди. Шунга қарамай, танкидий-биографик очерк XX аср ўзбек танкидчилигида мустақил жанр сифатида шаклланиб, қарор топди. Ёзувчи ҳаёти ва ижодини яхлит ўрганиш, тадқиқ этиш, умумлаштириш ишига ўзининг сезиларли улушини қўшди. 90- йиллардан бошлаб, унинг структурасида адабий портрет томон силжиш жараёнлари рўй берди.

Хулоса қилиб айтганда, танкидий-биографик очерк адабнинг ҳаёти ва ижодини маълум даражада оператив ва фрагментар ўрганувчи, келгусидаги салмоқли, изчил, илмий умумлашмалар чиқариш учун замин тайёрловчи ва ўзида ҳам муайян бошланғич равишдаги ана шу хусусиятларни истифода қилувчи жанр бўлса, адабий портрет санъаткор ҳаёти ва ижодини яхлит ва изчилликда, маънавий-руҳий ҳаёт зиддиятлари билан биргаликда, санъаткорни ижодкор ва инсон уйғунлигида талқин этувчи жанрдир. Танкидий-биографик очерк ҳам ҳажман катта бўлиши мумкинлигига қарамай, адабий портретда унга нисбатан санъаткор қиёфаси мукамалроқ, кенгрок ва чуқурроқ очилади ва портретнавис имкониятлари бир мунча кўпроқ бўлади. Бу жанрларни ажратишда юқоридаги хусусиятлар ҳисобга олиниши зарур.

Адабий -танкидий эссе (бадиа). Эссе атамаси изоҳи, келиб чиқиши. Ҳаёт ва инсон ҳақида таҳаййулни хур қўйган ҳолда эркин мавзу ва йўналишларда ёзилган, шунингдек, бадий ижод ва ижодкор, бадий асар ва ёзувчи билан алоқадор мулоҳаза, хотира ва орзуларга тўйинган мушоҳадалар, шуларга муносабатдаги муаллиф иқрорномалари ва бадий публицистик йўсиндаги қалб эътирофлари ўз ифодасини топган, шунингдек, ёзилишига кўра бамисоли лирик шеър каби тезкор руҳда коғозга тушиб, мангулик ҳолатлари катори, оний лаҳзаларни ҳам ёритадиган асар эссе (бадиа) дейилади. Эссенинг турлари кўп, шу жумладан, адабий-танкидий эссе ҳам мавжуд бўлиб, унинг объекти, асосан, ижодкор ҳамда унинг у ёки бу асарлари яратилиш тарихидир. Барча жанрларда бўлгани каби эссе жанрини белгилувчи асосий хусусиятлар: шакл, мақсад ва йўналишдан иборат. Адабий-танкидий мавзуларда ёзилган, ҳаёт, адабиёт, эстетика, фалсафа масалалари, эркин талқин қилинадиган адабий танкидчилик жанрларидан бири бадиа (эссе)дир. "Эссе" лотинча -"exigo" сўзига дахлдор бўлиб," чамаламоқ, мўлжалламоқ" деган маъноларини англатади. Тузилиши эркин, ранг-баранг мавзу ва масалаларга қаратилган шахсий мулоҳаза ва қарашларни ифодаловчи асар эссе ҳисобланади. Эсседа муаллиф, мунаққид ўз шахсий қарашларини далиллашга интилади, баъзан ўзидан бошқа ҳеч кимга маълум бўлмаган ҳаётини маълумотлар билан ўртоқлашади.

Эсседан адабиётшунослик қонун-қоидаларига тўла-тўқис риоя қилиш, далиллар илмий жиҳатдан ҳар томонлама исботланган бўлиши талаб

қилинмайди. Янада аниқроғи, бу ҳислат эссе табиатининг таркибий қисмини ташкил этади.

Шарқ адабиётида эссе-бадианинг тарихи қадимдан бошланган. Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино ("Донишнома"), Махмуд Қошғарий ижодида бадианинг илк кўринишлари учраса, Алишер Навоий ва Бобур ижодида унинг гўзал намуналари кўринади. Улар нома, манокӣб, ҳолат, хотира шаклларида кўзга ташланади.

Эссе эркин фикр юритиш, суҳбат, мохиятан турли хил илмий, бадий шаклларда (ёзувчи ва танкидчи диалог, қайдлар, бадий этюдлар, кундалик) зухур топапти. Бу ҳақда айtilган, бадиа " адабиёт илмининг янги ривожланиш босқичидан (зеро, бу каби ҳодиса адабиётшунослигимиз тараққиётининг аввалги босқичларида кузатилмайди), адабиётшунослик фикрлари қамолнинг янги сифат кўринишларидан шаходат беради"(Н.Раҳимжонов) деган фикрлар қанчалик тўғри бўлмасин, бундаги "адабиётшунослигимиз тараққиётининг аввалги босқичларида кузатилмайди" деган фикр бичмунча эътирозлидир. Негаки, мумтоз адабиётда юқоридаги сингари шакллар мавжуд экани, қолаверса, унинг турли кўринишлари кундалиқлар, ҳолатлар, "Бобурнома" қайдлар каби айрим жанрлар таркибида унсурлар сифатида учраб туриши шундай дейишга асос беради. Б.Валихўжаев ўзининг "Ўзбек адабиётшунослиги тарихи" тадқиқотида бу қарашни ҳар тарафлама асослаб беради¹⁷³.

Европа адабиётида бу жанрнинг асосчиси француз гуманист ёзувчиси, философ М.Монтень бўлиб, унинг "Тажрибалар" асаридан кейин эссе мустақил адабий жанрлардан бири сифатида намоён бўлди.

Рус адабиётида эссега хос аломатлар А.И.Герценнинг "Нариги кирғоқдан", Ф.Достоевскийнинг "Ёзувчи кундалиқлари" асарларида кўзга ташланади. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида эссе жанрига маълум маънода мурожаат Бехбудий, Ибрat, Чўлпон, Айний мақолалари, қатор саъхатномаларда кўзга ташланади. Бунга Айнийнинг "Бир мусофир" (1918), Айнийнинг "Самарқанд хотиралари", Оксok Темур таҳаллуси остида ёзган муаллифнинг "Чўлпон афандига қуллук" (1919), Ботунинг "Москвadan хат" (1922) каби асарлари мисол бўлади.

Жанрнинг табиати, ўзига хос хусусиятлари. Эссе кўп ҳолларда импровизация (бадиҳа) асосида дунёга келадиган адабий-танкидий жанр бўлиб, адабиёт тарихи, ҳозирги адабий жараённинг муайян муаммолари, адиб феъл-атвори, қисмати, маънавий дунёси, у ёки бу асарнинг яратилиш тарихи, ўзарo муносабатлар тўғрисидаги мушоҳада, муҳокама, мусоҳабалар мажмун саналади. "Бадиа-фикрнинг эркин, табиий ифодаси. У қалбдаги хис-туйғулар жўшганда, фикр пишиб етилганда бир туртки туфайли коғозга "сочилади" Бадида замон ва замондошлар, санъат ва адабиёт ҳақидаги қарашлар акс этади; бурч, садокат, тарих олдидаги

¹⁷³ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т.. 1993.

масъуллик ҳисси ҳақида мулоҳаза юритилади. Умуман, бадиа – кишининг ҳаққоний ўйлари, воқеа - одамларга ҳалол қарашларни акс эттирувчи жанр”¹⁷⁴.

Эссенавис мунаққид асарида муайян адабий-бадий ҳодисаларга онд ўз таассурот ва мулоҳазаларига, санъаткорнинг таржimai ҳоли ва бадий асар қаҳрамонларининг реал ҳаётига доир кизик воқеалар тасвирига, табиатнинг дилбар манзараларига, турли шаҳарлар ва қишлоқларнинг бадий пейзажига, таҳлил этилаётган мавзу ва ҳодисалар хусусида китобхон билан бевосита эркин мулоқотлар қилишга кенг ўрин беради.

Эсселар фалсафий, публицистик, адабий-танкидий, тарихий-биографик, соф беллетеристик характерда бўлиши мумкин.

Ёзувчининг адабий танкиди, мулоҳазалари кўпинча, эссе жанри хусусиятлари асосига қурилади. Унда фақат ижод эмас, ҳаёт ва ижод тажрибасидан келиб чиққан ҳулосалар, қарашлар, қулатишлар акс этади.

Сўнгги йилларда Миртемир, Зулфия, Ш.Рашидов, Ҳ.Ғулом, Шукрулло каби атоқли шоир ва ёзувчиларнинг адабий-эстетик қарашларини ўзида мужассамлаштирган бадиалари нашр этилди. Бу ҳол адабий танкид ранг-баранглашувига сезиларли таъсир кўрсатди. Адабий-танкидий ва эстетик тафаккур ҳосилаларининг ўқувчилар аудиториясини кенгайтирди. Бу туркумдаги асарларда санъаткорларнинг ўз ижоди, шахсияти, табиати хусусидаги, шунингдек, бадий адабиёт, адабий жараён, миллий маданиятимиз ҳазинасини ижодий бойитган асарларнинг туғилиши, ёзилиш жараёнига доир фикр-мулоҳазалари кенг ўрин олган. Бундай бадиалар санъаткорларнинг ижоди, шахсияти, табиати, асарларининг ёзилиш жараёнига алоқадор ноёб маълумотлар, фикрлар ифодаланиши билан қимматлидир.

Эсселар марказида ижодкорнинг маънавий дунёси туради, яъни ижодкор интеллект бадианинг бош қаҳрамони вазифасини ўтайди дейиш мумкин. Унда ижод этувчи санъаткорнинг адабий ўйлари, бадиалари адабийлик ва эмоционаллик билан қатишиб кетган фикр-мулоҳазаларининг кўркам синтезини ташкил этади.

Миртемир, А.Мухтор, Ҳ.Ғулом, П.Қодиров, О.Ёқубов ва бошқа санъаткорларнинг 70-80-йилларда майдонга келган бир-бирларига асло ўхшамаган эсселарида масаланинг танланиши ва ёритилиши; услубларнинг ранг-баранглиги; маънавий-ахлоқий, фалсафий-эстетик умумлашмаларнинг салмоғи; маълумотларнинг гўзаллиги, янгиллиги, оҳорлилиги жиҳатидан бир-бирларидан ажралиб турадилар. Улар наинки танкидчилик, айни вақтда, бадий адабиётимизни ҳам бойитдилар. “Кўзга ташланган етакчи белгиларига кўра ҳам бадиалар кўпроқ лирик жанрларга яқин туради. Жамият ҳаётини, даврини, воқеликни, одамлар тақдирини, санъаткор “мен”и орқали идрок этиш ва эстетик баҳолаш

принципига кўра ҳам ана шундай фикрга қеласан киши”, - деб ёзади Н.Раҳимжонов юқорида тилга олган мақоласида.

Эсседа лирик жанрга хос хусусиятлар лирик моҳияти билан публицистик руҳнинг, ҳужжатчилик билан бадийликнинг, фалсафий мулоҳазалар билан армонли ва орзули кечинмаларнинг, реал ҳаёт билан фантазиянинг органик уйғунлигида синкретизмда зухур топади. Шу маънода шеърят, наср ва драмада қулатилгани каби бадиаларда ҳам диффузияланиш жараёнига табиий бир ҳол деб қарамоқ керак. Лекин шунинг ҳам эътироф этмоқ лозимки, айрим эсселардаги умумлашма характердаги илмий-назарий фикрлар ифодасига устувор аҳамият бериш эссе табиатидаги жозибатга бир мунча путур етказди ва уни бошқа жанрлардаги “академизм”га яқинлаштириб қўяди.

Эссенинг ўзига хос етакчи фазилатларидан бири - эркин ва хур фикр-мулоҳаза юритиш тамойилига эга бўла туриб, мустақил сюжет йўналиши, қурилиши ва қаҳрамонга эга ички конструкциялар асосида таркиб топишидир. Бадий асарда ижодкор услуби қанчалик акс этса, эсседа ҳам муаллифнинг бетакрор қиёфаси акс этиб туради.

Эссе таснифи. Адабий танкиднинг бугунги манзарасини эстетик эврилишларини эсселарсиз тасаввур этиш қийин. Эсселар ифода моҳияти, мақсади, шакли, йўналишига турличадир:

1) Бадий асоси залворли эссе. Унга Ш.Холмирзаев (“Бинафша хидланг, амаки”, “Бир вужудда икки жон” ва ҳ.к.), Хуршид Даврон (“Самарқанд ҳаёли” туркумидаги тарихий ва маърифий бадиалар, “Бибиҳоним қиссаси ёки тугамаган дoston” бадиаси) каби асарлари.

2) Публицистик рух қучли бўлган эсселар (В.Зоҳидовнинг “Бизнинг янги йил ва инсон”, “Ҳақиқий севги ва ижодий баҳодирлик таронаси” қабилар).

3) Адабий-танкидий йўналиш асосидаги эсселар. Тарихий ёки адабий эсселарда танкидий унсурлар бўлиши мумкин, лекин бу уларнинг адабий-танкидий эссега тенглигини англатмайди. Адабий эсселар кўпинча ҳаёт ҳодисаларига онд ижтимоий-руҳий қулатишлар мағзини чақишга йўналтирилган бўлади. Адабий-танкидий йўналиш асосидаги эсселарда эса ижодкор ҳаёти, руҳияти, асарлари билан алоқадор жараёнлар ёритилади.

Ўзбек адабиётида эссенинг турли шакллари учрайди: а) адабий ўйлар, б) эссе-роман, в) эссе-қисса, г) хотира ва ҳоказо.

Танкидчи И.Ғафуров илк китобларини адабий ўйлар шаклида китобхонларга ҳавола этди. “Адабий ўйлар”да сўз жозибаси чуқур қулатилади, айни вақтда, фикр муайян концепция атрофида уйғунлашади. Таникли ёзувчи, шоирлар асарлари адабиёт ривожига қанчалик қатъи ўрин тутса, уларнинг адабий-танкидий мақолалари, адабий ўйлари, қайдлари ҳам адабиётшунослик қамоллида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлади.

Шоир Миртемирнинг турли даврларда яратилган “Тингла ҳаёт” (1974), “Дўстлар даврасида” (1980) мажмуалари мухтасар бир яхлитликда

¹⁷⁴ Раҳимжонов Н. Бадиа ҳақида // ЎТА. 1983. № 5. - Б. 19.

чоғ этилди. Уларда санъаткорнинг ҳаёт ҳақидаги, адабиётнинг табиати ҳақидаги ўйлари, шеър ва шеърят, маҳорат, ижодкор масъулияти, талант ва меҳнат хусусидаги қарашлари узвий қўшилиб кетади. Муаллифнинг "мен"ини белгиланган, шахсига хос хусусиятлар, фазилатлар санъаткорнинг бой ҳаётий, ижодий тажрибасидан келиб чиқадики, улар адабий эссе учун муҳимдир.

А.Мухторнинг "Ёш дўстларимга", П.Қодиоровнинг "Ўйлар", А.Ориповнинг "Эҳтиёж фарзанди", Э.Воҳидовнинг "Шоир ушғуру", Ў.Ҳошимовнинг "Нотаниш орол" тўпламларини ҳам, асосан, шу хилдаги эсселар ташкил қилади.

Илмий ва бадий мушоҳадалар уйғунлигида шундай бир адабий-танқидий жанр борки, уни бади-роман ёки эссе-роман деб аташ мумкин. Унинг асосини бадийлик ташкил этган ёхуд илмийлик ташкил этган турлари бор. Танқидчи Н.Худойберганов уни "илмий-оммавий, танқидий биографик асар" деб атайди. Аввало роман билан эссе-роман ўртасида қандай фарқ бор? Том маънодаги мумтоз роман етакчи хусусиятлари шаклланган, ўзгармас ва муқим бўлган эпик жанр. Унда муаллиф кўп ҳам намоён бўлавермаслиги мумкин. Эссе-романда эса роман жанрининг етакчи ва муқим хусусиятлари ҳам анча жонли, эркин равишда ўзгариб туриши мумкин. Унда муаллиф нутқи, нуктаи назари ва ҳатто идрок, умуман, романга нисбатан анча фаолдир. Роман-эссенинг структурасида лирик асос аниқ ҳолда, кечинма, мушоҳада, муносабатлар етакчилик қилади. Роман-эссенинг яна бир тури борки, унда илмий асар билан бадий асар ўзаро уйғунлашган шаклда намоён бўлади.

Ўзбек адабиётида "Машҳур кишилар ҳаёти" туркумида яратилган қатор эссе-романлар мавжудки, улар тарихий, илмий ва маърифий аҳамиятга эга. Европадагидан фарқли ўларок, бу типдаги асарлар ўзбек адабиётида ҳам анча илғари-авлиёлар ҳақидаги манокбилар шаклида, адиблар ва тарихий шахслар ҳақидаги ("Мақоримул-ахлоқ", "Темурнома") мемуарлар шаклида мавжуд эди.

Бу туркумнинг Россияда пайдо бўлишига М.Горький ташаббус кўрсатди. Аслида маданият арбоби, ижодкор шахс ҳақидаги роман типи Европа адабиётида бир аср аввал шаклланган эди. Унга француз ёзувчиси Андре Моруа асос солди. XX асрнинг 30-йилларида Горький таклифи билан Россиядаги бир қатор ёзувчи ва олимлар шу типдаги адабий тарихий-биографик романлар ижод қила бошладилар ва улар «Машҳур кишилар ҳаёти» рукни остида машҳур бўлди. Бу рукндаги асарлар рус адабиётида ўсмирлар китобсеварлиги шаклланиши ва ривожига муҳим роль ўйнади.

Ўзбек адабиётида эссе-роман хусусияти кўрина бошлаган асарлар XX асрнинг 60-йиллар охирида юзага келди. Н.Каримовнинг "Ҳамид Олимжон", "Ойбек", Л.Қаюмовнинг "Ҳамза", О.Шарафиддиновнинг "Абдулла Қаҳҳор" Отаёрининг "Миртемир", "Мен қуёшни кўргали келдим"

асарларида ана шу хусусиятлар уч кўрсатди. Азиз Қаюмов ҳам бу йўналишда Алишер Навоий ижоди ҳақида ёш китобхонларга мўлжалланган асарини яратди. Лекин унда Навоий ҳаётига доир зиддиятлар, санъаткор ижодининг фалсафий-эстетик асосларини ёритишга унчалик эътибор берилмади.

А.Акбаров Ф.Ғулом ҳаёти ва ижодини тўла, ҳатто ошириб-тошириб тасвирлашга интилади. Аммо шоир ҳаёти ва ижодидаги мураккабликлар, зиддиятлар, синови онлари, рухий драмалари деярли очилмади. Руҳий ва ижодий драматизмга етарли даражада эътибор бермаслик китобхонни бир мунча зериктириб қўяди ва асарда танқидий-биографик очерк жанрига хос хусусиятлар устуворлигини келтириб чиқаради.

Бу типдаги асарлар орасида Н.Каримов, О.Шарафиддинов, Отаёри асарларида бади-роман хос хусусиятлар сезилиб туради. Бироқ, бундан қатъий назар, 70-80-йилларгача яратилган танқидий-биографик асарларда санъаткор ижоди, асарлари тахлилига эътибор кўпроқ берилди. Асарни яратган ижодкор табиатидаги ўзига хос хусусиятлар, шахс ва санъаткор сифатида шаклланишга таъсир кўрсатган муҳит, ижод ва руҳият билан боғлиқ масалаларга кам эътибор берилди. Н.Каримов, О.Шарафиддинов, Отаёрининг Ойбек, А.Қаҳҳор, Миртемир эссе-романларида бу камчиликларни бартараф этишга дастлабки қадамлар ташланди.

Мустақиллик даврида Н.Каримов эссе-роман жанри талабларини астойдил ўзлаштириб бораётган тажрибали мунаққид ва адиб эканини "Қўлпон", "Мақсуд Шайхзода" эссе-романлари мисолида кўрсатди.

"Мақсуд Шайхзода" эссе-романи шу жиҳатдан ёш авлоднинг эстетик тафаккурини ривожлантиришда, унинг бадий савиясини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Халқнинг севган шоири Мақсуд Шайхзода ҳақида қалбимизда буюк ҳурмат ва муҳаббат туйғуларини уйғота олади. Бу эссе-роман олимнинг олдинги тадқиқотларидан композицион тузилиши жиҳатидан фарқ қилади. Етти қисмдан иборат асарнинг ҳар бир қисмида Мақсуд Шайхзодани яхши билган замондошлари ҳикоялари берилган. Масалан, "Гуллар баргидаги шабнам" деб номланган иккинчи қисмда Мирзакалон Исмоилийнинг, шу билан бирга шоирнинг ўз ҳикояси берилиб, ҳар бир қисмда икки ёки учтадан Шайхзодани яхши билган санъаткорлар хотираларидан фойдаланилган. Бу усул танқидчи Шайхзода ҳақидаги мулоҳазаларини янада тўлдириш, шоирнинг мукамал қиёфасини яратишда жуда қўл келган. Асарда шоирнинг туғилиши, болалик йиллари, Тошкентга келиб қолиш сабаблари батафсил ёритилади. Шуниси диққатга сазоворки, шўро даврида ёзилган барча дарсликларда шоир нима сабабдан ўз она Ватани Озарбайжондан бирданига Тошкентга келиши ҳақида ҳеч нима дейилмас эди. Мустақиллик йилларигача шоир ҳаётининг шу қисми хира бўлиб қолган эди. Н.Каримов асарда айтиш ҳолатни кенгрок ва батафсилроқ ёритишга интилан ва бунга эришган.

Танкидчи шоир ижоди ва ҳаётининг ҳар бир нуқтасини, кадамба кадам изчиллик билан ўрганган, далилларга мурожаат қилиб, архив материаллари устида ишлаб, ҳақиқий манзарани очишга муваффақ бўлган. Максуд Шайхзода асарларининг ёзилиши, нашр этилиши, китобхоннинг унга муносабати, ўша давр адабий жараёни ҳақида синчковлик билан фикр юритди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқни ватанпарварлик, жасорат руҳида тарбиялашга асосланган бадиий асарлар ёзишга даъват қучли бўлди. Бу даъватга Шайхзода ўзбек халқининг жасур фарзандларидан бири Жалолиддин ҳақида сахна асари ёзиб, жавоб берган эди. Шайхзода етук ёзувчи сифатида ёза бошлаган илк сахна асарига ана шундай тарихий шахсни - муғул қўшинларига қулқула солган, ғалаба юз ўтирган жанг майдонларидан ҳам эсон-омон чиқиб кетган Жалолиддинни қахрамон қилиб олишини асослаб беради. Шоирнинг асар устида берилиб ишлаши, Жалолиддин ва Темур Малик босган изларни бориб қўришдан эринмаганлиги, Водилда асарни ниҳоясмига етказгани ҳақида самимий ҳикоя қилиб беради. Кейин асарнинг сахнага қўйилишига бевосита гувоҳ бўлган машҳур актриса Сора Эшотўраеванинг ҳикоясини келтиради.

Н.Каримов драма бош қахрамони билан онаси ўртасидаги парчадан мисол келтиради: отаси курашга фотиҳа бермаганида, изтиробга тушиб, бунга онасидан сўрайди, шунда она ўғлига тумор бериб, уни юрт учун курашга қорлайди. Жалолиддин :

Онамизнинг онаси бўлса шу ватан -

Кўрлик афзал шу юртни асир кўрмоқдан.

деган ҳулосага келади. Бунга Н.Каримов шундай талқин этади: “Бу сатрларда Шайхзода ижоди учун бирламчи аҳамиятга молик масала - Ватанни озод қўриш масаласи катта эҳтирос билан ифодаланган”.

Драманинг сахнага қўйилиши ўша давр учун жуда катта воқеа бўлганлигини олим хотиралар асосида ёритади. Ўзи ёш бўлгани учун бу асарни кўриш бахтига муяссар бўлмаганлиги туфайли Шайхзода ижодий ҳаётининг катта бир бобини ташкил этган мазкур асар ва спектакль тўғрисидаги айрим хотиралардан лавҳалар келтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Жалолиддин, Темур Малик ва бошқа образларни маҳорат билан ўйнаган актёрлар фаолиятига кенг тўхталди.

Н.Каримов буюк ёзувчиларга бағишланган эссе- романларида уларга нисбатан оташин муҳаббатини, ҳис- ҳаяжонини ёрқин ва таъсирчан мисраларда ифодалайди. Бунга “Максуд Шайхзода” асарида ҳам яққол кўриш мумкин. Айниқса, китобнинг “Бўрон гурлаганда” деб аталган тўртинчи қисми Шайхзода бошига тушган фожиаи дамлар, унинг ноҳақ камалиши, сургунда кечган кунлари тасвирига бағишланган. Ҳатто шоирнинг қамокхонда тушган расми берилиши ҳам мустабид тузумга нафрат уйғотишга хизмат қилади. Бу қисмга Шайхзоданинг қуйидаги

шеъри эпиграф қилиб олинганки, у ўша машъум давр моҳиятини яққол ифодалай олган:

Ҳай, муҳтасиб, сизга қолса бутун миллатнинг

Ярми чириб кетар эди авахталарда...

Муаллиф бу асарини маърифий-биографик роман деб номлаган. Бизнингча, бу танкидчининг навбатдаги эссе-романи ҳисобланади, чунки унда бу жанрга ҳос хусусиятлар мужассам.

Мунаққиднинг “Максуд Шайхзода” асари биринчи навбатда шоир ҳақидаги ҳақиқатларни ойдинлаштиришга хизмат қилади. Унда Максуд Шайхзода ҳаёти ва ижоди тўғрисида нашр этилган деярли ҳамма мақолалар-у, рисолалардаги далиллар, маълумотлар, кузатишлар, қарашлар ва талқинлар, хотиралар умумлаштириб, шоир босиб ўтган йўлнинг ниҳоятда кенг, муфассал манзараси чизилади. Энг муҳими, асарда китобхон кўзи олдида миллатпарвар шоир Максуд Шайхзоданинг кенг, мукаммал образи намоён бўлади. Н.Каримов асарда шоирнинг образини яратар экан, у кўз олдимизда қуйидагича намоён бўлади:

Максуд Шайхзода:

– қалби ҳиссиётга тўла истеъдодли шоир;

– ўзининг лирик шоирлигини драмаларида намоён қилган драматург;

– ўз давридан олдинга кетган, танкидчи ва моҳир таржимон;

– ўз миллатининг бахти, келажаги учун қайғурадиган миллатпарвар инсон;

– инсонпарвар, дўстга садоқатли, хушфезл, ҳамсухбат, қалби тоза, юрт деб, мустақиллик деб ўзини фидо этган буюк шахсдир.

“Максуд Шайхзода” асарида Н.Каримовнинг танкидий- биографик характердаги барча асарларига ҳос хусусият: илмий ва образли тафаккур омукталиги, танкидчи қалби - ижодкорга, санъат асарларига бўлган қучли муҳаббати сезилиб турган юракнинг эҳтиросга ўралган ҳолда намоён бўлган.

XX асрнинг 70-80-йилларидан бошлаб ёзувчи ва санъаткорлар ҳақида кўплаб хотира китоблар яратилди. А. Қодирий, Айний, Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Қаххор, Шайхзода, Миртемир, Шухрат, А.Мухтор, О. Шарафиддинов, Ш.Холмирзаев, Т.Мурод ҳақидаги хотиралар адабиётимиз бойлигига айланди. Ҳ.Қодирийнинг “Отам ҳақида”, (1979), Саид Аҳмаднинг “Назм чоррахасида” (1982,1993) ҳамда “Йўқотганларим ва топганларим” (2000), К. Қаххорованинг “Чорак аср ҳамнафас” (1987), З.Саидносированинг “Ойбегим менинг”, Н.Каримовнинг “Ойбек ва Зарифа” китобларида улкан санъаткорларнинг жонли қиёси абадийлаштирилди.

Хотиралар қатор хусусиятлари билан эссега яқин туради. Шу билан унга эссенинг бир шакли сифатида қараш мумкин. Аммо хотираларда келтирилган барча далилларни аини ҳақиқат деб тан олиш ва уларни илмий муомалага киритавериш ҳаминша ҳам қутилган натижани

беравермайди. Хотирада айрим муаллифлар баъзан ўз субъектив қарашларини илгари суришларини назардан кочирмаслик керак бўлади.

Хотиралар нафакат санъаткорлар ҳаёти ва ижоди, балки адабий жараён хусусида қимматли маълумотлар беради; шунингдек, асарларнинг яратилиш асосидаги ижодкор "руҳияти иқлимларидан, қайфияти манзараларидан, ижодий ҳаёлларининг тўлкинидан" (Н.Раҳимжонов) хабардор қилади, бу эса ижодкорлар ҳақида илмий-назарий йўналишдаги тадқиқотлар қимматли манба вазифасини ўтайди.

"Ойбек замондошлари хотирасида" китоби чиққандан кейин халқимиз адиб ҳаёти, ижоди, инсон сифатидаги фазилатларидан атрофлича хабардор бўлди, 3.Саидносовнинг "Ойбеги менин" китоби орқали бу улғу санъаткор феъл-атвори, ҳаёти ва ижодининг нозик қирраларидан воқиф бўлди. Бу китоб адиб қиёфасини жамик қирраларидан очиб берувчи қимматли манбага айланди. Элга таникли олима, устоз Ойбекнинг садокатли дўсти, охириги қуллалигача ҳамнафаси бўлган Зарифа опа Саидносов кизи китобининг сарлавҳасиданок меҳр ва садокат уфуриб турган хотиралари самимий ҳисларга бойлиги билан ажралиб туради. Асар ичига чуқурроқ кирган сайин кўз олдингизда буюк ёзувчининг мураккаб ҳаёти, илҳом қайнаган гўзал онлар, фарзандларига муносабати янада ёркинроқ гавдаланади.

70-йилларда ўнлаб муаллифларнинг асосан бир адиб ҳақидаги хотиралари ёзилган бўлса, 80-йилларнинг ўрталаридан бир муаллифнинг қатор ёзувчилар ҳақидаги хотиралари юзага кела бошлади. Саид Аҳмаднинг С.Айний, Ойбек, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғулом, С.Зуннунова ҳақидаги хотираларида, бир тарафдан, турли адибларнинг ранг-баранг қиёфаси гавдаланса, иккинчи бир томондан, улар ҳақида мушоҳада юритаётган муаллифнинг ўзидаги, хотираларидаги ранг-баранг дунё жиллоланади.

Матбуотда баъзан бирор ижодкор ёки унинг асарлари ҳақида ёзилган кичик бир мақола бадия деб номлаш, ҳажман кичик қайдларни, этюдларни ҳам бадия деб номлаш ҳоллари учрайди. Бунга Х.Давроннинг "Олисларда жимирларди бир юлдуз..." (Шайх Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йил олдида) асари "бадия дейилган" ("Ўз.АС" 1995, 4 август). Аммо бу асар кўпроқ воксий ҳикояга ўхшаб кетади.

Вафо Файзуллонинг матбуотда эълон қилинган асарларидан бири "Сўз йўли" Бедилга бадия дейилса-да (Ўз.АС 1994.15 июль), у буюк шоир ижодидан таъсирланиш натижасидаги фалсафий мушоҳадалардек таассурот қолдиради. Шунингдек, журналист З.Рўзиевнинг меҳру оқибат муаммоларига бағишлаб хотира тарзида ёзилган "Дарёминдигиз, осмониндигиз, Бувижон! ..." деб аталган ёдном хотираси ҳам эссе деб берилганки, бундай ҳоллар эссеистикада жанр табиати масалаларини янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини кўрсатади. Айни вақтда, эссе фақат танқидчиликнинг эмас, бадий адабиёт, журналистика, фалсафанинг ҳам ўрганиш объекти эканини назардан кочирмаслик керак.

Таянч тушунчалар: тарихий-биографик ёндашув, адабий портрет, ҳолат, манокӣб, портретнавис, ижодий портрет, танқидий-биографик очерк, эссе, эссеистика, бадия, хотира, адабий ўйлар, эссе-роман, Монтень, тарихий бадия, импровизация, эссе услуби, классицизм, диффузияланиш, синкретик, «Машҳур кишилар ҳаёти» руқни.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Портрет истилоҳининг маънолари ҳақида гапиринг.
2. Портрет -мақола нима? Адабий-танқидий очерк-чи?
3. Адабий портрет билан ҳолат ва манокӣблар орасидаги муносабатни нималарда кўрасиз?
4. Адабий портретнинг жанрий белгилари нималарда кўринади?
5. Адабий портрет билан танқидий-биографик очерк ўртасидаги фарқ нимада?
6. Ўзбек танқидчилигида адабий портретларнинг ривожланиши қай даражада?
7. "Эссе" атамаси қандай маънога эга, уни бадия истилоҳига муносабати қандай?
8. Эссе қандай ички турларга эга? Эссега ҳос хусусиятлар нималарда кўринади?
9. Хотира нима? Унинг эссега муносабати нимада?
10. Эссе навис мунаққидлардан қимматли ва уларнинг қандай асарларини биласиз?
11. Ёзувчи ва танқидчилар яратган эсселар қандай хусусияти билан ажралиб туради?

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Каримов И. Барқамол авлод орзуси. Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И. Адолатли ҷамият сарни. Т.: Ўзбекистон, 2000
3. Баҳодир Карим. Ҷадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд.Т., 2000.
5. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т., Ўзбекистон.1993.
6. Мирвалиев С. Ўзбек адиблари. Ҷажжи портретлар.Т.,1993.
7. Норматов У. Ижод сеҳри. Т., 2010.
8. Расулов А. Истеъдод ва эътиқод. Т., 2000.
9. Раҳимжонов Н. Бадия ҳақида // "ЎТА",1983. № 5.
- 10.Раҳимжонов Н. Илмий тафаккур жиолари.Т.,1991.
- 11.Сатторов М. Каттабеков А. Олис юлдузлар жиолоси. Т., 1984.
- 12.Шарафиддинов О. Истеъдод жиолари. Т., 2000.
13. Қўшжонов М. Истеъдод қирралари. Т., 1975.
- 14.Ғафуров И. Дил эркинлиги. Т.: Маънавият.1998.

15. Ҳабибулло Саид Ғани. Бир мисра тарихи. Эссе // Ёшлик. 1988, № 10.
16. Эпштейн М. Законы свободного жанра. Вопросы литературы. М. 1987. № 7.

Эссе табиатини ўзида истифода этган асарлар:

17. Асқад М. Ёш дўстларимга. Т.: Ёш гвардия. 1971.
18. Абдулла Орипов. Эҳтиёж фарзанди. Т.: Ёш гвардия. 1988.
19. Эркин Воҳидов. Шоир, шеър, шуур. Т.: Ёш гвардия. 1987.
20. П. Қодиоров. Ўйлар. Т., 1971.
21. Ҳошимов Ўткир. Нотаниш орол. Т., 1990.
- «Машҳур кишилар ҳаёти» сериясидаги китоблар:
22. Наим Каримов. Ҳамид Олимжон. Т., 1979.
23. Лазиз Қасимов. Ҳамза. Т.: Ёш гвардия. 1989.
24. Отаёв. Миртемир. Т. 1986.
25. Отаёв. Мен кўшни кўргали келдим. Т., 1989.
26. Акбаров А. Ғафур Ғулом. Т., 1974.
27. Шарафиддинов О. Абдулла Қасимов. Т., 1988.

Хотира китоблар:

28. Навоий замондошлари хотирасида. Т., 1989.
29. Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида. Т., 1999.
30. Ойбек замондошлари хотирасида. Т., 1979.
31. Айний замондошлари хотирасида. Т., 1978.
32. Ҳамза замондошлари хотирасида. Т., 1979.
33. Миртемир замондошлари хотирасида. Т., 1982.
34. Максуд Шайхзода замондошлари хотирасида. Т., 1983.
35. Ислон шоир замондошлари хотирасида. Т., 1981.
36. Абдулла Қасимов замондошлари хотирасида. Т., 1987.
37. Асқад Мухтор замондошлари хотирасида. Т., 2006.
38. Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида. Т., 2007.

АДАБИЙ МУЛОҚОТГА АСОСЛАНГАН ЖАНРЛАР

РЕЖА:

1. Адабий-танкидий мактуб.
2. Адабий-танкидий мактубнинг ички шакллари.
3. Адабий суҳбат жанрининг хусусиятлари.
4. Адабий-танкидий суҳбат турлари.

Адабий-танкидий мактубнинг генезиси, табиати. Мактуб инсон кашф этган мулоқотлардан бирининг тарихда муҳрланиб қолувчи гўзал, таъсирчан ва қулай шаклидир. "Мактуб, аввало, фикрлашга, атрофга разм солиб қарашга, яхши-ёмонни танишга, ҳар нарсаси мустақил баҳо беришга, ўз фикрига эга бўлишга, қузатувчанликка ўргатади. Шулар баробарида мактуб ёзиш инсон ижтимоий фаоллигининг энг ёрқин кўринишларидан

биридир"¹⁷⁵. Мактуб муайян маънода дил ҳужжати. Унда муаллиф шахсияти, руҳий ҳолати, кечинмалари аниқ ва ҳолисона ифодаланади. Мактуб моҳиятини маълумотнинг ўзи эмас, энг аввало, объектга муносабат, шу туфайли туғилган шахсий фикр-ўйлар, кечинмалар, ҳис-туйғулар ташкил этади. Шу маънода мактублар инсон ҳаётида ҳам, адабиёт тарихида ҳам маълум аҳамиятга эга.

Адабий-танкидий йўналиш ёхуд адабий тафаккурдаги мактуб хатнинг илмий-эстетик тафаккурга йўғрилган намунаси. Бинобарин, ҳозирги ўзбек танкидчилигида такриз, адабий шарҳ (обзор), адабий-танкидий мақола, адабий портрет, бадиъ (эссе), танкидий-биографик очерк каби жанрлар силсиласида адабий (танкидий) мактубнинг учраши ҳам табиийдир. Бу йўналишдаги мактуб адабиёт равнақи учун, ёзувчи ижодининг такомил, китобхон билан адабиёт, китобхон билан ижодкор ўртасидаги робита, муносабатларни ойдинлаштиришда ўзига хос ўрин эгаллайди.

Мактубнинг жанр сифатида танкидчиликда қачон пайдо бўлганини аниқлаш адабий-танкидий тафаккурдаги изланиш, ўсиш босқичларини аниқлаш учун алоҳида изланишни талаб этади. Шу маънода мактубнинг адабий-танкидий жанр сифатида шаклланиши ва ривожланиши илмий ҳодиса сифатида айрича аҳамиятга эга. Тарихга назар ташланса, адабий хусусиятга эга мактуб (нома, хат)нинг илдизи "Авесто" ва Ўрхун-Энасой обидаларига бориб тақалишини қузатиш мумкин.

Алишер Навоийнинг Ҳирот, Самарқанд, Астробод ва бошқа шаҳарларда яшаб туриб, турли кишиларга ёзган насрий мактубларидан тузилган "Муншаот" («Хатлар») асари жаҳон адабиёти тарихидаги улкан манбалардан бири ҳисобланади. Унга 88 та рукъа (хат) киритилган. Бу хатлар буюк адибнинг турли ҳолат ва вазиятдаги қайфиятини реалистик акс эттирган тарихий ҳужжатларгина эмас, балки Навоийнинг адабий-танкидий қарашларининг нозик қирраларини ифодаланиши билан ҳам қимматлидир. Айни вақтда, бу мактублар ўз давридаги адабиёт, санъат, маданият ривожига муайян даражада таъсир кўрсатгани ҳам шубҳасиздир.

Адабий характердаги мактубда муаллифнинг адабиёт, бадиий асар ҳақидаги ҳолис мулоҳазалари биринчи ўринда туради. Шу нуқтаи назардан қаралса, адабий-танкидий мактубнинг ўзига хос жанрий белгилари қуйидагиларда кўринади:

1. Адабий-танкидий характердаги мактуб ёзувчига, асар қаҳрамонларига (шартли), танкидчига, китобхонга мурожаат қилиб ёзилади. Адабий танкиднинг бошқа жанрларидан фарқи ўлароқ унда мурожаат руҳи, таъкид оҳанги, баъзан интим мушоҳадалар ётақчилик қилади.

¹⁷⁵ Ғафуров И. Дил эркинлиги. Т.: Маънавият. 1998 - б. 78.

2. Адабий-танкидий характердаги мактубда, асосан, объект сифатида танланган асар хақида фикр юритилади, шу нуктаи назардан у маълум даражада тақриз жанрига ўхшаб кетади. Лекин хусусий, шахсий мушоҳадалар устунлик қилади. Танкиднинг барча жанрларида бўлгани каби мактуб жанрида ҳам мунаққид истеъдоди муҳим ўрин тутати. Унда муаллифнинг асар гўзаллигини, ғоявий ва бадий бойлигини ҳис этиш, камчиликларни аниқ идрок қилиш қобиляти ёки, аксинча, ночорлиги сезилиб туради.

3. Мактуб орқали мунаққид бошқа жанрларга нисбатан ҳар қачонгидан кўра ёзувчига, китобхонга яқинроқ бўлади, улар билан бевосита робитага киришади.

4. Мактубда ҳам, тақризда қузатилгани сингари қисқалик, лўндалик устиворлик қилади. Таъсирчанликда руҳий моҳият ишонтириш кучи чуқурлашади, чунки мунаққид ёзувчига, китобхонга қалбини очаётгандек бўлади, мулоҳазалари адресатга маъқул қилини келмаслигидан қатъий назар ёзувчи, китобхон ёки танкидчининг бевосита дилидагиларни айтаётгандек йўл тутати.

5. Адабий танкиднинг барча жанрлари адабий жараён, китобхон ва ёзувчи, демак, уч томонлама таъсир кучига эга бўлса, адабий-танкидий мактуб аниқ бир объектга қаратилгандек шаклий йўналиш олади.

Лекин бу мактубда (айниқса, матбуотда эълон қилинган мактубда) кенг китобхонлар оммаси батамом эътибордан соқит қилинади дегани эмас. Бу ўринда мурожаат, адреслилиқ, шакл ва услубагина хос бўлиб, илгари суриляётган фикр ва мушоҳадалар кўпчилиқ томонидан идрок қилинишини назардан қочирмайди.

Бу жанр ривож ва такомилда Фитрат, М.Қўшонов, О.Шарафиддинов, О.Тоғаев, У.Норматов, И.Ғафуров каби мунаққидлар мактублари муҳим ўрин тутати. О.Шарафиддиновнинг И.Ҳаққулга ёзган очик хати мисолида ўзбек танкидидаги мактуб жанрининг сифат жиҳатдан янгилашиш жараёнини қузатиш мумкин. Мунаққид И.Ҳаққулга маҳоратидаги гўзал ва нозик нукталарни эътироф этиш баҳонасида сўнгги босқич ўзбек танкидчилигида содир бўляётган янги тамойилларни очиб беради, мунаққидлар олдида турган янги-янги вазифаларга эътибор қаратади.

Адабий-танкидий мактубнинг ички шакллари. Шуниси эътиборлики, XX аср бошларидаёқ бу жанрга мурожаат этишда жонланиш сезилади. XX аср мрбайнида адабий-танкидий мактубга эътибор турли босқичда турли даражада кечди. Ўзбек танкидчилигида унинг О.Шарафиддинов (Салмон Рушдийга очик хат), У.Норматов (Зулфия Қуролбой кизига хат), Ш.Холмирзаев томонидан ёзилган намуналари мисолида янги кўринишлари пайдо бўлди. Ўзбек адабий танкидчилигида унинг қуйидаги хиллари учрайди:

1. Танкидчининг ёзувчига мактуби.
2. Мунаққиднинг китобхонга мактуби.
3. Танкидчининг адабий қаҳрамонларга хати.
4. Ёзувчининг танкидчига мактуби.
5. Танкидчининг танкидчига мактуби.

Танкидчининг адибга мактуби моҳиятан, икки кўринишга эга:

1. Бунда муваффақиятли чиққан бадий асар хақида танкидчи ўз таассуротлари, қувонч ва ҳаяжонларини ёзувчи билан баҳам қўради. Асарнинг ўзига хослиги, адабий жараёнда сезиларли воқеа бўлгани, китобхон қалбидан ўрин ола билишига ишонч натижасида самимий руҳдаги мактублар ёзилади. Бунга мисол тариқасида танкидчи О.Тоғаевнинг ёзувчи Эркин Аъзамга ёзган мактубини кўрсатиш мумкин. "Гражданин-инсоннинг шаклланиши" деб номланган бу адабий-танкидий мактуб мунаққиднинг «Прометей олови» (1985) китобидан ўрин олган.

2. Адабий-танкидий мактуб бадий жиҳатдан бўш, саёз асарлар пайдо бўлганда ёзилади ва кўпинча шиддатли оҳанг касб этади. Унда мурожаат руҳи етакчилиқ қилади. Уни ёзиш замирида адабиётга жонқуярлик, камчиликларга бефарқ қарай олмаслик ётади. Юксак санъат асарлари яратиш учун бундай асарларнинг бош мақсадидир. Танкидчи юксак санъат мезонлари нуктаи назаридан ёзувчига асари саёз эканини ҳолис исбот қилиб беришга интилади. Бу билан халқнинг китобхонлик даражасини кўтаришга ҳам кўмаклашади. Шундай очик хатлардан бири ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг "Одам қандай тобланди?" (1976) асари нашр этилиши муносабати билан М.Қўшонов томонидан ёзилди. Танкидчи унда асарнинг ўта жўн ёзилганини, аиниқса, Н.Островскийнинг "Пўлат қандай тобланди" асарига таассуб ўзбек адиби асарига муваффақият ўрнига қатта зарар келтирганини рўй-рост айтади. Мунаққидни, аиниқса, асарда бадийлик, гўзаллик йўқлиги ташвишлантирди. Унинг фикрича, ёзувчи асарда ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантира олмаган, образларда, аиниқса, ҳаётийлик етишмайди деган ҳулосага келади.

Бундай очик хатларнинг аҳамияти шундаки, биринчидан, адабиётда савияси паст асарлар яратилишига қарши кескин кураш олиб борилади; иккинчидан, ёзувчининг асарда йўл қўйган камчиликларини ўзига очик-ойдин кўрсатиб берилади; учинчидан, бундай очик хатлар китобхон дилини ўтмаслашиб кетишдан эҳтиёт қилади; тўртинчидан, адабий жараёни соғломлаштириб туради. Қолаверса, маълум маънода ноширларнинг кўзини очади. Бу хусусиятларнинг барчаси, аиниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити учун аҳамиятлидир. Лекин, афсуски, ниҳоятда зарур бўлган ҳозирги даврда ана шундай очик хатлар деярли ёзилмаётир.

Мунаққиднинг китобхонга мактуби ўзбек танкидчилигида кам учрайди. Масалан, У.Норматовнинг "Адабий ўхшашлиқлар хусусида" деб

номланган мактуби китобхоннинг саволига жавоб тарзида битилган. Бундай мактублар китоб билан китобхон, мунаққид билан ўқувчи ораларидаги масофани қисқартиришга хизмат қилади, улар аро жонли мулоқот кўпригини уюштиради. Натижада китобхон билан танкидчи бир-бирини кузатадиган, бир-бирини қувватлайдиган бўлиб боради.

Танкидчи танлаб олган асарлар тахлили мисолида адабий ўхшашликларнинг ташки томонига эмас, балки туб моҳияти, ёзувчининг ижодий индивидуаллигига, бадий концепциясига кўпроқ диққат қилиши лозим деган хулосага келади. Бундай мактубнинг адабий, маънавий-маърифий аҳамияти шундаки, у ўқувчи дунёкарашини чиниктиришга, ҳаёт ҳақидаги, бадий асар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиришга ёрдам беради. Адабий-танкидий руҳдаги мактуб китобхон билан адабий жараён ўртасидаги робитани мустаҳкамлайди, китобхонни мустақил фикрлашга ўргатади, бадий асарга ижобий муносабатда бўлиш малакасини тарбиялайди.

Танкидчининг адабий қаҳрамонларга мактуби ўзбек танкидидаги мунаққид изланишлари, таланти ва иқтидоридан дарак берувчи мактубнинг янги турларидан биридир. Унинг ёркин намунаси И.Ғафуров ижодида учрайди. Ў.Умарбеков киссалари қаҳрамонларига ёзилган хатлар шундай намуналардир. Мактубда мунаққид қаҳрамонларнинг тутган йўлига, хатти-харакатларига баҳо беради, уларни оқламайди.

Ижодкорнинг танкидчига очик хати ўзбек танкидчилигида кам бўлса-да, учраб туради. Бунга мисол қилиб шоир Усмон Азимнинг танкидчи У.Норматовга ёзган хатини кўрсатиш мумкин. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"да (1987, 13.Х.) У.Азимнинг "Акл-заковат муросами?" деб номланган очик хати эълон қилинди. Газетанинг шу сониди У.Норматовнинг "Йўқ, адолат-ҳақиқат йўли" сарлавҳаси остида жавоб мактуби берилди. Бундай мактубларнинг пайдо бўлиш ташаббускори газета таҳририяти, албатта. Кези келганда шуни таъкидлаш ўринлики, бу газета ўзбек танкидининг, умуман, фаоллашуви, хусусан, юқоридаги каби жонли изланишларга доимо ташаббускор бўлиб келмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, бу мактублар қайта қуриш даврида ёзилган, шунинг учун уларда замон руҳи-фикрни, ҳақиқатни очик-ойдин, баралла айтиш руҳи яққол кўриниб туради. Бу мактублар, айти вақтда, 80-йиллар танкидчилигида жиддий изланишлар ва ўзгаришлар бўлганини кўрсатади.

Ўзбек танкиди тарихида мунаққид чиқишларига шоир ёки ёзувчининг жавоб бериши, у билан баҳсга киришуви, борингки, ўзини химоя қилиши кам учрайдиган ҳодиса. Бу ҳолни маълум даражада 20-йиллардаги адабий жараёнда ҳам кузатиш мумкин эди. Адабий мактубда мунаққиднинг мунаққидга мактуби (кўпроқ жавоб тарзида) тури ҳам бор. Бу тур 20-йилларда анча тарқалган эди. Фитратнинг «Ёпишмаган ғажаклар»и бунга шаклга мисолдир. Аммо бундай асарларнинг жанрий чегараси хали

аниқланган эмас, уларни баъзида мақола, баъзида мактуб деб аташ ҳамон давом этмоқда. Хактери, руҳи, ёзилиш сабабларидан келиб чиқиб, адабий-танкидий мактуб сифатида қараш мақбулдир.

Юқорида эътироф этилган У.Азимнинг мактуби ҳам шу руҳда битилган. У танкидчи мақоласини ўқиб, 20-йиллар анъанасида мактуб ёзишга азм қилганини айтади. Унинг очик хатига жавобан ёзилган танкидчи мактубида шоир билан очик мунозарага киришилади. Танкидчи шоир даъволарига қарши ўзининг далилларини келтиради. Бу мактубларда ҳар иккала томон зўр бериб, асосан, ўз фикрини маъқуллаш йўлини тутдики, бундай тортишув адабий жараёнга кўп ҳам наф келтирмайди, чунки уларда ҳолисликдан кўра, тарафкашликка сезилмаган ҳолда йўл қўйилади.

Ўзбек адабиётида ёзувчиларнинг мактублари ҳозиргача деярли ўрганилмай келаётир. Холбуки, С.Айний, Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Саид Аҳмад, П.Қодиоров, О.Ёқубов ва бошқа кўплаб ижодкорлар мероси адабий мактубларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу жанрни жонлантиришда Ш.Холмирзаев фаоллигини таъкидлаш ўринли. Мактубнинг бу тури танкиддан кўра бадий ижодга тегишли, шу боис уларни алоҳида ўрганиш керак. Бу мактублар ижодкорларнинг яхлит киёфасини ўрганиш ва яратишда муҳим ўрин тутди.

Кейинги йилларда ўзбек адибларига китобхонлар ёзган хатлар ҳам, ўзига хос тарздаги адабий-маданий бойлик экани маълум бўлиб бормоқда. Бунга шоир Шукруллога ёзилган юзлаб хатлар асосида тузилган "Ғойибона муҳаббат" (2011) тўплами мисол бўла олади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, адабиётга дахлдор мактублар адабий жараёнда ҳам, ижодкорлар ҳаётида ҳам маълум ўринга эга ва уларнинг турли шакллари мавжуд. Адабий-танкидий мактубларнинг тур ва кўринишлари уларнинг структураси, бадийлиги ва публицистик руҳини, шакл ва мазмун, тили, мунаққид киёфаси, услуби каби муаммоларни ўрганиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун адабий-танкидий мактубни тадқиқ этиш, юксак санъат асарлари яратиш йўлидаги санъаткор жонбозлигини кўрсатиш учун муҳим аҳамият касб этади. Адабий-танкидий мактублар кимга атаб ёзилганидан, қандай характерда эканидан катъи назар, ўзбек адиби ва адабиёти, умуман, адабий танкиднинг бадий савияси ўсишига, унинг ранг-баранг жилоланишига хизмат қилади.

Адабий-танкидий суҳбатнинг ўзига хос хусусиятлари. Суҳбат икки ва ундан ортиқ шахснинг ўзаро мулоқотидир. Мулоқот турли характер ва йўналишда бўлиши мумкин. Адабиёт ҳақида, санъат ҳақида икки киши (олим ва адиб, танкидчи ва шоир) аро кечувчи суҳбат танкидчилиқнинг гўзал ва кизиқарли шаклларида биридир. Суҳбатда бир-бирини тушуниш ёхуд принципиал равишда бир-бири билан келиша олмагликдан катъий назар, унда мавзунини чуқур идрок ва ҳис эта олгувчи мутахассислар иштирок этади. Ёзувчи билан танкидчи, мунаққид билан шоир, драматург

билан олим ўртасидаги суҳбатда адабиёт, ижоднинг нозик муаммолари, бахсли нукталари ёритилади. Адабий асар, адабий жараён, ижодий лаборатория ҳақида жамоатчиликка, мутахассисларга янги маълумотлар берилади, у ёки бу масалага мустақил нуктаи назар илғари сурилади.

Суҳбат адабий танқиднинг алоҳида бир жанри саналиб, ўзига хос табиатга ва хусусиятларга эга. Унда икки суҳбатдош-ёзувчи ва танқидчининг ёхуд ёзувчи - ёзувчи, мунаққид-танқидчи қиёфаси, қалби, фикрлаш тарзи, маънавий дунёси, диди яққол кўриниб туради. Мулоқотда суҳбатдошларнинг адабиёт ҳақидаги қарашлари, фикрлашлари, бадиий ва илмий тафаккур тарзи, адабий жараёнга, бадиий асарга, адабий муаммоларга муносабати, эстетик ақидалари ёрқин намоён бўлади. Суҳбат жараёнида мужмал тушунмовчиликларга ўрин қолмайди, кескин мунозаралар ҳақиқатнинг кўзини очишга йўналтирилади. Баъзида суҳбатдошларнинг қарашлари бир-бирига тўғри келмаслиги, улар бир-бирини рад этиши мумкин. Лекин, асосийси, улар суҳбат моҳияти юксак адабиётга ва китобхон манфаатига хизмат этади. Шу билан бирга адабий-танқидий суҳбат орқали суҳбатдошлар сиймоси, қиёфаси, табиати, характериға хос муҳим белгилар очилади.

Адабий танқиднинг кизикарли саналувчи бу жанри кўп асрлик анъаналарга эга. Тарихий илдизлари Сукрот, Афлотун суҳбатлари ривожланган қадимги юнон адабиётига бориб такалади. Матбуот пайдо бўлгунча, бизда бу жанр оғзаки тарзда - бедилхонлик, навоийхонлик, машрабхонлик каби оғзаки шаклларда ҳукм суриб, турли мушоираларда бўй кўрсатган.

В.Г.Белинский ҳам бу жанрга тез-тез мурожаат қилгани маълум. Унинг кўп мақолалари суҳбат шаклида ёзилган. Масалан, «Рус адабиёти 1814-йилда» йиллик обзорини ёзишда суҳбатдан фойдаланган. Танқидчи ва шоир Кольцов эса Белинскийнинг суҳбат шаклидан фойдаланганига қарши чиқади. «Танқид тўғридан-тўғри бир шахс томонидан айтилиши керак ва у буйруқ каби таъсир қилиши лозим», - деб ҳисоблайди¹⁷⁶. Шунинг таъсиридами, кейинчалик Белинский ижодида суҳбатга эътибор сусая борган.

Улуғ рус шоири А.С.Пушкин ҳам суҳбатга катта эътибор билан қарайди. Қерда санъатга муҳаббат бўлмаса, у ерда танқид ҳам бўлмайди, деб ҳисоблайди шоир. Пушкиннинг «Танқид ҳақида суҳбат» асари адабий-танқидий суҳбат жанрининг ёрқин намунасидир.

Пушкин суҳбатдошлари номини А ва В деб белгилайди. Суҳбат савол-жавоб билан бошланади.

«А. Сиз «Галотей»нинг охириги сонида NN нинг танқидини ўқидингизми?

В. Йўқ, мен рус танқидини ўқимайман.

А. Бехуда қиласиз. Бошқа ҳеч нарса сизга бизнинг адабиётдаги аҳвол ҳақида тушунча беролмайди».

Шу тарика ўша давр танқидчилигига баҳо берилади. Суҳбатдошлар аро мусоҳиб қарашларини инкор этиши руҳи қучли.

«В. Танқид бизда ҳеч қандай овозга эга эмас, шубҳасиз, юқори табақадаги ёзувчилар рус журналларини ўқимайдилар, уларни макташ ёки сўқишни билмайдилар...

А. Мен нафакат ўз қониқишларим, балки сўз санъати фойдасини олқишлайман».

Икки тараф баҳси асосига қурилган суҳбатдан Пушкиннинг ўша давр адабий танқидчилигига берган баҳосини аниқ билиб олиш мумкин. Замондошлари фикрича, Пушкиннинг бу суҳбати тугалланмай қолган.

Рус мумтоз адабиётида Б.Сумароков бу жанрда фаол. XIX аср рус танқидчилигида суҳбат В.Жуковский ижодида ҳам учрайди. Унинг «Танқид тўғрисида» мақоласи тўлиқ диалог-суҳбат шаклида ёзилган. Кўринаётирки, рус танқидчилигида ёзувчи ва танқидчилар суҳбатига кўпроқ мустақил - фикрларни ифодалаш воситаси сифатида қаралган.

Инглиз ёзувчиси ва танқидчиси Роберт Пен Уорреннинг «Как работает поэт» («Шоир қандай ишлайди?») китоби мақолалар, интервьюлар ва суҳбатлардан ташкил топган. Булар «Харви Брайт билан суҳбат», «Автоинтервью», «Қочоқлар билан учрашув. Вандер Билт университетидеги суҳбат», «Бадиий наср санъати ҳақида суҳбат», «Нью-Йорк штатидаги Юнион коллежи талабалари билан суҳбат» ва ҳ.к. Бу суҳбатларнинг ўзига хослиги шундаки, уларда битта танқидчи эмас, икки ва ундан ортиқ танқидчилар иштирок этадилар. Масалан, «Қочоқлар учрашуви»даги суҳбатда Уоррен, Тейт, Рэнсон, Элиотлар қатнашадилар. Суҳбатда кўпроқ Уоррен етакчилик қилади.

Ёзувчининг «Бадиий наср санъати ҳақида суҳбат»ида ҳам уч танқидчи қатнашади.

Ўзбек танқидчилигидаги суҳбатларда кўпроқ икки суҳбатдош мулоқоти кенг тарқалган. Бир неча суҳбатдошлар иштирокидаги давра суҳбатлари ҳам учрайди. Бунга сўнгги йилларда У.Норматов, Б.Назаров, И.Ғауров, Б.Саримсоков, Н.Раҳимжонов, Қ.Йўлдошев, С.Мели иштирокида «Мустақиллик даври шеърляти» ҳамда П.Қодиров, У.Норматов, А.Расулов, Н.Худойберганов, Б.Назаров, Д.Алимова иштирокидаги «Мустақиллик даври насри» мавзудаги давра суҳбатларини кўрсатиш мумкин. (ЎзАС, 2005, 20 май; 22 август).

Адабий-танқидий суҳбатлар бир неча ички кўринишларга эга:

1. Ёзувчи билан мунаққид суҳбати.
2. Танқидчи билан адабиётшунос суҳбати.
3. Ижодкор (ёзувчи, шоир) билан ижодкор суҳбати.
4. Мунаққид билан китобхон суҳбати.

¹⁷⁶ Егоров Б. О мастерстве литературной критики. Л., 1980. - С. 176.

5. Давра суҳбати (танкидчилар гурунгини ҳам шунга киритиш мумкин).

Ёзувчи билан мунаққид суҳбати. Суҳбатнинг бу тури, асосан, 70-йилларда ривожланди. У кўпроқ адабий жараёндаги муаммоларни ҳам, ёзувчи ижодидаги айрим масалаларни қамраб олишга ҳаракат қилади, фаоллиги билан ажралиб туради. Бунда ёзувчи ижодий лабораториясига онд маълумотлар, адибнинг ўз амалий фаолиятдан чиқарган назарий хулосалари акс этади.

Адабий-танкидий суҳбатнинг бу хилини ривожлантиришга С. Мамажонов, У. Норматов, О. Шарафиддинов, И. Ҳаққулов, Н. Худойберганов, М. Саъдий каби мунаққидлар ўз хиссаларини қўшдилар. Бу борада, айниқса, У. Норматов суҳбатларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Танқидчи билан адабиётшунос суҳбати. Суҳбатнинг бу тури ўзбек танкидида кенг тараккий этмаган бўлса-да, сўнгги босқичда жонланиш сезилади. Адабиётшунос О. Абдуллаевнинг мунаққид О. Шарафиддинов билан суҳбати унинг гўзал намуналаридан бирidir. Мунаққид устозга унинг наинки, ҳозирги катта тажриба орттирган ижодий даври, балки ёшлик йиллари ҳақида ҳам катор саволлар беради. Суҳбатда О. Шарафиддинов ўз болалик йиллари, дастлабки ўқиган бадий асарлари, мактабдаги таҳсил, катагон даврининг жонли хотиралари ҳақида сўзлайди. Бу маълумотлар биринчидан, ўқувчини мунаққиднинг ҳаётига чуқурроқ олиб қиради, қолаверса, унинг портретига чизгилар сифатида кимматлидир. Икки суҳбатдошнинг адабий танкид моҳияти, адабий жараёндаги ўрни, нуксон ва ютуқлар, замон ва адабиёт муаммоларига онд қарашлари танкиднинг жонли манзараларини кўриш ва кузатишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Сўнгги йиллардаги У. Норматов, Ҳ. Болтабоев, И. Гафуров, Й. Солижонов, У. Ҳамдам, Э. Очиловларнинг бу йўналишдаги суҳбатлари, адабий танкид ва адабий жараёни янада жонлантирмоқда. Бу суҳбатлар ҳам адабиётшунос олимнинг, ҳам халқ меҳрини қозонган истеъдодли мунаққиднинг илмий, ижодий киёфасини, суҳбат маданиятини кўрсатишга хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, «Шарқ юлдузи», «Ўзбек тили ва адабиёти» журналлари саҳифаларида танкидчи ва адабиётшуносларнинг ўзаро суҳбатлари тез-тез берилаптики, демак, уларга қизиқиш йилдан йилга кучайиб бормоқда.

Ижодкор (ёзувчи, шоир) билан ижодкор суҳбати. Э. Воҳидов, Ў. Ҳошимов, А. Орипов каби машҳур ёзувчи ва шоирларнинг ёш ижодкорлар билан суҳбати жамоатчилик томонидан доимо катта қизиқиш билан кутиб олинади. Масалан, ёш ижодкор Сафар Оллоёвнинг Шукур Ҳолмирзаев билан суҳбати («ЎЗАС», 2002 йил, 22 ноябрь)да сарлавҳасига ёзувчи сўзлари чиқарилган: «Жаҳонбоп асар ёза оламан, лекин...» деб номланган. Бу сарлавҳанинг ўзиёқ ўқувчини жалб этиш хусусиятига эга,

аниқроғи, унда структурал жиҳатдан қизиқтирувчи код мавжуд. Суҳбатда адабиётнинг дунёга чиқишида таржиманинг роли ҳақида фикр юритилади. Самимий, дилдан ўртоқлашиш руҳида ташкил этилган суҳбатдан Ш. Ҳолмирзаевнинг ҳақиқатгўй, адолатпарвар ва катта орзулари билан яшаган киёфаси китобхон хотирасида сақланиб қолади.

Мунаққид билан китобхон суҳбати ўзбек танкидчилигида кам учрайди. Юкорида эслатганимиз инглиз адиби ва танкидчиси Р. П. Уорреннинг «Нью-Йорк штати Юнион коллежи талабалари билан суҳбат»и бу жанрнинг ёркин намунасидир. Бундай суҳбатларда ёзувчи кенг китобхонлар оммасининг суҳбатдош мисолидаги вакили билан юзма-юз учрашиш имконига эга бўлади. Айни вақтда, оддий китобхоннинг адиб билан, асарларини ўзи севган (ёки севмаган) ёзувчи билан юзма-юз учрашуви унинг китобхон сифатидаги иқтидори, дили шаклланиши, у ёки бу адабий-эстетик муаммоларни ойдинлаштириб олишда муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, ёзувчи ва китобхон суҳбатининг баҳс характерида кечиши унга салкам бадий асар тусини беради ҳамда бундай суҳбатга ишқибозлар аудиториясининг кенгайиши сабаб бўлади. Бизнинг газета ва журналлар, танкидчилар адабий-танкидий суҳбатнинг бу турига ҳам эътибор қаратишса, ўзининг гўзал самараларини бериши шубҳасиздир.

Танқидчининг олимлар билан суҳбати. Суҳбатнинг бу тури ўзбек танкидчилигида кўп учрайди. Унинг ёркин намуналари танкидчи адабиётшунос ва мунаққид И. Ҳаққул ижодида қузатилади. Олимнинг (1991) «Ғазал гулшани» деб номли китобидаги суҳбатларни муаллифнинг ўзи «адабий суҳбатлар» деб атайди ва улар «тахлил-мушоҳада шаклида» ёзилганини таъкидлайди.

Иброҳим Ҳаққул суҳбатлари ўзининг ниҳоятда эркинлиги билан диққатни жалб этади. Мунаққид баъзи суҳбатларда бўлгани каби саволлар бериб ўтирмайди. Масалан, «Ғоявийлик ва маҳорат чўккиси» деб сарлавҳаланиб, профессор А. Ҳайитметов билан олиб борилган суҳбат Алишер Навоий ғазаллари, улардаги адабий анъана ва янгиликнинг ўрни каби масалаларга бағишланган. Суҳбатда Навоий ғазалларидаги анъана ва янгилик хусусида фикр юритилади.

Суҳбатларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, суҳбатдошлар қайси шоир ҳаёти, ижоди ҳақида фикр юритмасинлар, масалага кўпинча жаҳон адабиёти, юксак санъат мезонлари асосида ёндашишга ҳаракат қиладилар.

Давра суҳбати. Номидан кўрииб турганидек, бу бир неча суҳбатдошлардан ташкил топади. Суҳбт кўпинча муайян муаммо атрофида уюштирилади. Ёки бирор ижодкор ҳаёти, ижодини чуқурроқ ўрганишга бағишланади.

Адабиётшунос С. Мамажонов «Адабий жараён ва адабий журналларда адабий танкид» мақоласида 1983 йилда «Ёшлик» журналида эълон қилинган суҳбатлар ҳақида атрофлича фикр юритади. "Шакл – томир,

мазмун – конми?” деган давра суҳбати ўқувчини ўйлашга мажбур этадиган хусусиятга эга эканлиги кўрсатилади. “Ёшлик” журнали “Литературная учёба” журнали билан ҳамкорликда ибратли бир эксперимент – тажрибасига жамоатчилик эътибори тортилди. Миллийлик, шакл, анъана ва новаторлик, таржима, тил масалалари муҳокама қилиниб, А.Мухтор, М.Қўшжонов, О.Ёқубов, Э.Вохидов, И.Ғафуров, О.Матжон каби адиб ва мунаққидлар иштирок этган бу давра суҳбати ўз вақтида наинки Ўзбекистон, балки ундан ҳам кенгрок микёсдаги китобхонлар эътиборини жалб этди. Кўтарилган масалалар, айниқса, ёшлар ижоди, уларнинг бугуни ва эртаси билан гипс боғлиқликда ёритилди. Ўша вақтда тилга олинган катор ёш ижодкорлар кейинчалик, миллий адабиётимизнинг пешкадам намояндалари бўлиб етишди.

«Янгиланиш умиди» деб номланган давра суҳбати ўзбек адабиётшунослигининг бугуни ва келажаги муаммосига бағишланган. Унда Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтининг ёш олимлари катнашганлар. «Гулистон» журналида эълон этилган мазкур давра суҳбатида адабиётшуносликда турғунлик даври қолдирган асоратларнинг сабаб ва оқибатларини очишга ҳаракат қилинган. Ташаббусларга йўл очиш, илмда соғлом ижодий муҳит яратиш, жаҳон микёсидаги илғор тажрибаларни ўзлаштириш, иқтидорли ёшларга эътиборни кучайтириш каби муҳим масалалар кун тартибига қўйилгани ушбу суҳбатнинг илмий-назарий аҳамиятини белгилаб беради.

«Болалар адабиёти юксалиш машаққатлари» деб номланган давра суҳбати («ЎзАС», 2002 йил 24 май)да болалар адабиёти муаммолари билан шуғулланувчи мутахассислар, шоир ва адиблар катнашдилар ва мустақиллик даври болалар адабиётида бадий бакувват асарлар яратишнинг долзарб муаммолари ҳақида фикр юритилди.

Танқидчилар гурунги. Аталишидан кўриниб турганидек, бу суҳбат турида, асосан, мутахассислар иштирок этадилар. Мавзу ва муаммо кўпинча, адабий танқид хусусида бўлса-да, бундай суҳбатлар бадий адабиёт ва ижодиётнинг турли йўналишидаги масалалар атрофида ҳам бўлиши мумкинлигини инкор этмайди. Масалан, «Бугунги танқид ҳақида қандай фикрдасиз» деб номланган («ЎзАС», 1984 йил, 4 май) давра суҳбатини газетанинг бош муҳаррири О.Ёқубов олиб борди. Суҳбатда танқид тараккиёти, ютуқ ва камчиликлари, айниқса, ўрганилмай келинаётган масалаларга эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, адабий-танқидий суҳбат жанри ўз вазибалари, ўз моҳияти, ўз мақсадига эгадир. Унинг бошқа жанрларидан фарқли ва асосий хусусиятларидан бири шундаки, адабий жараён, мутахассислар ва китобхонлар, бир вақтнинг ўзига, у ёки бу муаммо хусусида, кўпларни кизиктириб келаётган ечими ёхуд ёритилиши қутилаётган масала ҳақида турли қарашларнинг гувоҳи бўлади. Бундай имкониятни факатгина давра суҳбатлари бериши мумкин. Кўпларда янги

фикр уйғотиш, борларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, айримларидан воз кечишда бундай давра суҳбатлари муҳим аҳамиятга эгадир. Шу маънода унинг имкониятлари бошқа жанрларга нисбатан кенгрокдир. Давра суҳбатида нима ҳақда мулоқот олиб борилмасин, фикрлар чархланади, бир-бирини тўлдиради, бир муаммо атрофида турлича нуктаназарлар илгари сурилади. Шу фазилати билан давра суҳбати адабий жараён йўналишига фаол ва самарали таъсир кўрсата олади.

Э.Межелайтеснинг “Тунги капалаклар” китобидаги тубандаги мулоҳаза эътиборни тортади. “...Биродар, агар сен шахсият ҳақида фикр юритмокчи бўлсанг, энг аввало, уни яхши хис қилишнинг сўнг эса яхши тушуна олишинг керак. Энг аввало қалб билан, шундан сўнг эса онг билан

Дастлаб ўзида енгил ва ёқимли шаббодадек Ҳофиз шеърятининг наъҳасини ташувчи эпкиннинг сийпаланишини ўзингда хис қилишнинг керак, факат ана шундагина унинг муаттар бўйидан қоникиб нафас оласан”¹⁷⁷. Бу фикрларни танқидчиликнинг барча жанрларига нисбатан қўллаш мумкин. Танқидчи юқоридаги хусусиятларга амал қилса, ёзгани санъат даражасига яқинлашади. Умуман, адабий танқиднинг ҳамма жанрлари адабиётга, адиб ва бадий асарга муҳаббат самарасининг ўзига хос шаклларидир. Санъатга муҳаббат бўлмаган жойда танқид бўлмайди. А.С.Пушкин таъбири билан айтганда: «Танқид санъат ва адабиёт асарларининг гўзаллиги ва нуксонини очиб берувчи фандир». Шундай экан, ҳақиқий мунаққид бўлишни истаган кишидан санъатни севиши ва ўзига хос иқтидор эгаси бўлиш талаб қилинади.

Таянч тушунчалар: мактуб, хат, очик хат, адабий-танқидий мактуб, ёзувчи мактуб, китобхонга мактуб, танқидчининг танқидчига мактуби, мактубда шакл ва мазмун бирлиги, танқидчи ва ёзувчи суҳбати, хат қурилиши, суҳбат, мулоқот, танқидчилар гурунги, давра суҳбати, танқидчи иқтидори.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Адабий-танқидий мактубларнинг илдири ҳақида гапиринг.
2. Жанрий белгилар деганда нимани тушунсиз?
3. Адабий-танқидий мактубларнинг турли шакллари ҳақида гапиринг.
4. Адабий суҳбат жанрининг ўзига хослиги нимада?
5. Суҳбатнинг қандай ички турлари мажуд?
6. Адабий-танқидий суҳбатнинг бошқа жанрлардан фарқи нима?

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Аҳмедова Ш. Мактубот ва адабий танқид. Т. Фан, 2005.
2. Аҳмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. Т. 2008.
3. Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. Т. «Фан». 1986.

¹⁷⁷ Камалак. Тўплам. 1998

5. Пушкин А.С. Танланган асарлар. 8-том. Тошкент. 1982, - Б.238.
6. Қўшжонов М. Ижод масъулияти. Т. Адабиёт ва санъат, 1981.
7. Гафуров И. Ҳаё - ҳалоскор. Т. «Маънавият». 2009.
8. Ҳаққулов И. Ижод иклими. Т. 2009.

КИРИШ

БИРИНЧИ БЎЛИМ	4
Адабий танкид фан сифатида. Унинг ижтимоий эстетик моҳияти, мақсади ва вазифалари.....	4
Адабий танкиднинг ўзига хос хусусиятлари.....	24

ИККИНЧИ БЎЛИМ	34
ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНКИДИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСКИЧЛАРИ.	

Ўзбек адабий танкидчилигининг пайдо бўлиши ва шаклланиши тамойиллари (1900- 1925).....	34
Абдурауф Фитрат	65
Чўлпоннинг адабий-танкидий қарғишлари.....	74
Вадуд Махмуд.....	83
Ўзбек адабий танкидчилиги мафкуравийлаштирилиши ва реализм учун кураш жараёнида (1927-1990 йиллар).....	92
Ойбекнинг адабий-танкидий қарашлари.....	154
Иззаг Султон.....	162
Ҳ.Ёқубов	170
М.Қўшжонов.....	176
С.Мамажонов	187
Н.Худойбергенов.....	192
И.Гафуров	196

УЧИНЧИ БЎЛИМ	206
ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНКИДИ (XX асрнинг 90-йиллари ва XXI аср бошлари).....	206
Озод Шарафиддинов	252
Н. Каримов	262
У.Норматов.....	272
Б.Назаров	281
А.Расулов.....	288
И.Ҳаққулов.....	293
Адабий танкидда таҳлил ва талқин муаммолари.....	302

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ	341
ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНКИДИНИНГ ЖАНРИЙ ТАРКИБИ	
Ўзбек адабий танкидчилигининг жанрий таснифи. Такриз.....	341
Адабий -танкидий мақола жанри	352
Тарихий- биографик ёндашувга асосланган адабий танкид жанрлари.....	364
Адабий мулоқотга асосланган жанрлар.....	382

БАХТИЁР НАЗАРОВ, АБДУҒАФУР РАСУЛОВ,
ШОИРА АХМЕДОВА, ҚУРДОШ ҚАҲРАМОНОВ

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДИ ТАРИХИ

Дарслик

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
университетлар ва педагогика олий ўқув юртларининг
филология факультетлари учун дарслик сифатида тавсия этган.*

Мухаррир: Тўра Мирзаев
Дизайнер: Назиржон Тўраев
Сахифаловчи: Асадулло Зоиров

Лицензия А1 № 168. 23.12.2009.
Босишга 30.04.2012 й. Рухсат этилади. Бичими: 60x84 1/16.
Times гарнитураси. Офсет коғози. Шартли б.т. 25,0.
Нашири т.25,0. Адади 1000 нусха. Буюртма № 67.
Баҳоси келишилган нархда.

“Tfakkur qanoti” нашриёти. Тел.: (+99890) 945-50-87
Тошкент, 1-тор, Мирсолихова кўчаси, 13-уй.
Нашриёт манзили: Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

«STANDART-POLIGRAF»
Хусусий ишлаб чиқариш корхонасида чоп этилди.
Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 6-уй.
Тел: 223-47-08. E-mail: Standartpol@list.ru



Бахтиёр Назаров - ЎзРФА
академиги, филология фанлари
доктори, профессор,
Алишер Навоий номидаги Тил
ва адабиёт институти



Расулов Абдугафур -
Ўзбекистон Республикаси фан
арбоби, филология фанлари
доктори, ЎЗМУ профессори



Ахмедова Шоира - филология
фанлари доктори, Бухоро
давлат университети



Қаҳрамонов Курдош -
филология фанлари доктори,
Тошкент давлат педагогика
университети

ISBN 978-9943-382-31-2



9 789943 382312